

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАХСУС КАСБИЙ-ФАҢЛАР КАФЕДРАСИ**

**“ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“МАЙОР” МАХСУС УНВОНИНИ БЕРИШ УЧУН  
МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ**

**Муаллифлар:**

Ф.Ф.Хатамов	Махсус касбий-фанлар кафедраси бошлиғи, сиёсий фанлар доктори, доцент;
З.М.Алиева -	Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
Т.Ҳ.Ғозибеков	Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
М.Х.Ачилов	Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
Ф.Ш.Хидиров	Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
Б.М.Ганиев	Махсус касбий-фанлар кафедраси ўқитувчиси;
Х.Х.Хосилов	Махсус касбий-фанлар кафедраси ўқитувчиси;
М.А.Умарова	Махсус касбий-фанлар кафедраси кабинет бошлиғи;

**Такризчилар:**

М.И.Сувонкулов	МОИ Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент
А.А.Матчанов	Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор

**А-50** “Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги **“майор”** махсус унвонини бериш учун махсус малака ошириш ўқув курсларининг I- ва III- модуллари бўйича: Ўқув услубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 475 бет.

Ўқув услубий мажмуа Ички ишлар органларида фаолият юритаётган офицерлар таркибида хизмат фаолиятини олиб бораётган ходимлар, ИИВ таълим муассасалари тингловчилари, курсантлари учун мўлжалланган бўлиб, **“Ижтимоий гуманитар тайёргарлик”** ва **“Махсус-касбий тайёргарлик”** модулининг мақсади тингловчиларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини янгилаш, чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишга қаратилган.

Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятининг бошқарув, етакчилик усуллари, касбга хос хусусиятларини аниқлаш, амалиётда қўллаш, касб маҳоратини шакллантириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда ички ишлар органларида хизмат ўташни ташкил этиш, ички ишлар органларида мурожаатлар билан ишлашни ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олишда уларда шахсий маъсулиятни ошириш мақсадида барча ИИВ таълим муассасалари шунингдек, тизимда хизмат олиб бораётган офицер ходимларининг касбий маҳоратини оширишда ўқув услубий мажмуа сифатида фойдаланишга тавсия қилинади.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	5-6
Модул бўйича дарслар тақдимоти.....	7-8

### I. ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ТАЙЁРГАРЛИК

#### 1. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

<b>1.1.Мавзу:</b> Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича кўшимча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти .....	9-17
<b>1.2.Мавзу:</b> Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепциясининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамияти.....	18-24
<b>1.3.Мавзу:</b> Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш.....	25-47
<b>1.4.Мавзу:</b> Мулоқот психологияси, муомала маданияти ва ностандарт ҳамда ИИО ходимларини характери.....	40-79

### III. МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

#### 1. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

<b>1.1.Мавзу:</b> Янги Ўзбекистон стратегияси: демократик ислохотлар асоси...80-95	
<b>1.2.Мавзу:</b> Ўзбекистон Республикаси “Жамоат хавфсизлиги концепсияси” асосида ички ишлар органлари учун белгиланган муҳим вазифалар.....	96-120
<b>1.3.Мавзу:</b> Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида ички ишлар органларига белгиланган устувор йўналишлар.....	121-146

#### 2. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

<b>2.1.Мавзу:</b> Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган янги ислохотлар.....	147-164
<b>2.2.Мавзу:</b> Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-кариера жараёни тизимининг аҳамияти.....	165-185
<b>2.3.Мавзу:</b> Ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинида ташкил этилган таркибий тузилманинг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари.....	186-202

#### 3. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>3.1.Мавзу:</b> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солувчи ва вазифасини белгиловчи қонуннинг аҳамияти.....	203-224
<b>3.2.Мавзу:</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябр кундаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413сонли қарорининг мазмун-моҳияти.....	225-262
<b>3.3.Мавзу:</b> Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг мазмун-моҳияти.....	263-280
<b>3.4.Мавзу:</b> Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини беришда учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечими. ....	281-288

**3.5.Мавзу:**Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.....289-302

**3.6.Мавзу:**Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини аҳамияти ва ундан фойдаланиш.....303-322

#### **4. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**4.1.Мавзу:**Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш.....323-340

**4.2.Мавзу:**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар билан ишлашда ички ишлар орган ходимлари томонидан йўл қўйилган қачиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари.....341-355

**4.3.Мавзу:**Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини ташкил этишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва аҳамияти.....356-367

#### **5. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ**

**5.1.Мавзу:**Терроризм, экстремизм тушунчаси ва моҳияти, унга қарши курашишда ички ишлар органларининг вазифалари.....368-378

**5.2.Мавзу:**Ислом динининг тарихи, йўналишлари, мазҳаб ва мактаблари тўғрисидаги махсус билимларни ИИОлари фаолиятида аҳамияти.....379-408

**5.3.Мавзу:** Одам савдоси-давр муаммоси. Ички ишлар органлари олдида турган вазифалар.....409-421

**5.4.Мавзу:** Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларига қарши курашиш ва олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш.....422-442

Глоссарий.....443-446  
Тахминий саволлар.....444-444  
Асосий адабиётлар.....443-447



## КИРИШ

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисобланади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органларининг муҳим ўринни эгаллаши;

- бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўйилиши;

- ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка катта таҳдид солинишини олдини олиш;

- мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз хушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилиниши;

- ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш.

**“Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “майор” махсус унвонини бериш учун махсус малака ошириш ўқув курси модулнинг вазифалари:**

• Ички ишлар органларини ходимларини ижтимоий-гуманитар тайёргарлигини, маънавий-маърифий тайёргарлигини оширишда халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича касбий маҳоратини ошириш;

• Тинловчиларнинг махсус касбий тайёргарлигини оширишда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асослари, жамоат хавфсизлиги концепсияси асосидаги йўналишларни тўғри ўзлаштиришга кўмаклашиш;

• Ички ишлар органларида хизмат ўташни ташкил этишда мавжуд ҳуқуқий норматив ҳужжатларнинг аҳамияти ва хизмат фаолиятида тутган ўрнини амалга оширишда тегишли билимларни эгаллаш;

**Модул бўйича тинловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

• хизмат фаолияти давомида маънавий-маърифий тайёргарлик ва махсус касбий тайёргарлик борасида ижрога қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўзлаштиришга қаратилган билимларга эга бўлиши керак;

• ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликларни доимий равишда такомиллаштириб боришда етарли кўникмаларга эга бўлиши зарур;

• мурожаатлар билан ишлаш ва жинойтчиликка қарши куршашиш ҳамда уни олдини олишда белгиланган йўналишдаги вазифаларни ўз фаолиятида тўғри қўллашда малакаларини эгаллаши лозим;

**Тинловчи:**

• Хизмат фаолиятида давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни;

- шахснинг инсон ҳуқуқлари, қонунчилик соҳасидаги ислохотлар талабларини;
- ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;
- билимларга эга бўлиши керак;

**Тингловчи:**

- ўз фаолиятини режалаштириш;
- маънавий салоҳияти ва мафқуравий иммунитетини кучайтириш;
- халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлаш;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича “ходимбай ишлаш” тизимини ўзлаштириш;
- ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;
- доимий равишда интеллектуал ва касбий билимларини такомиллаштириб бориш *қўникмаларига* эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва жамоат тузилмалари ҳамда бошқа давлат органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- фуқаролар, турли тоифадаги ҳуқуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш;
- фаолиятига таалуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш **малакаларни** эгаллаши лозим.

**Тингловчи:**

- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;
- иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш;
- самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;
- илғор хорижий ва миллий иш тажриба ва услубларини амалиётга тадбиқ этиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“МАЙОР” МАХСУС УНВОНИНИ БЕРИШ МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ  
КУРСИ УЧУН БЛОК (МОДУЛ)ЛАР БЎЙИЧА МАНГУЛОТЛАР ТАҚСИМОТИ:**

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим
		Жами	Жумладан				
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Назорат	
	<b>ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ТАЙЁРГАРЛИК</b>						
	<b>1. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК</b>	<b>10</b>	<b>2</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>2</b>	<b>-</b>
1.1	Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти	2	2	-	-	-	-
1.2	Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепциясининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамияти	2	-	2	-	-	-
1.3	Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш	4	-	2	-	2	-
1.4	Мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ностандарт ва ИИО ходимларини харакати	2	-	2	-	-	-
	<b>III. МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК</b>						
<b>1</b>	<b>Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>
1.1	Янги Ўзбекистон стратегияси: демократик ислохотлар асоси.	2	-	2	-	-	-
1.2	“Жамоат хавфсизлиги концепцияси” асосида ички ишлар органлари учун белгиланган муҳим вазифалар	2	-	2	-	-	-
1.3	Аҳолига нарколомик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида ички ишлар органларига белгиланган устувор йўналишлар	2	-	2	-	-	-
<b>2.</b>	<b>Ички ишлар органларида амалга ошириладиган ислохотлар ва янгилıklar</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>
2.1	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар	2	-	2	-	-	-
2.2	Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-кариера жараёни тизимининг аҳамияти	2	-	2	-	-	-
2.3	Ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинида ташкил этилган таркибий тузилманинг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари	2	-	2	-	-	-
<b>3.</b>	<b>Ички ишлар органларида хизмат ўташни ташкил этиш</b>	<b>24</b>	<b>4</b>	<b>12</b>	<b>-</b>	<b>8</b>	<b>-</b>
3.1	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солувчи ва вазифасини белгиловчи қонуннинг аҳамияти	6	2	2	-	2	-
3.2	Ички ишлар органларида хизматни ўташни ўзига хос хусусиятлари	4	-	2	-	2	-
3.3	Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва интизоми кодексининг мазмун-моҳияти	6	2	2	-	2	-
3.4	Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини беришда учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечими	2	-	2	-	-	-
3.5	Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари	2	-	2	-	-	-



3.6	Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш тизимини аҳамияти ва ундан фойдаланиш	4	-	2	-	2	-
4.	<b>Ички ишлар органларида мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш</b>	<b>8</b>	-	<b>6</b>	-	<b>2</b>	-
4.1	Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш	2	-	2	-	-	-
4.2	Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар билан ишлашда ички ишлар орган ходимлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари	2	-	2	-	-	-
4.3	Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини ташкил этишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва аҳамияти	4	-	2	-	2	-
5.	<b>Жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олиш фаолияти</b>	<b>10</b>	-	<b>8</b>	-	<b>2</b>	-
5.1	Терроризм, экстремизм тушунчаси ва моҳияти, унга қарши курашишда ички ишлар органларининг вазифалари	2	-	2	-	-	-
5.2	Ислом динининг тарихи, йўналишлари, мазҳаб ва мактаблари тўғрисидаги махсус билимларни ички ишлар органлари фаолиятида аҳамияти	2	-	2	-	-	-
5.3	Одам савдоси-давр муаммоси. Ички ишлар органлари олдида турган вазифалар	4	-	2	-	2	-
5.4	Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларига қарши курашиш ва олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш.	2	-	2	-	-	-
	<b>МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЕРГАРЛИК БУИИЧА ЖАМИ:</b>	<b>64</b>	<b>6</b>	<b>44</b>	-	<b>14</b>	-

## I. ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ТАЙЁРГАРЛИК

### 1.1-Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

##### Режа:

**1-ўқув саволи.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорининг мазмун-моҳияти. (тасдиқланган, белгиланган чора-тадбирлар ҳамда қабул қилинган таклифлар).

**2-ўқув саволи.** Қарордаги Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси»да кўрсатилган ишлар.

**1-ўқув саволи.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорининг мазмун-моҳияти. (тасдиқланган, белгиланган чора-тадбирлар ҳамда қабул қилинган таклифлар).

Сўнгги йилларда ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мазкур ҳужжат ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда “Инсон қадри учун” тамойилининг амалий ҳаётда тўлиқ ўз аксини топиш мақсадини кўзлайди.



#### «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида»ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш шунингдек, ИИОларини аҳолини ишончли ҳимоячиси сифатида **халқчил профессионал тузилмага айлантириш**, уларнинг **фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда**, ўзаро **ишонч ва ҳамжихатлик руҳида** ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда **қонун устуворлигини, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида** ишлаб чиқилди.

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори қуйидаги иловалардан иборат:**

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом.

3. Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар.

Қуйидаги асосий мақсадларга йўналтирилган **Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси** тасдиқланди:

\*ички ишлар органлари ходимларини «**Инсон кадри учун**» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

\*ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

\*ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.

### **Мазкур Кодекснинг қабул қилиниши натижасида:**

*биринчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти, ҳуқуқ-атвори, хизмат интизомини белгиловчи бир қатор, тарқоқ идоравий ҳужжатлар ягона тизимга келтирилди;

*иккинчидан*, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат раҳбари қарори билан Кодекс сифатида тасдиқланиши ундаги қоида ва талабларга бирдек амал қилинишини таъминлашга ҳамда уларнинг юридик аҳамияти ва даражаси ошишига хизмат қилди;

*учинчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат ўташдаги масъулияти бир поғонага ўсиши учун шароит яратди.

Қабул қилинган Кодекс ички ишлар органлари тизимида хизмат ўташ тартиби билан боғлиқ бир қатор кўрсатма ва талабларни ўзида ифода этиб, мазкур қоида ва талабларни билиш, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиш ҳар бир ходим учун мажбурий ҳисобланади.

Аҳамиятли жиҳати унда белгиланган қоида ва талабларга амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезони саналади. Шунингдек, Кодексдаги қоида ва талабларга амал қилмаслик ёки уларни кўпол равишда бузиш ходимни ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чорасини кўллаш учун асос бўлади.

Ички ишлар вазири ва унинг ўринбосари маънавий, маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департамент бошлиғи Кодекс қоидалари ва талабларига сўзсиз риоя этилиши, шунингдек, барча даражадаги раҳбар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари фақат қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш бўйича шахсан масъул этиб белгиланди.

Ҳозирда барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари бошлиқлари ўз бўйсунувидаги шахсий таркиб билан Кодекс талабларини бажаришга қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш, шунингдек, ходимларнинг оилавий-маиший муаммоларини доимий ўрганиш ва ҳал этиш бўйича самарали чораларни кўриш учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Шу билан биргаликда ПҚ-10-сонли Қарор асосида **Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини ошириш замон талаби ва долзарб вазифа эканидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар Департамент фаолиятини янада такомиллаштиришнинг **қуйидаги устувор йўналишлари этиб белгиланди:**

➤ ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, холис ва шаффоф тизимини яратиш, ўрнатилган тартибларни тубдан соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш;

➤ **маънавий-маърифий ишларни «таълим муассасасидан — хизматнинг охирига қадар» тамойили** асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш;

➤ хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўтказиш жараёнларида **мутахассис-психологларнинг** ролини ошириш;

➤ ички ишлар органларида истиқболли **ёш раҳбар кадрлар захирасини** шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш, уларнинг фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва доимий равишда ўқитиб бориш механизмларини яратиш;

➤ жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг **жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг** узлуксиз тизимини яратиш ва уни баҳолашни янги мезонлар асосида амалга ошириш;

➤ инсон омилини истисно этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизматни ўташ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини замон талабларига мос равишда **тўлиқ рақамлаштириш.**

Қарор билан **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом** тасдиқланди.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу ҳужжатда ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини ошириш замон талаби ва долзарб вазифа эканидан келиб чиққан ҳолда, тизим учун кадрлар тайёрлашга масъул тузилма — **Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментининг фаолияти қуйидаги устувор йўналишларда такомиллаштирилиши белгилаб қўйилди:**

• ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, холис ва шаффоф тизимини яратиш;

• маънавий-маърифий ишларни “*таълим муассасасидан — хизматнинг охирига қадар*” тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш;

• хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўтказиш жараёнларида мутахассис-психологларнинг ролини ошириш;

• ички ишлар органларида истиқболли **ёш раҳбар кадрлар захирасини** шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш;

• жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш ва уни баҳолашни янги мезонлар асосида амалга ошириш;

• инсон омилини истисно этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизматни ўташ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини замон талабларига мос равишда **тўлиқ рақамлаштириш.**

• Департамент ва унинг қуйи бўлинмалари фаолиятини белгиланган устувор йўналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни

самарали амалга ошириш масъулияти шахсан ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Икромов зиммасига юклатилди.

### **Мазкур қарорда Ички ишлар вазирлигининг қўидаги таклифларига розилик берилди:**


✉ ички ишлар органларида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган дастлабки синов муддатини бир йил этиб белгилаш; ҳудудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриятнинг «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти**» таълим йўналишига, тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, 200 нафаргача қўшимча ҳар йиллик қабул квотасини киритиш.

✉ интизомий жазо тариқасида лавозимидан озод этилаётган ходимларни бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб, ўз йўналиши бўйича қуйи бўлинмаларга йўналтириш ёки малакасига баҳо берган ҳолда хизматга лойиқлигини аниқлаш мақсадида **аттестациядан** ўтказиш тартибини йўлга қўйиш;

✉ **2023 йил якунига қадар** мансаб лавозимларини юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда **«E-nomzod» электрон** ахборот тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўриш;

✉ икки ой муддатда хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органлари ходимларида **мулоқот психологияси ва муомала маданияти** ҳамда ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгилаш;

✉ **уч ой муддатда** ички ишлар органларида **малака тоифасини бериш** тартиби ва мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда ходимларни касбий билимлари, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси, ахборот технологияларидан фойдалана олиши ҳамда Кодекс қоида ва талабларини ўзлаштирганлиги бўйича **синовдан ўтказиш тизимини** жорий этиш.



Президентимизнинг юқорида номи келтирилган қарори билан яна бир қатор ўзига хос **тартиблар белгиландики**, уларнинг барчаси ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, кундалик муаммоларини доимий равишда ҳал этишда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва захирасини яратишга йўналтирилган.

Жумладан, эндиликда ички ишлар органларида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган **дастлабки синов муддати бир йил этиб белгиланди** (илгари ушбу муддат уч ой эди). Мазкур тартибнинг жорий этилиши тизимга кириб келаётган ёш кадрларнинг касбий салоҳияти ва хизмат ўташ қобилиятларини тўлиқ синовдан ўтказиш, ходимнинг тизимга муносиблигини тўлақонли аниқлашга имкон беради.

Шунингдек, интизомий жазо тариқасида лавозимидан озод этилаётган ходимларни бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб, ўз йўналиши бўйича қуйи бўлинмаларга йўналтириш тартибининг йўлга қўйилганлиги ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулият ва садоқат билан ёндашиш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга ундайди. Шунингдек:

➤ ички ишлар органларига хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар дастлабки **синов муддати** даврида Кодекс қоида ва талабларини бузган ҳолатларда уларга бириктирилган мураббийлар, айбдорлик даражасидан келиб чиқиб, **эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилиши**;

➤ Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (**PhD**), шунингдек, **фан доктори ёхуд фан доктори (DSc)** илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган кафедра бошлиқлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра, олий таълим муассасасининг кафедра бошлиғи (мудир)га тенглаштирилиши;

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини «Фуқаролар билан ишлаш модули» бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш орқали уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришдаги шахсий масъулияти оширилади. Бунда, ходимлар махсус синовдан ўтказилади ҳамда синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини таъминлайдиган **сертификат бериш тартиби ўрнатилди**.

**2-ўқув саволи. Қарордаги Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси»да белгиланган вазифалар.**

Мазкур қарорнинг “Йўл харитаси” 34-банддан иборат бўлиб, масъул ижрочиларга **Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг** мазмун-моҳиятини барча шахсий таркибга етказиш (ўқитиш) чораларини кўриш ҳамда мазкур йўналиш бўйича даврий равишда синовлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш, мазкур Кодекснинг аудионусхасини тайёрлаш ва шахсий таркибга тарқатишни ташкил этиш вазифалари юклатилган.

**Тизимда хотин-қизларни фаоллигини ошириш бўйича.**

Шунингдек Ички ишлар органларида хизмат қилаётган **хотин-қизлар фаоллигини оширишни** назарда тутувчи қуйидаги тадбирлар тизимини жорий этиш белгиланди:

хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун уларнинг захирасини шакллантириб бориш;

кадрлар захирасига киритилган хотин-қизларда раҳбарлик сифатларини шакллантириш чораларини кўриб бориш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ўрганиб бориш ва ҳал этишга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш чораларини кўриш.

**Тизимда илм-фан ва илмий фаолият соҳасида.**

Ички ишлар вазирлигининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ташкилотларининг 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган **илмий-тадқиқот ишлари дастурини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Кўшма қарор ишлаб чиқиш ва қуйидагиларни амалга ошириш белгилаб қўйилди:

- ✓ концептуал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари;
- ✓ магистрлик, фалсафа доктори ва фан доктори диссертациялари мавзулари (ички ишлар органлари фаолиятига мос равишда);
- ✓ турдош (миллий, хорижий) ташкилотлар билан ҳамкорликда бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзулари;
- ✓ монография ва методикалар мавзулари;
- ✓ республика ва халқаро миқёсдаги илмий тадбирлар;
- ✓ хорижий илмий стажировкалар ва тажриба алмашиш бўйича илмий сафарлар.

**Тизимда илмий-педагогик фаолият соҳасида.**

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб **Ички ишлар вазирлиги Академиясининг магистратурасида «илмий-педагогик фаолият»** мутахассислиги бўйича ички ишлар органлари учун илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлашга қаратилган ўқув жараёнини йўлга қўйиш чораларини кўриш. Бунда қуйидаги талаблар назарда тутилди:

мазкур мутахассислик бўйича танловни камида икки йиллик амалий хизмат стажига эга таянч олий юридик маълумотли ички ишлар органлари ходимлари орасидан амалга ошириш;

Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалаврият таълим йўналишини имтиёзли диплом билан тамомлаган битирувчилар учун мазкур мутахассислик бўйича магистратурага танловсиз кириш ҳуқуқини бериш ҳамда ўқишни тамомлагандан сўнг уларга ички ишлар органлари таълим ва илмий муассасаларида камида уч йил узлуксиз илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш мажбуриятини юклаш.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида **ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини** куйидаги чораларни назарда тутган ҳолда йўлга қўйиш:

ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш муддатлари, талаблари ва йўналишларини назарда тутувчи тартибни белгилаш;

ўқув дастурлари ва режаларини замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг илғор ёндашувларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқув жараёнига маҳаллий ва хорижий етакчи таълим ва ўқув муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини шартнома асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш.

2023 йил якунига қадар Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини «**Smart reytng**» **автоматлаштирилган электрон рейтинг ахборот тизими орқали баҳолаш тартибини** жорий этиш.

*Мазкур тизимнинг натижаларини куйидаги жараёнларда инобатга олиш:*

✓ профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш, уларга индивидуал устамаларни белгилашда;

✓ юқори лавозимга тайинлашда;

✓ малака тоифалар даражаларини белгилашда;

✓ махсус унвонларни беришда.

Тизим орқали тузилган рейтинг натижалари бўйича охириги ўнта ўринни эгаллаган профессор-ўқитувчи ҳар йили июль ойида навбатдан ташқари аттестацияга қўйилиб, педагогик фаолиятини давом эттириш масаласи кўриб чиқилади.

### **Жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича.**

Ички ишлар органларида **жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш концепциясини** ишлаб чиқиш. Бунда куйидагиларни назарда тутиш:

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг хусусиятидан келиб чиқиб, ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этишнинг инновацион механизмларини жорий этиш;

жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича профессионал мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ходимларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш;

ички ишлар органларининг жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш объектлари ва инфратузилмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг республика ҳамда халқаро спорт мусобақалари, шунингдек, халқаро полиция ўйинлари беллашувларида муносиб иштирокини таъминлаш;

халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритган спортчи ходимларни рағбатлантириш механизмларини белгилаш.

Тизимда профессионал даражадаги **жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарликка эга ходимларни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш.** Бунда куйидагиларни назарда тутиш:

✓ ҳар ўқув йили якуни бўйича энг яхши сафдор, сержант ва офицер ходимларни аниқлаш бўйича «Касбий олимпиада ўйинлари»ни ўтказиш ҳамда совриндор ходимларни моддий рағбатлантириш;

✓ «Касб аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш ҳамда ушбу нишонни «Касбий олимпиада ўйинлари» республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган ходимларга бериш амалиётини йўлга қўйиш;

✓ Республика босқичида совриндор бўлган ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга сафдор ва сержант ходимларни Ички ишлар вазирлиги Академиясига сиртки таълим шаклига танловларсиз ўқишга қабул қилиш.

#### **Ходимбай ишлаш бўйича.**

Худудий ички ишлар органларида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда «**Е-XID**» — «**Ходимбай ишлаш дафтари**» электрон ахборот тизимини жорий қилиш.

Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:

✓ шахсий таркиб билан ташкил этиладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни индивидуал тартибда электрон шаклда қайд этиш ҳамда ходимларнинг «**ижтимоий портрети**»ни шакллантириш имкониятини берувчи **дастур яратиш**;

✓ **иш юритиш регламентини** тасдиқлаш;

✓ худудий ички ишлар органлари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларини 2023-2024 йиллар давомида **босқичма-босқич планшетлар** билан таъминлаш;

✓ «Е-XID» электрон ахборот тизимини **2023 йил 2-чорак якунига** қадар Тошкент шаҳри ички ишлар органларида, **2023 йил якунига** қадар яна 6 та худудда, **2024 йил 1-июндан** Республиканинг барча худудларида йўлга қўйиш беглгиланди.

#### **Мустақил таълим учун топширик:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорини ўзлаштириш.

2. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексини тўлиқ ёд олиш ва конспектлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низомни тўлиқ ўрганиш.

4. Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси»даги вазифаларни ўрганиш ва унинг таҳлилин олиб бориш.

### **1.1.Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИАТИ**

#### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “**Ақлий хужум**” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки





доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **Ақлий хужум саволлари:**

**1-савол.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорининг тўлиқ номланишини айтинг ва қарорнинг чиқишининг асосий мақсади ва мазкур ҳужжат қайси тамойилининг амалий ҳаётда тўлиқ ўз аксини топиш мақсадини кўзлайди?

**2-савол.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори нечта иловалардан иборат?

**3-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси Қайси асосий мақсадларга йўналтирилган?

**4-савол.** Қарорга кўра ИИВнинг қайси таклифларига розилик берилди, уларни бирма-бир айтинг?

**5-савол.** 2023 йил якунига қадар ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш мақсадида қандай электрон ахборот тизимини яратилади?

**6-савол.** Қарорга кўра бошланғич касбий тайёргарлик курслари ва дастлабки синов муддатлари бўйича қандай тартиблар ўрнатилди?

**7-савол.** Қачондан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини «Фуқаролар билан ишлаш модули» бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйилади?

**8-савол.** Мазкур ўқишлар қаерда амалга оширилади ва қайси муддатларда?

**9-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси ижросини таъминлаш ва унга риоя қилиш кимларга тааллуқли?

**10-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси нималарни белгилайди ва нималарни таритбга солади?

**11-савол.** ИИО ҳарбий тузилмалари бошлиқлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш қайси меъёрий ҳужжатга кўра амалга оширилади?

**12-савол.** Қандай сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва Кодекс қоидалари бузилишига асос бўла олмайди?

**13-савол.** Қарор асосида Ички ишлар вазирлиги тузилмасида қайси департаментнинг низоми тасдиқланди?

**14-савол.** Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат қандай кенгашлари тузилиши назарда тутилди ҳамда ушбу кенгашларнинг ички ишлар органлари фаолиятида олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат бўлади?

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорини ўқиб, конспектлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорининг иловаларини билиш.

3. «Фуқаролар билан ишлаш модули» бўйича маълумотга эга бўлиш.

## 1.2-Мавзу: **МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН АҲАМИЯТИ**

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

#### **Маъруза режаси:**

**1-ўқув саволи:** Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ва унинг асосий мақсад ва вазифалари.

**2-ўқув саволи:** Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими ва амалга ошириш йўналишлари.

**3-ўқув саволи:** Концепцияни амалга ошириш механизми ва амалга оширишдан кутилаётган натижалар.

**1-ўқув саволи:** Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ва унинг асосий мақсад ва вазифалари.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ушбу соҳадаги ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аввало, **ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган барча ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг умумий дунёқарашини, сиёсий онгини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб берди.**

Концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар **"Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!"** концептуал ғояси асосида ташкил этилади, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур ғоянинг **асосий мазмун-моҳияти** фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат.

**Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:**

ходимларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур этиб тарбиялаш;

ходимларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

ходимларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш.

**Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари.** Концепциянинг асосий мақсади ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий кадриятларга содиқ, умуминсоний кадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг ҳавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

**КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ БЎЛИБ ҚУЙИДАГИЛАР ҲИСОБЛАНАДИ:**

➤ ходимларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

➤ ходимларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англантириш, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда касбий бурчини бажаришда

конунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш;

➤ ходимларнинг онги ва қалбига **"Янги Ўзбекистон - учинчи Ренессанс сари!"** ғоясининг мазмун-моҳиятини сингдириш асосида уларнинг Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислохотлар талабларига дахлдорлигини янада ошириш;

➤ шахсий таркибга мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун- моҳиятини тизимли тушунтириш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларнинг онгли муносабати ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;

➤ миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ходимларда хизмат бурчини бажариш борасида қатъий ҳдётий эътиқодни қарор топтириш;

➤ ходимларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

➤ ходимларнинг ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

## **2-ўқув саволи. Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими ва амалга ошириш йўналишлари.**

Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш бўйича ички ишлар органларининг қуйидаги асосий субъектлари иштирок этади:

- ИИВ интернат-мактаб
- ИИВ Темурбеклар мактаби
- ИИВ Академияси
- ИИВ Темурбеклар мактаби
- ИИВ академик лицейлари
- ИИВ соҳавий, таркибий ва ҳудудий бўлинмалари
- ИИВ Малака ошириш институти
- ИИВдаги жамоатчилик тузилмалари



Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш мақсадида ИИО таълим муассасалари ва қуйи тизимдаги ҳар бир (туман, шаҳар, тармоқ) ИИОда қуйидаги кўргазмали воситалардан иборат алоҳида **ватанпарварлик бурчаклари** ташкил этилди:

❖ Ички ишлар вазирлиги томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридан айни пайтгача хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи китоб тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллигига** бағишланган санада нашр этилиб тақдимотлари амалга оширилди.

**"Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари"** номли китоб тақдмоти бўлиб ўтти.

Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан **"Ватанпарварлик асослари"**, **"Касб маданияти ва муомала одоби"** номли ўқув-методик қўлланмалар тайёрланди.

### **Ички ишлар вазирлиги томонидан:**

-ходимларда касбига нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида **"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги"** идоровий кўкрак нишони таъсис этилди ва касб байрами - 2021 йил 25 октябрь арафасида рағбатлантириш тариқасида намунали ходимларга тантанали равишда топширилди.



-ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва ташаббускорлик муҳитини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Ёшлар фидойиси"** идоравий кўкрак нишони таъсис этилади.



**Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари.** Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар мазкур Концепциянинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

**Тарбиявий ишлар:** ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий- маърифий, оилавий-маиший тарбия ҳамда яқка тартибдаги тарбиявий чора-тадбирлардан иборат.

**Ходимларни ватанларварлик руҳида тарбиялаш** доирасида уларда Ватанга садоқат, касбига нисбатан ғурур ҳиссини шакллантириш, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда шахсий масъулиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказиб борилади;

**ижтимоий-сиёсий тарбия** доирасида ходимларга ижтимоий- иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равишда етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади;

**маънавий-маърифий тарбия** ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;

**оилавий-маиший тарбия** доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

**яқка-тартибдаги тарбиявий ишлар** ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

Тарбиявий йўналишда ходимларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳамда замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирчан руҳда ўтказиладиган **тадбирлар ташкил** этилмоқда.

- Тарғибот-ташвиқот ишлари
- Психологик фаолият
- Ижтимоий-ҳуқуқий фаолият
- Маданий тадбирлар

**3-ўқув саволи:** Концепцияни амалга ошириш механизми ва оширишдан кутилаётган натижалар.

**Концепцияни амалга ошириш механизми** - Концепцияни амалга оширишда олимлар, ёзувчи, шоир ва сиёсатчилар, ижодкор зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийлари иштирок этади.

Жумладан, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят (туман, шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда зарурий тадбирлар ташкил этиб борилади.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорини ўқиш.
2. Мазкур қарорнинг 3-иловасидаги “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”ни ёдлаш.
3. Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишларини тўлиқ билиш.

## 1.2.МАВЗУ: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН АҲАМИЯТИ

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2- соат)



Ушбу ўқув машғулоти **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

**“Кичик гуруҳларда ишлаш”** методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига

эга бўлади. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки, таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



## Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Мамлакатда маънавий-маърифий маконни яратиш вазифалари.

**2-гуруҳга топшириқ.** Концепцияга кўра Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган китоб ва идоравий кўкрак нишонлари.

**3-гуруҳга топшириқ.** Концепцияни амалга ошириш механизми ва оширишдан кутилаётган натижалари.

**4-гуруҳга топшириқ.** Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари.

***ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари бэш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни Ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.*

## **1.3.МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2-соат)**

#### **Режа:**

**1-ўқув савол.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруқнинг мазмуни.

**2-ўқув савол.** “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг мазмун-моҳияти.

**3-ўқув савол.** Ички ишлар вазирлиги Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби ҳамда ўз кучини йўқотган айрим буйруқларнинг рўйхати.

**1-ўқув савол:** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруқнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармонида мўвофик, ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини белгилаб берувчи барча идоравий буйруқларни бирлаштириш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири генерал-лейтенант П.Р.Бобожонов тмонидан 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруғи қабул қилинди.

**Мазкур буйруқ ўз ичига қуйидаги учта иловадаги ҳужжатларни акс эттирилган.**

#### **Жўмладан:**

1. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом тўғрисида;

2. Ички ишлар вазирлиги Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби тўғрисида;

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг айрим буйруқлар ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ҳужжатлар тасдиқланган.

**Шунингдек, ушбу буйруқнинг ижроси юзасидан шахсий таркибга таништириш, тушунтириш ҳамда таъминлаш вазифасини вазирликнинг соҳавий хизматларига юклатилди. Хусусан:**

-мазмун-моҳиятини тушунтириш ва маънавий-маърифий фаолиятни амалга оширишнинг янги тартиби бўйича ўқув маърузаси ва семинардан ташкил этиб, тегишли инфографикалар, кўргазмали материаллар ва бошқа ахборот берувчи нашрларни ишлаб чиқиш чораларини кўриш вазифасини ИИВнинг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига;

- буйруқни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар Ички ишлар

вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминлаш вазифаси ИИВнинг Молия ва моддий-техника таъминоти департаментига:

- мазкур буйруқ талаблари ҳамда шу асосда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда мунтазам ёритиб бориш вазифаси ИИВнинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармасига;

- буйруқ ижросини таъминлаш Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икромов зиммасига юклатилганлиги назарда тутилган.

**2-ўқув савол: “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг мазмун-моҳияти.**

“Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон, 2018 йил 23 августдаги ПҚ-3919-сон ва 2021 йил 2-апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорларига ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, лавозими ва унвонидан қатъи назар, ички ишлар органларининг барча ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, шунингдек, ишчи ҳамда хизматчилари билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.



### Ушбу низомнинг тузилиши қўйидаги тартибда:

**1-боб.** Умумий қоидалар 2 та параграф, 1-27 банд;

**2-боб.** Ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш тартиби 2 та параграф 28-42 банд;

**3-боб.** Мурожаатларни давлат тилида кўриб чиқиш ҳамда расмий веб-сайтлар, электрон ахборот тизимларида эълон қилинадиган маълумотларни давлат тилида тайёрлаш тартиби 43-52 банд;

**4-боб.** Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари 5 та параграф, 53-94 банд;

**5-боб.** Ички ишлар органларида “Маънавият ва маърифат дарслари”ни ташкил этиш тартиби 5 та параграф 95-140 банд;

**6-боб.** Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари 15 та параграф, 141-282 банд;

**7-боб.** Маънавий-маърифий ишлар хизмати бошлиқларининг ваколатлари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари 283-291 банд;

**8-боб.** Интизомий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳисобини юритиш 292-305 банд;

**9-боб.** Яқунловчи қоидалар 306-308 банддан ҳамда 6 та иловадан иборат.

**Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг ягона тартибини белгилашдан асосий мақсад** - ходимларни она - Ватанга муҳаббат ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни юксак инсоний ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган халқпарвар ходим даражасига етказиш, ходимларни ягона ғоя асосида жипслаштирган ҳолда онгига халқ манфаатларига виждонан ҳамда сидқидилдан хизмат қилиш-олий ва шарафли бурч эканлигини сингдиришдан иборат.

Маънавий-маърифий ишлар ҳар қандай машаққатли хизмат ортида юртимиз манфаати ва халқимизнинг фаровонлиги турганини ҳар бир ходим онгига ҳамда қалбига сингдириш, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қилишни ўзининг муқаддас ҳамда олий бурчи деб биладиган ижтимоий йуналтирилган профессионал тузилмага айлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Ички ишлар органларида ходимлар билан маънавий-маърифий ишлар ИИВнинг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида мазкур Низом асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Шахсий таркибга раҳбарлик қилувчи ходимларнинг фаолиятини баҳолашда мазкур йўналишдаги ишлар ўстувор аҳамият касб этади.

Шунингдек, Вазирлик Маънавият ва маърифат кенгаши тизимда маънавий-

маърифий ишларни такомиллангириб бориш, ходимларнинг маънавий-маърифий билим савиясини ошириш, муомала маданиятини янада юксалтириш ҳамда уларни она-Ватанга садоқат ва юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мазкур кенгаш раиси ҳузурда ўтказиладиган йиғилишларда кенгаш таркибига киритилган раҳбар ходимлар томондан амалга оширилган ишлар бўйича мажбурий тартибда ҳисобот бериб бориш вазифаси юкланган.

Ушбу фаолиятни юқори савияда ташкил этиш ҳамда самарали амалга ошириш ишларига ИИВнинг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти умумий раҳбарлик қилади ҳамда бу борадаги ишларни мунтазам равишда назорат қилган ҳолда мувофиқлаштириб боради.

**Ички ишлар органлари ходимлари билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлардан кўзда тутилган асосий мақсадлари:**

- ходимларни ватанпарварлик, қасамёдига садоқат руҳида, шунингдек, Конституция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда касбий маданият талабларига сўзсиз риоя қилиш руҳида тарбиялаш ва муҳим касбий сифатларни шакллантириш;

- хизмат интизоми, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат вазифалари самарали ижро этилишини таъминлаш;

- ёш ходимларда касбий кўникма ва малакани шакллантириш учун маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда индивидуал ёндашувни таъминлаш;

- юртимизда яшовчи миллат ва элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, тили, дини, маданияти, тарихига ҳурматни шакллантириш;

- ходимларнинг фуқаролар билан, шунингдек, ўзаро касбий мулоқоти ҳамда маданияти даражасини ошириш ва профессионал мулоқотга киришиш сифатларини шакллантириш;

- жамоаларда соғлом маънавий-руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда ходимларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигини ошириш юзасидан психологик кузатувни йўлга қўйиш;

- ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш ва ўз устида мунтазам ишлашни ташкиллаштириш, бу борада жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан унумли фойдаланиш;

- аҳоли ўртасида ички ишлар органлари ходимлари тўғрисида ижобий фикрни шакллантириш орқали уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш.

**Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда қуйидаги услуб ва усуллардан фойдаланилади.** Хусусан,

#### **Қуйидаги услубларни ўз ичига олган:**

- яқка тартибда;
- ахборот тарғиботи;
- жамоатчиликни жалб этиш;
- ижтимоий ва ҳуқуқий чораларни амалга ошириш;
- профилактик чораларни амалга ошириш.

#### **Қуйидаги усулларни ўз ичига олган:**

- ишонтириш;
- муҳокама қилиш;
- ибрат (намўна, мастер-класс кўрсатиш);
- соғлом рақобат (мусобақа);
- мукофотлаш (рағбатлантириш);
- танкид қилиш (интизомий таъсир) усуллари орқали амалга оширилади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир усулларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

### **1. Яқка тартибда**

- маънавий-маърифий ишларни ўтказишга масъулларнинг бўлиниш тоифасидаги бошлик (командир)лар томонидан қўл остидаги ходимга индивидуал таъсир қилиш, унда маънавий-маърифий, ахлоқий-психологик ҳамда профессионаллик сифатларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Яқка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар шахсий таркиб билан мунтазам ва



мақсадли ўтказилиши лозим ҳамда маънавий-маърифий ишлар журналида қайд этиб борилади. Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар қуйидаги шаклларда ўтказилади:

- ходимни тавсифловчи ҳужжатларни ўрганиш;
- хизмат интизоми кўрсаткичлари ва фаолияти натижаларини таҳлил қилиш;
- якка тартибдаги суҳбатлар (танишув, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга, маънавий-маърифий ҳамда умумий профилактика йўналишлардаги).

Ходимлар билан ўтказиладиган суҳбатлар якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналида қайд этиб борилади. Ходимга нисбатан йиғмажилд юритилган ҳолларда суҳбатнинг мазмуни алоҳида варақда қайд этилади ва ходимга таништирилиб, имзо қўйдирилади ҳамда йиғмажилдга тикиб борилади. Ходим танишиш ёки имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, икки нафар раҳбар ходим иштирокида бу ҳақида қайд этиб қўйилади.

#### **Ходимлар билан ўтказиладиган суҳбатлар мақсадига кўра 4 (тўрт) турга бўлинади:**

- **танишув суҳбати** - ходим билан шахсан танишиш, унга жамоада ва турли вазиятларда ўзини муносиб тутиш, хизматнинг ўзига хос томонларини, шунингдек, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш мақсадида хизматга янги қабул қилинган, таълим муассасаларини тамомлаб келган ёки лавозимга тайинланган ходимлар билан 10 кун муддат ичида ўтказилади.

- **ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга йўналтирилган суҳбат** - ходимни мукофотлаш ҳамда рағбатлантириш (стимул), унинг ижтимоий-маиший ва ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш мақсадида ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

- **маънавий-маърифий йўналишдаги суҳбат** - хизмат кўрсаткичлари паст бўлган, ноўрин ҳаракатлар содир этган ва хизмат интизоминини бузган, руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар сезилган ходимлар билан ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

- **янги қабул қилинган ходимлар билан суҳбат** - хизматнинг дастлабки йилида ҳар чорақда камида бир маротаба ўтказилади.

#### **Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар қуйидаги ходимлар билан биринчи навбатда ўтказилиши керак:**

- ички ишлар органлари хизматида янги қабул қилинганлар;
- таълим муассасаларини тамомлаб келганлар;
- хизматни давом эттириш учун бошқа идора ва ташкилотлардан ўтказилганлар;- хавф гуруҳидагилар.

## **2. Ахборот тарғиботи**

- ходимнинг хизмат фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, янгиликлар, шунингдек, давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларни етказиш ҳамда моҳиятини тушунтиришдан иборат.

## **3. Жамоатчиликни жалб**

- ходимлар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда ички ишлар органларининг Фахрийлар, Хотин-қизлар кенгашлари ва Ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилотлари каби жамоатчилик тузилмаларини жалб этиш, уларнинг имкониятидан фойдаланишни ўз ичига олади. Мазкур ташкилотлар фаолиятини ички ишлар органи бошлиғи (командир)нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

- барча даражадаги бошлиқ (командир)лар томонидан амалга оширилади ва бунда юридик таъминлаш, молия, тиббиёт ҳамда бошқа соҳавий хизматлар ўз ваколати доирасида иштирок этади.

## **4. Ижтимоий ва ҳуқуқий чораларни амалга ошириш**

### **Қуйидаги ижтимоий ва ҳуқуқий чоралар амалга оширилади:**

- ходим ҳамда унинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида давлат кафолатларини таъминлаш;

- хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини, тан жароҳати олиб ногирон бўлганларни, шунингдек, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ходимларни ижтимоий-маиший аҳволини ўрганиб, уларга моддий, маънавий ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

- оғир ижтимоий аҳволдаги ходимларнинг яқин қариндошларини, шунингдек, хизмат бурчини бажариш вақтида тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолган ёки ҳалок бўлган ходимларнинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини иш билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масаласида давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

## 5. Профилактик чораларни амалга ошириш

-рейдлар ҳамда бошқа симуляцион тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ходимлар ва бошқа шахслар орасида тарқалган маълумотларни таҳлил қилиш орқали салбий ҳолатлар келиб чиқиншининг

олдини олиш бўйича зарур чораларни белгилашни назарда тутади.

Хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, маънавий-руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш ишлари ички ишлар органлари бошлиқ (командир)ларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва шахсий хавфсизлик бўлинмалари, шунингдек, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя бўлим (бўлинма)лари ҳамда соҳавий хизматлардаги кадрлар бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан мувофиқлаштирилади ҳамда назорат қилиб борилади.

### Ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш тартиби.

Ички ишлар органлари ходимлари, лавозими ва мавқеидан қатъи назар, хизмат жараёнида иш юритишни фақат давлат тилига оид тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этади.

Мазкур талаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган мурожаатларга жавоб беришда ҳамда ўзаро мулоқот тилини танлашда татбиқ этилмайди.

Хизмат фаолиятини ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат фаолияти халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган ички ишлар органлари ходимлари томонидан иш юритиш тартиби халқаро ҳамжамият талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида **давлат тили** билан бир вақтда **қорақалпоқ тилида** ҳам иш юритилади.

Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳамда бошқа идоравий ҳужжатлар матни давлат тили талаблари (грамматик, услубий, тиниш белгилари ва имло қоидалари)га мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда **“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”**, **“Ўзбек тилининг имло қоидалари”** ҳамда бошқа манбалардан бевосита фойдаланилади.

Ҳужжатларни тайёрлашда соҳага оид атама ва тушунчалардан фойдаланилади, уларни ўз ўрнида, тўғри қўллашга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилганидан сўнг у давлат тили, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан қайта кўриб чиқилади, зарурат бўлганда мутахассислар жалб этилади.

Юқори турувчи давлат органлари ва ташкилотларига юбориладиган ҳужжатларнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилганлиги тегишли орган раҳбари, Ташкилий департамент Котибияти ҳамда Ички ишлар вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан назорат қилинади.

Вазирлик таълим муассасаларида дарс жадваллари, журналлар ва бошқа ҳужжатлар давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритилади.

Ўқув машғулоти хорижий тилларда ўтказилиши белгиланган дарс машғулоти ҳамда ўқув қуроллари бундан мустасно.

Ички ишлар органлари ходимларини навбатдаги ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш жараёнида ходимнинг давлат тилини қай даражада билиши ҳисобга

олинади.

**Мурожаатларни давлат тилида кўриб чиқиш  
хамда расмий веб-сайтлар, электрон ахборот  
тизимларида эълон қилинадиган маълумотларни  
давлат тилида тайёрлаш тартиби.**

Мазкур тартиб асосида ички ишлар органларига бошқа тилда қилинган мурожаатлар, хат, ҳужжатларни давлат тилида бўлмагани учун қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат тилида акс эттирилган иш қоғозидagi матнни бошқа (мурожаат қилинган тил ёки сўралган) тилда ҳам юбориш мумкин.

Ички ишлар органларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика, молия ва бошқа ҳужжатлар давлат тилида юритилади.

Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтлари ва электрон ахборот тизимларида эълон қилинадиган электрон ҳужжатлар давлат тилида (заруратга қараб бошқа тилда ҳам) тайёрланади.

Турли тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги ахборот хабарлари (пресс- релизлар, бюллетенлар ва шу кабилар) давлат тилида тайёрланади ҳамда бошқа тилдаги таржимаси бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш давлат тилида ёки фуқаронинг хоҳишига кўра бошқа тилда амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари фаолиятида шартли алоқа чақирувлари фақат давлат тилида номланади.

Ички ишлар органларининг муҳрлари, штамплари, иш қоғозларининг матнлари, шунингдек, маъмурий биноларга кириш жойидаги пешлавҳалар, лавҳалар, эълонлар ва бошқа кўргазмали ахборот матнлари давлат тилида тайёрланиши лозим (заруратга кўра, давлат тилидаги матн ёнида қўшимча равишда бошқа тиллардаги таржимаси бўлиши мумкин).

Ички ишлар органлари фаолиятига оид бўлган халқаро шартномалар ҳамда бошқа ҳужжатлар, қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бир вақтнинг ўзиде давлат тилида ва ахдлашувчи томонлар келишган тилда ишлаб чиқилади.

Музокаралар, агар олдиндан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, давлат тилида ташкиллаштирилади.

Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий риоя этилиши бўйича шахсан жавобгарлиги белгиланган.

**Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари**

Интизомий кенгашлар - ички ишлар органлари тизимидаги ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида, тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Интизомий кенгашлар сайлов асосида сафдор ва сержантлар таркиби, кичик офицерлар ҳамда катта офицерлар таркиби учун алоҳида-алоҳида тузилади. Ҳар бир таркиб учун тузиладиган кенгаш, ушбу таркибда хизмат олиб бораётган ходимлардан ташкил этилади.

Ички ишлар органи ходимлари сонидан келиб чиқиб, шаҳар-туман ички ишлар бўлимларида кичик офицерлар таркиби ва катта офицерлар таркиби учун **битта катта офицерлар таркиби Кенгаши** тузилиши мумкин.

Мазкур кенгаш таркиби тегишли йиғилишда **2 йил муддатга** сайланади ва раис, раис ўринбосари, аъзолари ҳамда котибдан иборат бўлади.

Кенгаш таркибидаги ходимлар бошқа хизматга ўтганда ёки бўшатишганда, унинг вазифасини шу лавозимга тайинланган ходим давом эттиради.

**Кенгаш раиси** ички ишлар органларида **5 йилдан ортиқ** хизмат қилган, шахсий таркиб билан ишлашда юксак касбий маҳоратга, жамоада ўз ўрнига ва ҳурматга эга бўлган энг тажрибали ходимлар орасидан тўғридан-тўғри очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Айни бир шахс **кетма-кет икки муддатдан** ортиқ Кенгаш раиси бўлиши мумкин эмас.



**Кенгаш раисининг ўринбосари** ички ишлар органларида **5 йилдан ортиқ** хизмат қилган, касбий тажрибага эга, касбдошлари орасида ҳурмат қозонган, обрўли ходимлар орасидан сайланади.

Кенгаш раиси хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлганда ёки унга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилганда унинг вазифасини кенгаш раисининг ўринбосари бажаради ва ваколатларидан тўлиқ фойдаланади.

**Кенгаш аъзолари** таркиби ички ишлар органларида **3 йилдан ортиқ** хизмат қилиб, хизматда ижобий тавсифланган **7 нафар ходимдан** иборат бўлади.

Кенгаш аъзолари мажлисда кўрилган иш бўйича қабул қилиниши лозим бўлган яқуний қарорни таклиф сифатида киритиш ваколатига эга.

**Кенгаш котиби** ички ишлар органларида **камида 3 йил** хизмат қилган, хизматда ижобий тавсифланаётган, малакали ходим бўлиши лозим.

Ушбу таркибни тегишли фармойиш асосида ваколатга эга бўлган раҳбар томонидан тасдиқланади.

#### **Мазкур фаолиятининг асосий йўналишлари кўйидагилар ҳисобланади:**

- хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ва ишда ижобий натижаларга эришган ходимларни мукофотлаш чораларини кўриш ва ижтимоий таъминот соҳасидаги тегишли имтиёزلарни бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳамда рағбатлантириш тўғрисида **илтимоснома киритиш;**

- зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятларини виждонан бажараётган ва ишда ижобий натижаларга эришган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига ҳар йили болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ва санаторий-курорт муассасаларига бепул йўлланмалар бериш бўйича **илтимоснома киритиш;**

- жамоада юзага келадиган низоли вазиятларни ҳал қилиш, ножўя ҳаракат содир этган, хизмат бурчига масъулиятсиз муносабатда бўлаётган ходимларга белгиланган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида **холисона қарор** қабул қилиш орқали таъсир кўрсатиш.

#### **Кенгашнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:**

-хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ва хизматда ижобий натижаларга эришган ходимларни рағбатлантириш чораларини кўриш;

-ижтимоий таъминот бўйича имтиёزلарни бериш тўғрисида илтимосномалар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш;

-ходимларни ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

-ички ишлар органларида адолатли ва ижтимоий тенгликка асосланган ижобий, ишчанлик муҳитини шакллантириш ҳамда уни рағбатлантиришга кўмаклашиш; жамоада юзага келадиган низоли вазиятларни ҳал қилиш;

-ножўя ҳаракат содир этган, хизмат бурчига масъулиятсиз муносабатда бўлаётган ходимларга интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида ҳулоса бериш;

-жамоадаги муҳитга салбий таъсир этаётган ходимларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кўрсатиш.

Кенгашнинг ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги илтимосномалари ва интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ҳулосалари мажбурий тусга эга бўлиб, фақат тегишли раҳбар томонидан бекор қилиниши мумкин.

#### **Ишнинг кенгашда кўриб чиқилишига кўйидагилар асос бўлади:**

- ✓ ходим ёки раҳбарнинг билдиргиси;
- ✓ жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари;
- ✓ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тақдимномаси;
- ✓ жамоат ташкилотлари ва бошқа идораларнинг эътироз хати;
- ✓ йиғилиш баённомаси қарори;
- ✓ рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш бўйича тақдимнома;
- ✓ санаторий-курортда даволаниш бўйича тиббий ҳулоса;
- ✓ хизмат текшируви ҳулосаси;

✓ ички ишлар органи ходимларининг жамоавий муурожаати.

**Кенгаш 15 кун муудат ичида** хужжатларни ўрганиб чиқади ва зарур ҳолларда кўшимча хужжатлар тўплайди.

### **Кенгаш томонидан кўридаги ишлар кўрилиб чиқилмайди:**

- ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ишлари;
- суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ишлар;
- суд муҳокамасида бўлган ёки суднинг кучга кирган ҳукми мавжуд бўлган ишлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация тасарруфига кирувчи раҳбарлик лавозимларида хизматни ўтаётган ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган ноўрин хатти-ҳаракатлар кўрилиб чиқилмайди.

Шунингдек, кенгаш томонидан муҳокама қилинаётган иш бўйича ходимнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда, ишни кўриб чиқиш тўхтатилиб, тўпланган хужжатларни тегишли органларга юбориш тўғрисида ички ишлар органи раҳбарига таклиф киритилади.

Ходимнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари юзасидан хизмат текшируви олиб борилаётган бўлса, кенгаш ушбу масалага оид ишни хизмат текшируви тугагандан сўнг кўриб чиқишга ҳақли.

### **Кенгаш томонидан ишларни кўриб чиқиш тартиби.**

Кенгашга келиб тушган хужжатлар Кенгаш котиби томонидан қайд этиш журналига тартиб рақами бўйича қайд этилади ва **15 кун муудат ичида** хужжатларни ўрганиб чиқади ҳамда зарур ҳолларда кўшимча хужжатлар тўплайди.

Ходимларни интизомий жазолаш ёки жазоламаслик борасидаги қарорлар ҳулоша шаклида расмийлаштирилади. Шунингдек, рағбатлантириш, моддий ҳамда ижтимоий таъминоти бўйича кенгаш томонидан **илтимоснома киритиш ёки рад этиш ҳақида қарор** шаклида қабул қилинади. Қабул қилинган илтимоснома ҳамда ҳулоша тегишли ички ишлар органи раҳбарига ижро этиш учун такдим этилади.

Интизомий жазолаш борасида муҳокама этиладиган **ходим** ва унинг бевосита раҳбари, шунингдек, **ёш ходимнинг мураббийси** мажлисида иштирок этишлари ҳақида **3 кун олдин огоҳлантирилади.**

Кенгашга интизомий жазолаш масаласи қўйилган бўлим ёки бўлинма бошлиқлари, кичик офицерлар таркибига кириш ёки кирмаслигидан қатъи назар, катта офицерлар таркиби Кенгашда муҳокама этилади. **Рағбатлантириш масаласи** кўрилаётган ходим ва унинг бевосита раҳбари мажлисга **чақиртирилмаслиги мумкин.**

Кенгаш мажлисига ички ишлар органларининг фахрийлари ҳамда Бирлашган касаба уюшмаси аъзолари ҳам таклиф этилиши мумкин. Шу билан бирга ички ишлар органларининг **аёл ходимларига**, шунингдек, ёш ходимларга нисбатан ишлар кўрилганида, **Хотин-қизлар кенгаши ва ёшлар иттифоқи** бошланғич ташкилоти аъзолари иштирок этиши мумкин ҳамда мажлисида муҳокама этиладиган ходим ишлайдиган соҳавий хизмат шахсий таркибининг камида **10 фоизи иштирок этади.**

Кенгаш мажлисида кўрилган иш бўйича якуний қарор (ҳулоша) мажлисида иштирок этган ходимларнинг умумий, **тўғридан-тўғри ва очик овоз бериш** йўли билан қабул қилинади. Якуний қарор (ҳулоша) мажлис иштирокчиларининг фикрларига мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартиб ва қоидалар асосида шакллантирилади.

Кенгаш мажлисига раислик қилувчи томонидан ходимга нисбатан кўрилаётган масала овозга қўйилади. Мажлисида иштирок этганларнинг **учдан икки қисми овози** билан қарор (ҳулоша) қабул қилинади.



Мажлис иштирокчиларининг ёқлаб берган овозлари **учдан икки қисмидан кам бўлган тақдирда**, Кенгаш раиси томонидан кўрилаётган масала ўз аъзолари орасида овозга қўйилади, бунда аъзоларнинг кўпчилиги ёқлаб берган овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда **Кенгаш раисининг овози** ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгаш мажлисида қабул қилинган якуний қарор (хулоса) раис ёки унинг ўринбосари томонидан муҳокама этилаётган ходимга мажлис иштирокчилари ҳузурига чақиртирилиб, дарҳол таништирилади. Кенгаш мажлисида иши кўрилаётган ходим иштирок этмаган ҳоллар бундан мустасно бўлиб, унга якуний қарор (хулоса) ҳақида маълум қилинади.



Кенгаш маълум бир ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида ўз аъзолари ва бошқа мутахассислар иштирокида ишчи гуруҳ тузиши ва қўшимча ўрганиш ўтказиши ҳамда зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

**Кенгаш мажлиси жараёни фотосуратга олиниб, мажлис қарори (хулосаси)га илова этилади. Мажлис видеокузатув воситалари ёрдамида ёзиб олиниши мумкин.**

### **Кенгашлар томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари.**

Кенгаш ички ишлар органларининг Касбий мажаният ва хизмат интизоми кодексида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш тўғрисида тегишли раҳбариятга тавсия киритади.

Кенгаш ходимга нисбатан ички ишлар органларининг Интизом Уставида назарда тутилган **танбех, хайфсан ва қаттиқ хайфсан** интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида қарор (хулоса) қабул қилиш ваколатига эга.

Рағбатлантириш ёки интизомий жазо чоралари буйруқ билан эълон қилинади. Кенгаш қарори (хулосаси) барча ҳолатларда ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдининг архив қисмига тикиб қўйилади.

### **Кенгаш хулосасини ижро этиш ва ўшбу юзасидан шикоят келтириш.**

Кенгаш мажлисида муҳокама этилган ходимга интизомий жазо чораларидан бирини қўллаш тавсия этилганидан сўнг ваколатли раҳбар мазкур тавсияни **10 кун муддат** ичида кўриб чиқади. Интизомий жазони қўллашга розилик билдирилган тақдирда, шу муддат ичида ваколатли раҳбарнинг буйруғи қабул қилинади ва шахсий таркибга эълон қилинади.

Кенгаш хулосасидан норози бўлган ходим Кенгаш мажлисида хулоса эълон қилинганда ёки **Кенгаш хулосаси имзолангандан сўнг 3 кун муддатда** ички ишлар органларининг биринчи раҳбари номига эътирозларини асослантирган ҳолда билдирги билан тақдим этади.

Кенгаш мажлиси ҳужжатлари ва норози ходимнинг билдиргиси **10 кунлик муддат ичида** юқори турувчи ички ишлар органларининг кенгашларига юборилади.

Ҳужжатлар юқори турувчи ички ишлар органлари Кенгаш томонидан **10 кун ичида** кўриб чиқилиб, Кенгаш хулосасини асосли деб топиш ёхуд йўл қўйилган камчилик асослантирилган ҳолда қабул қилинган хулосани бекор қилиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун дастлабки Кенгашга қайтариб юборилиши лозим.

### **Ички ишлар органларида “Маънавият ва маърифат дарслари”ни ташкил этиш тартиби.**

**“Маънавият ва маърифат дарслари”** ҳар ҳафтанинг **шанба кунлари соат 09:00 дан 10:00 га** қадар, мавзулар режаси асосида ҳар йили йил бошидан бошлаб, йил якунига қадар мунтазам равишда маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий мавзуларда ташкил этилади. Ҳар ойнинг биринчи дарси **“Фахрий устозлар ўғити” кун**и сифатида ташкил этилиб, унда фахрийларнинг иштироки таъминланади.

Вазирлик раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ, дарс ўтказиш вақти, жойи, унинг давомийлиги ва таклиф этиладиганлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мавзулар **“Постда - На посту”** газетаси ҳамда унинг “Поста.уз” сайтида

“Маънавият ва маърифат дарслари” рўкни остида эълон қилинади.

“Маънавият ва маърифат дарслари” бошланишидан олдин “Ўзбекистон 24” телеканалда эфирга бериладиган “Ахборот 24” информацион дастурининг мамлакатимиз маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ қисми 15-20 дақиқа давомида намойиш этилади.

Ходимларнинг “Маънавият ва маърифат дарслари”га катнашишларини қайд этиш бўйича **даволат журнали** юритилади. Ушбу журналда ходимларнинг катнашишлари, ўтилган дарсларнинг мавзулари, маърузачилар ва масъул ходимлар қайд этилади. Ходимлар томонидан мавзуларни ўзлаштириш бўйича котибиятда қирим қилинган, рақамланган, тикилган ва муҳрланган қаттиқ муқовали камида **80 варақдан иборат дафтар** юритилиб, ўтилган мавзулар икки саҳифадан кам бўлмаган ҳолда конспектлаштирилиб борилади.

Ходимлар томонидан мавзуларни ўзлаштириш бўйича котибиятда қирим қилинган, рақамланган, тикилган ва муҳрланган қаттиқ муқовали камида **80 варақдан иборат дафтар** юритилиб, ўтилган мавзулар **икки саҳифадан кам** бўлмаган ҳолда конспектлаштирилиб борилади.

### **“Маънавият ва маърифат дарслари”ни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш мезонлари.**

Ходимларнинг “Маънавият ва маърифат дарслари”ни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан барча ички ишлар органлари ходимларидан **ҳар олти ой якуни бўйича синов имтиҳонлари** қабул қилинади.

Синов имтиҳонларини қабул қилиш вақти ва давомийлик муддати Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари раҳбарияти томонидан белгиланади.

#### **Қуйидаги ходимлар синов имтиҳонларини топширишдан озод этилади: Ўзбекистон**

Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганлар ва генераллар таркибига кирувчилар;

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, шунингдек, бошқа давлат бошқарувчи органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланганлар ёки махсус унвон олганлар;

✓ департамент, бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва уларга тенглаштирилган бўлинмаларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

✓ эгаллаб турган лавозимида олти ойдан кам муддат хизмат қилганлар;

✓ уч ойдан ортиқ муддат давомида хизмат сафарида, даволанишда (ички ишлар органлари тиббиёт муассасаларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган ҳолда) ва малака оширишда бўлганлар.

Кадрлар захирасига киритилган ходимлар кадрлар захирасидан чиқарилиб, ички ишлар органларидаги лавозимга тайинланган кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан сўнг умумий тартибда синов имтиҳонларини топширадилар.

Синов имтиҳонлари Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

Синов имтиҳонларини қабул қилиш жараёнида Маънавий-маърифий ишлар хизмати масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

Ходимларнинг “Маънавият ва маърифат дарслари”ни ўзлаштирганлик даражаси **100 баллик баҳолаш тизими асосида қуйидаги тартибда баҳоланади:**

-ходим томонидан мавзуларни конспектлаштирганлиги учун 20 баллгача (олти ой давомида тасдиқланган режага мувофиқ жами мавзулар сонини 20 баллга бўлиш орқали ҳисобланади);

-тегишли режага мувофиқ ўтказилган “Маънавият ва маърифат дарслари” асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда тузилган билет



саволларига ходимнинг оғзаки суҳбат давомида берган тўғри жавоби учун 80 баллгача баҳоланади.

**Синов имтиҳонларининг яқуний натижалари “Маънавият ва маърифат дарслари” дафтари**ни текшириш ва оғзаки суҳбат натижаларини қўшиш орқали қуйидагича ҳисобланади:

- 56 баллдан 70 баллгача - “қониқарли” кўрсаткич;

- 71 баллдан 85 баллгача - “яхши” кўрсаткич;

- 86 баллдан 100 баллгача - “аъло” кўрсаткич.

Синов имтиҳонларини қайта топширишга руҳсат берилмайди. Синов имтиҳонларида **55 ва ундан кам балл тўплаганлар**, шунингдек, ҳеч бир асосли сабабсиз синов имтиҳонларида қатнаншаган ходимларнинг маънавий-маърифий билим кўрсаткичи “қониқарсиз” деб топилади ҳамда бундай ходимларга расмий огоҳлантириш берилиб, **олти ой синов муддати** белгиланади.

**Кейинги олти ой яқуни бўйича** ўтказилган синов имтиҳони натижаси бўйича ходимнинг маънавий-маърифий билим кўрсаткичи “қониқарсиз” деб топилган тақдирда, ходим келгуси синов имтиҳонларига қадар рағбатлантиришга, унвон ва лавозимда кўтарилишга, шу жумладан раҳбарлик лавозимларига тавсия этилмайди.



### **Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари.**

Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорлари ҳамда Қўролли Кучлар Саф низомига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, эгаллаб турган лавозимдан қатъи назар, барча ходимларнинг юксак инсоний ва касбий фазилатларга асосланувчи одоб-ахлоқнинг умумий принциплари ҳамда хизматдаги ҳуққ-атворнинг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

**Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбий фаолиятларини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:**

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик.

### **Ички ишлар органлари ходимлари қуйидагиларга мажбур:**

-хизмат вазифаларини бажаришда қонунийлик принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

-ўз хизмат вазифаларини виждонан ва юксак касбий даражада бажариш; ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонун доирасида қабул қилган қарорларини (топшириқларини) белгиланган муддатда сифатли бажариш;

-ўз фаолиятини тегинши норматив ва идоравий ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш ҳамда хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

-ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

-ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкый ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боглиқ бўлган хатти-ҳаракатларга ҳамда бу билан боглиқ имкониятларга барҳам бериш;

-Ўзбекистон Республикаси ҳамда бошқа давлатлар халқларининг ўрф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялар аро тотувликка кўмаклашиш;

-хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган



хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўси ёки давлат органининг нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

-хизмат мавқеидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига, шунингдек, фуқароларга таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

-хизмат фаолиятига тегишли хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

**3-савол: Ички ишлар вазирлиги Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби ҳамда ўз кучини йўқотган айрим буйруқларининг рўйхати.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрь кундаги 400-сон буйруқнинг 2-иловасига асосан **Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби** тасдиқланган.

Вазирлик таркиби жами **52 нафар** ходимдан иборат бўлиб, шундан кенгаш раиси 1 нафар (Ички ишлар вазири), кенгаш раисининг ўринбосарлари 2 нафар (Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари), кенгаш раисининг маслаҳатчиси 1 нафар (Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси), кенгаш аъзолари 47 нафар (ИИВнинг департамент, бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва худудий бошқарма бошлиқлари) ва 1 нафар котибдан иборат.

Кенгаш таркиби аъзолари бошқа иш (лавозим)га ўтган тақдирда, унинг таркибига янгидан танланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

**ИИВнинг 2021 йил 21 октябрь кундаги 400-сон буйруқнинг 3-иловасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим буйруқлари рўйхати тасдиқланган.**

**Жумладан:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 30 майдаги **82-сонли буйруғи.**

**2.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Интизомий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 1 июлдаги **101-сонли буйруғи.**

**3.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида” 2017 йил 14 июлдаги **147-сонли буйруғи.**

**4.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 24 январдаги **24-сонли буйруғи.**

**5.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Ички хизмат уставини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги **44-сонли буйруғи.**

**6.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари интизомий кенгашларининг таркибини тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 29 мартдаги **85-сонли буйруғи.**

**7.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимлари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 25 сентябрдаги **260-сонли буйруғи.**

**8.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодексини тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 30 сентябрдаги **269-сонли буйруғи.**

**9.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллангшириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5279-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳақида” 2019 йил 24 июндаги **164-сон буйруғи.**

**10.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 11 октябрдаги **327-сонли буйруғи.**

**11.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизومي ва қонунийликка риоя этилишини таъминлаш ҳамда ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 29 ноябрдаги **417-сонли буйруғи.**

12. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари интизомий кенгашларининг таркибини тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 25 февралдаги **81-сонли буйруғи**.

13. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимлари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2020 йил 11 майдаги **169-сонли буйруғи**.

14. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги **207-сонли буйруғи**.

15. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида давлат тилини билиш даражаси аниқланиш лозим бўлган лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 мартдаги **88-сонли буйруғи**.

16. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида “Маънавият ва маърифат дарслари”ни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 30 июндаги **223-сонли буйруғи**.

17. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимлари ўқиши учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 3 июлдаги **237-сонли буйруғи**.

### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги 400-сон буйруғининг 1-илоvasи Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тўлиқ ўзлаштириш;

2. Ички ишлар вазирлиги Маънавият ва маърифат кенгаши таркибини тўлиқ билиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўз кучини йўқотганлиги


### 1.3.Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2-соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

#### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги «Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари



## Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги “ИИОлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруқнинг мазмуни.

**2-гуруҳга топшириқ.** “ИИОда маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг мазмун-моҳияти.

**3-гуруҳга топшириқ.** ИИВ Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби ҳамда ўз кучини йўқотган айрим буйруқларининг рўйхати.

***ИЗОХ:** Ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари 5 баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошиқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни Ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.*

## **1.4- МАВЗУ: МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ҲАМДА НОСТАНДАРТ ВА ИИО ХОДИМЛАРИНИ ХАРАКАТИ**

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

#### **Режа:**

**1-ўқув саволи.** Ички ишлар орган ходимлари фаолиятида мулоқот тушунчаси ва унинг турлари.

**2- ўқув саволи.** Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари.

**3- ўқув саволи.** Ички ишлар орган ходимларининг фуқаролар билан муомала қилиш маданияти.

**4- ўқув саволи.** Ички ишлар орган ходимларининг касбий фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш.

**5- ўқув саволи.** Ички ишлар орган ходимларининг шахслараро муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши.

**1- ўқув саволи. Ички ишлар орган ходимлари фаолиятида мулоқот тушунчаси ва унинг турлари.**

Ижтимоий муносабатлар, аслида, одамнинг сиёсий муносабатларидан тортиб, унинг шахслараро муносабатлари хусусиятларини ўз ичига олган мураккаб жараёндир. Бу жараёни турли назарий оқим вакиллари ўзларича ўрганишлари маълум. Масалан, интеркционизм вакиллари уни шахслараро ўзаро таъсирнинг турлича намоён бўлиши шаклида тушунсалар, ижтимоий алмашинув назарияси тарафдорлари одамларнинг бир-бирларига нисбатан талаблари, кутишлари ва манфаатдорликларининг ўзаро алмашинуви жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Шунга ўхшаш ҳозирда турли-туман ёндашувлар мавжуд, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона ғоя – бу одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнларининг механизмларини аниқлаш ва ушбу жараёни бошқариш усуллари ишлаб чиқишдир.

Яна бир муҳим фикр шундан иборатки, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар кўпқиррали, бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос кечиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари, қонуниятлари бўлади. Агар раҳбар ўз жамоасидаги инсоний муносабатлар асосан нимага асосан кечишини билса, уни бошқариш осон. Шунга кўра таъкидлаш мумкинки, агар жамоада ҳақиқий самарали, ижодий меҳнатга сафарбар этувчи «иқлим» ташкил қилинмаган бўлса, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва муомала ҳам асосан ҳиссиётларга, одамларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ёқтириш-ёқтирмакликларига асосланиб қолади. Одамлар ишга отланар эканлар, аввало кимларни кўриш, кимлар билан тушликка чиқиш ёки бир стол атрофида ўтириш, вақтни ўтказиш учун қайси кроссвордни ечиш ёки газетани ўқиш ғамини еб келади. Демак, бундай жамоада иш қониқарсиз ташкил этилган бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар соф эмоционал-ҳиссий муомалага таянади. Ана шундай ерларда гуруҳбозлик, жамоанинг кичик-кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетиши, бунинг оқибатида бир нечта норасмий лидерларнинг пайдо бўлиб, ҳар бири ўз

«ихлосмандларини» ўзига хос манфаатлар билан атрофида бирлаштираётганлигини кўриш мумкин.

Бошқа жамоада эса иш бутунлай бошқача ташкил этилган бўлиши мумкин. Оқил ва ташаббускор раҳбар қўл остида ишлаётганлар жамоани бир яхлитлик деб тасаввур қилиб, ишга кетаётганда, энг аввало кеча охирига етказа олмаган ишлари бор-йўқлигини, бугун қандай ишни ва ким билан, ким орқали битказишини, ишни янада яхшилаш учун бугун яна қандай чоралар кўра олиши ҳақида ўйлайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси энг аввало ишни ўйлаб уйдан чиқади. Демак, бундай жамоадаги ўзаро шахслараро муносабатлар ҳам ишчанликка асосланади ва жамоанинг энг ташаббускор, фидойи, ақлли аъзоси ким бўлишидан, ёши ёки жинсидан қатъи назар, норасмий обрўга эга бўлиши ва лидерликка даъвогар бўлиши мумкин. Раҳбар эса ана шундай ташаббускор, меҳнаткаш, жонкуяр одамлар билан доимо ҳисоблашади ва улар фикрига қулоқ солади. Бундай раҳбарнинг маҳорати унинг жамоадаги норасмий ва расмий лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиш санъати билан баҳоланади.

Бундан ташқари, ҳар бир конкрет вазиятда ва жамоада одамлар ўртасидаги муносабатларнинг турли шакллари намоён бўлиши мумкин. Масалан, улар ўртасидаги ўзаро муносабат фақат расмий алоқалар билан чекланмай, балки бир вақтнинг ўзиде норасмий, шахсий муносабатлар билан уйғунлашади. Агар умуман жамият миқёсида оладиган бўлсак, ижтимоий муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, диний, маънавий соҳаларда рўй берадиган шакллари ҳам фарқлаш мумкин. Улар юқоридагилардан келиб чиқиб, конкрет вазият ва ижтимоий фаолият турига мос тарзда ўзига хос қонуниятларга асосланиб рўй беради.

*Мулоқот* категорияси психология фанидаги марказий категориялардан бири ҳисобланади. Сўнги 20-25 йил ичида мулоқот муаммолари психологиядаги, айниқса, ижтимоий психологиянинг энг йирик тадқиқот предметига айланиб қолди.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун, одатда, мулоқот тушунчаси унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади. Психологияга оид луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилган:

*Мулоқот* – ҳамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни;

*Мулоқот* – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Албатта, ҳар бир таъриф универсаллик мақомига даъво қилмайди. Чунки унда, одатда, мулоқотнинг айрим томонлари эътибордан четда қолади, иккинчи даражага суриб қўйилади. Шундай бўлса-да, шартли равишда мулоқотга нисбатан умумий бўлган қуйидаги таърифни бериш мумкин: *мулоқот* – камида икки кишининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади ва ривожлантирилади, тугатилади ёки коррекцияланади.

*Мулоқот* тушунчасини коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация – тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллан-тиради.

Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш, уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Парыгин шундай ёзади: «Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзиде қуйидагилар киради:

- индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;

– шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

*Мулоқот* ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, алоқанинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, муносабатга киришувчилар муомала жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам ахборот айирбошлашади. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишлари, дунёқараши, муомала маданиятига ҳам боғлиқ бўлади, чунки шахслардаги ўзаро мулоқот бу табиий эҳтиёждир.

Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

*I босқич* – ўзаро бир-бирини тушуниш;

*II босқич* – умумий ёки мос келадиган қизиқишларни топиш;

*III босқич* – мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;

*IV босқич* – мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш;

*V босқич* – индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш;

*VI босқич* – умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Босқичлар алоқа қилиш жараёнида амалга оширилаётган фаолиятнинг кетма-кетлигини кузатиш дастури сифатида намоён бўлиши, ўзаро таъсир йўллари нозорат этиши мумкин<sup>1</sup>.

*Касбий муомала* ҳар бир ходимнинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам муомаланинг ҳар бир тури фаолият жараёнида иштирок этади. Ходим муомала қонуниятларига суянган ҳолда шахслар билан муносабатга киришади. Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашига, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашига, ўзаро солиштириш ва қиёслаш, объект ва шароитни мукамал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Мулоқот психологик жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасида у ёки бу воситалар орқали мақсадга мувофиқ, бевосита ёки билвосита алоқани ўрнатиш ва сақлаб туриш жараёнидир<sup>1</sup>.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин. 1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан, кундалик ҳаётнинг ғала-ғовурларидан бироз дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан эслайди: «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф-хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан, ўчоқдан ўт кетиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим». Яна бир мисол келтиришимиз мумкин, тарихда японларда «Маритао» номли инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. У шундай тизимларнинг энг оғири ва мураккаби ҳисобланади. Ваҳоланки, бунда инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у ҳатто ўзи билан ҳам гаплашиши мумкин бўлмайди. Синовдан ўтганлар кейинчалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

Б.Ф.Ломов таклиф этган таснифга кўра мулоқотнинг қуйидаги функциялари мавжуд. Мулоқот функциялари деганда, мулоқотнинг инсон ижтимоий ҳаётида бажарадиган вазифалари тушунилади. Мулоқот функциялари хилма-хил бўлиб, энг кенг тарқалган таснифга кўра улар қуйидагилардан иборат:

1. *Информацион* – коммуникатив функция ахборот алмашинувини таъминлаш

<sup>1</sup> *Филонов Л.Б.* Тренинги делового общения сотрудников органов внутренних дел с различными категориями граждан. – М., 1992. – С.5-6.

<sup>1</sup> *Асямов С. В., Пулатов Ю. С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.47.

вазифаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади. Одатда, вербал (унда белгилар тизими сифатида нутқ ишлатилади) ва новербал (унда белгилар тизими ишлатилади) коммуникация фарқланади. Ўз навбатида, новербал коммуникация бир неча шаклдан иборат:

- кинетика (имо-ишоралар, мимика, пантомимика);
- паралингвистика (овоз вокализациялари, паузалар);
- проксемика (масофа ва вақт меъёрлари);
- визуал алоқа (кўзлар орқали контакт);
- такесика (жисмоний контакт).

2. *Регулятив* – коммуникатив функция суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал, жисмоний, новербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-бирининг хулқ-атворига стимуллаштирувчи ва коррекцияловчи тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

3. *Аффектив* коммуникатив функция инсон эмоционал соҳасининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатларининг энг муҳим детерминантасидир. Чунки турли-туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А.Карпенко таклиф этган таснифга кўра, мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратилади:

1) *алоқа ўрнатиш* – суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш;

2) *информацион* суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;

3) *фаолиятга ундаш* суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш;

4) *координацион* суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

5) *тушунишни таъминлаш* суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;

6) *мотивлаштириш* суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;

7) *муносабат ўрнатиш* муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқени аниқлаш;

8) *таъсир кўрсатиш* суҳбатдошнинг хулқ-атвори, шахсий хусусиятлари, мақсадлари ва установақаларини ўзгартириш.

**Мулоқотнинг Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қуйидаги турлари мавжуд:**

- 1) бевосита;
- 2) билвосита;
- 3) ролли;
- 4) мазмунли;
- 5) расмий;
- 6) норасмий.

*мулоқот* «юзма-юз» суҳбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллади.

*Билвосита мулоқот* ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, алоқа воситалари ва механизмлар иштирок этади (масалан: телеграф, телефон орқали гаплашиш).

Мулоқотнинг баъзи турлари ижтимоий роллар орқали амалга оширилиб, *ролли мулоқот* дейилади. Бундай ҳолатда одамлар муайян ижтимоий ролларни бажаруви кишилар тарзида мулоқотга киришадилар. Масалан, терговчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот роллидир.

Индивиднинг бошқа шахсга ўз ҳолати, кайфияти, хоҳишини мимика, ҳаракат, имо-ишора орқали билдириши *мазмунли мулоқот* деб аталади.

*Расмий мулоқот* юридик кучга эга бўлиб, давлат ва жамият манфаатини кўзлаган ҳамда қайд этиладиган мулоқот туридир. Масалан, тергов жараёнидаги сўроқ қилиш.

Шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини кизиктирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш *норасмий мулоқот* ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида мулоқот, айниқса, бевосита мулоқот ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки токаръ темир билан, зоотехник ҳайвонлар билан ишласа, ҳуқуқни



муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, шу жумладан профилактика инспекторлари, терговчилар, тезкор ходимлар ҳам шахслар билан, аҳоли билан, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жиноят жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ишлайди. Мулоқот жараёнида уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқараш ва муомалага эгаллиги кўринади.

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини таҳлил қилганимизда унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин. Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги психологик тузилишини таклиф этади:

- 1) мулоқотнинг коммуникатив томони;
- 2) мулоқотнинг интерактив томони;
- 3) мулоқотнинг перцептив томони.

Ҳар бир томонини батафсил кўриб чиқамиз.

**Мулоқотнинг коммуникатив томони** маълумотлар алмашинув жараёни бўлиб, биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-туйғу ва кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотини шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, *биринчидан*, мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установкаларини таҳлил қиладилар); *иккинчидан*, мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар тизими орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта, суҳбатдош хулқ-атворига муайян таъсир ўтказилади); *учинчидан*, мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборотни юбораётган одам) ва реципиент (ахборотни қабул қилаётган одам) бир хил кодлаштириш ҳамда декодлаштириш тизимига эга бўлиши керак (ягона тизимни қабул қилишгина коммуникатив жараён иштирокчиларига бир-бирини тушуниш имконини беради); *тўртинчидан*, мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникацияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин (тўсиқлар нафақат белгилар тизимидаги фарқлар, балки ижтимоий-сиёсий, диний, касбий фарқлар ёки умумий дунёқараш, оламни ҳис этишдаги фарқлар туфайли вужудга келиши мумкин).

*Коммуникатордан* чиқаётган ахборот икки хил бўлиши мумкин:

1. Ундовчи ахборот бўйруқ, маслаҳат, илтимос ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ундан кўзланган мақсад реципиентни бирор ҳаракатга стимуллаштиришдан иборат. Стимуллаштириш уч хил бўлиши мумкин: а) фаоллаштириш (бирор ҳаракатни қилишга ундаш); б) интердикциялаш (бирор ҳаракатни қилишдан тўхтатиш); в) дестабилиштириш (бирор ҳаракатдаги мувозанатни бузиш).

2. Констатацияловчи ахборот маълумот тарзида ифодаланади. Бу турдаги ахборот турли таълимий тизимлардан ўрин олган бўлиб, хулқ-атворни ўзгартириш учун бевосита таъсир кўрсатмайди (лекин билвосита таъсир кўрсатиш мақсади ҳам бўлади).

Америкалик журналист *Г.Лассуэл* беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг қуйидаги моделини таклиф этади:

- а) ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда);
- б) нима (қандай ахборот узатилмоқда);
- в) қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда);
- г) кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда);
- д) қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди).

**Мулоқотнинг интерактив томони** биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади.

Коммуникация орқали одамлар биргаликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан одамлар, албатта, бир-бирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

**Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд:**

- 1) ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан, шанбаликдаги иш);
- 2) умумий вазифанинг босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан, конвейердаги иш);

3) ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

*Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади:*

1) кооперацияга асосланган ўзаро таъсир коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсади ва ўз кучларини бирлаштиришдан иборат. *Кооперациянинг бир неча тури фарқланади:*

- автоматик (инстинктив-биологик даражада мавжуд бўлади);
- анъанавий (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан, анъана ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади);
- спонтан (дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади);
- директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлиши);
- шартномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади).

Кооперация биргаликдаги фаолиятнинг зарурий элементиدير.

2) рақобатга асосланган ўзаро таъсир коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да, у кооперация билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин. Рақобатнинг энг ёрқин шакли низодир.

**Мулоқотнинг перцептив томони** кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни бўлиб, инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «ижтимоий перцепция» дейилади. Дастлаб, бу атама *Ж.Брунер* томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини аниқлаган. Кейинчалик бу атама бошқачарок маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларга, яъни одамлар, ижтимоий гуруҳлар, катта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини аниқлата бошлаган.

***Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қўйидагиларни идрок этиши мумкин:***

- 1) ўз гуруҳига мансуб индивидни;
- 2) бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
- 3) ўзининг гуруҳини;
- 4) ўзга гуруҳни.

***Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қўйидагиларни идрок этиши мумкин:***

- 1) ўз индивидини;
- 2) ўзга гуруҳ индивидини;
- 3) ўзини;
- 4) ўзга гуруҳни.

Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қўйидаги механизмлар ишга солинади:

- ✓ *Идентификация* инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши;
- ✓ *Эмпатия* инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши;
- ✓ *Рефлексия* инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини аниқлашга интилиши;
- ✓ *Стереотипизация* инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблонлардан фойдаланиши.

Мулоқот жараёнида инсонлар бир-бирини идрок этар экан, бунда аттракция (ингл. attract жалб этмок) жараёни юз бериши, яъни идрок этилаётган одамга нисбатан «ёқтириш ҳисси» пайдо бўлиши мумкин. Аттракция субъектнинг объектга нисбатан эмоционал муносабати сифатида шаклланади.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар бир-бирларини ўзаро тушунишлари керак. Бунда мулоқотга киришган иштирокчиларнинг уни қандай қабул қилаётгани катта аҳамиятга эга. *Шахслараро идрок этиши* қонуниятлари, эффектларни инобатга олиш терговчилар фаолиятида, айниқса, шоҳидлар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, шунингдек, ўз идрокларини баҳолаш чоғида катта аҳамият касб этади.

Шахслараро идрок эффектларидан бири бошқа шахс ҳақидаги умумий тасаввурнинг унинг шахсига хос хислатларни идрок этиш ва баҳолаш таъсирида намоён бўладиган «ореол эффекти»дир. Агар умумий тасаввур яхши бўлса, унинг ижобий хислатлари ортиқча



баҳоланади, салбий хислатлари эса сезилмайди ёки аксинча. ушбу эффект таъсирида, масалан, Ички ишлар органлари ходимлари «рецедив» жиноятчининг тузалиш томон ташлаган дастлабки қадамларини кўриши мумкин ва, табиийки, уни бу ишда қўллаб-қувватлай бошлайди.

«Изчиллик эффекти» маълумотлар зиддиятли бўлган тақдирда инсон қиёфасини ва у тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришга биринчи навбатда келиб тушган маълумотлар энг кўп таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Агар бу таниш одамга дахлдор бўлса, аксинча, яъни энг охиргилари кўп таъсир кўрсатади.

«Стереотиплаштириш эффекти» идрок этилаётган кишини муайян ижтимоий гуруҳга хос хислатлар унга ҳам хос деб баҳолашда намоён бўлади. Ҳар биримизда муайян ижтимоий стереотиплар ўқитувчи, ҳарбий киши, жиноятчи каби гуруҳларнинг стереотиплари мавжуд. Муайян гуруҳ вакилига дуч келганда, биз олдиндан ушбу гуруҳ кишиларига хос муайян хислатларни унга ҳам хос деб қабул қиламиз. Кўпинча бундай стереотипдан халос бўлиш жуда қийин бўлади.

Ижтимоий идрок этиш эффектлари *ижтимоий майл* (установка) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий майлнинг ўзи инсоннинг бошқа одамни идрок этишга ичидан тайёр бўлиши сифатида таърифланиши мумкин. Нотаниш киши ҳақида таассуротнинг шаклланишида майлнинг аҳамияти айниқса катта. Фанда А.А.Бодалевнинг ижтимоий майлнинг аҳамиятини очиб берган тадқиқотлари яхши маълум.

Тадқиқотлардан бирида **икки гуруҳ одамларга** айна бир кишининг сурати кўрсатилган. Аммо суратни кўрсатишдан аввал биринчи гуруҳга суратдаги кишининг ашаддий жиноятчи, иккинчи гуруҳга эса қаҳрамон эканлиги айтилган. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳга фотосуратдаги кишини сўз билан тасвирлаб бериш таклиф этилган.

**Биринчи гуруҳ** уни қуйидагича тавсифлаган: чуқур кўзлари яширин ёвузликдан, бўртиб чиққан энгаги жиноятда «охиригача боришга» қарор қилганлигидан дарак беради ва ҳоказо.

**Иккинчи гуруҳда** айнан ўша чуқур жойлашган кўзлар тафаккурнинг теранлигидан, туртиб чиққан энгак эса қийинчиликларни енгишдаги ирода кучидан дарак беради, деб баҳоланган.

Ички ишлар орган ходимлари ўз фаолиятларида шахслараро идрок этиш хусусиятларини инобатга олишлари, ижтимоий идрок эффектларининг салбий таъсирларини йўқ қилишга, ўзида ва тергов қилинаётган воқеага дахлдор шахсларда ижтимоий майлнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликлари жуда муҳим.

Масалан, терговчи таниб олувчини таниб олишга тайёрлаш чоғида «Ҳозир сизни тунаган жиноятчини таниб олишингиз керак» каби иборалардан қочиши лозим. Бундай иборалар жиноятчини идрок этишга майллик юзага келишига олиб келади, агар таниб олинаётган шахснинг қиёфаси «жиноятчи» стереотипига мос келмаса, бу таниб олиш натижаларининг нотўғри чиқишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда «Ҳозир сиз кўрсатилган шахслар орасида сизнинг пул солинган ҳамёнингизни тортиб олган одамни таниб олишингиз керак» каби нейтрал иборалардан фойдаланиш керак. Бу майлнинг салбий таъсири имкониятини камайтиради<sup>2</sup>.

Сухбатдошларнинг бир-бирига бўлган қизиқиши, тенг муносабатлар учун очиклик даражасига кўра мулоқотнинг қуйи, ўрта ва юқори даражалари фарқланади.

**Мулоқотнинг қуйи даражалари қуйидагилардан иборат:**

**Примитив даража** асосий белгиси сухбатдошга шунчаки бир муносабатда бўлиш. Бу буюм примитив даражада мулоқотга киришишга инсон учун керак бўлган буюм ёки халақит бераётган буюм бўлиши мумкин. Агар керак бўлса, уни эгаллашга ҳаракат қилади, халақит бераётган бўлса, уни улоқтириб ташлашга интилади.

**Манипулятив даража** мулоқот иштирокчиси сухбатдошини рақиб деб билади ва



<sup>2</sup> Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.75-80.

албатта уни енгишга ҳаракат қилади. Мотиватор онгли ёки онгсиз равишда, моддий ё психологик манфаатни кўзлаб, турли махсус усуллар билан суҳбатдоши устидан ғалаба қозонишга уринади. Манипулятив даражанинг муҳим белгиси шуки, унда суҳбатдош шахсининг заиф томонларига қизиқиш кучли бўлади.

**Стандартлашган даража** суҳбатдошга нисбатан қизиқиш мавжуд бўлиб, бу қизиқиш суҳбатдошнинг муайян ижтимоий ролга эгаллиги билан характерланади. Стандартлашган даражада мулоқот иштирокчилари ўртасида «ниқоблар алоқаси» амалга ошади. Ниқоб турлари: а) «ноль ниқоб» «мен сизга тегмаяпман, сиз ҳам менга тегманг», деган маънони, бефарқлик, иштироксизлик ниқоби; б) «йўлбарс ниқоби» «менга тегиб кўрингчи» деган маънони англатувчи кўрқитишга қаратилган ниқоб; в) «қуён ниқоби» «мен жуда кучсизман, менга тегманг» деган маънони англатувчи ниқоб; г) «масхарабоз ниқоби» «мен ҳеч нарсани билмайман, менга тегишнинг ҳожати йўқ» деган маънони англатувчи, ўзини анқов, гўл қилиб кўрсатишга ҳаракат қилувчилар ниқоби.

**Мулоқотнинг ўрта даражаси қуйидагилардан иборат:**

**Конвенционал даража** қуйи ва юқори даражалар оралиғидадир. Унда илк бора суҳбатдош шахсига нисбатан қизиқиш, қисман бўлса-да (суҳбат рўй бераётган вазиятдагина) очиқлик пайдо бўлади. Конвенционал даражаги мулоқот, тўлақонли, суҳбатдош ҳақида қайғуриш, унинг ўрнига ўзини қўйишга тайёргарлик вужудга келадиган мулоқотдир.

**Мулоқотнинг юқори даражаси қуйидагилардан иборат:**

**Ишчан даража** суҳбатдошнинг асосан ишчанлик хусусиятларига нисбатан қизиқиш бўлади. Ишчан даражада суҳбатлашиб инсонлар ўз муносабатларининг нафақат моддий натижаларига эга бўладилар, балки улар ўртасида анча барқарор ишонч ва боғланиш ҳислари шаклланади. Ёки аксинча, жуда кучли антипатия ҳам шаклланиши мумкин.

**Ўйинли даража** суҳбатдош шахсининг хусусиятларига жонли, симпатияга асосланган, ҳеч қандай ғараз мақсадларни кўзламайдиган қизиқиш мавжуд бўлади. Ўйинли даража мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига бўлган қизиқиши анча юқори бўлади, томонлар ўзини жудаям очиқ тутаяди, суҳбатдошлар бир-бирининг «ролини» ўйнайди. Бу педагогик мулоқот учун анча самарали.

**Маънавий даража** бу инсон мулоқотининг энг юқори даражаси бўлиб, унда суҳбатдош шунчаки бир инсон эмас, балки юксак ҳурматга сазовор ҳислатларга эга, бетакрор руҳият соҳиби сифатида идрок этилади. Ана шу ҳислатлар суҳбатдошга нисбатан сўз билан таърифлаб бўлмайдиган унутилмас даражага етади ва муносабатда илиқликни уйғотади.

Шундай қилиб, мулоқотнинг *перцептив* томони одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида одамларнинг муомала маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорликнинг муҳим омилларидан биридир.

## **2. Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари**

Одамлар бир-бирлари билан муомала қилишар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдан иборат.

**Психологик таъсир** бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятларини амалга ошириш жараёнида мулоқот орқали ўз хизмат бурчини бажаради ва ушбу мулоқот қонун асосида тартибга солинади. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида нафақат «тил», юқорида айтиб ўтганимиздек, имо-ишора, энг асосийси, мулоқот давомида шахсининг юзидаги ўзгаришлар ҳам муҳим ҳисобланади.

**Ички ишлар орган ходимларининг мулоқоти қуйидагиларни ўз ичига қуйидагиларни олади:**

- 1) бевосита касбий вазифани бажаришга йўналтирилганлиги;
- 2) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги;
- 3) махсус объектнинг мавжудлиги;



Фикр билдириш мезонлари	Рост фикрлар	Ёлгон фикрлар
Компетентлик ва хабардорлик	Баъзан киши ўзининг билимлари, хабардорлиги доирасидан чиқади. У одатда, нафақат ўзининг, шахсий тажрибаси, балки бошқаларнинг тажрибаси, газета журналлардаги реал фактларга асосланган тарзда рост фикрларини ифодалайди.	Одатда киши ўзининг маълумоти доирасида тажриба ва малакаси, шунингдек, фантазиялаш қобилиятларига таянади. Бундан ташқари, уйдирмалар ҳаракатлардаги, реал ҳаётдаги, адабиёт ёки кинофильмлардаги типик вариантлар асосига қурилиши мумкин.
Фикрларнинг нуткий тавсифи	Киши реал дунёқарши, маълумоти ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдиради.	Ёлгонда нутқнинг тузилишида фикрларнинг ёрқинроқ ифодаланиши учун мураккаб атамалар (ҳуқуқий, тиббий ва ҳ.к) билан бир қаторда, ўзининг билими, маълумотига хос бўлмаган тарзда луғат бойлигининг қўлланилиши билан характерланади.
Мулоҳазанинг ноёблиги	Рост мулоҳазаларда индивидуал ва ноёб характерга эга бўлиб, бунда деталлар, ҳодисалар ва конкрет иштирокчи шахслар мавжуд бўлади.	Ёлгон мулоҳазалар одатда схематик, стереотипик, алоҳида деталларсиз, конкрет кишиларсиз.
Ҳиссий бой ва ишончли фикрлар	Рост мулоҳазалар инсон нутқида доимо ҳиссий, ишончли ифодаланади. У рост гапиргани боис гапини бўлиш, фикрини, нуктаи назарини ўзгартириш қийин.	Ёлгон мулоҳазалар ҳиссий саёз бўлади. Эмоциялар ташқаридан қараганда намоёншкороналиги ва сохталлиги билан ажралиб туради.

Мулоқот давомида кишиларнинг нигоҳига диққат қаратиш лозим. Маълумки, нормал алоқада инсонлар бир-бирига рост гапирётган вақтда мулоқот жараёнининг 2/3 қисми мобайнида нигоҳлар учрашади. Агар инсон носамимий тарзда бирор нарса яширишга уринса, суҳбат давомида кўз нигоҳлари мулоқот даврининг 1/3 қисмида тўқнаш келади. Бу билан у нигоҳларини олиб қочишга уринади.

Суҳбатдошнинг узоқ чўзилган табассуми (лабнинг пастки ва юқориги қисми бироз тортилган, чизиқ ҳосил қилади, табассум эса саёз) ташқаридан қараганда нозик туйғуларни акс эттиришга уринсада, носамимий эканлиги ифодаланиб туради. Мудофаага шай позиция ва антогонизм (этимологияси: «қарши туриш, кураш») мулоқот жараёнида оғиз ва жағ мускулларининг маҳкам сиқиб ёпилиши билан баҳоланади.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига мимика ва имо-ишора киради. *Мимика* юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. *Пантомимика* инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларидир. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги вақтдаги умумий ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Новербал мулоқот тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Албатта, бу миқдор анча оширилиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бир нарса равшанки, новербал белгилар мулоқот жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар нутқни тўлдиради, баъзида ўрнини босади ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотнинг кинетик белгилар тизимида имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан кенг фойдаланилади.

**Айрим мисоллар:** *рост сўзлаётган одам кафтлари очиқ ҳолда, ёлғон гапираётган одам эса уларни беркитишига ҳаракат қилади. Сухбатдошдан ўзини юқори тутиши белгиларидан бири, бутун кафт чўнтакда бўлиб, бош бармоқнинг ташқарига чиқариб қўйилганлигидир. Шубҳаланувчанлик одатда оғизни қўл билан ҳимоялаш, буринга тегиб қўйиши, қовоқларни силаб қўйиши, қулоқ ортини ёки бўйинни қашлаб қўйишида кўринади. Даҳанни силаб-силаб қўйиши қарор қабул қилишига қийналишни кўрсатади. Асабийлик ҳолати кишининг бирор нарсага, билак узуги, соати ва шу кабиларга ҳеч қандай мақсадсиз қайта-қайта тегиб туриши остига яширинади. Стулнинг устига «миниб», оёқларни кенг ёзиб ўтиришидан одамдаги доминантликка мойилликни сезиши мумкин. Олдинга чиқарилган оёқ, айниқса, уни учи билан ер тепсинаётган бўлса, доминантлик яққол намоён бўлади. Бош орқасига чалиштирилган қўллар, аёлларда белга тиралган муштлар ҳам доминантликка интилиши муносабатидан дарак беради. Кийимдаги йўқ чанглари қоқувчилар бундай ҳаракат билан сухбатдош фикрига эътиборсизлигини ёки қўшилмаслигини кўрсатади. Одам вазият тўла ўзининг назорати остида деб ҳисоблаганда қўлларини бошининг орқасига ўтказиб, оёқларини чалиштириб ўтирадилар. Ўтирганда қўлларни тиззага қўйиши ҳаракатга дарҳол тайёргарликни билдиради. Сухбатни тугатмоқчи бўлган одам қўлларини тиззасига қўйиб, қаддини бироз олдинга эгади. Одам гапира туриб оёқдан оёққа кўчираверса, тезроқ кетишига ҳаракат қилинаётганлигини, сухбат унга ёқмаётганлигини ёки шошаётганлигини тахмин қилиши мумкин. Кўкрак қафасини беркитиши ҳимоялаш аломатидир. Бунда қўллар кўкрак қафасида чалиштирилган, қадди-қомад эгилган бўлиши мумкин, агар одам даҳанини кафти билан тираб ўтирган бўлса, бу кўпинча диққат билан тингланаётганлиги ва ўйланиб қолганлигини билдиради.*



Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муносабатга киришишда кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Уларнинг жиноятга алоқадор ёки унинг ўзи жиноят содир этганлигини аниқлаш керак бўлади. Жиноятни содир этган шахслар доимо ўзларининг ҳақ эканликларини айтишади.

Шундай қилиб, кишилардаги самимийликни, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ индикаторлар асосида уларнинг қандай ҳолатда эканликларини қандай аниқлаш мумкин?

Суриштирув-тергов ҳаракатларини олиб боришда жиноят содир этган шахс сизга ёлғон гапириши ва носамимийликни кўрсатиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс қилмишни содир этишида қўлга тушиш оқибатларини яхши билади ва кўп йил қамоқда бўлиши мумкинлиги унда кўркувни юзага келтиради. Бу кўркув суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ташқи аломатлар билан ўзини «сотиб» қўйиши мумкин.

Киши ёлғон гапираётганда стресс ва зўриқишни ҳис қилади. Қамоққа тушиб қолишдан кўркиш организмга кучли таъсир кўрсатади ва инсонда хавфга қарши психик реакция кузатилади.

**Инсон организми хавфга қарши уч йўл билан тайёрланади:**

–кўркув ёки хавф организмда (неврозлик асосида) ҳимоя механизмини ишга солади, уни ҳимоя реакциясига тайёрлайди;

–шу вақтда организм хавфга қаршилик кўрсатиш учун муҳофаага ўтади;

–организм хавф билан боғлиқ кечинмалардан ўзини ҳимоялаш позициясига ўтади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз инсон организми стресс ҳолатида бўлган вақтдаги унинг самимий ёки носамимийлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилияти психологиянинг *қузатув методи* асосида ташкил этилади.

Новербал ҳаракатларни ифодалаш қийин эмас. Бунда атрофдагиларнинг хотиржамлигига хавф солувчи ҳолатлардаги ихтиёрсиз равишда юзага келадиган реакциялар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак бўлади.

Вербал мулоқот бу нутқ билан боғлиқ мулоқотнинг шакли бўлса, новербал мулоқот эса нутқсиз, имо-ишора, эмоция, жест ва пантомимик ҳаракатларда намоён бўлувчи мулоқот шаклидир.

Аввал айтганимиздек, хавф вақтида мия организмга химояланиш учун буйруқ ёки сигнал беради. Шунинг учун ҳам организм метобализмида тезлашиш жараёни кечади. Хавф вақтида юрак уриши тезлашади ва қон босими кўтарилади. Қонга адреналин ажралади ва у мияга, мушакларга ҳамда ўпкага тақсимланади.

Мана шу жараёнлар содир бўлгани учун ҳам нафас олиш тезлашади. Метабализмнинг тезлашиши иссиқлик ҳароратини келтириб чиқаради, натижада эса терлаш ҳолати содир бўлади. Метабализм тезлашиши оқибатида инсонда невроз ҳолатининг белгилари намоён бўлади. Неврознинг ташқи белгилари орқали кишиларнинг ҳолатини билиш имкони туғилади. Буни оддий *кузатиш методи* орқали амалга ошириш мумкин.

Неврозда хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат организмнинг турли қисмида содир бўлиши мумкин. Инсон танасининг кўп қисми бизга ёлғон ишлатиш натижасида кўрқув ва хавфнинг юзага келганлиги ҳақида маълумот беради.

**Бу қисмлар:** *юз қисми; бош ва бўйин; қўл ва оёқ; тана; овоз интонацияси.*

Бу тана қисмларга қараб кишининг стресс ҳолатида эканлиги ёки эмаслиги ҳақида маълумот олиш мумкин. У эҳтимол ёлғон гапираётган бўлиши мумкин. Эътибор бериш керакки, ҳеч қайси бир индикатор кишининг ёлғонидан алоҳида хабар бермайди. Ҳар бир индикаторнинг комбинациясига қараб, унинг намоён бўлиш вақти ва ҳолатига қараб ёлғон гапираётган кишини аниқлаш мумкин.

Кўзни кўп пирпиратиш ва ён-атрофга олиб қочиш асабийлашишдан далолат беради. Кузатув мобайнида аҳамият беринги, киши 1 дақиқа давомида 6-8 мартагача пирпиратиши мумкин.

Невроз ҳолатида бошнинг қон босими кўтарилиши кузатилади. Юз кизариши ёки аксинча оқариб кетиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби организм юзни керакли даражада кислород билан таъминлаб бера олмайди. Кислород етишмаслиги нафақат юзнинг оқариши, балки яна бошқа аломатларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Одатда, эснаётган одамни биз чарчаган деб ҳисоблаймиз. Аммо кишиларни кўрқув ҳолатида ҳам эсноқ тутади. Тезлашган метабализм организмда кўп кислород сарфланишига сабаб бўлгани учун кўп эснашади. Эсноқ организмни кўпроқ кислород билан тўйинишига имкон беради.

Кишида носамимийлик оқибатида вужудга келадиган кўрқув организмда стресс ва зўриқишни ҳамда жисмоний ўзгаришларни юзага келтиради.

Лаб соҳаси ҳам стресс ва зўриқишларни кўрсатувчи индикаторлар ҳисобланади.

Метаболизм тезлашиши натижасида организм кўпроқ сув талаб қилади. Бу эса оғиз бўшлиғида ва томоқда қуришни келтириб чиқаради. Лабни ялаш ва кўп ютиниш организмнинг сувга эҳтиёж сезаётганлигини билдиради.

Организмни интенсив ишлашга мажбур қилувчи ва кўп кислородга эҳтиёж сезиш жараёни ҳам организмнинг қизишига сабаб бўлади. Агар сиз ўтирган жойнинг ҳарорати терлаш даражасида бўлмаса, демак, билинги, кишининг терлаши стресс ва зўриқиш туфайли содир бўлади.

Кишининг боши ва юз қисми кўринарли жойда жойлашган бўлгани учун бу қисмларни назорат қилиш мумкинлиги боис турли қиёфага кириши мумкин. Бошқа тана қисмларини назорат қилиш мушкулроқ бўлгани учун улар ўзларини беихтиёр сотиб қўядилар.

Новербал ҳаракатларнинг қўллар мисолида таҳлили қуйидагича бўлиши мумкин. Тирноқларни ўйнаш, бармоқларни кўп қимирлатиш, соат, узук каби буюмларни ушлаш, терни артиш, кафтларни бир-бирига ишқалаш, доимий қичиниш буларнинг барчаси қўл соҳасида юзага чиқувчи невроз ҳолатининг белгиларидир.

Тананинг ғужанак бўлиши унинг зўриқишидан, носамимийлигидан хабар беради.

Организмнинг ҳаракатланишга шайлиги бир вақтнинг ўзида унинг беихтиёр химояга тайёрланишини ҳам таъминлайди. Организмнинг мудофаа позициясида тана ўзини хавф-хатар ёки оғриқни сезмаслик учун (блокировка) ёпиқ ҳолатга ўтади.

Шахснинг қўлларини кўкрак қафаси олдида жипслаштириш ёки қовуштириши ходим назоратидан ўзини мудофаа қилишга уринишидир.

Қўлларнинг қовуштирилиши ёки блок ҳолати мудофаа, химоя вазифасини ўтайди.

Танасини четга ўгиришга уринаётган киши ходимдан ўзини тортаётганлигини англатади. Бу мудофаа позициясининг яна бир кўриниши ҳисобланади. Мудофаа позициясининг яна бошқа бир кўринишида бу тана информация беришдан қочади ёки ўзини химоя қилишга уринади. Бу асосан юзда ифодаланади.

Ёлғон вақтида инсонлар стрессга юз тутишлари мумкинлиги учун улар онг остида

(беихтиёр) ўзларини юпатадилар ёки кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиладилар. Улар тананинг бир қанча жойларига худди она боласини овутгандай тегинишлари мумкин.

Эътибор бериш керак бўлган яна бир индикатор берилган саволга жавоб беришда инсон стресс натижасида нигоҳни бир нуқтадан бошқасига тез-тез кўчириши ҳам кўзини олиб қочиши мумкин. Кўзни олиб қочиш киши сизни тингламаётгани ёки сизнинг иштирокингизни ҳис қилмаётганидан дарак беради.

Кишининг кўзларини олиб қочиши, одамга қараб гапирмаслиги доим ҳам шубҳа уйғотмаслиги керак. Айрим инсонлар шундай тарбияланган бўладилар ёки аксинча сўзлашув давомида фақат кўзларга қараб гапиришлари мумкин. Аммо аҳамият бериш керакки, киши кўзларини олиб қочиши бу унинг носамимийлиги ёки нимадир яшираётганлигидан далолат беради. Киши ёлғон сўзлаётганда суҳбат давомийлигининг 1/3 қисмидагина нигоҳлар тўқнаш келади.

Мулоқотда суҳбатдошларнинг кўз қарашлари визуал контактлари ҳам катта аҳамиятга эга. Визуал контакт бу қарашлар сони, уларнинг узоқлиги, қарашлардаги статика ва динамик алмашинувлар, кўзини олиб қочишлар ва бошқалардан иборат. Аргайл шулардан келиб чиқиб, «яқинлик (интимлик) формуласи»ни ишлаб чиққан ва бунда интимлилик даражаси суҳбатдошлар ўртасидаги масофага ва кўз қарашларга боғлиқлигини исботлаган. Чунки кўз қарашлар суҳбатдошнинг мулоқотга тайёрилиги, уни давом эттириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот бериб, суҳбатнинг йўналишини белгилайди.

Яна бир муҳим таъсирчан белгилар мажмуини ўзига мужассам этган соҳа бу юзимиздир. Илмий адабиётда юз қиёфасининг 2000 дан зиёд қирралари аниқланган. Уларни маълум тартибда тизимга солиш учун П.Экман «FAST» – *Facial Affect Scoring Technique* деб номланган методикани ҳам таклиф этган. Унга кўра юз уч зонага бўлинади: I – кўз ва пешона, II – бурун ва бурун олди, III – оғиз ва ияк зонаси. Уларнинг ҳар бирида турлича бўладиган 6 хил эмоционал ҳолатлар ажратилади: қувонч, жаҳл, ҳайрат, кўрқув, ғам ва нафрат.

**Визуал алоқа** кўзлар орқали амалга ошириладиган алоқадан иборат. Айрим маълумотлар: *психологик тажрибалардан маълум бўлишича, суҳбатдошлар бир-бирини кўзларига тикилиши билан ўзидаги ёқтириши, садоқат ёки аксинча, агрессив реакцияларга тайёргарликни ифодалайди. Визуал алоқа мулоқот иштирокчилари орасидаги масофа катта бўлганда ҳамда таниши одамлар ўртасида узоқроқ давом этади. Ёқимсиз суҳбат давомида одамлар кўзлар тўқнашувидан ўзларини сақлайдилар. Аёллар эркакларга нисбатан визуал алоқага кўпроқ мойилдирлар. Одамнинг эмоционал ҳолати таъсирида кўз қорачиги кенглиги ўзгаради. Салбий эмоциялар таъсирида қорачиқ тораяди, ижобий эмоциялар таъсирида эса кенгаяди. Мутахассислар маслаҳатида кўра ижобий ва ишончли муносабат ўрнатилиши учун суҳбатдошлар визуал алоқани бутун мулоқот вақтининг 60-70%ни эгаллаши керак. Одам самимий бўлмаса, ёки уялаётган бўлса, визуал алоқа бутун мулоқотнинг 1/3 ни эгаллайди. Бордию, визуал алоқа бутун мулоқот вақтининг 2/3 қисмини эгалласа, бу ҳолат одамга нисбатан қизиқиши кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги кенгаяди), ёки одамга нисбатан салбий муносабат кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги тораяди). Аммо визуал алоқа кузатувида миллий хусусиятларни ҳам инобатга олиши керак. Жанубий Европа халқларида суҳбатдошнинг кўзларига узоқроқ тикилиши одатий ҳолатдир. Баъзиларга бу ҳақорат бўлиб туюлиши мумкин. Японлар юзга нисбатан бўйинга кўпроқ қарайдилар. Уздукли визуал алоқа самаралидир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, визуал алоқа 10 сониядан ортмаслиги керак. Визуал алоқанинг оптимал варианты суҳбатдошларнинг юзма-юз эмас, маълум бурчак остида (тажрибалар натижасига кўра 90 градус) бир-бирига юзланишидан иборат. Бундай жойлашиши тикилиб туришига мажбур қилмайди ва ҳаракатларнинг эркин бўлишини таъминлайди.*



Демак, новербал мулоқотда бир қанча белгилар тизимларидан фойдаланилади. Улардан фойдаланиш кўпинча онгсиз амалга ошади.

Сочни силаш, соқол, мўйлабни сийпалаш; юз, даҳан соҳаларини силаш, кулокни

тортқилаш, бурунни ишқалаш кабилар инсоннинг ўзини ўзи овутишга уриниши ёки ёлғондан химояланиш воситасидир.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳини *вокаллаштириши* тизими, яъни овоз сифати, унинг диапазони, тоналлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу кўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа қўшилган «қўшимча» вазифасини бажаради.

Жон Честара мулоқот жараёнида намоён бўладиган ва аниқ маъно ва моҳият касб этадиган новербал қилиқларга тасниф берган<sup>3</sup>:

1) агар суҳбатдошингиз бармоқлари билан столни тинмай чертаётган бўлса, демак, у бетоқат, ёки унга сиз билан суҳбатлашиш зерикарли, шунинг учун у асабийлашмоқда;

2) агар суҳбатдош елкаларини қисаётган бўлса, демак, уни сиз билан бўлган суҳбат бефарқ қолдирди, унга барибир;

3) агар у қўл бармоқларини қисаётган бўлса, демак, у нимадандир жуда хавотир, ўзини химоясиз ҳис қилмоқда;

4) суҳбатдошнинг қўлларини мушт қилиб туриши ундаги важоҳат белгиси, лекин у бу ҳолатни, баджаҳлликни назорат қилмоқчи;

5) агар суҳбатдошнинг қўллари беҳол бўлиб, кафтлари юқорига қаратилган тарзда олдинга интилган бўлса, демак, у нимадандир таажжубда, ташвишда, қийинчиликда;

6) агар шеригингиз костюмининг тугмаларини ечса, демак, у фаолликка ҳозирланган бўлади;

7) қўллар кўкракда боғланган бўлса, бу унинг чақирғи, ниманидир муҳокама қилишга тайёрлиги рамзи;

8) агар одам тез юриб бораётиб, ияklarини кўтарган ҳолда қўлларини эркин ташлаб қўйган бўлса, демак, у ўзига ишонади, у қатъиятли;

9) одам кетаётганда, икки қўли чўнтакда, боши эгик бўлса, демак унинг руҳияти тушқунликда, хафа, депрессия ҳолатида бўлади;

10) қўл кафтларининг чаккага қўйилганлиги унинг нимагадир жуда ҳайратланиб, қизикаётганлигининг белгисидир;

11) агар суҳбатдош қўл мушти билан ўзининг иягига ураётган бўлса, у ниманидир аниқламоқчи, ташвишда бўлади;

12) агар одам бурнига тегинса ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у ниманидир устида ўйламоқда;

13) агар суҳбатдош қўлини белига тираб олган бўлса, демак, у ўзининг устунлигини билдириб, очиқ гаплашиб олишга чақираётган бўлади;

14) агар қўлларининг учларини бирлаштириб «уйча» шаклини эслатаётган бўлса, бу унинг ниманидир ўйлаётганлиги ёки нимагадир қизикаётганлиги рамзидир;

15) агар сиз гапираётганингизда суҳбатдош бошини ёнбош қилиб тингласа, демак, у жиддий эмас, ҳазилга мойил;

16) агар суҳбатдош кўз ойнагини бурун устига тушириб, тепасидан қараса, бу унинг сиздан кўпроқ маълумотларни кутаётганлиги белгисидир;

17) одам у ёқдан бу ёққа бориб келаётган бўлса, демак, у нимадандир ташвишда, асабийлашмоқда;

18) агар одам қаншарини босаётган бўлса, демак, у чарчаган (агар кўзойнаги қисмаётган бўлса).

19) агар одам стулнинг қирғоғига ўтириб олган бўлса, бу ё сабрсизлик билан кутаётганлиги, ёки нимагадир қизиқиш билдираётганлиги рамзидир;

20) одам оёқларини бир-бирининг устига қўйиб олиб, оёғини енгил тебратаётган бўлса, демак, у зерикмоқда;

21) агар одам кўрсатгич бармоғи билан ўқталиб, ўзига хос тарзда ҳаракат қилаётган бўлса, у ўз қарашини таъкидламоқчи;

22) агар одам оёқларини хонтахта ёки стол устида устма-уст қўйиб ўтирган бўлса, у бошқаларда ўзига хос таассурот қолдирмоқчи, ўзининг тобе эмаслигини кўрсатмоқчи;

23) агар одам ўзини орқага ташлаб, қўлларини бир-бирига боғлаб, бўйнида ушлаган бўлса, демак, у дам олмоқчи, ва бошқаларда таассурот қолдирмоқчи;

24) гапираётган пайтида оғзини беркитиши, унинг «тушунишингиз шарт эмас» дегани.

25) одамнинг бир қўлини орқага қилиб, бошқа қўли билан тирсагини ушлаб туриши,

---

<sup>3</sup> Жон Честара. Деловой этикет. – М., 1997. – Б.26.



унинг тажанлиги ва биров билан гаплашиш хоҳиши йўқлигини билдиради» (кўрсатилган адабиёт: 174-175-б.).

Шундай қилиб, биз одатий, табиий деб идрок қилган мулоқотда ҳам кўплаб сирлар, ўзига хос нозик томонлар борки, уларнинг барчаси биздан мулоқотда билимдонликни, ўзгаларга ва ўзимизга эътиборлироқ бўлишимизни талаб қилади.

Овоз кишиларнинг айна вақтдаги ҳолатини (характери, темпераменти, ҳис-туйғулари) атрофдагиларга аңлатади. Овознинг тони шахснинг эмоциясини билишга ёрдам беради (ғазаб ва қайғу енгилроқ, рашк ва невроз оғирроқ).

Асаблари таранг ҳамда хавотирли ҳолатларда шеригимизнинг ҳам овоз тембри бир неча бор ўзгаради. Бу факт «Ёлғон детектори»нинг контактсиз намуналарида муносиб қўлланилади. Маълумот олинишида, овознинг кучи ва даражасига эътибор беринг:

- аниқ, баланд овоз ғайрат, иштиёқ, хурсандчилик, ишончсизлик;
- баланд, кучли ва юқори диапазонидаги овоз ғазаб ва кўрқув;
- жуда юқори чинқироқ овоз хавотирни;
- юмшоқ, оҳиста, ҳар бир фразанинг охирида интонациянинг пасайиши билан

ифодаланадиган овоз ғам, қайғу, чарчоқ;

- овоздаги олифтагарчилик зўриқиш, ёлғон;

**Новербал товушлар аҳамиятга эга маълумотларни беради:**

- ҳуштак (беихтиёр чалиш) ишончсизлик ёки хавфсираш;
- кутилмаганда хохолаб кулиш зўриқиш;
- овознинг кутилмаганда қисилиб чиқиши зўриқиш;
- доимий йўтал тутиши ёлғон, ўзига ишончсизлик, ташвишланиш.

Шунингдек, беихтиёр реакциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларни назорат қилиш жуда қийин (зеро, уларни турли усуллар билан яширишга уринишади), бироқ маълумот олишда анча аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи реакциялар «ёлғон детектори» каби ташхис аппаратларида аниқланади.

**Бундай реакциялар қуйидагича кўринишда бўлади:**

- ✓ юзнинг қизариши уят, ғазаб;
- ✓ оқариб кетиш кўрқув, айбдорлик ҳисси;
- ✓ қорачиқнинг кенгайиши қизиқиш, қониқиш ҳисси, розилик, кучли оғрик;
- ✓ қорачиқнинг торайиши қониқмаслик, рад қилиниш;
- ✓ кўл ва бўйин соҳаси артериясида пульснинг кучли уриши – (юрак уришининг фаоллашуви билан бўйинбоғни бўшатишга уриниш) хавотир, кўрқув, уят, ёлғон;
- ✓ пульс частотасининг пасайиши диққатнинг ошиши;
- ✓ тез-тез ва юзаки нафас – ички зўриқиш;
- ✓ бурундан қисқа-қисқа нафас олиш – жаҳл;
- ✓ нафас олишнинг бузилиши, томоқнинг қисилиши, тупукни рефлексив ютиниш – ваҳима, уят, ёлғон;
- ✓ оғизнинг қуриши (ютиниш, лабни ялаш, ташналик...) кўрқув, ёлғон;
- ✓ тўсатдан тишларни кўрсатиш – қаҳр, тажовузкорлик;
- ✓ терламоқ, тер ғазаб, хижолат бўлиш, неврозлик, ёлғон;
- ✓ титроқ (кўл, оёқ бармоқларида, юз мушакларида) ички зўриқиш, кўрқув, ёлғон;
- ✓ пирпираш – кўзғалиш, ёлғон;
- ✓ қориннинг ғулдираши – кўрқув (доим ҳам эмас, вазиятга қараб...);
- ✓ тишларни ғижирлатиш – кучли невроз, стресс, ўйлаганни амалга ошира олмаслик.

Бундай реакциялар аёлларга нисбатан эркакларда аниқроқ ифодаланади ва кузатиш имкони кўпроқ бўлади.

**Эслатма:** ҳар қандай психофизиологик диагностикада симптоматик ҳолатлардан ташқари вақт, жой, вазият, ҳолат каби параметрларга аҳамият бериш лозим (масалан, ҳарорати 39<sup>0</sup> бўлган беморда оғиз қуриш, терлаш, кўзларнинг пирпираши, юзнинг қизариши каби ҳолатлар рўй беради).

Нутқсиз воситаларнинг *учинчи гуруҳига* коммуникатив жараёни ташкил қилишнинг макон ва замони киради. Улар ҳам маҳсус белгилар тизими бўлиб, коммуникатив тизимнинг таркибий қисмлари сифатида маънога эга. Сўнги вақтларда психологик тадқиқотларда мулоқотга киришувчи шахслар ўртасидаги ораликнинг коммуникатив аҳамиятига ва мулоқот самарадорлигининг иштирокчилар жойлашувига боғлиқлиги масалаларига эътибор берилмоқда. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади: *интим* (0–0,5 м), *шахсий* (0,5–1,5 м), *ижтимоий* (1,5–3 м), *оммавий* (3 метрдан ортиқ).

Ходим масофани ўзгартириш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ кабиларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради<sup>4</sup>.

Мулоқот, шунингдек, индивидларнинг бир-бирларига коммуникатив таъсирининг муайян усулларини ҳам ўз ичига олади.

**Таъсир этиш усулларининг қуйидаги турлари фарқланади:**

*Юқимлилиқ* – таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

Умумий тарзда юқимлилиқни индивиднинг онгсиз, ихтиёрсиз равишда муайян руҳий ҳолатларга тушишга мойиллиги сифатида таърифлаш мумкин. У муайян ҳиссий ҳолатнинг бировга ўтказилишида намоён бўлади.

*Ишонтириш* исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усулидир. Ушбу психологик ҳодиса ҳақидаги билимлар ривожининг ҳозирги босқичида «ишонтириш мантикий исботлашсиз шаклланган ишончга таянади ва индивиддан индивидга, жамоадан шахсга берилади ёки аксинча, аниқроқ айтганда, автоматик тарқалади», деган қоидага асосланилади. Инсон ишонтириш таъсирини ихтиёрсиз тушиб, ўзи англамаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида таъсир этишнинг ушбу усулидан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари керак, баъзан (масалан, тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида) ундан фойдаланиш қонун билан тақиқланади.

*Ишонтириш* Ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларга кўрсатадиган асосий таъсир усули бўлиши керак. Ундан фойдаланишнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:

- таъсир кўрсатувчи шахснинг шахсий ишончи;
- унинг тайёргарлиги ва билими;
- хабар берилаётган фактлар, ҳодисалар, ҳаракатларнинг тўғрилиги, аниқлиги ва ишончлилиги;
- фойдаланилаётган фактларнинг характерли, типик бўлиши;
- одамларни ўзига нисбатан мойил қилиш, уларнинг ишончини қозониш;
- таъсир кўрсатувчи шахснинг талабчанлиги, унинг вазминлиги ва одоби.

*Эътиқод* мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали одамларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш бўлиб, коммуникатив таъсир кўрсатишнинг энг универсал усулидир. Эътиқод механизми инсон ақлий фаолиятини жадаллаштиришга, унинг мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини онгли равишда танлашига асосланган. Кимнидир нимагадир ишонтириш, мантикий мулоҳаза, хулоса чиқаришлар натижасида муайян нуқтаи назарга қўшиладиган ва уни ҳимоя қилишга ёки унга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёр бўладиган ҳолатга эришишни билдиради.

*Тақлид қилиш* онгли ёки онгсиз равишда намунадан нусха олишидир. У гуруҳ, жамоани ташкил этувчи одамларнинг хатти-ҳаракатига хос бир хил усулларни ишлаб чиқиш имконини беради.

**Мулоқот жараёнида психологик-педагогик таъсир этишнинг принциплари:**

- 1) Таъсир этиш шахснинг аниқ ўзига хос сифатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;
- 2) Психологик таъсир этиш учун инсон психикасининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш керак;
- 3) Таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиш;
- 4) Шахс томонидан унинг ижобий таъсирланиши рағбатлантириб борилиши керак;
- 5) Таъсир этиш инсон ҳуқуқларини поймол этиши керак эмас;
- 6) Шахсга таъсир этиш режалаштирилганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак;
- 7) Таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур;
- 8) Таъсир этиш шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

<sup>4</sup> Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.76.

9) Таъсир этиш жараёни мобайнида шахснинг психологик фаоллигини таъминлаш зарур.

**Психологик таъсир кўрсатиш усуллари кўллаш босқичлари:**

Мулоқот жараёнида шахсга таъсир кўрсатишнинг бир қатор психологик усуллари кўлланилади. Уларни ходим ва фуқаро ўртасида юзага келадиган вазиятга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

- шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда кўлланиладиган усуллар;
- шахслараро муносабатда низоли вазиятларда кўлланиладиган усуллар.

**Шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда кўлланиладиган усулларга қуйидагилар киреди:**

- боғланганлик;
- ўхшашлик;
- қарама-қаршилик;
- ажратиш;
- парафраза (бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш);
- кўрғазмалилик.

**Боғланганлик.** Бунда воқеалар ассоциациялар (ўхшашликни яратиш принципи бўйича хотирланади (эслаб қолинади). Шахс хотирасида нарса ва ҳодисалар образлари ўртасидаги боғлиқлик ассоциациялари асосида идрок этилган тартибда ҳосил қилинади.

**Ўхшашлик.** Бу усул иш учун аҳамиятли, аммо унутилган тасаввур, фикр ва ҳиссиётларни бу ишга алоқаси бўлмаган, лекин ўхшаб кетадиган объект ёки тушунчаларни тақдим этиш орқали шахснинг хотирасида тиклаш учун кўлланилади. Масалан, сўроқ қилинаётган шахсга фотосуратни кўрсатиб, нафақат шахс ҳақида, балки унинг ҳаракатлари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

**Қарама-қаршилик.** Бу усулнинг моҳияти шундаки, бунда қарама-қарши объектлар (оқ қора, катта кичик ва ҳ.к.) қиёсланади. Масалан, агар ҳодиса қишда юз берган бўлса, унга ёзги даврни эслатиб, унутилган вақтни хотирасида тиклашига кўмаклашиш мумкин.

**Ажратиш.** Бу усул идрок этиш чоғида ҳосил бўлган алоқаларни ажратиш ҳамда айрим белги ва хусусиятларни (хоссаларни) аниқлашга асосланади.

**Парафраза (бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш).** Шахс маълумотларни ўзи ўзлаштирмаган ёки бошқа одамлар томонидан айтиб берилган категория ва ифодаларда келтириши мумкин. Уларни текшириш учун ходимнинг илтимосига кўра шахс бу маълумотларни бошқа сўзлар билан такрорлайди, яъни бошқача қилиб айтиб беради.

**Кўрғазмалилик.** Бу усул шахс нарсанинг хусусият ва белгиларини сўзда ифодалашга қийналаётганида кўлланилади. Ушбу ҳолларда унга ранглар шкаласи, суратлар, моделлар тақдим этилади. Шахсга у сўз билан ифодалашга қийналаётган нарсани қоғозда тасвирлашни таклиф этиш мумкин.

**Низоли вазиятларда кўлланиладиган усуллар:**

- зўриқишни олиб ташлаш;
- зўриқиш ҳосил қилиш;
- шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш;
- шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш;
- ёлғонга чек қўйиш;
- кутиш;
- афсонага йўл қўйиш;
- чақирик (даъват);
- кўкқисдан саволлар бериш;
- изчиллик;
- диққатни чалғитиш;
- нутқ суръатини жадаллаштириш;
- нутқ суръатини пасайтириш;
- ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- такрорийлик.

**Зўриқишни олиб ташлаш.** Кўпинча Ички ишлар органлари ходимлари билан фуқаролар мулоқотга киришганида кучли ҳаяжонга тушади. Бунинг натижасида у маълумотларни изчил ва маъноли баён эта олмайди. Бундай ҳолат ноодатий вазият, хавотир ҳисси, ортиқча бир нарса айтиб қўйишдан кўркиш кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Зўриқишни олиб ташлаш учун унга вазиятга мослашиб олиши, хотиржам тинчланиши учун вақт бериш, сўнгра психологик алоқага киришиш зарур.

**Зўриқиш ҳосил қилиш.** Бундай ҳолатни ходим сўроқ қилинаётган шахснинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш, у танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончини сўндириш орқали яратади. Агар сўроқ қилинаётган шахс ортиқча ҳиссий кўзгалувчан ва импульсив бўлса, бу усул жиддий натижалар беради.

**Шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш.** Кўп ҳолларда шахснинг фазилатларига мурожаат этиш жиноятларни текширишда, айниқса ёлғон кўрсатувлар бераётган шахсларга нисбатан қўлланилганида фойда беради. Шу боис, сўроқ қилинаётган шахснинг ҳалоллигини эслатиб, ўтмишдаги хизматлари, жамоадаги обрўсини таъкидлаб, уни сўроқ вақтида очик бўлиш ва ҳақгўйликка кўндириш мумкин.

**Шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш.** Шахс руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари (жиззакилиги, кечинмаларга мойиллиги кабилар)ни ҳисобга олиб, сўроқ пайтида тўғри кўрсатувлар беришига эришиш мумкин. Ғазаб пайтида сўроқ қилинаётган шахс одатда айтмайдиган фикрларини айтиши мумкин.

**Ёлғонга чек қўйиш.** Бу усул шахс «ёлғонни ривожлантиришига» имкон бериш зарурати бўлмаганида қўлланилади. Бу усулни ходим иш ҳолатлари бўйича ишончли маълумотларга эга бўлганида қўллагани маъқул. Бунда ёлғон кўрсатувлар дарҳол рад этилади. Мавжуд далилларни тақдим этиш орқали ёлғон бартараф этилади.

**Кутиш.** Иш натижасидан манфаатдор гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг онгида мотивлар кураши юз беради. Мотивларнинг айримлари ёлғон, бошқалари эса ҳаққоний кўрсатувлар беришга ундайди.

Ходим шахсдаги иккиланишларни инобатга олиб, унинг онгида фойдали мотивлар ғалабасини таъминловчи асосларни атайин «яратади» ҳамда сўроқ қилиш вақтида, сўроқ қилинувчининг ўзи ёлғон кўрсатувларидан воз кечишини кутиб, танаффус беради.

**Афсонага йўл қўйиш.** Ходим шахс ёлғон кўрсатувлар бераётганини била туриб, уларни баён этиши ва ичидагини айтиб олишига имкон беради. Бунда шахснинг ўзининг аввалги фикрларига зид кўрсатмалар бериши аниқ бўлади. Ходим ўзини унинг кўрсатувларига ишонаётгандек тутаяди, уни диққат билан эшитади ва айтганларининг ҳаммасини баённомада қайд этиб, сўнгра афсонани барбод этади.

**Чақирик (даъват).** Бу усул шахс мантқан изчил фикр юритишни истамаган пайтда қўлланилади. Ходим атайин диққатини шахс рад эта оладиган, яхши исботланмаган ҳолатларга қаратади. Шу тариқа шахс фикрлашга ундалади ва шу пайтда ходим унга далиллар билан тасдиқланган фактларни хабар қилади. Шахс ушбу фактларни ҳам аввалгиларидек рад этишга ҳаракат қилади, аммо улар объектив бўлгани учун бу қўлидан келмайди. Бу ҳол унда ўзини йўқотиш, тушкунлик ҳолатини юзага келтириши мумкин. Шунда у аслида бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлади.

**Қўққисдан саволлар бериш.** Шахс ёлғон кўрсатувлар бераётганида унга у мавжудлигини билмаган савол қўққисдан берилади ёки далил тақдим этилади. Бу ҳол аввалдан тайёрлаб қўйилган ёлғон жавоблар тизимини бузиб юборади ва шахсда стресс ҳолатини келтириб чиқаради. У қўққисдан олинган маълумотни бунгача ўзи ўйлаб топган маълумотлар билан боғлашга қийналади, кейин навбатдаги ёлғон жавобни дарров ифодалай олмайди.

**Изчилик.** Бу усул қўққисдан қўлланиладиган усулга қарама-қарши бўлиб, шахсда руҳий зўриқишни аста-секин кучайтириш учун зарур пайтда қўлланилади. Бунинг учун ходим далилларни кетма-кет ўсиб борувчи тартибда тақдим этади ва ҳар бирининг аҳамиятини батафсил тушунтиради. Ходим шахс тўпланган далилларнинг кучини сезишига имкон бериб, ёлғон гапиришга уриниши бефойда эканлигини кўрсатади.

**Диққатни чалғитиш.** Ушбу ҳолда ходим шахснинг ҳушёрлигини сўндириш учун диққатини асосий масалага қаратмайди, балки уни бошқа масалаларга фикрини тортади.

**Нутқ суръатини жадаллаштириш.** Кўп ҳолларда шахс сўроқ пайтида имиллайди, вақтни чўзади, ходим билладиган ҳолатларга мос келиши учун жавобларини ўйлаб олиш ва тайёрлашга ҳаракат қилади. Шундай вазиятда ходим шахс гапларига жадал суръат бағишлаб, унинг фикрларидан олдинда юриб, фикрлаши ва найранг ишлатишига имкон бермай, ташаббусни ўз қўлига олади.

**Нутқ суръатини пасайтириш.** Шахс сўроқ пайтида жуда тез гапиради, фикрларда чалкашликлар, тизимлилик йўқолганда нутқ суръатини пасайтириш керак бўлади.

**Ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.** Ушбу ҳолда ходим шахсга муайян факт ёки маълумотларни атайин айтиб беради. Натижада шахс ходим кўп нарсдан хабардорлиги ҳақида хулосага келади ва тўғри кўрсатувлар бера бошлайди.

**Такрорийлик.** Бу усул шахс навбатдаги сўроқ пайтида аввал берган кўрсатувларини аниқ такрорлай олмаслигига қаратилади

### ***3. Ички ишлар орган ходимларининг фуқаролар билан муомала қилиш маданияти.***

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар, корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, ижтимоий жамоа бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошлиқлари билан муомала қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президенти, Ҳукумати, Ички ишлар вазирлиги қабул қилган тегишли қонун, фармон, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган бўлиб, уларни оғишмай бажариш ҳар бир ходимнинг бурчидир.



«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимларининг касб маданияти» ҳақидаги Қўлланмада (2011 йил 4 июль) шундай дейилади: «Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўйини белгилаб беради.

Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг муружаатини диққат билан эшитиши, ваколоти доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади». Айни вақтда Ички ишлар органлари ходими фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишга, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича муружаатларига тўғри ва аниқ жавоб беришга, арз ва шикоятларини имкони борича қонуний ҳал қилишга интилиши лозим.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотларида хушмуомала бўлишлари керак.

**Хушмуомалалик** ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган **хушмуомалалик** қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини камраб олади:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик;
- муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш;
- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;
- одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тўзатиш;
- кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва хоказолар.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қўйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жиноятчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотларида албатта зийрак, ҳушёр, меҳрибон бўлишлари лозим.

**Зийраклик** деб, фуқароларнинг орзу-умидларини, аниқ истак-хоҳишларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари талаби асосида хатти-ҳаракатлар қилишга айтилади. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва ҳушёрлик ташкил этади. Зийраклик ахлоқ ва нафосатнинг фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитидир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг

дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсўханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у Ички ишлар органлари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Бу умумий қоидалардан фарқли ўларок, Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган махсус касб ахлоқи қоидалари ҳам мавжуд. Бу қоидалар уларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида намоён бўлади.

### **Хизмат вазифаларини бажариш вақтида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти қоидалари қўйидагилардан иборат:**

1. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими хизмат бурчини бажараётган вақтда, энг аввало ўзининг давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг ҳуқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчиларга баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

2. Фуқаролар ички ишлар идораларининг ходимларига ёки, аксинча, ходим фуқароларга мурожаат қилганда ходим саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилмоғи, яъни ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарфини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши ҳамда баён қилиши керак.

3. Фуқароларнинг барча саволларига, мурожаатларига ҳушмуомалалик билан жавоб бериш, ётиғи билан тушунтириш, уларга иложи борича ёрдамлашиши, иложи бўлмаганда маслаҳатлар бериши зарур.

4. Ички ишлар органлари ходими фуқароларга мурожаат қилганда, уларнинг талабига биноан ўзининг исми-шарифини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

5. Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида:

- димоғдорлик, далғаз танбех, қўполлик қилиш;

- кинояли, дағал тарзда танбех бериши;

- гапирганда инсон кадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирик сўзларни ишлатиши;

- фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши;

- таҳдид солувчи ҳамда фуқароларнинг кадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади.

6. Ҳар бир ходим хизмат вазифасини бажариш вақтида у ёки бу фуқаронинг ҳужжатларини текшириб кўришга зарурат сезса, унинг олдига келиб, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзининг кимлигини айтиши, вақтини олганлиги учун узр сўраб, мулоимлик билан ҳужжатларини кўрсатишини талаб қилиши керак. Ҳужжатлар тўғри бўлса, ходим ҳужжатни эгасига тезликда қайтариши, миннатдорчилик билдириб, хайрлашиши керак. Бордию, ҳужжатларда бирон-бир камчилик бўлса ёки у шубҳа туғдирса, бу ҳақда фуқарога ҳушмуомалалик билан тушунтириши ва қатъий тарзда ундан ўзи билан биргаликда яқинроқдаги ички ишлар бўлинмасига боришни талаб қилиши зарур. Бунда, албатта, ҳушёрликни унутмаслик керак.

7. Ходим фуқароларнинг шахсий мунозараларига ва баҳсларига аралашмаслиги керак. Фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган жамоат тартибининг бузилишига олиб келадиган, жиноятни келтириб чиқарадиган баҳс-мунозаралар бундан мустаснодир.

8. Байрам ва тантанали кунларда, айниқса, халқ сайллари вақтида фуқароларга кам аҳамиятли, тасодифий тартиббузарликлар учун имкони борича танбех бермаслик, бўлар-бўлмасга бўлимларга олиб келмаслик керак.

9. Ҳар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб гаплашиши шарт. Бунда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга «сен», катталарга эса «сиз» деб мурожаат қилиши керак.

10. Ходим хизматдан ташқари ҳолларда мурожаат қилган фуқароларга нисбатан бепарқ бўлмаслиги керак. Уларга тўғри маслаҳатлар бериб, саволларига жавоб топиш учун имкони борича амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур.

11. Қўшнилари билан яхши муносабатда бўлиш, уларнинг мурожаатларига қулоқ солиш, ёрдам бериш, оилаларида бўлаётган ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга ёрдамлашиши зарур.

12. Таътил вақтида, хизматдан бўш вақтларида халқ байрамларида, миллий

маросимлар, тўй-ҳашам, таъзия ва бошқаларда кўпчилик қатори қатнашиши керак.

Ходим ички ишлар бўлимига олиб келинган, ушланган ва қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини поймол қилмайди. Ўз навбатида, уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам беради, уларнинг ушланганликлари ҳақида яқин қариндошлари ёки иш жойига ўрнатилган тартибда хабар беради. Бундан ташқари, суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиши, бирор нарсани истеъмол қилиши ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этмайди.

Ички ишлар органлари ходимлари гумон қилинувчи шахслар, айбланувчи ёки судланувчилар билан мулоқотга киришаётганда доимо ҳушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай қутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

Ҳуқуқбузар тақдим этган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлмайди. Ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар (пул, ёзувли қоғоз парчаси, ташриф қоғози ва ҳ.к.) бўлса, уларни эгасига қайтаради. Ҳуқуқбузарга нисбатан ножўя хатти-ҳаракатлар қилмайди.

Ички ишлар органлари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар органлари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳада ва совғаларни олмайди ва хизмат айтмайди.

Спиртли ичимлик ичган, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалар истеъмол қилган шахслар билан мулоқотга киришганда, агарда улар ўзларини тўғри тутсалар ҳам шахсий хавфсизликни таъминлаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши ҳамда тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши зарур.

Ходим жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида йўловчилар билан хушмуомалада бўлиб, кексаларга, аёлларга жой бериши, ёшларни ёши катталарга жой беришга ундаши, жамоат транспортида ёки бекатда ҳуқуқбузарлик содир этилса, дарҳол уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриши, жабрланувчига ёрдам бериши ҳамда жамоат тартиби сақланишини таъминлашни хизмат ва фуқаролик бурчи деб ҳисоблаши шарт».

***Ички ишлар идораларининг ходимлари чет эл фуқаролари билан муомала қилганда куйидаги қоидаларга амал қилишлари зарур:***

1. Ҳар бир ходим хорижий мамлакатлар фуқаролари билан фақат ўзига берилган ваколатлар доирасида муносабатга киришиши ва хизмат вазифасини, бурчини бажаришда она Ватанимизнинг посбони эканлигини унутмаслиги керак.

2. Хорижий мамлакат фуқаролари савол билан ёки ёрдам сўраб мурожаат қилганда, уларнинг сўзларини диққат билан эшитиш, уларга ўз ваколатлари доирасида ёрдам бериш, бошқа ҳолларда тегишли муассасаларга мурожаат қилишни тавсия этиш лозим. Айниқса, давлат тилини билмайдиган хорижий фуқароларнинг сўзларини диққат билан эшитиб, уларни тушунишга ҳаракат қилиш ва шунга яраша, уларни қаноатлантирадиган даражада жавоб қайтариш зарур.

3. Хорижий мамлакатлар фуқаролари арзимаган, кам аҳамиятли тартиббузарликлар содир қилган бўлса, уларни бу ҳақда огоҳлантириш ва уларни бошқа такрорламасликка чақириш керак. Бордию, улар огоҳлантиришга қарамасдан тартиббузарликни давом эттирсалар, уларнинг жиноят сари бораётганликлари сезилса, ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмасалар, у ҳолда бундай ажнабий фуқароларни ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмига олиб бориш ва бу ҳақда бўлим бошлиқларига хабар бериш зарур.

4. Ҳар бир ходим шунини унутмаслиги керакки, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларига эга бўлган хорижий мамлакат фуқароларини ушлаб туриш тақиқланади. Бордию, улар жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган бўлсалар, дарҳол уларнинг фамилиясини, исми-шарифларини, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларининг белги ва рақамларини ёзиб олиб, бу ҳақда тезлик билан ўзидан юқори турувчи Ички ишлар органлари бошлиқларига ёзма равишда ахборот беришлари керак.

5. Хорижий мамлакат фуқаролари содир этилган бирон-бир жиноят ҳақида хабар берсалар, бу ҳақда тезликда Ички ишлар органлари бошлиғига маълумот бериш ва уларнинг аризаларини қабул қилиб олиш учун ички ишлар идораларига шахсан бошлаб бориш ёки у ерга бориш йўлини тушунтириб бериш зарур.

6. Хорижий мамлакат фуқаролари яшаётган хонадонларга ўзбошимчалик билан киришга, уларнинг паспортлари қайд этилган ёки этилмаганлигини текшириб кўришга

рухсат этилмайди. Бу иш жуда зарур бўлиб қолган вақтда ўй-жой бошқармаси маъмурияти, корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари раҳбарлари билан бамаслаҳат амалга оширилади.

7. Хорижий мамлакат фуқаролари ички ишлар идораларига муурожаат қилганларида ички ишлар идорасининг бошлиғи ёки унинг муовини уларни бирон-бир Ички ишлар органлари ходими ёки ҳолис фуқаро иштирокида қабул қилиши керак.

8. Ички ишлар органларининг ҳар бир ходими ажнабий фуқаролар билан мулоқотда бўлганда ўзининг юксак фазилатларини намоён қилиши, хорижлик фуқаролар унинг сўлуқатига қараб она Ватанимиз мустақил Ўзбекистон халқи тўғрисида фикр юритишини зинҳор унутмаслиги лозим. «Ички ишлар органлари ходимлари эл-юрт осойишталиги посбони сифатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришишда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чехра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда таржимон таклиф этади», дейилган. Бу деган сўз, Ички ишлар органлари ходими хорижий давлат фуқаролари билан мулоқотда ўзини муносиб тутуди, вазифасини юксак маҳорат билан бажариб, республикамиз шаъни ва мавқеини баланд кўтаради, она Ватани билан ғурурланишини, унинг учун ҳар қандай синовларга ва хизматга тайёр эканлигини намойиш этади.

*Фуқароларнинг хонадонларига киришга тўғри келганда Ички ишлар органлари ходимлари қўйдаги ахлоқ қоидаларга риоя этишлари керак:*

1. Ички ишлар идораларининг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида, кўнунларда ва йўриқномаларда кўрсатилган тартибда фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюришлари мўмкин.

2. Хонадонга ташриф буюраётган ходим ўз ташрифи ўй соҳибининг қадр-қиммати, қўни-қўшнилари олдидаги обрўси билан боғлиқ бўлган катта ахлоқий масъулиятга эга иш эканлигини унутмаслиги керак. Шунинг учун ҳам фуқаролар хонадонига ташриф буюрганда одоб қоидаларига, ташки кўриниш, кийим-бошларни кийиш, тозалик нормаларига оғишмай амал қилиш зарур.

3. Хонадонга киришда ҳар бир ходим, энг аввало, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзини таништириши ва ташрифдан кўзлаган мақсадини босиқлик билан хонадон соҳибига тушунтириши керак. Бу ташриф паспорт қайдини текшириш билан боғлиқ бўлса, хўшмуомалалик билан паспортни кўрсатишларини сўраши лозим. Агар паспорт солинган хўжжатдон ичида пул ва бошқа қоғозлар бўлса, хонадон соҳибидан уларни олиб қўйиб, фақат паспортни беришни сўраши керак. Ходим ҳеч вақт хўжжатдондаги пул ва бошқа қоғозларга қўл тегизмаслиги керак.

4. Паспортни қайд қилиш ва яшаш қоидаларига амал қилишда озгина камчиликлар бўлсаю, маъмурий чора кўриш учун етарлича асос бўлмаса, хонадон соҳибига ва унинг оила аъзолари билан қисқача сўхбат ўтказиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Сўхбат ва тушунтириш ишлари ниҳоятда самимий, ишончли бўлмоғи керак.

5. Ҳар бир ходим, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилганидек, «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга» эканлигини унутмаган ҳолда хонадонга фақат жиноятнинг олдини олиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида кириши, бунда эҳтиёткорлик билан ва тез ҳаракат қилиб, жиноятчини, тартиббузарни қўлга олиши керак. Қўлга олиш чоғида у, иложи борича, хонадондаги буюмлар, анжомларга зиён-заҳмат етказмаслик чораларини кўриши зарур.

6. Ёлғиз ўзи яшовчи қариялар ёки умўминсоний ахлоққа зид ҳаракатлар қилиб яшовчи оилалар, қамоқ жойидан бўшаб келганларнинг хонадонларига ташриф буюрганда ниҳоятда эҳтиёткорлик, сезгирлик билан иш кўриб, уларга диққат-эътибор билан қараш, ёрдам қўлини чўзиш, қайта тарбиялаб рисоладаги ҳаёт кучоғига қайтариш тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

**Ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларни қабул қилиши уларнинг аҳоли билан бирлигини таъминловчи омиллардан бўлиб, фуқароларнинг саволларига, ариза ва шикоятларига тез ва тўғри жавоб топиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш мақсадида ташкил этилади. Бунда қўйдаги қоидаларга риоя этиш зарур:**

1. Фуқароларни муурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар идораларининг ходимлари, бошлиқлари қабул қилишлари керак.



2. Фуқароларни қабул қилиш учун махсус хона ажратилиши лозим. Ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши, керакли кўргазмали маълумотлар ҳамда хона юксак эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши зарур. Қабул қилиш учун яратилган шарт-шароит ва муҳит Ички ишлар органлари ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак.

3. Фуқароларни қабул қилиш вақти аниқ белгиланган, кимлар қандай масалалар бўйича қабул қилиниши кўрсатилган бўлиши лозим. Қабул қиладиган ходим доимо махсус кийимда (формада) бўлиши, ўзини камтарона тутиши, фуқароларга ёрдам беришга тайёрлиги ва уларнинг ишончини оқлай олиши унинг қабулидаги фуқарога сезилиб туриши керак. Фуқарода уни қабул қиладиган ходимга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши керак. Ходим, шунингдек, ташки кўриниши ораста бўлиши зарурлигини унутмаслиги лозим.

4. Ички ишлар органлари ходими ўз қабулига келган фуқарони, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, ўтириш учун таклиф қилиши ва ҳол-аҳвол сўраши лозим. Шундан сўнг суҳбатдош фуқаронинг исми-шарифини, иш жойини, уй адресини, телефонини сўраши ва бу маълумотларни тегишли дафтарга ёки ҳисоб varaқасига қайд этиши, ташрифдан кўзлаган мақсадини сўраши керак.

5. Суҳбат чоғида фуқаронинг барча гапларини диққат билан тинглаш, гапини бўлмасдан эшитиш керак. У гапини тугатганидан сўнг, унга ноаниқ ёки тушунилмай қолган нарсалар тўғрисида савол бериш керак. Савол-жавоб жиноятчини ёки гувоҳни сўроқ қилиш тарзида бўлмаслиги керак. Суҳбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши лозим. Суҳбат чоғида бошқа одамлар билан, шу жумладан, телефонда сўзлашмаган маъқул.

6. Ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Фуқаро жавобдан қониққан бўлса, унга миннатдорчилик билдириш, қониқмаган бўлса юқори ташкилотларга мурожаат қилиш тартибидан ётиғи билан, шошмасдан, хушмуомалалик билан тушунтириш зарур. Суҳбат тугатганидан сўнг фуқарога сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта кузатиб қўйиш лозим.

7. Фуқароларнинг мурожаатига алоқадор мансабдор шахслар суҳбат чоғида иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг барчасини фуқарога таништириш керак. Бордию, суҳбатдош фақат бошлиқнинг ўзи билан гаплашиш истагини билдирса, бунга ҳам имкон бериш лозим.

8. Фуқаро билан суҳбат чоғида уларга бериладиган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир.

9. Суҳбат давомида кўриладиган масала ички ишлар органи бошлиқининг ваколатига кирмаса, фуқарога бу ҳақда ётиғи билан гапириб, кимга мурожаат қилиши зарурлиги тушунтириб берилади.

10. Суҳбат давомида кўриладиган масалани ҳал қилиш учун қўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда суҳбатдошга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади.

11. Қабулга келган фуқаронинг маълумоти жиноятни очишга ёки Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак.

12. Қабулга маст ҳолда келган фуқаролар билан одатда суҳбат ўтказилмайди. Бордию, улар жиноят ёки бошқа кўнгилсиз воқеаларнинг содир этиладиганлиги ёки бунга ҳаракат бўладиганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсалар, унинг сўзларини тинглаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш зарур.

13. Қабулга ёзилган барча фуқаролар қабул қилиниши шарт.

14. Қабул вақтида тушган таклифлар, аризалар, шикоятлар билан боғлиқ масалаларни тезликда ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, уларни умумий тартибда ҳал қилиб, фуқароларга унинг бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълумот бериш керак.


15. Фуқароларни қабул қилиш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими учун унинг касбий, ахлоқий ва сиёсий етуклиги синаладиган катта имтиҳон эканлигини ёддан чиқармаслик зарур.

#### 4. Ички ишлар ходимларининг касбий фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш

Ўз вақтида Наполеон Бонапарт шундай ёзган экан: «Қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди». Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган.

Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ёки зиддиятларнинг табиати ва моҳияти бироз бошқача бўлади.

Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.



**Нима сабабдан Ички ишлар органлари жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади? Бунинг бир неча сабаблари бор:**

- алоҳида ходим ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;
- айрим жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва гуруҳий меъёрларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, ишнинг самарасизлиги ва ҳоказо);
- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;
- ишни ташкил этиш ва касбий фаолиятга нисбатан муносабатлардаги фарқлар;
- ходимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳоказо.

**Демак, юқоридаги ҳолатлар кўп ҳолларда қуйидагича низоли вазиятларни келтириб чиқаради:**

- 1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
- 2) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар – компромисс;
- 3) намоён бўлиш даражасига кўра: очик, яширин, потенциал, асосли;
- 4) иштирокчилар сонига кўра: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
- 5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ҳиссий-эмоционал.

Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, «горизонтал низолар» ҳаётда энг кўп учрайди. Бундай номуросозликлар аксарият ҳолларда ходимлар ўртасида айрим аъзоларнинг ишни яхшилаш, янги иш методларини жорий этиш, ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш, адолат учун кураш, илғор жамоа аъзоларининг шу ердаги маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги фикрларини айримлар томонидан эътирозлар билан қабул қилиниши натижасида рўй беради.

**«Вертикал низолар»** эса кўпинча раҳбар билан ходим ўртасида содир бўлиб, у бир қарашда лидерликка даъвогарлик, юқоридан тазйиқ, пастдан туриб бошқа ходимлар ёки кучлар атрофида бирлашиш, сараланишлар оқибатида келиб чиқади. Бунда низонинг ташаббускори ва бош айбдори кимлигига боғлиқ тарзда уни ҳал қилиш усули танланади. Масалан,

агар бошлиқ ходимнинг ишга масъулиятсизлигидан норозилиги туфайли пайдо бўлган низо билан унинг профессионализм борасида ҳадеб «ўзини кўрсатаётганлигидан» норозилиги туфайли келиб чиқадиган низонинг ҳам фарқи бор. Ҳар қандай низонинг асл туб моҳияти шундаки, унинг пайдо бўлиши айрим *ўзгаришларга* олиб келади. Бу ўзгариш ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарса, уни конструктив деб, салбий оқибатлар ёки ходимлар кўнимсизлигини келтириб чиқарса, уни деструктив характерли деб атаймиз. Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради (2-расм):

- I. **Низо олди босқич** – конфронтация
- II. **Низонинг ўзи:** компромисс ёки жанжал
- III. **Низодан чиқиш:** мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи босқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади. Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар. Бунда ташқаридан қараганда кўзга ташаланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу босқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи босқичга ўтади.

Иккинчи босқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонникидан афзал билиб, очикчасига бир-бирларини айблай бошлайдилар. Шу пайтда бошлиқ уларни келиштиришга уринади. Агар бу «уриниш» алоҳида-алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши мумкин ва томонлар ўз ҳолича бошлиқни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг иштирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам психология ҳар қандай низони томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир нечта алтернатив ечимлар бўлиши керак. Бошлиқ бирор томонга кўпроқ ён боса бошласа ҳам, низонинг иштирокчисига айланади. Шунинг учун у ҳолис тарзда низонинг келиб чиқиш сабаблари, кимларнинг манфаатига зид ишлар қилинаётганлиги, низо иштирокчиларининг шахсий ва касбий хусусиятлари, кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиб, низонинг «портрети»ни ўзи учун тасаввур қила олиши керак. Шундан кейингина томонларни чақириб, масалага янада ойдинлик киритиб, томонларни келишувга чақиради. «Мен нима бўлганини, муаммо нимада эканлигини билиш учун Сизларни чақирдим» деб гап бошлаши ва ҳар бир томоннинг фикри муҳимлигини таъкидлаб, айна пайтда вазиятни қаттиқ назорат қилиши, унинг кечишини бошқариши лозим.

**Низолар** инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Икки томон ўзаро мулоқотга киришар экан, улар ўртасида низонинг вужудга келиш эҳтимоли доим мавжуд бўлади. Бир-биридан фарқланувчи фикрларга, мақсад ва унга эришиш йўллари ҳақидаги тасаввурларга эга бўлган одамлар мавжуд жойда, инсон индивидуаллигининг намоён бўлишига тўсқинлик қилинмайдиган маконда, шубҳасиз, низоли вазиятлар вужудга келади.

**Низо** мулоқот иштирокчиларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик ва курашнинг кескин кучайиб кетиш жараёнидир.

Низонинг асоси мулоқот иштирокчиларининг бири иккинчисининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ўз мақсадларига етишиш жараёнига тўсқинлик қила бошлаши туфайли пайдо бўлади. Бироқ, бу ҳали низо эмас. Бу *низолли вазият*. Мулоқот иштирокчиларининг ушбу низоли вазиятда вужудга келган тўсиқни бартараф этиш учун амалга оширувчи ҳаракатлари низони, яъни очикдан-очик қарши курашни келтириб чиқаради. Демак, низонинг формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

**муаммо + низоли вазият + инцидент = низо**

Низо қарама-қаршиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги билан баҳсдан фарқ қилади.

Низо ўз таркибий тузилиши, амал қилиш соҳаси, динамикаси ва турларига эга.

Низонинг таркибий тузилиши мулоқот иштирокчиларининг ташқи ва ички позицияси



хамда низо объектидан иборат:

**Бу ерда:**

- 1) ташқи позиция – кишинг хулқ-атвори;
- 2) ички позиция – кишининг мақсади ва мотивлари;
- 3) низо объекти – низонинг сабаблари.

*Низо шахсий ёки касбий соҳада амал қилиши мумкин.*

<b>Шахсий соҳа</b>	<b>Касбий соҳа</b>
Нега бундай уйқучисиз? Шунчалар ҳам масъулиятсиз бўласизми? Кейинги сафар ҳам ўзингизни академик деб билиб кеч қолаверинг, хўпми?	Нега ишга вақтида келмайсиз? Қандайдир муаммолар пайдо бўлди? кейинги сафар кеч қолмаслигингизга умид қилсам бўладими?

**Низо динамикаси уч босқичдан иборат:**

- 1) етилиш;
- 2) рўёбга чиқиш;
- 3) сўниш.

Биринчи босқичда низо рўёбга чиқишининг олдини олиш мумкин. Самарали усуллардан бири коммуникатив ўзаро таъсир соҳасидан предметли фаолият соҳасига ўтиш. Рўёбга чиқиш босқичига ўтган низонинг олдини олиб бўлмайди. Сўниш босқичининг келишини кутиш керак бўлади. Бу босқичда коррекцион тадбирларни ўтказиш самаралидир.

**Низонинг одатда икки хил тури фарқланади:**

<b>Деструктив низо</b>	<b>Продуктив низо</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• шахсий хусусиятларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади;</li> <li>• муносабатларнинг бузилишига олиб келади;</li> <li>• иштирокчилар сони ортиб боради;</li> <li>• қарама-қарши томонга нисбатан негатив баҳолар кучайиб боради;</li> <li>• шахсга кўчиш осон юз беради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• нуқтаи назарнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади;</li> <li>• муаммога кенгроқ қарашга олиб келади;</li> <li>• оптимал ечимнинг топилишига ёрдам беради;</li> <li>• шахсга кўчилмайди.</li> </ul>

**Низолар бир қанча белгиларига кўра таснифланади:**

1) *натижасига кўра:* а) конструктив муносабатларнинг яхшиланиши, муаммонинг иккала томон учун ижобий ҳал этилишига олиб келади; б) деструктив муносабатларнинг ёмонлашувига, муаммонинг ҳал этилмаслигига олиб келади;

2) *давом этишига кўра:* а) узоқ муддатли рўёбга чиқиш босқичи чўзилиб кетган низо; б) қисқа муддатли рўёбга чиқиш босқичи узоқ давом этмайдиган низо;

3) *кескинлик даражасига кўра:* норозилик, келиша олмаслик, қарама-қаршилиқ, душманлик;

4) *фаолият соҳасига кўра:* бошқариш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги, ишлаб чиқариш соҳасидаги.

**Психологлар мулоқотдаги низоларнинг олдини олиш учун қуйидаги қондаларга амал қилиш лозимлигини уқтириб ўтадилар:**

- 1) танқид ва айбловни кўп ишлатмаслик, кўп нолийвермаслик керак;
- 2) фикрда қисқароқ (5-9 сўздан иборат) гаплардан фойдаланиш керак;
- 3) эътиборли тингловчи бўлиш керак, суҳбатдош фикрини бўлмаслик, суҳбатдошга ўз фикрини билдириши учун вақт бериш, суҳбатдошга бўлган қизиқишни кўрсатиш, суҳбатдош нутқининг хусусиятларига камроқ эътибор бериш, суҳбатни монополлаштириб юбормаслик, суҳбат вазиятидан чалғимаслик керак;
- 4) овозни имкон қадар самимий жаранглашини таъминлаш керак;
- 5) суҳбатдошнинг новербал сигналларини диққат билан кузатиш керак;
- 6) қатъий фикр билдиришдан сақланиш керак;
- 7) фикрни билдиришдан олдин у нима ҳақида эканини маълум қилиш керак;
- 8) суҳбатдош «тилида» гапириш керак;
- 9) бўлар-бўлмас баҳсларга киришишдан сақланиш керак;
- 10) буйруқ оҳангидан воз кечиш керак;

- 11) «хеч қачон» ва «ҳар доим» сўзларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак;
- 12) ижобий эмоцияларни сақлаб туриш керак, кўпроқ табассум қилиш керак.

**Низо рўй бергач уни бартараф этиш учун қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:**

- 1) вазминликни сақлаб қолиш (эмоционал ҳолатни имкон қадар бошқариш, имкон қадар шарҳламаслик) керак;
- 2) низонинг асосий сабабини аниқлашга интилиш (аниқлаштирувчи саволлар бериш, суҳбатдошнинг ички позициясини билишга уриниш) керак;
- 3) шахсий соҳадаги тўқнашувга йўл қўймаслик (суҳбатдошнинг шахсий хусусиятларидан ранжишни, уларни ёқтирмасликни кўрсатмаслик, шахсий устунликни кўрсатишдан сақланиш) керак;
- 4) ҳар бир сўз ва иборадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш (негатив эмоционал баҳоланувчи сўз ва иборалардан – «сиз хато қилиясиз», «янглишдингиз», «эс-хушингиз жойидамас, шекилли» кабилардан, ақл ўргатувчи гаплардан фойдаланмаслик) керак;
- 5) компромисс учун очик бўлиш (ўзаро манфаатли келишувга доим тайёр бўлиш) керак;
- 6) суҳбатдошнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглаш ва анализ қилиш (суҳбатдошнинг сўзлари ва ҳиссиётларини тушунишга, шахсий позициясининг суҳбатдош позициясидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш) керак.

Низо бартараф этилмай муносабатлар бутунлай тугалланса, буни фақат позицияларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги туфайли рўй берган ҳодиса деб ҳисоблаш керак.

#### **5. Ички ишлар орган ходимларининг шахсларо муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши.**

Ҳиссий-иродавий барқарорликни ходимларнинг фуқаролар билан шахсларо муносабат ва касбий фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади.

#### **Ҳиссий-иродавий барқарорлик қуйидагиларда намоён бўлади:**

- экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ноаниқликлар ва адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;
- психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда касбий ҳаракатларни беҳато бажариш машқини олганлик;
- касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намоёйиш этиш;
- юридик ишларни қатъий қонуний юритишга таъсир этишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг руҳий таъсирга берилмаслик;
- жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилик кўрсатувчи шахсларга қарши қаттиқ психологик кураш олиб бориш қобилияти;
- психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, ифвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.



Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ҳозирги шароитида улар бажарадиган ишнинг муваффақияти, ходимлар биргаликда бажарадиган меҳнатнинг самарадорлиги, жамоадаги психологик муҳит кўп даражада ўз ҳаракатларини бошқара олиш, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш, кайфиятини назорат қила олиш, вазиятнинг ва атрофдагиларнинг талаблари билан ҳисоблашиш қобилиятига боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимлари учун ўзини аниқ назорат қилиш, ирода, тезкор қарорлар қабул қилиш, хизмат операцияларини, хатти-ҳаракатларини ва ҳис-туйғуларини бошқара олиш қобилияти жуда зарур.

Ўзини бошқариш орқали ҳиссий асабийлашишни йўқ қилиш, қўрқиш ва ишончсизлик

хиссини тарқатиш, диққатни бир нуқтага қаратиш ва бутун кучни қўйилган вазифани бажаришга сафарбар этиш ички ишлар органлари ходимининг жуда муҳим хислати эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Хавфли, баъзан эса ҳаётга таҳдид солувчи вазиятларда тез-тез бўлиш шахслардан ўзини тута олишни, мураккаб вазиятни тез баҳолаш ва энг мақбул қарорларга келиш қобилиятини талаб этади, бу эса қўйилган вазифани самаралироқ бажаришга ҳамда ички ишлар органлари шахсий таркиби орасида фавқулудда ҳодисалар ва касбий фаолиятнинг бажарилмай қолмаслигига ёрдам беради.

Ходимнинг ўз руҳий ҳолатини ва ҳаракатларини бошқара олмаслиги салбий, кўпинча эса ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам оғир оқибатларга олиб келади. Ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик шахснинг шароитга ижтимоий-психологик мослашиш қобилиятини пасайтиради, унинг ҳаётий салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳар куни турли (кўпинча стресс хусусиятига эга бўлган) омиллар таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, чарчаш, ҳолдан тойиш, турли салбий ҳиссий ҳолатларнинг юзага келиши, касбий хизмат фаолиятидаги камчиликларга олиб келади.

Ички ишлар органлари ходимларининг тезкор хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўладиган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний оғирликлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганда ҳаддан ташқари асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, фуқаролар билан шахслараро муносабатда, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча касбий бузилишларга, ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, психологлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30% уйқусининг бузилишидан шикоят қиладилар, 80%дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда, чарчаш (70%), диққатнинг пасайиши (30%), тажанглик (20%), бош оғриғи ва айланиши (10%), уйқучанлик ва дармонсизлик (10%)ларда намоён бўлади.

Шу муносабат билан ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усуллари эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустаҳкамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мақсади *ходимнинг ўз ички имкониятларидан оптимал фойдаланишига, унинг ижодий салоҳияти очилишига, касбий хислатлари ва қобилиятлари кенг ва самарали намоён бўлишига ёрдам берадиган алоҳида руҳий ҳолатларни шакллантиришдан иборат*. Ички ишлар органларининг ходими учун бу, охир оқибатда, жиноятни очиш ва тергов қилишда муваффақиятга эришиш, жиноятчига қарши курашда устунликка эришиш ва шу кабилардир.

Шундай қилиб, ўз организмида юз бераётган жараёнларни мустақил равишда фаол ўзгартириш ва уларни (муайян доирада) бошқариш имконияти катта аҳамиятга эга. Ўзини ўзи бошқариш орқали қисқа вақтга вазиятдан келиб чиқиб руҳий жараёнларни фаоллаштириш ёки секинлаштириш, шунингдек, бажариладиган фаолиятни тайёрлаш сифатини ва унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Масалан, куролланган жиноятчини ушлаш чоғида ходим юзага келадиган кўрқинч, ишончсизлик ҳиссини бартараф этиши, ўз жанговар руҳини кўтариши, бутун имкониятларини сафарбар этиши мумкин ва ҳ.к.

Ўзини ўзи бошқариш усулининг турли шакллари ёрдамида билиш жараёнларига ҳам, мотивацион жараёнларга ҳам таъсир этиш; мотивлар ва майлларнинг амалийлигини кўтариш (масалан, бир хил ишни бажаришда ҳосил бўладиган чарчаш ҳислари билан кечадиган зўриқишлар чоғида). Бу ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида, натижага дарҳол эришиш мумкин бўлмаганда (баъзан жиноятни очиш ва тергов қилиш ҳафталаб, ойлаб, йиллаб чўзилиши мумкин), ходим учун таваккалли ёки хавфли туюлган вазиятларда, шунингдек, экстремал шароитларда иш қобилиятини вазифани бажаришга сафарбар этишда жуда муҳим ўрин тутади.

Умуман олганда, руҳий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш икки мақсадли установага эга: бир томондан, хизмат фаолиятини муваффақиятли бажариш учун ҳар томонлама қулай психологик шарт-шароит яратиш, бошқа томондан дам олишга ўтишни енгиллаштириш.

Бунда катта тажриба натижасида ходимнинг ўзи топган оддий руҳий бошқарув усулларни («содда» руҳий бошқариш) илмий асосланган машқли усулларни эгаллашдан фарқлаш лозим. Руҳий бошқариш машқли усулларни эгаллаш деганда, одатда, автоном, яъни оддий воситалар билан ихтиёрий бошқариб бўлмайдиган жараёнларни мақсадли ўзгартириш тушунилади. Кутилган натижага фақат режали равишда такрорлаб бориладиган машқлар орқали эришилади.

Ўз руҳиятини бошқаришнинг моҳияти шундаки, инсон ўзининг руҳий ҳолатига ва бутун организмга таъсир кўрсатиш учун атроф-муҳит билан мулоқотда бўлиш ва ўз организмни билиш жараёнида тўпланадиган ҳис-туйғуларини мунтазам машқлар предметига (мавзуига) айлантиради.

Умуман, ҳар бир соғлом, меҳнатга қобилиятли ходим ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллаши мумкин. Аммо бунда ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш усулларида фойдаланиш самарадорлигини пасайтирувчи бир қатор омиллар мавжуд эканлигини инобатга олиш зарур. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– *ходимнинг мазкур машқларни бажаришига муносабати* (унинг ички тайёрлиги) ҳаддан ташқари ўзига ишониш муваффақиятга эришишга ёрдам бермайди. Истиконинг ўзи натижа бермайди: мунтазам ишлаш, сабр-тоқат, ирода зарур;

– *машқларнинг дастлабки босқичида эришилган муваффақият* машқ қилувчини унинг машғулотларга муносабатида нотўғри йўналиш бериши, ўзига ортикча ишонишига ва қийинчиликларни енга олмайдиган бўлиб қолишига олиб келиши мумкин;

– *ўзини машқ қилдиришининг ёмон шароитлари*. Халақит берувчи ташқи омилларни йўқ қилувчи, ўзни бўш кўйишга ёрдам берувчи хотиржам шароит яратиш керак. Руҳий бошқарув усулларини эгаллаб борган сари хизмат фаолиятининг ҳақиқий шароитларида машқ қилишга ўтиш мумкин;

– *ўзини ўзи бошқариш усулини нотўғри танлаш*. Ходимнинг индивидуал хусусиятларига мос келмайдиган бошқариш усулларни танланиши руҳиятида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради, шу боис бошқарув машқларини катта эҳтиёткорлик билан, уларнинг самарадорлигини доимий назорат қилган ҳолда танлаши керак;

– *ишонувчанлик ва ҳаёл суриш қобилияти каби шахсий хислатларнинг намоён бўлишидаги хусусиятлар*.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни учта *асосий принципга* таянади:

– релаксация;

– визуаллаштириш;

– ўзини ўзи ишонтириш.

**Релаксация** тамойилининг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш, ўз организмнингиз ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ҳамда одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашигани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи тамойил **визуаллаштириш**. Интуитив тафаккур онга кириб боришнинг турли йўлларида фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгида образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан сезиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усулларини билдиради. Аслида, инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онгда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис, визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

**Ўзини ўзи ишонтириш** тамойилининг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради

ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

### **Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари**

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари қўллашдан кўзланган мақсад ходимга хизмат доирасидаги ҳаракатларини муваффақиятли бажариши учун мақбул ички шароитни яратишда ёрдам беришдан иборат. Бунда қуйидаги бир қатор жиҳатлар назарда тутилади:

– инсоннинг ўзига нисбатан ижобий установкани мустаҳкамлаш («Мен бунинг уддасидан чиқаман»), ўзига ишонч ҳиссини ошириш;

– ҳиссий-аффектив жараёнларни (айниқса, таваккал, кўркинч ҳисси, касбий ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган вақт тақчиллиги кабиларни) уйғунлаштириш ва фаоллаштириш;

– тезкор хизмат (тергов, тезкор қидирув, профилактика ва ҳ.к.) ҳаракатларини бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида диққатни ошириш;

– хизматдаги оғир меҳнатдан кейин дам олишга ўтишни тезлаштириш;

– ходимнинг хизмат фаолияти узоқ вақт чўзилганда (масалан, сурункали навбатчиликлар вақтида) функционал тайёрлик ва иш қобилиятининг юксак даражасини сақлаб туриш.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари қўллаш, биринчи навбатда, рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи бошқарувни кучайтиради. Уларга ходимнинг ўзига, ўз имкониятларига, кутилаётган касбий натижаларига нисбатан ижобий майлларни кучайтириш ва салбий майлларни бартараф этиш киради. Аввало, оптимистик касбий кайфиятни яратиш назарда тутилади. Кўркув, монотонлик, антипатияни (масалан, сўроқ вақтида қаршингизда ўтирган айбланувчига нисбатан) бартараф этишга қаратилган руҳий ўзини ўзи ишонтириш шакллари ҳам шунга киради. Оптимал руҳий ҳолат тақдир совғаси эмас. Ўз ҳис-туйғуларингизни бошқариш, қийинчиликларни енгиллаштириш, вақтинчалик хизмат омадсизликларининг психологик юки таъсири ҳамда бўлғуси фаолиятдан кўркишни йўқ қилиш учун мунтазам равишда ўз устида ишлаш талаб қилинади.

Ходимлар ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари эгаллашларида барча ходимлар фойдаланиш учун ярайдиган қандайдир универсал усулни тақлиф этиб бўлмаслигини ҳисобга олишлари зарур. Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари ходимнинг табиатига, фаолиятига хос хусусиятларни, унинг темпераментини ва кўпга ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда махсус танлаш керак.

Тегишли машқлар учун қуйидаги усуллар тавсия этилиши мумкин.

**Мантиқ усулларидан фойдаланиш.** Жуда кўп ҳолларда қарор топган шароит ички ишлар органлари ходимидан вазиятни қизишмасдан таҳлил қилиш талаб этади. Бунда у, аввало, ўзини айна дамдаги руҳий ҳолати, ноадекват асабий зўриқиши оқилона эмаслигига, сўнгра эса бошқача йўл тутиш мақсадга мувофиқлигига ишонтириши керак. Вазиятни мантикий англаш ва у билан боғлиқ салбий ҳис-туйғуларни бартараф этиш жараёнида бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Асабий зўриқишни ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб, бекорга ташвишланаётганингизга ўзингизни ишонтириб йўқ қилиш мумкин. Қийин вазият муваффақиятсизликдан ҳам энг кўп фойда олиш маҳоратини тарбиялайди. Ушбу ҳолдаги руҳий ҳимоя ходимнинг ўзини ана шунга ишонтиришига асосланади. Бунда нима юз берганлигини, қаерда хатога йўл қўйилганлигини аниқ таҳлил қилиш ва дарҳол келгуси фаолият учун қандай фойда бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш муҳим.

«Мен энг тажрибалиман», «Мен ҳамма нарсани қила оламан», «Мен ҳар қандай жиноятни оча оламан» каби **индивидуал жиҳатдан муҳим бўлган ўзини ўзи ишонтириш усули** жуда самаралидир. Ушбу ўзини ўзи ишонтириш қобилиятини улардан кундалик амалиётда юзага келадиган қийин вазиятларни бартараф этиш учун рағбат сифатида доимий фойдаланиб, албатта машқ қилдириш керак.

**Ўзига ўзи буйруқ бериш усулидан фойдаланиш.** Интизомли ходим «Керак!», «Бардам бўл!», «Чида!», «Ишла!» каби ички буйруқлар ёрдамида ўзини яхши бошқариши мумкин. Ана шундай ўзига ўзи бериладиган қўшимча буйруқлар ёрдамида ўзини мажбурлаш қобилиятини мунтазам равишда машқ қилдириш муҳим. Охир-оқибатда ички нутқ ва ҳаракат ўртасида ўзига хос чамбарчас алоқа ўрнатилиши керак. Ўзига берилган буйруқ бунда қўшимча кучга эга бўлади, ўзига хос ишга туширувчи рағбатга айланади. Айтиш жоизки, ўзига бериладиган буйруқларни ўзини ишонтириш иборалари билан бирлаштириш жуда қулай (масалан, «Мен ҳеч нарсадан кўркмайман! Олға!» ёки «Мен бу ишни қила оламан! Кўркма!») каби).



**Образлардан фойдаланиш.** Бадиий тафаккурга мойил шахсларга «жимнидир тақлид қилишга» асосланган усул ёрдам беради. Масалан, қандайдир қийин ишни бажараётган ходим ўзини бадиий ёки кино қаҳрамони – изкувар қиёфасида тасаввур этиши мумкин. Тақлид қилиш учун образни тасаввур қила олиш, керакли ролга қира олиш ўз хатти-ҳаракати услубига эга бўлишга ва нафақат ўз ҳолатини бошқаришга, керак бўлганда, жинойтчиға руҳий таъсир кўрсатишга ҳам ёрдам беради.

**Вазиятларни мақсадга йўналган тарзда тасаввур қилиш.** Бирон-бир ишга киришишга ёки асабий зўриқишни йўқотишга тасаввур қилишдан фойдаланиш ёрдам беради. Ҳар бир одамнинг хотирасида ўзи хотиржамлик, сокинлик туйган вазиятлар бўлади. Айримлар учун бу пляж, чўмилгандан сўнг илик қумда дам олишдан олинган роҳат бўлса, бошқаларда – тоғлар, тоза ҳаво, кўм-кўк осмон, қорли чўққилар ана шундай хислатларни уйғотади. Бундай вазиятлар жуда кўп бўлиши мумкин, аммо улар орасидан керакли ҳиссий кайфиятни келтириб чиқара оладиган энг муҳимларини танлаб олиш керак.

Қандайдир касбий ҳаракатни бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида ички ишлар органларининг ходимига, масалан, жинойтни муваффақиятли очиш, жинойтчини ушлаш, қаҳрамонона ҳаракатлар ва бошқалар билан боғлиқ вазиятларни, ҳис-туйғуларга бой сахналарни эслаш тавсия этилади.

**Ўзини чалғитиш усуллари.** Ўзини ўзи бошқаришнинг фаол усулларида фойдаланиш қийин бўладиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Кўпинча бу сезиларли чарчаш, тушкунлик кайфиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда руҳий зўриқишни турли хил чалғитиш воситалари ёрдамида йўқ қилиш мумкин. Бу воситалар вазифасини кўп марта қизиқиб ўқиладиган китоб, мусиқа, ёки қолган фильм ва бошқалар бажариши мумкин.

**Мускуллар тонусини онгли равишда бошқариш.** Мускуллар тонуси – ҳиссий ҳолатнинг кўрсаткичларидан бири. Одатда, нораціонал асабий-руҳий зўриқиш мускулларнинг кераксиз зўриқиши билан бирга кечади, бу эса, ўз навбатида, асабий зўриқишни янада оширади. Бунда мускуллар тонусини, масалан, инсон юзидаги мускуллар тонусини ихтиёрий бошқариш маҳорати катта аҳамиятга эга бўлади. Қовоғингизни солишингиз, хафа бўлгандек қиёфага киришингиз билан ҳақиқатан ҳам қайғу босади. Ва, аксинча, жилмайиш мўъжиза яратишга қодир. Оғир вазиятда ҳам жилмая олиш, ўринсиз тортинчоқликни ташлаш, руҳий зўриқишни йўқотиш инсоннинг ўз имкониятларини яхшироқ рўёбга чиқариш қобилиятини оширади.

**Нафас олишнинг ўзини ўзи бошқариш воситаси сифатида аҳамияти.** Юқорида таъкидлаганимиздек, нафас олиш ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш тизимида муҳим ўрин тутди. Тўғри нафас ола билиш ўзини ўзи бошқариш усуллари эгаллашдаги муваффақият учун асос бўлади. Қуйида нафас олиш машқлари батафсил ёритилади. Ходимлар тезда ўзини қўлга олиш, тинчланиш ёки, аксинча, ўз тонусини кўтариш зарур бўлганда энг оддий нафас олиш усуллари муваффақиятли қўллашлари мумкин.

Руҳий ҳолатни бошқаришда нафас олиш мароми алоҳида аҳамият касб этади. Тинчлантирувчи маромда ҳар бир нафас чиқариш нафас олишга қараганда икки марта узоқроқ амалга оширилади.

**Санаб нафас олиш усули** яхши натижа беради. Бу усулда санаб нафас олинади. Тинчланиш зарур бўлганда: 1,2,3,4 деганда нафас олинади, сўнгра 1,2,3,4 деганда нафас чиқарилади, кейин 1,2,3,4,5 деганда нафас олинади ва 1,2,3,4,5 деганда нафас чиқарилади. Шу тариқа нафас олиш ва чиқариш 12 сониягача узайтирилади. Бунинг натижасида нафасни сунъий равишда ушлаб туриш юзага келади ва бу ўз-ўзидан ҳиссий зўриқишни бартараф этишга олиб келади.

Аксинча, тонусни кўтариш, фаоллаштириш керак бўлганда, бунинг тескариси қилинади. Нафас олиш ва чиқариш 12 сониядан бошланиб, аста-секин 4 сониягача қисқартирилади. Нафас олиш ва чиқариш тезлашади, кучланиш ошиб боради.

Бошқа усул – нафасни ушлаб туриш. Бир қатор ҳолларда кескин асабий зўриқишни бартараф этиш учун чуқур нафас олиб, 20-30 сонияга нафасни ушлаб туриш мумкин. Шундан кейинги нафас чиқариш ва кетидан келадиган такрорий чуқур компенсатор нафас олиш аҳволнинг барқарорлашишига ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг юқорида таклиф этилган оддий усулларида ҳар бири, табиийки, чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши мумкин. Шу боис аввал характерингиз ва темпераментингизга кўпроқ мос келадиганларини, мунтазам равишда қўллаш учун энг қулай кўринганларини танлаш зарур. Ўзингизнинг индивидуал хусусиятларингиз танлов мезони бўлиши керак. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш усуллари йўналиши бўйича

фарқланиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бир вазиятда улар асабий зўриқишни бартараф этиш, тинчланиш, меҳнат қобилиятини тиклашга ёрдам берса, бошқасида – сафарбарликка, хизмат шароитларига энг мос келадиган руҳий ҳолатга киришга ёрдам беради.

### **Аутоген машқлар**

Аутоген машқлар организмнинг аввалдан бошқарилмайдиган функцияларини бошқариш имкониятини оширишга қаратилган машқлар тўпламини ўз ичига олади. Аутоген машқ – немис олими И.Г.Шульс таклиф этган ўзини ўзи ишонтириш усули. Ушбу методда дастлаб ўзини ўзи ишонтириш орқали мушаклар тонусининг бўшашига – релаксацияга эришилади, сўнгра ушбу ҳолатда организмнинг у ёки бу функцияга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

Ушбу усул ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради ва кўпчилик одамлар уни ўзлаштиришлари мумкин. Унинг таъсирида олий асаб фаолияти, ҳиссий соҳа нормаллашади, инсоннинг иродавий қобилияти кучаяди. Аутоген машқ усуллари мунтазам машқлар жараёнида ўзлаштирилади. Бу эса ушбу усулга машқ хусусиятини беради. Бундай машқ иродани мустаҳкамлашини инобатга олиб, уни шахсни фаоллаштирувчи усул деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Айтиш жоизки, аутоген машқнинг асосий элементини мушакларни бўшаштириш (релаксация)га ўргатиш ташкил этади. Бўшаштиришни ўрганиш ички ишлар органлари ходимларининг ҳиссий зўриқишни бартараф этиши ёки камайтиришига, шунингдек қисқа вақт ичида тўлақонли дам олишига ёрдам беради.

Аутоген машқни эгаллаш вақти ҳар бир муайян инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, аммо, ўртача олганда, ҳар куни 2–3 марта 10 минутлик машқлар бажарилганда тахминан 3–4 ойни ташкил этади.

Аутоген машқнинг махсус усуллари ўрганишга киришишдан аввал баъзи бир тайёрлов машқларини ўзлаштирган маъқул. Энг муҳим тайёргарлик тадбири *нафас олиш гимнастикаси* бўлиб, ритмик тўлиқ нафас олишни эгаллашдан иборат. Нафасни бошқаришнинг энг муҳим шартининг унинг маромини назорат қилишдир. Тўғри нафас олиш учун белгиланган ритмни аниқ ҳисоблаш зарур эканлигини доимо ёдда тутиш керак. Нафас олишнинг мақбул маромини аниқлаш учун машқдан аввалги пульс частотасидан фойдаланиш қулай (бу маром нафас олиш чоғидаги ҳисоб учун асос бўлиб хизмат қилади). Тўлиқ нафас олиш усулини ўрганишдан аввал унинг таркибий қисмлари бўлмиш қорин, ўрта ва юқори нафас олиш усуллари ўрганиш зарур.

*Қорин (диафрагма) билан нафас олиш* тик туриб, ўтириб ёки ётган ҳолда бажарилади. Уни бажариш учун диққатни киндик соҳасига жамлаш зарур. Қорин деворларини ичга тортиб, нафас чиқарамиз. Сўнгра секин-аста нафас оламиз. Қорин девори нафас олганда ташқарига қабариб чиқади ва ўпкаларнинг пастки қисми ҳавога тўлади. Қорин билан нафас олишда кўкрак қафаси ҳаракатсиз қолади ва қорин ўпкаларнинг қуйи қисмини гоҳ ҳавога тўлдириб, гоҳ ундан бўшатиб тўлқинсимон ҳаракат қилади.

*Гавданнинг ўрта қисми билан нафас олиш* тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Бутун диққатни қовурғаларга қаратиш лозим. Нафас чиқаргандан сўнг секин нафас оламиз, бунда қовурғаларни икки томондан кенгайтирамыз. Нафас чиқариш пайтида қовурғаларни сиқамиз. Бундай нафас олиш типиди гавданнинг ўрта қисми ҳаво билан тўлади, айна пайтда қорин ва елкалар ҳаракатсиз қолади.

*Гавданнинг юқори қисми билан нафас олиш* – бу усул ҳам тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Диққат ўпкаларнинг юқори қисмига қаратилади. Нафас чиқарилгандан сўнг елка оҳиста кўтарилиб, нафас олинади. Нафас чиқарган пайтда елкалар туширилади. Бу усулда қорин ва кўкракнинг олд қисми ҳаракатсиз қолади.

*Тўлиқ нафас олиш* ҳам унинг таркибий қисмлари каби тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Тўлиқ нафас чиқаргандан сўнг юқорида келтирилган нафас олиш типларининг барчасини галма-галдан ва битта узлуксиз тўлқинсимон ҳаракатга бирлаштирган ҳолда томирнинг 8 та урушини ҳисоблаб, оҳиста турилади. Аввало, қорин шиширилади, сўнгра қовурғалар кенгайтирилади ва, ниҳоят, елкалар кўтарилади. Шу пайтда қорин девори бироз тортилади. Нафас чиқариш ҳам худди нафас олиш амалга оширилган тартибда бажарилади: аввал қорин деворини тортамыз, сўнгра қовурғаларни сиқамиз ва елкаларни туширамыз. Бунда бутун нафас аппарати бир хил ҳаракатда бўлади. Нафас чиқариш ва кейинги нафас олиш ўртасида нафасни ушлаб туриш мумкин. Бу табиий равишда нафас олиш истаги пайдо бўлмагунча давом этиши мумкин. Нафас бурун орқали олинади ва чиқарилади.

Нафас гимнастикасининг муҳим мақсадларидан бири – диққатни жамлашга

ўргатишдир. Бу аутоген машқларни муваффақиятли ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ҳатто тўлиқ нафас олиш ва чиқаришнинг ўзиёқ (аутоген машқларнинг махсус турларисиз) рухий зўриқишни бартараф этади (ёки камайтиради), асаб тизимини тинчлантиради, инсонда хотиржамлик ва ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилади. Ушбу машқ бутун диққат-эътиборни жамлаган ҳолда 5–6 марта бажарилади. Аутоген машқлар билан шуғулланишни ушбу нафас олиш-чиқариш машқларини бажаргандан сўнг бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни инobatга олиш зарурки, «тўлиқ нафас олиш-чиқариш» усулини эгаллагандан кейин унинг таркибий қисмлари (қорин билан, гавданинг ўрта ва юқори қисмлари билан нафас олиш)ни бажариш зарурати йўқолади.

Нафас олиш-чиқариш гимнастикаси усуллари эгаллагандан сўнг бевосита аутоген машқларни ўрганиш ва эгаллашга ўтиш мумкин. Ушбу методикани ўрганишнинг илк даврида машғулот учун уйғонгандан кейинги ва бевосита ухлашдан олдинги вақтдан фойдаланган маъқул, чунки табиий уйқучанлик пайтида машқларда назарда тутилган ҳис-туйғуларга эришиш осонроқ кечади. Кейинчалик аутоген машқларни эгаллаш учун сутканинг исталган вақтидан фойдаланиш мумкин. Дастлабки машқларни илиқ, сокин, ҳаддан ташқари ёруғ бўлмаган хонада ўтказган маъқул. Бора-бора шуғулланувчи ходим шовқинга парво қилмасликни ўрганади ва машқлар техникасини етарлича эгаллаганидан кейин сеансларни ҳатто поезд ёки автобусда ўтирган ҳолда ҳам ўтказиши мумкин бўлади.

Машғулотлар вақтида гавдани мушаклар таранглашувига йўл қўймайдиган қулай вазиятда тутиш муҳим. Машғулотлар учун энг қулай бўлган қуйидаги уч вазиятдан бирини қабул қилиш тавсия этилади:

1. **Ўтирган ҳолат** – аравакаш ҳолати. Ушбу ҳолатга кириш учун стулга тўғри ўтириш, қоматни тик тутиш, сўнгра бутун скелет мушакларини бўшаштириш керак. Диафрагма ошқозонга ботмаслиги учун олдинга ҳаддан ташқари кучли эгилмаслик лозим. Бош кўкракка эгилиб тушган, оёқлар бир-биридан бироз нарироқда туриши ва ўтмас бурчак ҳосил қилиб эгилган бўлиши, қўллар тиззага қўйилган бўлиб, бир-бирига тегмайди, тирсаклар букилган – қисқаси мижозни кутиб мудраётган аравакашга хос ҳолат олинади. Кўзлар юмуқ. Бу фаол ҳолат бўлиб, унга деярли ҳар қандай жойда – уйда, ишхонада, транспортда кириш мумкин.

Кейинги ҳолатлар пассив ҳолатларга киради ва улардан одатда уйда шуғулланганда фойдаланиш мумкин.

2. **Ярим ўтирган ҳолат**. Шуғулланувчи киши юмшоқ креслода унинг суянчиғига қулай ястанган ҳолда ўтиради; бутун гавда бўшашган, иккала қўл тирсагидан бироз эгилган, кафтлари билан соннинг олд қисми ёки кресло ушлагичига ташланган, оёқлар бир-биридан эркин ажратилган, оёқ учлари бир-биридан бироз узоклашган. Оёқ учларининг тўғрига қараганлиги ёки кўтарилганлиги бўшашиш босқичи бошланмаганидан дарак беради.

3. **Ётган ҳолат**. Ушбу ҳолат уйқудан олдинги ёки бевосита ундан кейинги машғулотларда фойдаланилади. Машқ қилаётган киши қулай ҳолда чалқанча ётган, бош бироз кўтарилган, пастак ёстиққа ташланган. Тирсак бўғинидан бироз қайрилган, қўллар гавда бўйлаб кафтлари пастга қаратилган ҳолда эркин ташланган. Машқ қилувчи киши кечкурунги машқлар учун ухлашга одатланган ҳолатни олгани маъқул.

Машқ қилувчи шахс мазкур ҳолатлардан бирини олгач, махсус машқларни бажаришга киришади. Топшириққа кўпроқ диққатни жамлаш учун машқларни кўзлар юмилган ҳолда бажариш тавсия этилади.

Машқ қилувчи киши зарур ҳис-туйғуларга эришиш учун ўзини ўзи ишонтиришнинг тегишли формулаларини хаёлан такрорлаш орқали бажариладиган олтига асосий стандарт машқ ишлаб чиқилган. Булар:

- оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ;
- нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ;
- қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.

1. **Оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ**. Юқорида келтирилган учта ҳолатдан бирида дастлабки ҳолатни эгаллаб хаёлан оҳиста «Мен тамоман хотиржамман», деб айтиш тавсия этилади. Сўнгра диққатни хотиржам жамлаган ҳолда 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим жуда оғир» (чапақайлар учун «Менинг чап қўлим жуда оғир») ибораси такрорланади. Шундан сўнг бир марта: «Мен жуда хотиржамман», деб

хаёлан айтилади. Ушбу ибора нафас чиқариш фазаси билан бир вақтда айтилади. Айтилган гап ҳақиқатан ҳам тўғрилигини кўп марта хаёлан тасаввур этиш зарур. Ўнг қўл мушакларининг бўшашиши машқ қилаётган кишига оғирлик сифатида сезилади. Машқ самарасини ошириш учун ўнг қўлда тош борлигини ёки оғир бир нарса уни босиб турганлигини тасаввур қилишга ҳаракат қилиш мумкин.

Баъзан назорат мақсадида, оғирлик ҳисси пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўлни бироз кўтаришга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Аста-секин, машқлар натижасида оғирлик ҳисси бошқа қўлда, иккала қўлда бир вақтда, иккала оёқда, қўл ва оёқларда бир вақтда, бутун гавдада ҳосил қилинади. Машқ қилувчи киши оғирлик ҳиссини бутун баданда тез ва осон ҳосил қилишга қодир бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Шундан сўнг иккинчи машққа ўтиш мумкин.

**2. Илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.** Даставвал оғирлик ҳисси келтириб чиқарилади ва бутун баданда аниқ оғирлик ҳисси ҳосил қилинганча, аста-секин хотиржам ҳолда бутун диққат-эътиборни жамлаб кетма-кет 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим илиқ» ва бир марта: «Мен бутунлай хотиржамман», деб айтилади ва тасаввур қилинади. Самарадорликни ошириш учун оғирлашган ўнг қўл илиқ сувга солинганлигини тасаввур қилиш керак. Машқни бажарганингиз сари илиқлик ҳисси худди оғирлик ҳисси каби иккала қўлга, оёқларга ва бутун гавдага тарқалади. Бутун баданда аниқ илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш учун ёрқин образли тасаввурлардан фойдаланиш зарур. Илиқлик ҳисси осон ва аниқ келтириб чиқариладиган бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Ушбу машқни эгаллагандан сўнг учинчисига ўтиш мумкин.

**3. Юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ.** Машқни бажариш чоғида дастлаб томир уруши ёки юрак урушини хаёлан ҳисоблашни ўрганиш тавсия этилади. Аввал бу машқ чалқанча ётган ҳолда бажарилади. Бунда ўнг қўл чап нурли артерия соҳасига ёки юрак соҳасига қўйилади. Ўнг қўл мушаклари зўриқишини камайтириш учун тирсак остига бирор юмшоқ нарса қўйилади. Юқорида кўрсатилганидек, оғирлик ва илиқлик ҳисси келтириб чиқарилади. Сўнгра: «Юрагим хотиржам ва текис урмоқда», деган ўзини ўзи ишонтириш иборасини 5–6 марта ва «Мен батамом хотиржамман» иборасини бир марта хаёлан айтишга ўтилади.

Бу машқ жуда хотиржам тарзда, юрак фаолиятига ҳеч бир диққатни жамламаган ҳолда бажарилиши керак. Юрагингиз ишини сезишга интилиш керак эмас. Асабийлашган, таъсирчан, ўз соғлиғи ҳақида ортиқча ғамхўрлик қилишга мойил кишилар бу машқни умуман бажармаганлари маъқул.

Юрак фаолиятининг маромини ихтиёрий ўзгартириш қобилияти ҳосил қилинганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

**4. Нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ.** Дастлаб оғирлик, илиқлик ҳислари ҳосил қилинади ва юрак хотиржам, текис ураётганлигига ўзни ишонтирилади. Шундан сўнг 5–6 марта «Бутунлай хотиржам нафас оляпман» ва «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади.

Машқ жараёнида хотиржам ва бир маромда нафас олиш қобилиятига эга бўлинганча, машқ ўзлаштирилган деб ҳисобланади. Бу машқ осон ва тез ўзлаштирилади.

**5. Қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.** Ушбу машқ энг қийиндир. Қуёш тугуни вегетатив асаб системасининг энг муҳим тугуни – «қорин мияси» бўлиб, ошқозон орқасида жойлашган. Унинг ўрнини кўкракнинг куйи нуқтаси ва киндик ўртасидаги жойни топиб, аниқ белгилаш мумкин. Ушбу жойда ошқозон ортида қорин бўшлиғи органларининг фаолиятини ва улар орқали бизнинг ўзимизни сезишимиз ва кайфиятимизнинг муҳим компонентларини бошқарувчи асаб тугунларининг муҳим маркази жойлашган.

Машқ бошида юқорида кўрсатилган тўрт машққа мос келувчи ҳис-туйғулар ҳосил қилинади, сўнгра 5–6 марта: «Менинг қуёш тугуним иссиқлик чиқаряпти» ёки «Қорним ёқимли илиқлик туйяпти» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади. Ушбу машқни бажаришда диққат қуёш тугуни соҳасига жамланиши керак. Аниқроқ ҳис-туйғуларга эга бўлиш учун аввалги машқлардаги каби образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, қорин устида қуёш тугуни соҳасида қандайдир илиқ нарса ётганлигини тасаввур қилиш) керак. Аста-секин машқ қилувчи кишида қорин соҳасида аниқ илиқлик ҳис-туйғуси пайдо бўлади ва ўшанда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

**6. Пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.** Юқорида тасвирланган аутоген машқларнинг барчасини бажариб ва зарур ҳис-

туйғуларнинг барчасини ҳосил қилиб, 5–6 марта: «Менинг пешонам ёқимли даражада совук» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан айтилади. Бу машқни ўзлаштириш анча қийин. Уни бажариш чоғида диққат пешона ва чакка соҳаларига жамланади. Самарадорликни ошириш учун ушбу вазиятда ҳам образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, пешонага салқин шабада ураётганлигини ёки пешонага муздек рўмол бойланганлигини тасаввур этиш) керак. Агар шуғулланаётган киши пешонаси соҳасида енгил салқинлик ҳиссини аниқ ҳосил қила олса, машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

Мазкур олтита машқ етарлича яхши ўзлаштирилганидан сўнг кейинчалик ўзини ўзи ишонтиришнинг узун ибораларини қуйидаги қисқароқ ибораларга алмаштириш таклиф этилади: «Хотиржамлик...», «Оғирлик...», «Илиқлик...», «Юрак ва нафас хотиржам...», «Қуёш тугуни илиқ...», «Пешона совук...».

Барча ҳолларда диққатни жамлаш хотиржам «пассив» хусусиятга эгаллигини таъкидлаш зарур. Кучларни диққатни жамлашга сарфлаш керак эмас. Аутоген машқлар хотиржам, ортиқча зўриқишсиз бажарилиши керак. Улар машқ қилувчини чарчатиши керак эмас, балки унинг учун ёқимли бўлиши керак.

Ҳар бир янги машқни аввалгиси тўлиқ ўзлаштирилганидан кейингина, икки ҳафта мобайнида кунига 2–3 мартадан такрорлаш керак. Шундай қилиб, олтита машқнинг ҳаммасини ўзлаштиришга 12 ҳафта сарфланади. Улардан биринчи машқ 12 ҳафта давомида, иккинчиси – 10, учинчиси – 8, тўртинчиси – 6, бешинчиси – 4, олтинчиси – 2 ҳафта давом этади.

Шундай қилиб, аввалги машқларга энг кўп вақт сарфланади. Машқларнинг одатдаги давомийлиги – 2–3 дақиқадан (бошида) 5 – 6 дақиқাগача ва ундан ортиқ.

Мазкур олтита машқ «Стандарт» машқлар деб номланади ва Шульц уларни қуйи даражадаги машқларга киритади. Юқори даражадаги машқларга ёки аутоген медитацияга (ўзини англаш) у тасаввурларни ёрқин визуаллаштиришни ва ўзини «нирвана» ҳолатига солишни ўрганишга ёрдам берадиган машқларни киритади. Улар кенг тарқалмаган, шу боис уларга қисқача тўхталамиз.

*Юқори даражага эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади:*

1) кўзлар ёпиқ ҳолда кўз олмаларини юқорига кўтариб, кўзни очмаган ҳолда тахминан калла суягидаги пешонанинг сочли қисми марказида жойлашган бир нуқтага кўзни очмасдан гўёки қараш таклиф қилинадиган машқлар;

2) тасаввурларни визуаллаштириш машқлари: бир тусдаги ранг, аниқ нарсалар образларининг тасаввурини ҳосил қилиш. Ушбу машқ 30–60 минут давомида бажарилади ва камида 6 ойдан бир йилгача мунтазам шуғулланаётган кишиларга тавсия этилади. Агар машқ қилувчи киши ҳар қандай рангнинг тасаввурини, шунингдек, нарсаларнинг образини ва, ниҳоят, бировнинг қиёфасини ёрқин тасаввур қила олса, вазифа бажарилган ҳисобланади;

3) чакмоқ сифат ҳолатни ҳосил қилиш («интенсив киришиш ҳолати»). Ушбу машқ давомида «гўзаллик», «адолат», «бахт» каби тушунчалар тегишли кўринарли образлар ҳосил қилади;

4) онгнинг тушда кўргандек ажралиши (чуқур шўнғиш) ҳолатини келтириб чиқариш. Ушбу ҳолатда шуғулланувчи шахс ўзига ўзи (масалан, «Мен нимани нотўғри қиялман?»), «Ишнинг маъноси нимадан иборат?» деган) саволлар беради ва уларга тушдаги образлар каби кўринадиган шаклдаги жавоблар олади.

Аутоген машқлар усулини эгаллаш инсонга организмнинг муайян функцияларини ихтиёрий бошқариш имконини беришдан ташқари (ўзини ўзи бошқаришда шунинг ўзи катта аҳамиятга эга) сеанс охирида релаксация ҳолатига тушгандан сўнг фойдаланиладиган ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида мураккаб вазифани самарали бажара олишга, қийин вазиятда ўзини қўлга олишга, ортиқча зўриқишни бартараф этишга, ўзига ишонч ҳиссини кўтаришга ёрдам берувчи зарур ҳолатни келтириб чиқаришга имкон беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида **аутоген машқларни** қуйидаги йўналишларда қўллаш мақсадга мувофиқ:

**1. Безовталик, ҳаяжонланиш, ҳиссий зўриқиш ҳисларини камайтириш.** Сезгилар ва идрок бизга боғлиқ бўлмаган равишда мавжуд нарсаларнинг хоссаларини ифодаласа, ҳис-туйғулар бизнинг атроф-муҳитга муносабатимизни акс эттиради. Ҳис-туйғулар юз бераётган воқеликни унинг организм учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради ва унга нисбатан бошқариш функциясини бажаради. Инсон соғлиғи ёки ҳаётига таҳдид билан боғлиқ вазиятда даҳшат, кўрқинч, хавотир каби ҳис-туйғулар юзага келади.

Улар инсоннинг ушбу шароитларда ҳаракат қилишига имкон бермайди. Уни мазкур шароитни ўзгартиришга мажбур этади, унинг нормал фаолиятини тўхтатиб қўяди. Бу – табиий ҳол, чунки ҳис-туйғулар шу тариқа инсонни бундай шароитларда фаолият кўрсатишнинг салбий оқибатларидан сақлайди.

Бироқ ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан таваккал, хавфсизликка таҳдид билан кечадиган вазиятларга тўқнашишига тўғри келади ва бунинг устига улар ана шу шароитда ишлашлари, ўзларининг касбий бурчларини бажаришлари керак бўлади. Аутоген машқлар бундай вазиятларда ходимга ёрдам бериши мумкин. Ушбу машқлар ортиқча ҳиссий зўриқишни – хавотир, безовталиқ, кўркинч, ҳаяжон (масалан, жиноятчини ушлаш билан боғлиқ ҳолларда) туйғуларини бартараф этишда қўлланилиши мумкин. Бунда мушаклар бўшашиши (релаксация) ҳолатини келтириб чиқара олиш муҳим бўлиб, бунинг учун биринчи ва иккинчи стандарт машқларни эгаллаш етарли бўлади.

Релаксация ҳолатида ўз мақсадига тезроқ эришадиган қуйидаги ўзини ўзи ишонтириш буйруқларидан фойдаланилади: «Мен мутлақо хотиржамман. Менинг хавотирланишимга ўрин йўқ», «Мен ўзимга ишонаман ва бу вазифани осон уддалайман», «Безовталиқ ва хавотир учун сабаб йўқ. Мен ўзимни ва вазиятни яхши назорат қиляпман» ва ҳоказо.

**2. Уйқу функциясини бошқариш.** Аутоген машқлар нисбатан қисқа даврлар билан бир-бирларини тез-тез алмаштириб, навбатчилик қиладиган ва сменалар, постлар орасида ухлаб қолиши мумкин бўлган ходимлар учун фойдали бўлиши мумкин. Аутоген машқнинг дастлабки икки машқини бажариш (баданда оғирлик ва илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш), хаёлан ўзини ухлаш истаги пайдо бўлганлигига ишонтира бошлаш ва ўзида уйқучанлик ҳиссини ҳосил қилишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун тахминан қуйидаги иборалардан фойдаланиш мумкин: «Мен тўлиқ бўшашидим. Мен дам оляпман. Менинг уйқум келяпти. Қовоқларим кўрғошиндек оғирлашяпти ва юмилиб кетяпти. Мен уйқуга кетяпман. Мен ухляпман...» ва шу кабилар. Стандарт формула йўқ; умумий тамойил шундан иборатки, машқ қилувчи киши ўзини уйқучанлик ҳолатига қираётганлигига ишонтириши керак. Агар бунда муайян вақтда ёки муайян сигнал бўйича уйғониш талаб қилинса, тегишли ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

**3. Қисқа муддатли дам олиш.** Қисқа вақт давомида тўлақонли дам олиш зарур бўлган ҳолларда 5–15 минутга релаксация ҳолатига кириш ва сўнгра тетиклик ҳиссини келтириб чиқариш тавсия этилади («Мен яхши дам олдим, мен тетикман...» ва ҳ.к.).

**4. Организмни фаоллаштириш.** Аутоген тренировкани уйқучанликни бартараф этиш, организмни фаоллаштириш, ҳаракатга тайёрлаш, ички имкониятларни сафарбар этиш учун қўллаш мумкин. Бу уни организмни шошилинич сафарбар этиш, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг экстремал вазиятларида тавсия этиш учун асос бўлади.

**Ана шу мақсадда қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:**

– масалан, тегишли образли тасаввурларни («хужумдан ҳимояланиш» ва шу кабиларни) келтириб чиқариш орқали стеник эффектлар (ғазаб, жаҳл)ни ўзига ўзи ишонтириш – бунинг учун «мушаклар таранглашяпти..., панжалар муштга тугиляпти..., жағлар сиқиляпти..., нафас олиш тезлашяпти...» каби иборалар айтилади ва уларнинг мазмунини ҳис этишга ҳаракат қилинади;

– ушбу ҳолат орқали ходимда фаоллик билан боғлиқ образли тасаввурларни ҳосил қилиш («хуқуқбузарни ушлаш», «сўроқ вақтидаги «дуэль» ва ҳоказо.);

– адреналин киритилганда юзага келадиган ҳисларни (совуқдан қалтирашни, «ғоз териси»ни, совуқни ва ш.к.) келтириб чиқариш. Қайтма алоқа механизми бўйича ушбу ҳислар адреналин сингари фаоллаштирувчи самара беради;

– аутоген машқлар сеанси тугаганидан кейин тетиклик ҳиссини бевосита ҳосил қилиш.

**5. Иродани мустаҳкамлаш, хатти-ҳаракат ва характерологик хусусиятларни тузатиш, ақлий имкониятларни сафарбар қилиш.**

Кўпинча одамларга ўз ниятларини амалга ошириш учун ирода етишмайди. Иродавий фаолликнинг ушбу томонини мустаҳкамлаш учун ўзини ўзи ишонтиришдан, чунончи, аутоген машқ жараёнидаги ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин. Релаксация ҳолатида (айниқса, эрталаб, уйғонгандан сўнг) иродавий фаолликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш машқлари бажарилади. Ўзини ўзи ишонтириш формулалари мутлақо индивидуалдир.

Улар қисқа бўлиши керак, иложи бўлса, тасдиқ гап шаклида ифодаланиши лозим: «Қарор қатъий!», «Белгиланган вазифани бажараман!», «Дикқатим жамланган!». Ёмон

одатларга қарши кураш ва номақбул характерологик хусусиятларни тузатиш учун ҳам ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин.

Бунда мақсадлардан келиб чиқиб, масалан, ўзига: «Паст овозда гапиряпман» (жуда қаттиқ гапиришга одатланганда), «Мен хотиржамман, ўз ҳис-туйғуларимни осон ушлаб тураман» (ҳаддан ташқари ҳиссий таъсирчанликда), «Мен бемалол чекмай тура оламан. Сигареталар менда нафрат уйғотади» (чекишни ташлашни хоҳлаганда) ва ҳ.к. Аутоген машқларни қўллаш таълимни тезлаштиришга, диққатнинг барқарорлигини кўтаришга, эътиборни жамлаш қобилиятини кучайтириш туфайли ақлий имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга ҳамда образли тасаввурларни эркин ишлатишга имкон беради.

Инсоннинг ҳиссий соҳаси, унинг иродаси, ўзини ўзи англаши ва ҳатто феъл-атвори ўзини ўзи тарбиялаш натижасида жиддий ўзгаришларга учраши мумкин. Бу эса ички ишлар органларининг деярли ҳар қандай ходими истаса ва ўзи устида мунтазам шуғулланса, мураккаб (ҳатто ҳаёт учун хавfli) вазиятларни муваффақиятли ҳал этиши, ҳолдан тойишга йўл қўймаслиги ва асаб зўриқиши билан боғлиқ турли касалликларнинг олдини олишга ўрганиши мумкинлигини билдиради. Унга аутоген машқлар билан мунтазам шуғулланиш ёрдам беради.

### III. МАҲСУС КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

#### 1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси

#### 1.1-МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ.

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Режа:

**1-ўқув савол.** Янги Ўзбекистон стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

**2-ўқув савол.** Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган устувор вазифалари.

**1-ўқув савол.** Янги Ўзбекистон стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида сўзлаган нутқида Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясинининг **7 та устувор йўналишларини** белгилаб берди. Мазкур концептуал ҳужжатда ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди.

Маърузанинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида биринчи ўринга шахс, инсон қадри юқори ўринга қўйилиб, **“инсон жамият давлат”** деган янги тамойил асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, амалий натижа, инсон манфаати, унинг кадр-қиммати бош мақсадга айланган.

Тан олиб айтиш жоизки, ўтган 5 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди, бироқ шу билан бирга мазкур соҳада самарали механизмларни яратишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Келгуси 5 йилда бу борада ижтимоий йўналишдаги ислоҳотлар алоҳида аҳамиятга эга, албатта.



Мазкур нутқда муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказилиши ўйлаймизки, барчага бирдек маъқул бўлди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мактабгача таълимдаги қамров даражаси 2017 йилда 27,7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда 62 фоизни ташкил қилмоқда, 2030 йилга бориб эса мазкур кўрсаткични 80 фоизга етказиш мақсад қилинганлиги ушбу соҳада ҳам улкан марраларни қўяётганлигимиздан далолат беради.

Битирувчиларни олий таълим билан қамров даражаси 2016 йили 9 % ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 28 % ташкил қилмоқда, бу кўрсаткични 50 % етказиш мақсад қилинган.

Маълумки, бундан беш йил олдин Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Бу муҳим концептуал ҳужжат ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил** асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва осойишта ҳаётимизни асраш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслашиб, хушёр ва огоҳ бўлиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас, шунинг учун ҳам тараққиёт стратегиямизни 7 йўналиш асосида давом эттириш белгилаб олинди.

## **2-ўқув савол. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган устувор вазифалари.**

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда куйидаги амалий ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда: Булар:

Шу муносабат билан “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъватга қўшимча қилиб айтмоқчиман: “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасиғача билиши шарт.

**1-устивор йўналиш:** Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш. (1-12 та мақсадлар)

✳ Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.

✳ Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш.

✳ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш.

✳ Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш.

✳ Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш.

✳ Мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш.

✳ Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш.

✳ «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш.

✳ Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.

**2-устивор йўналиш:** Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш. (13-20 та мақсадлар)



- ❖ Мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш.
- ❖ Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш.
- ❖ Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.
- ❖ Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.
- ❖ Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш.
- ❖ Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш.
- ❖ Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш.
- 3-устивор йўналиш:** Миллий иқтисодийётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш. (21-36 та мақсадлар)
- 4-устивор йўналиш:** Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш. (37-70 та мақсадлар)
- 5-устивор йўналиш:** Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш. (71-78 та мақсадлар)
- 6-устивор йўналиш:** Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш. (79-88 та мақсадлар)
- 7-устивор йўналиш:** Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш. (89-100 та мақсадлар)

Фармоннинг 2-илоvasи 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида мазкур йўналишлар бўйича амалга ошириш механизмлари ва шакли, унинг муддати, харажатлари, назорат қилувчилар ҳамда масъул ижрочилар аниқ белгилаб кўйилди.

### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

1. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.
3. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 100 мақсадларини ўзлаштириш.

## 1.1. Мавзу: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.



#### *Ақлий ҳужум саволлари:*

**1-савол.** Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимлари қачандан жорий этилди?

**2-савол.** Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида нечта устувор йўналишлар белгилаб берилди? Уларни айтиб беринг?

**3-савол.** Мазкур концептуал ҳужжатда ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида бундай тамоил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди?

**4-савол.** Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида қандай тамоил асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этилади?

**5-савол.** Маҳаллаларда ёшлар масалалари билан қайси агентлик вакиллари шуғулланади?

**6-савол.** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар қандай ўрин тутуди?

**7-савол.** Ўтган давр мабойнида Ўзбекистонда қандай катта ишлар амалга оширилди?

**8-савол.** Юртимизда Учинчи Ренессанс даврида нималарга эътибор қаратиш керак бўлади?

**9-савол.** Тараққиёт стратегияда соҳага йўналтириладиган маблағларни қанча миқдорга ошириш кўзланган?

**10-савол.** Янги Ўзбекистон стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?

**11-савол.** Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминлаш қанда тамоил деб белгиланган?

**12-савол.** Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган ва белгилан энг устувор вазифалар нималарни ўз ичига олган?

**13-савол.** Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда?

**14-савол.** Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнида қандай усуллардан воз кечиш белгиланган?

**15-савол.** Янги тараққиёт стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудга қандай баҳо берилади?

**16-савол.** Ўтган даврда Ўзбекистонда бу борада қандай катта ишлар амалга оширилди?

**17-савол.** Давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш деганда нима тушунилади?

**18-савол.** Мамалакатимизда юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда қандай ислоҳотларни амалга ошириш белгиланган?

**19-савол.** Стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорли-гини ва фермер ҳамда деҳқонлар даромади ва қишлоқ хўжалигининг қанча фоизга етказиш режалаштирилган?

**20-савол.** Бугунги кунда мамлакатимизда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади?

### Назорат учун топширик:

1. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонини ўқиб ўрганиш.
3. «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини ўқиб танишиб чиқиш.

## 1.2.Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ” АСОСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН МУХИМ ВАЗИФАЛАР

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Маъруза режаси:

**1-ўқув саволи.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат хавфсизлигига оид фармони ва унда кўрсатилган вазифалар.

**2-ўқув саволи.** Жамоат хавфсизлиги концепциясидаги вазифалар ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари.

**3-ўқув саволи.** 2022—2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар.

**1-ўқув савол.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамоат хавфсизлигига оид фармони ва унда кўрсатилган вазифалар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида бир қатор йўналишлар белгиланган жумладан.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрда “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони қабул қилинди.**

Фармон иловалари 4 та бўлиб, шундан асосий ҳужжатлар булар қуйидагилар:



**Жамоат хавфсизлигини таъминлашда қуйидагилар алоҳида вазифа этиб белгиланди:**

▪ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибini сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

▪ Жамоат тартибini сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича қонун лойиҳасини киритиш

▪ 2022 йилда Наманган, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматни кенгайтириш бўйича таклиф бериш

**2022-2023 йилларда** туман ички ишлар органлари таркибидаги **конвой бўлинмалари** босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 мартга** қадар тасдиқланган меъёрларга асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан камида биттадан **туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини** ташкил этиш чораларини кўрсатиш;

**2022 йил 1 майга қадар** бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни **электрон браслетлар** орқали назорат қилиш тизимини жорий этсин.

**Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилганлиги ва уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибini сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;



озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробацая назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Ички ишлар вазирлигига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда Департаментнинг асосий вазифалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилган.

**Департамент Стратегия, «Йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган жадвал асосида жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши доирасида қуйидагиларни киритилиши ва амалга оширилиши белгиланган:**

мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларига киритади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;

ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қилади.

**Қуйидаги тартиб белгиланган:**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари томонидан ҳар чоракда жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисобот бериш, шунингдек, мазкур йўналишда кўрилаётган чораларнинг натижаларини танқидий муҳокама қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш амалиёти жорий этиш;

республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юклатилади ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади;

Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробацая хизматлари киритилади.

**Ички ишлар вазирлиги қуйидаги вазифалар берилган;**

ваколатли давлат органлари билан биргаликда икки ой муддатда алоҳида шароитларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд куч ва воситаларни тезкор ва ягона идоралараро бошқариш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари профилактика ва пробацая инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этиш.

Маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилсин ва уларнинг ягона рўйхати жорий этиш вазифалари белгилаб берилган.

**2-савол. Жамоат хавфсизлиги концепциясидаги вазифалар ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинган бўлиб 5 та иловадан иборат. Мазкур фармон замон талаби асосида тайёрланган ва Ички ишлар органлари фаолиятини барча соҳавий хизмат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ўз ичига жамлаган. Жумладан Фармоннинг бандларида қуйидагилар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:

### **Концепцияда қўлланилган асосий тушунчалар:**

**жамоат хавфсизлиги** — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

**жамоат хавфсизлигини таъминлаш** — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни камраб олувчи яхлит тизим.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар:**

- ✓ жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- ✓ аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;
- ✓ ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;
- ✓ мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- ✓ жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағрикенглик маданиятини, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;
- ✓ дунёда доимий равишда кечаётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда эҳтимолий таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

- жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан кенг камровли мақсадли дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш;
- ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш;
- ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;
- ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;
- жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;



➤ аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

➤ вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

➤ жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

➤ жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қуйидаги асосий тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилади:**

- ✚ қонунийлик;
- ✚ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш;
- ✚ очиклик ва шаффофлик;
- ✚ жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги;
- ✚ жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар келтирилган.**

#### **ЖХ таъминловчи субъектларга:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- Ички ишлар вазирлиги
- Миллий гвардия
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
- Давлат хавфсизлик хизмати
- Бош прокуратура
- маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги
- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар:**

- Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
- нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар киради.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан ҳуқуқбузарлик, ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг олдини олишга қаратилган комплекс мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича барча давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролар билан самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларнинг моддий-техник таъминотини, шунингдек, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;

жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.



### **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

ўзига бириктирилган жамоат жойларида, шу жумладан Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этади;

ваколати доирасида фавқулодда вазиятларда ва фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлайди;





террорчиликка қарши операцияларни ўтказишда ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорликда иштирок этади;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кўриқлайди;

кўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

### **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:**

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ёнгин хавфсизлиги, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширишда иштирок этади;

фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар юзага келишининг олдини олиш ҳамда профилактика тадбирларини ташкил этиш чораларини кўради;

аҳоли ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда улар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилишни ташкиллаштиради;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини бошқаради, шунингдек, фуқаро муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ташкил этади;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озик-овқат, тиббий ва моддий-техник ресурсларнинг давлат захира фондларини шакллантиришга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш чораларини кўради;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда иктисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш соҳасидаги илмий-техник ва инновацион сиёсат олиб боришнинг устувор йўналишларини белгилайди ва мақсадли илмий-техник дастурларни тасдиқлайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати:**

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашади;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш чораларини кўради;

давлат чегарасида, жумладан чегара олди зонаси ва чегара олди минтақасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олади, уларга имкон берувчи омилларни аниқлайди ва бартараф этиш чораларини кўради;

террорчиликка қарши операция ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради, назорат қилади ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ва қонунчиликда белгиланган бошқа жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган шахслар, муомалада бўлиши чекланган ёки тақиқланган ашёлар ҳамда моддаларнинг давлат чегарасидан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олади, аниқлайди ва уларга барҳам бериш чораларини кўради;

давлат ва жамиятга, жумладан жамоат хавфсизлигига террорчилик, кўпоровчилик ва бузғунчилик орқали таҳдид солувчи, миллий, этник, диний адоватни тарғиб этишга қаратилган салбий ҳаракатлар ҳақида тезкор маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ва бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўради.

### **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга ваколатли давлат органларининг қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришлари устидан прокурор назоратини амалга оширади ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган профилактик ва махсус чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганади ҳамда ваколатли давлат органларининг кўшма йиғилишларида муҳокама қилади;

жамоат хавфсизлиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари юзасидан тизимли ва илмий таҳлилларни амалга оширади, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкиллаштиради;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатларини қўллаиди ва уларнинг бартараф этилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва мавжуд воситаларни ягона ахборот платформасига интеграция қилишда тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб боради.

### **Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги:**

жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишини ташкил этади;

оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ваколати доирасида маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоат ҳиссини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила — соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини юритади, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмак берилишини ташкил этади;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлайди, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширади, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатларини таъминлайди;

маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги:**

шаҳар ва ҳудудий инфратузилма бошқарувининг замонавий интеллектуал тизимлари жорий қилиниши ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар, жумладан уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, транспорт логистикаси, шошилинч хизматлар, уларни интеграциялаш ҳамда «Ақлли шаҳар» ва «Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексига бирлаштириш бўйича ишларни олиб боради;

«Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш ва янада ривожлантириш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқади, ягона технологик ёндашувни таъминлайди ва ягона талаблар, меъёрлар ҳамда мезонларни белгилайди, комплексни «Электрон ҳуқумат» тизими ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялаш чораларини кўради;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади.

### **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга доир давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашади, мазкур йўналишда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

жамоат жойларида аҳоли соғлигини сақлашни таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзига ундаш, фуқароларда ўзи ва бошқа одамлар саломатлиги учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ўткир алкоғолли мастлик ҳолатида жамоат жойларида бўлган, мустақил ҳаракат қилиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган шахсларга мастлик ҳолатини бартараф этиш мақсадида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширади;

алкоғолизм, гиёҳвандлик, токсик моддаларни истеъмол қилиш, ўзгаларга хавф туғдирадиган бошқа касалликларга чалинган шахслар, шунингдек, руҳий касалларни тиббий ижтимоий реабилитация қилиш ишларини амалга оширади;

ижтимоий хавфли касалликларга чалинган, алоҳида тоифалардаги шахслар учун белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда жамоат жойларида бўлиш учун чекловларга риоя этилишини назорат қилади.

### **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:**

☑ жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

☑ ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, шошилинч тиббий ёрдам хизматлари, жамоат жойларидаги коммуникация, муҳандислик-техник воситалар ҳамда бошқа тизимларга қўйиладиган ягона ҳуқуқий талабларга риоя этиш чора-тадбирларини назорат қилади ва амалга оширади;

☑ тегишли ҳудуддаги жамоат жойларида қурилиш нормаларига, техник эксплуатация қоидаларига, коммуникация, экология, санитария, эпидемиология стандартлари ва талабларига риоя қилинишини назорат қилади;

☑ йўл ҳаракатини тартибга солиш ва мавжуд транспорт инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

☑ жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларни моддий-техник таъминлаш, уларнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир давлат дастурларини, ҳудудий ва идоравий дастурларни амалга оширишда иштирок этади, шунингдек, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши мумкин.

### **КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ҚЎЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:**

\* жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;  
\* жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоралараро амалий ўқув машғулотларини ўтказиш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

\* жамоат хавфсизлигига хатарларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг жорий ва истиқболдаги ривожланишини прогноз қилиш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни белгилаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

\* жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини жорий этиш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

\* жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш чораларини кўриш, соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

### **КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР:**

❖ жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчилик янада такомиллаштирилади, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилади, миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба татбиқ этилади;

❖ жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланганлик даражаси оширилади, қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади;

❖ жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралиги таъминланади, соҳада жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик даражаси ошади;

❖ жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилади.

❖ Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижаси жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

**3-савол. 2022—2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар.**

Ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш зарурати мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этади.

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг мақсади мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат.

### **СТРАТЕГИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:**

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш

жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробацция фаолиятини уйғунлаштириш

жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинадиган вазирлик ва идоралар куч ва воситаларининг биргаликдаги ҳаракатланиш алгоритминини ишлаб чиқиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий шакл ва иш усуллари ҳамда илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш

жамоат хавфсизлиги тизимини рақамлаштиришни 90 % етказиш орқали хизмат фаолиятида инсон омилини минималлаштириш

профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробацция назоратидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини кескин камайтириш

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига асосланган ҳолда 2025 йил якунига қадар тўлиқ амалга ошириш назарда тутилган.

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш учун **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги** шахсан масъул ҳисобланади.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Стратегияда белгиланган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили кўшма дастур ва **«Йўл харита»**ларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади ва уларнинг ижросини мувофиқлаштиради.

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш**

Жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали жамоат тартибini сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробақия соҳасидаги муносабатлар ва ваколатларни тартибга солувчи **200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар** нормалари ва қоидаларини бирлаштириш.

**Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказига** жойлаштиришда шахсни тиббий кўриқдан ўтказишни ва унга нисбатан процессуал ҳаракатларни марказнинг ўзида амалга ошириш тартибini жорий этиш.

Қурол айланмаси устидан назоратни кучайтириш, қурол эгаларини тиббий чекловлар бўйича даврий равишда текшириш бўйича аниқ тартибни белгилаш, ўқотар ов қуролига эгалик қилиш мезонларини қайта кўриб чиқиш. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда республика овчилик жамиятларининг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш.

Пиёдаларни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

Қониқарсиз ҳолати йўл-транспорт ҳодисасига, айниқса, ўлимга олиб келган йўл ёки муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари тасарруфида бўлган ташкилотлар ёки орган раҳбарларидан моддий зарарни ундириш тартибini жорий этиш ҳамда уларнинг жавобгарлигини белгилаш.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этиладиган **«Йўлда безорилик»** ҳолатлари билан ифодаланадиган хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш.

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг услубий асосларини ривожлантириш**

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Республика бўйича маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича **14 та «Худуд методикаси»ни ишлаб чиқиш** ва амалиётга татбиқ этиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини ташкил этиш.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари таркибидаги **конвой бўлинмаларини босқичма-босқич** вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказиш ҳамда ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этиш.

Ички ишлар органлари таркибида **туманлараро патруль-пост хизмати** бўлинмаларини ташкил этиш.



Хизмат вазифаларини бажаришда қулайликлар яратишни ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун **янги формали кийим-бош намунасини ишлаб чиқиш**, тасдиқлаш ҳамда уларни сифатли ва мос ўлчамдаги формали кийим-бош билан таъминлаш.

Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маст ҳолатда содир этилганлигини, шунингдек, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик чеклови ўрнатилган шахсни ушбу чекловга риоя этмаганлигини аниқлаш ва тасдиқлаш тартибини ишлаб чиқиш.

Алкоголли ичимликка ружу кўйган, гиёҳванд, захарванд, тажовузкор руҳий касал шахсларни мажбурий даволаш бўйича намунавий дастур ишлаб чиқиш. Экстремистик ва ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар билан ишлаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича намунавий методикани ишлаб чиқиш.

Интернет тармоғида жамоат хавфсизлиги учун хавф туғдирадиган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича комплекс ташкилий-методик асослар ва ҳаракатлар механизмларини яратиш.

**Гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш** вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари томонидан фойдаланиладиган махсус техник воситаларни, шунингдек, тезкор ахборот алмашиш, қўйи тизимдаги бўлинмаларни оқилона бошқариш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида бажариладиган диссертацион тадқиқотлар мавзуларини шакллантиришда жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига йўналтирилган масалаларга устувор аҳамият қаратиш бўйича таъсирчан механизмларни йўлга қўйиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини ва уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришини таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш, шунингдек, ушбу шахсларга тарбиявий ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш бўйича **«Ҳаракатлар протоколи»ни** ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимига ва йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнига жорий этиш.

Транзит ва давлат ички транспорт оқими учун мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган халқаро автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш.

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосларини ривожлантириш.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг таркибий қисмларини ифодаловчи масалаларни чуқур илмий ўрганиш асосида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия таълим муассасалари ўқув жараёнида **«Жамоат хавфсизлиги асослари»** фанини жорий этиш, шу жумладан «Жамоат хавфсизлиги асослари» дарслигини тайёрлаш. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда иш фаолиятини олиб бориши бўйича тўлиқ механизмларни назарда тутувчи «шаҳар инспектори» ва «қишлоқ инспектори» моделларини яратиш, жорий этиш ва улар бўйича ўқитишни ташкил этиш.

**«Жамоат хавфсизлиги асослари»** фани предметига кирадиган соҳаларни ягона илм соҳасига бирлаштирган ҳолда, **«Жамоат хавфсизлигини таъминлаш»** ихтисослигини киритиш. Жамоат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университетини таянч методик базага айлантириш.



Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини «илмий диагноз» асосида аниқлаш ва «илмий диагноз хулосаси» билан **«E-jamoat havfsizligi»** ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартибини жорий қилиш.

Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни илмий баҳолаш асосида таҳлил қилиш ва «илмий баҳолаш хулосаси»ни расмийлаштириш тартибини жорий қилиш. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университети томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар Академияси билан биргаликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси негизида жамоат хавфсизлиги асослари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини ривожлантириш**

☞ **Ҳар бешта маҳалла учун битта маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканини** намунавий лойиҳа асосида ташкил этиш.

☞ **«Жиноят ўчоқлари»** ҳисобланган ҳудудларда тунги вақтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан иборат **автопатруль, отлиқ ва пиёда патрулларнинг** узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва функционал мажбуриятларини тасдиқлаш.

☞ Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда **Миллий гвардия бўлинмалари** томонидан жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолият олиб боришнинг батафсил ва аниқ ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

☞ Оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли **давлат органлари ходимларини обрўсизлантириш ҳолатларининг олдини олиш** ва уларга барҳам беришнинг **ташкилий-ҳуқуқий асосларини** такомиллаштириш.

☞ Ички ишлар органларининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар билан курашиш фаолиятини, шу жумладан, **ташкилий-тузилмавий** асосларини яратган ҳолда такомиллаштириш.

☞ **Кучли таъсир қилувчи моддалар** муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни, шу жумладан уларнинг ёшлар томонидан **нотиббий мақсадларда** истеъмол қилиниши ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш.

☞ Миллий гвардия ва ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлашга масъул бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш **ваколатини кенгайтириш**.

☞ Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлаш **механизмларини белгилаш**.

☞ Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига доир имтиёзлардан фойдаланишида инсон омилини чеклайдиган **автоматлаштирилган тизимни** жорий қилиш.

☞ Ҳудудий ички ишлар органларининг **маъмурий биноларини қўриқлашни** Миллий гвардия қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида амалга оширилиши тизимини жорий этиш.

☞ Ҳудудий ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмалари таркибида босқичма-босқич **отлиқ отрядларни ташкил этиш**.

☞ Ота-онаси назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганлар билан ишлашнинг янгича **тизимини яратиш**.

☞ Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган **йўллар тизимини ривожлантириш** бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатни тўхтатиши ва бошлаши тўғрисида огоҳлантиришнинг замонавий **сигнал берувчи тизимларини жорий** этиш, пиёдалар учун янги турдаги ўтиш жойларини ташкил этиш.

Йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шароитлар яратиш ҳисобидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишини **минимал даражага келтириш**.

Йўл қурилиши соҳасига оид норматив ҳужжатларга (ШНҚ, Давлат стандарти ва бошқ.) замон талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Жамоат ва махсус транспорт учун алоҳида ҳаракатланиш **йўл полосаси ва замонавий велосипед йўлкалари** ташкил этиш.

Ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жамоат хавфсизлигини, шу жумладан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларини **замонавий махсус техника воситалари** билан таъминлаш.



### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усуларини ривожлантириш**

Содир этилган жиноятларнинг асл омилларини аниқлаш ва бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ваколат доирасини аниқ белгилаш.

Бозорлар атрофидаги тирбандликларни бартараф этиш ва фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ва транспорт воситалари сонини ҳисобга олган ҳолда, йирик бозорлар атрофида ушбу бозорларнинг даромадлари ҳисобидан кўп қаватли ёки ер ости автотураргоҳлари қурилишини ташкил этиш.

Шаҳар ва туманларнинг аҳоли гавжум жойларида пиёдалар йўлакчаларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш.

«Йўл ҳаракати интизоми болалиқдан бошланади» шиори остида умумтаълим муассасаларида «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича ўқув тадбирларини ташкил этиш. Умумтаълим муассасаларида «**Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари**»ни, маҳаллаларда «Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари»ни ташкил этиш.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги асосларини ўқитиш тизимини жорий этиб, йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини амалий ҳамда кўргазмали тарзда ўргатишни йўлга қўйиш.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг лавозимларини офицерлик таркибига ўтказиш ҳамда биринчи навбатда олий юридик маълумотли ходимлар билан бутлаш тартибини жорий этиш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда «**Фидокор ёшлар**» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш. Фуқаролар орасидан фавқулодда вазиятларда жалб этиладиган Миллий гвардиянинг сафарбарлик захираларини яратиш тизимини жорий этиш.

Ички ишлар органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди органларнинг маҳаллалар кесимида уюлмаган ёшлар билан ишлашини ташкил этиш бўйича ўзаро боғланган тўлик механизмларни жорий этиш.





«Ижтимоий профилактика», «пробацион профилактика», «тергов профилактикаси», «суд профилактикаси»ни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаш.

Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар ҳамда оилавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Маъмурий назорат ва профилактик ҳисоб институтлари негизида профилактик назорат институтини жорий қилиш.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш, жумладан йўлларда инспекторларнинг патруль хизматини фақат авто- ва мототранспорт воситаларида олиб бориши тартибини жорий этиш.

Фавқулодда вазиятларда ва алоҳида шароитларда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича куч ва воситаларининг тезкор ва ягона идоралараро бошқарувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.

Аҳолига эҳтимолий ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинлар тўғрисида хабар бериш ва маълумот етказиш тизимини янада такомиллаштириш.

Кўп қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш бўйича самарали тизимни жорий этиш.

Тунги вақтларда аҳоли яшаш пунктларининг ёритилиши ва видео кузатув қамровини кенгайтириш.

Жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган куч ва воситаларни марказлашган тарзда бошқариш тартибини самарали йўлга қўйиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳузурида ягона мувофиқлаштирилган идоралараро бошқарув тизимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи аниқ ва батафсил ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ҳарбий хизматчи ва ходимларини суғурталаш институтини такомиллаштириш.

**«Жамоат хавфсизлиги фидойиси»** идоралараро кўкрак нишонини таъсис этиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан якка тартибдаги суҳбатларни махсус **«суҳбат хонаси»**да ўтказиш тартибини жорий қилиш.

Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари хизмат фаолиятида скутер воситасидан фойдаланиш амалиётини синовдан ўтказиш.

Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузурида ёшлар орасидан **«Тўмарис издошлари»** жамоавий гуруҳларини ташкил этиш, уларни жамоат хавфсизлиги тизимида жалб этиш ҳамда гуруҳ аъзоларига ҳуқуқ-тартибот идораларининг олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тегишли имтиёзларни бериш.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қоғоз шаклидаги иш юритишни максимал даражада қисқартириб, фақат электрон шаклда юритиладиган ҳужжатлар улушини 90 фоизга етказиш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органларидан жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари (пробациянинг марказлашган электрон тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизими) базасида **«E-jamoat havfsizligi»** ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш.

Жамоат тартибини бузган, қайта жиноят содир этган шахсларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш ва ахборот тизими орқали даврий мониторинг қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар масалалари бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида маъмурий иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг жамоат хавфсизлиги хизматига келиб рўйхатдан ўтишини таъминлашда бармоқ изини таниб олиш тизимидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда «Равон ва хавфсиз йўл» концепцияси асосида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ички ишлар органлари конвой бўлинмалари фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браceletлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этиш.

Пробация назоратидаги шахсларнинг яшаш, иш ва ўқиш жойида эканлигини текшириш мақсадида GPS технологияли қурилмаларни амалиётга жорий этиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, тирбандликларни масофадан туриб бартараф этиш мақсадида йўллардаги барча светофорларнинг ахборот бошқаруви тизимига уланишини таъминлаш, соҳага интеллектуал тизимларни жорий этиш.

Миллий гвардиянинг умумий раҳбарлиги остида ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди давлат органлари ходимларининг махсус тайёргарлик даражасини ошириш, алоҳида шароитларда биргаликда ҳаракат қилишига доир амалий кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқув машқларини тизимли равишда ўтказиш, ўқув машқларини рақамли технологиялар орқали мониторинг қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

### **Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

➤ Стратегия ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа мутасадди органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

➤ Стратегияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилади.

➤ Жиноятлар, шу жумладан такроран содир этилган жиноятлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, ходимларнинг хизмат фаолиятини фуқароларга кўмаклашишга йўналтириш орқали аҳолининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органларига ишончи ортишига эришилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрда “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тўлиқ ўзлаштириш ва конспектлаштириш.

2. 2022 —2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини конспектлаштириш.

3. 2022 —2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тўлиқ ўрганиш.

## 1.2-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ” АСОСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН МУХИМ ВАЗИФАЛАР


### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



#### Ўқув машғулотнинг саволлари:

**1-савол.** Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги таъминлаш бўйича белгиланган тартиблари ва қоида ҳамда тамойиллари.

**2-савол.** Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган чора-тадбирлар ва вазифалари.

**3-савол.** Жамоат хавфсизлигини амалга ошириш механизми ва натижалари.

#### Назорат учун саволлар:

1. 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-27-сон фармони ва унинг иловаларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда конспектлаштириш.

2. 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси билан тўлиқ танишиб амалиёт билан боғлаш.

## 1.3. МАВЗУ: АҲОЛИГА НАРКОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР.

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Режа:

**1-ўқув савол.** Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий асослари.

**2-ўқув савол.** Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохатлар.

**3-ўқув савол.** Наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, уларга чалинган шахсларни тиббий- ижтимоий реабилитация қилиш фаолияти.

**4-ўқув савол.** Наркология хизматини янада ривожлантириш тўғрисидаги дастурида белгиланган чора-тадбирлар ва масъуллар.

**5-ўқув савол.** Наркологик беморларни ихтиёрий ва мажбурий даволаш учун наркология диспансерларида қўшимча ташкил этиладиган ўринлар фонди.

**1-ўқув савол.** Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий асослари.

Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий асослари қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" 2011 йил 05 октябрдаги Қонуни.

- Ўзбекистон Республикасининг "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сонли Қонуни.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 май кундаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-244-сонли қарори.



Мазкур қонун ва қарорлар талаби асосида, Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизими ва ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 май кундаги ПҚ-244-сонли қарорига асосан белгилаб берилди.

Жумладан:

а) Қарорда 2022 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури;

б) 2022-2023 йилларда наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий параметрлари;

в) 2022 йил якунига қадар наркологик беморларни ихтиёрий ва мажбурий даволаш учун наркология диспансерларида қўшимча ташкил этиладиган ўринлар фонди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий равишда даволаш тартибини такомиллаштириш юзасидан қўшма қарор қабул қилинди:

а) ички ишлар органларига ўз ташаббусига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш ҳуқуқини бериш;

**б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:**

- наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни наркология диспансерларининг ўзида, зарур ҳолларда бошқа муассасаларда амалга ошириш белгиланди;

- наркология диспансерларидаги мавжуд койкалар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини яратиш.

Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ишларни электрон тарзда судларга юбориш ва судлар томонидан уларни видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқиш тартиби жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан наркология диспансерлари ёки туман (шаҳар) даволаш- профилактика муассасаларига олиб келинган пробацция назоратидаги шахсларни алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказиш тартибини жорий этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда наркология диспансерларидаги мавжуд бўш койкалар сони тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи ахборот тизимини ишлаб чиқсин ҳамда Олий суд ва Ички ишлар вазирлигига ушбу тизимдан фойдаланиш имкониятини яратиш борасида кўрсатмалар берилган.

### **Шунингдек, қарор талабидан келиб чиқиб қуйидаги тартиб белгиланди:**

- мавжуд бўш койкалар, шунингдек, бўшаш эҳтимоли бўлган койкалар сони ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига наркологиya диспансерлари томонидан киритилади;

Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларида электрон тиббий ҳужжатлар айланишини амалга ошириш имконини берувчи ягона тиббий-ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда амалиётга татбиқ қилинади.

**2023 йил 1 январдан бошлаб** Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг амбулатор ва стационар бўлимларида 1 ставкадан фаолият кўрсатувчи **тиббий психолог ёки психотерапевт** лавозимлари жорий этилди.

Мазкур Қонуннинг мақсади наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг наркологик ёрдам тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилиши белгиланди:**  
**Жумладан;**

➤ **мажбурий даволаш**, наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасаларда кўрсатиладиган наркологик ёрдам тури;

➤ **наркологик ёрдам**, наркологик касалликлар профилактикасини, наркологик касалликларга чалинган шахсларни текширишни, уларга маслаҳат беришни, ташхис қўйишни, уларни даволашни, тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ўз ичига олувчи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тури;

➤ **наркологик касаллик** (сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) — психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

➤ **наркологик касалликка чалинган шахс**, ўзига нарколог шифокор томонидан наркологик касаллик ташхиси қўйилган шахс;

➤ **наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш**, наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳаёт фаолиятига доир чекловларни бартараф этишга ёки компенсация қилишга, йўқотилган ижтимоий алоқаларини ҳамда ижтимоий мақомини тиклашга, меҳнат ва маиший шароитларга мослашувини таъминлашга қаратилган тиббий, психологик, тарбиявий, таълимга оид, ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

➤ **наркологиya муассасалари**, аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи наркологиya марказлари, шифохоналари, диспансерлари, психоневрология диспансерлари тузилмасидаги бўлинмалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг наркологиya кабинетлари;

➤ **наркологик экспертиза**, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалаларини, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш жараёнида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун наркологик касалликка ташхис қўйишга қаратилган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш;

➤ **психоактив моддалар** марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

➤ **психоактив моддалар**, бу ушбу моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи ҳисобланади.

➤ **алкоғоль маҳсулот** коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озик-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озик-овқат маҳсулот;

➤ **алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси** алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа

тахдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

➤ **алкоголга қарамлик** алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали захарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм);

➤ **тамаки маҳсулоти** тамакидан ёки унинг ўрнини босувчи нарсадан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот;

➤ **тамакига қарамлик** тамаки маҳсулотига патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали захарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (никотинга қарамлик);

➤ **тиббий оғохлантириш** алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг кутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот.

**Қонуннинг 5-моддасида наркологик ёрдам соҳасини тартибга солиш тамоили белгиланган. Жумладан,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- наркологик ёрдам соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

- наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

- давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг наркологик ёрдам соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

**Қарорга асосан аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган:**

**Жумладан:** Наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта ташхислаш, ва даволаш, беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг яхлит моделини жорий қилиш орқали аҳолига самарали наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш;

✓ аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, наркология муассасаларининг нарколог-шифокорларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиётташкilotларида ошириб бориш, наркология хизмати учун зарур бўлган ижтимоий ходим, тиббий психолог ва психотерапевтларни тайёрлаш;

✓ наркология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш ва психоактив моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларни реабилитация қилиш амалиётига замонавий методикалар ҳамда рақамли технологияларни кенгжорий этиш;

✓ аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, наркология муассасалари бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали наркология хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш белгиланган.

**2-ўқув савол. Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохатлар.**


Сўнгги йилларда мамлакатимизда ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика наркология маркази негизида Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, барча ҳудудларда унинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди ва аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилди.



Шу билан бирга, наркология хизматини малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, уни замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш учун қулай шарт- шароитлар яратиш бўйича қўшимча чораларни кўриш зарур.

Наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашни янада такомиллаштириш, наркология хизматининг моддий- техника базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш, наркология муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қоғозбозлик ва бюрократияни камайтириш мақсадида:



Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Марказ ва унинг филиаллари ходимларининг штат нормативлари қайта кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 4-иловага мувофиқ камида **10 ўринли мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **алкоголли мастлик ҳолатида бўлиб**, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни (бундан алкогольдан оғир заҳарланиш ҳолатлари мустасно) **пунктларга етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланди**;

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов), Миллий гвардия (Р. Джураев) пунктларда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, кўриқлаш хизматини ташкил этиш ва видеокузатув мосламаларини ўрнатиш тўғрисида топшириқлар берилган.

**Ислохатлар доирасида қабул қилинган ушбу қарор талаби асосида қуйидаги тартиб ўрнатилди:**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли ҳокимликлар билан биргаликда наркология муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда киритиб боради;

наркология муассасаларининг ўринлар фондини белгилаш нормативини қайта кўриб чиқиш натижасида, наркологик беморларни мажбурий ва ихтиёрий даволаш учун қўшимча талаб этиладиган ўринларнинг 265 таси республика фтизиатрия ёрдами кўрсатиш тизимидаги сиҳатгоҳлардаги ўринларни мақбуллаштириш ҳисобидан амалга оширилади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, **вояга етмаган ва ёшлар орасида психоактив моддалар истеъмол қилинишининг** олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган **профилактика тизимини** ишлаб чиқсин ва амалиётга кенг жорий этсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг штат нормативларини қайта кўрибчиқиб, шифокор-нарколог лавозимларининг штатмеъёрлари **бир штат бирлигидан кам бўлмаган микдорда** белгиланишини назарда тутсин;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили Марказ ва унинг ҳудудий филиалларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган **10 нафаргача шифокор мутахассисларни** нуфузли хорижий наркология марказларида **малака оширишга юборсин.**

Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2022-2023 йилларда наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун 32,5 миллиард сўм миқдоридagi маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

Бунда, мазкур харажатлар 2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар доирасида, 2023 йилда эса Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлаш соҳасига қўшимча маблағлар ажратиш орқали қопланади.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар бажарилишини **ҳар чоракда танқидий муҳокама қилиб бориш** ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминласин.

#### **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги:**

бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

#### **3-ўқув савол. Наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, уларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш фаолияти.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий равишда даволаш тартибини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлари инобатга олинган:

а) ички ишлар органларига ўз ташаббусига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш ҳуқуқини бериш;

#### **б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:**

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни наркология диспансерларининг ўзида, зарур ҳолларда бошқа муассасаларда амалга ошириш;

наркология диспансерларидаги мавжуд койкалар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имконияти яратилди.

Бунда Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ишларни электрон тарзда судларга юбориш ва судлар томонидан уларни видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги таклифи маъқулланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан наркология диспансерлари ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларига олиб келинган пробация назоратидаги шахсларни алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказиш тартибини жорий этилган.

#### **Қуйидаги тартиб белгиланди:**

- мавжуд бўш койкалар, шунингдек, бўшаш эҳтимоли бўлган койкалар сони ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига наркология диспансерлари томонидан киритилади;

- Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларида электрон тиббий ҳужжатлар айланишини амалга ошириш имконини берувчи ягона тиббий-ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда амалиётга татбиқ қилинади.

Қарорга асосан **2023 йил 1 январдан бошлаб Марказ** ва унинг ҳудудий филиалларининг амбулатор ва стационар бўлимларида 1 ставкадан фаолият кўрсатувчи тиббий психолог ёки психотерапевт лавозимлари жорий этилиши назарда утилган..





Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида камида **10 ўринли мастлик ҳолатида** бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган.

#### **Қарорнинг 9-бандига асосан шундай тартиб белгиланди:**

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли ҳокимликлар билан биргаликда наркология муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини Ўзбекистон **Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори** талабларидан келиб чиқиб, ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда киритиб боради;

-наркология муассасаларининг ўринлар фондини белгилаш нормативини қайта кўриб чиқиш натижасида, наркологик беморларни мажбурий ва ихтиёрий даволаш учун қўшимча талаб этиладиган ўринларнинг 265 таси республика фтизиатрия ёрдами кўрсатиш тизимидаги сиҳатгоҳлардаги ўринларни мақбуллаштириш ҳисобидан амалга оширилади.

**Қонуннинг 3-бобида эса Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланган ва 12-моддаси. Давлат томонидан кафолатланган наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби ҳақида тўхталган. Жумладан.**

-психоактив моддалардан ўткир заҳарланиш, психоактив моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ алкоғолли психозлар ва заҳарланиш натижасидаги психозлар чоғида шошилишч тиббий ёрдам кўрсатилишини;

-амбулатория ва стационар шароитларда маслаҳат бериш-ташхис қўйилишини, даволашни, психопрофилактик, реабилитация, ижтимоий ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди.

**Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасалари ҳақида қонуннинг 13-моддаси.**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг наркология муассасалари ёки «Наркология» ихтисослиги бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт муассасалари **аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиши.**

Наркология диспансерлари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, шунингдек мамлакатнинг йирик шаҳарларида республика, вилоят, шаҳар ёки туманлараро даражада мустақил даволаш-профилактика муассасалари сифатида ташкил этилади.

Амбулатория шароитларидаги наркологик ёрдам туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари тузилмасида ташкил этилган наркология кабинетлари томонидан кўрсатилади.

Стационар шароитлардаги наркологик ёрдам Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази, наркология диспансерлари, психоневрология муассасаларининг наркология бўлимлари, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифохоналари, наркология диспансерларининг мажбурий даволаш учун мўлжалланган бўлимлари томонидан кўрсатилади.

Психоактив моддалардан ўткир заҳарланиш чоғида шошилишч тиббий ёрдам ҳудудий шошилишч тиббий ёрдам марказлари томонидан кўрсатилади.

### **Наркологик касалликлар профилактикаси**

**Қонуннинг 14-моддасида.** Наркологик касалликлар профилактикаси психоактив моддаларнинг тарқалишига ва нотиббий равишда истеъмол қилинишига, шу жумладан алкоғолни суистеъмол қилишга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, уларнинг шахсий, ижтимоий ва тиббий салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий, маърифий ҳамда тиббий-психологик тадбирлар мажмуидан иборатдир.

## **Наркологик касалликлар профилактикаси бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикани ўз ичига олади.**

Наркологик касалликларнинг бирламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолишга сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш ёки шахснинг ушбу омиллар таъсирига бардошлилигини ошириш орқали мазкур моддаларни биринчи марта нотиббий равишда истеъмол қилишга уринишнинг олдини олишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.

Наркологик касалликларнинг иккиламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишни бу моддаларга нисбатан қарамлик шаклланишига қадар тугатишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.

Наркологик касалликларнинг учламчи профилактикаси наркологик касаллик авж олишининг ҳамда унинг ижтимоий ва тиббий салбий оқибатлари юзага келишининг олдини олишга қаратилган тиббий, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.



**Наркологик касалликка чалинган шахсларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби қонуннинг 4-бобида тўхталган.**

Жумладан **Наркологик касалликка чалинган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

✓ ўз ҳуқуқлари, ўзидаги мавжуд наркологик касалликларнинг хусусияти, қўлланиладиган даволаш ва реабилитация қилиш усуллари тўғрисида ахборот олиш;

✓ даволашни амалга ошириш шароитларини (амбулатория ёки стационар), даволовчи таъсир ўтказиш ҳажми ва усулларини танлашда, даволаш ва реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги режасини тузишда иштирок этиш, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

✓ наркология муассасаси билан тиббий ёрдам ва реабилитация ёрдамини кўрсатиш тўғрисида ёзма шартнома тузиш, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

✓ тиббий воситалар ва усулларни синаш, илмий тадқиқотлар ёки ўқув жараёнида ўзидан объект сифатида фойдаланилишига, шунингдек фото-, видео- ёхуд кинотасвирга олинишга олдиндан ёзма розилик бериш ёки уни рад этиш, шу жумладан исталган босқичда рад этиш;

✓ таклиф қилинаётган даволанишни рад этиш ёки уни исталган босқичда тўхтатиш, бундан ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

✓ наркология муассасасининг раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори турувчи соғлиқни сақлаш органига ёки судга мурожаат қилиш, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокатни ёхуд қонуний вакилини жалб этиш.

**Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) ва диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) 16-модда.**

Профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) алкоғолни мунтазам равишда истеъмол қилувчи, гиёҳвандлик воситаларини ёки бошқа психоактив моддаларни ҳар замонда истеъмол қилувчи шахсларда руҳан ва жисмонан қарамликнинг клиник белгиларисиз наркологик касаллик ривожланишининг олдини олиш мақсадида наркология муассасалари томонидан амалга оширилади. Профилактика кузатуви (профилактик ҳисоб) остидаги шахсларга нисбатан психоактив моддаларга руҳан ва жисмонан қарамликнинг шаклланиши хавфига доир омилларни бартараф этишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) наркология муассасалари томонидан уларга психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишдан тийилишни ва наркологик касалликнинг тиббий-ижтимоий оқибатларининг олдини олишини таъминлайдиган малакали наркологик ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Наркология муассасасига даволанишдан ўтиш учун ихтиёрий равишда мурожаат этган наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг илтимосига кўра, уларнинг диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) белгиланмаслиги мумкин.

**Мажбурий диспансер** кузатуви (диспансер ҳисобига) қуйидаги шахслар олиниши лозим:

шахсиятида наркологик касаллик билан боғлиқ бўлган аниқ кўриниб турган ўзгаришлар бўлган шахслар;

алкоголли ёки заҳарланиш натижасидаги психозларни бошдан кечирган шахслар;

наркологик касалликларга чалинган, наркологик ёрдам сўраб мурожаат қилгунига қадар, даволаниш даврида ёки даволаниш тугалланганидан кейин ғайриижтимоий хулқ-атвор белгиларини намоён этувчи шахслар;

бир йил мобайнида икки ва ундан ортиқ марта психоактив моддалар таъсиридан мастлик ва (ёки) ўткир заҳарланиш ҳолатида тиббиёт муассасаларига олиб келинган шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, наркологик касалликлари туфайли ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

наркология муассасасида даволаниб чиққанидан кейин бир йил мобайнида наркологик касаллиги икки мартадан ортиқ қайталанган шахслар.

Наркологик касаллик ташхисини қўйиш нарколог шифокорларнинг мутлақ ҳуқуқидир. Профилактика ёки диспансер ҳисобига қўйиш ҳақидаги қарор наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан қабул қилинади.

Профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) ва диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**Қонуннинг 17-моддасида** Наркологик касалликка чалинган шахснинг даволанишга розилиги. Наркологик касалликка чалинган шахсни даволаш унинг ёзма розилиги ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги олинганидан кейин амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шифокор даволанишга ёзма розилик олиш учун наркологик касалликка чалинган шахсга ёки унинг қонуний вакилига касалликнинг хусусияти, даволашнинг мақсади ва усуллари, даволашнинг давомийлиги тўғрисида, шунингдек юзага келиш эҳтимоли бўлган асоратлар хавфи, ножўя таъсирлар ва кутилаётган натижалар ҳақида ахборот бериши шарт. Даволаниш учун ёзма розилик тиббий ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

**Ўн тўрт ёшдан катта вояга етмаган шахслар** тиббий аралашувга ихтиёрий ёзма розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Наркологик касалликка чалинган ва ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан даволаниш учун ёзма розиликни уларнинг қонуний вакиллари ушбу шахслар соғлиғининг ҳолати ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилинганча беради. Қонуний вакиллар йўқлигида даволаш тўғрисидаги қарорни шифокорлар консилиуми қабул қилади, консилиум йўқлигида эса, қарорни даволовчи шифокор қабул қилади.

### **Наркологик ёрдамни рад этиш.**

Наркологик касалликларга чалинган шахслар наркологик ёрдамни қонуннинг **18-моддасига асосан** рад этиши мумкин.

Наркологик ёрдамни рад этиш наркологик касалликка чалинган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг аризаси билан расмийлаштирилиб, даволовчи шифокор ва бўлим мудирининг имзолари билан тасдиқланади.

Наркологик ёрдамни рад этган шахсларга ёки уларнинг қонуний вакилларига наркологик ёрдамни рад этишнинг эҳтимол тутилган оқибатлари тўғрисида тушунтирилиши керак.

Наркологик касалликка чалинган шахсни наркологик ёрдам олишни рад этишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.



**Наркологик касалликка чалинган шахсга ўз розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби қонуннинг 19-модда келтирилган.**

Наркологик касалликка чалинган шахсга ўзининг ёзма розилигисиз ёки қонуний вакилининг ёзма розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади: Жумладан,

➤ наркологик касалликка чалинган шахсда психоактив моддаларни истеъмол қилиши оқибатида унинг ўзи ва атрофидаги шахслар учун бевосита хавф солувчи алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психозлар юзага келганда;

➤ ҳаётий кўрсатмаларга кўра кечиктириб бўлмайдиган тиббий аралашув зарур бўлганда;

➤ ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган асосларга кўра мажбурий даволаш қўлланилганда.

Психоактив моддаларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келган алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психоз ҳолатидаги шахсга унинг ёзма розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақидаги қарор уни кўриқдан ўтказувчи нарколог шифокор ёки психиатр шифокор томонидан қабул қилинади. Алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психоз тўхтатилганидан (бартараф этилганидан) кейин наркологик касалликни даволашни давом эттириш наркологик касалликка чалинган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг ихтиёрий ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

**20-модда.** Наркологик касалликка чалинган шахсга тўлиқ ҳажмда наркологик ёрдам кўрсатишни рад этиш ёки ёрдам кўрсатиш муддатини кечиктириш.

Наркологик касалликка чалинган шахсда тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, унга тўлиқ ҳажмда наркологик ёрдам кўрсатиш рад этилиши ёки уни кўрсатиш муддати кечиктирилиши мумкин.

Наркологик касалликка чалинган шахсда рад этиш ёки муддатини кечиктириш учун асос бўлган тиббий қарши кўрсатмалар бартараф этилганда наркологик ёрдам тўлиқ ҳажмда кўрсатилиши мумкин.

### **Наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш.**

✓ Наркологик касалликларга чалинган шахсларни амбулатория ёки стационар шароитларда даволашни ўтказишга доир тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

✓ Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш мазкур Қонуннинг 5-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

✓ Наркологик ёрдамга муҳтож бўлмаган шахсларнинг наркология муассасасига асоссиз равишда ётқизилишига йўл қўйилмайди.

✓ Наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган тиббий воситалар ва усуллардан фойдаланилади.

✓ Тиббий воситалар ва усуллардан фақат даволаш мақсадида фойдаланилиши керак ҳамда улар наркологик касалликларга чалинган шахсларни жазолаш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин эмас.

✓ Даволаш наркологик касалликка чалинган шахснинг ўзига хос шахсий хусусиятлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинандиган яқка тартибдаги режага асосланади, бу режа ушбу шахснинг ўзи ёки унинг қонуний вакили билан муҳокама қилинади.

✓ Қўлланиладиган ташхис қўйиш ва даволаш усуллари, шу жумладан психотерапевтик технологиялар ҳақидаги маълумотлар касаллик тарихига ёки амбулатория картасига киритилади.

✓ Наркологик касалликларга чалинган шахслар бошқа даволаш-профилактика муассасаларида бўлган тақдирда, улар маслаҳат тарзидаги наркологик ёрдам билан таъминланади.



✓ Наркология муассасасида стационар даволанишда бўлган шахсларга, зарурат бўлганда, бошқа мутахассисларнинг маслаҳат бериши таъминланади.

✓ Наркология муассасасида стационар даволанишда бўлган шахсларда бошқа ихтисосликдаги даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатиладиган шошилиш тиббий ёрдамни талаб этадиган ҳолатлар аниқланган тақдирда, улар тез тиббий ёрдам хизмати орқали зудлик билан тегишли даволаш-профилактика муассасаларига ўтказилади.

### **Наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш.**

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мазкур қонуннинг 23-моддасида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш фақат наркологик касалликка чалинган шахсларнинг ихтиёрий ёзма розилиги асосида, наркология муассасаси билан тиббий ёрдам ва реабилитация ёрдами кўрсатиш тўғрисида ёзма шартнома тузилганидан кейин амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Наркологик касалликларга чалинган ва тиббий-ижтимоий реабилитациядан ўтиш хоҳишини билдирган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги наркология муассасалари томонидан реабилитация қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

### **❖ Наркологик касалликларга чалинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

❖ Наркологик касалликларга чалинган шахслар тўғрисидаги, шу жумладан уларни текширувдан ўтказиш натижалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ❖ ички ишлар органларида профилактика кузатуви зарур бўлганда;
- ❖ прокуратура, тергов, суриштирув органларининг, шунингдек суднинг тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан сўровига кўра;
- ❖ терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг сўровига кўра;
- ❖ мажбурий даволаш зарур бўлганда;
- ❖ мажбурий даволаш тугалланганда;
- ❖ даволанишдан ўтиш учун такроран чақиртирилганидан кейин шахс наркология муассасасига боришни рад этганда;
- ❖ чақирувга қадар бўлган ёшдаги ва чақирув ёшидаги шахслар ҳарбий-тиббий комиссиядан ўтаётганида;
- ❖ никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтаётганида.

### **Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш.**

Қонуннинг 25-моддасида мажбурий даволашни қўллаш учун асослар келтирилган. Жумладан, Мажбурий даволаш наркологик касалликларга чалинган, атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида қўлланилади.

### **Наркологик касалликка чалинган шахсни унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш тартиби**

Худудий ички ишлар органининг бошлиғи наркологик касалликка чалинган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил мобайнида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсга унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ички ишлар органлари ходими томонидан эълон қилиниб, унга огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ва бу ҳақда баённома тузилади.

Мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### **Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга мухтож деб топиш тартиби.**

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга мухтож деб топиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий хулоса чиқаради.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса клиник текширув жараёнида олинган маълумотларга, шунингдек қуйидагилар томонидан тақдим этилган иш материалларидаги маълумотларга асосланади:

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан — шахсни наркологик касалликка чалинган деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун;

суриштирув ва тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун.

### **Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш.**

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади.

### **Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тартиби**

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарор унинг яшаш жойидаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан ушбу шахс ҳозирлигида қабул қилинади.

Наркологик касалликка чалинган шахснинг суд мажлисига келиши ички ишлар органлари ходими кузатувида амалга оширилади. Наркологик касалликка чалинган шахс рад этган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ суднинг қарорига асосан мажбуран олиб келиш амалга оширилади.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва ички ишлар органлари томонидан дарҳол ижро этилади.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори устидан ушбу қарор ўзига нисбатан чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан **72 соат ичида апелляция тартибида** шикоят қилиниши ёхуд прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Мажбурий даволашнинг давомийлиги наркологик касалликка чалинган шахс даволанаётган учун жойлаштирилган кундан эътиборан беш кунлик муддатда наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган клиник-ташхис қўйиш стандартлари ва даволаш баённомаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш шахс даволанаётган наркология муассасаси тиббий комиссиясининг қарори асосида тугатилади.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш давомийлиги ўн саккиз ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори ушбу шахс билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади.

### **Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасалар**

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тузилмасида мажбурий даволаш учун бўлим ташкил этилган наркология муассасаларида ёки мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифохоналарида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида амалга оширилади.

**Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида даволаш жараёнини ташкил этиш**

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида даволаш жараёнини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мажбурий даволашни ўтказишга доир тиббий қарши кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида даволанаётган шахсларни муассасадан чиқариш асослари ва тартиби.**

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида даволанаётган шахслар:

мажбурий даволаш муддати тугагач ва шахс соғлиғининг клиник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда;

мажбурий даволашни ўтказишга тўсқинлик қиладиган кўшимча оғир касалликлар аниқланганлиги сабабли муассасадан чиқарилади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасидан чиқарилган шахсларга улардан олиб қўйилган ҳужжатлар, пул маблағлари, моддий қимматликлар ва ашёлар қайтариб берилади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг маъмурияти наркологик касалликка чалинган шахс чиқарилишидан ўн кун олдин ички ишлар органларини, меҳнат органини, яшаш жойидаги наркология муассасасини чиқариб юборилган наркологик касалликка чалинган шахсларнинг маиший шароитларини яхшилашга ҳамда уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва улар устидан кузатувни таъминлаш учун хабардор қилади.

**Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаниб чиққан шахсларнинг касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтиши.**

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаниб чиққан шахслар наркология муассасасидан чиқарилганидан ёки жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганидан кейин яшаш жойидаги наркология муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтишдан бош тортган тақдирда, ички ишлар органлари томонидан мажбурий равишда олиб келинади.

**Мажбурий даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш.**

Мажбурий даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш уларнинг яшаш жойи бўйича амалга оширилади ҳамда яшаш жойидаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ички ишлар органлари, меҳнат органлари ҳамда наркология муассасалари зиммасига юклатилади.

Наркологик касалликларга чалинган ва мажбурий даволанишга юборилган шахсларнинг аввалги яшаш жойи бўйича уй-жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.



## Наркологик экспертиза ва тиббий текширувдан ўтказиш.

Наркологик экспертиза наркология муассасаларида:

-терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори асосида;

-мажбурий даволашга муҳтож шахсларга нисбатан ички ишлар органларининг ходимлари томонидан тайёрланган материаллар асосида ўтказилади.

**Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш**

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш наркология диспансерлари ёки бошқа даволаш-профилактика муассасалари тузилмасида ташкил этилган махсус кабинетларда амалга оширилади, бундай муассасалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш нарколог шифокорлар ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтган бошқа ихтисосликдаги шифокорлар томонидан амалга оширилади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган усуллар ва воситалардан фойдаланилади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказишга ташкилий-услубий раҳбарлик наркология диспансерлари томонидан амалга оширилади.

**4-савол. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш тўғрисидаги дастурида белгиланган чора-тадбирлар ва масъуллар.**

Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш тўғрисидаги дастурида **20 та чора-тадбирлари** белгиланган бўлиб. Жумладан.

1. Ўзбекистон Республикасининг "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш 2022 йил 1 сентябр кунига қадар бажарилиши белгиланган бўлиб, масъул Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.

2. Наркология хизматининг замонавий тузилмаси, вазифалари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, наркология муассасаларининг штат нормативларини қайтадан кўриб чиқиш 2022 йил 1 июль кунига қадар белгиланган бўлиб масъуллар. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни асосида наркологик беморларни мажбурий даволаш ва профилактик кузатишни таъминлаш бўйича ахборот алмашиш ва ҳамкорлик қилиш учун 2022 йил 1 июль кунига қадар бажарилиши белгиланган бўлиб, масъул . Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.

4. Наркологик касалликларга чалинган шахсларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш бунда . Қонуни талабларини инобатга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан "Электрон соғлиқни сақлаш" ахборот тизими ягона комплекси доирасида наркологик касалликларга чалинган шахсларга кўрсатилган тиббий ёрдам юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига электрон ҳисобот тақдим этиш вазифалари 2022 йил 1 август кунига қадар белгиланган масъуллар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура

5. Алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда бўлган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш, бунда 2022 йил 1 июль Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғини ишлаб чиқиш.





6. Илғор хорижий технологиялардан фойдаланган ҳолда наркологик беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш стандартлари ва клиник баённомаларини қайта кўриб чиқиш. 2022 йил 1 сентябр кунига қадар бажарилиши белгиланган бўлиб, масъул . Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.

7. Алкоголли мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш. Бунда Алкоголли мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни (алкоголдан оғир заҳарланиш ҳолатлари бундан мустасно) мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларига етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини назарда тутилган. 2022 йил 1 сентябр кунига қадар бажарилиши белгиланган бўлиб, масъул . Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.



Наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга эрта ташхис қўйиш, уларни даволаш ва наркологик беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш фаолиятига тўхталамиз.

8. Психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қилиш хавф гуруҳини эрта аниқлаш ва профилактик ишларнинг самарали усулларини жорий этиш, наркология муассасаларининг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасалари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мақалла фаоллари билан ўқув семинарларини ўтказиш орқали ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалларга тўхталган.:

а) Педагоглар, ички ишлар ходимлари, маҳалла фаоллари учун психоактив моддалар истеъмол қилганлик белгиларини аниқлаш мавзусида ўқув семинарларни ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва режа асосида ташкил этиш;

б) Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази наркология кафедрасида масофавий циклларда бирламчи бўғин шифокорларининг психоактив моддаларга қарам бўлган шахсларни эрта аниқлаш бўйича малакасини ошириш.

Бу борадаги ишлар 2022-2026 йилларда (ҳар йили 1 январгача тасдиқ ланади) Бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида. Масъуллар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Халқтаълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла, Ёшлар ишлари агентлиги.

9. Болалар ва ўсмирлар ўртасида психоактив моддалар нотиббий истеъмолининг ҳамда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш мақсадида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида **"мактаб профилактикаси"** тизимини жорий этиш.

а. Педагоглар ва мактаб психологлари учун психоактив моддаларга қарамликларнинг олдини олиш бўйича ўқув- услубий материаллар ишлаб чиқиш.

б. Педагоглар ва мактаб психологлари учун психоактив моддаларга қарамликнинг олдини олиш бўйича ўқув- семинарлари ташкил этиш.

в. Психоактив моддаларга қарамликнинг олдини олиш бўйича "мактаб профилактикаси" тизимини жорий этиш тўғрисида халқ таълими вазирининг буйруғини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

г. Профилактика дастурларини умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларига пилот лойиҳаси сифатида жорий этиш, олинган натижаларни ўрганиш, таҳлил қилиш.

с. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида психоактив моддаларга қарамликнинг олдини олиш бўйича профилактика тизимини кенг жорий этиш. 2022 йил 1 июль Режа-график асосида (ҳар йили 1 январгача тасдиқ ланади) 2022 йил 1 август 2022/2023 ўқув йили 2023-2026 йилларда. Масъуллар Халқтаълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги.



Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини психоактив моддаларнинг янги турлари тарқалганидан ва уларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатларидан хабардор қилиш.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларга ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

- Оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, босма ва Интернет нашрлари) орқали кенг тарғибот ишларини олиб бориш.

- Аҳоли, айниқса ёшлар орасида яширин наркоманияни барвақт аниқлаш, уни даволаш ва психологик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида наркология диспансерлари ҳузурида "call-марказ"лар фаолиятини йўлга қўйиш. 2022-2026 йилларда медиа-режа асосида (ҳар йили 1 январгача тасдиқланади) 2022 йил якунига қадар. Масъуллар ССВ, ХТВ, ОваЎТВ, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, ЁИА ССВ Соғлиқни сақлаш вазирлиги.



**Психоактив моддаларга қарам бўлган ҳамда оғир руҳий ва соматик асоратларни бошидан ўтказётган беморларга шошилиш наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш.**

а) Психоактив моддаларга қарам бўлган ҳамда оғир руҳий ва соматик асоратларни бошидан ўтказётган беморлар учун интенсив терапия палаталарини ташкил этиш.

б) Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда - Марказ)нинг барча ҳудудий филиалларини интенсив палата жиҳозлари билан таъминлаш.

### **Наркология хизматини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, наркология соҳасида илмий тадқиқотлар кўламини ошириш доирасида**

Тиббиёт олий таълим муассасалари ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кафедралари базасида бирламчи ихтисослик цикллари, магистратура, ва клиник ординатурада наркология, тиббий психология ва психотерапия соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш

а. Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг тегишли кафедраларида наркология, тиббий психология ва психотерапия ихтисосликлари бўйича магистратура, клиник ординатура учун квота ўринлари сонини эҳтиёждан келиб чиқиб ошириш.

б. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг наркология, тиббий психология ва ўсмирлар психопатологияси кафедрасида нарколог, тиббий психолог ва психотерапевт мутахассисларни бирламчи ихтисослаштириш 2022-2026 йилларга белгиланган. масъул Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

**Тошкент шаҳар наркология диспансери** (Марказнинг Тошкент шаҳар филиали) базасида ҳудудий наркология муассасаларининг ижтимоий ходимларини ўқитиш. масъул, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларни ташхислаш ва даволашнинг устувор йўналишлари бўйича наркология соҳасида фундамента, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш.

- Наркологик касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда даволаш ва беморларни реабилитация қилиш борасидаги долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш бўйича фундамента, амалий ва инновацион тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш.

- Илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга кенг жорий этиш.

**Марказда психофизиологик лаборатория** ташкил этиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш. масъул Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

Наркология муассасалари биноларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш ва уларни реконструкция қилиш. Тегишли маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда наркология хизмати муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига белгиланган тартибда киритиш чораларини кўриш. 2022-2026 йилларга белгиланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги

### **Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш**

Халқаро ташкилотлар ва етакчи илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда психоактив моддаларга қарамлик муаммолари бўйича биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш:

-Нуфузли хорижий илмий, тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумларини тузиш;

- Доимий асосда ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш 2022-2026 йилларда. Масъул Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Марказ.

Халқаро ташкилотлар кўмагида наркология муассасалари ходимлари учун замонавий даволаш-реабилитация технологияларини жорий этиш бўйича тренинглар ташкил этиш. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (иисЮС), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (О5СЕ) ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур тадбирларни амалга ошириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, масъул Соғлиқни сақлаш вазирлиги этиб белгитланган.

**5-савол. 2022 йил якунига қадар наркологик беморларни ихтиёрий ва мажбурий даволаш учун наркология диспансерларида қўшимча ташкил этиладиган ўринлар фонди.**

**Мазкур қарорнинг 4-илоvasида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларининг рўйхати тасдиқланган.**

Жумладан, 2022 йилнинг якунига қадар туман пунктлари ва туманлараро пунктларига бириктирилган туман ҳамда шаҳарларга бириктирилган рўйхати белгиланган. Улар:

**Қорақалпоғистон Республикасининг туманлараро пунктлари жами бўлиб 12 тани ташкил этади**, шундан, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиалига Нукус шаҳри, Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмасига Тахиатош тумани Хўжайли тумани, Нукус тумани тиббиёт бирлашмасига Нукус тумани, Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасига Беруний тумани Тўрткўл тумани, Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасига Элликқалъа тумани, Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасига Мўйноқтумани Қўнғирот тумани, Қонлиқўл тумани тиббиёт бирлашмасига Қонлиқўл тумани, Шуманай тумани тиббиёт бирлашмасига Шуманай тумани, Чимбой тумани тиббиёт бирлашмасига Чимбой тумани, Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмасига Қораўзак тумани Тахтақўпир тумани, Кегейли тумани тиббиёт бирлашмасига Кегейли тумани Бўзатов тумани, Амударё тумани тиббиёт бирлашмасига Амударё тумани бириктирилган.

**Андижон вилоятида 7 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан**, РИНИАТМ Андижон вилояти ҳудудий филиалига Андижон шаҳри Андижон тумани Олтинқўл тумани, Бўстон тумани тиббиёт бирлашмасига Бўстон тумани Шаҳрихон тумани, Асака тумани тиббиёт бирлашмасига Асака тумани Марҳамат тумани, Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасига Балиқчи тумани Улуғнор тумани, Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмасига Пахтаобод тумани Избоскан тумани, Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмасига Қўрғонтепа тумани Хонобод шаҳри Қорасув шаҳри, Жалакудуктумани тиббиёт бирлашмасига Жалакудук тумани Хўжаобод тумани Булоқбоши тумани бириктирилган.

**Бухоро вилоятида жами 8 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан**, РИНИАТМ Бухоро вилояти ҳудудий филиалига Бухоро шаҳри, Қорақўл тумани тиббиёт бирлашмасига Қорақўл тумани Олот тумани, Жондор тумани тиббиёт бирлашмасига Жондор тумани, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига Ғиждувон тумани, Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасига Вобкенттумани Шофиркон тумани, Ромитан тумани тиббиёт бирлашмасига Ромитан тумани Пешқў тумани, Бухоро тумани тиббиёт бирлашмасига Бухоро тумани, Когон шаҳри тиббиёт бирлашмасига Қоровулбозор тумани Когон тумани Когон шаҳри бириктирилган.

**Жиззах вилоятида жами 4 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан**, РИНИАТМ Жиззах вилояти ҳудудий филиалига Пахтакор тумани Арнасой тумани Дўстлик тумани Мирзачўл тумани, Зомин тумани тиббиёт бирлашмасига Янгиобод тумани Зарбдор

тумани Зомин тумани, Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасига Шароф Рашидов тумани Жиззах шаҳри Бахмал тумани Ғаллаорол тумани, Фориш тумани тиббиёт бирлашмасига Фориш тумани Зафаробод тумани бириктирилган.

**Кашқадарё вилоятида 9 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан, РИНИАТМ Кашқадарё вилояти ҳудудий филиалига Қарши шаҳри Қарши тумани Нишон тумани, Миришкор тумани тиббиёт бирлашмасига Миришкор тумани, Китоб тумани тиббиёт бирлашмасига Китоб тумани Шаҳрисабз шаҳри Шаҳрисабз тумани, Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасига Яккабоғ тумани, Ғузор тумани тиббиёт бирлашмасига Ғузор тумани Қамаш тумани, Дехқонобод тумани тиббиёт бирлашмасига Дехқонобод тумани, Косон тумани тиббиёт бирлашмасига Косон тумани Касби тумани, Муборак тумани тиббиёт бирлашмасига Муборак тумани, Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмасига Чироқчи тумани Кўкдала тумани бириктирилган.**

**Навоий вилоятида 9 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан, РИНИАТМ Навоий вилояти ҳудудий филиалига Навоий шаҳри Кармана тумани, Зарафшон шаҳри тиббиёт бирлашмасига Зарафшон шаҳри Томди тумани, Учқудуқ шаҳри тиббиёт бирлашмасига Учқудуқ шаҳри Учқудуқтуман, Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасига Хатирчи тумани, Нурота тумани тиббиёт бирлашмасига Нурота тумани Ғозгон шаҳри, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасига Қизилтепа тумани, Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасига Навбахор тумани, Конимех тумани тиббиёт бирлашмасига Конимех тумани бириктирилган.**

**Наманган вилоятида 9 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб, шундан, РИНИАТМ Наманган вилояти ҳудудий филиалига Наманган шаҳри Давлатобод тумани Янги Наманган тумани, Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига Тўрақўрғон тумани, Наманган тумани тиббиёт бирлашмасига Наманган тумани, Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига Янгиқўрғон тумани Чортоқ тумани, Косонсой тумани тиббиёт бирлашмасига Косонсой тумани, Норин тумани тиббиёт бирлашмасига Норин тумани, Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига Учқўрғон тумани Уйчи тумани, Поп тумани тиббиёт бирлашмасига Поп тумани Чуст тумани, Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмасига Мингбулоқ тумани бириктирилган.**

**Самарқанд вилоятида 10 та туманлараро пунктлар ташкил этилиб шундан, РИНИАТМ Самарқанд вилояти ҳудудий филиалига Самарқанд шаҳри Жомбой тумани Пастдарғом тумани, Булунғур тумани тиббиёт бирлашмасига Булунғур тумани, Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасига Самарқанд тумани Тайлоқ тумани, Ургут тумани тиббиёт бирлашмасига Ургут тумани, Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмасига Пайариқ тумани, Иштихон тумани тиббиёт бирлашмасига Иштихон тумани Оқдарё тумани, Қўшрабат тумани тиббиёт бирлашмасига Қўшрабат тумани, Каттақўрғон шаҳри тиббиёт бирлашмасига Каттақўрғон шаҳри Каттақўрғон тумани Нарпай тумани, Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасига Пахтачи тумани, Нуробод тумани тиббиёт бирлашмасига Нуробод тумани бириктирилган.**

**Сурхондарё вилоятида 9 та ташкил этилиб, шундан, РИНИАТМ Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалига Термиз шаҳри Термиз тумани Жарқўрғон тумани, Денов тумани тиббиёт бирлашмасига Денов тумани Денов шаҳри, Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмасига Сариосиё тумани Узун тумани, Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмасига Шўрчи тумани Олтинсой тумани, Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига Қумқўрғон тумани, Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмасига Бандихон тумани Қизириқтумани, Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасига Ангор тумани Шеробод тумани, Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасига Бойсун тумани, Музработ тумани тиббиёт бирлашмасига Музработ тумани бириктирилган.**

**Сирдарё вилояти РИНИАТМ Сирдарё вилояти ҳудудий филиалига Гулистон шаҳри Мирзаобод тумани, Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасига Гулистон тумани, Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмасига Сайхунобод тумани Сирдарё тумани, Сардоба тумани тиббиёт бирлашмасига Оқолтин тумани Сардоба тумани, Боёвуттумани тиббиёт бирлашмасига Ширин шаҳри Боёвут тумани, Янгиер шаҳри тиббиёт бирлашмасига Ховос тумани Янгиер шаҳри бириктирилган.**



**Тошкент вилояти** РИНИАТМ Тошкент вилояти ҳудудий филиалига Ангрен шаҳри Оҳангарон тумани, Бекобод тумани тиббиёт бирлашмасига Бекобод тумани Бекобод шаҳри, Бўка тумани тиббиёт бирлашмасига Бўка тумани Оққўрғон тумани, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига Олмалиқ шаҳри Оҳангарон шаҳри, Нурафшон шаҳри тиббиёт бирлашмасига Нурафшон шаҳри Пискент тумани Ўрта Чирчиқ тумани, Чирчиқ шаҳри тиббиёт бирлашмасига Чирчиқ шаҳри Бўстонлик тумани Қибрай тумани, Паркент тумани тиббиёт бирлашмасига Паркент тумани Юқоричирчиқ тумани, Янгийўл шаҳри тиббиёт бирлашмасига Янгийўл шаҳри Қуйичирчиқ тумани Янгийўл тумани Чиноз тумани, Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига Зангиота тумани Тошкент тумани бириктирилган.

**Фарғона вилояти** РИНИАТМ Фарғона вилояти ҳудудий филиалига Фарғона шаҳри Қувэсой шаҳри, Фарғона тумани тиббиёт бирлашмасига Фарғона тумани, Боғдод тумани тиббиёт бирлашмасига Риштон тумани Боғдод тумани, Сўх тумани тиббиёт бирлашмасига Сўх тумани, Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 2-сонли наркология диспансерига Қўқон шаҳри Учқўприк тумани Бувайда тумани, Данғара тумани тиббиёт бирлашмасига Данғара тумани, Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасига Ўзбекистон тумани Фурқат тумани, Бешарик тумани тиббиёт бирлашмасига Бешариқтумани, Марғилон шаҳри тиббиёт бирлашмасига Марғилон шаҳри Қўштепа тумани, Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмасига Ёзёвон тумани, Олтиариқтумани тиббиёт бирлашмасига Олтиариқ тумани, Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасига Тошлоқтумани Қува тумани бириктирилган.

**Хоразм вилояти** РИНИАТМ Хоразм вилояти ҳудудий филиалига Хива шаҳри Хива тумани, Урганч шаҳри тиббиёт бирлашмасига Урганч шаҳри Урганч тумани, Қўшқўпир тумани тиббиёт бирлашмасига Қўшқўпир тумани Шовоттумани, Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасига Янгибозор тумани Гурлан тумани, Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмасига Ҳазорасп тумани Тупроққалъа тумани, Хонқа тумани тиббиёт бирлашмасига Хонқа тумани Янгиариқтумани, Боғот тумани тиббиёт бирлашмасига Боғоттумани бириктирилган.

**Тошкент шаҳар** Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказига Тошкент шаҳри, 4-сонли шаҳар клиник шифохонасига Тошкент шаҳри, 7-сонли шаҳар клиник шифохонасига Тошкент шаҳри, Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонасига Тошкент шаҳри 2023 - 2024 йилларда ташкил этилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси** Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмасига Мўйноқтумани, Тахтақўпир тумани тиббиёт бирлашмасига Тахтақўпир тумани

**Андижон вилояти** Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасига Шаҳрихон шаҳри

**Бухоро вилояти** Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмасига Шофиркон тумани

**Қашқадарё вилояти** Қамаши тумани тиббиёт бирлашмасига Қамаши тумани, Нишон тумани тиббиёт бирлашмасига Янги Нишон шаҳарчаси

**Наманган вилояти** Чуст тумани тиббиёт бирлашмасига Чуст тумани

**Самарқанд вилояти** Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмасига Пастдарғом тумани,

**Сурхондарё вилояти** Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига Жарқўрғон тумани, Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига Ангор тумани, Олтинсой тумани тиббиёт бирлашмасига Олтинсой тумани

**Сирдарё вилояти** Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмасига Сайхунобод тумани

**Тошкент вилояти** Ўртачирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасига Ўртачирчиқтумани, Бўстонликтумани тиббиёт бирлашмасига Ғазалкент шаҳри, Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасига Зангиота тумани

**Фарғона вилояти** Риштон тумани тиббиёт бирлашмасига Риштон тумани, Қува тумани тиббиёт бирлашмасига Қува тумани, Учқўприк тумани тиббиёт бирлашмасига Учқўприк тумани

**Хоразм вилояти** Урганч тумани тиббиёт бирлашмасига Урганч тумани, Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмасига Тупроққалъа тумани.

Тиббиёт бирлашмалари таркибида 53 та мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларининг штат бирикларидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари ҳисобидан (ҳудудий ички ишлар органлари учун маҳаллий бюджетлар ҳисобидан киритилиши мумкин бўлган



чекланган штат бирликларини сақлаш маблағлари доирасида) киритилади.

Қолган 61 та пунктларнинг фаолияти 2022 йилда ҳудудий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг умумий ўринлари ва штат бирликлари доирасида ташкил этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги пунктлар ҳамда уларга бириктирилган туман ва шаҳарлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, пунктлар сонини кенгайтириш ҳуқуқига эга.

2023-2024 йилларда пунктлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ички ишлар вазирлигининг таклифларига асосан, эҳтиёждан келиб чиқиб, қўшимча равишда босқичма-босқич ташкил этилади.

### Мустақил таълим учун топшириқ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонунини ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон қарорини ўзлаштириш.
3. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш тўғрисидаги дастурида белгиланган чора-тадбирларни ўрганиш.

**1.3.Мавзу: Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида ички ишлар органларига белгиланган устувор йўналишлар.**

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ ( 2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти “*Савол-жавоб*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади. «Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади:



### САВОЛ-ЖАВОБ УСУЛИ:

**Савол:** Наркологик ёрдам соҳасини тартибга солиш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари қабул қилинди?

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатларини айтиб беринг?

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатларини тушинтириб ўтинг?

**Савол:** Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатларини айтиб беринг?

**Савол:** Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасалари тушунчасини айтиб беринг?

**Савол:** Наркологик касалликлар профилактикаси тушунчасини айтиб беринг?

**Савол:** Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасалари вазибаларини тушинтириб беринг?

**Савол:** Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини айтиб беринг?

**Савол:** Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) тушинчасини айтиб беринг?

**Савол:** Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида профилактика диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) тушинчасини айтиб беринг?

**Савол:** Мажбурий диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига) қандай тоифадаги шахслар олинади?

**Савол:** Наркологик диспансер ҳисобига олиш қўйиш қарори кимлар томонидан қабул қилинади?

**Савол:** Профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) ва диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) тартиби қайси вазирлик томонидан белгиланади?

**Савол:** Наркологик касалликка чалинган шахснинг даволанишга розилиги тушунчасини айтиб беринг?

**Савол:** Наркологик ёрдамни рад этиш тартибини тушинтириб беринг?

**Савол:** Наркологик касалликка чалинган шахсга ўзининг ёзма розилигисиз ёки қонуний вакилининг ёзма розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатишга қандай ҳолларда йўл қўйилади?

#### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонунини ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон қарорини ўзлаштириш.

## 2. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲАТЛАР ВА ЯНГИЛИКЛАР

### 2.1. МАВЗУ: ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЯНГИ ИСЛОҲАТЛАР ВА ЯНГИЛИКЛАР

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

##### Режа:

**1-ўқув савол.** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга доир ҳуқуқий асослар.

**2-ўқув савол.** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида белгиланган асосий йўналишлар.





**3-ўқув савол.** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органларига белгиланган вазифалар.

**1-ўқув савол.** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга доир ҳуқуқий асослар.

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги тарихий ислоҳотлар, аввало, инсон қадрини, халқ манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаракатлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, халқимизни ҳар томонлама рози қилишга қаратилган.

Барча соҳалар қатори халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга бўлиб, Ватанамиз, фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикнинг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида муҳим натижаларга эришиб келинмоқда.

Хусусан, **жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини такомиллаштириш борасида қуйидагилар ҳуқуқий асос ҳисобланади:**



Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатларни ёритишдан олдин, айрим тушунчаларни мазмунига тўхталиб ўтамиз. Жумладан:

**Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг** мақсади ҳамда мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбек тилининг изоҳли луғатига асосланиб, **қуйидагича тариф берилган:**

Жамоат тартиби тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан ягона тўхтама келинмаган, шунга қарамай илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга асосан қуйидагича тариф берилган, **жамоат тартиби** – бу амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчилик (омма)нинг хавфсизлигини таъминлашга, ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек, уларнинг шаън-шавкати, инсоний қадр-қиммати ҳамда ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш бўйича асосан жамоат жойларида вужудга келадиган ва тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тушунчаларига ҳуқуқий тамонлама изоҳ берилиб, қуйидаги мазмунни ифода қилади:

**Жамоат хавфсизлиги** — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низола, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони, аввало, мамлакатимиздаги кенг кўламли



ислохотлар доирасида аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятда қонун устуворлиги ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга қаратилган.

Ўз навбатида, бугунги кунда жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар, зиддиятлар, тинчлик ва осойишталикка таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар давлат ҳамда унинг масъул органлари зиммасига янгидан-янги вазифалар юклямоқда.

Бу эса жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган.

**Шу жиҳатдан ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган умумий вазифалар фармонга мувофиқ белгиланган:**



1. Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини белгилашни;
2. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида **махалла ҳуқуқ-тартибот масканлари** босқичма-босқич ташкил этишни;
3. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи **«Smart маҳалла»** ахборот дастури амалиётга тадбиқ этишни;
4. Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни;
5. Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этишни;
6. Худудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлашни;
7. **Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий статистикани юритишни** такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини оширишни белгиланди.  
Бундан ташқари, қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланган:
  - Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган;
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги рўйхат тадиқланган.
- Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори қабул қилинди.
- Ушбу қарор билан қуйидаги тартиблар ва талаблар ҳамда ҳужжатлар тасдиқланиб белгиланди:**
  1. **“Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги Низом** тасдиқланган;
  2. **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти** ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида **янги бошқарув тизими** жорий этилган;
  3. **Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили** асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган;
  4. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида **Ягона тезкор бошқарув марказини** ташкил этилган;
  5. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида шахсларни **профилактик ҳисобга олишнинг электрон тизими** жорий этилган;
  6. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг **«Хавфсиз таълим муассасаси» тамойили** асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича манзилли чораларни белгилашни;
  7. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги **“Жазони ижро этиш департаменти тўғрисида”ги Низом** тасдиқланган;
  8. Маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш орқали қайта тарбиялаш ва соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида мавжуд штат бирликлари доирасида **янги лавозимларни** киритишни;
  9. Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари фаолиятига **рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни** жорий этишни;
  10. Ички ишлар органларида **маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси** тасдиқланган.



Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ҳамда «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрлари учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли фармони қабул қилинди. Сўнгги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида сиёсий, илмий ва ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг амалий ифодасини акс эттириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Жумладан, **2018 йил 24 декабрда Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4075-сон қарори** қабул қилинди. Унда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали ишлашини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 февралдаги **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4343-сон қарорида** бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий мезонлари ҳисобланиб, бу борадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Жамоат хавфсизлиги концепциясига доир янги **27-сон Фармон** эса халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, хавфсизлиги учун энг муҳим кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш алоҳида бир субъект зиммасида эмас. **Бу вазифа қатор субъектлар**, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларга, ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аниқ белгилаб берилган.

Ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши муваффақиятли курашиш заруриятидан келиб чиқиб, фармон билан **2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси** ишлаб чиқилди.

Унинг асл мақсади мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ўз вақтида, самарали амалга оширишдан иборат.

**Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йил нинг 10 ойида 7 минг 681 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Натижада 2 мингга яқин инсон вафот этган. Ачинарлиси, 1 минг 268 та ҳодиса болалар иштирокида рўй берган.**

Эндиликда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини “Равон йўл” тамойили асосида ташкил қилиш, “Йўл — пиёда учун” тамойилини кенг жорий этиш юзасидан муҳим ислоҳотлар амалга оширилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини тез-тез қасддан бузувчилар, оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларини содир этганларга нисбатан чоралар кучайтирилиб, хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан узоқ муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг услубий асосларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли жиноят ва қонунбузарликлар, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича **“Худуд методикаси”**ни амалиётга кенг жорий этиш орқали мамлакатнинг кичик бирликларидан йирик шаҳарларигача бўлган худудларида аниқ методика ва механизмга асосланган ёндашув жорий этилган.

➤ Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони** билан еттига устувор йўналишни ҳаётга тадбиқ этиш борасида **100 та мақсад** белгиланган.

Ушбу белгиланган мақсадлардан бири этиб, яъни **16-мақсади** “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган

шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб тасдиқланди.

**2-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида белгиланган асосий йўналишлар.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида қуйидаги йўналишлар давлат органлари зиммасига юклатилди.

**Хусусан, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланган:**

Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмнинг биринчи йўналишига қисқача тариф берилса, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жинойтчиликнинг сабабларини аниқлаш лозимлиги белгиланмоқда. Айнан қуйидаги тарифлар орқали мазмун-моҳиятини билиб оламиз. Хусусан:

**Жинойтчилик (жинойт)нинг сабаблари деганда** - жинойт содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи. Шунингдек, **жинойтнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар деганда** - жинойт содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар.

**Иккинчи йўналишда**, ҳудудларда жинойтчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш масъул шахсларга белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги **«Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарори** билан тасдиқланган “Туманлар (шаҳарлар) ва худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги” Низомда маҳаллалар криминоген вазиятдан келиб чиқиб **«яшил»**, **«сарик»** ва **«қизил» тоифаларга** ажратилди. Бунда:

**«яшил» тоифадаги маҳалла** - худудида жинойт содир этилмаган маҳалла;

**«сарик» тоифадаги маҳалла** - ҳисобот даврида худудида содир этилган жинойтларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичи билан баробар ёки ундан паст бўлган маҳалла.

**«қизил» тоифадаги маҳалла** - худудида, шу жумладан алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаганлар, аёллар, ишсизлар, илгари судланганлар, маст ҳолатдаги, профилактик ҳисобда ёки маъмурий назорат остида турувчи шахслар томонидан содир этилган жинойтларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган маҳалла.

Мазкур таснифдан келиб чиқиб, тоифаларга ажратилган худудларни ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда **«жинойт ўчоқлари»ни** бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш орқали бартараф этиш чоралари кўрилади.

**Учинчи йўналишда**, «Республика - вилоят - туман - маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш мақсадида:

- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу худудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини **ягона «пойтахт минтақаси»** тамойили асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширишни;

- Тошкент шаҳридаги патруль-пост хизмати батальонлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бевосита бўйсунувидан чиқарилиб, тўғридан-тўғри туман ички ишлар органлари таркибига ўтказилади ва уларнинг кунлик хизмати маҳаллалар кесимида йўлга қўйишни;

- жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг **ягона тезкор бошқаруви** Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилган.

**Шунингдек, ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида масъул давлат органлари зиммасига қуйидагиларни белгилади:**

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланишини;

Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир мартаба ўтказилиши ҳамда уларда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар белгиланган.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида **Ягона тезкор бошқарув марказини** ташкил этилган бўлиб, марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқаришни;


- жиноят, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибini оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштиришни.

Бу эса ўз навбатида, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган.


**Тўртинчи йўналишда, Ички ишлар органлари ходимларининг замонавий кийёфасини яратиш**, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштириш борасида қуйидагилар белгиланди. Жумладан:

- замонавий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришларни амалга оширишни;
- маънавий-маърифий ишларнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, малакали кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратишни;
- ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни;
- ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда маиший шароитларини яхшилашга қаратилган.

**Ушбу вазифаларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:**



Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида қуйидаги департаментлар ташкил этилган:



Мазкур тақсимотга мувофиқ ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилган.

Шунингдек, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган **6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари** томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Жазони ижро этиш департаменти бошлиғининг ахборот технологиялари ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосарлари ва жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилган.


### Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

- Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлимлари ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойтахт ички ишлар органларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилган;

- жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилган;

- туман ва шаҳар пробацция бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробацция ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгиланган.

Бундан ташқари, ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, қуйидаги учта лавозимлар тугатилиб битта лавозим жорий этилган. Хусусан:



### **3-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органларига белгиланган вазифалар.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ички ишлар органлари зиммасига қуйидаги йўналишларда **вазифалар** белгиланди. Хусусан:

- Ички ишлар органларининг **ташкилиш тузулиши** бўйича вазифалар;
- Ички ишлар органлари ходимларининг **малакали кадир ва профессионал тузулма**ни шакллантириш бўйича вазифалар;
- Ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва **замонавий ахборот технологияларини** кенг жорий этиш бўйича вазифалар;
- Ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг **ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя**сини ҳамда маиший шароитларини яхшилашга қаратилган вазифалар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш бўйича вазифалар таркибига қуйидагилар ҳисобланади. Жумладан, **бешта департамент** ташкил этилиб, улардан:

**Биринчиси**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги **“Жазони ижро этиш департаменти тўғрисида”ги Низом** талабларини ижросини таъминлаш.

#### **Низомга мувофиқ қуйидагилар белгиланди:**

- Жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирига бўйсунди ва вазирининг зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланган;

- Ички ишлар органларининг барча **тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари** ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилган;

- тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган **6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари** томонидан амалга оширилади;

- жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида қатъий интизом ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, маҳкумларни сақлаш ҳолати устидан назорат олиб бориш жараёнларини **тўлиқ автоматлаштириш**;

- жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, шу жумладан уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган **электрон дўконлар** орқали сотиб олиш имкониятини яратиш;

- маҳкумларни қайта тарбиялашнинг тактикасини тўғри белгилаш ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги **маълумотлар электрон базасини** юритиш ва унинг асосида маҳкумларни тақсимлаш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш чораларини кўрсин.

**Иккинчиси**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **“Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом** талабларини ижросини таъминлаш.

**Учинчиси**, **“Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги Низом** талабларини ижросини таъминлаш.

**Тўрттинчиси**, Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
“Маънавий-маърифий ишлар ва  
кадрлар билан таъминлаш  
департаменти тўғрисида”ги  
Низом

“Маҳалла ҳуқуқ-тартибот  
маскани тўғрисида”ги  
Низом

## Ички ишлар органлари ходимларининг малакали кадир ва профессионал тузулмани шакиллантириш бўйича вазифаларга қуйидагилар ҳисобланади.

Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

- Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

- Академиянинг бакалавриат дастури бўйича ўқитиш кундузги ва сиртки таълим шаклларида ташкил этилади, шунингдек, уларга ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринбосари раислигида ташкил этиладиган махсус касбий танлов ва очиқлик мезонлари асосида яқка тартибдаги суҳбат орқали амалга оширилади;

- Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи даражадаги «**ташкилий-тактик бошқарув**» ва биринчи даражадаги «**ташкилий-стратегик бошқарув**» йўналишларида ташкил этилади;

- магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиш муддати бир йилни ташкил этиб, ўқишга кирган ходимлар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилади ва магистратуранинг тингловчилар сафига қабул қилиниб, уларга охириги эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти сақланади ва муваффақиятли битирганда олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом берилади;

- ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, соҳавий хизматлар раҳбарларига бир ойда камида бир маротаба Академия магистратурасида аудитория ўқув машғулотларини бевосита ўтказиш вазифаси юкланади;

- биринчи даражали магистратуранинг таълим олувчилари Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиқлари, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг бевосита мураббийлигида мажбурий тартибда амалиёт (стажировка) ўтайди, шунингдек, хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларининг бошқарув малакасини оширишга қаратилган курсларида таҳсил олади;

- Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг муқаддам фаолият кўрсатган магистратураси, олий академик курслари ва раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслари)ни тамомлаганлик хизматни ўташ масалаларида мазкур қарор билан жорий этилаётган иккинчи даражадаги магистратурага тенглаштирилади.

- ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида махсус касбий тайёрлаш;

- ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

- ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.



## **Ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш;

2. Ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими;

3. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури;

4. Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказсин ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш амалиётини жорий этилган;

5. Шахсларни профилактик ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилган;

6. Ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «**E-ichki ishlar organlari**» марказлашган ахборот тизимини яратиш;

7. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизими жорий этиш;

8. Жазони ўташ жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги «ахборот портрети»ни тузиш ва озодликка чиқишидан 2 ой олдин яшаш жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органларига хабар бериш имкониятини берувчи ягона электрон тизимни яратиш;

9. Ички ишлар органларида электрон ҳужжат алмашинуви ва ҳимояланган электрон почта ягона тизимини татбиқ этиш, дастурий таъминот яратиш;

10. «**102**» тизими доирасида Ички ишлар вазирлиги жиноятларни ҳисобга олиш ягона тизимига интеграция қилиш;

11. «**E-inspektor**» электрон комплекс тизимини татбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритувни мақбуллаштириш;

12. маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича «**E-ma'muriy ish**» ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш;

13. «**E-hisobot**» ахборот тизимини яратиш орқали профилактика хизматида ҳисоботларни унификация қилиш ва уни бошқа ташкилотларнинг ҳисобот юритиш ҳамда идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш;

14. Ходимнинг касбий ривожланишини мониторинг қилиш мақсадида ягона маълумотлар базаси - «**E-o'quv karera**» электрон платформасини яратиш;

15. Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «**E-ijtimoiy-himoya.iiv.uz**» электрон тизимини жорий этиш.

## **Ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда маиший шароитларини яхшилашга қаратилган вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:**

- хизмат вазифасини бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг шаъни ва кадр-қимматини камситиш, соғлиғига шикаст етказиш, шунингдек, қонуний талабларига бўйсунмаслик ва фаол қаршилик кўрсатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

- ички ишлар органлари ходимлари ва оила аъзоларининг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаш;

- ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини давлат томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини, ушбу йўналишдаги кафолатлар ва аниқ механизмларни назарда тутган ҳолда яратиш.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги ВМҚ-354-сонли қарорига** мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



### Унга асосан қуйидагилар белгиландига:

- ✚ ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш, уй-жой билан таъминлаш;
- ✚ олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (тақдимнома) бериш;
- ✚ шаҳар йўловчи транспортдан ва шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- ✚ мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- ✚ хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- ✚ тан жароҳати олган (етказилган) ёки ҳалок бўлган (вафот этган)да бир марталик нафақа тайинлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли фармони** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қуйидаги **вазифалар белгиланган**. Жумладан:

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
- жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;
- фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;
- жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқирилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;
- жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

#### **Мустақил таълим учун топширик:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони ўзлаштириш;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорини ўзлаштириш;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони ўзлаштириш

## 2.1-Мавзу: **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган янги ислохотлар**

### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ ( 2 соат)**

Ушбу амалий машғулоти **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади. «Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



#### ***Блиц-сўров машғулотининг саволлари:***

**1-савол:** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини такомиллаштириш борасида қандай ҳуқуқий асослар қабул қилинди?

**2-савол:** Жамоат хавфсизлигига берилган тўғри тарифни айтиб беринг?

**3-савол:** ПФ-6196-сон фармонга мувофиқ ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган умумий вазифаларни айтиб ўтинг?

**4-савол:** ПҚ-5050-сонли қарор билан қандай тартиблар ва талаблар ҳамда ҳужжатлар тасдиқланиб белгиланди?

**5-савол:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони билан нешта устувор йўналишлар ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида нешта мақсад белгиланган?

**6-савол:** Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қайсилари белгиланган?

**7-савол:** Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида қандай номдаги департаментлар ташкил этилган?

**8-савол:** ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, нешта лавозимлар тугатилиб қайси лавозим жорий этилган?

**9-савол:** вояга етмаганлар масалалари бўйича қандай лавозим жорий этилган?

**10-савол:** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ички ишлар органлари зиммасига қайси йўналишларда вазифалар белгиланди ва уларнинг ҳар бирини мақсади ҳамда моҳиятини айтиб ўтинг?

**11-савол:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қайси вазифалар белгиланган?

### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармонни тўлиқ ўқиб чиқиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорини конспектлаштириш;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони конспектлаштириш;

## 2.2. Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ЎҚУВ-КАРЬЕРА ЖАРАЁНИ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2-соат)**

#### **Режа:**

**1-ўқув савол.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

**2-ўқув савол:** 2021 йил 27 август кундаги “ИИОларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруғининг мазмуни.

**3-ўқув савол:** Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг мазмун-моҳияти.

**1-ўқув савол:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори мувофиқ ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифатини ошириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этишдан иборатдир.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорида қўйидагилар белгиланди. Жумладан,**

➤ ИИВ Академисидagi таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

➤ ИИВ Академидининг бакалавриат дастури бўйича ўқитиш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этилади, шунингдек, уларга ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринбосари раислигида ташкил этиладиган махсус касбий танлов ва очиқлик мезонлари асосида яқка тартибдаги суҳбат орқали амалга оширилади;

➤ 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ИИВ Академидининг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи даражадаги «ташкилий-тактик бошқарув» ва биринчи даражадаги «ташкилий-стратегик бошқарув» йўналишларида ташкил этилади;

➤ магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиш муддати бир йилни ташкил этиб, таълим олувчиларга охири эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул

таъминоти сақланади ва битирувчиларга олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом берилади;

➤ ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, соҳавий хизматлар раҳбарларига бир ойда камида бир маротаба ИИВ Академиси магистратурасида аудитория ўқув машғулотларини бевосита ўтказиш вазифаси юкланади;

➤ биринчи даражали магистратуранинг таълим олувчилари Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиқлари, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг бевосита мураббийлигида мажбурий тартибда амалиёт (стажировка) ўтайди, шунингдек, хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларининг бошқарув малакадии оширишга қаратилган курсларида таҳсил олади;

➤ Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг муқаддам фаолият кўрсатган магистратураси, олий академик курслари ва раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслари)ни тамомлаганлик хизматни ўташ масалаларида мазкур қарор билан жорий этилаётган иккинчи даражадаги магистратурага тенглаштирилади.

### **ИИВ Академиси бошлиғи зиммасига:**

▪ икки босқичли олий таълим тизимини сифатли жорий этиш, ўқув жараёнини энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий-педагогик салоҳиятини, шу жумладан уларни хорижий таълим муассасаларида ўқитиш орқали ошириш;

▪ магистратурага қабул жараёнини ўрнатилган мезонларга жавоб берадиган ва ўқиш истагини билдирган ички ишлар органлари ходимлари орасидан, уларнинг тўғридан-тўғри муружаатига асосан номзодларни очиқ ва холисона танлаб олиш орқали ташкил этиш бўйича шахсий масъулият юклатилади.

**Қарор асосида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ва қуйидагилар унинг фаолияти асосий йўналишлари этиб белгиланди:**

-ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида махсус касбий тайёрлаш;

-ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

-ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакадии оширишни ташкил этиш.

Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакадии ошириш марказлари тугатилиб, уларнинг штат бирликлари ва моддий-техника базаси Малака ошириш институтига ўтказилди.

#### **Ушбу қарор билан ИИВга:**

Малака ошириш институтини тугатилаётган ўқув марказининг Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги манзили бўйича жойлаштиришни, унинг бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишни, мақсадли ситуацион-иммитацион полигонларни яратишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакадии оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиш амалиётини жорий этиш юклатилди.

Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти таркибига ИИВ Академидинг касбий тайёргарлик факультетини ўтказиш тўғрисидаги таклифига асосан шундай тартиб ўрнатилди, унга мувофиқ:

Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида беш ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни махсус касбий тайёрлаш амалга оширилади;



касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган 200 нафаргача бўлган квоталар доирасида танлов асосида амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларга ўрнатилган тартибда стипендия тўланади ва моддий таъминот белгиланади;

касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга «кичик сержант» махсус унвони ҳамда белгиланган намунадаги диплом берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ИИБ Академисиси ва Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатлари тасдиқланди.

Йўналиш (мутахассислик) номи: Тергов фаолияти, Тезкор-қидирув фаолияти, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, Эксперт-криминалистика фаолияти, Жиноий жазоларни ижро этиш, Ташкилий-штаб фаолияти юрист малака кундузги таълим шакли, ўқиш муддати 3 йил ҳамда Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш юрист-психолог кундузги 3 йил, Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш фаолияти сиртки бўлиб ўқиш муддати 4 йил/3 йил.

**Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига қуйидагиларни назарда тутувчи узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан жорий этилади:**

\* ички ишлар органлари раҳбар таркибининг тегишли лавозимларига тайинланиш учун ИИБ Академисиси магистратурасида ўқиш шартлиги;

\* ходимларга махсус унвонлар берилишининг ҳамда сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимлар офицерлик лавозимларига тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши зарурлиги.

\* Ушбу қарорга асосан ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими тасдиқланди.

\* Раҳбар таркибидаги тегишли лавозимларга тайинлаш учун ИИБ Академидининг иккинчи даражали магистратура дипломига эга бўлишга оид талаб 2022 йил 1 сентябрдан, биринчи даражали магистратура дипломига эга бўлишга оид талаб эса 2024 йил 1 сентябрдан кучга киради.

\* Ички ишлар вазири хизмат ўташ тизимига жорий этилаётган талабларга сўзсиз риоя этилиши, шунингдек, барча даражадаги раҳбарлар малакадининг доимий ошириб борилишини таъминлаш бўйича шахсан масъул этиб белгиланди.

Ушбу қарорга асосан шундай тартиб ўрнатилди ва унга мувофиқ:

Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг ҳуқуқшунослик фани бўйича идоровий фан олимпиадаси ғолиби бўлган битирувчиларининг ИИБ Академисига ўқишга қабул қилиниши учун фақат махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтишлари етарли ҳисобланиши;

• **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб ички ишлар органларининг **сержант таркибидаги лавозимларида** хизматни ўташ учун фақат **олий маълумотга** эга бўлган шахслар қабул қилиниши;

• **2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб ички ишлар органларининг **сафдор таркибидаги лавозимларига** номзодлар фақат идоровий академик лицейлар, ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари, профилактика инспекторининг ёрдамчилари, шунингдек, олий маълумотга эга ёки сиртки таълим шакли бўйича таҳсил олаётган шахслар орасидан қабул қилиниши;

• ИИБ Академидининг сиртки таълим шаклига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан ҳар йили белгиланадиган қўшимча квота бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Куролли Кучларда камида уч йиллик ҳарбий хизмат (хизмат) стажига эга бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

ИИБ Академисиси курсантларининг ўқишда, маънавий-маърифий ва спорт-маданий соҳаларда юқори натижаларга эришишга бўлган интилишларини рағбатлантириш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан **Жалолиддин Мангуберди** номидаги **идоровий стипендия** таъсис этилади.



Идоравий академик лицейлар ва Ички ишлар вазирлиги Ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг ўқишда юқори натижаларга эришган ўқувчилари учун **кўкрак нишони** таъсис этилади.

Ушбу қарорга асосан қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигига:**

ИИВ Академиси ва Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетининг таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатларига мавжуд эҳтиёжни инобатга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;

идоравий академик лицейларнинг иқтидорли ўқувчиларига улар ҳузурида тузиладиган комиссияларнинг тавсияларига кўра, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан индивидуал стипендиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда ички ишлар органлари ходимлари (ҳарбий хизматчилари) учун **ИИВ Академидининг сиртки таълим шаклига** белгиланган қабул квотадининг **50 фоизигача** бўлган миқдорда тўлов-контракт асосида қўшимча квота киритиш;

Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ўқув йили даврига ИИВ Академидининг ихтисослаштирилган кафедраларига уларнинг штатлар сонининг **30 фоизигача** бўлган миқдорда ўқитувчиларнинг қўшимча штат бирликларини киритиш;

Ички ишлар вазири ўринбосарларига — Малака ошириш институтида ички ишлар органларининг тегишли раҳбарлари ва ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича навбатдан ташқари қўшимча ўқув йиғинларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

**Қарор асосида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ва қуйидагилар унинг фаолияти асосий йўналишлари этиб белгиланди:**

– ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида махсус касбий тайёрлаш;

– ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

– ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакади оширишни ташкил этиш.

Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакади ошириш марказлари тугатилиб, уларнинг штат бирликлари ва моддий-техника базаси Малака ошириш институтига ўтказилди.

**Ушбу қарор билан ИИВга:**

– Малака ошириш институтини тугатилаётган ўқув марказининг Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги манзили бўйича жойлаштиришни, унинг бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишни, мақсадли ситуацион-иммитацион полигонларни яратишни ташкил этиш;

– ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакади оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиш амалиётини жорий этиш юклатилди.

**Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти таркибига ИИВ Академидининг касбий тайёргарлик факультетини ўтказиш тўғрисидаги таклифига асосан шундай тартиб ўрнатилди, унга мувофиқ:**

➤ Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида **беш ойлик дастур** бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни махсус касбий тайёрлаш амалга оширилади;

➤ касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган **200 нафаргача бўлган квоталар** доирасида танлов асосида амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларга ўрнатилган тартибда стипендия тўланади ва моддий таъминот белгиланади;

➤ касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга **«кичик сержант»** махсус унвони ҳамда белгиланган намунадаги диплом берилади.

**2-ўқув савол:** 2021 йил 27 август кундаги “ИИОларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруғининг мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори мувофиқ ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифатини ошириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этишдан мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 27 августдаги “**Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида**”ги **310-сон буйруғи** талаблари асосида амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги **қарорига мувофиқ:**

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарори 6-бандига кўра, 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан ички ишлар органлари хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

**Шунингдек буйруқга кўра қуйидагилар узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этишда Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди:**

- ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш;

- барча тоифадаги ички ишлар органлари ходимларининг самарали хизмат ўташи ва уларнинг хизмат мартабаси ошиши учун хизматнинг бутун муддати давомида узлуксиз равишда таҳсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш;

- доимий равишда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобил сайёр курсларини ўтказиб бориш;

- анъанавий малака ошириш билан бир каторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шакллари, шунингдек, кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини, билим ва кўникмаларни доимий такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизмининг жорий қилиш.

- Вазирликнинг таркибий тўзимлари ҳамда ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари: хизмат ўташни қатъий назорат қилиш ва ўқув-тарбиявий жараёни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш бўйича фаолиятнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

- ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашда мазкур буйруқ талабларига қатъий риоя этилиши таъминлаш.

- Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 27 августдаги 310-сон буйруғи билан Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

**Вазирликнинг таркибий тўзимлари ҳамда ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:** хизмат ўташни қатъий назорат қилиш ва ўқув-тарбиявий жараёни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш бўйича фаолиятнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш ҳамда ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашда мазкур буйруқ талабларига қатъий риоя этилиши таъминлашлари кўрсатиб ўтилди.

Вазирнинг ахборот технологиялари вазирлиги томонидан узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни самарали йўлга қўйиш ҳамда ҳар бир ходимнинг касбий ривожланишини мониторинг қилиш мақсадида ягона маълумотлар базаси - “**E-o‘quv-karyera**” электрон платформасини яратиш ҳамда уни Вазирликнинг “**E-Kadr**” тизимига интеграция қилиш чораларини кўрилиши белгилаб олинди.

**3-ўқув саволи:** Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни

### **ташқил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг мазмун-моҳияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон "Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 27 август кўнидаги Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташқил этиш тўғрисидаги 310-сон буйруғи ижрога қаратилди.

**Мазкур буйруқнинг 2-бандига кўра** "Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташқил этиш тартиби тўғрисида" Низоми тасдиқланди.

Мазкур Низом 16 та боб ва 156-моддадан иборат бўлиб, ушбу Низомнинг Умумий қоидалар бобининг 1-банди, Ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда Ички ишлар вазирлиги)нинг профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш соҳасидаги фаолиятини белгилайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб боришлари шарт.

Мазкур низом талаблари Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасига киритилган ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларининг ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, агарда қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Низомнинг 2-бандида** Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш, қанда тарикасида Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу муассасаларда ўқитилмайдиган ихтисосликлар мустаснолиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида назарда тутилмаган мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг бошқа таълим муассасаларида ёки хорижий давлатлар таълим муассасаларида ташқил этилиши белгиланди.

**Низомнинг 3-бандида** Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклига ўқишга кирган шахслар курсантлар сафига, сиртки таълим шаклига, магистратурага, касбий тайёргарлик факультетига ўқишга кирганлар, шунингдек бошланғич, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига жалб этилганлар тингловчилар сафига қабул қилинади.

**Низомнинг 4-бандида** Узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш:

- бошланғич касбий тайёргарлик;
- махсус касбий тайёргарлик;
- қайта тайёрлаш;
- малака ошириш;
- олий таълим;
- бошқарув кадрларини тайёрлаш;
- олий таълимдан кейинги таълимда ўқиш; измат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарликлардан иборат.





**Бошланғич касбий тайёргарлик** - ички ишлар органларидаги хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларнинг махсус тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш бўйича ўқув тайёргарлигини Ички ишлар вазирлиги **Малака ошириш институти томонидан қуйидаги тартибда ўтказилади:**

➤ ички ишлар органларининг сафдорлар таркиби лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимлар билан муддати уч ойгача бўлган кундузги ва сайёр курсларда;

➤ ички ишлар органларининг офицерлик лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимлар (фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда) билан муддати 3 ойгача бўлган кундузги ва сайёр курсларда.

➤ Кундузги ўқитиш шаклидаги курсларда ходимлар Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди), сайёр курсларда институтнинг филиалларида бошланғич касбий тайёргарликдан хизматдан ажралган ҳолда ўтадилар.

➤ Бошланғич касбий тайёргарлик сайёр курсида ўқиш учун фақатгина аёл ходималар ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган айрим лавозимлардаги ходимларга Ички ишлар вазирлиги билан келишилгандан сўнг рухсат берилиши мумкин.

**Мазкур бандга ИИВнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартиришлар киритилиб**, унга кўра Бошланғич касбий тайёргарлик сайёр ва яқка тартибда ўқитишга ИИВ таълим муассасаларининг илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилари, Молия ва моддий-техник таъминот департаменти, тиббиёт, ахборот технологияларни жорий этиш ва киберхавфсизлик бўлинмалари, Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, Ҳалқаро ҳамкорлик бошқармаси, Маданият саройига хизматга қабул қилинган аёл ходималарга рухсат бериш тўғрисидаги масала ИИОларининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари хулосаси асосида ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

**Қуйидаги ходимлар бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказилмайди:**

➤ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ва фармойишига асосан лавозимга тайинланган ходимлар;

➤ Ўзбекистон Республикаси олий **ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган** таълим муассасалари, ҲМҚ академияси, Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетининг махсус касбий тайёрлаш курси, Ички ишлар вазирлиги томонидан келишув асосида ўқишга юборилган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларининг битирувчилари сирасидан бўлган ходимлар;

➤ Ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик курслари, қоида тариқасида календарь, йилнинг январь, май ва сентябрь ойларининг биринчи ҳафтасидан бошлаб ташкил этилади”. (**Асос:** ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

➤ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари тизимига кирадиган вазирлик ва идоралардан ички ишлар органлари хизматида ўтказилган ходимлар;

➤ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус тайёргарлик ўқув марказида тасдиқланган мутахассисликлар рўйхати бўйича (кинолог, сапёрлик иши, портлаш техникаси ва бошқалар) ўқитиладиган ходимлар.

➤ Бошланғич касбий тайёргарликдан ўтмаган ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек хизмат фаолиятида махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда ҳаракатланиши ва фойдаланиши **тақиқланади.**

➤ Ички ишлар органларига **хизматга қабул қилинган ходимлар** бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказиш учун юборилиши шарт. (**Асос:** ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

**Бошланғич касбий тайёргарлик курсларига узрли сабабларга кўра** (касаллиги, якин кариндошларининг вафот этганлиги ва шу каби бошқа фавқулодда ҳолатлар) ўз вақтида кела олмаган ёки курс давомида узрли сабабларга кўра ўқишни тўлиқ якунлашга имкони бўлмаган ходимларнинг ўқиш муддати бошқа муддатга кўчирилади, улар ўз хизмат фаолиятини тўлиқ тиклаганидан кейин навбатдаги курсларда ўқишга рухсат берилади.



➤ Бунда ходим томонидан узрли ҳолат юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва курсларда ўқиш учун юборган ички ишлар органи раҳбарининг маълумотномаси такдим этилиши керак.

➤ Бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

➤ Бошланғич касбий тайёргарлик курсини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисидаги сертификатни олган **тингловчилар** жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ҳамда мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда **лавозимга тайинлаш** учун ўрнатилган тартибда ички ишлар органларига юборилади. (Асос: ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

➤ **Бошланғич касбий тайёргарлик курси давомида ўқишдан четлаштирилган** шунингдек, сертификатни олмаган ходимлар Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом талаблари (дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги) асосида хизматдан бўшатилади. (Асос: ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

**Махсус касбий тайёргарлик**-Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида беш ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни махсус касбий тайёрлаш амалга оширилади.

Касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган **200 нафаргача бўлган квоталар** доирасида танлов асосида амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларга ўрнатилган тартибда моддий таъминот белгиланади;

Касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади. Касбий тайёргарлик факультетининг мақсади, вазифалари ва функциялари, фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, факультет фаолиятини ташкил этиш тартиби факультет низомида белгиланади. Касбий тайёргарлик факультетида мутахассислар ўрнатилган тартибда тасдиқланган таълим мутахассисликлари рўйхати асосида тайёрланади.

Махсус касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Сержантлар таркибини махсус касбий тайёрлаш жараёни уларнинг бошланғич тайёргарликдан ўтишини ҳам қамраб олади.

Касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга "**кичик сержант**" махсус унвони берилади. (Асос: ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

Касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимлар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ҳамда мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади ва кейинги хизматини давом эттириш учун ўрнатилган тартибда ички ишлар органларига юборилади.

Махсус касбий тайёрлаш курси давомида ўқишдан четлаштирилган, шунингдек, тегишли дипломни олмаган тингловчилар ўқишга киришдан олдин ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари сирасидан бўлганлар ўз хизмат ўташ жойига қайтариб юборилади.

Фуқаролар орасидан қабул қилинган тингловчиларнинг Махсус касбий тайёрлаш курси давомида ўқишдан четлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири таълим муассасалари курсант ва тингловчиларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ амалга оширилади.

**Қайта тайёрлаш-** Ички ишлар органлари ходимлари бошқа турдаги касбий фаолият билан боғлиқ лавозимга тайинланганда ёки уларни янги йўналишлар бўйича тайёрлаш зарур бўлганда, шунингдек, сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимлар офицерлик лавозимларига тайинланишидан олдин қайта тайёргарликдан ўтиши шарт. Агар ходим илгари шу мутахассислик лавозими бўйича ишлаган ва бошқа мутахассислик лавозимига тайинланиб хизматни давом эттираётганлигига уч йил тўлмаган тақдирда мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсидан ўтиши мажбурий эмас.

Ички ишлар органларининг сафдорлар таркиби лавозимларида хизмат ўтаётган ходимларни (фукаровий олий маълумотга эга бўлганда) офицерлик лавозимларига тайинлаш учун Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди) муддати бир ойгача бўлган кундузги қайта тайёрлаш курсларда ўқитилади. Бунда ходимларнинг офицерлик лавозимларига тайинлаш учун мутахассислиги ёки амалий иш тажрибаси инобатга олинади.

Ички ишлар органларининг сержантлар таркиби лавозимларида хизмат ўтаётган ходимларни (фукаровий олий маълумотга эга бўлганда) офицерлик лавозимларига тайинлаш учун Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди) ҳамда Махсус тайёргарлик ўқув марказида муддати бир ойгача бўлган кундузги қайта тайёрлаш курсларда ўқитилади.

Ички ишлар органларининг офицерлар таркиби лавозимларида хизмат қилаётган ходимларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖХУда ўқитилиши белгиланган бошқа мутахассислик лавозимларига тайинлаш учун муддати уч ҳафтагача бўлган **кундузги қайта тайёрлаш курсларда** Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди) ва унинг филиалларида сайёр курсларда хизматдан ажралган ҳолда ўқитилади.

Айрим офицерлик лавозимларига тайинлаш учун ихтисослашган қайта тайёргарлик талаб қилинганда, ходимларни турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлашни тапткил этиш мумкин.

Қайта тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курс якунида якуний аттестациядан ўтиши керак, бунда аттестация жараёнида тингловчи томонидан битирув иши ҳимоя қилиниши ёки якуний имтиҳондан ўтказилиши мумкин.

Якуний аттестациядан муваффақиятли ўта олмаган тингловчи ўз хизмат жойида мустақил равишда ўқув дастурини қайта ўзлаштирганидан кейин **уч ой ичида** якуний аттестацияни қайта топширишига руҳсат этилади. Қайта топширишга руҳсат этилади. Қайта топширишдан ўта олмаган ходимлар бир йилдан кейин навбатдаги ташкил этиладиган курсларга юборилиши мумкин. (**Асос:** ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

Қайта тайёргарлик курсларини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисидаги сертификат ходимларни қайта тайёрлашга юборилган офицерлик лавозимларига тайинлаш, шунингдек, офицерлик махсус унвонига эга бўлмаганларга биринчи “лейтенант” махсус унвонини бериш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қайта тайёрлаш бўйича бериладиган сертификат фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради ва ходимларни бошқа мутахассислик талаб этиладиган лавозимларга тайинлаш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг илмий-педагог ходимларини педагогик қайта тайёрлаш конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички ишлар тизимидаги тергов бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

(**Асос:** ИИВнинг 2023 йил 9 сентябрдаги 533-сон буйруғи асосида ўзгартилди).

**Малака ошириш-** ходимларнинг ички ишлар органлари хизмат фаолиятига оид касбий билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз равишда ошириб бориш, шунингдек, ходимларга махсус унвонлар берилишининг ҳамда раҳбарлик лавозимларига тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида ўқув тайёргарлигини амалга оширишдан иборат.

**Малака ошириш жараёнлари узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- белгиланган раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ўқитиш;
- навбатдаги махсус унвонлар бериш учун ўқитиш;

-касбий билим, малака ва кўникмаларини ошириш учун узлуксиз ўқитиш.

Ички ишлар органларининг офицерлар таркиби лавозимларида хизмат қилаётган ходимларни барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар, тармоқ) ички ишлар органлари бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинланишидан олдин малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

Бунда ходимлар **уч ҳафтагача бўлган** кундузги малака ошириш курсларида Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди) ва сайёр курсларда унинг филиалларида хизматдан ажралган ҳолда ўқитилади.

Мазкур малака ошириш курслари Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ходимларнинг сони, малака ошириш курсларидан ўтиш вақти, шакли ва йўналиши кўрсатилган режа-тақсимоётларга мувофиқ белгиланади.

Малака ошириш натижасида бериладиган сертификат фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради, сертификат олмаган ходимлар малака ошириш учун камида бир йилдан кейин қайта ўқишга юборилиши мумкин.

**Ходимларга навбатдаги махсус унвонлар бериш учун махсус малака ошириш курслари (кейинги ўринларда - махсус малака ошириш курслари)да ўқитишни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилади:**

-“катта сержант” махсус унвонини бериш учун уч ҳафтагача бўлган муддатда, кундузги курсларда Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази базасида хизматдан ажралган ҳолда ҳамда сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида хизматдан ажралмаган ҳолда.

-“капитан” махсус унвонини бериш учун ўн кунгача бўлган муддатда хизматдан ажралмаган ҳолда, масофавий курсларда Малака ошириш институтининг масофавий таълим электрон платформасида ҳамда сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида.

-“майор” махсус унвонини бериш учун уч ҳафтагача ва “подполковник” махсус унвонини бериш учун бир ойгача бўлган муддатда, кундузги курсларда Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази базасида хизматдан ажралган ҳолда ҳамда сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида хизматдан ажралмаган ҳолда.

Узрли сабабларга кўра (оилада ёлғиз боқувчи, фарзандини яқка тарбиялаётган, қармоғида ногирон фарзанди ёки ота-онаси мавжуд, оғир жаррохлик амалиётидан кейин қайта тикланиш даври тугамаган ва бошқа) кундузги ўқув йиғинларида қатнашиш имкони бўлмаган ходимларга Малака ошириш институтининг филиалларида яқка тартибда ўқитилишига рухсат берилиши мумкин.

Ходимнинг ўқишга келишига тўсқинлик қиладиган сабаб ва шароитлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, ИИОларининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари хулосаси асосида ушбу масала ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти томонидан кўриб чиқилади.

Ходимларга навбатдаги махсус унвонлар бериш муддати келишидан камида бир ой олдин ички ишлар органлари раҳбарлари уларни махсус малака ошириш курсларига юборилишини таъминлаши шарт.

Навбатдаги махсус унвонлар махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли ўтаган ходимларга берилади. Рағбатлантириш чораси тариқасида муддатидан олдин махсус унвонлар берилиши бундан мустасно.

Махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган ходимлар ўқув аттестациясидан ўтган деб ҳисобланади ҳамда навбатдаги махсус унвон олиш учун тўғридан-тўғри тавсия этилади.

Махсус малака ошириш курсларига ҳаракатдаги интизомий жазоси мавжуд ёки ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар, тиббий кўрик натижасига кўра антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасига эга) яхшилаш учун тавсия этилганлар, хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича синовлардан коникарсиз баҳоланганлар камчиликларни бартараф этгунга қадар юборилмайди. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус малака ошириш курсларидан ўз хоҳишига кўра, ўқув ва хизмат интизомини

ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганда ва ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 10 фоиздан ортиқ қисмини қолдирганлиги сабабли ўқишдан четлаштирилган ходимлар **уч ойдан кейин** ҳамда ўқув машғулотларини узрли сабабларга кўра

25 фоиздан ортиқ қолдирган ва соғлиғи туфайли ўқишни тугатиш имконияти йўқлиги учун (ҳарбий-тиббий комиссия маълумотномаси асосида) ўқишдан четлаштирилган ходимлар соғлиғи ҳолати тиклангандан кейин навбатдаги ташкил этиладиган курсларга юборилиши мумкин. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус малака ошириш курсларида ўқишдан четлаштирилган ёки ўқув дастурларини ўзлаштира олмаган ходимлар ўз хизмат жойида мустақил равишда ўқув дастурини ўзлаштириб уч ойдан кейин Малака ошириш институти базасида якуний аттестацияни қайта топширишга рухсат этилади. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус малака ошириш курсларида берилган сертификатлар белгиланган махсус унвонни олиш учун икки йил муддатга амал қилади.

**Ходимларнинг ички ишлар органлари хизмат фаолиятига оид касбий билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз равишда ошириб бориш учун малака ошириш жараёни кредит-модуль тизими асосида қуйидагича ташкил этилади:**

- мақсадли йўналтирилган курсларда ўқитиш;
- республика ва хорижда малака ошириш курсларда ўқиш;
- стажировка (тажриба орттириш) ўташ;
- мустақил таълим орқали малака ошириш.

Кредит-модуль тизими малака оширишнинг 144 соатига мўлжалланган бўлиб, унда ўтказилган ҳар бир малака ошириш курси модуль деб ҳисобланади ва унинг ўқув юкламаси миқдори инобатга олинади.

Мақсадли йўналтирилган курсларда ўқитиш Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари ва бошқа таълим ташкилотлари томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Президент Администрацияси, Президент ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа юқори турувчи ташкилотларнинг тегишли режа ҳамда топшириқлари асосида белгиланган йўналиш, шакл ва муддатларда малака ошириш;

Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва фармойишлари асосида ички ишлар органлари ходимларини фаолиятнинг муайян йўналишига оид касбий билимларини ошириш учун қисқа муддатли ва навбатдан ташқари кўшимча кундузги, масофавий ҳамда мобиль сайёр малака ошириш курслари ўтказиб борилади.

Мақсадли йўналтирилган курсларни муваффақиятли тамомлаганларга сертификат (маълумотнома) берилади.

Ходимлар фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳамда малака ошириш (мавзулар)нинг мазмуни ва унга қўйилган талабларни инобатга олган ҳолда республика ва хорижий давлатларнинг бошқа таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш учун юборилиши мумкин.

Ушбу турдаги малака ошириш якунида ходимга қабул қилувчи ташкилот (муассаса) томонидан малака оширганлик тўғрисида берилган ҳужжат (сертификат, диплом, маълумотнома ва бошқа) нусхаси электрон портфолио тизимига киритиш учун Малака ошириш институтига тақдим этилади.

Курслар, қоида тариқасида, давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ташкил этилади. Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг рухсати билан бошқа таълим муассасаларида ҳам ташкил этилиши мумкин. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Стажировка (тажриба орттириш) ходимларнинг иш фаолияти бўйича ўзига хос ва илғор тажрибаларни ўрганиш, амалий кўникма ва маҳоратларини ошириш, замонавий билимлар, техника ва технологиялар билан таништиришга қаратилган малака ошириш шакли бўлиб, қуйидаги тартибда:

республика давлат бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда белгиланган келишувлар асосида;

хорижда чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар (таълим муассасалари)нинг илгор иш тажрибалари билан танишиш мақсадида халқаро грантлар ва шартнома (меморандум)лар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Стажировка якунида қабул қилувчи ташкилот (муассаса) томонидан ходимга стажировкани ўтаганлик тўғрисида берилган ҳужжат (сертификат, диплом, маълумотнома ва бошқа) малака оширганликка тенглаштирилади.

Ходим томонидан стажировкани ўтаганлик тўғрисида берилган ҳужжат нусхаси электрон портфолио тизимига киритиш учун Малака ошириш институтига тақдим этилади.

Кредит-модуль тизими бўйича мустақил малака ошириш - Малака ошириш институти томонидан масофавий таълим порталида жойлаштириб бориладиган стандарт ўқув модулларини барча тоифадаги ходимлар томонидан хизматдан ажралмаган ҳолда, мустақил равишда ўзлаштириб боришни назарда тутди.

Бунда ходимнинг модулни ўқишининг сифати, ўзлаштириш учун белгиланган муддатга риоя этиши, видеоконференцалоқа орқали яқка тартибда билимини текшириш Малака ошириш институти томонидан белгиланадиган модуль раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ходимга муваффақиятли ўзлаштирилган ҳар бир модуль учун малака оширганлик соатлари ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими бўйича малака ошириш учун жалб қилинган ходим маълумотлари электрон портфолио тизимига киритилади ва кўрсаткичлар электрон мониторинг тизими орқали қайд этиб борилади.

Ходим календарь йили давомида белгиланган 144 соатлик малака ошириш юкласини бажарганда унга Малака ошириш институти томонидан мазкур низомда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

**Кредит-модуль тизими малака ошириш юкласини бажариб, тегишли сертификат олган ходимга қуйидаги рағбатлантиришлар берилади:**

-ўқ отиш ва жисмоний тайёргарлик синовларидан муваффақиятли ўтганда тегишли малака тоифаларининг тест синовларидан озод қилинади;

-эгаллаган лавозимидан бир поғона юқори лавозимга тайинлаш учун тавсия этиш (мазкур Низомнинг 39-банди бундан мустасно);

Малака ошириш курсларининг дастурлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади, шунингдек, курслар қўшма дастурлар ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган бошқа дастурларга асосан ўтказилади.

Ходимнинг хизмат фаолиятида икки йил ва ундан ортиқ танаффуслар бўлган тақдирда (бола парваришлаш таътиллари, хизматга қайта тикланиш ва ҳоказолар) малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтиши лозим.

Ходимлар ўқув тайёргарлик шаклидан катъий назар **ҳар уч йилда** малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Малака ошириш курсларини ўтказишга Ички ишлар вазирлигининг тажрибали амалиётчи ходимлари ҳамда ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари жалб этилиши мумкин. Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг илмий-педагог ходимларини қасбий ва педагогик малакасини ошириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шаклларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

**Махсус тайёргарлик ўқув марказида узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимини ташкил этиш** Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси, унинг Махсус тайёргарлик ўқув маркази, Портлаш хавфи бўлган предметларни зарарсизлантириш бўйича махсус отрядлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар батальонлари ва отрядлари ходимлари билан бошланғич қасбий тайёргарлик ҳамда навбатдаги “катта сержант”, “капитан”, “майор” ва “подполковник” унвонларини бериш бўйича махсус малака ошириш ўқув курслари ҳамда белгиланган лавозимларга тайинлашдан олдин қайта тайёрлаш курслари шаклида ташкил этилади. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус малака ошириш курсларида берилган сертификатлар белгиланган махсус унвонни олиш учун икки йил муддатга амал килади. Ўқув курслари кундузги, масофадан ўқитиш оркали ҳамда сайёр курслар шаклида хизматдан ажралган ва ажралмаган шаклда ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилиб, ўқув курсларининг дастурлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади. (ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус малака ошириш ўқув курсларида ва малака тоифалари синовларида кетма-кет икки маротаба “қоникарсиз” баҳоланган Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг таркибий ва ҳудудий тузилмалари ходимлари ички ишлар органларининг бошқа хизматларига ўтказилади. Ходимлар ва ҳарбий хизматчилар тасдиқланган мутахассисликлар рўйхати бўйича махсус операцияларни ўтказиш, сапёрлик иши (портлаш техникаси), кинология ва алоҳида махсус йўналишлар бўйича ўқув курсларида ўқитилади.

Махсус малака ошириш курсларидан ўз хоҳишига кўра, ўқув ва хизмат интизомини, таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганда ҳамда ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 10 фоиздан ортиқ қисмини қолдирганлиги сабабли ўқишдан четлаштирилган ходимлар **уч ойдан кейин**, ўқув машғулотларини узрли сабабларга кўра 25 фоиздан ортиқ қолдирган ва соғлиғи туфайли ўқишни тугатиш имконияти йўқлиги учун (ҳарбий-тиббий комиссия маълумотномаси асосида) ўқишдан четлаштирилган ходимлар соғлиғи ҳолати тиклангандан кейин навбатдаги ташкил этиладиган курсларга юборилиши мумкин.

Ўқув дастурларини ўзлаштира олмаган ходимлар ўз хизмат жойида мустақил равишда ўқув дастурини қайта ўзлаштириб, **уч ойдан кейин** Махсус тайёргарлик ўқув марказида якуний аттестацияни қайта топширишига рухсат этилади.

(ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

Махсус тайёргарлик ўқув марказида Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларининг махсус бўлинмалари ходимларига навбатдаги “ИИИ даражали сержант”, “ИИ даражали сержант”, “И даражали сержант” ва “катта сержант” ҳарбий унвонларни бериш учун махсус малака ошириш ўқув курслари ташкил этилиши мумкин.

Олий таълим-Ички ишлар органлари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ИИВ Академиясида ҳамда бошқа таълим муассасаларида, шунингдек, халқаро шартномалар асосида хорижий давлатлар таълим муассасаларида амалга оширилади.

**ИИОда хизмат қилаётган ходимлар ўрнатилган тартибда қуйидаги олий таълимни олишлари мумкин:**

-ИИВ Академиясининг бакалавр йўналишлари бўйича кундузги ва сиртки таълим шаклида;

-ИИВ Академиясининг магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида;

-қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқаровий олий таълим муассасаларига, шунингдек, республика давлат бошқаруви органларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим муассасаларида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича;

-Ички ишлар вазирлигининг халқаро шартномалари асосида юборилган хорижий давлатлар таълим муассасаларида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича.

Ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш ҳуқуқига эга. Уларнинг хизматдан ажралмаган ҳолда касбий ўсишини таъминлаш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларида махсус ўқув гуруҳлари ташкил қилиш оркали бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича (ИИВ таълим муассасаларида тайёрланадиган йўналишлар бундан мустасно) масофавий таълим жорий этилиши мумкин. Олий таълим муассасаларига бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилиш ва уларда таълим олиш тартиб-қоидалари, таълим олувчиларнинг ўрнатилган тартибда стипендия (пул таъминоти) олиши ва моддий таъминоти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**Бошқарув кадрларини тайёрлаш** -ИИВ Академиясининг магистратура дастури бўйича иккинчи даражадаги “ташкилий-тактик бошқарув” ва биринчи даражадаги “ташкилий-стратегик бошқарув” йўналишларида ташкил этилади.

ИИВ Академияси магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиш муддати бир йилни ташкил этиб, таълим олувчиларга охири эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти сакланади ва битирувчиларга олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом берилиб, Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, соҳавий хизматлар раҳбарларига бир ойда камида бир маротаба ИИВ Академияси магистратурасида аудитория ўқув машғулотларини бевосита ўтказиш вазифаси юкланади.

Биринчи даражали магистратуранинг таълим олувчилари Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиқлари, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг бевосита мураббийлигида мажбурий тартибда амалиёт (стажировка) ўтайди, шунингдек, хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларининг бошқарув малакасини оширишга қаратилган курсларида таҳсил олади.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг муқаддам фаолият кўрсатган магистратураси, олий академик курслари ва раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслари)ни тамомлаганлик хизматни ўташ масалаларида мазкур қарор билан жорий этилаётган иккинчи даражадаги магистратурага тенглаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ИИВ Академиясининг иккинчи даражадаги магистратураси дипломларига тенглаштирилади. Ўқишни тугатганлиги тўғрисидаги диплом раҳбарлик лавозимларига тайинлаш, шунингдек, тегишли махсус унвонларни бериш учун асос бўлиб ҳисобланади. ИИВ Академияси магистратурасини тугатганлар Ички ишлар вазирлигининг раҳбар кадрлар захирасига киритилади. (Асос: ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

**Олий таълимдан кейинги таълимда** ўқиш Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари учун илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, ички ишлар органлари фаолиятини ривожлантириш ва мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини ишлаб чиқиш ҳамда етук мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадларида ташкил этилади. Мазкур кейинги таълим тегишли докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

**Ички ишлар органлари ходимлари учун олий таълимдан кейинги таълим куйидагича ташкил этилади:**

ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим институтида (таянч докторантура, докторантура) ўрнатилган тартибда таълим олиш;

республика таълим муассасалари ва илмий муассасаларида ўрнатилган тартибда мустақил изланувчилик (хизматдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш) асосида илмий изланишлар олиб бориш;

Ички ишлар вазирлиги томонидан келишувлар (меморандум, шартнома) асосида хорижий давлатларда илмий изланишлар олиб бориш ва тегишли дастурлар асосида (адъюнктура ва бошқалар) ўқиш.

ИИВ Академиясининг ихтисослаштирилган кафедраларида бир йилдан ортиқ педагогик фаолият билан шуғулланган, “майор” махсус унвонига эга ходимлар “подполковник” махсус унвонига тавсия этилиши мумкин.

Фалсафа доктори (ПхД), фан номзоди, фан доктори (ДСс) илмий даражаларини олган ходимлар белгиланган раҳбарлик (ўқув-услубий бошқармаси, кафедра, факультет бошлиқлари, профессор, доцент) лавозимларига тайинланиш, шунингдек тегишли махсус унвонларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ички ишлар органларининг фалсафа доктори (ПхД), фан номзоди ва фан доктори (ДСс) илмий даражаларига эга ходимларига белгиланган тартибда “уста” малака тоифаси берилади, шунингдек, соҳавий ихтисослиги йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борган, илмий даража ёки илмий унвонга эга ходимлар касбий билим, малака ва кўникмаларини ошириш учун узлуксиз ўқитиш курсларида малака оширишдан озод этилади.

**Хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик-** ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини, шу жумладан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуроқ қўллаш билан боғлиқ шароитларда бажариш



учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик хизмат тайёргарлиги, жанговар тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, ахлоқий-психологик тайёргарлик йўналишларда ўтказилади.

Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик назарий ва амалий машғулоти (шу жумладан, ўқув полигон машқлар, комплекс тактик машқлар ва бошқа), мустақил тайёргарлик ва синовлардан (тест, амалий ўқ отиш ва жисмоний тайёргарлик нормативларини топшириш) иборат бўлади.

Малака тоифаларини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ички ишлар органларида ходимлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ички ишлар органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда режалаштириш ва ўқитишни ташкил этиш тадбирлари ягона маълумотлар базаси - “**Е-оёқув-кариера**” электрон платформаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курсларида **масофавий ўқитишнинг шакли** махсус виртуал курслар фаолият кўрсатадиган, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун зарур база билан жиҳозланган ҳамда тегишли моддий-техника, ўқув-методик базага ва ходимлар салоҳиятига эга бўлган таълим муассасалари томонидан ташкил этилади.

Масофавий ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маълумотлар таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Масофавий курслар бошланишидан уч кун олдин тингловчиларга таълим муассасаси томонидан электрон портфолио логини ва пароли берилади. Тингловчилар ўзига берилган логин ва парол ёрдамида таълим муассасаси расмий веб-сайтининг “**Масофавий курслар**” бўлимига кирилади ва тизимда ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади.

Масофавий ўқитиш дастурларига махфий ва грифли маълумотлар жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш қатъиян тақиқланади.

Курсант ва тингловчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини баҳолаш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

**Ходим қуйидаги ҳолларда курслардан ўқишдан четлаштирилади:**

- а) ўз хоҳишига биноан – ходимнинг билдиргиси асосида;
- б) ўқув ва хизмат интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганда;
- в) ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 10 фоиздан ортиқ қисмини ва соғлигининг ҳолатига кўра 25 фоиздан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- г) ўқув дастурларини ўзлаштирмаганлиги учун;
- д) соғлиғи туфайли ўқишни тугатиш имконияти йўқлиги учун (ҳарбий-тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- е) суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этилганда;
- ё) вафот этганда.

Шунингдек, тингловчилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ ҳамда бошқа асосларга кўра ҳам ўқишдан четлаштирилиши мумкин. (Асос: ИИВнинг 29 сентябрдаги 533-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилди).

**3-савол: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўз кучини йўқотган деб топилаётган буйруқлари рўйхати.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги 310-сон буйруқнинг 2-иловасига кўра ўз кучини йўқотган деб топилган буйруқлари рўйхати тузилди. Бунга кўра:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич, махсус касбий ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 23 сентябрдаги 206-сон буйруғи.

2.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг махсус тайёргарлигига қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 7 июндаги 95-сон буйруғи.

3.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларини бошлангич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 18 сентябрдаги 202-сон буйруғи.

4.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларини бошлангич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 31 октябрдаги 238-сон буйруғи.

5.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 25 сентябрдаги 261-сон буйруғи.

#### **Мустақил таълим учун топширик:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли қарори билан қандай тартиблар белгиланди?

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 27 августдаги 310-сон буйруғи билан Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомида нималар энг муҳим вазифаси этиб белгиланди?


3. Узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш қандай тартиблардан иборат?

4.Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 27 августдаги 310-сон буйруғи буйруқнинг 41-бандида нималар назарда тутилган?

## 2.2. Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ЎҚУВ-КАРЬЕРА ЖАРАЁНИ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2- соат)

Ушбу ўқув машғулоти “*Кластер*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



#### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони ўзлаштириш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорини ўзлаштириш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони ўзлаштириш.

## 2.3. МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭНГ ҚУЙИ БЎЎИНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАННИНГ ИАҚСАДИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Режа:

**1-ўқув савол.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари.

**2-ўқув савол.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий вазибалари ва функциялари.

**3-ўқув савол.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида хизматга жалб этилган ходимларининг хизмат вазибалари.

**1-ўқув савол:** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тасдиқланиб, унда Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майда “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 166-сон буйруғи тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майдаги 166-сон буйруғининг 1-иловаларида **Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги Низом тасдиқланди.**

**Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани** - маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашни ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Маскан ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

Масканлар Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда ташкил этилади.

#### **Масканлар ўз фаолиятини:**

профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси (ҳар кунлик асосида);

ҳудудда хизмат қилиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробақия бўлинмаси инспектори, тезкор вақил, патруль-пост хизмати ходимлари;

ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат



органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари таркибида амалга ошириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг **2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 343-сон қарори** қабул қилинди.

**Мазкур қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:**

- \* Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси 1-иловага мувофиқ;
- \* Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг намунавий лойиҳаси 2-иловага мувофиқ.

### **МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ТУЗИЛМАСИ:**

**Масканда қуйидаги хизмат ва ёрдамчи хоналар бўлиши талаб этилади:**

а) масканга киришда унинг **фойе** (камида тўрт кишига мўлжалланган, диван ёки стуллар билан жиҳозланган кутиш жойи) қисми;

б) **онлайн суд мажлислари ўтказиладиган хона** (камида саккиз киши учун стул, видеоконференцалоқа сеансини ўтказиш учун мўлжалланган қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим);

в) **профилактика (катта) инспектори хизмат хонаси** (тезкор йиғилиш ўтказиш учун камида олти кишилик стол ва стуллар билан жиҳозланган, шунингдек, профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ҳамда диван, ҳужжатлар ва кийим шкафлари ҳамда сейф билан жиҳозланган бўлиши лозим);

г) **хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог хизмат хонаси** (профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ва диван, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

д) **ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари томонидан олиб келинган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни амалга ошириш учун мўлжалланган тезкор вакил ва суриштирувчи хонаси** (терговга қадар текширувларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

е) **пробация инспектори ҳамда профилактика (катта) инспекторининг ёрдамчиси хизмат хонаси** (белгиланган тадбирларни ўтказиш мақсадида чақиртирилган шахсларга мўлжалланган тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

ж) **дам олиш хонаси** (камида тўрт кишига мўлжалланган диван ва овқатланиш учун стол ҳамда стуллардан иборат бўлган, телевизор, совиткич, микротўлқинли печь билан таъминланган бўлиши лозим) ҳамда **ҳожатхона**.

**2-савол:** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий вазифалари ва функциялари:

**Маскан фаолиятини ташкил этиш.**

Профилактика катта инспектори Масканнинг бевосита раҳбари ҳисобланади ва унинг зиммасига маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кунлик ишни самарали ташкил этиш масъулияти юкланади.

### **МАСКАН РАҲБАРИ:**

Маскан фаолиятига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Масканда фаолият кўрсатадиган ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳудудда патруль йўналишларини белгилайди ва патруллик хизматини ташкил этади;

ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллариининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Масканнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисига ички ишлар органларида хизматга белгиланган тартибда қабул қилиш учун тавсиявий тақдимнома киритади;

Масканда самарали фаолият кўрсатадиган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида ҳудудий ички ишлар органи раҳбарига тўғридан-тўғри таклиф киритади;

Маскан ваколатига кирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

### **Масканнинг моддий-техник таъминоти**

Маскан учун ер майдони, биноларни ажратиш, қуриш, таъмирлаш, капитал таъмирлаш ва мебель билан жиҳозлаш туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Масканни зарурий техник воситалар, кўرғазмалар қўлланмалар, хизмат ҳужжатлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**3-савол:** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида хизматга жалб этилган ходимларининг хизмат вазифалари.

**Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспектори қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

✓ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

✓ жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш;

✓ жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

✓ “жиноят ўчоқлари” ҳисобланган жойларда пиёда, мото- ва автопатруль йўналишларини ташкил этиш;

✓ “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи аъзоларидан иборат патруль йўналишларини ташкил этиш;

✓ жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини, суднинг хусусий ажримини фуқаролар иштирокида таъсирчан муҳокама қилиш, мазкур сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;

✓ жиноятларнинг усуллари ва оқибатлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини амалга ошириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

✓ наркологик касалликларга (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандликка) чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ишларини назорат қилиш;

✓ аҳолининг энг муҳим муаммоларини аниқлаш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалалари бўйича фуқаролар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот қилиш юзасидан зарур чораларни кўриш;

✓ фуқаролар томонидан билдирилган муаммоларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ва уларни маҳаллада яшовчи ҳар бир шахс кесимида ҳал этиш чораларини кўриш;

✓ алоҳида кўмакка муҳтож (ногирон, оғир касал, кекса ва нуроний) фуқароларнинг яшаш манзилига борган ҳолда мобил қурилмалар орқали идентификация ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича ҳудудий миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш;

✓ ҳудуднинг кириш-чиқиш жойларига, шунингдек, кўп қаватли уйларда замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилишини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

✓ ҳудудидаги объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларини Масканга интеграция қилиниши юзасидан зарур ташкилий чораларни кўриш;

✓ Маскан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Профилактика катта инспектори, қайд этилган вазифаларни бажариш билан бир вақтда, Масканда хизмат олиб борувчи барча ходимлар иш тақсимотини белгилайди ва умумий раҳбарликни амалга оширади.

Масканда сутка давомида кунлик ташкил қилинган ишлар бўйича ҳисобот шаклини юритади ва шаҳар (туман) ички ишлар орган раҳбарига ахборот беради ва ҳисобот шаклини туман (шаҳар) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига тақдим этади.

**Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор куйидаги вазифаларни амалга оширади:**

илгари судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат ўрнатилган, шунингдек пробация ҳисобидаги хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни амалга оширади;

\* оила-турмуш ва ахлоқ-одоб доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи ҳамда бошқа ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган хотин-қизлар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар, носоғлом турмуш тарзида ҳаёт кечираётган оилаларни аниқлаш, ижтимоий мослашувини таъминлашда иштирок этади;

\* ўз жонига қасд қилишга мойил, ўз жонига қасд қилган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш, содир этилган ўз жонига қасд ва суиқасд бўйича хабарномаларни ҳудудий тиббиёт бирлашмаларига юборади;

\* оилаларни ўрганишда аниқланган хотин-қизларга оид муаммоларни бартараф этиш ҳамда нотинч оилаларни яраштиришда секторлар, маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади;

\* доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган хотин-қизларни яшаш манзилларига қайтаришда иштирок этади;

“Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари” билан ҳамкорликда оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолари ва турмушида зўрлик



ишлатилишига дуч келган шахсларга шошилиш тиббий, рухий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатишда иштирок этади;

ички ишлар органлари профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг маҳаллабай рўйхатларини юритиш ва улар билан манзилли ишларни ташкил этади; уйма-уй юриш орқали маҳаллада кам таъминланган, яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламларини аниқлаш ҳамда **“Аёллар дафтари”**га киритишда кўмаклашади;

**“Аёллар дафтари”**га киритилган эҳтиёжманд аёллар билан профилактик тадбирларни амалга оширади;

тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш, улар бўйича ҳисоботларни юритиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаб бориш ҳамда бу борада соҳавий хизматлар ва идоралараро ахборот алмашиш борасидаги тадбирларни амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга **ҳимоя ордерини беришда** ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларга оилавий зўравонликлар бўйича келиб тушган хабаларни ўрганиб чиқиб, ҳимоя ордерини расмийлаштириш бўйича профилактика инспекторини хабардор қилади;

одам савдоси қурбонига айланган хотин-қизлар ва вояга етмаганларга уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишлари учун кўмаклашади;

хотин-қизларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан сақлашда маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда таълим муассасаларида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боради;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.



### **Ички ишлар органлари пробация хизмати (катта) инспектори қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

✚ пробация ҳисобидаги шахслар тўғрисида қишлоқ, овул ва маҳалла кесимидаги рўйхатларини шакллантириб, улар устидан назоратни маҳаллабай амалга оширади;

✚ ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этади;

✚ шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда таъсирчан назоратни амалга оширади;

✚ бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;

✚ озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг турар жойлари бўйича суд томонидан белгиланган тақиқлар ва юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда уларнинг хулқ-атвори устидан назоратни профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар, патруль-пост, йўл-патруль, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширади;

✚ маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;

✚ назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий кўмаклашади;



✚ назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрганиб боради;

Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.

**Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимлари қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:**

\* белгиланган патруллик йўналишда ва унга чегарадош ҳудудларда жамоат тартибини сақлайди, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, уларнинг мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғини жиноий ҳамда бошқа тажовузлардан ҳимоя қилади, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўради;

\* патруллик йўналишида безорилик, майда безорилик, дайдилик ва тиламчилик, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва бошқа шу каби жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар аниқланганда қонуний чора кўриш учун ушбу фуқароларни масканга олиб келади;

\* жамоат тартиби ва хавфсизликка зарар етказмайдиган майда тартиббузарлик ҳолатлари учун ушланган фуқароларга нисбатан воқеа жойида профилактик суҳбат ўтказиш орқали таъсир чораларини ўтказиши;

\* патруллик йўналишидаги жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда канализация, газ қувурлари, кўча чироқларининг носоз ҳолатдалиги ва фуқаролар ҳаётига хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар аниқланганда авария хизматини чақириши, навбатчига хабар бериши ва техник ёрдам келгунга қадар авария жойига бегона шахсларни қўймаслик чораларини кўради;

\* жиноят содир этилаётган ёки содир этилган жойга тезкорлик билан етиб келиш, жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўради;

\* ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган шахсларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўради;

\* патруллик йўналишида яшовчи илгари судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат ўрнатилган, шунингдек пробация ҳисобидаги шахслар билан профилактик тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади.

**Ички ишлар органлари давлат йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

бириктирилган ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситалари тирбандлигининг, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш чораларини кўради, қоидабузарлик содир этган шахсларга ваколати доирасида маъмурий ҳужжатлар расмийлаштиради;

йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатади;

йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш, оммавий тадбирлар ва фавқулодда вазиятларда зарур бўлган йўл участкаларини ёпиш (тўсиш), транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатини чеклаш ёки тўхтатиш бўйича шошилиш чораларни кўради;

қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги кўча ва йўлларда таъмирлаш-қуриш ҳамда бошқа ишлар олиб борилишида йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари бажарилишини назоратини амалга оширади;

маҳалладаги кўча ва йўлларда узоқ муддат қаровсиз қолдирилган автомобилларнинг эгаларини аниқлаш ва огоҳлантириш ишларини амалга оширади;

қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ҳамда таълим муассасалари аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда ташкил қилади;

аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича очик мулоқотлар олиб боради.

**Ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлинмалари тезкор ходими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

содир этилган жиноятларни фош этиш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда профилактика инспектори, терговчи ва суриштирувчилар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатади;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмол қилиниши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

жиноятларни аниқлаш, шу жумладан порнографик мазмундаги маҳсулотлар, фоҳишабозлик ҳамда фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилади;

профилактика инспекторларига ҳудудда яшовчи ўта хавфли рецидивист, маъмурий назорат ўрнатилган, пробация ҳисобидаги шахслар билан профилактик тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

ҳудудда яшовчи ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, тергов ва суддан яшириниб юрган шахслар тўғрисида профилактика инспектори билан мунтазам равишда ахборот алмашиб туради;

бириктирилган ҳудудда яшовчи ва бошқа ҳудуддан келиб яшаётган тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни ушлаш, шунингдек бедарак йўқолганларни аниқлаш чораларини кўради.

Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.

**Ички ишлар органлари терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари тезкор ходими қўйидаги вазифаларни амалга оширади:**

тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексининг 229<sup>2</sup>, 244<sup>1</sup>, 244<sup>2</sup>, 244<sup>3</sup>-моддаларида** ҳамда **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 240, 241-моддаларида** назарда тутилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турувчи шахсларнинг яшаш муҳити, ижтимоий аҳволи билан танишиш ва профилактик суҳбатлар ўтказишда профилактика инспекторига кўмаклашади;

✚ ушбу тоифа шахсларга давлат органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқ—атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чораларни амалга оширади; терроризм ва экстремизм жиноятларини олдини олиш, уларни аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўради;

✚ тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик гуруҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлаш ва тегишли чораларини кўриш, улар таркибида жиноят содир этиб, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган шахсларни аниқлаш ва ушлаш чораларини кўради;

✚ профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда диний экстремизм, фундаментализм ва миссионерлик сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек уларни бартараф этишга ва аҳолини огоҳликка чақиришга йўналтирилган чораларни амалга оширади;

✚ доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритишда профилактика инспекторлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб боради ҳамда узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга оширади.

✚ Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.

**Ички ишлар органлари ҳузуридаги тергов бўлинмалари терговчи ва суриштирувчиси қўйидаги вазифаларни амалга оширади:**

\* иш юритувида материаллар бўйича терговга қадар текширув ўтказишда маҳаллада яшовчи ишга алоқадор шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

\* ўз юритувида қабул қилган ишлар бўйича масканга бириктирилган жиноят қидирув бўлинмалари тезкор ходимларига тезкор-қидирув тадбирларини бажариш ҳақида ёзма топшириқлар бериш;

\* жиноят содир этишда гумон қиланаётган шахсларни ушлаш ва сўрок қилиш, гувоҳларни сўрок қилиш;

\* терговга қадар текширув ва жиноят ишлари бўйича айрим тергов ҳаракатларини маскандаги хизмат хонасида ташкил этиш;

\* профилактика инспекторлари иш юритувидаги материаллар бўйича терговга қадар текширув ўтказилишида уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.



### **Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимлари томонидан бевосита жавобгарлик ҳудудида қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:**

➤ Бириктирилган ҳудудларидаги маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширишда профилактика инспекторлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

➤ маҳалладаги давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини шартнома асосида қўриқлаш ишларини амалга ошириш;

➤ юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашда ҳудуддаги хонадон, савдо шаҳобчалари ва бошқа объектларни қўриқлаш пултга улаш, видеокузатув воситаларини ўрнатиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган шу каби бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;

➤ жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, истироҳат боғлари ва ҳиёбонлар ҳамда бозорларда патрулликни амалга ошириш;

➤ жавобгарлик ҳудудларида ғайриҳуқуқий қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса излари сақланишини таъминлаш;

➤ ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этганликда гумонланаётган шахсларни белгиланган тартибда масканга олиб боради ва бу ҳақда зудлик билан Маскан профилактика катта инспекторига хабар бериш;

➤ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

➤ ўз ваколати доирасида бошқа чора-тадбирларни ташкил қилиш;

➤ Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этади.

### **Профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

▪ ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш;

▪ ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда иштирок этиш;



▪ профилактика инспекторларига махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширишда кўмаклашиш;

▪ илгари судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахслар, пробация назоратидаги шахслар, шу жумладан вояга етмаганлар ва ёшлар билан аниқ мақсадли профилактик тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

▪ фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

▪ вояга етмаганлар ҳамда ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга қаратилган тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

**“Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари** ҳамда “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятини кунлик назорат қилади ва мувофиқлаштириш;

Масканда хизмат олиб бориши давомида кунлик амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот шаклини тузади ва профилактика катта инспекторга жамлаш учун тақдим этиш;

Профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.



**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

❖ оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ҳамда бурчлари, ор-номус, кадр-қиммат, шарм-ҳаё каби ахлоқий меъёрларни етказиб бориш, оилаларнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммоларини тизимли ўрганиб боришга қаратилган тадбирларни **ташқил этиш**;

❖ Масканга оилавий келишмовчилик туфайли мурожаат қилиб келган фуқароларни қабул қилиш ва уларга профилактика (катта) инспектори иштирокида ҳуқуқий **маслаҳат бериш**;

❖ нотинч оилаларда содир бўлган ҳар қандай нохуш ҳолат бўйича ички ишлар органлари ходимлари иштирокида **ҳодиса жойига чиқиш**;

❖ масканга маҳалла фаолиятига доир таклиф ва мулоҳазалар билан келган фуқароларни қабул қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларига нисбатан **муносабат билдириш**;

❖ маҳаллаларда содир этилган жиноятчилик муҳокамасига фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалари, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар, “Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш”, “Хотин-қизлар билан ишлаш” комиссиялар, “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг вакилларини жалб қилган ҳолда **иштирокини таъминлаш**;

❖ маҳаллада ҳудудида яшовчи аҳоли орасида ёт ғояларга қарши кураш, ёшларни турли оқимларга кириб кетишини олдини олиш мақсадида Маскан ходимлари иштирокида дин уламоларини таклиф қилган ҳолда учрашувлар **ташқил қилиш**;

❖ Масканда фаолият олиб борадиган ички ишлар органи ва миллий гвардия ходимларига маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш борасида **кўмаклашиш**;

❖ маҳалла ҳудудида ташқил этиладиган оммавий тадбирлар, маърифий учрашувлар ва бошқа тадбирлар ҳақида Маскан ходимларини **камида 2 кун олдин огоҳлантириш**.

❖ Маҳалла раислари ўз хизмат вазифлари доирасида бошқа вазифларни ҳам бажаришлари мумкин.

❖ **“Фидокор ёшлар” жамоатчилик гуруҳи аъзолари куйидаги вазифаларни амалга оширади:**

❖ кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашаш;

❖ ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказиш мобайнида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;

❖ патрулик йўналишларида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки шубҳали шахсларни ҳамда назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ички ишлар органларига олиб боришга кўмаклашиш;

❖ ҳуқуқбузарлик ва бахтсиз ҳодисалардан жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган таҳдидларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш;

❖ “Фидокор ёшлар” жамоатчилик гуруҳлари аъзоларига жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.



### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**


1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 343-сон қарорини тўлиқ ўқиб чиқиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майдаги 166-сон буйруғининг 1-иловаларида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги Низомини тўлиқ ўқиб чиқиш.

## СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:



### Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:

**1-машғулоли саволи.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти бўйича қандай хужжат ижрога қаратилди?

**2-машғулоли саволи.** “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги қарор қайси фармон талаблари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди?

**3-машғулоли саволи.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси ҳақида нималарни биласиз?

**4-машғулоли саволи.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида фаолият юритадиган хизматлар.

**5-машғулоли саволи.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида фаолият юритадиган хизматларнинг вазифалари.

### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 343-сон қарорини тўлиқ ўқиб чиқиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майдаги 166-сон буйруғининг 1-иловаларида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги Низомини тўлиқ ўқиб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонини ўрганиб чиқиш ва ўзлаштириш.

## 3. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 3.1. Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ВА ВАЗИФАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ

**МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

**Режа:**

**1-ўқув саволи:** Ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва принциплари.

**2-ўқув саволи:** Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

**3-ўқув саволи:** Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби

**4-ўқув савол:** Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари. Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш.

**1-ўқув саволи:** Ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва принциплари.

Ўзбекистонда олий кадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида суд-ҳуқуқ, хусусан ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида **2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни** қабул қилинди.

Қонун 8 та боб 49 та моддадан иборат. Қонуннинг умумий қоидалар деб номланган **1-бобидан 12-бобига қадар** қонуннинг мақсади, ички ишлар органларининг асосий вазифалари, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик, фаолиятининг асосий йўналишлари, асосий принциплари, шунингдек ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги, ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланишни белгиловчи нормалар киритилган.

**Қонуннинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг (бундан буён матнда ички ишлар органлари деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

**Ички ишлар органларининг асосий вазифалари** фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш деб белгиланган.

Мазкур қонунга асосан **Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик** ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

**Қонунда ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:**

☑ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

☑ жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

☑ тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш;



☞ жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш;

☞ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш;

☞ эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш;

☞ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш;

☞ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

☞ паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш;

☞ фуқаровий ва хизмат қуролларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш;

☞ эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш;

☞ давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлаш;

☞ лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;

☞ ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;

☞ қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш.

### **Мазкур қонунда Ички ишлар органлари фаолиятининг қуйидаги асосий принциплари эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.**

1. Қонунийлик

2. Ягоналик

3. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш.

4. Очиқлик ва шаффофликдан иборат.

**Қонунийлик принципи-** Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга қўра юз берганидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғидаги ўзининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) оқлаш учун хизмат манфаатларини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни, юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф талаблари, буйруқлари ва фармойишларини ёки қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа бирор-бир ҳолатни рўқач қилиши мумкин эмас. Ички ишлар органларининг ходимларига кимнидир ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга бевосита ёки билвосита қизиқтириш, кўндириш, ундаш тақиқланади.

**Ягоналик принципи** Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раҳбарлик қиладиган ягона тизимни ташкил этади.

**Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи**



Ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади.

Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ички ишлар органларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи фаолияти, агар қонуний мақсадга эришилган бўлса ёки ушбу мақсадга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш орқали эришиб бўлмаслиги ёки эришилмаслиги кераклиги аниқланса, дарҳол тўхтатилади.

Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ички ишлар органлари фуқаронинг шаъни, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ички ишлар органлари ҳар бир фуқарога ўзларида мавжуд бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

### **Ички ишлар органи ходими фуқарога мурожаат этганида:**

ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши;

фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда, бундай чоралар қўлланилишининг сабабини ҳамда асосларини, шунингдек фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириши шарт.



Ички ишлар органи ходими ўзига фуқаро мурожаат этган тақдирда, ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, уни диққат билан эшитиши, ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар кўриши ёхуд қўйилган масалани ҳал этиш кимнинг ваколатига киришини тушунтириши шарт.

**Очиқлик ва шаффофлик принципи.** Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқига эга, фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборот бундан мустасно.

Ички ишлар органлари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонунда](#) белгиланган тартибда ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилишини таъминлайди.

### **2-ўқув савол: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.**

Қонунинг 3-боби ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларига бағишланган. Қонунда ички ишлар органларининг 52 та мажбуриятлари ва 44 та ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиб, улар ҳар бир соҳавий хизмат ва ҳудудий органлар томонидан қонун ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

### Ички ишлар органлари:

▪ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни кўриши;

▪ жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

▪ жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, муружаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

▪ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

▪ жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа хоналарига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида ички ишлар органлари ходимлари кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида **йигирма тўрт соат ичида** прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;

▪ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

▪ ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини кўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

▪ жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

▪ айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

▪ жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши кўзғатилгунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши;

▪ шахси таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаши;

▪ соғлиғининг ҳолатига, ёшига кўра ёки бошқа сабабларга кўра ўзи тўғрисида маълумотлар бера олмайдиган шахсларни идентификация қилиш чораларини кўриши;

▪ чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримларини, прокурорнинг, терговчининг суриштирувчининг ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорларини бажариши;

▪ маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни қамоқда сақлаши;

▪ ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаши ҳамда кўриклаши, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаши;

▪ жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда қамоқда сақлаш жойларида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг сақланиш шароитларини ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаши;



▪ рухий ҳолати бузилган шахсларни кейинчалик мажбурий йўсинда даволаш учун, ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни ва маҳкумларни, шунингдек маъмурий қамоққа олинган шахсларни кўриқлаб боришни ва бошқа ерга кўчиришни амалга ошириши;

▪ уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ижро этилишини назорат қилишни амалга ошириши;

▪ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазоларни, шунингдек жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини қонунга мувофиқ ижро этиши;

▪ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назоратни суднинг қарори асосида амалга ошириши;

▪ транспорт воситасини бошқаришга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини уларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий қамоққа олиш, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиши;



▪ сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларни мажбурий тарзда даволашни суднинг ҳукми, ажрими ва қарори асосида амалга ошириши;

▪ жазони ижро этиш муассасаларининг, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг, тергов ҳибсхоналарининг, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг, ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг ва ички ишлар органлари кинология бўлимларининг фаолиятини таъминлаши;

▪ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

▪ қонунда назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиши;

▪ профилактика тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш мақсадида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахсларнинг, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, қидирув эълон қилинганларнинг, бедарак йўқолганларнинг, фуқаровий ва хизмат қуролига эга бўлганларнинг ҳисобини юритиши, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириши ҳамда профилактика тадбирларини ўтказиши;

▪ ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаши ва улар билан якка тартибда профилактика ишларини олиб бориши;

▪ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши;

▪ ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолганларни ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган вояга етмаганлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд ҳудудий ички ишлар органининг хизмат биносига олиб бориши;

▪ ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини кўриши;

▪ таносил касалликларига, одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига), рухий ҳолати бузилиши хасталигига, сурункали ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка чалинган, шунингдек психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қиладиган, чақирув бўйича етиб келишдан бўйин товлаган шахсларни олиб келишда соғлиқни сақлаш муассасаларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда кўмаклашиши;

▪ авариялар, фалокатлар, ёнғинлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш, одамларни кутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳудуднинг зарур участкаларини ўраб олиш (тўсиш) юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши, шунингдек қаровсиз қолган мол-мулкни кўриқлашга доир вазифаларни бажариши;

▪ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳолларда унинг ҳуқуқий режимини таъминлашда иштирок этиши;

▪ транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритиши ва уларни рўйхатга олиши, йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириши;

▪ шахсни мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг транспорт воситасини бошқаришдан четлатилишини ҳамда мастлик ҳолатини аниқлаш учун уни белгиланган тартибда текширувдан ўтказилишини таъминлаши;

▪ техник ҳолати хавфсизлик бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаши, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бажарилмаётган бўлса, кўчалар ва йўлларда таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳамда бошқа ишлар ўтказилишини чеклаши ёки тақиқлаши;

▪ йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мос келмайдиган йўллардан ҳамда темир йўлдан ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлаши;

▪ Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини ҳамда ягона маълумотлар базасини юритиши;

▪ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга доир материалларни тайёрлашда иштирок этиши;

▪ хавф таҳдид солган тақдирда, судьяларнинг, прокурорларнинг, терговчиларнинг, суриштирувчиларнинг, жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ҳамда жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўриши;

▪ ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслардан олиб қўйилган, шунингдек топилган ва ички ишлар органларига топширилган ҳужжатлар, қимматбаҳо буюмлар, ашёлар ва бошқа мол-мулкнинг сақланишини таъминлаши, уларни қонуний эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига топшириш чораларини кўриши;

▪ ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, шунингдек ички ишлар органлари томонидан кўриқланиши керак бўлган ўзга объектларни кўриқлашни амалга ошириши;

▪ эгасиз мол-мулк ва ҳазиналар тегишинча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ёки юридик шахслар ихтиёрига топширилгунига қадар уларнинг сақланишини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши;

▪ ўта хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ҳамда кузатиб бориш тадбирларини амалга ошириши;

▪ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига идентификацияловчи ID-карталарни ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи ID-карталарни, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини, шунингдек чегара зонасига кириш учун рухсатномалар беришни ҳамда уларни алмаштиришни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни амалга ошириши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш масалаларини кўриб чиқиши;

▪ фуқаролар ва мансабдор шахслардан қалбакилик белгилари бўлган ҳужжатларни, шунингдек тегишли асосларсиз уларда бўлган, муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсаларни баённома тузган ҳамда унинг кўчирма нусхасини мазкур фуқароларга ва мансабдор шахсларга берган ҳолда олиб қўйиши;



■ топиб олинган ва ихтиёрий равишда топширилган саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар, алюминий кукунлари ва курумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши;



■ хизматга доир ахборотнинг, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаши;

■ карантин, санитария-эпидемиология ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишда иштирок этиши, браконьерликка қарши курашишда табиатни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

■ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, шунингдек бошқа соҳаларда илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фан ва технологиялар ютуқларини ривожлантириши ҳамда улардан фойдаланиши, янги усулларни, техник ва бошқа воситаларни жорий этиши;

■ маълумот-ахборот фондларини шакллантириши, криминалистик ҳисоб-ахборот тизимини яратиши, тезкор-қидирув ва кадрларга оид ҳисобларни, давлат статистика ҳисоботини ва бошқа статистика ҳисоботини юритиши шарт.

■ Ички ишлар органларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **Қонуннинг 17-моддасида Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари ҳам кенг ифодаланган.**

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

■ фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

■ ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

■ агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарқ этишни талаб қилиш;

■ содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш);

▪ фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда ушлаш мақсадида фуқароларга тегишли бўлган турар жойларда ва бошқа биноларда, уларга қарашли ер участкаларида фуқароларнинг розилиги билан, ташкилотлар жойлашган ҳудудда ва биноларда уларнинг маъмурияти рухсати билан ёки мулкдорнинг розилиги билан бўлиш;



▪ жиноят ишларини тергов қилиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар ҳақидаги аризалар ҳамда хабарларни кўриб чиқиш доирасида давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, шунингдек давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ҳамда фуқаролардан маълумотларни ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш;

▪ террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада жисмоний шахсларни шахсий кўриқдан ўтказишни, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўриқдан ўтказишни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларини қўллаган ҳолда кўриқдан ўтказишни амалга ошириш;

▪ ички ишлар органлари юритувидаги ишлар ва материаллар бўйича фуқароларни, мансабдор шахсларни ички ишлар органларига чақиртириш, улардан зарур тушунтиришлар, маълумотлар, ҳужжатлар, маълумотномаларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини олиш;

▪ фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳамкорликка жалб этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига ёрдам берган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларни тақдирлаш;

▪ ташкилотлар ва фуқаролардан ички ишлар органларининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул олиш, бундан қонунчиликда бошқача тартиб белгиланган ҳоллар мустасно;

▪ ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларига, бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш;



▪ жиноятларнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этиш мақсадида зарур маълумотлар базаларига эга бўлган ахборот тизимларини техник ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда яратиш;

▪ жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш, ички ишлар органларига олиб бориш ва қамоқда сақлаш;

▪ жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган ҳарбий хизматчиларни улар ҳарбий патрулга, ҳарбий комендантга, ҳарбий қисмлар командирларига топширилгунига қадар ушлаб туриш;

▪ маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;

▪ қамоқда сақланаётган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни, шахсини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда бошқа ушлаб турилган шахсларни, шунингдек қонунга мувофиқ ўзга шахсларни рўйхатга олишни, фотосуратга олишни, уларнинг овозини ёзиб олишни, уларни кино- ва видеотасвирга туширишни, бармоқ изларини олишни амалга ошириш;

▪ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган ёхуд шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш бўйича чоралар кўриш;

▪ ўзига нисбатан тайинланган тиббий ва тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташдан бўйин товлаётган шахсларни ушлаш ва махсус муассасаларга олиб бориш;

▪ аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига олиб бориш, шунингдек уларни шахси аниқлангунига қадар судларнинг ажримлари асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш;

▪ давлат органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан жиноятлар ҳолатларини, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув, тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ва маъмурий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун бепул фойдаланиш;

▪ йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

▪ автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи учун имтиҳонлар қабул қилиш ҳамда гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган таълим муассасалари устидан назорат олиб бориш;

▪ автотранспорт воситаларининг ҳамда уларнинг тиркамаларининг мажбурий давлат техник кўригини ва рўйхатдан ўтказилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, йўл ҳаракатини тартибга солиш;

▪ йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқиш;

▪ автотранспорт воситаларидан фойдаланишда атмосфера ҳавоси ифлосланиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

▪ зарур бўлган ҳолларда, транспорт воситаларини тўхтатиш ҳамда уни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, транспорт воситасига, шунингдек ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш, ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан биргаликда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечириш;

▪ қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда транспорт воситаларини ва шахсларни ушлашни, кўриқдан ўтказишни амалга ошириш, шахсларни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек транспорт воситаларини сақлаб туриладиган жойга қўйиш учун олиб бориш;

▪ махсус автомобилларни, чет эл делегацияларини, автомобиль колонналарини, қимматбаҳо, йирик габаритли ва хавфли юкларни кузатиб боришни амалга ошириш;

▪ йўллар ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга ошириш;

▪ белгиланган паспорт тизими қоидаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидаларига чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

▪ паспорт режими қоидаларига, шунингдек бажарилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш амалга оширилаётганда фуқароларнинг турар жойларига ва бошқа биноларига уларнинг розилиги билан соат 6-00 дан соат 22-00 гача кириш;



▪ жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

▪ жамоат жойларида алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш;

▪ фуқаровий ва хизмат курали, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий кукунлари ва курумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш;



▪ лицензия ва рухсат этиш талаблари ҳамда шартлари бузилганлиги фуқаровий ва хизмат куралининг, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, уларнинг аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, алюминий кукунлари ва курумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини юзага келтирган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, алюминий кукунлари ҳамда курумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш;

▪ ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган фуқаровий ва хизмат куралини, унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни, алюминий кукунлари ва курумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриш;

▪ тегишли ташкилотларда объектнинг ички режимга ва рухсатнома билан кириш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, бундан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган объектлари мустасно;

▪ лицензиялашни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга ошириш, қонунчиликка мувофиқ лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига доир текширувлар ўтказиш;

▪ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

▪ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, қонунчиликни ички ишлар органларининг вақолатларига кирадиган масалалар бўйича такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

▪ жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш.

▪ Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.



### **3-савол: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби**

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қонуннинг 5-бобида ички ишлар органлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари ҳам аниқ ва батафсил кўрсатилган.

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усуллари қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига руҳсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўришиб турган шахсларга, ёши аниқ кўришиб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади (бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно).

**Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:**

- фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;
- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;
- ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;
- жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;
- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;
- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;
- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;
- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;
- жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;
- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатлигини тўсиб қўйишда.
- Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўришиб турган шахсларга, ёши аниқ кўришиб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади.

**▪ Қуйидагилар тақиқланади:**

- одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёк билан зарбалар бериш;
- ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

## **Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:**

- фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;
- гаровдагиларни озод қилишда;
- ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;
- ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;
- фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг кўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;
- қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;
- жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиш кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни қуч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;
- агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;
- инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;
- қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиритишда.
- Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган **ҳоллар мустасно.**

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги **ҳоллари мустасно.**

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

### **4. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари.**

Мазкур қонунда ички ишлар органларида хизматни ўташ шартлари ва тартиби деб номланган бобида ички ишлар органларида хизматни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш, ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, хизматга қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати, қасамёд қабул қилишига оид нормалар киритилган.

**Ички ишлар органи ходими эгаллаган лавозими, турган жойи ва вақтидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бошлигининг (командирининг) буйруғига биноан исталган вақтда хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиши ҳамда қуйидаги чораларни кўриши шарт:**

-жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

-одамларни қутқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ҳодиса жойини кўриқлаш ҳамда унга фуқаролар

Ўзларининг шахсий хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан мурожаат қилган ёхуд бевосита ўзи шундай воқеаларга дуч келган тақдирда энг яқиндаги ички ишлар органлари бўлинмасига хабар бериш.

**Қонунга мувофиқ ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:**

- лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;
- хизматни (жанговар хизматни) ўташ;
- хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш;
- кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли ички ишлар органлари (ҳарбий қисм) ҳудудида бўлиш;
- хизмат, даволаниш жойига бориш ёки улардан қайтиш;
- йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этиш;
- асирликда бўлиш (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш;
- бедарак кетиш — ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар;
- шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар;
- қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш;
- суд томонидан ходимнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.

Бундан ташқари қонунда ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонларига, ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ички ишлар органлари ходимлари иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмаслигига, шунингдек зарур бўлган ҳолларда, ички ишлар органлари ходимлари хизматни ўташга кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкинлигига, уларнинг таътилига, ички ишлар органларида хизматда бўлиши муддатига, шунингдек белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходимлар захирага ёки истеъфога чиқарилишига оид нормалар ҳам мавжуд.

Ички ишлар органларининг ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш **тақиқланади.**

**Мазкур қонунга мувофиқ ички ишлар органи ходимини хизматдан бўшатишга қуйидагилар асос бўлади:**

- \* ўзининг хоҳиши;
- \* ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг ушбу Қонунда белгиланган чегарадаги ёшига тўлганлиги;
- \* пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги;
- \* ташкилий-штат ўзгаришлари;
- \* касаллиги — ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида;
- \* соғлиғининг чекланганлиги ҳолати — ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида;
- \* сафдаги хизматга яроқсизлиги;
- \* малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги — аттестация натижалари асосида;
- \* хизмат интизомини қўпол равишда бузганлиги;
- \* ички ишлар органи ходимининг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги;
- \* жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги;
- \* ички ишлар органи ходимида интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги;
- \* бошқа турдаги давлат хизматида ўтганлиги;
- \* Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги.

\* Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя этмаганлиги учун хизматдан бўшатилиши мумкин.

### **Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш қонуннинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Хусусан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-боби ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига бағишланган бўлиб, унда ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш кафолатлари, уларнинг соғлиғини сақлаш, хизматига ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш, давлат пенсия таъминоти, мулкига етказилган зарарни қоплаш, жамоат транспортида бепул юриши, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари вафот этган ёки майиб бўлган ҳолларда давлат суғуртаси ва зарарни қоплаш ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби масалалар атрофлича ёритилган.

Жумладан, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунда ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонлари учун бериладиган маошлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий унвонлари учун тўланадиган маошга тенглаштирилган ҳолда берилиши ички ишлар органлари ходимларининг кучайтирилган тартибдаги ва суткалик хизматларидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунларидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан компенсация тўланиши алоҳида нормада белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, *биринчидан*, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, барқарор тараққиётни, *иккинчидан*, уларнинг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналишлари ва принциплари ҳамда ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашни,

*учинчидан*, бу соҳада ички ишлари органлари фаолиятини янада демократлаштириш ва очиклигини, *тўртинчидан*, улар фаолиятида замонавий технологияларни қўллаш ва соҳада бошқарувни янада модернизациялашни, *бешинчидан*, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини, *олтинчидан*, ички ишлар органлари учун юксак маънавиятли етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни,

*еттинчидан*, ушбу соҳада Ватанига, халқига, Президентига ва қасамёдига содик бўлган фидойий ходимлар фаолият олиб боришини, ва ниҳоят *саккизинчидан*, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги **ПҚ-118-сон қарори** ва Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг** “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 2022 йил 4 июлдаги **354-сон қарори** талабларига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг** 2022 йил 1 октябрдаги “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги **404-сон буйруғи** ижрога қаратилди. Ҳозирда мазкур буйруқ ижроси талаблари тўлиқ амалга оширилиб келинмоқда.

#### **Мустақил таълим учун топширик:**

1. ИИВнинг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон қонуни мазмун–моҳиятини тўлиқ ўқиб, ёдлаб олиш.
2. Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини, ходимлар томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартибини ўрганиш.
3. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартларини ўрганиш, ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси масалаларини ўзлаштириш.


### 3.1.Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солувчи ва вазифасини белгиловчи қонуннинг аҳамияти

#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу амалий машғулот *«Блиц-сўров»* интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



#### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-Савол:** Ички ишлар органларининг асосий вазифаларини айтиб беринг?
- 2-Савол:** Қонунга мувофиқ ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принципларини айтиб ўтинг?
- 3-Савол:** Ички ишлар органларининг тизимини айтиб ўтинг?
- 4-Савол:** Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини айтиб ўтинг?
- 5-Савол:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз мақомига кўра қайси давлат органи таркибига киради?
- 6-Савол:** Қайси ҳолатларда ички ишлар органлари ходимлари жисмоний куч ишлатиши мумкин?
- 7-Савол:** Ички ишлар органларининг ҳуқуқларини айтиб ўтинг ва мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг?

#### Назорат учун саволлар:

- Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартибини атрофлича ўзлаштириш.
- Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартларини ўзлаштириш.

### 3.2.Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

##### **Режа:**

**1-ўқув саволи.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “ИИО кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сон қарорининг мазмун моҳияти.

**2-ўқув саволи.** “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-5 бобларининг мазмун моҳияти.

**3-ўқув саволи.** “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-12 бобларининг мазмун моҳияти.

**1-ўқув саволи.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “ИИО кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сон қарорининг мазмун моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларида хизматни ташкил этишни тубдан такомиллаштириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш, шунингдек ички ишлар органлари ходимларининг хизмат ўташини ташкил этиш соҳасидаги фаолияти **қоникарсиз** деб топилди.

Хизматни ташкил этишни такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблади:

❶ биринчидан — ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасида тезкорликни, жиноятлар ҳақидаги хабарларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва кўриб чиқишни таъминлайдиган, амалга оширилаётган ислохотлар шароитида ички ишлар органларининг мавжуд куч ва воситаларини бошқариш ҳамда ҳамкорликни ташкил этишнинг самарали тизимини яратиш;

❷ иккинчидан — ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий, ишбилармонлик ва касбий фазилатларига эга кадрлар танланиши, уларнинг мақсадли жойлаштирилиши ҳамда «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш руҳида тизимли равишда тарбиялаш учун шахсий жавобгарлигини белгилаш;

❸ учинчидан — бўш лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини, биринчи навбатда, ўз касбий фазилатлари, ахлоқий кўриниши, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истикболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш;

❹ тўртинчидан — хизмат ўташни қатъи назорат қилиш ва тарбиявий жараёни таъминлаш соҳасида мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш бўйича фаолиятни ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги тартибни белгилаш;

❺ бешинчидан — иш тажрибасининг ворисийлигини, ёш ходимларнинг хизматга амалий мослашишини, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизимини жорий этиш;

❻ олтинчидан — ички ишлар органларининг барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узок муддатли хизматини рағбатлантириш, шунингдек шахсий таркибни унинг касбий малакаси,

шахсий фазилатлар ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш;

**7** еттинчидан — қўйилган вазифаларни виждонан ва ташаббускорлик билан бажарувчи ходимларни рағбатлантириш, шунингдек масъулиятсиз ходимларга нисбатан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо тайинлаш бўйича чораларни ўз вақтида ва ҳолисона кўриш орқали ички ишлар органларида мустаҳкам хизмат интизомини таъминлаш;

**8** саккизинчидан — ички ишлар органларида ижро интизомини, жумладан бошқарув қарорлари ҳар бир бевосита ижрочига ўз вақтида етказилишига ва тизимли узлуксиз назоратни таъминланишига имкон берадиган замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш орқали таъминлаш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш.

Хизматни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларни мувофиқлаштирилган ҳолда ва комплекс амалга оширилишини таъминлаш учун куйидагилар юклатилди:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига** — барча қуйи бўлинмалар томонидан ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларининг муқаррар ва ўз вақтида бажарилишини манзилли мувофиқлаштириш ва унинг устидан мунтазам назорат ўрнатиш, юклатилган вазифалар бажарилишининг аниқ механизмларини кўрсатган ҳолда концептуал бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш;

**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларига** — ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларини ҳамда концептуал бошқарув қарорларини ишни ташкил қилиш бўйича йўриқномавий «йўл хариталари» ишлаб чиққан ҳолда амалга ошириш бўйича аниқ ижрочилар ва ҳаракатларни белгилаш, соҳавий хизматлари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мавжуд куч ва воситаларни самарали мувофиқлаштириш;

**Туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлим)лари, ички ишлар органларининг таълим ва бошқа муассасаларига** — бошқарув қарорларини ижро қилиш бўйича белгиланган тадбирларни юклатилган вазифаларни бажаришда кўрсатилган усулларга мувофиқ сифатли амалга оширишда барча мавжуд куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш.

**Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, Ички ишлар вазирлиги бош бошқармалари бошлиқлари учун шундай тартиб ўрнатилди:**

**а) ҳар чоракда жойларга чиқиб,**

- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
- Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ
- вилоятлар ИИБалари соҳавий хизматлар раҳбарлари
- туман (шаҳар) ИИБ (бўлим)лари раҳбарларининг
- аниқ эришилган натижаларни кўрсатган ҳолда бошқарув қарорлари ижросининг амалга оширилиши ҳақидаги шахсий ҳисоботларини кенгайтирилган мажлисларда тинглайди;

**б) ҳар ярим йил якунлари бўйича** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатида:

- хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш
- хизмат ўташни
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
- жиноятчиликка қарши кураш
- бўйича ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларини инобатга олган ҳолда қилинган ишлар юзасидан шахсан ҳисобот беради.

### **Бунда қуйидагилар бўйича аниқ чоралар кўрилиши назарда тутилади:**

- ✦ ташаббус кўрсатмайдиган ва масъулиятсиз раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;
- ✦ ички ишлар органлари бўлинмаларининг ижобий иш тажрибасини татбиқ этиш ва қўллаш.

### **Қарор билан қуйидагилар белгилаб қуйилди:**

❖ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига ўқишга кирган фуқаролар билан (тўлов-контракт асосида ўқишга кирганлар бундан мустасно) белгиланган тартибда **ўқишни тугатганидан кейин беш йил мобайнида** ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари ҳақида шартнома тузилади;

❖ ички ишлар органлари раҳбар таркибининг **ротацияси**, қоида тариқасида, тенг мавқели лавозимга, эгаллаб турган лавозимида **уч йил ишлаганидан сўнг** амалга оширилади;

❖ **хизматда бўлишнинг чегара ёши** сафдор ва сержантлар таркиби ходимлари, шунингдек аёллар учун (мавжуд махсус унвонидан қатъи назар) — **эллик ёш**, офицерлар таркиби учун — **эллик беш ёш**, генераллар таркиби учун **олтмиш ёш**;

❖ **пенсия олиш ҳуқуқини** берадиган хизмат муддати календарь ҳисобида **йигирма йилни** ташкил қилади, улардан имтиёзли ҳисобланадиган даври ходимларга пенсия миқдори ҳисобланаётган вақтдагина инобатга олинади;

❖ ходимларнинг болалари **давлат мактабгача таълим ташкилотларига** яшаш ёки хизмат ўташ жойи бўйича **навбатдан ташқари** қабул қилинади.

**Ўзгариш асослари:** 5-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги **ПҚ-5076-сонли қарори** ва 5-банднинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги **ПҚ-4857-сонли қарори**;

### **ҚАРОР БИЛАН ҚУЙИДАГИ ТАРТИБЛАР ЎРНАТИЛДИ:**

**Мураббийлар** ўзларига бириктирилган ходимларнинг таълим-тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндашганида, шунингдек ходимлар лавозимга киришиши даврида хизмат интизомини бузган ҳолларда мураббийлар, айблилик даражасидан келиб чиқиб, **эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача** бўлган **интизомий жазога тортилади**.

**Ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи интизомий кенгашлар ташкил қилинсин, улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:**

хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ва ишда ижобий натижаларга эришган ходимларни уларнинг фаолиятини мукофотлаш чораларини кўриш ва ички ишлар органларида амалда бўлган ижтимоий таъминот соҳасидаги тегишли имтиёزلарни бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ва илтимосномалар киритиш орқали рағбатлантириш;

жамоада юзага келадиган низоли вазиятларни ҳал қилиш, ножўя ҳаракат содир этган, хизмат бурчига масъулиятсиз муносабатда бўлаётган ходимларга белгиланган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида ҳолисона қарор қабул қилиш орқали жамоатчилик таъсирини кўрсатиш.

### **2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин:**

а) хизмат интизомини кўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган ёхуд ишда паст кўрсаткичларга эга бўлган ходимларга нисбатан лавозим маошининг **50 фоизидан кўп бўлмаган** миқдорда жарима тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин;

б) ҳар чорак якунлари бўйича қуйидагиларга нисбатан лавозим маошининг **50 фоизгача миқдорда** бир марталик пул ушланиши ёки мукофот таъсир чораси сифатида қўлланилади:



профилактика (катта) инспекторларига — бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни, биринчи навбатда, оғир ва ўта оғир жиноятларни барвақт олдини олиш, шунингдек жойлардаги муаммоларни ҳал этишда аҳоли билан ишлашни ташкил қилиш аҳволи учун;

бириктирилган ҳудудда тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи ички ишлар органлари (катта) тезкор вакилларига — оғир ва ўта оғир жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш аҳволи учун;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларининг **10 фоизи** хизматда самарали натижаларга эришган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ташкил этиладиган алоҳида ҳисоб рақамига йўналтирилади, бунда уларни ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда мақсадли ишлатишни таъминлаш вазифаси Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти зиммасига юклатилади;

г) интизомий кенгашлар илтимосномасига кўра, зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятларини виждонан бажараётган ва ишда ижобий натижаларга эришган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳар йили болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ва санаторий-курорт муассасаларига бепул йўлланмалар берилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизмат интизому ва бенуқсон узлуксиз хизмати учун ташаббускор ва виждонли ходимларни тақдирлаш мақсадида қуйидаги идоравий кўкрак нишонлари таъсис этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди:**

❖ **I, II ва III даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун»;**  
❖ **«Ички ишлар органларининг фахрий ходими».**



**2-ўқув саволи. “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-5 бобларининг мазмун моҳияти.**


**Низомнинг 1-боб. Умумий қоидаларда** ушбу Низом ички ишлар органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларининг хизмат ўташ тартибини белгилаши аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар органларидаги хизмат давлат хизматининг тури бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини бўйича вазифаларни амалга оширишдан иборат.

**Хизматни ўташ қуйидаги тартибларни ўз ичига олади:**

- ✓ хизматга қабул қилиш;
- ✓ махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш;
- ✓ лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация;
- ✓ ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ✓ ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи;
- ✓ аттестация ўтказиш;
- ✓ таътиллар бериш;
- ✓ ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ✓ хизмат ўташ режимини таъминлаш;
- ✓ хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ва қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг хизмат ўташи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



**Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-34143 сон “ИИО кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг 1-илоvasи, яъни “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-боби кўра Ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бобида Хизматга муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бўйича бошқарма (бўлим)ларида, аҳоли турар жойларида, ташкилот ва муассасаларда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, оммавий ахборот воситаларида қабул ва бўш лавозимлар тўғрисида эълонлар жойлаштирилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида очик эшиклар куни ўтказилади.

Хизматга **165 сантиметрдан** паст бўлмаган **эркаклар** ва **160 сантиметрдан** паст бўлмаган **аёллар** қабул қилинади.

Номзодларга махсус биометрик параметрлар ўрнатиладиган бўлинмалар ва лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хизматга танлов асосида, ихтиёрий тартибда ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, тегишли маълумотга эга, шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлигининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларидаги кундузги таълимга ўқишга:**

➤ ёши ўн еттидан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шу жумладан йигирма беш ёшдаги ҳам, ўрта, ўрта-махсус ёки касб-хунар маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртки таълимга ўқишга:**

➤ ёши қирқ ёшдан катта бўлмаган, шу жумладан қирқ ёшдаги ҳам, ички ишлар органларида камида уч йиллик амалий хизмат стажига, ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар ёки олий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинади.



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультети:**

ҳарбий хизмат ўтаган (эркаклар учун) ва олий маълумотга эга, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади.

**Зарур бўлган ҳолларда,** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган рўйхати бўйича ички ишлар органларининг айрим бўлинмалари ва ташкилотларига хизматда бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган пайтида кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган **ўттиз ёшдан катта бўлган** фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

Эркаклар ички ишлар органларидаги хизматга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги **муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматни ўташи** ёхуд **олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликдан** ўтиши керак. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига ўқишга қирувчилар учун ушбу талаб ўрнатилмайди.

**Алоҳида ҳолларда,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида, қарорига, фармойишига, шунингдек розилигига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси **ички ишлар вазирининг буйруғига асосан** бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар, шунингдек, ички ишлар органларининг катта амалий иш тажрибасига **эга пенсионерлари**, ушбу банднинг биринчи, бешинчи ва олтинчи хат бошиларида белгиланган талабларини инобатга олмаган ҳолда **хизматга қабул қилиниши мумкин.**

**Хизматга ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган шахс доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- ✚ **хизматга ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш тўғрисида ариза;**
- ✚ **паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари;**
- ✚ **туғилганлик ҳақида гувоҳномаси нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);**
- ✚ **ФХДЁ органларидан маълумотнома (туғилганлик ҳақида гувоҳномага ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки алмаштирилган ҳолларда);**
- ✚ **қариндошларининг (ота-она, эр-хотин, фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари) паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари, никоҳ қайд этилганлиги ёки бекор қилинганлиги, ногиронлик (агар мавжуд бўлса), қариндошларининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар маълумотлари;**
- ✚ **3 x 4 см ўлчамдаги олтита рангли фотосурат (бош кийимсиз), шунингдек 9 x 12 см ўлчамдаги иккита фотосурат (бош кийимсиз);**
- ✚ **номзоднинг таржимаи ҳоли;**
- ✚ **анкета-маълумотнома;**
- ✚ **ўқиш, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва яшаш жойидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (оила аъзолари кўрсатилган ҳолда);**
- ✚ **ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ёки олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (асли кўрсатилган ҳолда);**
- ✚ **асли кўрсатилган ҳолда ҳарбий гувоҳнома нусхаси (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларига ўқишга топшираётганда ҳарбий гувоҳнома мавжуд бўлмаса, чақирув участкасида қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилади);**
- ✚ **доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдан белгиланган намунадаги соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумотнома (бўй параметри кўрсатилган ҳолда);**
- ✚ **асли кўрсатилган ҳолда меҳнат дафтарчасининг нусхаси (агарда мавжуд бўлса).**

Хизмат ўташ хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек айрим ҳужжатларга аниқлик киритиш мақсадида номзоддан ёки тегишли муассасадан қўшимча ҳужжат ёхуд маълумотлар талаб қилиб олинishi мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари ички ишлар органи ваколатли бошлиғи номига ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда белгиланган тартибда билдирги билан мурожаат этадилар.

Хизматга қабул қилиш номзоднинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги ички ишлар органлари томонидан танлов асосида амалга оширилади. Танловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ички ишлар органларида қабул комиссиялари тузилади.

**Танловлар номзоднинг хоҳишига кўра давлат, қорақалпоқ ёки рус тилларида ўтказилади.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва олий таълим муассасаларига, шунингдек Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматга, истисно тариқасида, Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган фуқаролар орасидан ҳам номзодларни танлаш ва қабул қилишга рухсат берилади.

Дастлабки ўрганиш ҳамда интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш натижалари асосида тест синови босқичига қўйилган номзодларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тақдим этилади.

**Тест синовлари белгиланган тартиб асосида** Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилади.

Тест синовларининг саволлари умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Номзодлар тест синовларини ўзларининг танлови бўйича давлат тили, рус тили ёки қорақалпоқ тилида топширадilar.

Тест синовларини ўтказиш тартиби ҳамда саралаш бали Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар ўрганиш босқичига қўйилади.

**Топ ихтисослик бўйича мутахассислар** каторидан бўлган номзодлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган рўйхат ва тартибда **саралаш босқичисиз** ўрганиш босқичи орқали хизматга **қабул қилиниши мумкин**.

Мавжуд бўш лавозимларни ҳисобга олган ҳолда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади.

Саралаш ва ўрганиш босқичлари натижаларига кўра номзоднинг хизматга маънавий-касбий ва соғлиқ жиҳатдан мослиги тўғрисида хулоса чиқарилади.



**НОМЗОДЛАРНИ ХИЗМАТГА ТАНЛАБ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ ҚУЙИДАГИ САРАЛАШ ВА ЎРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ:**



*(Ўзгариш асоси: 10-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.01.2023 й., 07/23/10/0043-сон)*

Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш ички ишлар органларининг кадрлар бўлинмалари томонидан аалга оширилади. Номзоднинг тегишли ҳужжатларини йиғиш жараёнида унга бир пайтнинг ўзида ўрганиш босқичидан ўтиш учун йўлланма берилади.

**Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган**, ички ишлар органларида хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган, шунингдек, содир этган жинояти учун муқаддам судланган (қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган ва амнистия акти қўлланилгандан қатъи назар) фуқаролар хизматга қабул қилиниши мумкин эмас. Хизмат ўташга тўсқинлик қилувчи касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Хизматга кирувчи номзодларга



хизмат сирин ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган ҳамда ошқор этилиши ман этиладиган махсус талаблар ҳам ўрнатилади.

Номзоднинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини расмийлаштириш давомида хизматга қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи маълумотлар (хизматга қабул қилиш учун умумий ва махсус талабларга мос келмаслик) аниқланган тақдирда, уни шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини расмийлаштириш тўхтатилиб, хизматга қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ваколатли раҳбар томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда номзодга хабар берилади.

Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига** номзодлар танлови тартиби ва қабул қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси** томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига** қабул қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси **ички ишлар вазири** томонидан белгиланади.

Ички ишлар органларининг махсус бўлинмаларига танлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида **ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари** хизматга қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда устунликка эга бўлади.

Хизматга танлаб олиш тадбирлари босқичларининг биридан ўта олмаган номзод уни такроран топширишига, шунингдек, хизматга танлаб олиш тадбирларининг **кейинги босқичига қўйилмайди.**

Ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган, шунингдек, шахсий ҳужжатлар йиғма жилди тўлиқ расмийлаштирилган номзодлар хизматга қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошлиқнинг буйруғи билан хизматга қабул қилинади ва ички ишлар органларининг бошланғич касбий тайёргарлик курсларига юборилади.

Бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаган ва белгиланган сертификатга эга бўлган ходимлар хизматга қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошлиқнинг буйруғи билан тегишли лавозимга тайинланади.

Номзодларни хизматга танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

**Ички ишлар органларидаги лавозимлар қуйидагича жамланади:**

**офицерлар таркиби** — олий маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан;

**сержантлар таркиби** — олий маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетини ёки Мудофаа вазирлигининг Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан;

**сафдорлар таркиби** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари, профилактика инспекторларининг ёрдамчилари, шунингдек, олий маълумотга эга ёки сиртқи таълим шаклида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан.

Сафдорлар таркибининг **тор мутахассислик сирасига кирувчи лавозимларни** ўрта, ўрта махсус ёки касб-ҳунар маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан жамлашга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг **захирасидаги офицерларни** ички ишлар органларининг сафдор ва сержантлар таркиби лавозимларига тайинлашга **йўл қўйилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири **рағбатлантириш тариқасида**, ички ишлар органларида камида икки йил хизмат стажига эга, олий маълумотли ва юклатилган вазифаларни бажаришда самарали натижаларга эришган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетини** ёки **Мудофаа вазирлигининг Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказини тамомламаган сафдорлар таркибидаги ходимларни** ҳам, истисно тариқасида, сержантлар таркибидаги лавозимларга тайинлашга ва **«кичик сержант»** махсус унвонини беришга **рухсат бериши мумкин.**


Ички ишлар органларининг махсус бўлинмаларининг, шунингдек, тиббий муассасаларининг **сержантлар таркиби** лавозимлари ўрта ва ўрта махсус маълумотли шахслар билан жамланиши мумкин.

**Қуйидаги номзодлар, истисно тариқасида, танлаб олиш тадбирларининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан озод этилади:**

- **илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганлар;**
- **олий таълим муассасаларини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар;**
- **профессор-ўқитувчи ва илмий таркиб лавозимларига номзодлар;**
- **эксперт-криминалистика, иш юритиш, киберхавфсизлик, ахборот технологиялари, таҳлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларига номзодлар;**
- **спорт мусобақаларининг (Олимпия спорт турлари бўйича Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охириги тўрт йилда ҳамда республика чемпионатларида охириги бир йилда голиб ва совриндор (1 — 3 ўрин)) индивидуал турларида голиб чиққан номзодлар;**

Ички ишлар органларидаги лавозимларга тайинлаш учун зарур таълим ва мутахассисликларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

**Хизматга биринчи марта қабул қилинган фуқаролар қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:**



«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), ички ишлар органларидаги хизматга қирар эканман, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги бурчимни ва зиммамга юклатилган мажбуриятларни виждонан, сидқидилдан бажаришга ваъда бераман.

**Ватанимга ва Ўзбекистон халқига содиқ бўлишга қасамёд қиламан».**

Хизматга қабул қилишда ходимга хизмат гувоҳномаси ва шахсий рақамли жетон берилади.

Ходимнинг хизмат гувоҳномаси ва жетонининг намуналари, шунингдек уларни бериш ва ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Ходимнинг хизмат гувоҳномаси ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш ҳуқуқини, шунингдек қонунга мувофиқ унга берилган бошқа ҳуқуқ ва ваколатларини тасдиқлайди.

Хизматга қабул қилинган ходимга дастлабки синов муддати тайинланади ва унга лавозимга тайинланган пайтидан бошлаб мураббий бириктирилади.

**Дастлабки синов муддати бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.**

Қасамёд қабул қилиш, дастлабки синов муддатини ўташ ва мураббийларни бириктириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хизматга қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматга мажбур фуқаролари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг хизматга чақирилувчи ҳисобланган курсантлари, ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус ҳисобида туради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг курсантлари биринчи босқич таълим муддати яқунланганидан сўнг, муддатли ҳарбий

хизматни ўтган ҳисобланадилар ва уларга таълим муассасаси жойлашган ердаги муҳофазат ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади.

Хизматга қабул қилиш ва бўшатиш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш, шунингдек махсус унвонлар бериш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ваколат берилган бошлиқларнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

**Низомнинг 3-бобида Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум қилиш ҳақида маълумотлар билдирилган.**

Махсус унвон ходимнинг хизмат мажбуриятларига муносабати, малака ошириш курсларини ўтаганлиги, ўтаган хизмат йиллари ва эгаллаган лавозимини инобатга олган ҳолда яқка тартибда берилади.

**Ходимларга қуйидаги махсус унвонлар берилади:**

- \* сафдорлар таркиби — сафдор;
- \* сержантлар таркиби — кичик сержант, сержант, катта сержант;
- \* офицерлар таркиби:
- \* кичик офицерлар таркиби — лейтенант, катта лейтенант, капитан;
- \* катта офицерлар таркиби — майор, подполковник, полковник;
- \* генераллар таркиби — генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник.

Биринчи ва навбатдаги махсус унвонлар, махсус унвонлар бериш ваколатига эга бошлиқнинг буйруғи билан берилади.

**«Сафдор» махсус унвони** ички ишлар органлари хизматида қабул қилинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари ва чет давлатлар таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан келишув асосида юборилган) курсант (тингловчи)лари сафига қабул қилинган шахсларга уларни қабул қилиш билан бир вақтда берилади, сержантлар таркибининг махсус унвонига эга ходимлар бундан мустасно.

«Сафдор» махсус унвони хизматга ёки ўқишга қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошлиқлар томонидан берилади.

**«Кичик сержант» махсус унвони** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти бошлиғи томонидан касбий тайёргарлик факультетини сержантлар таркибини тайёрлаш дастури бўйича махсус касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга берилади.

Сержантлар таркибининг навбатдаги махсус унвонлари лавозимга тайинлаш ваколатига эга бошлиқларнинг буйруқлари билан берилади.

Ички ишлар органлари офицерлар таркиби лавозимларга қабул қилинган номзодларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда **«катта сержант»** махсус унвони берилади, бу унвонда улар дастлабки синов муддати тугаб, офицерлик унвони берилунига қадар хизмат олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасидаги офицерлар ҳисобланувчи ва ички ишлар органлари Бошланғич касбий тайёргарликдан ўтиб, офицерлар таркиби лавозимларига қабул қилинган номзодларга мавжуд ҳарбий унвонига тенг даражадаги махсус унвон берилади.

Ички ишлар органлари офицерлар таркибининг биринчи махсус унвони **«лейтенант»** ҳисобланади.

Айрим ҳолларда, илмий даражаси ёхуд фаолиятнинг тор ихтисослик турлари бўйича кўп йиллик стажи ва иш (хизмат) тажрибасига эга бўлган фуқароларга ички ишлар органлари офицерлар таркиби лавозимларига тайинлаш вақтида биринчи унвон сифатида **«майор» махсус унвонига** бўлган, шу жумладан майор унвони ҳам, махсус унвонларидан бири берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши асосида ёки розилиги билан генераллар таркиби лавозимларига хизматга юборилган, махсус, ҳарбий ва бошқа унвони бўлмаган шахсларга белгиланган тартибда «полковник» махсус унвонига бўлган, шу жумладан полковник унвони ҳам, махсус унвон берилиши мумкин.

Ички ишлар органлари офицерлар таркибининг биринчи махсус унвони Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан берилади.

### «Лейтенант» махсус унвони қўйидагиларга берилади:

- ички ишлар органлари офицерлар таркиби лавозимларига тайинланиб, синов муддатини муваффақиятли ўтаган шахсларга;
- ички ишлар органларининг сафдор ёки сержантлар таркибидан офицерлик лавозимларига тайинланганларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг қайта тайёрлаш махсус курсларини ўтаганларидан сўнг;
- Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларини кундузги таълим, шунингдек хорижий давлатлар таълим муассасаларининг (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан келишув асосида юборилган) битирувчиларига.

### **Ички ишлар органлари офицерлар таркибининг навбатдаги махсус унвонлари қўйидагилар томонидан берилади:**

**«майор»** махсус унвонигача — офицерлар таркиби унвонларини бериш ваколатига эга бошлиқлар томонидан, бошлиқлари бундай ваколатга эга бўлмаган таркибий тузилмалар ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан;

**«ПОДПОЛКОВНИК»** махсус унвони — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан;

**«ПОЛКОВНИК»** махсус унвони — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан;

**«генераллар»** таркибининг махсус унвонлари — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

### **Махсус унвонда хизмат ўташ муддатлари қўйидагича белгиланади:**



**«ПОЛКОВНИК»** ва ундан юқори махсус унвонларда хизмат қилиш муддатлари белгиланмайди.

Навбатдаги махсус унвонлар белгиланган хизмат муддатини ўтаган ходимларга, улар эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонасига мувофиқ берилади.

Навбатдаги **«катта сержант», «капитан», «майор»** ва **«подполковник»** махсус унвонлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ёки Махсус тайёргарлик ўқув марказининг махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли ўтаган ходимларга берилади. Рағбатлантириш чораси тариқасида муддатидан олдин махсус унвонлар берилиши бундан мустасно.

Навбатдаги **«полковник»** махсус унвони юклатилган вазифарларни бажаришда самарали натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг ёки Жамоат хавфсизлиги Университетининг магистратурасини ёки Қуролли Кучлар Академиясининг икки йиллик таълим дастурини, бошқа олий таълим муассасаларининг молия-иқтисод, техник ёки тиббий соҳалари йўналишлари бўйича магистратурасини муваффақиятли тамомлаган ёхуд илмий даражага эга ходимларга берилади.



Мазкур бандни инобатга олмаган ҳолда махсус унвонларни беришга фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан йўл қўйилади.

**Навбатдаги махсус унвонни четлаб ўтиб, махсус унвонлар берилишига йўл қўйилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида ўқиш ва спорт-маданият соҳасида юқори натижаларга эришган, таълим дастурини аъло баҳоларга тамомлаган битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан таълим муассаса бошлиғининг тақдимномаси асосида ички ишлар органлари офицерлар таркибининг биринчи махсус унвонини четлаб, «**катта лейтенант**» махсус унвони берилиши мумкин.

Ходим юқори даражадаги унвон белгиланган лавозимга ўтказилганда, мавжуд унвонида бўлиш муддати ўтган бўлса, лавозимига қачон тайинланганидан қатъи назар, навбатдаги махсус унвон бериш учун тақдим этилади.

Махсус унвонда хизмат ўташ муддати календарь ҳисобда махсус унвон бериш ҳақида буйруқ чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади (ушбу Низомнинг [47](#) ва [48-бандлари](#) талаблари асосида берилган махсус унвонлар бундан мустасно).

Ходимнинг махсус унвони пасайтирилган тақдирда унинг аввалги унвонини қайта тиклангунига қадар ўтаган хизмат даври навбатдаги унвон муддатига қўшилмайди.

Хизмат мажбуриятларини намунали даражада бажараётган, жиноятчиликка қарши курашда, илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, хизмат бурчини бажаришда қаҳрамонлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган ходимларга рағбатлантириш чораси тариқасида ички ишлар органлари офицерлар таркибининг махсус унвонини муддатидан олдин ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан **бир поғона юқори навбатдаги махсус** унвон берилиши ҳам мумкин.

**Муддатидан олдин навбатдаги махсус унвонлар қўйидагиларга берилади:**

➤ ички ишлар органлари генераллар таркиби лавозимларига тайинланган ходимларга — мавжуд махсус унвонда қанча муддат хизмат ўтаганидан қатъи назар;

➤ ички ишлар органлари офицерлар таркибидаги лавозимларда хизмат қилаётган ходимларга — мавжуд махсус унвонда хизмат қилиш учун белгиланган муддатнинг камида учдан икки қисми ўтганидан сўнг.


➤ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, мавжуд махсус унвонда хизмат ўташ учун қанча муддат белгиланганидан қатъи назар, навбатдаги махсус унвонларни бериш ҳуқуқига эга.

➤ Эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори навбатдаги махсус унвон қўйидагиларга берилади (генераллар таркиби махсус унвонлари бундан мустасно):

➤ илмий даража ёки илмий унвонга эга ички ишлар органлари офицерлар таркиби ходимларига — мавжуд унвонда хизмат ўташ муддати тугаганидан сўнг;

➤ ички ишлар органлари офицерлар таркиби лавозимларидаги ходимларга — мавжуд унвонда хизмат ўташ муддатининг камида бир ярим баравари ўтганидан сўнг.

➤ Ички ишлар органлари профилактика, эксперт-криминалистика, тергов ва тезкор бўлинмалари ходимларига рағбатлантириш чораси тариқасида мазкур Низомнинг 36-бандининг [иккинчи](#) ва [учинчи хатбошиларида](#) назарда тутилган талабларга жавоб берганда



эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилган махсус унвондан қатъи назар навбатдаги махсус унвон берилиши мумкин:

**«подполковник» махсус унвони** — тегишлилиги бўйича ички ишлар органлари профилактика, эксперт-криминалистика, тергов ва тезкор бўлинмаларида ўн беш календарь йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган профилактика инспектори, эксперти, терговчиси (суриштирувчиси), тезкор вакили ёки профилактика катта инспектори, катта эксперти, катта терговчиси (катта суриштирувчиси),



катта тезкор вакили лавозимидаги ходимларга «майор» махсус унвонида хизмат ўташ муддати тугаганидан сўнг;

**«ПОЛКОВНИК»** махсус унвони — тегишлилиги бўйича ички ишлар органлари профилактика, эксперт-криминалистика, тергов ва тезкор бўлинмаларида йигирма календарь йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган профилактика катта инспектори, катта эксперти, катта терговчиси (катта суриштирувчиси), катта тезкор вакили, бош эксперти ёки ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, тезкор вакили лавозимидаги ходимларга «подполковник» махсус унвонида хизмат ўташ муддати тугаганидан сўнг.

Бир вақтнинг ўзида муддатидан олдин ҳамда эгаллаган лавозими билан кўзда тутилган бир поғона юқори навбатдаги махсус унвон берилишига йўл қўйилмайди.

Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат йилини ҳамда навбатдаги махсус унвон учун белгиланган муддатини ўтаган, эгаллаб турган лавозими билан белгиланган унвон поғонаси «капитан» бўлган, ижобий тавсифланадиган офицерлар таркибидаги ходимларга хизматдан бўшатиш билан бир вақтда «майор» махсус унвони берилиши мумкин.

#### **Ходимларга навбатдаги махсус унвон берилиши қўйидаги ҳолларда кечиктирилади:**

- \* ходим ички ишлар органлари ихтиёрида бўлганда (бола парваришlash таътили берилган ходимлар бундан мустасно);
- \* ходимда амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлганда;
- \* ходим аттестациядан шартли равишда ўтганида;
- \* ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;
- \* интизомий жазо тариқасида эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва бошқа лавозимга ўтказилган тақдирда — лавозимидан озод этилган кундан бошлаб, бир йил давомида.

Ходим ички ишлар органлари **ихтиёрида бўлганда** (бола парваришlash таътили берилган ходимлар бундан мустасно);

Навбатдаги махсус унвонни асосиз равишда кечиктирилишига йўл қўйган бошлиқлар ва ходимлар белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар органлари офицерлар таркиби ходимларининг махсус унвонларини интизомий жазо тариқасида бир поғона пасайтириш мумкин. Бунда унвон **«лейтенант»** махсус унвонигача **пасайтирилади**.

#### **Махсус унвонларни пасайтириш ваколати:**



Махсус унвони пасайтирилган ва сўнгра тикланган ходимнинг махсус унвондаги муддати, унвони пасайтирилгунига қадар ўтаган хизмати билан **қўшиб ҳисобланади**.

**Суднинг ҳукми асосида махсус унвонлардан маҳрум қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:**

- **сафдорлар ва сержантлар** таркибининг махсус унвонлари — ушбу унвонларни бериш ваколатига эга бошлиқлар томонидан;
- офицерлар таркибининг махсус унвонлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан.

**Генераллар** таркиби махсус унвонига эга шахслар махсус унвонидан **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан** суднинг тегишли **тақдимномаси асосида** маҳрум қилиниши мумкин.

Суд шахсининг махсус унвонини тиклаш ҳақида қарор қабул қилганида махсус унвондан маҳрум қилган бошлиқ ёки бундай ваколатга эга юқори турувчи раҳбар томонидан тикланади.

Назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус унвон ва мартаба даражаси бўлиши назарда тутилган бошқа органлардан хизматга ўтказилган (юборилган) шахсларнинг

махсус унвонлари, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ушбу Низом иловасига мувофиқ берилади.

Ушбу тартиб назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус унвонлар бўлиши назарда тутилган бошқа органлар бўлинмаларига ўтказилган (юборилган) ходимларга ҳам қўлланилади.

Ушбу Низомнинг **33-банди учинчи хатбошиси, 47 ёки 48-бандларига мувофиқ** махсус унвонлар берилган ходимларга (шу жумладан мазкур Низом кучга киргунга қадар хизматга ўтказилган (юборилган) ёки **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиши ёки унинг розилиги билан юборилган**) хизмат йиллари учун фоизли устама ҳақ белгилашда уларнинг илгариги иш жойидаги (фоизли устама тўлаш учун белгиланган) хизмат ёки меҳнат стажлари инобатга олинади ҳамда ушбу давр ходим ички ишлар органларидан бўшатиш тақдирда унга пенсия тайинлашда умумий хизмат стажига қўшиб ҳисобланади.

Агар **вақтинча лавозимни бажариш** учун тайинланган ходимнинг илгари эгаллаган лавозимининг унвон поғонаси навбатдаги унвонини бериш учун мос келмаса, уни навбатдаги махсус унвонга тавсия этиш мумкин эмас. Бунда лавозим вазифасини бажариш **муддати олти ойдан** ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси **магистратураси тингловчиларига**, шунингдек Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг докторантурасида**

таълим олаётганларга навбатдаги махсус унвонлар улар тингловчилар сафига, докторантурага қабул қилинганига қадар хизмат қилган охириги лавозимининг унвон поғонасига мувофиқ берилади.

Ходимлар илгари эгаллаган лавозимларидаги штат жадвали бўйича ўзгаришлар (штатлар қисқариши, унвон поғонаси кўтарилиши ёки туширилиши) лавозим вазифасини бажарувчи этиб тайинланганларидан ёки ўқишга кирганларидан сўнг инобатга олинмайди.

Махсус унвонлар бериш, улардан маҳрум қилиш ва уларни тиклашга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.



#### 4-боб. Лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация

Ички ишлар органларининг асосий лавозимлари бўйича ходимларнинг махсус унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади

уларга тенглаштирилган лавозимлар рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлаган ташкилий-штат тузилмаси ва умумий штатлар сони асосида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг **14-моддасида** кўрсатилмаган ходимларни **лавозимларга тайинлаш ва озод этиш тартиби** **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири** томонидан белгиланади.

**Ходимларни лавозимга тайинлаш, бунга ваколатли бошлиқлар томонидан қуйидаги қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади:**

■ ходимларни лавозимга тайинлаш уларнинг маълумоти, мутахассислиги ёки лавозимга яқин мутахассислик, шунингдек амалий иш тажрибасига мувофиқ амалга оширилади;

- Ходим ички ишлар органларининг штат жадвали асосида доимий шахсий таркиб сирасига кирувчи лавозимда хизмат қилган давр унинг ички ишлар органларида амалий хизмат стажи бўлиб ҳисобланади.

- Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида ўқиш ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври ички ишлар органларида амалий хизмат стажига киритилмайди (қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш даври бундан мустасно).

- бўш лавозим вазифасини бажаришнинг узлуксиз **муддати олти ойдан**, жамланган лавозимда эса **тўрт ойдан ошмаслиги** лозим;

- ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида, шунингдек ходимнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганида у эгаллаб турган лавозимида озод қилинади ва **15 кундан ортиқ бўлмаган муддатга**, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири руҳсати билан **икки ойдан ошмаган муддатга** пул таъминоти (охирги лавозими бўйича) сақланган ва хизмат стажини **бир куни бир кунга** ҳисоблаган ҳолда ички ишлар органлари **ихтиёрига олинади**.

- Ички ишлар органлари ихтиёрида бўлиш муддатини ҳисоблашда вақтинчалик **меҳнатга лаёқатсизлик даври** (лаёқатсизлик ҳақидаги ҳужжат бўлганида) ёки **қўшимча таътилда бўлиш** (бола парваришлаш таътилида бўлиш вақти бундан мустасно) инobatга олинмайди.

- Ходимларнинг ички ишлар органлари ихтиёрида белгиланган муддатдан ортиқ бўлгани учун **ҳақ тўланмайди**, бунда ушбу даврнинг **бир куни бир кунга тенглаштирилган** ҳолда умумий хизмат стажига киритилади.

- ходимнинг ёки унинг оила аъзолари ҳаёти ёхуд **соғлиғига хавф юзага келганида**, шунингдек уларнинг соғлиғи ҳолати туфайли **хизмат (яшаш) жойини ўзгартириш зарур бўлганида**, ушбу ходимни бошқа туман (шаҳар, вилоят)га хизматга ўтказиш лавозимга тайинлаш ваколатига эга бошлиқ томонидан амалга оширилади;

- **ўзаро қариндош бўлган ходимлар** (ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари), агар унда **хизмат ўташ бирининг иккинчисига бўйсунishi** ёки **назорат остида бўлиши** билан боғлиқ бўлса, **бир бўлинмадаги лавозимларга тайинланиши мумкин эмас**.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари **профессор-ўқитувчилари таркиби** ҳамда жазони ижро этиш муассасалари **тиббиёт ходимлари** лавозимларига, кафедралар (факультетлар, цикллар, бўлимлар) раҳбарларидан ташқари, тегишли соҳада **камида ўн йиллик илмий, педагогик, тиббиёт ёки амалий иш тажрибасига** эга бўлган шахслар шаҳодатланган лавозимлар ҳисобидан **тайинланиши мумкин**.

- Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бакалаврлари** сирасидан бўлган **ходимлари**, истисно тариқасида, ички ишлар органлари таълим муассасаларининг **ўқитувчилар** таркиби лавозимларига **магистр даражасига** эга бўлмаган ҳолда **тайинланиши мумкин**.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ихтисослаштирилган кафедралари **профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларига** тегишли соҳада **камида 3 йиллик амалий хизмат стажига** ёхуд тегишли мутахассислик бўйича **илмий даражага** эга шахслар **тайинланади**.

- Тегишли соҳада **камида 3 йиллик амалий хизмат** стажига эга ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **Академияси базавий докторантураси кундузги шаклига** педагогик стажга эга бўлмаган ҳолда кириш ҳуқуқи берилади.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **Академиясини 2001 — 2004 йилларда бакалаврият дастури бўйича кундузги таълим** шаклини тамомлаган ички ишлар органлари **ходимларига**, истисно тариқасида, **фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини** олиш учун диссертация ишини тайёрлаш ва белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади.

- ходимни эгаллаб турган лавозимидан четлаштиришга доир жинойт иши бўйича суд қарори чиқарилганида у эгаллаб турган лавозимидан озод этилади ҳамда аввалги хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган паст ёки тенг мавқели лавозимга тайинланади ёхуд ички ишлар органлари ихтиёрида қолдирилади;

➤ **Эгаллаб турган лавозимдан четлаштирилган ходимни** ички ишлар органларидан **бўшатиш** ёки уни аввалги ёхуд **тенг мавқели лавозимга** тайинлаш масаласи бунга ваколатли бошлиқлар томонидан **суд қарори асосида** ҳал этилади.

➤ Ходимни эгаллаб турган лавозимдан қонунга хилоф тарзда четлаштириш туфайли юзага келган **мажбурий прогулнинг бир йилдан ортиқ бўлмаган муддати** учун унга пул таъминоти тарзида **ҳақ тўланади**.

➤ ходимга бола парваришlash таътили берилганида, эгаллаб турган лавозимдан озод этилиб, ички ишлар органлари ихтиёрига олиниши мумкин.

➤ Ходимлар болани парваришlash учун берилган таътил муддати тугамасдан хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиш ҳуқуқига эга.

➤ **Болани парваришlash учун берилган таътидан чиққан ходим муқаддам эгаллаган лавозимга** (агар бўш бўлса), бунинг имкони бўлмаса, **бошқа тенг лавозимга** тайинланади.

**Ходимни лавозимдан лавозимга ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

- **юқори лавозимга** — хизмат бўйича кўтарилиш ёки рағбатлантириш тартибда;
- **тенг лавозимга** — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), оилавий шароитга кўра, суд қарори асосида лавозимдан четлаштириш ёки бўш лавозимларни жамлаш зарурияти юзага келганида ходимнинг касбий ва шахсий хислатларини инобатга олиб, унинг эгаллаб турган лавозимидаги амалий тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида;

- **паст лавозимга** — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), аттестация тартибда эгаллаб турган лавозимга нолайиқ деб топилганида, интизомий жазо чораси сифатида эгаллаб турган лавозимдан озод этилганда, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида ёки суд қарори асосида лавозимдан четлаштирилганлиги сабабли тенг лавозимга ўтказиш имконияти бўлмаганида.

Юқори, тенг ёки паст лавозимлар эгаллаб турган лавозим билан назарда тутилган махсус унвонга мувофиқ, махсус унвонлар тенг бўлганида эса — лавозим маоши миқдори бўйича аниқланади.

**Эгаллаб турган лавозимга нолайиқлиги сабабли** ёки **интизомий жазо тариқасида паст лавозимга тайинланган** ходимларни хизмат бўйича кўтариш уларнинг касбий ва шахсий хислатлари, соғлиғининг ҳолати, иш натижалари ва хизмат вазифаларини бажариш бўйича кўрсатган қобилиятидан келиб чиқиб, **камида бир йилдан кейин** амалга оширилади.

**Хизмат жойи ўзгарган ходим** ички ишлар органлари хизмат бўйича кўчириш ҳақида **буйруқни ёки ёзма хабарни** олган кунидан сўнг **ўн кундан кечикмасдан** моддий ва ишониб берилган мулкни топширганидан кейин, хизмат жойига **сафарбар** қилиниши лозим, **ҳодим навбатдаги таътилда** ёки **даволанишда** бўлган ҳоллар бундан **мустасно**.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **олий таълим муассасаларига**, шу жумладан **касбий тайёргарлик факультети**, ва **магистратурага ўқишга кирган ходимлар** эгаллаб турган лавозимларидан **озод этилади** ва тингловчилар сафига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)ни ўтказиш, тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ички ишлар органларида **раҳбар лавозимларни қуйидаги мақсадларда** тенг лавозимга, жумладан бошқа туман (шаҳар, вилоят) ёки таркибий тузилмага, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида **уч йил ишлаганидан сўнг**, **ротация тартибда** ўтказилиши мумкин:

- эгаллаган ходимлар фаолиятининг самарадорлигин ошириш;
- коррупция ва ваколатлар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш;
- шахсий таркиб орасида соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида ходимлар амалий хизмат стажини ва касбий тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда;

Ходимларни ички ишлар органлари ихтиёрида қолдириш ва ротация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

## 5-боб. Ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа таълим муассасаларида, шунингдек халқаро шартномалар асосида хорижий давлатлар таълим муассасаларида амалга оширилади.

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларига ўқишга кирган фуқаролар билан (тўлов-контракт асосида ўқишга кирганлар бундан мустасно) **ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида** ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари ҳақида белгиланган тартибда **шартнома** тузилади.



- ✓ Ходимни **махфий ҳужжатлар** билан ишлаши белгиланган лавозимга тайинлашда унга давлат сирини ташкил қилувчи маълумотларга ўрнатилган тартибда **рухсатнома расмийлаштириш** жараёни амалга оширилади.
- ✓ Давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга **рухсатномаси бўлмаган ходимни махфий ҳужжатлар** билан ишлаши белгиланган лавозимга тайинлашга **йўл қўйилмайди**.
- ✓ Ходим ўрнатилган тартибда давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга **рухсатномадан махрум қилинганда** эгаллаб турган лавозимидан **озод этилади** ва **махфий ҳужжатлар** билан ишлаш талаб этилмайдиган **лавозимга ўтказилади**.

Шартнома шартлари ҳамда унинг бажарилмаслиги сабабли моддий жавобгарлик ҳақида номзод (шунингдек унинг ота-онаси) ўқишга киргунига қадар дастлабки танлов даврида ёзма равишда **огоҳлантирилади**.

Шартнома ўқишга кирган фуқаролар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги номидан таълим муассасалари томонидан, хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга юбориладиганлар билан эса — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тузилади.

Шартнома тузишни рад этган фуқаролар мазкур таълим муассасаларига қабул қилинмайди.

Агар курсант (ходим) томонидан шартнома шартлари бажарилмаса ундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ўқишига сарфланган маблағлар қонунга мувофиқ ундирилади.

Хизматга қабул қилинган фуқаролар (курсантлар ва махсус касбий тайёргарлик курслари тингловчилари бундан мустасно) **мажбурий тартибда уч ой муддатли бошланғич касбий тайёргарликдан** ўтадилар.

Ходим бошқа турдаги касбий фаолият билан боғлиқ лавозимга тайинланганда ёки уни янги йўналишлар бўйича тайёрлаш зарур бўлганида **қайта тайёргарликдан** ўтиши шарт.

Ходимлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув марказида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган дастурлар асосида **малака оширадilar**.

Ходим махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда ҳаракатланишига касбий ярқилиги бўйича ҳар йилги текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли **сертификат** берилади.



Ходимларни махсус касбий (бошланғич) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек хизмат ўташ вақтида хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтишини ташкил қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

### 3-ўқув саволи. “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-12 бобларининг мазмун моҳияти.

#### 6-боб. Ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи

Кадрлар захирасига киритилган ходимларнинг лавозими ўзгарган (бошқа лавозимга тайинланган, лавозимдан озод қилинган, ўқишдан четлаштирилган), рағбатлантирилган, шунингдек интизом бузган тақдирда улар фаолият кўрсатаётган давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар, таълим муассасалари раҳбарлари бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини ёзма равишда хабардор қилади.

Кадрлар захирасига киритилган ходимларни давлат мукофотига тавсия этиш, ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг белгиланган чегарадаги ёшига тўлганида хизмат муддатини узайтириш улар фаолият олиб бораётган давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар, шунингдек таълим муассасалари раҳбарларининг тақдимномасига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Кадрлар захирасига киритилган ходимларга махсус унвонлар қуйидаги тартибда берилади:**

- «подполковник» махсус унвонигача
- «подполковник» унвони ҳам

Кадрлар захирасига киритилган ходимларга таътиллари, шунингдек хорижий давлатларга боришлари учун рухсатномаларни расмийлаштириш, ходимлар фаолият олиб бораётган давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар, таълим муассасалари раҳбарларининг рухсати билан амалга оширилади.



**Кадрлар захирасига киритилган ходимлар** хизматни ўташ тартиби билан боғлиқ ўзгаришлардан хабардор бўлишлари, лавозими ўзгарганида (бошқа лавозимга тайинланганида, лавозимдан озод этилганида, ўқишдан четлаштирилганида), мукофотланганида, интизом бузилишига йўл қўйганида, **шунингдек ўзларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганида** Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигига ёзма равишда ахборот** бериши шарт.

Кадрлар захирасига киритилган ходимлар никоҳдан ўтганида, оиласи таркибида бошқа ўзгаришлар бўлганида, қариндошларига (ота-она, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ўғил-қизлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) **нисбатан жиноят иши қўзғатилганида уч иш куни муддати ичида**, меҳнат таътили ёки хизмат сафарига бўлганида эса таътил ва сафар тугаши билан дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёзма равишда **хабар берадилар**.

Кадрлар захирасига киритилган ходимлар хизмат мажбуриятларни бажариш (ўқиш) **муддати якунланганидан сўнг**, давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида, қарорига, фармойишига, шунингдек розилигига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга тайинланган, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан бошқа давлат органларининг таълим муассасаларига ўқишга юборилган ходимлар эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасига (бундан буён матнда — кадрлар захираси) киритилиши мумкин.

Кадрлар захирасига киритилган ходимлар хизмат мажбуриятларни бажариш (ўқиш) муддати якунланганидан сўнг, давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар, шунингдек таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига қайтариб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қайтган ходим Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан кадрлар захирасидан чиқарилади ва **илгариги, унга тенг ёки юқори** лавозимга **тайинланади**.

Интизом бузиши ва бошқа салбий сабабларга кўра давлат органлари ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотлардаги лавозимидан озод этилиб, шунингдек ўқишдан четлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қайтариб юборилган ходимни лавозимга тайинлаш ёки хизматдан бўшатиш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кадрлар захирасига киритилган ходимлар таълим муассасаларини тамомлаганидан сўнг, ўқиш даврида олган маълумоти ва мутахассислигига ҳамда амалий иш тажрибасидан келиб чиқиб лавозимга тайинланади.

Хизматда бўлишнинг **белгиланган чегара ёшига етган ёки хизматни давом эттириш истаги бўлмаган ходимлар**, кадрлар захирасига киритилгунига қадар эгаллаган лавозими бўйича мазкур Низомга мувофиқ хизматдан бўшатилади.

### 7-боб. Аттестация ўтказиш

**Ички ишлар органларида аттестация** ходимларнинг билим даражасини, ишга муносабатини, касбий тайёргарлигини, эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини ҳолисона баҳолаш, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги даражасини аниқлаш, шунингдек хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши чоғида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадларида **ўтказилади**.





## Қуйидаги ходимлар навбатдаги аттестациядан ўтмайдилар:

- ✚ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганлар;
  - ✚ эгаллаб турган лавозимида бир йилдан кам муддат хизмат қилганлар;
  - ✚ хизмат сафаридида, даволанишда (ички ишлар органлари тиббиёт муассасаларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган ҳолда) ва малака оширишда бўлганлар;
  - ✚ кадрлар захирасига киритилганлар. Ушбу тоифадаги ходимлар кадрлар захирасидан чиқарилиб, ички ишлар органларидаги лавозимга тайинланган кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан сўнг умумий тартибда аттестациядан ўтадилар;
  - ✚ ҳомиладорлик, туғиш ва бола парваришlash таътилида бўлганлар. Бола парваришlash таътилида бўлган ходимлар хизмат вазифаларини бажаришга киришганларидан сўнг камида бир йил ўтганидан сўнг аттестациядан ўтадилар.
- Аттестация ошкоралик, талабчанлик, принципиаллик ва хайрихоҳлик вазиятида ўтиши лозим.

### 8-боб. Таътилар

#### Ходимларга қуйидаги таътилар бериледи:

Шунингдек, ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича таътилар ҳам берилиши мумкин.

**Ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклашлари учун** таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ **уч календарь кундан ошмайдиган** вақт қўшилган (байрам кунлари ҳисобга олинмаган, лавозими ва пул таъминоти сақланган) ҳолда давомийлиги **ўттиз календарь кун бўлган ҳар йилги** асосий таътил бериледи.

**Асосий таътил** ходимларга биринчи хизмат йили учун **камида олти ой** ишлаганидан **сўнг бериледи**.


Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири асосий таътилни ходим **дастлабки синов муддатини ўтаганидан сўнг**, хизматининг **биринчи йилининг исталган даврида** бериш ҳуқуқига эга.

**Ходимнинг белгиланган хизмат муддатини ўтагандан кейин ҳар йилги асосий таътилига қўшимча равишда календарь ҳисобида давомийлиги қуйидагича бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериледи:**

Ҳар йилги асосий таътил даврида ходим ички ишлар органларининг тиббиёт муассасасида **вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги варақаси** очилган ҳолда даволанганида таътил ушбу муддатга узайтирилади.

**Фавқулодда ҳолатлар даври** белгиланган, **табiiй офат ҳудуди** деб эълон қилинган ёки уларга **тенглаштирилган жойларда** хизмат ўтаган ходимларга улар **фойдаланмаган ҳар йилги асосий таътил** уларнинг хоҳишига **кўра кейинги йилги асосий таътилга** қўшиб бериледи.


#### Ходимларга қуйидаги таътилар бериледи:



Ходимлар ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларига ўтказилган тақдирда, уларнинг фойдаланилмай қолган ҳар йилги асосий таътили янги хизмат жойи бўйича берилади.

**Ходимга йилига бир маротаба** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ҳар йилги асосий таътилни ўтказадиган жойига, шунингдек санаторий-курортларда даволаниш жойларига бориши ва қайтиши учун сарфлаган **йўл харажатлари тўлаб берилади.**

Ходимларга ҳар йилги асосий таътил хоҳишига кўра **икки қисмга бўлиб** берилиши мумкин. Бунда таътилнинг **бир қисми ўн беш** иш кундан кам бўлмаслиги керак. Ушбу ҳолда таътил гувоҳномаси таътилнинг ҳар бир қисми учун алоҳида расмийлаштирилади.



Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ва тартибда берилади.

Ходимга қонун ҳужжатларига мувофиқ **бола уч ёшга тўлгунига қадар** уни парваришlash учун таътил берилади.

Болани парваришlash таътиллари муддати ходимнинг хизмат стажига (шу жумладан мутахассислиги бўйича хизмат стажига ҳам) қўшилади, лекин ҳаммасини жамлаганда **олти йилдан ошмаслиги** керак. Бунда хизмат муддати **ҳар бир кунни бир кунга** тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади.


**Ходимларга касаллиги бўйича таътилар** ҳарбий-тиббий комиссиянинг хулосаси асосида берилади. Ушбу таътилнинг давомийлиги касалликнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Касаллик сабабли таътилда бўлишнинг узлуксиз умумий муддати тўрт ойдан ошмаслиги лозим. Айрим касалликлар бўйича даволанишда бўлиш учун кўпроқ муддат талаб қилинган ҳолларда бу муддат тиббиёт муассасаси хулосаси асосида узайтирилиши мумкин.

Ходимлар касаллик бўйича таътилда узлуксиз бўлишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг, кейинги хизматга яроқлилигини ҳал қилиш учун ҳарбий-тиббий комиссияда гувоҳлантирилиши лозим.

Ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришда олинган ярадорлиги (контузия, жароҳатлар)ни даволашда бўлган даври маълум бир муддат билан чекланилмайди. Шахсларнинг мазкур тоифаси даволаниш тугагандан сўнг ҳарбий-тиббий гувоҳлантирилишидан ўтказилади.

**Касаллик сабабли берилган таътил ҳар йилги асосий таътил ҳисобига киритилмайди.**



Ходим хизматдан бўшатилаётганда, унга касаллиги сабабли таътил берилмайди.

Олий таълим муассасасига **кириш имтиҳонлари топшириш учун** рухсат олган ходимларга таълим муассасасига бориш ва у ердан қайтиш вақтини ҳисобга олган ҳолда **камида ўн беш календарь** куни давом этадиган ва пул таъминоти сақланмайдиган **таътил** берилади.

Ходимларга оиласидаги кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этиш, қариндошлик бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган, шунингдек бошқа узрли сабабларга кўра таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун вақт ҳисобга олинмаган, пул таъминоти сақланмаган ҳолда **ўн кунгача қисқа муддатли** таътил берилиши мумкин.

Ходимларга ҳар йилги асосий таътил жорий календарь йили давомида берилмаган бўлса, ушбу таътил кейинги йилнинг **биринчи чорагида** берилиши лозим.

Ходимни таътилдан фақат хизмат юзасидан **ўта зарур ҳоллардагина** ўзининг розилиги ва хизматга қабул қилиш ваколатига эга бошлиқнинг ёзма қарори билан **чақириб олишга йўл қўйилади**.

Таътилдан чақириб олинганида унинг **фойдаланилмай қолган қисми**, қоида тариқасида, **жорий йилда** берилади.

Агар ҳар йилги асосий таътилнинг **фойдаланилмаган қисми ўн кун** ва ундан **ортиқ бўлса**, ходимга таътил ўтказадиган жойига бориши учун **пул маблағи берилади**, аммо масофа уни чақириб олинган аҳоли пунктдан узоқ бўлмаслиги керак.

Бошқа асосларга кўра хизматдан бўшатилаётган ходимларга фойдаланилмаган ҳақ тўланадиган асосий ва қўшимча таътиллار учун **пул компенсацияси** тўланади.

Ходимларга таътиллار бериш, таътилдан чақириб олиш, шунингдек уларни муддатларини ҳисоблаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

**144-банди «а», «б», «в», «г», «д» ва «е» кичик бандлари бандлари асосида хизматдан бўшатилаётган ходимларга ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилинган календарь йили учун ҳақ тўланадиган ҳар йилги асосий ва қўшимча таътиллари берилади:**



## 9-боб. Ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя

Ходим томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонун асосида амалга оширилган бўлса, бунда у жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. Ходимларнинг жисмоний куч ишлатиши, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллашининг асослилиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш ёхуд буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш вақтида, шунингдек касб фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиш оқибатида зарар етказса, уни жавобгарликдан озод қилиш масаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига бўйсунди.

Қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким ходимнинг қонуний фаолиятига аралашиб, ходимни қонун билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Ходим ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти бўйича ҳеч қандай тушунтириш беришга, шунингдек уларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдорларини танишиб чиқиш учун тақдим этишга мажбур эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар ва тартиблар бундан мустасно.

**Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш қуйидагилар орқали таъминланади:**

- ✓ соғлиғини сақлаш;
- ✓ меҳнатига ҳақ тўлаш;
- ✓ уй-жой майдони билан таъминлаш;
- ✓ мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- ✓ хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- ✓ давлат пенсия таъминоти;
- ✓ давлат суғуртаси;
- ✓ ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- ✓ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар.

Хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, юксак маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган, шунингдек ўз фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга ҳар ойлик қўшимча тўловни назарда тутувчи «учинчи тоифа мутахассиси», «иккинчи тоифа мутахассиси», «биринчи тоифа мутахассиси» ва «уста» малака тоифалари берилади.

Малака тоифаларини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ходимлар хизматга қабул қилинган кундан бошлаб **ўн кун ичида** Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан давлат томонидан **мажбурий суғурта қилинади**.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга ажратиладиган қисми ҳисобидан ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда ходимларни **қуйидаги шаклларда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари таъминланади:**

- **бетоб ходимлар даволаниши учун** — пул таъминотининг беш бараваригача бўлган миқдорда **бир марталик** моддий ёрдам бериш;
- ходимларнинг бетоб яқин қариндошларини (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) **операция қилдириш**, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик



маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз бараваригача** бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;

- **санаторий-курорт** муассасаларида даволаниш ва дам олиш учун — пул таъминотининг **икки баравари миқдори**гача моддий ёрдам бериш;

- **уй-жойга эга бўлиш** ёки яшаш шароитини яхшилаш учун — беш йилдан ошмайдиган муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг **минг бараваридан ошмайдиган миқдорда** фойсиз қарз бериш;

- ички ишлар органларида амалий хизмат стажи **10 йилдан ортиқ** бўлган, хизматда самарали натижаларга эришган ходимларга мамлакатда ишлаб чиқарилган енгил **автотранспорт воситаларини сотиб олиш** учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **300 бараваридан** ошмаган миқдорда **3 йил муддатга** Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида **қарз бериш**;

- **тўйлар ва дафн маросимларини ўтказиш учун** — пул таъминотининг **икки бараваригача** бўлган миқдорда **бир марталик** моддий ёрдам бериш;

- пул мукофоти ёки қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш.

### 10-боб. Хизмат ўташ режими

**Ходимларнинг ҳафталик иш вақти қирқ соатдан** ошиши мумкин эмас, зарур бўлган ҳолларда эса улар кучайтирилган ёки суткалик режимда хизмат ўташга жалб этилишлари мумкин.

Одатдаги хизмат ўташ режими **олти кунлик иш ҳафтаси** ўрнатилишини назарда тутаяди, бунда кунлик иш давомийлиги **етти соатдан**, беш кунлик иш ҳафтасида эса – саккиз соатдан ошмаслиги керак.

**Кучайтирилган режим** кунига иш вақтидан ташқари давомийлиги **тўрт соатдан ошмайдиган** хизмат белгиланишини назарда тутаяди.

**Суткалик режим уч маҳал** овқатланиш ҳамда **камида саккиз соат дам олиш** учун вақт берилган ҳолда **йигирма тўрт соат** давомидан хизмат ўташни назарда тутаяди.



Суткалик режим хизмат ўташ чоғида ходимларга уларнинг хоҳишига кўра хизмат ўташ жойида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбий хизматчилари учун белгиланган **умумқўшин паёғи нормалари** доирасида белгиланадиган озик-овқат паёғи учун бериладиган компенсация ўрнига уч маҳал бепул овқат берилиши мумкин, ўз хизмат вазифаларини доимий равишда суткалик навбатчилик асосида бажарадиган ходимлар бундан мустасно.

**Кучайтирилган ёки суткалик режим** жорий этилиши муносабати билан иш соатлари (кунлари)нинг белгиланган нормалари оширилганлиги эвазига ходимга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда **пул компенсацияси тўланади** ёки **дам олиш кунлари** (отгуллар) берилади ёхуд бу кунлар унинг ҳар йилги асосий таътилига қўшилади.

Кучайтирилган ва суткалик режимни жорий этиш ҳамда бекор қилиш, шунингдек ходимларни жанговар ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.

Дам олиш ва байрам кунлари хизмат вазифаларини бажаришга жалб этиладиган ходимларга ҳафтанинг бошқа кунларида дам олиш куни берилади.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари **суткалик нарядининг** хизмати **йигирма тўрт соатга** мўлжаллаб ташкил этилади.

Навбатчилик вақтида ички ишлар органлари навбатчилик қисми ходимларига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун умумий давомийлиги **уч сменалик** режимда — **олти соат**, **тўрт сменалик** режимда — **тўрт соат** давом этадиган танаффуслар берилади.

Смена тугагач, ички ишлар органлари навбатчилик қисмларининг ходимлари ҳамда хизмат вазифаларини суткалик навбатчилик режимида доимий бажарувчи бошқа ходимларга белгиланган тартибда дам олиш берилади.



Ички ишлар органларида асосий хизмат вазифаларига қўшимча равишда **суткалик режимда** навбатчиликка тушган ходимларга навбатчилик тугаганидан сўнг, камида **24 соат давом этадиган дам олиш вақти** берилади.

Ички ишлар органлари хизмат фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган кун тартиби ишлаб чиқилади.

### **11-боб. Хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш**

#### **Ходим қуйидаги асосларга қўра хизматдан бўшатилади:**

- а) ўзининг хоҳиши (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганларга) — ходимнинг билдиргиси асосида;
- б) хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганлиги;
- в) пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги — ходимнинг билдиргиси асосида;
- г) ташкилий-штат ўзгаришлари;
- д) касаллиги – ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида;
- е) соғлиғининг чекланганлиги ҳолати – ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида;
- ж) дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги;
- з) малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги – аттестация натижалари асосида;
- и) хизмат интизомини кўпол равишда бузганлиги;
- к) ички ишлар органи ходимининг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги;
- л) содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги;
- м) ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги;
- н) бошқа турдаги давлат хизматида ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритмасдан);
- о) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги;
- п) ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаганлиги.

Юқсак касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлиғининг ҳолатига қўра хизматни ўташга яроқли ходимларнинг хизмат муддати ўзининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда **беш йилгача**, бошлиқлар таркибидаги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида **профессор-ўқитувчилик** лавозимларини эгаллаб турган ва **илмий даражага** эга бўлган шахсларнинг эса — **ўн йилгача** бўлган муддатга **узайтирилиши** мумкин.

#### **Қуйидаги ҳолларда ходимларнинг хизматдан бўшатилишига йўл қўйилмайди:**

- ✓ тиббиёт муассасаларида даволанишда бўлганида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз деб топилганда;
- ✓ таътилда ёки хизмат сафарида бўлганда;
- ✓ асирга ёки гаровга олинганида (ўз ихтиёри билан асирга ёки гаровга тушиш ҳоллари бундан мустасно).

Ходимга нисбатан **тергов ҳаракатлари** олиб борилаётган, судда қўрилаётган жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилинмаган ёки суд ҳукми қонуний кучга кирмаган бўлса, у хизматдан **бўшатилиши мумкин эмас**.

Ходим юқори турувчи мансабдор шахсларга хизматдан бўшатилиши юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**Хизматдан бўшашга қарор қилган ходим** бўшашни режалаштирган кундан камида **икки ой аввал** ички ишлар органининг бошлиғига билдирги билан мурожаат этади.

**Ходимларнинг хизматдан бўшатилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

«подполковник» махсус унвонига, шу жумладан «подполковник» унвони ҳам, — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ёки хизматга қабул қилиш ваколатига эга бошлиқнинг буйруғи билан;

«полковник» ва ундан юқори махсус унвонлардаги ходимлар — белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан.

Ходимнинг хизмат муддати календарь ҳисобда **йигирма йилга етганидан сўнг**, ўтаган хизмат муддати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро шартномаларга мувофиқ), Ўзбекистон Республикасининг олий-ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматни ўташ давлари киради.

Ушбу ҳолда ходимга пенсия тайинлашда унинг календарь тарзда ҳисобланадиган хизмат муддатига қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган имтиёзли ҳисобланадиган хизмат муддати қўшилади.

Пенсия олиш ҳуқуқини берувчи хизмат муддатини ўтамаган, ушбу Низомнинг **144-банди «б», «г», «д» ёки «е» кичик бандларига** мувофиқ хизматдан бўшатилаётган ходимлар бўшаш кунда **умумий иш стажини йигирма беш ва ундан ортиқ йилни** ташкил этган, улардан камида **ўн икки йил олти ойи** ички ишлар органлари хизматига тўғри келганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Ходимлар ҳалок бўлганлиги** (вафот этганлиги), **бедарак йўқолган** деб топилганлиги ёки **вафот этган** деб эълон қилинганлиги сабабли ички ишлар органлари шахсий таркиби **рўйхатидан ўчирилади**.

Бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш тўғрисидаги **суднинг қарори бекор қилинганда**, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиллиши оқибатида шахсий таркиб рўйхатидан ўчирилган шахсни ходим сифатида қайта шахсий таркиб рўйхатига киритиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг қарори асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг **144-банди «л» кичик бандига** асосан ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш шахсларни хизматга тиклаш суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори ёки Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг қарори асосида амалга оширилади.

Қолган барча асосларга кўра ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш шахсларни хизматга тиклаш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири қарори билан амалга оширилади.

Тикланиши лозим бўлган шахсларни шахсий таркиб рўйхатига киритиш ва лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири қарори билан амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг **155-бандида** назарда тутилган шахслар бўшатишгандан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори чиқарилганидан бошлаб **бир ой муддатда** хизматга тиклаш ҳақида ички ишлар органларига мурожаат этишлари лозим.

Хизматга тиклаш шахсни бўшатишгандан кундан тикланган кунга қадар бўлган оралиқ даври учун навбатдаги махсус унвон бериш, фоизли кўшимча ҳақ тўлаш ва пенсия тайинлаш учун хизмат йилларини ҳисоблашда хизмат стажига кўшиб ҳисоблаш шарт билан аввалги махсус унвони, эгаллаб турган лавозими, бунинг имкони бўлмаса, унга тенг ёки бошқа лавозимга тайинлаш орқали амалга оширилади.


Хизматдан бўшатишгандан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кундан **бир ой муддат ўтгандан кейин** ички ишлар органига мурожаат этса, мурожаат қилиш муддатидан кейинги давр навбатдаги **махсус унвон бериш, фоизли кўшимча ҳақ тўлаш ва пенсия тайинлаш** учун хизмат йилларини ҳисоблашда **узлуксиз хизмат стажига кўшиб ҳисобланмайди**.

Агар шахс бир ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда ушбу муддат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тикланиши мумкин.



Хизматга тикланаётган шахсга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш суднинг қарори асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Хизматга тикланган ходимларга пенсия тайинлаш учун хизмат йилларини ҳисоблаш чоғида ҳисобга олинмаган хизмат стажига ҳисобида қўшилади:**



Хизматга тикланган ходимларга навбатдаги махсус унвон бериш, фоизли қўшимча ҳақ тўлашда хизмат йилларига бўшатиладиган кейинги даври **бир кун бир кун** ҳисобида қўшилади.

Ушбу Низомнинг **144-банди «в», «г», «е» ва «н» кичик бандларига** мувофиқ хизматдан бўшатиладиган ходимлар махсус унвонни тиклаган ҳолда хизматга қайта қабул қилиниши мумкин.

Ушбу Низомнинг **144-банди «а» кичик бандига** мувофиқ хизматдан бўшатиладиган ходимлар уларнинг ички ишлар органларидаги календарь ҳисобдаги **амалий хизмат стажини йилдан ортиқ бўлганда** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий ички ишлар органлари ва соҳавий хизматлари, таълим муассасалари бошлиқларининг асосланган тақдимномаларига асосан, шунингдек хизматдан бўшашига ўқишга кириши сабаб бўлган ҳолларда хизматга қайта қабул қилиниши мумкин.

Давлат ҳокимияти органларида тайинланганлиги муносабати билан хизматдан бўшатиладиган ва тайинланган лавозими бўйича ваколат муддати тугаганлиги сабабли хизматга қайта қабул қилинган ходимларнинг ушбу органлардаги меҳнат фаолияти даври, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ички ишлар органларидаги умумий хизмат муддатига қўшилиб, **бир кун бир кунга** ҳисобланади.

Ички ишлар органларида хизмат ўтаётган, шу жумладан кадрлар захирасида бўлган ходимларга хизмат муддати, агар қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, имтиёзли равишда — **бир кун бир ярим кунга** тенглаштириб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа хорижий давлатлар (Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ юборилган тақдирда) олий таълим муассасаларида, жумладан касбий тайёргарлик факультетида ва магистратурада кундузги таълим ўқиш даври **бир кун бир кунга** ҳисоблаган ҳолда хизмат муддатига қўшилади.

**Алоҳида даврда** жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операциялар ўтказишда, фавқулодда ҳолат тартибини ҳуқуқий таъминлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этган, шунингдек ушбу ҳаракатларда иштирок этиши давомида олган ярадорлиги, контузияси ва жароҳатланганлиги оқибатида тиббий муассасада бўлган ходимлар ушбу даврдаги хизмат муддати пенсия тайинлаш учун **хизмат йилларини** ҳисоблаш чоғида **бир кун уч кунга** тенглаштирилиб ҳисобланади. Ходимларнинг алоҳида даврда жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операцияларда, фавқулодда ҳолат режимини ҳуқуқий таъминлашда ва унинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлиги ва муддатлари ҳақида ваколатли бошлиқ буйруқ чиқаради, буйруқдан кўчирма уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларига қўшилади.





## 12-боб. Яқунловчи қоидалар

Мазкур Низом асосида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ички ишлар органларининг айрим бўлинмаларида хизмат ўташнинг бошқа тартиби ва шартлари белгиланиши мумкин.

Фуқароларни ички ишлар органларидаги ишчи ва хизматчилар лавозимига ишга қабул қилиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби меҳнат фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ички ишлар органлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнат муносабатлари меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хизмат ўташнинг ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалари қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413 сон қарорни тўлиқ ўқиб конспектлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10 сонли қарорини ва унинг иловаларини ўзлаштириб ёдлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 20.02.2023 йилдаги №75-сонли буйруқини ўқиш ва белгиланган тартибда конспектлаштириш.


### 3.2-Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу амалий машғулоти «**Блиц-сўров**» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулоти тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



## *Ўқув машғулотнинг саволлари:*

**Савол:** Ички ишлар органларидаги хизмат деганда нима тушунаси?

**Жавоб:** ички ишлар органларидаги хизмат деганда - давлат хизматининг тури бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини бўйича вазифаларни амалга оширишдан иборат.

**Савол:** Ички ишлар органларида хизматни ўташни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни айтиб ўтинг?

**Жавоб:** Ҳуқуқий асослар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 август “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-118-сон қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-10-сонли қарори:**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 354-сон қарори;

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи;

9. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 1 октябрдаги “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 404-сонли буйруғи.

**Савол:** Ички ишлар органларида хизматни ўташ қайси тартибларни ўз ичига қамраб олган?

**Жавоб:** Ички ишлар органларида хизматни ўташ қуйидаги тартибларни ўз ичига қамраб олган:

- хизматга қабул қилиш;
- махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш;
- лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация;
- ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи;
- аттестация ўтказиш;
- таътилар бериш;
- ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- хизмат ўташ режимини таъминлаш;
- хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш

**Савол:** Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш деганда нима тушунаси?

**Жавоб:** Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш деганда, муайян тартибда фуқароларни ички ишлар органлари тизимига ишга ёки ўқишга қабул қилишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

**Савол:** Ички ишлар органларидаги хизматига қабул қилиш деганда нима тушунаси?

**Жавоб:** Ички ишлар органларидаги хизматга танлов асосида, ихтиёрий тартибда ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, тегишли маълумотга эга, шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

**Савол:** Ички ишлар органларидаги лавозимларига қандай тартибда жамланади:

**Жавоб:** Ички ишлар органларидаги лавозимлар қуйидагича жамланади:  
офицерлар таркиби — олий маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан;

сержантлар таркиби — олий маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетини ёки Мудофаа вазирлигининг Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан;

сафдорлар таркиби — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари, профилактика инспекторларининг ёрдамчилари, шунингдек, олий маълумотга эга ёки сиртқи таълим шаклида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан.

**Савол:** Ички ишлар органлари ходими деганда нима тушунаси?

**Жавоб:** Ички ишлар органлари ходими - Ички ишлар органларида хизмат қилаётган, махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

**Савол:** Ички ишлар органлари ходимларининг кийимлари нечта турга бўлинади?

**Жавоб:** Ички ишлар органи ходимлари тантанали, кундалик, дала ва маҳкама хизмат кийимларига эга

**Савол:** ИИО ходими хизматдан ташқари вақтда нималарга мажбур

**Жавоб:** ИИО ходими хизматдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:  
жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига амал қилиши, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши;

ички ишлар органларининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши;

дабдабозлик, шўхратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслиги;

хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оила аъзолари, таниш-билишлари ёки хизматга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслиги;

ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этмаслиги шарт

**Савол:** Ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда нимани тушунаси?

**Жавоб:** Ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:

\* лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;

\* хизматни (жанговар хизматни) ўташ;

\* хизмат сафарига ёки даволанишда бўлиш;

\* кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли ички ишлар органлари (ҳарбий қисм) ҳудудида бўлиш;

\* хизмат, даволаниш жойига бориш ёки улардан қайтиш;

\* йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этиш;

\* асирликда (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно) бўлиш, гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш;

\* бедарак кетиш – ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар;

\* шахсининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар;

\* қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш;

\* суд томонидан ходимнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.

**Савол:** Махсус унвон нима сабабдан берилади ва махсус унвонни турларини айтиб беринг?

**Жавоб:** Махсус унвон ходимнинг хизмат мажбуриятларига муносабати, ўтаган хизмат йиллари ва эгаллаган лавозимини инobatга олган ҳолда яқка тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни ва “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ ички ишлар органларининг оддий ходимлар ва бошлиқлар таркибидаги лавозимларига тайинланган ходимларига қуйидаги махсус унвонлар берилади:

**сафдорлар таркибига** – сафдор;

**сержантлар таркибига** – кичик сержант, сержант, катта сержант;

**офицерлар таркибига:**

а) кичик офицерлар таркиби – лейтенант, катта лейтенант, капитан;

б) катта офицерлар таркиби – майор, подполковник, полковник;

**генераллар таркиби** – генерал - майор, генерал-лейтенант, генерал - полковник.

**Савол:** Ички ишлар органларининг махсус унвонда хизмат ўташ муддатларини айтиб ўтинг?

**Жавоб:** Ички ишлар органларининг махсус унвонда хизмат ўташ муддатлари қуйидагича белгиланади:

«сафдор» — муддатсиз;

«кичик сержант» — икки йил;

«сержант» — икки йил;

«катта сержант» — муддатсиз;

«лейтенант» — икки йил;

«катта лейтенант» — икки йил;

«капитан» — уч йил;

«майор» — тўрт йил;

«подполковник» — беш йил.

«Полковник» ва ундан юқори махсус унвонларда хизмат қилиш муддатлари белгиланмайди.

**Савол:** Ички ишлар органлари ходимларга махсус унвонларни бериш муддатлари қайси ҳолларда кечиктирилиши мумкин?

**Жавоб:** Ички ишлар органлари ходимларга махсус унвонларни бериш муддатлари қуйидаги ҳолларда кечиктирилиши мумкин:

- ходим ички ишлар органлари ихтиёрида бўлганда (бола парваришлаш таътили берилган ходимлар бундан мустасно);
- ходимда амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлганда;
- ходим аттестациядан шартли равишда ўтганида;
- ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;
- интизомий жазо тариқасида эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва бошқа лавозимга ўтказилган тақдирда — лавозимидан озод этилган кундан бошлаб, бир йил давомида.

**Савол:** Ички ишлар органлари ходимлари қайси асосларга кўра хизматдан бўшатилади?

**Жавоб:** Ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги асосларга кўра хизматдан бўшатилади:

а) ўзининг хоҳиши (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганларга) – ходимнинг билдиргиси асосида;

б) хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганлиги;

в) пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги – ходимнинг билдиргиси асосида;

г) ташкилий-штат ўзгаришлари;

д) касаллиги – ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида;

е) соғлиғининг чекланганлиги ҳолати – ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида;

ж) дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги;

з) малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги – аттестация натижалари асосида;

- и) хизмат интизомини кўпол равишда бузганлиги;
- к) ички ишлар органи ходимнинг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги;
- л) жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги;
- м) ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги;
- н) бошқа турдаги давлат хизматида ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритмасдан);
- о) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги;
- п) ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаганлиги.

**Савол:** Ходимни лавозимдан лавозимга ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?

**Жавоб:** Ходимни лавозимдан лавозимга ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

юқори лавозимга — хизмат бўйича кўтарилиш ёки рағбатлантириш тартибида;  
 тенг лавозимга — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), оилавий шароитга кўра, суд қарори асосида лавозимдан четлаштириш ёки бўш лавозимларни жамлаш зарурияти юзага келганида ходимнинг касбий ва шахсий хислатларини инobatга олиб, унинг эгаллаб турган лавозимидаги амалий тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида;

паст лавозимга — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), аттестация тартибида эгаллаб турган лавозимга нолойиқ деб топилганида, интизомий жазо чораси сифатида эгаллаб турган лавозимдан озод этилганда, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида ёки суд қарори асосида лавозимдан четлаштирилганлиги сабабли тенг лавозимга ўтказиш имконияти бўлмаганида.

**Савол:** Қайси ҳолатларда ички ишлар органлари офицерлар таркиби ходимларининг махсус унвонларини интизомий жазо тариқасида бир поғона пасайтириш мумкин?

**Жавоб:** Ички ишлар органлари офицерлар таркиби ходимларининг махсус унвонларини интизомий жазо тариқасида бир поғона пасайтириш мумкин. Жумладан:

- ✧ Бунда унвон «лейтенант» махсус унвонигача пасайтирилади.
- ✧ «Подполковник» ва ундан паст махсус унвонларни пасайтириш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан амалга оширилади.
- ✧ «Полковник» махсус унвони Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда пасайтирилади.
- ✧ Махсус унвони пасайтирилган ходимнинг аввалги унвони, эгаллаб турган лавозимдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан унвонини пасайтиришни тавсия этган бошлиқнинг (ёки унга тенглаштирилган бошлиқнинг) ёхуд юқори лавозимдаги бошлиқнинг тақдимномаси бўйича тикланиши мумкин.
- ✧ Генераллар таркиби ходимларнинг махсус унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан пасайтирилади ва тикланади.

### 3.3-МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТ ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ КОДЕКСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

##### Режа:

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятининг ҳуқуқий асоси.

**2-ўқув савол.** Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятини таъминлашда белгиланган қоида ва талаблар.

**3-ўқув савол.** Ички ишлар органларининг ходимларнинг ўзаро муносабати, касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш тартиби.

#### **1-ўқув савол. Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятининг ҳуқуқий асоси.**

Ички ишлар органларининг қасамёдига содиқ қолган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаган махсус унвонга эга бўлган ва формали кийим-бош наъмуналарини кийган, шунингдек, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ҳамда касбий маданиятга ва хизмат интизоми қоидаларига биринчи кундан токи нафақага чиққунга қадар риоя этган ички ишлар органлари ходими деган номига доғ тушурмаган ҳар бир ходим хизмат мажбуриятини ва вазифаларини бажариб фуқароларни ишончини оқлаган юрт посбонлари, бугунги кунда давлат раҳбарининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

**Маданият** — жамият, инсон ижодий **куч** ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади.

#### **Маданият моддий ва маънавий маданиятга бўлинади:**

- моддий маданият - моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ҳамда унинг натижалари (меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, **алоқа** воситалари ва б.)ни ўз ичига олади.

- маънавий маданиятга - онг, **маънавият** соҳалари киради (билим, ахлоқ, таълимтарбия, ҳуқуқ, фалсафа, этика, эстетика, фан, санъат, адабиёт, мифология, **дин** ва бошқа).

**Интизом** — кишилар, жумладан, **меҳнат жамоаси** аъзоларининг жамиятда таркиб топган **ҳуқуқ** ва **ахлоқ** меъёрларига, шунингдек, бирон-бир ташкилот талабларига жавоб берадиган муайян ҳуқ-атвор ва ўзини тутишга оид тартиб қоидалар.

Интизом одамларнинг биргалиқда яшаши ва **фаолият** юритишини маълум бир тартибга солиб туради. Бунга эса мазкур ижтимоий меъёрлар ва қонун қоидаларни ўзлаштириш, шу билан бирга зарур бўлганда ахлоқий, ҳуқуқий ва **маъмурий жавобгарлик** ва **жазо** чораларини қўлланиш йўли билан ҳам эришилади.

#### **Интизомнинг қуйидаги турлари мавжуд:**

- ички интизом (шахснинг ўзини-ўзи интизомлилиқ руҳида тарбиялаши);
- ҳамма учун умумий интизом (хусусан, **давлат** интизоми);
- махсус интизом — муайян ташкилот аъзолари ёки маълум тоифадаги кишилар учунгина белгиланган интизом (масалан, **меҳнат** интизоми, ҳарбий интизом каби).

Мазкур келтириб ўтилган тарифлар ва турларини инобатга олиб ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми деганда – ходим хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизом талабларига, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларига риоя этган, шунингдек, хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, чуқур масъулият ва ташаббускорлик ҳисси билан ёндашган, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғуси шаклланган, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларидан ўзини тийган ва уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллашга қаратилган фаолият йиғиндиси.

## **Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сонли қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги ПФ-1571-сонли фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Интизомий” низоми тасдиқланган.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий маданият ва хизмат интизомига риоя этиши билан боғлиқ бўлган тартиб, қоидалар ҳуқуқий нормалар билан белгиланган. Мазкур қоида ва тартибларга тўхталашдан олдин ички ишлар органлари ходими тўғридан-тўғри нимаган мажбурлигини англаб олиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуннинг 28-моддасида ходим ўз мажбуриятларини хизмат вақтида ва хизматдан ташқари вақтларда бажариши лозим бўлган чоралар тўғрисида тўхталган.

Хусусан, ички ишлар органи ходими эгаллаган лавозими, турган жойи ва вақтидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бошлиғининг (командирининг) буйруғига биноан исталган вақтда хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиши ҳамда қуйидаги чораларни кўриши шарт:

- жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

- одамларни кутқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ҳодиса жойини кўриқлаш ҳамда унга фуқаролар ўзларининг шахсий хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан мурожаат қилган ёхуд бевосита ўзи шундай воқеаларга дуч келган тақдирда энг яқиндаги ички ишлар органлари бўлинмасига хабар бериш.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган давлатимиз томонидан иштимой-иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатларни такомиллаштириб, янгилаб ҳамда яхшилаб бориш билан бир қаторда ички ишлар органлари ходимларини фаолиятига алоҳида этибор берилиб келмоқда, хусусан ички ишлар органларини аҳолининг ишончли химоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори қабул қилинди.**



### Мазкур қарор асосида қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси;
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий- маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом;
3. Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар “Йўл харитаси”;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳужжати тасдиқланди.

Қарорга асосан тасдиқланган ҳужжатлардан ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қабул қилишдан мақсад қуйидагилардан иборат. Жумладан:

ички ишлар органлари ходимларини **“Инсон қадри учун”** тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмасликка қаратилган.

### Қарорга кўра ИИВнинг қуйидаги таклифларига розилик берилди:

-ИИОида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган **дастлабки синов муддатини бир йил** этиб белгилаш;

-ҳудудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлигининг **академик лицейлари битирувчилари** учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриятнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» ва «Тезкор-қидирув фаолияти» таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, **200 нафаргача қўшимча** ҳар йиллик қабул квотасини киритиш.



-интизомий жазо тариқасида лавозимидан озод этилаётган ходимларни бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб, ўз йўналиши бўйича қуйи бўлинмаларга йўналтириш ёки малакасига баҳо берган ҳолда хизматга лойиқлигини аниқлаш мақсадида **аттестациядан ўтказиш** тартибини йўлга қўйсин;

-2023 йил якунига қадар мансаб лавозимларини юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда **«E-nomzod»** электрон ахборот тизимини яратиш;

-уч ой муддатда ички ишлар органларида малака тоифасини бериш тартиби ва мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда ходимларни касбий билимлари, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси, **ахборот технологияларидан фойдалана олиши** ҳамда **Кодекс** қоида ва талабларини ўзлаштирганлиги бўйича синовдан ўтказиш тизимини жорий этсин.






## **Келтириб ўтилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари ходимлари учун қуйидаги талаблар белгиланган:**

1. Ички ишлар органларининг ҳар бир ходими Кодексида белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий ҳисобланади;

2. Кодексида белгиланган қоида ва талабларга амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади;

3. Кодексидаги қоида ва талабларга амал қилмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш ходимни ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлиши белгиланди.



## **2-ўқув савол. Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизومي фаолиятини таъминлашда белгиланган қоида ва талаблар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизومي кодекси” ички ишлар органлари тизимида фаолият юритувчи ходимларга, шу жумладан, таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талабларни белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

Ушбу кодексда белгиланган қоида ва талаблар ходимларнинг хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, чуқур масъулият ва ташаббускорлик ҳисси билан ёндашиш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғусини шакллантириш, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир ходим ички ишлар органларида хизматга қабул қилинган кундан эътиборан, кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ҳамда сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланиб, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар, уларнинг барчасига бирдек таъсир қилади.

Шунингдек, кодекс қоидаларига амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади ҳамда шахсий важ ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва кодекс қоидалари бузилишига асос бўла олмайди.

Қабул қилинган кодекснинг тузилишига тўхталадиган бўлсак, **кодекс 7 боб, 74 банддан** иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган. Хусусан:

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизومي иккига бўлиниб, яъни қоида ҳамда талабга ажратилган. Жумладан:

**Биринчиси**, ички ишлар органларида касбий маданият қоидаларига;

**Иккинчиси**, ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талабларига.



Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишнинг асосий талаб ва мезонларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ходимлар хизмат фаолияти даврида касбий маданият қоидаларининг куйидаги асосий талабларига риоя қилиши лозимдир. Жумладан:

- фуқаролар билан мулоқотда ҳушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжихатликка кўмаклашиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш;
- ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;
- ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;
- хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қиладиган ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ўзини тийиш;
- гурӯҳбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик кўринишларига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишда уларнинг олдини олиш;
- ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишига кўмаклашиш;
- ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиётчилик, сохтакорлик ва суйистеъмомчиликка йўл қўймаслик;
- ички тартиб қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;
- ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда, шу жумладан, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларда ишончсизлик қайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган ноҳолис, субъектив материалларни жойлаштирмаслик;

▪ ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техника базасидан ҳамда ички ишлар органларининг бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш.

Мазкур касбий маданият қоидаларидан ташқари ички ишлар органлари ходимлари хизматни ўташ даврида икки асосий вазифаларга амал қилишлик талаб этилади. Ушбу вазифалар хизмат вақтида ва хизматдан ташқари вақтларга бўлинган. **Хусусан, хизмат вақтда қуйидагиларга ходим амал қилиши зарур:**

✓ Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва унинг профилактикасига фаоллик билан кўмаклашиши шарт. Ходимлар ўз бошлиғи ёки ваколатли органларга ўзларини бошқа шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.

✓ Ходимлар хайрихоҳ, ҳушмуомала ва эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасбларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

✓ Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

✓ Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташқи кўриниши иш шароити ва хизмат тадбири хусусиятини инобатга олган ҳолда, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат уйғотиши, улар тоза ва ораста кийинган бўлиши зарур.

✓ Ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади.

✓ Ходимлар мансаб ваколатларини сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари манфаатлари йўлида амалга ошириши тақиқланади.

✓ Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.

✓ Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга руҳсат берилмайди, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгаллик қилиш ҳоллари мустасно.

✓ Ходимлар ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш орқали шахсий фойда олиши мумкин эмас. Ходимлар ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиб, фуқаролар, жамият ёки давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказган тақдирда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

✓ Ходимларга хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ҳамда ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни олиш ёхуд уларнинг хизматларидан фойдаланиш тақиқланади. Бундан ходим томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек, мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, умумхалқ байрамлари, расмий равишда нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

▪ Ходимлар фуқаролар билан муносабатда ўзларининг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек, ҳар қандай афзалликлар, ғараз ва коррупцияни келтириб чиқарувчи вазиятлардан ўзини тийиши шарт.



▪ Ходимлар чет эл ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига хизмат сафарлари давомида қонунчилик ҳужжатлари ва ИИВнинг норматив ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши лозим.

**Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талабларига амал қилишнинг аҳамияти шундаки** ҳар бир ходимнинг хизмат бурчини юксак даражада англашига ва қўйилган вазифалар учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланиб шунингдек, кодекс талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишга қаратилган.

#### **Хизматдан ташқари вақтда ходимлар:**

- жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига амал қилиши, миллий урф-одат, кадрият ва анъаналарга ҳурмат
- билан муносабатда бўлиши
- хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оила аъзолари, таниш-билишлари ёки хизматга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслиги
- ички ишлар органларининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши
- дабдабозлик, шўхратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслиги
- ғайриижтимоий ҳаракатлар
- содир этмаслиги шарт

#### **Шундан келиб чиққан ҳолда, хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:**

❖ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажариш;

❖ ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содик бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

❖ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тўзумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизматқилиш;

Ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш;

❖ ишониб топширилган **табель қуроли**, мол-мулк ва техникани асраб- авайлаш;

❖ ҳушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

❖ мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

❖ ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилиш;

❖ хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

❖ доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

❖ хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равишда тутиш, жамоаттартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.



### **3-ўқув савол. Ички ишлар органларининг ходимларнинг ўзаро муносабати, касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш тартиби.**

Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунди, шу жумладан, вақтинча бўйсундиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади. Бу эса қўл остидагиларга раҳбарлик қилаётган бошлиқ, жамоада хизмат интизомига риоя этилишини, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни самарали амалга оширилишига бевосита масъул ҳисобланади.



Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан кодексга амал қилинишида талабчан бўлиши, юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамдга риоя этиш борасида доимий равишда уларга намуна кўрсатиши, хизмат бурчи ҳиссини кучайтириши ва қўллаб-қувватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши зарур.

Бўйруқ ва топшириқлар бўйсунуш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлиқини хабардор қилмасдан бўйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Мазкур ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлиқини бундан хабардор қилиши зарур.

Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган бўйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат мажбуриятлари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) бўйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарга ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбар ёки шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний бўйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

Бошлиқнинг бўйруқ ва топшириқлари (қонунга зид бўйруқ ва топшириқлардан ташқари) сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бўйруқ ва топшириқларни муҳокама этишга, шунингдек, уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим бўйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида бўйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиқига ахборот беради.

Бўйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда бўйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

Бошлиқ ходимларни қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой- жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва таниш-билишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак.

#### **Бошлиқ қуйидагиларга мажбур:**

- бўйсунувидаги ходимларга профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнатилган бўлиш;
- жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳит ва ишчан қаифиятни шакллантириш;
- ходимларни қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносиб хизмат шароитларини яратиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;
- жамоада гурӯҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик;

- коррупция ва ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш, ходимларни ҳурмат қилиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаолиятини ҳолисона баҳолаш;
- ўзига бириктирилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига мурасасиз муносабатда бўлиш;
- ходимларнинг, улар оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш, юқори турувчи раҳбарга қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;
- ходимлар олдига қўйилаётган вазифа ва берилаётган топшириқларни аниқ ва тушунарли ифодалаш.

### **Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш**

Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

#### **Ходимларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:**

- а) миннатдорлик эълон қилиш;
- б) қимматбаҳо ёки эсдалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
- в) фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- г) идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- д) муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш;
- е) эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш.



Шунингдек, рағбатлантириш тариқасида ходимларни жазолашнинг "а", "б" ва "в" ҳамда тингловчиларни жазолашнинг "а" ва "б" кичик бандларида назарда тутилган муқаддам қўлланилган интизомий жазо муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

#### **ИИВ таълим муассасаларида рағбатлантириш чораларидан ташқари курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилади:**

- а) таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келишга рухсат бериш;
- б) "Ҳурмат тахтаси"га киритиш;
- в) курсант (тингловчи)нинг ота-онаси ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш;
- г) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки "Жалолиддин Мангуберди" стипендиясини тайинлаш.

Алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

Ойлик иш ҳақи, даврий мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама ҳақлари ва ходимларнинг пул таъминотида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш чораларига кирмайди.



**Ходимларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:**


- а) танбех;
- б) хайфсан;
- в) қаттиқ хайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- д) махсус ўнвонини бир поғона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
- ж) гауптвахтада ҳибсда ўшлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

**ИИВ таълим муассасаларида ходимларни жазолашда кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасаларининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:**


- а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;
- б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;
- в) курсантлар (тингловчилар) рўйхатидан ўчириш.

Ушбу банднинг "а" ва "б" кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари ИИВ таълим муассасалари магистратура босқичи тингловчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари бошлиқлар томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида қўлланилади.



ИИВ ўринбосарлари – департамент бошлиқлари, ҳудудий ва тармоқ ИИО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ИИББлари, вилоятлар ИИБлари, ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги **ҳуқуқларга эга:**



Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Кодексда назарда тутилган барча рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди, қўлланилган интизомий жазоларни бекор қилиш орқали рағбатлантиради, шунингдек, ходимларни Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этади.

Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш ваколатига эга бошлиқлар ходимларга интизомий жазонинг "е", "ж" ва "з" кичик бандларида назарда тутилган чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Қўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолатда бошлиқ юқори турувчи раҳбарга бу ҳақда **илтимоснома киритади**.

Бошлиқ қўл остидаги ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг ўта жиддийлиги сабабли уни лозим даражада жазолаш учун ўзига берилган ваколатларни етарли эмас деб ҳисобласа, юқори турувчи раҳбарга ходимга нисбатан оғирроқ интизомий жазо қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлиқ интизомий жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбар томонидан бекор қилинади.

Ходим хизмат сафари ёки даволанишда бўлган вақтда хизмат интизомини бузган тақдирда мазкур хатти-ҳаракатдан хабар топган бошлиқ ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақда ходимнинг хизмат жойига хабар беради.

Рағбатлантириш чоралари алоҳида ходимга нисбатан ҳам, бир гуруҳ ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ходимга нисбатан бир ютуғи (натижаси) учун фақат битта рағбатлантириш чораси қўлланилиши мумкин.

Рағбатлантириш чорасини белгилашда ходимнинг хизмат кўрсаткичлари хусусияти, шунингдек, унинг аввалдан хизматга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Интизомий жазонинг "а", "б" ва "в" кичик бандларида назарда тутилган жазони қўлланилган ходим, мазкур жазони бекор қилиш орқали рағбатлантирилади. Интизомий жазони бекор қилиш ҳуқуқи уни қўллаган бошлиққа ёки унга тенг ваколатга эга, шунингдек, юқори турувчи ваколатли раҳбарга берилади.

#### **Рағбатлантириш чоралари, қоида тарикасида, қуйидагича қўлланилади:**

• **миннатдорлик эълон қилиш** — касбий маданият қоидаларига риоя этиб, юклатилган вазифани, бошлиқнинг буйруғи ёки топшириғини муваффақиятли бажарган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан;

• **қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш** — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек, захирага (истеъфога) чиқиши муносабати билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра;


• **фахрий ёрлик билан тақдирлаш** — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани учун, шунингдек, мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишни (ўқув йилини) муваффақиятли якунлаганда;

• **идоровий кўкрак нишони билан тақдирлаш** — ходимга нисбатан юқори хизмат интизومي, касбий маданияти ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари –  
**Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи** ички ишлар ходимларига нисбатан:

**а) миннатдорлик эълон қилиш;**  
**б) қимматбаҳо ёки эсдалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;**  
**в) фахрий ёрлик билан тақдирлаш;**

а) танбеҳ;  
б) ҳайфсан;  
в) қаттиқ ҳайфсан;  
г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;  
е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;  
ж) гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш;





мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшгани учун;

- **муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш** ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ);

- **таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш** — юклатилган вазифаларни, командирларнинг буйруқ ёки топшириқларини виждонан бажарган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

- **"Ҳурмат тахтаси"га киритиш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштирган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

- **ота-онасига ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

- **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки "Жалололдин Мангуберди" стипендиясини тайинлаш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув ва хизмат интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

Қўлланилган рағбатлантириш чораси буйруқ билан эълон қилинади. Миннатдорлик эълон қилиш ва таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш буйруқ орқали ҳам, оғзаки ҳам эълон қилиниши мумкин.

Рағбатлантирилганлиги ҳақида ходимга **шахсан, саф олдида** ёки **кенгайтирилган мажлис** (йиғилиш)да тантанали тарзда эълон қилинади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинган вақтда, қоида тариқасида, ходимларга фахрий ёрлик, қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофотлари, кўкрак нишонлари топширилади.

Буйруқ билан эълон қилинган рағбатлантириш чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олинishi лозим.

Рағбатлантириш чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади. Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Содир этилган ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо тайинланади. Хизмат интизоми бир неча ходимлар томонидан бузилганда, интизомий жазо уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида қўлланилади. Содир этилганлиги маъмурий жазо тайинлашга олиб келган хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди. Интизомий жазо чоралари қўлланган ходимлар, агарда уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлса, жинойий жавобгарликдан озод этилмайди.

Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айбдорнинг аввалги хулқ-атвори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек, юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракат кам аҳамиятли бўлса, бошлик унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламаслиги ва бошқа бундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огоҳлантириш бериш билан кифояланиши мумкин.

Жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал этиш, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида ички ишлар органларида сайлов асосида интизомий кенгашлар ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички



ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

### **Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:**

➤ **танбех** — юклатилган вазифаларни, бошликнинг топшириқлари ва услубий кўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

➤ **хайфсан** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гўвоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкасблари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равишда амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан;



➤ **каттик хайфсан** — амалдаги "хайфсан" интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини такроран бузганлиги учун;

➤ **лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима** — амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини кўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

➤ **махсус ишонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимдан озод этиш** — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини кўпол равишда бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;

➤ **гауптвахтада ҳибсда ўшлаб туриш** — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ноҳўя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан;

➤ **ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш** — хизмат интизомини кўпол равишда бузган, ички ишлар органи ходими шаънига пўтўр етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжўд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

➤ **навбатдан ташқари нарядда хизматўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш**, бир ой муддатгача таълим ташкилоти хўдудидан навбатдаги чиқиш хўқуқидан махрўм қилиш — юклатилган вазифаларни ёки командир (бошлик)нинг топшириқларини бажармаган, таълим ташкилотининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастўрини қониқарсиз ўзлаштирган ИИВ таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

➤ **курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш** — ИИВ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан касбий маданият қоидалари ва хизмат интизومي талабларини бузганлиги, ўқув дастўрини ўзлаштира олмаганлиги учун.

Амалдаги интизомий жазо бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизомини кўпол равишда бузган ходимга нисбатан ички ишлар органларидан бўшатиш интизомий жазоси ҳам қўлланилиши мўмкин.

### **Қуйидагилар хизмат интизомини кўпол равишда бузиш деб эътироф этилади:**

- ходимнинг сабабсиз равишда узлўксиз уч кундан ортиқ муддатда хизматжойида бўлмаслиги;
- хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёхвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлиш;
- фуқароларнинг хўқуқ ва эркинликлари, қонўний манфаатларини бузишга, одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф туғдиришга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш (агар бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса);

- махфийликка оид тартиб-қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);
- ходимга ишонибтопширилган табель кўроли ва унингўқларини, мол- мулк ва (ёки) техникаларни қасддан йўқ қилиш, зарар етказиш ёки унинг (уларнинг) йўқолишига сабаб бўладиган тарзда эҳтиётсизлик билан сақлаш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);
- маҳбуснинг ёки қўлга олинган шахснинг қочиб кетишига, пул маблағи ёки товар бойликларини ва ҳужжатларни йўқолишига сабаб бўлган тарзда пост ва конвой хизматини ўташ қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходим хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст бўлгани сабабли интизомий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳолатни исботлаш мақсадида тиббий текширув натижаларига, агар ходим текширувдан бош тортса, камида икки ходим ёки бошқа шахслар кўрсатмаларига асосланилади.

Касбий маданият қоидаларини, шунингдек, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабат қоидаларини қўпол равишда бузиш ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этиш ҳисобланади. **Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини очикдан-очик писанд қилмаслик билан боғлиқ бўлмаган оилавий келишмовчиликлар, жанжаллар ва маиший низолар ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат сирасига кирмайди.** Интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузиш, деганда буйруқ асосида эълон қилинган амалдаги интизомий жазоси бўлгани ҳолда, ходим томонидан хизмат интизомини бир неча бор бузиш тушунилади.

Махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тарзидаги интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, айбдорга бошқа интизомий жазо турлари тегишлича таъсир кўрсатмаган ҳолларда қўлланилади.

**Гауптвахтада** ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножўя хатти-ҳаракати учун (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса) ички ишлар органи хизматидан бўшатилмайд.

**Гауптвахтада** ҳибсда сақлаш муддати **сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар** таркиби ходимлари учун — **10 суткагача, катта офицерлар** таркиби ходимлари учун — **5 суткагача** бўлиши мумкин.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо **аёлларга нисбатан қўлланилмайди.**

Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришни беришдан бош тортса, тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилади. Тушунтиришни беришдан бош тортиш ҳолати содир этилган қилмиш учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ кўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди.

Интизомий жазо чораларини қўллаш пайтида бошлиқ ходимнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, у билан муносабатда қўполликка йўл қўймаслиги зарур.

Интизомий жазонинг қўлланилиши ходимни ножўя хатти-ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат бошлиққа маълум бўлган кундан бошлаб **бир ой муддат ичида**, хизмат текшируви ўтказилганда эса — **текширув тугаган кундан бошлаб 10 суткадан кечикмай** қўлланилиши керак, бунда айбдорнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

**Интизомий жазо** ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан **бир йилдан ортик муддат ўтгандан** кейин қўлланилиши мумкин эмас.

**Маст ҳолатда бўлган айбдорга** нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек, ундан ҳар қандай тушунтириш олиш ходим ҳушёр ҳолга келгунча **кечиктирилади.**

Қўлланилган интизомий жазо чораси буйруқ билан эълон қилинади. **Навбатдан ташқари нарядда** хизмат ўташга ёки **беш суткагача хўжалик ишларига** жалб этиш, **бир ой муддатгача** таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳам буйруқ орқали, ҳам оғзаки эълон қилиниши мумкин.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий



кенгаш хулосаси, шунингдек, ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган хизмат, комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинади.

**Интизомий жазо чораси** қўлланилганлиги ҳақида ходимга **шахсан, саф олдида** ёки **кенгайтирилган йиғилиш** (мажлис)да эълон қилинади.

#### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарорини ўзлаштириш.
2. Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятини таъминлашда белгиланган қоида ва талабларини ёдда сақлаш.
3. Рағбатлантириш ва интизомий жазолаш чораларини фарқини ва муддатларини билиб олиш.

### 3.3. Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТ ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ КОДЕКСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**


#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу амалий машғулоти идан фойдаланиш орқали ўтказилади.

**«Моделлаштириш»** методи тингловчиларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинаётган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Уни қўллашда танланган объект моҳияти, муҳим хусусиятлари, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Машғулотда методдан фойдаланиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:



### *Ўқув машғулотнинг саволлари:*

**1-савол.** Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми фаолиятининг ҳуқуқий асоси.

**2-савол.** Ички ишлар ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизом кодексида кўйилган талаб ва қоидалар.

**3-савол.** ИИОда бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари ва бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

### **3.4-МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ.**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

##### **Режа:**

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифаси бериш тартиби, турлари ва ҳуқуқий асослари.

**2-ўқув савол.** Малака комиссиясини тузиш, синов имтиҳонларини ўтказиш ва малака тоифасини бериш тартиби.

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифаси бериш тартиби, турлари ва ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги ПК-3413-сон ва 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тугрисида”ги ПК-10-сон қарорларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларига уларнинг хизмат, мутахассислик, маънавий-маърифий, сиёсий-ижтимоий, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги, Касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига оид билим ва қўникмалари буйича эгаллаган билимлари асосида малака тоифасини бериш, тасдиқлаш, малака тоифасидан пасайтириш, бекор қилиш ҳамда малака тоифасига эга ходимлар ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси ИИВнининг 2023 йил 31 март 165- сонли буйруғи** имзоланди.

Унга кўра Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш ва малака тоифасига эга ходимларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги **низом** ва Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш буйича Олий назорат (яқуний) текширув ўтказиш **комиссияси таркиби** тасдиқланди.

Хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қоидаларига оғишмай риоя қиладиган, маънавий-ахлоқий ҳислатларга, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан оқилона фойдаланиш қобилиятига эга бўлган, шунингдек, ўз хизмат фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга бевосита раҳбарнинг тавсиясига кўра белгиланган тартибда татбиқ этилади.

**Малака тоифасини бериш (тасдиқлаш) тартиби** Назорат (яқуний) текширувлар бошланишидан **15 кун олдин** жойлардаги **Жисмоний ва жанговар тайёргарликни** ташкил этиш ҳамда кадрлар билан таъминлаш булими (булинмаси) томонидан ходимларнинг календарь ҳисобдаги хизмат йиллари тугрисидаги маълумотлар асосида, мазкур Низомга 1-иловада келтирилган намунага мувофиқ малака тоифалари олишга (тасдиқлашга) тавсия этиладиган **ходимлар руйхати шакллантирилади.**

Ички ишлар органлари **хизматидан бўшатиш** ва кейинчалик **хизматга қайта қабул қилинган** (тикланган) ходимларга малака тоифаларини берилишида ички ишлар органларида аввал қилган **хизмат стажи** ҳисобга олинади ва малака тоифаси бериш уқув йили якунидаги назорат (якуний) текширувлар натижасига кура ушбу Низом талабларига мувофиқ умумий тартибда амалга оширилади. **Ходимлар суднинг қарорига асосан**, **хизматга қайта қабул қилинган** (тикланган) тақдирда, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги бошлиқнинг буйруғида, **хизматдан бўшатиш** вақтдаги эга бўлган малака тоифаси



**синовларсиз тасдиқланади**, бунда буйруқда белгиланган санадан бошлаб, малака тоифаси учун тўланадиган ҳар ойлик кунгача тўлов кейинги (навбатдаги) йилнинг **1 январь кунига қадар** амалга оширилади.

**“Уста”** малака тоифаси ходимларга хизматининг охирига қадар сақлаб қолинади. Ушбу ходимларга назорат (якуний) текширувларда уни ҳимоя қилиш талаб этилмайди, аммо **“уста” малака тоифасига** эга ходимлар назорат (якуний) текширувларда иштирок этишлари шарт. Ходим ички ишлар органлари шаънига доғ туширувчи ҳатти-ҳаракатлар ёки тақрорий қўпол интизомни бузилишларига йул қўйган тақдирда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар бошлиқларининг тавсиясига асосан ходимнинг **“уста”** малака тоифаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан **бекор қилиниши мумкин**.



**ИИВнинг 2023 йил 31 мартдаги 165-сон буйруғи**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШ ВА МАЛАКА ТОИФАСИГА ЭГА ХОДИМЛАР ХИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

ИИОлари ходимларига МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШ ВА МАЛАКА ТОИФАСИГА ЭГА ХОДИМЛАРНИНГ ХИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТУҒРИСИДАГИ НИЗОМ  
**1-илова**

ИИОлари ходимларига малака тоифасини бериш буйича Олий назорат (якуний) текширув утказиш комиссияси таркиби  
**2-илова**

Малака тоифасига эга булган **аёл ходимларга** малака тоифаси учун хар ойлик устама хақ бола парвариши таътилига чикқан кундан бошлаб **тўхтатилади**. Бола парвариши таътилидан (уч йил муддат ичида) хизматга кайтган ходимнинг лавозимга тайинлаш тўғрисидаги бошлиқнинг буйруги билан бирга, таътилга чиккунга қадар эга бўлган малака тоифаси синовларсиз тасдиқланади, буйруқда белгиланган санадан бошлаб, малака тоифаси учун тўланадиган хар ойлик кўшимча пул тўлови кейинги (навбатдаги) йилнинг **1 январь** кунига қадар амалга оширилади.

Куйидаги ходимларга малака тоифалари ўқув йили учун, ушбу **Низомнинг 8-бандида** белгиланган кетма-кетликда синовларсиз берилади ва тасдиқланади:

- ❖ Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасида булган ходимларга;
- ❖ ички ишлар вазири уринбосарлари, Департамент, Бош бопшарма, хизмат ва мустакил бошкармалар бошлиқларига;
- ❖ Ички ишлар вазирлигининг худудий булинмалари бошлиқларига;

**Шунингдек,**



### **Малака тоифасини пасайтириш ёки ундан махрум қилиш тартиби**

Ходимнинг малака тоифаси фақатгина назорат (якуний) текширувларининг натижасига кўра назорат (якуний) текширув комиссиясининг далолатномасига асосан унга малака тоифасини берган ёки ундан юқори турувчи рахбарнинг буйруги билан **бир поғона пасайтирилиши** ёхуд **махрум қилиниши мумкин**.

Малака тоифасидан махрум қилинган ёки малака тоифаси пасайтирилган ходим малака тоифасидан махрум қилинган ёки пасайтирилган санадан эътиборан **бир йилдан сунг** назорат (якуний) текширувларнинг натижаларига асосан **олдинги малака тоифасини** олиши мумкин.

**Куйидаги холларда** ходимларнинг “биринчи”, “иккинчи” малака тоифаси **бир поғонага пасайтирилади**, “учинчи” малака тоифаси булса **махрум этилади**:

- ❖ ходим ушбу Низомнинг 8-бандларида келтирилган талабларга мос келмаса;
- ❖ ходим ўқув йили якуни бўйича ўтказилган назорат (якуний) текширувлар натижаларига кўра яхшидан паст, яъни 70 баллдан паст бахоланса;
- ❖ ходимнинг антропометрик кўрсаткичлари семизликнинг III ва ундан юқори даражаларига кирса.

**Ходимнинг харакатдаги интизомий жазоси мавжуд бўлса:**

- ✓ юқори малака тоифасига **тавсия этилмайди**
- ✓ мавжуд малака тоифаси назорат (якуний) текширув натижаларидан келиб чиқиб **кайта тасдиқланади**
- ✓ бир поғона пасайтирилади.

Ходимнинг малака тоифаси хизмат даврини ҳисоблашда хатоликка йул қуйилган ёки хизмат даври қайта ҳисоблаб чиқилиши натижасида **бир поғона юқори малака тоифаси берилган бўлса**, малака тоифаси ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ **бир поғона пасайтирилади**, устама орасидаги фарқ ундирилиши молия хизматлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2-ўқув савол. Назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш комиссияси таркибини тузиш ва малака тоифасини бериш тартиби.**

Ички ишлар вазирлигида - Олий назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш комиссияси таркиби ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Олий назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш комиссияси қуйидагилардан назорат (яқуний) текширувларини қабул қилади:

Ички ишлар вазирлиги таркибига кирувчи департаментлар, бош бошқарма, бошқарма, мустакил булимлар шахсий таркибидан;

\* Жазони ижро этиш департаменти ҳамда Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти аппаратининг офицерлари таркибидан;

\* 1 ва 2-сон Академик лицейлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ихтисослаштирилган мактаб-интернати шахсий таркибидан;

\* Ички ишлар вазирлиги госпиталлари (Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги) шахсий таркибидан;

\* Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси, “Ўзбекистон” санаторияси, Реабилитация маркази (Самарканд шаҳри) шахсий таркибидан.



**Таркибий ва ҳудудий назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш комиссияси таркиби қуйидагилар томонидан тасдиқланади:**

-ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти,

-Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти

-ИИВ Академияси

- ИИВ Малака ошириш институти

- Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ

- Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари

- вилоятлар ИИБлари бошлиқлари

**Таркибий ва ҳудудий назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш комиссиялари қуйидагилардан назорат (яқуний) текширувларини қабул қилади:**

\* Жазони ижро этиш департаменти

\*Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти аппаратининг сафдор ва сержантлар таркибидан

\* департамент ҳудудий булинмалари шахсий таркибидан

\* Ички ишлар вазирлиги Академияси шахсий таркибидан

\* Малака ошириш институти шахсий таркибидан

\* Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ шахсий таркибидан

\*Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ шахсий таркибидан.

**Назорат (яқуний) текширувларини ўтказиш ва ходимларнинг билимларини баҳолаш тартиби**

Ҳар ўқув йили якунига етганидан сўнг **20 августга қадар**, ўқув дастурларининг сифатли бажарилганлиги, бўлинмаларнинг жанговар шайлиги, шунингдек, ходимларнинг касбий малакасини текширувдан ўтказиш мақсадида, **июнь-август ойлари** давомида **назорат (яқуний) текширувлари** ўтказилади. Мазкур текширувларга 21-банда назарда тутилганлардан ташқари барча ички ишлар органларининг шахсий таркиби жалб қилиниши шарт.

Таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларининг буйруғи билан таркибий ва ҳудудий назорат (яқуний) текширувлари ўтказиш комиссиялари таркиби тасдиқланиб, текширувларни ўтказиш муддати, тартиби ва комиссиянинг иш фаолияти белгиланади.



### Комиссия таркибига кўйидагилар киритилади:

- **комиссия раиси** - бошликларнинг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш буйича уринбосарлари (у булмаганда бошлик уринбосарларидан бири);
- **комиссия аъзолари** - 5-7 нафар, тажрибага эга булган офицерлар.

Комиссия таркиби зиммасига назорат (якуний) текширувларни ташкил этиш, ўтказиш, шунингдек Низом талаблари асосида холислик, очиқлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида ўтказилган назорат (якуний) текширув натижаларига кўра хулосалар чиқариш ҳамда мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган намунага мувофиқ, ходимга малака тоифаси бериш (тасдиқлаш) буйича далолатномани расмийлаштириш юклатилади.

### Олий назорат (якуний) текширув комиссияси таркиби:

Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий булинмаларида ўтказилаётган назорат (якуний) текширувларида қатнашиши мумкин.

Назорат (якуний) текширувлари назарий ва амалий йуналишларда ўтказилади.

Назорат (якуний) текширувларининг назарий йуналишида ходимларнинг маънавий-маърифий, хизмат, жанговар, касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига оид билимлари тест синовлари шаклида текширувдан ўтказилади.

**Назорат (якуний) текширувларининг назарий йуналишида комиссия таркиби томонидан ҳар бири 50 та саволдан иборат кўйидаги тартибда бир нечта вариантларда тест саволлари тўплами тузилади:**

**Назорат (якуний) текширувларининг назарий йуналишида тест саволлари раҳбарлар, офицерлар ҳамда сафдор ва сержантлар учун алоҳида-алоҳида шакллантирилади.**

**Ходимларнинг амалий йуналишини баҳолашда 50 балли тизимда кўйидаги тартибда баҳоланади:**

- ❶ жисмоний тайёргарлик буйича - **30 балл**;
- ❷ қўл жанги усуллари буйича - **10 балл**;
- ❸ ўқ отиш тайёргарлиги буйича - **10 балл**.

Ходимларни назорат (якуний) текширувларининг амалий йуналишларида ходимларни асоссиз қатнашмаслигига йул қуйилмайди ва бундай ҳолатлар назорат (якуний) текшируви комиссияси томонидан қатъий назорат қилинади.

Ходимларнинг малака тоифалари назарий ва амалий йуналишлар буйича тўпланган жами баллари йиғиндисидан келиб чиқиб, 100 балли тизим асосида кўйидагича баҳоланади:

**“яхши”** - (70-89 балл);

**“аъло”** - (90-100 балл).

**Тиббий хулосага кўра касаллиги туфайли** соғломлаштириш гуруҳи (ЛФК)га киритилган ходимлардан уларнинг соғлигига зарар етказмайдиган ёки ёмонлашишига олиб келмайдиган ички ишлар органлари ходимларининг касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш буйича ички ишлар вазирининг тегишли идоравий ҳужжатларида белгиланган жисмоний машқлардан синовлар қабул қилинади.

Таркибий ва ҳудудий маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлимлари томонидан назорат (якуний) текширувлар бошланишидан **15 кун олдин** ички ишлар вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларидан соғломлаштириш гуруҳига киритилган **ходимларнинг рўйхати, касаллик хулосалари** асослантирилган ҳолда олинади.

**Соҳавий хизмат раҳбарларининг тавсияларига асосан** назорат (якуний) текширувларининг амалий йуналишидан **яхши** ва **аъло** натижа кўрсатган, **бирок назарий йуналишидан** (тестдан) **кониқарсиз** (максимал баллнинг 70 фоизидан паст) натижа қайд



этган ходимга ушбу Низомнинг **37-бандида** назарда тутилган синовларни **бир мартаба қайта топширишга** рухсат этилади.

### **Малака тоифасига эга ходимларни ҳисобини юритиш**

Малака тоифасига эга ходимларни ҳисобга олиш марказий, таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг жанговар ва жисмоний тайёргарликни ташкил этиш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан малака тоифасини олганлиги юзасидан тегишли ёзувлар уларнинг шахсий ҳужжатлари йигма жилдининг хизмат фаолияти тўғрисидаги рўйхатига киритилади.

Жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш бўлинмаларида **малака тоифасини** бериш, тасдиқлаш, пасайтириш, маҳрум қилиш тўғрисидаги **буйруқ нусхалари**, назорат (якуний) текширувлар натижалари буйича қайдномалар ва бошқа шу билан боғлиқ ҳужжатлар **беш йил давомида сақланади**.



Раҳбарият топшириғига асосан **узоқ муддатли хизмат сафарига** юборилган ёки **узоқ муддат касаллиги сабабли** ўқув йили давомида олиб борилган машғулотларда **иштирок этмаган**, шунингдек, назорат (якуний) текширувларида қатнаша олмаган ходимларнинг мавжуд малака тоифалари тегишли хизмат раҳбарининг асослантирилган **тавсиясига** кўра, назорат (якуний) текширув комиссиясининг қарори билан бир ўқув йили давомида сақланиб қолиниши мумкин.

Малака тоифасига эга бўлган ходимларга мазкур Низомга 6-иловада белгиланган намунадаги кўкрак нишони берилади. Кўкрак нишони тантанали формали кийим-бошнинг **ўнг томони юқори қисмига** тақилади.

#### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

1. Мавзуга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларни маъзмун-моҳиятини ўрганиш.
2. Ички ишлар органларида малака тоифаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 31 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш ва малака тоифасига эга ходимлар ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш тугрисида”ги 165-сонли буйруғини ўқиб тўлиқ консепт қилиш.

### 3.4-Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ.**

#### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)**


Ушбу ўқув машғулоти **«СХЕМА»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

**«СХЕМА»** - методи ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала моҳиятининг асосий хусусияти ёки белгиларини схема, тасвир ёки расм орқали ифодаланишини таъминлайди. Уни қўллашда тингловчидан масалага ижодий ёндашиш тақозо этилади. Топшириқни бажариш жараёнида тингловчилар ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича ўзлаш-тирган назарий билимларини ёдга олади, энг муҳим хусусияти, белгиларини аниқлайди, уларни умумлаштиради ёки таркибий қисмларга ажратган ҳолда схема яратади.

Тингловчиларда фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу стратегия ғоянинг қисқа, аниқ ифодаланиши учун шароит яратади.



Машғулотларда **«Схема»** стратегиясидан фойдаланиш тартиби қуйидагича:



#### **САВОЛЛАР:**

**Савол:** Устама ҳақлар кимларга тўланади?

**Савол:** Малака тоифасига берилган тарифни айтинг?

**Савол:** Малака тоифаси турларини ва ҳар бирини таснифини айтинг?

**Савол:** Малака тоифаси учун ҳар ойлик қўшимча тўлов лавозим маошининг қанча миқдорлари белгиланган?

**Савол:** Малака тоифаси бериш учун ҳуқуқий асосларни айтиб ўтинг?

**Савол:** Малака тоифасини берувчи комиссия неча қисмга бўлинган?

**Савол:** Олий малака комиссияси қайси тоифадан синовларини қабул қилади?

**Савол:** Худудий малака комиссиялари қайси тоифадан синовларни қабул қилади?

**Савол:** «Учинчи тоифа мутахассиси», «иккинчи тоифа мутахассиси» ва «биринчи тоифа мутахассиси» малака тоифаларига эга бўлиш учун ходимлардан нималар талаб этилади?

**Савол:** «Уста» малака тоифасига эга бўлиш учун ходимдан нималар талаб этилади?

**Савол:** Қайси ҳолларда малака тоифаси берилмайди?

**Савол:** Ходим аввалги малака тоифасини қайси ҳолларда тасдиқлаш ҳуқуқига эга?

**Савол:** Малака тоифаси синов имтихонлари нечта йўналишда ўтказилади?

**Савол:** Ходимларга малака тоифалари қайси тўпланган баллар натижасида берилади?

**Савол:** Малака тоифасига эга ходимларни ҳисоботини қайси ИИО бўлими томонидан амалга оширилади?

**Савол:** Қайси ходимларда малака тоифалари ўқув йили учун белгиланган тартибда ва кетма-кетликда синовларсиз берилади?

**Савол:** Малака тоифасига эга бўлган ходимга нима берилади?

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ички ишлар вазирининг 2023 йил 31 март кунидаги “Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш ва малака тоифасига эга ходимлар ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 165-сон буйруғини маъзун-моҳиятини ўрганиш.

2. Ички ишлар органларида малака тоифаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 10 январдаги “Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш тартиби тўғрисида”ги 10-сонли буйруғини қабул қилишда қайси фармойиш ва қарорлар ҳуқуқий асос сифатида фойдаланилган.

3. Малака тоифаларини даражаларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда уларни бериш тартибини ўрганиш.

### **3.5. МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ, ЎТКАЗИШ ҲАМДА ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ЯГОНА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

##### **Режа:**

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказишнинг ҳуқуқий асоси.

**2-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказишга масъул субъектлар, улрга белгиланган талаблар.

**3-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказишга масъул бўлган субъектларнинг вазифаси ва мажбуриятлари ҳамда хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш тартиби.

**1-ўқув савол. Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказишнинг ҳуқуқий асоси.**

Ички ишлар органлари фаолиятига самарали бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сонли қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг олти устувор йўналишлари белгиланиб, ушбу белгиланган устувор йўналишлардан бири, хусусан қонунийликни сўзсиз таъминлаш, хизмат интизомига қатъий риоя қилиш ва ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилган вазифаларни бажариш юзасидан таъсирчан идоравий назоратни ташкил қилиш назарда туғувчи талаб белгиланди.

Ички ишлар органлари ходимлари устидан таъсирчан идоравий назоратни ташкил қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда **2018 йил 27 ноябрь** куни “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҚҚ-74-75-сонли қўшма қарор қабул қилинди.

Мазкур қарор ўз ичига қуйидаги ҳужжатларни қамраб олган:

1. “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома;

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларига нисбатан тайинланган хизмат текширувларининг ягона ҳисобот шакли тасдиқланди.

Қабул қилинган йўриқнома ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинлаш, ўтказиш, кўриб чиқиш, назоратни таъминлаш ва ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

**Йўриқномани тузулишига тўхталсак, ушбу ҳужжат 10 та параграф ва 70 банддан иборат бўлиб, хусусан:**

- ✓ 1-§. Умумий қоидалар;
- ✓ 2-§. Хизмат текширувини тайинлаш асослари ва тартиби;
- ✓ 3-§. Хизмат текширувини ўтказиш тартиби ва муддатлари;
- ✓ 4-§. Хизмат текшируви иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ✓ 5-§. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш;
- ✓ 6-§. Хизмат текширувлари юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш;
- ✓ 7-§. Хизмат текшируви хулосаларини юбориш тартиби;
- ✓ 8-§. Хизмат текширувларининг ҳисобини юритиш;
- ✓ ва идоравий назоратни таъминлаш;
- ✓ 9-§. Хизмат текшируви ҳужжатларини прокуратура;
- ✓ органларида кўриб чиқиш тартиби;
- ✓ 10-§. Яқунловчи қоидалар.

Ички ишлар органлари ходимларнинг ўз хизмат бурчи “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришни таъминлаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни ва касбий маданият қоидаларини бузиш ҳолатларини олдини олиш, шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ходимлар томонидан содир этилган қонунбузилишлар ҳамда интизом бузилишининг қасддан, эҳтиётсизлик ёки бепарволик ёхуд ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, унинг келиб чиқиш сабабларини ўз вақтида аниқлашга қаратилган.

Ушбу назоратни амалга ошириш орқали ички ишлар органлари ходимларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш ва энг асосийси фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси амалга оширишдан иборат.

Юқоридаги такидлаб ўтилган ҳуқуқий асослардан ташқари ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ўтказиладиган хизмат текширувлари қуйидагиларга асосланади, яъни ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи барча ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларининг бузулиши натижасида ўтказилади.

**2-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказишга масъул субъектлар, уларга белгиланган талаблар.

**Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш ҳолатлари қуйидагилардан иборат:**

- ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат ёки ижро интизоми бузилиши;
- ички ишлар органи ходимининг номуносиб ҳаракати;
- ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши оқибатида.

Мазкур ҳолатларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ берилса қуйидаги тарифларни ифодалайди. Хусусан, хизмат текширувини ўтказиладиган субъект бу ички ишлар органи ходимдир, демак ходим деб кимни тушунишимиз лозим.

**Ходим** – ички ишлар органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари), ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчилари ҳисобланади.


**Хизмат ёки ижро интизоми бузилиши** – ходимнинг юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ифодаланган қилмиши.

**Номуносиб ҳаракатлар** – ходимнинг ҳуқуқий мақомига хос бўлмаган ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига зид, шунингдек маъмурий жавобгарликка асос бўладиган қилмиши.

**Ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар** – ходимнинг жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган қилмиши.

Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ўтказиладиган хизмат текширувлари жараёнида умумий талаб белгиланиб, унга кўра ходимнинг текширилиши лозим бўлган масалага алоқаси бўлмаган, шахсий ҳаётига оид маълумотларни тўплаш ва улардан фойдаланиш тақиқланади. Бу талаб хизмат текширувни ўтказувчи масъул шахсга тадбиқ этилади. Шунингдек, хизмат текширувининг тўлиқ, холис, адолатли ва белгиланган муддатда сифатли ўтказилиши юзасидан текширувни ўтказишга ваколатли раҳбар ҳамда уни ўтказиш вазифасига юкланган ходимлар шахсан масъулдир.

Текширувни ўтказишга ваколатли раҳбар ҳамда уни ўтказиш вазифасига юкланган ходимлар бундай ҳолатларда терговга қадар текширув ва тергов органлари томонидан



хизмат текширувини ўтказган ходимлардан тушунтириш олиш ёхуд сўроқ қилиш орқали уларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади.

**Шундан келиб чиққан ҳолда хизмат текширувини тайинлаш учун қуйидагилар асос бўлади:**

❖ ходим ёки унинг иштирокида содир этилган хизмат ёки ижро интизоми бузилиши, ички ишлар органи ходимига номуносиб ҳаракатлар ёхуд ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ҳақидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шунингдек, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ҳамда бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотларининг хабарлари;

❖ ходимларнинг билдиргилари ва ИИВ таркибий бўлинмаларининг маълумотларида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда ходим томонидан ёки унинг иштирокида содир этилган интизом бузилиши ёхуд бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги хабарлар;



❖ ходимлар томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ундан четга чиқиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши, шунингдек, уларни коррупция, порахўрлик ва бошқа жиноятларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар берилмаганлиги;

❖ иш юритувидаги процессуал ҳужжатлар юзасидан ишга бевосита алоқаси бўлмаган манфаатдор шахсларнинг аралашуви ҳақида хабар берилмаганлиги;

❖ ходим ва унинг оила аъзолари ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, мол-мулкига қаратилган таҳдид ёки тажовуз қилиш ҳолатлари тўғрисида келиб тушган маълумотлар;

❖ ички ишлар органи ваколатли раҳбарининг ходим томонидан бурчи, шунингдек, хизмат фаолияти давомида зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажариш ҳамда қонуний ҳуқуқларини амалга оширишда белгиланган тартиб-қоидалар бузилганлиги юзасидан кўрсатмаси;

❖ ходим билан боғлиқ содир бўлган муайян ҳодисалар, ходимнинг хизматда ёки хизматдан ташқари вақтларда тан жароҳати олиши, автоҳалокатга учраши, вафот этиши билан боғлиқ ҳолатлар, хизматдан ташқари вақтларда турли ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

❖ ички ишлар органларининг Интизом уставида кўрсатилган хизмат интизоми кўпол равишда бузилганлиги;

❖ ваколатли мансабдор шахснинг тақдимномалари (хатлари) ёхуд суднинг хусусий ажрими.

Юқоридаги келтириб ўтилган асослардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари ходимлари хизмат вақтида ва хизматдан ташқари вақтларда ўзини муносиб тутиши, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши орқали, қолганларга намуна бўлишлиги бўйича мажбуриятларни юклайди.

Мазкур мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли қарори билан тасдиқланган.

**ИИВнинг масъул субъектларига** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ички ишлар органларининг ҳар қандай лавозимдаги ходимига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ҳақида кўрсатма бериши мумкин. Шунингдек, хизмат текширувини тайинлашга ваколатига эга бўлган **масъуллар қуйидагиларга бўлинади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, ИИВ бош бошқармалари, бошқармалари, таълим ва бошқа муассасалари, Тергов департаменти ва унинг қуйи бўлинмалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман-шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари, туман-шаҳар ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ўз назорати остидаги ходимга нисбатан;

2. Суриштирувчи ва терговчилар иш юритувидаги терговга қадар текширув ва жиноят ишлари бўйича;

3. ИИВ Шахсий хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ва унинг ҳудудий бўлинма бошлиқлари хизмат текшируви тайинлаш ваколатига эга.

Шу билан бирга, шахсий хавфсизлиги бўлинма ходимига нисбатан хизмат текшируви тайинлаш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки ИИВ шахсий хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг рухсати асосида амалга оширилади.

Алоҳида тарзда шуни такидлаш керакки, хизмат текширувни тайинлаётган масъул ходимлар агарда ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга нисбатан хизмат текширувлари бевосита ИИВ Шахсий хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ёки бошқарма томонидан белгиланган масъул ходимлар томонидан ўтказилади.

**Бош прокуратуранинг масъул субъектларига**, прокуратура органларининг қуйидаги раҳбарлари ва ходимлари ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинлашга ваколатли ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари;

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари;

3. туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари;

4. иш юритувидаги терговга қадар текширув ва жиноят ишлари доирасида прокуратура органларининг терговчилари.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа бўлимларининг назорат қилувчи инспекцияси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинлаш масаласида тегишлича Бош прокуратура раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) прокурорларига мурожаат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда хизмат текширувини ўтказиш тайинлаган масъул ходим ўз навбатида хизмат текширувини ўтказиш зиммасига юкланган ходимда зарур билим ва етарли иш тажрибага эга бўлиши лозим. Шунингдек, хизмат текширувини ўтказиш бўйича текширув гуруҳи тузилиши мумкин. Айрим ҳолларда, хизмат текширувини ўтказиш учун зарур билим ва малакага эга бошқа ходимлар, хусусан, молия-ҳўжалик фаолиятини назорат-тафтиш текширувидан ўтказиш учун мутахассислар жалб этилади.

Хизмат текширувини ўтказиш зиммасига юклатилган ходим (комиссия раҳбари) текширув давомида ўрганилиши лозим бўлган масалалар ва муддатлари қайд этилган **режа тузади**. Режа тегишинча хизмат текширувини ўтказиш зиммасига юклатилган соҳавий хизматнинг раҳбари томонидан тасдиқланади ва хизмат текширувлари ҳулосалари фақат уни ўтказишни белгиланган ва ижроси устидан назоратни амалга оширадиган ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланади.





Хизмат текшируви бир неча таркибий (худудий) бўлинмаларнинг ваколат доирасига тааллуқли масалаларни қамраб олган бўлса, ижрочилар орасида биринчи бўлиб қайд этилган таркибий (худудий) бўлинма бошлиғи асосий ижрочи ҳисобланиб, гуруҳдаги бошқа таркибий (худудий) бўлинмалар барча зарур маълумотларни унга тақдим этади.

Тўпланган маълумотлар гуруҳдаги таркибий (худудий) бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиниб, хизмат текшируви хулосаси ва материалларига қўшиб қўйилади. Текшириш гуруҳи ваколатли ходими хизмат текшируви материалларини ўз вақтида, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқишда асосий ижрочи бўлган таркибий бўлинма билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳамда хизмат текшируви хулосасининг тегишли йўналиши бўйича бирдек масъул ҳисобланади. Хизмат текшируви ўтказишга ваколатли ходим хизмат текшируви хулосасини имзолаб, тегишли таркибий (худудий) бўлинма бошлиғига келишиш учун тақдим этади.

### **Хизмат текширувлари тааллуқлилиги бўйича қуйидаги соҳавий хизматлар томонидан ўтказилиши мумкин:**

➤ **маънавий-маърифий ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари** – ички ишлар органларида ходимлар томонидан хизмат ва меҳнат интизоми, шунингдек, ички ишлар органларининг Интизом устави талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан;

➤ **ташкилий бўлинмалари** – ички ишлар органларида ижро интизоми бузилиши, жиноятни қасддан яшириш ёки жиноятни ҳисобга олмасликда ифодаланган қонунбузилишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини бузилиши ҳолатлари юзасидан;

➤ **тергов бўлинмалари** – ички ишлар органларида тергов ва суриштирув ходимлари томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан;

➤ **шахсий хавфсизлик бўлинмалари** – ходим ва унинг оила аъзолари соғлиғи ёки ҳаётига таҳдид ёхуд тажовуз қилиш, ходимнинг қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) оқибатида қонунбузилиши аломатлари мавжуд бўлган ёки бу билан боғлиқ бошқа жиддий ҳолатлар юзасидан;

➤ **бошқа таркибий бўлинмалари** – хизмат текширувини тайинлаш ваколатига эга бўлган раҳбарият топшириғига асосан ўзларига бўйсунувчи тизим ходимлари ва раҳбарларига нисбатан интизом бузилиши ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан.

**Шуни алоҳида такидлаш лозимки**, хизмат текширувни ўтказиётган офицерлар таркибидаги ходимнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан хизмат текширувини ўтказиш **сержант ва сафдорлар таркибидаги** ходимга топширилишига **йўл қўйилмайди**.

Шунингдек, ИИВ Шахсий хавфсизлиги бошқармаси ўз ваколатлари доирасида, келиб тушган тезкор маълумотларга асосан, ўтказилаётган ёки тамомланган хизмат текширувлари қонунийлигини ўрганиб чиқиши мумкин. Шахсий хавфсизлиги бўлинмалари зарур ҳолларда, тегишли ички ишлар органи раҳбарининг огоҳлигида бошқа таркибий бўлинмалар томонидан ўтказилган хизмат текшируви материалларини ўрганиб чиқиши ҳамда хизмат текширувини ўз иш юритувига олиши мумкин.

Бундан ташқари мазур ҳолатни ўрганаётган масъул ходим хизмат текшируви хулосаларини якунида кадрлар, шахсий хавфсизлиги ва ташкилий бўлинмалар билан келишилган тарзда яқунлайди.



### **Хизмат текширувини ўтказувчи масъул ходим ўз вазифасини бажариш жараёнида қуйидагилар тўлиқ ва ҳолисона аниқланиши лозим:**

- хизмат текширувини ўтказишга асос бўлган маълумотлардаги ҳар бир вақтнинг асослилиги;

- содир этилган ҳодиса, интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг тўлиқ тафсилотлари, шу жумладан, ҳолатнинг қасддан, эҳтиётсизлик, бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар;

- интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарлик содир этилиши вақти, жойи, усули ва унинг содир этилиши ҳолатлари;

- хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар;

- ходимнинг содир бўлган ҳодисага алоқадорлиги ва айбдорлиги масаласи, айбини тасдиқловчи далилларнинг мавжудлиги;
  - ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий зарарнинг (зиён) мавжудлиги, унинг хусусиятлари ва миқдори;
  - ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этилиши ҳолати, унинг оқибатлари, айбдорнинг бу қилмишига қадар бўлган хулқ-атвори, у билан ўтказилган тарбиявий-профилактик ишлар аҳволи, ички ишлар органларида хизмат ўташ муддати, зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга бўлган муносабати, оилавий аҳволи;
  - енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.
- Хизмат текшируви тўлиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида хизмат текшируви ўтказилаётган масалага алоқадор бошқа ҳолатлар ҳам ўрганилиши мумкин.

### **Хизмат текшируви қўйидаги тартибда ўтказилади:**

- ☞ хизмат текширувига сабаб бўлган ҳолатга (ҳодиса) алоқаси бор шахслар билан суҳбат ўтказиш орқали улардан тушунтириш хатлари олинади;
- ☞ тушунтириш хати берувчига ҳуқуқ ва мажбуриятлари таништирилиб, бу ҳақида тушунтириш хатида қайд этилади;
- ☞ ваколатли ходим тушунтириш хатини олганидан сўнг буни имзоси билан тасдиқлайди;
- ☞ зарур ҳолларда ходим (шахс)лардан тушунтириш хати олиш жараёни аудио ва (ёки) видеоёзувга олинади;
- ☞ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим касал, меҳнат ёки бола парвариши таътилида бўлган вақтда уларни чақиртириш ёхуд чақиртирмасдан тушунтириш хати беришни талаб қилиш ваколатли раҳбарнинг руҳсати билан амалга оширилади, ходим оғир касал бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- ☞ шикоят билан мурожаат қилган шахс иш кўриб чиқиладиган ҳудуддан бошқа ҳудудда яшаётган бўлиб, унда хизмат текшируви ўтказилаётган жойга келиш имконияти мавжуд бўлмаса, ушбу шахсдан тушунтириш хати ва бошқа тегишли ҳужжатлар ваколатли раҳбарнинг ёзма кўрсатмасига асосан унинг яшаш жойи бўйича ҳудудий бўлинма орқали олинishi мумкин;
- ☞ хизмат текшируви жараёнида ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим тушунтириш хати ёзишдан, шунингдек айрим ҳужжатларни асл нусхасини тақдим этишдан, тиббий кўрик ва бошқа ҳаракатлар ўтказилишидан бош тортса, ушбу ҳолат бўйича камида икки нафар холислар иштирокида далолатнома тузилиб имзоланади ва тегишли ҳужжатларни баённома орқали олиш чоралари кўрилади;
- ☞ хизмат текшируви жараёнида ходим ёки ишга алоқадор фуқаролар томонидан тақдим этиладиган ишга тегишли ашёлар ва бошқа ҳужжатлар баённома орқали расмийлаштириб олинади.
- ☞ Хизмат текшируви давомида иш ҳолатига оидинлик киритадиган зарур ҳужжатлар нусхалари суд, прокуратура ёки бошқа давлат органлари ва муассасаларидан ёзма асослантирилган сўров асосида олинishi ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар ишга қўшилиши мумкин.
- ☞ Хизмат текшируви натижасига кўра, ходимнинг шаъни ва кадр-қимматини поймол қилиш, унга нисбатан туҳмат ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар аниқланса, тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун тегишли прокуратура органига тақдим этилади.

➤ Хизмат текширувини ўтказиш жараёни икки ҳолатга ажратилган, хусусан жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга. Жумладан, жавобгарликни енгиллаштирувчи **ҳолатларга:**

➤ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

➤ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олди олиниши, етказилган моддий зарарнинг ўрни ихтиёрий қопланиши;

➤ интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжонланиш, шахсий ва оилавий муаммолар ёки бошқа мушкул аҳволда содир этилиши;

➤ интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарликнинг таҳдид, мажбурлаш ёки моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли содир этилиши;

➤ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бошлиғи томонидан ижобий тавсифланиши, ходимнинг хизмат давомидаги эришган ютуқлари, иш стажы, унвони, ёши, соғлиғи ва шахсий фазилатлари.

➤ **Хизмат текширувида қуйидагилар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:**

➤ ножўя хатти-ҳаракатларни, уларни тўхтатиш тўғрисидаги талабларга қарамасдан давом эттирилиши;

➤ амалдаги интизомий жазоси бўлган ходим томонидан интизом, қонун ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлар талабларининг такроран бузилиши;

➤ интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг гуруҳ бўлиб содир этилиши;

➤ интизом бузилиши ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг алкоголь ёки кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилиши;

➤ хизмат текшируви ўтказилаётган ходим текширув ўтказаетган ходимнинг чақирувига биноан ҳозир бўлмалиги, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир қилиши.

➤ Хизмат текшируви ўтказаетган ваколатли ходим, унинг бошлиғи ёки назорат қилувчи раҳбар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизом бузилиши ҳолатини эътиборга олиб, ушбу банднинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

### **Қуйидаги ҳолларда хизмат текшируви ўтказилмайди:**

✧ Интизом уставига кўра ходим хизмат интизомини қўпол равишда бузиш ҳолатларига йўл қўйиб, ушбу ҳолатлар бўйича интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий кенгаш хулосаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинганда;

✧ ходимнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган шикоят аноним деб топилганда;

✧ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали тақдим этилган шикоятлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

✧ аввал кўриб чиқилиб, хизмат текшируви ўтказилган шикоятлардаги вазлар қайта киритилган шикоятлар юзасидан.




## **Хизмат текшируви ўтказаетган ходим қуйидаги асосларга кўра ваколатли раҳбар томонидан хизмат текширувидан четлатилади:**

- ✦ ходим кўриб чиқилаётган ҳолат юзасидан билдирги билан мурожаат қилган ёки ишга гувоҳ сифатида жалб қилинган бўлса;
  - ✦ ходим шикоят билан мурожаат қилган шахснинг ёки ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг қариндоши бўлса;
  - ✦ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга хизмат бўйича бевосита бўйсунувчи лавозимда хизмат қилса;
  - ✦ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан яқин муносабатда ёки унга нисбатан шахсий хусумати бўлса, шунингдек, ишни холисона кўриб чиқишига тўсқинлик қилувчи бошқа сабаблар юзага келганда;
  - ✦ кўриб чиқилаётган ҳолатдан ёки унинг натижаларидан манфаатдор бўлса.
- Мазкур асослар мавжуд бўлганда ходим хизмат текшируви тайинлаган раҳбарга текширувда қатнашишдан озод этишини сўраб, билдирги билан мурожаат қилиши шарт.

**3-ўқув савол. Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказишга масъул бўлган субъектларнинг вазифаси ва мажбуриятлари ҳамда хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш тартиби.**

### **Хизмат текшируви ўтказаетган ваколатли ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- \* хизмат текшируви ўтказилаётган ҳодиса ва интизом бузилиши ҳолатига алоқадор материалларни ўрганиш, улардан нусхалар олиш;
- \* ҳолатга алоқадор барча ходимлар, уларнинг бевосита раҳбарлари ва фуқаролар билан суҳбатлашиш ҳамда ҳолат юзасидан тушунтириш хатлари олиш;
- \* ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга иш бўйича кўрсатувларни полиграфдан фойдаланган ҳолда беришни таклиф қилиш;
- \* зарур ҳолларда хизмат текшируви жараёнига мутахассисларни, етарли билим ва малакага эга бўлган ходимларни жалб қилиш;
- \* зарур ҳолларда молия-хўжалик фаолиятини назорат-тафтиш текширувидан ўтказиш бўйича хизмат текшируви тайинлаган ваколатли раҳбарга таклиф киритиш;
- \* текширилатган ҳолатга алоқадор ходимлар ва раҳбарлар тўғрисида кадрлар бўлинмаларидан тегишли маълумотларни сўраб олиш;
- \* хизмат текшируви ҳаракатлари амалга оширилатганда ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг розилиги асосида овоз ёзиш, видеоёзув, фотосуратга олиш ёки бошқа техник воситалардан фойдаланиш;
- \* ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбарларидан хизмат тавсифномаси, хизмат вазифаларидан кўчирма, иш кўрсаткичлари тўғрисида маълумот, шунингдек, зарур ҳолларда бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлардан керакли маълумотларни сўраб олиш;
- \* зарур ҳолларда текширилатган ҳолат хусусиятларидан, шунингдек, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва келгусида турли нохуш оқибатларнинг олдини олиш мақсадида хизмат текшируви жараёнига психологларни жалб этиш, хизмат текшируви тамомлангунга қадар ходимга ўқотар қурол берилмаслиги юзасидан таклиф киритиш, хизмат текшируви натижалари бўйича тасдиқланган хулоса бандлари ижросини назорат қилиш;
- \* ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимни ўз хизмат вазифасидан вақтинча четлаштириш тўғрисида хизмат текширувини назорат қилувчи раҳбарга таклиф киритиш;
- \* тегишли профилактик тадбирлар ўтказиш юзасидан таклифлар киритиш;
- \* бевосита бошлиғининг хизмат текшируви юзасидан бераётган кўрсатмаларидан норози бўлса, шунингдек, текширувга бошқа ходим ёки раҳбар таъсир кўрсатаётган, тўсқинлик қилаётган ёхуд бошқача тарзда қонунга хилоф ҳаракат қилаётган бўлса,



текширувни тўхтатмай туриб, бу ҳақида юқори турувчи раҳбарга ёки Ўз хавфсизлиги бошқармасига билдирги билан муурожаат қилиш;

\* хизмат текшируви соҳавий хизматлар томонидан ҳамкорликда ўтказилаётганда гуруҳдаги текширувчи (мутахассис)ларга раҳбарлик қилиш, уларнинг вазифаларини тақсимлаш ва натижаларини назорат қилиш.

### **Хизмат текшируви ўтказаетган ваколатли ходим қўйидаги мажбуриятларга эга:**

■ хизмат текшируви тайинлаш ва ўтказишга асос бўлган ҳужжатларни қабул қилиб олиш, текширилиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан режа ишлаб чиқиш ва хизмат текшируви ўтказишга кўрсатма берган раҳбарга тасдиқлаш учун тақдим қилиш;

■ ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш, текширув жараёнида қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

■ хизмат текшируви иштирокчиларига ушбу Йўриқномада назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш;

■ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга текширувни тайинлаш асосларини тушунтириш;

■ хизмат текшируви ўтказилаётган ҳолат ёки ҳодиса содир бўлган жойни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, бу бўйича тегишли маълумотнома тузиш;

■ хизмат текшируви жараёнида махфийлик тартибига тўлиқ риоя қилиш;

■ хизмат текшируви жараёнида жинойт аломатлари аниқланса, бу ҳақида зудлик билан бевосита бошлиғига ахборот бериб, хизмат текшируви ҳужжатлари ва хулоса нусхасининг дарҳол тегишли прокуратура органига юборилишини таъминлаш;

■ хизмат текшируви ҳамкорликда ўтказилганда, гуруҳдаги текширувчи (мутахассис)лар ўз йўналишлари бўйича ўтказган хизмат текшируви юзасидан тўпланган материалларни ва маълумотномаларни умумлаштириш;

■ хизмат текшируви хулосаси билан ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимни, зарур ҳолларда, иштирокчиларни таништириш, махфий ҳамда давлат ва хизмат сирларини ўзида акс эттирган материаллар бундан мустасно;

■ хизмат текшируви давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик ёки интизом бузилиши ҳолатлари, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирлар белгилаш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик бўйича тақлифлар киритиш.

**Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

➤ хизмат текшируви ўтказаетган ваколатли ходим (гуруҳ аъзолари)ни рад этиш юзасидан асосли важлар келтириш;

➤ хизмат текшируви ўтказиш сабабини билиш, оғзаки ва (ёки) ёзма тушунтириш бериш, билдирги, илтимоснома ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилиш;

➤ тушунтиришни ўз она тилида бериш, таржимон хизматидан фойдаланиш;

➤ полиграфдан фойдаланган ҳолда суҳбат ўтказилишига розилик бериш ёки рад этиш;

➤ ҳолат юзасидан кўрсатувлар ва изоҳлар бериш;

➤ далиллар келтириш;

➤ ўз илтимосини баён этиш, ваколатли ходим ва текширувчилардан муайян ҳаракатлар ёки текширув ишлари ўтказилишини сўраш;

➤ хизмат текшируви ўтказаетган ваколатли ходим (гуруҳ)нинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан хизмат текширувини тайинлаган раҳбарга, Шахсий хавфсизлиги бошқармасига, юқори турувчи раҳбарга, прокуратура ёки судга шикоят қилиш;

➤ хизмат текшируви якунлангандан сўнг хизмат текшируви хулосаси билан танишиш, хизмат текшируви хулосаси асл нусхасининг охириги варағига танишганлиги тўғрисида имзоси ва санани қайд этиш, ундан нусха олиш.

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим зиммасига ўзининг айбсизлигини ёки ишга алоқадор бошқа ҳолатларни исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги мажбуриятларга эга:**

- ✚ хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходимнинг чақирувига биноан бевосита бошлиғига ахборот бериш ва белгиланган вақтда етиб келиш;
- ✚ ўрганилаётган ҳолатга алоқадор барча материалларни тақдим қилиш;
- ✚ хизмат текширувида иштирок этишдан бош тортмаслик;
- ✚ ҳақиқатни аниқлашга имкон берувчи далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа ҳаракатларни содир этишдан тийилиш;
- ✚ хизмат текшируви якунига қадар, бевосита бошлиғининг кўрсатмасига асосан, юклатилган хизмат вазифаларини бажариш, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва ички ишлар органларининг Интизом устави талабларига қатъий риоя қилиш;
- ✚ хизмат вазифасидан вақтинча четлаштириш ҳақидаги буйруққа риоя қилиш.

### **Хизмат текширувини назорат қилувчи раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- \* хизмат текшируви жараёнида ўтказилиши лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан кўрсатмалар бериш;
- \* зарур ҳолларда хизмат текширувида шахсан қатнашиш, ҳолатга алоқадор ходим ва раҳбарлар билан қўшимча суҳбатлашиб, тушунтириш хатлари олиш;
- \* хизмат текшируви жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳажми кўпайиб кетганда, текширувга қўл остидаги ходимларни жалб қилиш ёки гуруҳ тузиш;
- \* ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга бу даврда ўқотар қурол бермаслик, ўз хизмат вазифасидан вақтинча четлаштириш ҳақида ваколатли раҳбарга таклиф киритиш;
- \* хизмат текшируви хулосасида интизом бузилишига йўл қўйган ходим ва унинг бевосита бошлиғига нисбатан тайинланаётган интизомий жазо чоралари бўйича таклифлар билдириш.

### **Хизмат текшируви ўтказилишини тайинлаган мансабдор шахс:**

- ✚ хизмат текшируви жараёнини тўлиқ назорат қилиши, ҳақиқатни аниқлашда барча ҳаракатлар ҳолисона ва ҳар томонлама амалга оширилишини таъминлаши;
- ✚ хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходим томонидан қонунийлик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаши;
- ✚ хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходимнинг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни зудлик билан кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши;
- ✚ хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходимни рад этиш тўғрисидаги билдирги ва шикоятларни кўриб чиқиши ҳамда хизмат текширувини бошқа ходимга ўтказиши ёки ўзида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- ✚ ушбу **Йўриқноманинг 35-бандида** кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, хизмат текширувини бошқа ходимнинг иш юритувига ўтказиши;
- ✚ зарур ҳолларда хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходимга бошқа таркибий (ҳудудий) бўлинмалар билан ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашиши;
- ✚ ҳамкорликда ўтказилаётган хизмат текширувлари бўйича гуруҳдаги барча ходим ва мутахассисларнинг фаолиятини, амалга оширган текширувлари ва тузган маълумотлари тўлиқлигини текшириши;
- ✚ текширув натижалари бўйича хулоса тузиш, тасдиқланган хулосанинг тегишли бандлари ижро этилишини таъминлаш учун зудлик билан тааллуқлилиги бўйича юборилиши ва ижроси таъминланишини назорат қилиши;
- ✚ хизмат текшируви давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик ёки интизом бузилиши ҳолатлар, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаши, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик бўйича таклифлар киритиши лозим.
- ✚ Хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходим барча ҳолатларни синчковлик билан, тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари,

ИИВнинг ички идоравий ҳужжатлари ва ушбу Йўриқнома талабларига мувофиқ, тўпланган далилларга уларнинг текширувга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, хизмат текширувини яқунлайди ҳамда асосли хулоса тузади.

✚ Хизмат текшируви соҳавий хизматлар ҳамкорлигида ўтказилганда, хизмат текширувини тайинлаш ҳақидаги сипоришда биринчи масъул этиб белгиланган хизмат ходими асосий ижрочи ҳисобланиб, хизмат текшируви хулосасини қолган ижрочилар билан биргаликда тузади.

**Хизмат текшируви хулосаси тўпланган далиллар, кўрсатувлар, маълумотлар ва ҳужжатларга асосан тузилиб, қуйидаги уч қисмдан иборат бўлади:**

- ✦ **кириш қисми;**
- ✦ **тавсифловчи қисм;**
- ✦ **қарор қисми.**

**Кириш қисмида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:**

хизмат текшируви ўтказётган ваколатли ходим (ходимлар)нинг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми;

хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган ҳужжат (шикоят, билдирги ва бошқалар), тузилган сана, чиқиш рақами ва келиб тушган сана.

**Тавсифловчи қисмида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:**

хизмат текшируви ўтказишга асос бўлган ҳужжатда (шикоят, билдирги ва бошқалар) кўрсатилган ҳолатлар ва вазлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ҳамда унинг бевосита бошлиғи ҳақида тўлиқ маълумотлар, ҳолат юзасидан берган тушунтириш хатлари ва кўрсатувлари;

хизмат вазифасидан вақтинча четлаштирилган ходим ёки мансабдор шахсга доир маълумотлар;

хизмат текшируви давомида суҳбатлашув ўтказилиб, тушунтириш хатлари олинган ходимлар ва фуқароларнинг кўрсатувлари;

ўрганилган ҳужжатлар, далиллар, экспертиза ва назорат-тафтиш хулосалари, мутахассис фикрлари ва бошқа маълумотлар;

ходим билан боғлиқ содир бўлган муайян ҳодиса, қонун ҳужжатлари ёки хизмат, ижро ва меҳнат интизоми бузилишининг ўзига хос жиҳатлари, моҳияти, оқибатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар;

амалдаги қонун ҳужжатлари, ИИВнинг ички идоравий ҳужжатлари, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва ички ишлар органларининг Интизом устави талаблари бузилганлиги бўйича асослантирилган таҳлил;

текширилган ҳолатларнинг тасдиқланган ёки тасдиқланмаганлиги;

хизмат текшируви ўтказиш жараёнида келиб тушган мурожаатлар;

хизмат текширувида ўрганилган масаланинг ҳажми, мураккаблиги ва бошқа ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ваколатли ходим томонидан ихтиёрий равишда барча далиллар ва қарама-қаршиликлар, текширув жараёнида олинган тушунтириш хатларининг қисқача мазмунини акс эттирувчи асослантирилган таҳлиллар ва уларнинг натижалари.

**Қарор қисмида:**

- кўриб чиқилган ҳолат юзасидан ўтказилган хизмат текшируви тугалланганлиги;
- хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг эгаллаб турган лавозими, унвони, фамилияси, исм-шарифи;

- ўз хизмат мажбуриятларига асосан содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки интизом бузилиши ҳолатининг олдини олиш чоралари кўрилишини таъминламаган мансабдор шахснинг эгаллаб турган лавозими, унвони, фамилияси, исм-шарифи;

- текширилган ҳолатнинг тасдиқланганлиги ёки тасдиқланмаганлиги;

- ходим томонидан айнан амалдаги қайси қонун ҳужжатлари, ИИВнинг ички идоравий ҳужжатлари, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом талаблари бузилганлиги;

- ички ишлар органларининг Интизом устави асосида ходимга ва мансабдор шахсга нисбатан қўллаш таклиф этилаётган интизомий жазо чорасининг тури аниқ кўрсатилади.

### **Шунингдек, хулосанинг қарор қисмида қуйидагилар қайд қилиниши мумкин:**

✎ хизмат текширувининг тегишли қисми ажратилиб, ИИВнинг таркибий тузилмаси ёки ҳудудий ички ишлар органларига юборилганлиги;

✎ хизмат текшируви жараёнида келиб тушган мурожаатнинг кўриб чиқиш натижаси ёки тегишлилиги бўйича юборилганлиги;

✎ хизмат текшируви жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан хулоса нусхаси ва тўпланган материалларнинг прокуратура органларига ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилганлиги;

✎ аниқланган интизом бузилиши ҳолатининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, келгусида йўл қўйилишининг олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чоралар белгиланганлиги;

✎ хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган мурожаат муаллифи, тегишли давлат органи ёки муассасасига жавоб ёхуд хизмат текшируви хулоса нусхасининг маълумот учун юборилганлиги, махфий ҳамда давлат ва хизмат сирларини ўзида акс эттирган материаллар бундан мустасно;

✎ хулосанинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш учун тааллуқлиги бўйича таркибий (ҳудудий) бўлинмага юборилиши ва бошқа чоралар.

Хизмат текшируви хулосаси бўйича назорат қилувчи раҳбарнинг розилиги олингандан сўнг, тегишли соҳавий хизматлар билан келишилади.

Тегишли соҳавий хизматлар раҳбарлари хизмат текшируви хулосаси билан танишиб чиқади ва имзолайди. Хулоса бўйича мавжуд эътирозлар ёзма равишда тақдим этилади ва белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Хизмат текшируви юзасидан келиб тушган шикоятлар, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### **Хизмат текшируви юзасидан шикоятлар келиб тушганда, ваколатли раҳбар томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:**

➤ шикоятни ҳал қилиш учун ваколатли органга ёки тегишли мансабдор шахсга юбориш;

➤ хизмат текшируви жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланса, ўтказилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳақида ёзма кўрсатма бериш, ишни хизмат текширувини ўтказётган ваколатли ходим иш юритувида қолдириш ёки бошқа ходимнинг иш юритувига ўтказиш;

➤ тамомланган хизмат текшируви бўйича тўпланган материалларни ўрганиб чиқиб, хато ва камчиликлар аниқланганда, хулосанинг тегишли бандларини бекор қилиш ва қўшимча хизмат текшируви ўтказилишини ташкил этиш;

➤ шикоятда келтирилган вазларни асоссиз деб топганда, қаноатлангирмасдан қолдириш.

Шикоятда аввал ўтказилган хизмат текшируви материаллари бўйича янги ҳолат ёки далиллар келтирилган бўлса, текшириш ҳужжатлари текширув ўтказган тармоққа ёки ваколатли раҳбар белгилаган бошқа тармоққа қайта кўриб чиқиш учун юборилади.

Хизмат текшируви терговга қадар текшириш, тергов ёки суд органлари ташаббуси асосида ўтказилган бўлса, хизмат текшируви хулосаси ва материалларининг асл нусхалари ушбу органларга уларнинг сўровига кўра ишга қўшиш учун юборилади.

Тезкор маълумотлар асосида ўтказилган хизмат текшируви материаллари бундан мустасно бўлиб, бундай ҳолларда хизмат текшируви хулосасининг фақат қарор қисми ҳудудий тегишлилиги бўйича ваколатли прокуратурага юборилади.

Шахсий хавфсизлик ва бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилиши натижасида ходим ёки хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган бошқа шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида қонунбузилиши аломатлари мавжуд ҳолатлари аниқланганда, бундай хизмат текширувлари ҳуқуқий баҳо бериш учун ваколатли органларга юборилади.

Хизмат текширувини тайинлаш ва унинг якуни бўйича материалларни юбориш ёхуд қўшимча текшириш ҳужжатларини тақдим этиш, қоида тариқасида, ҳудудий тегишлилиги бўйича амалга оширилади.



Хизмат текширувларининг ягона ҳисоби ИИВ Ташкилий департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ Ташкилий бошқармалари, туман (шаҳар) ИИБлари Ташкилий бўлим ва бўлинмалари (кейинги матнда-ташкилий бўлинмалар) томонидан иш юритиш қоидалари асосида амалга оширилади ва марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилади.

Ташкилий бўлинмалар хизмат текширувлари бўйича ИИВ тизимида ягона ҳисобот шаклининг юритилиши, унинг ҳаққонийлиги ҳамда хизмат текшируви хулосаларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, ташкилий бўлинмалар хизмат текшируви хулосалари (материаллари)ни прокуратура органларига ўз вақтида юборилиши ва ҳар ярим йилда камида бир марта солиштирувлар ўтказилишини таъминлайди. Хизмат текшируви натижаси бўйича ходим(лар)га интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқлар нусхалари ходимнинг шахсий ҳужжатлар **йигма жилдига (архив)** қўшиш учун тегишли кадрлар бўлинмаларига юборилади. Ўтказилган хизмат текширувлари бўйича ягона ҳисобот шакли асосида тайёрланган маълумотлар ҳар ойнинг **5-санасига қадар** ҳудудийлиги бўйича прокуратура органларига тақдим этилади.

ЛИЧНОЕ ДЕЛО  
№ \_\_\_\_\_  
Обучающегося (обучавшейся) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_  
Зачислен в \_\_\_\_\_ класс  
\_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ года  
\_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_

ИИВ тизимида ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш амалиёти устидан назорат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Прокуратура органларига келиб тушган хизмат текширувига доир ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади ва кўриб чиқилади. Хизмат текшируви ҳужжатларида ички ишлар органи ходими ёки бошқа шахснинг қилмишида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, **Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 329-моддаси** тартибида қонуний қарор қабул қилиниши таъминланади. **Назорат қилувчи прокурор** хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаган ёки қўшимча текшириш зарурияти мавжудлиги ҳақида тўхтамга келган тақдирда, тегишли кўрсатма билан қўшимча текширув тайинлайди. **Қўшимча текширув** узоғи билан **ўн кунлик муддатда** ўтказилади.

Ташкилий бўлинмалар томонидан хизмат текширувларига доир тақдим этилган ҳисобот шакли ва прокуратура органларида кўриб чиқилган хизмат текшируви ҳужжатлари бўйича ҳар ярим йилда камида бир марта солиштирув ўтказиб борилади.

### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сонли қарорни ўрганиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда 2018 йил 27 ноябрь куни “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҚҚ-74-75-сонли қўшма қарорни ўрганиш.

**3.5-Мавзу: Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – **«баҳслашмоқ»**) технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.



#### **Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:**

- Ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши зарур бўлган муаммо танланади.
- Баҳслашиш учун икки нафар тингловчи, гуруҳ ёки жуфтликнинг эътиборига танланган муаммо ҳавола этилади.
- Муаммо юзасидан алоҳида тингловчи, гуруҳ ёки жуфтлик томонидан билдириладиган фикрлар таҳлил қилинади
- Экспертларнинг фикрлари тингланади
- Дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хулоса чиқарилади
- Дебат якунланади

#### **Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:**

**1-муаммо.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказишда ҳолатлари.

**2-муаммо.** Ходимга нисбатан хизмат текширувини тайинлаш ҳоллари.

**3-муаммо.** Хизмат текширувини ўтказиш жараёнида жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлари.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сонли қарорни ўрганиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда 2018 йил 27 ноябрь куни “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҚҚ-74-75-сонли қўшма қарорни ўрганиш.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасини такрорлаш.

### 3.6-Мавзу: **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ АҲАМИЯТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

##### **Режа:**

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий асоси.

**2-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг йўналишлари.

**3-ўқув савол.** Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ижро этиш тартиби.

**1-ўқув савол. Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий асоси.**

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ҳар бир ходимни, у қайси соҳавий хизматда фаолият кўрсатишидан қатъи назар, осойишталик посбони дейиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳам шарафли, ҳам масъулиятли соҳада фаолият кўрсатаётган ходимнинг иши ҳар доим ҳам бир текисда кечавермайди. Баъзида у жиноятчи билан тўқнаш келса, баъзида олов қаърига кириб, жабрланувчиларни қутқаради. Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш, уй-жой билан таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (тақдимнома) бериш, шаҳар йўловчи транспортдан ва шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган (етказилган) ёки ҳалок бўлган (вафот этган)да бир марталик нафақа тайинлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш белгиланган.

**Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга асосан қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябр кундаги “Ички ишлар органлари тўғрисидаги” ЎРҚ-407-сонли қонуни;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сонли қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-118-сон қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 354-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 1 октябрдаги **“Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 404-сонли буйруғи.**

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябр кундаги **“Ички ишлар органлари тўғрисидаги”** қонуннинг 7-боби 35-моддасида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш доирасида қуйидагилар белгиланган:

- \* соғлиғини сақлаш;
- \* меҳнатига ҳақ тўлаш;
- \* уй-жой майдони билан таъминлаш;
- \* мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;



- \* хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- \* давлат пенсия таъминоти;
- \* давлат суғуртаси;
- \* ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги **“Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сонли қарорига** асосан тасдиқланган **“Хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги” Низомнинг 121-бандида** ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўйидагилар орқали таъминланади:

- соғлиғини сақлаш;
- меҳнатига ҳақ тўлаш;
- уй-жой майдони билан таъминлаш;
- мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- давлат пенсия таъминоти;
- давлат суғуртаси;
- ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги **“Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-118-сон қарорига** асосан мамлакатимизда жамоат хафсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яхшилаш ҳамда мазкур соҳадаги хизматнинг жозибадорлигини ошириш борасида иккита асосий йўналиш белгиланди.

Хусусан:

Биринчиси, ички **ишлар органлари ходимлари ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган чораларни** кучайтириш мақсадида кўйидаги тартиб ўрнатилди:

а) **йигирма йил ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган** ходимлар йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шароитда даволанмаган тақдирда, уларга Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йилнинг якуни бўйича меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **4 баравари миқдорида** бир марталик пул компенсацияси тўланади;

б) **ички ишлар органларидан хизматдан бўшатиш** {ички ишлар органларидан салбий сабабларга кўра бўшатиш қоллар бундан мустасно) пайтдан бошлаб **36 ой давомида** собиқ ходим (пенсионер)нинг ички ишлар органларидаги хизмат вазифаларини бажарганлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда, унга Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан кўйидаги миқдорларда **бир марталик пул компенсацияси** тўланади;

**вафот этган тақдирда** - унинг оила аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш юз бараваригача** бўлган миқдорда;

**ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда** - базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч юз бараваригача** бўлган миқдорда пул тўланади.

Иккинчиси, хизматда самарали натижаларга эришган ходимларни **уй-жой билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида** белгиланди:

а) ҳар йили, ички ишлар органларида беш йилдан ортиқ хизмат қилган, хизматда самарали натижаларга эришган ва уй-жой билан таъминланмаган **500 нафар ходимга** ипотека кредитлари асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **25 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **400 бараваридан ошмайдиган** дастлабки бадал пули

Давлат бюджети маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб берилади.

Ходим дастлабки бадал пулини олган вақтдан бошлаб **10 йиллик муддат даврида** ички ишлар органларидаги хизматдан салбий сабабларга кўра бўшатиш тақдирда, берилган дастлабки бадал пули у томонидан тўлиқ давлатга қайтарилади;

б) ходим терроризм жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, унинг номига расмийлаштирилган ипотека кредитларининг тўланмай қолган қисми ва ҳисобланган фоизлари Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги **“Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 354-сон қарор** билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** тасдиқланди.



#### **Ушбу Низомда қуйидаги йўналишлар белгиланди:**

1. ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш, уй-жой билан таъминлаш;
2. олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (тақдимнома) бериш;
3. шаҳар йўловчи транспортдан ва шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
4. мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
5. хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
6. тан жароҳати олган (етказилган) ёки ҳалок бўлган



(вафот этган)да бир марталик нафақа тайинлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш.

Ушбу фаолиятнинг механизмининг ижрога қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 1 октябрдаги **“Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 404-сонли буйруғи** тасдиқланди.

#### **Мазкур буйруқ билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:**

- ☑ Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низоми;
- ☑ Ички ишлар вазирлигининг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича марказий комиссияси таркиби;
- ☑ Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари фарзандларининг республика таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича комиссия таркиби;
- ☑ Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун кўп квартиралли уйлар ҳамда уларнинг “тайёр ҳолда топшириш” шартларида қурувчи инвестор ва тадбиркорларни танлаш бўйича танлов комиссияси таркиби;
- ☑ Ички ишлар органлари тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.

## **2-ўқув савол. Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг йўналишлари.**

Ички ишлар органларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Ходим фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари талабларидан келиб чиққан ҳолда эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат вазифаларини бажаришда давлат органининг вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июль кундаги ВМҚ-354-сонли қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 1 октябрдаги **“Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini тартибга солиш тўғрисида”ги 404-сонли буйруғига асосан ички ишлар органларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими белгиланган.**

### **Мазкур тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш, уй-жой билан таъминлаш;
- олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (тақдимнома) бериш;
- шаҳар йўловчи транспортдан ва шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- тан жароҳати олган (етказилган) ёки ҳалок бўлган (вафот этган)да бир марталик нафақа тайинлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш.

**Бундан ташқари, вшбв тизимни янада такомиллаштириш борасида “Е-ijtimoiy-himoya.iiv.uz”** ягона интерактив хизматлар портали ишга тушурилди.

Мазкур электрон портал - **ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча чоратadbirlарини ягона тизимга камраб олувчи ва мазкур соҳадаги интерактив хизматлар кўрсатишни назарда tutувчи онлайн электрон мувожаатлар портали ҳисобланиб, электрон навбат асосида очик ва ошқора юритиладиган электрон тизимдир.**

Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддадан 43-моддагача тизими белгилаб берилган. Шу борада мазкур ҳимоя нормаларни қисқача мазмун моҳияти билан танишиб чиқилади.

**Соғлиқни сақлаш.** Ички ишлар органларининг ходим ва ҳарбий хизматчиларига, пенсионерларига, уларнинг оила аъзоларига (ички ишлар органлари тизимида хизматда бўлган даврида никоҳда бўлган хотини (эри), никоҳ бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно, ота-онаси, ўн саккиз ёшдан ошмаган фарзандлари, таълим муассасаларида таълимнинг кундузги шаклида таҳсил олаётган йигирма бир ёшгача (катта офицерларнинг фарзандлари йигирма уч ёшгача) бўлган фарзандлари, ёшидан қатъи назар болалиқдан ногирон бўлган болалари) ҳамда ишчи ва хизматчиларига Вазирликнинг таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари, шунингдек, фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети



маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи бошқа даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этади.

### **Соғлиқни сақлаш йўналиши учта субъектга нисбатан амалга оширилади:**

**Биринчиси,** ички ишлар органлари ходими;

**Иккинчиси,** ички ишлар органлари ходимининг оиласи (ўн саккиз ёшдан ошмаган фарзандлари, таълим муассасаларида таълимнинг кундузги шаклида таҳсил олаётган йигирма бир ёшгача (катта офицерларнинг фарзандлари йигирма уч ёшгача) бўлган фарзандлари, ёшидан қатъи назар болаликдан ногирон бўлган болалари).

**Учинчи,** ички ишлар органлари ходимларининг яқин қариндошлари (ота-онаси).

Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш ички ишлар органлари тиббиёт бошқарма ва бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилари, пенсионерлари санаторий-курорт шароитида даволаниш учун йилига бир марта имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Ходимларнинг фарзандлари яшаётган жойдаги мактабгача таълим муассасаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги мактабгача таълим муассасаларига ва ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз ва имтиёзли равишда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги мактабгача таълим муассасалари ва ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига қабул қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 октябрдаги 404-сонли буйруғи асосида белгиланади.

Ходимлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йилда бир марта мажбурий чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтадилар. **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** соҳаси билан боғлиқ бўлган ички ишлар органлари ходимлари профилактик **тиббий кўрикдан ҳар олти ойда** ўтадилар.

Касалликларнинг профилактикаси, беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва соғломлаштириш, тиббий кўриklar ва ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тиббий воситалар, буюмлар, асбоб-ускуналар, дори воситалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинади.

Алоҳида ҳолларда, бириктирилган таркибнинг тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиши учун уни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус комиссияси хулосаси асосида амалга оширилади. Бундай ҳолларда, бириктирилган таркибнинг тиббий ёрдам олиши учун қилинган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдамни ва санаторий-курорт таъминотини, тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Меҳнатига ҳақ тўлаш.** Ички ишлар органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул ва озиқ-овқат таъминоти билан таъминланади.



Хизмат муддати, педагогик иш стажи, шунингдек илмий унвони мавжудлиги учун ходимларга қонун ҳужжатларга мувофиқ устама ҳақлар тўланади.

Хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, юксак маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган, шунингдек ўз фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга ҳар ойлик кўшимча тўловни назарда тутувчи «**учинчи тоифа мутахассиси**», «**иккинчи тоифа мутахассиси**», «**биринчи тоифа мутахассиси**» ва «**уста**» малака тоифалари берилади.

Хизматга янги қабул қилинган ходимларга бириктирилган мураббийларга лавозим маошининг **20 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама** ҳақ тўланади.

**Ҳар чорак якунлари бўйича** қуйидагиларга нисбатан лавозим маошининг **50 фоизгача миқдорда бир марталик** пул ушланиши ёки мукофот таъсир чораси сифатида қўлланилади:

➤ **профилактика (катта) инспекторларига** – бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни, биринчи навбатда, оғир ва ўта оғир жиноятларни барвақт олдини олиш, шунингдек жойлардаги муаммоларни ҳал этишда аҳоли билан ишлашни ташкил қилиш аҳволи учун;

➤ **бириктирилган ҳудудда тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи ички ишлар органлари (катта) тезкор вакилларига** – оғир ва ўта оғир жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш аҳволи учун.

Кучайтирилган ёки суткалик режим жорий этилиши муносабати билан иш соатлари (кунлари)нинг белгиланган нормалари оширилганлиги эвазига ходимга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда пул компенсацияси тўланади ёки дам олиш кунлари (отгуллар) берилади ёхуд бу кунлар унинг **ҳар йилги асосий таътилига** қўшилади.

**Уй-жой майдони билан таъминлаш.** Уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган ички ишлар органлари ходимлари белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга. Ички ишлар органлари хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.

Ички ишлар органлари ходимларига турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.

Ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш ҳуқуқи берилади ва якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион воситасида сотиб олиш харажатларининг ўрни қопланади.

**Мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.** Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

Ходим ва ҳарбий хизматчилар ёки уларнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида етказилган тақдирдагина қопланади.

Ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг **яқин қариндошлари** деганда қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ёки ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади.





Ходим ва ҳарбий хизматчилар ёки уларнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи ҳудудий ички ишлар органлари ва ҳарбий тузилмаларда ҳудудий комиссиялар, Вазирлик марказий аппаратида Марказий комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ходим ва ҳарбий хизматчи ёки унинг яқин қариндоши ички ишлар органи раҳбарига билдирги (ариза) билан муурожаат қилади. **Мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳал қилиш учун комиссия топширилади:**

- а) мол-мулкига зарар етказилган ходим ва ҳарбий хизматчининг зарар ўрнини қоплаш ҳақидаги билдиргиси ёки яқин қариндошининг аризаси;
- б) зарар етказилган ҳолатлар бўйича текширув хулосаси;
- в) зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

**Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш.**

Ички ишлар органлари махсус автотранспорт воситалари, шу жумладан ички ишлар органларига тегишлиликни билдирувчи махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга махсус автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа махсус воситалар билан таъминланади.

Меҳнатнинг қатнов хусусияти билан боғлиқ бўлган хизмат мажбуриятларини бажарувчи ички ишлар органлари ходимларига шаҳар йўловчи транспортдан (маршрутли ва линияли таксилардан ташқари) фойдаланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда ойлик йўл чипталари ёки пуллик компенсация тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ички ишлар органлари ходимларига транспортнинг барча турларига йўл ҳужжатларини сафар гувоҳномасини кўрсатиб навбатсиз олиш ҳуқуқи берилади.

Шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланадиган ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.

Шунингдек, Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби **Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги 235-сонли Қарори** билан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

**Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ қуйидаги ҳолларда ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин:**

табiiй офат ёки фавқулодда ҳолат юз берган жойга боришда;

шошилич тиббiiй ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббiiй муассасаларга олиб боришда;

жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келишда;

ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига боришда.

Ушбу ҳолатларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ички ишлар органи ходимининг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш талабига бўйсунishi шарт ва ходимдан ходимни идентификацияловчи ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**Қуйидаги ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди:**

✚ чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига тегишли транспорт воситалари;

✚ халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари;

✚ махсус мўлжалланган ва овоз чиқарув мосламалари (сирена) ўртнатилган транспорт воситаларидан ҳамда Ҳуқумат раҳбарларини олиб юрувчи, тиббiiй тез ёрдам, ёнғин учирish, қонвой, инкассатор хизматларининг транспорт воситалари.



✚ Ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларидан фойдаланилганда, транспорт воситасининг эгасига ходим транспорт воситасидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи идентификацияловчи хужжат берилиши шарт.

Транспорт воситасидан фойдаланган ички ишлар органи ходими ҳолат бўйича барча тасдиқловчи хужжатлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ваколатли давлат ташкилотларининг маълумотномалари) илова қилинган билдирги билан хизмат жойи бўйича ички ишлар органи раҳбарига ахборот беради.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш масалаларини ўрганиш бўйича ички ишлар органларида доимий комиссиялар тузилади.

Ички ишлар органи томонидан транспорт воситасидан фойдаланилгандан кейин қилинган харажатлар ёки етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги 235-сонли Қарори билан тасдиқланган низом талаблари асосида амалга оширилади.

**Давлат пенсия таъминоти.** Ички ишлар органлари ходимлари боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.

Ходимнинг хизмат муддати календарь ҳисобда йигирма йилга етганидан сўнг, ўтаган хизмат муддати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро шартномаларга мувофиқ), Ўзбекистон Республикасининг олий-ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматни ўташ давлари киради.

Ушбу ҳолда ходимга пенсия тайинлашда унинг календарь тарзда ҳисобланадиган хизмат муддатига қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган имтиёзли ҳисобланадиган хизмат муддати қўшилади.

Ички ишлар органларида хизмат ўтаётган, шу жумладан кадрлар захирасида бўлган ходимларга хизмат муддати, агар қонун ҳужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, имтиёзли равишда **бир куни бир ярим кунга тенглаштириб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа хорижий давлатлар (Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ юборилган тақдирда) олий таълим муассасаларида, жумладан касбий тайёргарлик факультетида ва раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети (олий курслари)да кундузги таълим **ўқиш даври бир куни бир кунга** ҳисоблаган ҳолда хизмат муддатига қўшилади.

Алоҳида даврда **жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операциялар ўтказишда, фавқулодда ҳолат тартибини ҳуқуқий таъминлаш** ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этган, шунингдек ушбу ҳаракатларда иштирок этиши давомида олган **ярадорлиги, контузияси ва жароҳатланганлиги** оқибатида тиббий муассасада бўлган ходимлар ушбу даврдаги хизмат муддати **бир куни уч кунга тенглаштирилиб** ҳисобланади.

Ходимларнинг алоҳида даврда жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операцияларда, фавқулодда ҳолат режимини ҳуқуқий таъминлашда ва унинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлиги ва муддатлари ҳақида ваколатли бошлиқ буйруқ чиқаради, буйруқдан кўчирма уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларига қўшилади.

Пенсия олиш ҳуқуқини берувчи хизмат муддатини ўтамаган (хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганлиги, ташкилий-штат ўзгаришлари, касаллиги – ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида, соғлиғининг чекланганлиги ҳолати – ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимга мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида), хизматдан бўшатилаётган ходимлар бўшаш кунда умумий иш **стажи йигирма беш ва ундан ортиқ**



йилни ташкил этган, улардан камида **ўн икки йилу олти ойи** ички ишлар органлари хизматига тўғри келганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хизматдан бўшатилаётган ходимларга бир марта тўланадиган нафақа пули берилади. Шунингдек, хизматдан бўшатилаётган ходимлар кўп йиллик ва виждонан (бенуқсон) хизматлари учун ваколатли раҳбарлар томонидан қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти билан тақдирланиши мумкин.

**Давлат суғуртаси.** Ички ишлар органларининг ходимлари хизматга қабул қилинган кунидан бошлаб ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан **мажбурий суғурта** қилинади.

Ходимнинг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрни ихтиёрий ёки мажбурий суғурта маблағларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

Ушбу қоида ички ишлар органларидан пенсияга чиқарилган шахсларга, агар зарар уларга ёки яқин қариндошларининг мол-мулкига ички ишлар органларидаги хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилганида ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларга, шунингдек ҳалок бўлганларнинг оиласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва миқдорда бир марталик нафақа тайинлашга ҳақли.

Ички ишлар органлари ходими, ҳарбий хизматчиси ва Вазирлик тизимига кирувчи таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар хизмат мажбуриятларини бажараётган вақтда **ҳалок бўлганда** унинг оила аъзоларига марҳумнинг **ойлик маошининг 100 баравар** миқдорда нафақа тайинланади.

#### **Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимга:**

- оғир тан жароҳати етказилганда ойлик маошининг 50 баравар миқдорда;
- ўртача оғир тан жароҳати етказилганда ойлик маошининг 20 бараваригача бўлган миқдорда нафақа тайинланади.

Енгил тан жароҳати етказилган ходимга нисбатан нафақа тайинланмайди. Вазирлик тизимига кирувчи таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилганда ёки ҳалок бўлганда юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорларда стипендия ва эга бўлган махсус (ҳарбий) унвон маоши йиғиндиси миқдоридан келиб чиқиб нафақа ҳисобланади.

Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига нафақа расмийлаштириш, тайинлаш, тўлаш шартлари, шунингдек нафақани расмийлаштириш бўйича ишларни назорат қилиш тартиби **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июлдаги 452-сон қарори** билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланган<sup>5</sup>.

Ходимлар, боқувчисини йўқотганда эса уларнинг оила аъзолари қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.



<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июлдаги 452-сон қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 27. – 617-модда.

**Ижтимоий ёрдам кўрсатиш.** Қонун ҳужжатларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига уларни ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилишда ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда афзалликлар берилиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413 Қарорида ходимларни ижтимоий кафолатлаш қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

**Жумладан:**

- **бетоб ходимлар даволаниши учун** — пул таъминотининг беш бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- **ходимларнинг бетоб яқин қариндошларини (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) операция қилдириш**, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- **санаторий-курорт муассасаларида даволаниш ва дам олиш учун** — пул таъминотининг икки баравари миқдоригача моддий ёрдам бериш;
- **уй-жойга эга бўлиш ёки яшаш шароитини яхшилаш учун** — беш йилдан ошмайдиган муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан ошмайдиган миқдорда фоизсиз қарз бериш;
- **ички ишлар органларида амалий хизмат стажи 10 йилдан ортиқ** бўлган, хизматда самарали натижаларга эришган ходимларга мамлакатда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **300 бараваридан ошмаган миқдорда 3 йил муддатга** Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида **қарз бериш**;
- **тўйлар ва дафн маросимларини ўтказиш учун** — пул таъминотининг икки бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- **пул мукофоти ёки қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларининг 10 фоизи ҳар йили хизматда самарали натижаларга эришган ва амалдаги интизомий жазоси бўлмаган ходимларни ижтимоий кафолатлашга ажратилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизмат интизоми ва бенуқсон узлуксиз хизмати учун ташаббускор ва виждонли ходимларни тақдирлаш мақсадида **I, II ва III даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун»** ҳамда «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» идоравий кўкрак нишонлари таъсис этилган.

Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат йилини ҳамда навбатдаги махсус унвон учун белгиланган муддатини ўтаган, эгаллаб турган лавозими билан белгиланган унвон поғонаси «капитан» бўлган, ижобий тавсифланадиган офицерлар таркибидаги ходимларга хизматдан бўшатиш билан бир вақтда «майор» махсус унвони берилиши мумкин.

Ходимларга дам олиш ва иш қобилятини тиклашлари учун таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч календарь кундан ошмайдиган вақт кўшилган (байрам кунлари ҳисобга олинмаган, лавозими ва пул таъминоти сақланган) ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳар йилги асосий таътил берилади.

**3-савол.** **Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш тизимини ижро этиш тартиби.**

**Хизмат хонадонлари билан таъминлаш тартиби** ички ишлар органларига бириктиради ва уларни ҳисобга олиш ҳамда фойдаланиш ҳолатини ҳар йили текширади.

Вазирлик марказий аппарати, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг бевосита балансида бўлган хизмат уй-жойларининг ҳисобини юритиш ҳисобга олиш китоби, шунингдек, хизмат уй-жойини бириктириш карточкаси шакли асосида қоғоз ва электрон шаклда доимий равишда амалга оширилиб, маълумотлар базаси шакллантирилади.

Хизмат уй-жойлари ходимлар ёки уларнинг оила аъзолари томонидан бўшатиш (ички ишлар органига қайта топширилган) тақдирда, топшириш-қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузилиб, шунинг асосида хизмат уй-жойларининг ҳисобига ва бу билан боғлиқ ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Хизмат уй-жойи бошқа ташкилот (орган) балансига ўтказилган тақдирда, у билан боғлиқ тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси мазкур ташкилот (орган)га юборилади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси архивга топширилади. Хизмат уй-жойи ҳусусийлаштирилган тақдирда, бу тўғрисида тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ҳужжатлар архивга топширилади.

Ходим хизмат уй-жойи олиш учун хизмат жойи бўйича комиссия раиси номига қуйидаги ҳужжатларни анъанавий ёки электрон нусхасини юклаб, **электрон портал орқали** мурожаат қолдиради:

- иш жойидан иш фаолияти ва оилавий таркиби тўғрисидаги маълумотнома;
- уй-жойни ижарага олгани (ёллагани) ҳақида шартнома (мавжуд бўлса) нусхаси;
- ходим ва унинг вояга етган оила аъзоларининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картаси, шунингдек, вояга етмаган оила аъзоларининг туғилганлик ҳақида гувоҳномалари нусхалари;
- никоҳ тузилганлиги (мавжуд бўлса) ҳақида гувоҳнома нусхаси;
- ходим ёки турмуш ўртоғининг шахсий уй-жойи (ер участкаси) йўқлиги ҳақида маълумотнома.

**Хизмат уй-жойларини ҳусусийлаштириш Марказий комиссиянинг йиғилишида кўриб чиқилиб, ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия раисининг тақдимномаси асосида Вазирнинг буйруғи билан қуйидаги ҳолларда:**

\* ички ишлар органларидаги хизмати давомида ижобий натижаларга эришган, юксак касбий маҳорат ҳамда маънавий-ахлоқий фазилатларни намоён этган, ички ишлар органларида 20 ва ундан кўп календарь йил давомида хизмат қилган, уй-жой билан таъминланмаган юқори малакали ходимларга ҳамда пенсия олиш ҳуқуқидаги резервга ва истеъфога бўшатишларга, шунингдек, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ва боқувчисини йўқотган ходимларнинг оила аъзоларига (турмуш ўртоғи, фарзандлари ёки қарамоғида бўлган шахсларга)— бепул;

\* хизмат квартираларида яшовчи, шунингдек, уй-жой билан таъминланиш ва яшаш шароитини яхшилашга эҳтиёжи бўлган ходимларга - сотиш орқали шахсий мулк этиб берилиши мумкин.

\* Боқувчисини йўқотган ходимларнинг оила аъзолари (эри (хотини), фарзандлари ёки қарамоғида бўлган шахслар) уларга бошқа уй-жой берилмасдан яшаб турган хизмат уй-жойидан чиқарилиши мумкин эмас.

\* Хизмат уй-жойини ҳусусийлаштириш масаласида тегишли комиссияга билдирги (ариза) билан мурожаат қилиб, иш жойидан тавсияномани (пенсия олиш ҳуқуқидаги резервга ёки истеъфога бўшатишларга бўшатиш тўғрисидаги буйруғидан кўчирма) тақдим этади.

Мазкур ҳужжатларни электрон тизим асосида олишнинг имкони бўлмаса, ходимдан тегишли ҳужжатлар талаб этилиши мумкин.

Шунингдек, сотиш орқали шахсий мулк этиб берилишида тегишли молия- иқтисод бўлинмаларидан ходимнинг ички ишлар органларида хизмат қилиши ва **охирги 12 ойдаги даромади** тўғрисидаги маълумотлар олинади.

**Имтиёзли шартларда ипотека кредитлари асосида турар жой сотиб олиш (қуриш) учун дастлабки бадал ажратиш тартиби** - Ички ишлар органларида беш йилдан ортиқ хизмат қилган, хизматда самарали натижаларга эришган ва уй-жой билан



таъминланмаган ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳисобига турар жой билан таъминланиш ёки турар жой шароитларини яхшилаш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга имтиёзли шартларда ипотека кредитлари асосида турар жой сотиб олиш (қуриш) учун дастлабки бадал ажратилади.

Ходимларга ипотека кредитлари асосида сотиб олинаётган ўй-жой қийматининг **25 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **400 бараваридан ошмайдиган дастлабки бадал** пули Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб берилади.



Бунда сотиб олинмаган турар жойнинг шартномадаги қиймати ўй-жойнинг ҳисобланган қийматидан кам бўлган тақдирда, дастлабки бадал шартномада кўрсатилган қийматнинг **25 фоизи миққорида** ажратилади.

Ходим турар жой олиш учун хизмат жойи бўйича комиссия раиси номига қуйидаги ҳужжатларни электрон портал орқали юклаб, мурожаат қолдиради:

дастлабки бадални олиш учун комиссия раиси номига билдирги;

ходим ва унинг оиласи таркиби тўғрисида ҳамда ходимнинг календарь бўйича ҳисоблаб чиқилган узоқ муддатли хизмата тўғрисида кадрлар хизмата томонидан берилган маълумотнома;

ходим хизмат олиб бораётган иш жойидаги раҳбарнинг мазкур ходимнинг хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлиги ва амалдаги интазомий жазоси мавжуд эмаслиги тўғрисида 8-иловага мувофиқ тавсифномаси;

ходимнинг турар жой билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган **ўй-жой аттестати** (мавжуд бўлганда).

**Комиссиянинг масъул ходими томонидан электрон тазимлар орқали тегишли маълумотлар мустақил равишда олинади.**

Ходимларга яшаш шароитини яхшилаш учун **фоизсиз қарз бериш ва расмийлаштириш тартиби** - Ўй-жойга эга бўлиш ёки яшаш шароитини яхшилаш учун **5 (беш) йилдан ошмайдиган муддатга** базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 000 (минг) бараваридан** ошмайдиган миққорда **фоизсиз қарз бериш** масаласи Марказий ва ҳудудий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Комиссия томонидан ходимга қарз бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ходим томонидан гаров қўйишда тегишли харажатлар қопланади.

**Қарз бериш тўғрисидаги мурожаатни қабул қилиш жараёнида ёки қабул қилинган мурожаатни кўриб чиқиш натижасида тегишли комиссия (ёки унинг ишчи органи) томонидан қуйидаги ҳолатлар аниқланганда қарз бериш тўғрисидаги мурожаат рад этилади ҳамда ҳужжатлар қайтарилади:**

- ходим яшаш шароитини яхшилашга муҳтож эмаслиги аниқланганда;
- кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;
- ходим томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилганда;
- ойлик иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинмаган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган пул таъминотининг эллик фоизидан ортиқ бўлганда;
- олдин берилган қарз миқдори тўлиқ қайтарилмаганда;
- муқаддам қарз олиниб, тўлиқ қайтарилганидан сўнг бир йил давомида такроран мурожаат этилганда;
- қонунчилик ҳужжатларига Вазирликнинг Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

**“Тайёр ҳолда топшириш” шартларида турар жой ажратиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби** - ходим ва ҳарбий хизматчилар “тайёр ҳолда топшириш” шартларида қурилган уйларни сотиб олиш орқали турар жой билан таъминланади.

Ўй-жой билан таъминланиш ва яшаш шароитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган, хизмат фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда) юқори натижаларга эришган, шунингдек, интизомий жазога тортилмаган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар улар учун қурилган уйларни имтиёзли арзон нархларда сотиб олиш ҳуқуқига эга.

**Турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси**

**тўлаш тартиби** - Ички ишлар органларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари хизмат ҳудудида турар жойи билан таъминланмаган тақдирда уларга ҳар ойда турар жойни ижарага олинганлиги (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси тўлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ички ишлар органида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ишчи ва хизматчиларга турар жой ижарага олинганлиги (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси тўланмайди.

**Комиссия қўйидаги ҳолларда мурожаатни қаноатлантиришни рад этинш мумкин:**

- кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган ёхуд уларда нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда;
- ходимни ижарада турганлик ҳолати Вазирликнинг пуллик компенсация тўлаш шакли ва миқдорларини белгилаб берувчи тегишли буйруқ талабларига мос келмаганда;
- ходим ёки унинг турмуш ўртоғи номида хизмат олиб бораётган ҳудуди (бунда масофа инобатга олинади) бўйича шахсий турар жойи мавжудлиги аниқланганда;
- ходим билан унинг оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки вояга етган фарзанди) ўртасида ижара шартномаси расмийлаштирилган бўлса.
- Комиссия ёки унинг ишчи гурӯҳи пуллик компенсация тўлаш масаласидаги мурожаатни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, уни ижро этиш учун тегишли молия-иқтисод бўлини масига юборади.



**Моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш ва бошқа харажатлар учун ходимларга маблағ ажратиш тартиби** - ходимларга даволаниши учун, бетоб яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни операция қилдириш, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун, санаторий-курорт муассасаларида даволаниш ва дам олиш учун ҳамда тўйлар ва дафн маросимларини ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар бериш юзасидан маблағлар ажратиш масаласини кўриб чиқиш тегишли комиссиялар томонидан амалга оширилади.

**Ходимларга қўйидаги миқдорларда моддий ёрдам кўрсатилади:**

- бетоб ходимлар даволаниши учун-пул таъминотининг **5 (беш) бараваригача** бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- ходимнинг бетоб яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни операция қилдириш, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 (икки юз) бараваригача** бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- санаторий-курорт муассасаларида даволаниш ва дам олиш учун - пул таъминотининг **2 (икки) баравари миқдоригача** моддий ёрдам бериш;
- тўйлар ва дафн маросимларини ўтказиш учун - пул таъминотининг **2 (икки) бараваригача** бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам бериш;
- пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар.

**Ходим соғлиғини тиклаш ёки унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)ни операция қилдириш, шунингдек ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун анъанавий ёки электрон портал орқали қўйидаги ҳужжатларни юклаб, мурожаат қолдиради:**

- ❖ соғлиғини тиклаш бўйича даволанган тиббиёт муассасасининг касаллик тарихидан кўчирма ёки хулосаси;
- ❖ тўлов харажатларини акс эттирган шартнома ёки амалга оширилган тўлов миқдори тўғрисидаги чек (квитанция)лар;
- ❖ Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган ходимларга уларни даволаш билан боғлиқ харажатлар бўйича зарур ҳужжатлар (чек, шартнома) бўлмаганда ҳам комиссия томонидан мазкур харажатларни қоплаш масаласи кўриб чиқилади.

❖ Ходим ёки унинг яқин қариндошлари тўй ва дафн маросимлари ўтказиш учун моддий ёрдам олиш мақсадида электрон портал орқали қуйидаги ҳужжатларни юклаб, мурожаат қилади:

- ❖ никоҳ гувоҳномаси (ходимнинг никоҳ тўйи учун);
- ❖ маҳалладан далолатнома (фарзандининг суннат тўйи учун);
- ❖ ўлим гувоҳномаси (ходим, ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг дафн маросими учун).

Тўй маросимлари деганда ходимларнинг никоҳ ҳамда фарзандларининг суннат тўйлари назарда тутилади. Бошқа тўй маросимлар учун бир марталик моддий ёрдам берилмайди.

**Вазирликнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш тартиби** - махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилиши ходимлар, ишчи ва хизматчилар, пенсионерлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам Вазирликнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади. Моддий ёрдам қуйидаги мақсад ва миқдорларда кўрсатилади:

\* пенсионерларга соғлиғини тиклаш мақсадида дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун календарь йилда бир мартаба - базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваригача** бўлган миқдорда;

\* ходимлар ёки пенсионерларнинг яқин қариндошлари вафот этганда дафн маросими харажатларини қоплаш учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваригача** бўлган миқдорда;

\* ходимлар, ишчи ва хизматчилар ҳамда пенсионерларга табиий офат ёки фавқулодда содир бўлган ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваригача** бўлган миқдорда;

\* хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига кўмак бериш учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваригача** бўлган миқдорда.

**Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ариза (билдирги)га қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

✚ пенсионерлар соғлиғини тиклаш мақсадида дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун моддий ёрдам сўраб мурожаат қилганда, ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари томонидан берилган ва охириги уч ойлик маълумотлари кўрсатилган касаллик варақаси ёки касаллик тарихидан **кўчирма**;

✚ ходимлар ёки пенсионерларнинг яқин қариндошлари вафот этганда дафн маросими харажатларини қоплаш учун вафот этган шахснинг ўлим гувоҳномаси **нүсхаси**;

✚ табиий офат ёки фавқулодда содир бўлган ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлар юзасидан тегишли комиссия томонидан ходимлар, ишчи ва хизматчилар ҳамда пенсионерларнинг яшаш жойи ўрганилганлиги тўғрисидаги текширув **далолатномаси**;

✚ хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига кўмак бериш учун вафот этган ходимнинг ўлим гувоҳномаси **нүсхаси**.

**Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлар қуйидаги асосларга кўра рад этилади:**

✚ мурожаат этувчининг мазкур Низомнинг 169-бандида кўрсатиб ўтилган моддий ёрдамга муҳтож шахслар тоифасига кирмаслиги;

✚ моддий ёрдам бериш учун асос бўладиган ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари томонидан берилган касаллик ҳақидаги ва охириги уч ойлик маълумотлари кўрсатилган касаллик варақаси ёки касаллик тарихидан кўчирма жорий йил якунланганидан сўнг кечиктириб тақдим этилса;

✚ моддий ёрдам кўрсатиш учун асос сифатида тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар, хато ва камчиликлар ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар аниқланган тақдирда.

**Автотранспорт воситаларни сотиб олиш учун Марказий банкнинг қайта**



**молиялаштириш ставкасида қарз бериш тартиби** - ички ишлар органларида амалий хизмат стажи **10 йилдан ортиқ бўлган**, хизматда самарали натижаларга эришган ходимларга мамлакатда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **300 бараваридан ошмаган миқдорда 3 йил муддатга** Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида ажратилади.



Ойлик иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлари ҳамда пенсиясининг **эллик фоизидан ортиқ** бўлганда унга яқин қариндошларидан бири **кафил** бўлиши лозим.

**Енгил автотранспорт воситаси сотиб олиш учун қарз бериш тўғрисидаги мурожаатни қабул қилиш жараёнида ёки қабул қилинган мурожаатни кўриб чиқиш натижасида, тегишли комиссия (ёки унинг ишчи органи) томонидан қуйидаги ҳолатларда, қарз бериш тўғрисидаги мурожаат рад этилади:**

- ✚ кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
- ✚ ходим ёки турмуш ўртоғининг номида автотранспорт воситаси борлиги аниқланганда;
- ✚ ходимга муқаддам автотранспорт сотиб олиш учун қарз берилганда.
- ✚ Қуйидаги ҳолларда қарз шартномаси бекор қилинади ҳамда қолган қарз маблағи, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, қарзни қайтариш муддати тугамасдан ундириб олинади:
- ✚ қарз олган ходим ички ишлар органлари хизматидан пенсия олиш ҳуқуқисиз бўшатирилганда;
- ✚ қарз маблағидан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланганда.

**Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби** - Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган тартибда берилди.

**Тавсиянома** (тақдимнома) ходим ёки ҳарбий хизматчининг бир нечта фарзандига бир вақтнинг ўзида берилиши **мумкин**. Бунда битта фарзандига бир вақтнинг ўзида ҳам тақдимнома, ҳам тавсиянома берилишига **йўл қўйилмайди**.

Жорий йилда берилган тавсиянома (тақдимнома) **ўч йилгача амал қилади** ва мазкур давр давомида ходим ёки ҳарбий хизматчининг фарзандига **қайта тавсиянома** (тақдимнома) **берилмайди**. Бундан тавсиянома (тақдимнома) йўқотиб қўйилганлиги ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилганлиги мустасно бўлиб, мурожаатга асосан унга тавсиянома (тақдимнома) **такроран** берилиши мумкин.



Ходим ёки ҳарбий хизматчи **ҳар йили 25 апрель кунига қадар** тавсияномани тақдимномага ёки тақдимномани тавсияномага ўзгартириш борасида қўшимча билдирги билан тўғридан-тўғри комиссия раиси номига мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур муддат ўтказиб юборилган тақдирда, қўшимча билдирги қабул қилинмайди. Қўшимча билдирги фақат **бир мартаба** берилиши мумкин.

Ҳар иккаласи ҳам ички ишлар органи ходими ёки ҳарбий хизматчиси бўлган қонуний никоҳдаги эр ва хотиндан фақат биттаси ўз фарзандлари учун тавсиянома (тақдимнома) олиш масаласидаги имкониятдан фойдаланиши мумкин.

Махсус серия рақамли тавсиянома (тақдимнома)нинг асл нусхаси ҳудудий маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматининг масъул ходим ёки ҳарбий хизматчиси томонидан мурожаат этган ходим ёки ҳарбий хизматчининг фарзандига, шунингдек, вафот этган ёхуд ногирон бўлиб қолган ходим ёки ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ёхуд оила аъзоларига тегишли шаклдаги Ички ишлар органлари ходим ва ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига давлат олий ва ўрта махсус таълим

муассасаларига ўқишга кириш учун бериладиган тавсиянома (тақдимнома)ларни ҳисобга олиш китобига имзо қўйдирилган ҳолда топширилади.

Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тақдимнома берилган ходимларнинг фарзандлари ҳам уларнинг асл нусхасининг мазкур таълим муассасаларига бошқа ҳужжатлар билан биргаликда топширишлари лозим.

Ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тақдимнома берилган ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари уларнинг асл нусхасининг мазкур таълим



муассасаларига бошқа ҳужжатлар билан биргаликда топширишлари лозим.

Юқоридагилардан ташқари, бошқа давлат олий таълим муассасаларига берилган тавсияномалар комиссиянинг масъул ходими томонидан Давлат тест марказининг электрон маълумотлар базасига онлайн тарзда киритилганлиги сабабли, уларнинг асл нусхаси ходим ва ҳарбий хизматчилар ёки фарзандларининг ўзида сақланади ва ўқишга қабул қилинган тақдирда, мазкур олий таълим муассасаларининг талабига мувофиқ топширилади.

**Тавсиянома** (тақдимнома) олган ходим ёки ҳарбий хизматчи ҳар йили **1 октябрь кунига** қадар фарзандининг мазкур тавсиянома (тақдимнома)дан фойдаланган ҳолда топишрган имтиҳон натижалари тўғрисида билдирги орқали ҳудудий маънавий- маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғига ахборот бериши лозим. Бундан хизмат вазибаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходим ёки ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари мустасно бўлиб, уларнинг имтиҳон натижалари тегишли ҳудудий шнчи гуруҳ томонидан мустақил равишда аниқланади.

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг республика таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича комиссия томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимларига тавсиянома (тақдимнома) беришда уларнинг амалда интизомий жазоси бор-йўқлиги асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

**Ходим ёки ҳарбий хизматчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби** - Ходим ва ҳарбий хизматчилар ёки уларнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган зарар ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида етказилган тақдирдагина қопланади.

Мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ходим ва ҳарбий хизматчи ёки унинг яқин қариндоши (қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ёки ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) билдирги (ариза)ни электрон нусхасини юклаб, электрон портал орқали мурожаат қолдиради. Зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш комиссия котиби ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

**Мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳал қилиш учун комиссия котиби томонидан комиссияга:**

- а) мол-мўлкига зарар етказилган ходим ва ҳарбий хизматчининг зарар ўрнини қоплаш ҳақидаги билдиргиси ёки яқин қариндошининг аризаси;
- б) зарар етказилган ҳолатлар бўйича текширув ҳўлосаси;
- в) зарар миқдорини тасдиқловчи ҳўжжатлар тақдим этилади.

**Ташкилот ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида қилинган харажатларни қоплаб бериш тартиби** - Ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбўрий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шўнингдек, транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкй зарарнинг ўрни қоплаб берилиши кафолатланади.

**Ходим ёки ҳарбий хизматчи тан жароҳати олган (етказилган) ёки ҳалок бўлган (вафот этган)да бир марталик нафақа тайинлаш тартиби** - Хизмат мажбўриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган (етказилган) ходим ва ҳарбий хизматчилар, кўрсант ва тингловчиларга ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходим ва ҳарбий хизматчилар, кўрсант ва тингловчиларнинг оила аъзоларига **бир марталик нафақа** тўлаб берилади. Хизмат мажбўриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган (олган) ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига сўғурта тўловини тўлаб бериш масаласи қонунчилик ҳўжжатлари талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

**Ички ишлар органларидан хизмат билан бўшатишган ходимнинг хизмат вазифаларини бажарганлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда бир марталик пул компенсацияси тўлаш тартиби** - Ички ишлар органлари хизматидан бўшатишган пайтдан бошлаб **36 ой давомида** собик ходим (пенсионер)нинг (кейинги ўринларда - собик ходим) ички ишлар органларидаги хизмат вазифаларини бажарганлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган (кейинги ўринларда - соғлиғига зарар етказилган) тақдирда, унга давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан кўйидаги миқдорда **бир марталик пул компенсацияси** (кейинги ўринларда - пул компенсацияси) тўланади:

вафот этган тақдирда - унинг оила аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш юз барабаригача** бўлган миқдорда;

ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда - базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч юз барабаригача** бўлган миқдорда.

Хизмат текшируви ҳўлосасига кўра собик ходимнинг хизмат вазифаларини бажарганлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган деб топилса, тегишли ички ишлар органи раҳбари белгиллаган масъул ходим томонидан содир этилган воқеа юзасидан кўйидаги ҳўжжатлар тўпланади ва ўн кун муддатда бир марталик пул компенсацияси тўлаш масаласини кўриб чиқиш учун **Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига юборилади:**

• ички ишлар органи раҳбари ёхуд Вазирлик тизимида кирувчи таълим муассасаси раҳбарининг ходимни ички ишлар органларидан бўшатишганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма:

- хизмат текшируви натижасига доир ҳўлоса нўسخаси;
- суд-тиббий экспертиза муассасасининг ҳўлосаси нўسخаси;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳўкми (қарори ёки ажрими).

**Собик ходим соғлиғига етказилган зарар натижасида ҳалок бўлган бўлса, хизмат текширувини ўтказган масъул ходим томонидан қўшимча равишда қўйидаги ҳўжжатлар ҳам тўпланади:**

- собик ходимнинг ўлими ҳақидаги гўвоҳнома нўسخаси;
- меросхўрнинг шахсини тасдиқловчи ҳўжжат ҳамда унинг мерос олиш ҳўкуқи тўғрисида нотариал тасдиқланган маълумотнома нўسخаси.

**Ички ишлар органларида тиббий таъминотни ташкил этиш тартиби** - Ходим ва ҳарбий хизматчиларга ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари, шўнингдек, фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи бошқа даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий таъминот берилади ҳамда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади. Ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига бириктирилган таркиб мазкур муассасаларда амбулатория, стационар шароитларда бепул тиббий текширувлардан ўтказилади, даволанади ва соғломлаштирилади, шўнингдек, уларга тиббий кўрсатмалар бўйича турар жойларига бориб белгиланган тартибда тиббий ёрдам кўрсатилади. Ички ишлар органлари ҳарбий тўзилмалари ва Вазирлик таълим муассасаларининг тиббиёт қисмлари, лазаретлари ва тиббий пунктларида тегишли мутахассислар ва тиббий текширувлар ўтказиш учун тиббий асбоб-ускуналар бўлмаган

холларда ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади.

**Йигирма ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ходимлар** йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шaroитда даволанмаган тақдирда, уларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йилнинг якуни бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **4 бараварида бир марталик** пул компенсацияси тўланади.

Йигирма ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ходимлар йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шaroитда даволанмаган тақдирда, Тиббиёт бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан йилнинг **10 январь кўнига қадар** Кадрлар билан таъминлаш хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тиббий муассасаларида даволанмаган ходимларнинг рўйхатлари тақдим этилади.

**Санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш тартиби**  
- Санаторий-курорт шaroитларида даволаш поликлиника ва госпиталлар (касалхоналар)да аввал олинган даволарни давом эттириш мақсадида, санаторий-курорт муассасаларида даволаниш зарурлиги ҳақидаги тиббий ҳулоса ва санаторийни танлаш диспансер назорати маълумотлари ҳамда асосий ва йўлдош касалликларни ҳисобга олган ҳолда чуқур клиник-лаборатор текширувлар асосида амалга оширилади.



Санаторий-курорт муассасаларига даволанишга юбориш, даволовчи шифокор томонидан поликлиника бошликлари ёки стационар тиббий муассасаларда бўлим ва бўлинма бошликлари билан келишилган ҳолда тиббий кўрсатмаларга мос равишда белгиланади. Санаторий-курорт муассасаларида даволаниш натижалари кейинги тиббий профилактика ва даволаш тадбирларини ўтказишда поликлиника шифокори томонидан ҳисобга олиниши лозим. Поликлиника шифокори беморни санаторий-курорт даволанишдан қайтгандан сўнг, **санаторий-курорт варақаси** ва **санаторий-курорт йўлланмасидан** йиртиб олинadиган талонни поликлиникага топшириши лозимлиги ҳақида огоҳлантиради.

Ички ишлар органлари даволаш-профилактика муассасаларининг тиббий хизматига бириктирилган шахсларга ихтисослаштирилган санаторий-курорт муассасаларида даволаниш учун йўлланмалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ҳудудий тиббий муассасалар томонидан берилadi.

Вазирлик тизимида фаолият юритадиган ишчи ва хизматчиларни санаторий-курорт муассасаларида даволаш учун йўлланмалар билан таъминлаш Вазирликнинг Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилади.

#### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сонли қарорини ўқиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-118-сон қарорини ўқиш;
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 октябрдаги 404-сонли буйруғини ўзлаштириш.

### 3.6-Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ АҲАМИЯТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ.

#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Балиқ скелети”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади. «Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

#### Ундан фойдаланиш қуйдагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

#### Тингловчилар топшириқларни қуйдаги тасвир асосида бажаради:

**Таҳлил қилинадиган муаммолар:** Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш тизимини ижро этишдаги айрим муаммолар.


**1-муаммо.** “Е-ижтимои-химоя.ИИВ.уз” ягона интерактив хизматлар портали.

**2-муаммо.** Ходимларга яшаш шароитини яхшилаш учун фоизсиз қарз бериш ва расмийлаштириш тартиби.

**3-муаммо.** Ходим ёки ҳарбий хизматчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби.

**4-муаммо.** Ташкилот ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида қилинган харажатларни қоплаб бериш тартиби.

**5-муаммо.** Ходим ёки ҳарбий хизматчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби.



## 4.ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 4.1-Мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

##### Режа:

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизмати.

**2-ўқув савол.** Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизматининг ҳуқуқий асослари.

**1-ўқув савол.** Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизмати.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш. Шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 01 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғига имзоланди.

Ушбу буйруқ билан Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида (бундан буён матнда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини белгилайди.


**Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом:**

➤ кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

➤ таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг ўзаро ёзишмаларига нисбатан **татбиқ этилмайди.**

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин. Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин. Жисмоний ва юридик шахслар яққа тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин. Мурожаатлар шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Вазирлик тизимида расмий веб-сайти орқали ёки уларнинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.



Оммавий ахборот воситалари тахририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.




**Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда уларнинг масъул ходимларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар таркибий ёки ҳудудий бўлинмаларга Низомга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**Мурожаат турларига қисқача таъриф берадиган бўлсак:**

-  **ариза** —бу ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат тури;
-  **таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат тури;
-  **шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат тури;

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда жисмоний шахсларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Мурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатлар масъул ходимлар томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, Низомнинг 8-9-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ички ишлар органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожаатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситувчи маълумот ва бошқа ахборотнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир маълумотлар ошкор этилмаслиги керак.

Жисмоний шахсни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида ички ишлар органларига ва уларнинг масъул ходимларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъкиб этиш ман этилади.

**Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.** Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган таркибий ёки ҳудудий бўлинмага ёхуд уларнинг масъул ходимига берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқа тармоғи орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

**Оғзаки мурожаатлар** реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Вазирликнинг ишонч, **тезкор алоқа телефонлари** орқали ва **видеоконференцалоқа воситасида** ҳам берилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

**Юридик шахснинг мурожаатида** унинг тўлиқ номи, жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Мурожаатда ички ишлар органининг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган ҳамда мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатда муаллифнинг **электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари** кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари ҳамда уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.





Мурожаат почта алоқа тармоғи орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у яроқсиз бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, уни қабул қилган таркибий ёки ҳудудий бўлинмада уч нафар ходим иштирокида,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**2018 йил 7 майдаги**  
**“ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА, ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИДА ВА ДАВЛАТ**  
**ИШТИРОКИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК**  
**ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ**  
**ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ**  
**ҲАКИДА”ГИ**  
**ВМҚ-341-СОН ҚАРОРИ**

**НАМУНАВИЙ**  
**НИЗОМ**  
**12-боб**  
**86 та банд**

Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатиш ва олинган вақтини аниқлаш учун сақланиши мумкин. Нотўғри келиб тушган мурожаатлар, конверти илова қилинган ҳолда, белгиланган жойга янги конвертларда жўнатилади ёки мурожаат этувчига қайтарилади.

Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик

шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини унинг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаатни бериш муддати, койда тариқасида, белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Ариза ёки шикоят бўйсунув тартибида юқори турувчи таркибий бўлинмага жисмоний ёхуд юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан **бир йилдан кечиктирмай** берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тикланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ёки кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш **тўхтатилади ва уч кун мобайнида** мурожаат таркибий ёки ҳудудий бўлинманинг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш. Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида мурожаатлар билан ишлаш Низомнинг 2-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда мурожаатни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижрога қаратиш ҳамда кўриб чиқилишини назорат қилиш **“Е-murojaat” тизими орқали электрон шаклда** олиб борилади.

Мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижрога қаратиш, ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш Вазирлик Ташкилий департамент Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси ва унинг тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Бошқарма мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига бўйсунди.



Бошқарма ва унинг тузилмалари ходимларига уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган функциялар юклатилишига ҳамда бошқа хизматларга жалб этилишига йўл қўйилмайди.

Бошқарма ва унинг тузилмалари ходимлари хизматда фойдаланиш учун моддий техника ва алоқа воситалари, хизмат хонаси ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланади.

### **Бошқарма:**

➤ таркибий ва ҳудудий бўлинмалардан мурожаат бўйича текширув ишларининг боришига доир ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

➤ мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби бузилаётган ҳолларда, бу ҳақда тегишли таркибий бўлинма ёки ҳудудий бўлинма раҳбарини оғзаки ёки ёзма хабардор қилади ҳамда уларга Қонун ва Низом талаблари бузилганлиги юзасидан тегишли тақдимномалар киритади;

➤ таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этишда Қонун ва Низом талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини текширади ҳамда мониторинг қилади;

➤ мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда Вазирлик раҳбариятига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан чоралар кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан тақдим этади;

➤ назоратдан олиш учун тақдим этилган ёки кўриб чиқиш натижалари электрон тизимга киритилган мурожаат бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, мурожаатни тўлиқ ўрганилмаган деб топган тақдирда қўшимча текшириш учун, уни кўриб чиққан бўлинмага қайтаради ёки бошқа таркибий бўлинмага ўтказиши ёхуд бевосита Бошқарманинг ўзида текширув ўтказиши;

➤ мурожаатни бир таркибий ёки ҳудудий бўлинмадан бошқа таркибий ва ҳудудий бўлинмага ўтказиши ҳамда мурожаат муддатини электрон тизим орқали Қонунда белгиланган тартибда узайтиради;

Бошқарманинг мурожаатларни қабул қилиш, қонуний ҳал қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари таркибий ва ҳудудий бўлинмалар учун мажбурий бўлиб, айбдор ходимларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун хизмат текшируви ўтказилиши шарт.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.


**Виртуал қабулхоналар** қайси таркибий ёки ҳудудий бўлинма томонидан ташкил этилган бўлса, ўша таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари номидан фаолият кўрсатади.

Мурожаатлар бўйича иш юритиш. Ёзма ва почта алоқа тармоғи орқали олинган мурожаатлар Бошқарма ёки унинг қуйи тузилма ходимлари томонидан электрон шаклга ўтказилади (сканер қилинади) ва электрон тизим орқали рўйхатга олинади.

**Оғзаки мурожаат** билан келган шахсларнинг мурожаатида кўрсатилган тегишли маълумотлар унинг шахси ва ваколатини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар билан мослиги текширилиб, электрон тизимга киритилади ёки Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш варақаси электрон шаклга ўтказилади (сканер қилинади) ва электрон тизим орқали рўйхатга олинади.

Мурожаатдаги масала тегишли ҳудудий бўлинма ваколатида ҳал этилиши мумкин бўлган ҳолларда мурожаат электрон тизим орқали ҳудудий бўлинмага юборилади ва уларнинг кўриб чиқилиши устидан назорат Бошқарманинг мазкур ҳудудий бўлинмадаги тузилмаси томонидан амалга оширилади.

Таркибий бўлинма ёки унинг мансабдор шахслари номига йўлланган мурожаатлар, ушбу таркибий бўлинманинг канцелярияси (котибияти) ёки бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.



**Электрон мурожаатлар** иш вақти тугаганидан кейин тушган тақдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади. Мурожаатларни электрон тизим орқали рўйхатга олмасдан ижрога қаратиш мумкин эмас.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

**Оммавий қабуллар** вақтида келиб тушиб, жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди, Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

**Қонуннинг 1-моддаси ва Низомнинг 2-бандига мувофиқ**, туман-шаҳар ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш гуруҳида ишга (ўқишга) кириш, ходимларнинг хатти-ҳаракатларидан ёки мурожаат юзасидан қабул қилинган қароридан норозилик масаласидаги, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилишини талаб этмайдиган бошқа мурожаат ва таклифлар рўйхатдан ўтказилади.



**Туман-шаҳар ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш гуруҳларида қуйидаги мазмундаги мурожаатлар рўйхатга олиниши ва махсус электрон тизимга киритилиши мумкин эмас:**

- ✎ жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги;
- ✎ айбига иқрорлик тўғрисидаги;
- ✎ фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги;
- ✎ авариялар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ҳақидаги;

- ✎ хужжат ёки мол-мулк йўқолганлиги тўғрисидаги;
- ✎ ички ишлар органларининг махсус муассасалари ёки жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этилганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги.

- ✎ Даволаш муассасаларининг, уларга мурожаат қилган шахсларнинг баданидаги тан жароҳатлари излари жинойий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномалари, юз берган ҳолатлар бўйича суғурта компанияларининг хатлари, ходимларнинг жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари бўйича адвокатлар томонидан киритилган илтимосномалар ҳамда депутат, сенатор ёки адвокат сўровлари Бошқарма ва унинг қуйи тузилмалари орқали рўйхат олиниб, ўрганилиши мумкин эмас.

Агар электрон тизимга киритилган мурожаат бўйича олиб борилаётган текширув жараёнида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиши талаб этиладиган ҳолатлар аниқланганида, ушбу мурожаатни кўриб чиқаётган ходим дарҳол ўзининг бевосита раҳбарига ахборот беради ва у ўрнатилган тартибда жиноят ёки ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Электрон тизимга киритилган мурожаатлар, **Низомнинг 3-иловасига мувофиқ**, мурожаатларни қайд этиш варағи (реестр)га тегишли ёзувларни киритиш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиб, уни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ёки ходимга ижро учун юборилади.

Қайд этиш штампиди таркибий ёки ҳудудий бўлинманинг расмий номи (умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаат турига киритилмаган хатлар (ташаккурнома, табрикнома, таклифнома ва фикр-мулоҳазалар) тегишли таркибий ёки ҳудудий бўлинмага юборилади ва уларни мурожаат сифатида рўйхатга олиш талаб этилмайди.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай рўйхатга олиниб, Вазирликда – таркибий бўлинма раҳбарига, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар

вазирлигида – вазир ва вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида – бош бошқарма ва бошқарма раҳбари ҳамда уларнинг ўринбосарларига, туман-шаҳар ички ишлар органлари раҳбарларига киритилади ҳамда улар мурожаатни кўриб чиқиш бўйича масъул таркибий бўлинма (ходим)ни белгилаган ҳолда резолюция кўяди.

Мурожаат сипориш кўйилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма (ходим)га ёки ижрочига **Низомнинг 3-иловасига мувофиқ** мурожаатларни қайд этиш варағи (реестр)га имзо қўйдирган ҳолда берилади ва реестрлар алоҳида йиғмажилдга жамлаб борилади ҳамда йил якунида белгиланган тартибда сақлаш учун канцелярияга топширилади.

Таркибий ва ҳудудий бўлинма ходимларининг қонун бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари ва Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норозилик тўғрисидаги мурожаатлар Вазир ўринбосарларига тақдим этилади.

Таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг қонун бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракати ва Вазир ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарордан норозилик масаласидаги ҳамда бевосита Вазир томонидан ўтказилган **шахсий ёки сайёр қабуллар** жараёнида келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилишини ташкиллаштириш учун Вазирга тақдим этилади.



Кўриб чиқилган ҳар бир мурожаат уни кўриб чиқишга доир ҳужжатлар билан бирга, варақлар сонидан қатъи назар, алоҳида (текширув материали сифатида) йиғмажилдга тикилади.

Ушбу мурожаат муаллифи томонидан айнан мазкур масала бўйича келиб тушган такрорий ёки дубликат мурожаатлар битта йиғмажилдга тикилади. Йиғма жилд томларга ажратилиши мумкин.

Йиғма жилдлар таркибий ва ҳудудий бўлинмадаги мурожаатлар билан ишлаш йўналишига масъул ходим томонидан мурожаатларни ҳал этиш натижаларидан келиб чиқиб, улар қаноатлантирилган, тушунтириш берилган, рад этилган, кўрмай қолдирилган ҳамда кўриб чиқиш (ёзишмалар) тугатилган турларга ажратилган ҳолда сақланиб, ҳар чорак якунида канцелярия (котибият)га топширилади.

Ҳужжатлардан нусха олиш, раҳбар қабулига ёзилиш, маълумот ёки ахборот олиш каби ўрганиш талаб этилмайдиган ҳамда кўриб чиқилиши алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган амнистия (афв этиш), фуқаролик ва паспорт-виза масалаларига доир мурожаатлар тегишли ҳужжатлар билан хронологик тартибда умумий йиғмажилдга тикилади.

Мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа давлат органи ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмага юборилганда, у бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳамда ушбу мурожаат юборилган кузатув ёки топшириқ хатининг нусхаси мурожаатлар билан ишлашга масъул ходим томонидан хронологик тартибда умумий йиғмажилдга тикилиб, йил якунида канцелярия (котибият)га топширилади.

Йиғма жилдга тикилган ҳужжатлар варақларининг юқори ўнг бурчагига тартиб рақами кўйилади. Бир томонга тикилган ҳар қандай шаклдаги варақ ягона варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади. Ҳужжатдан алоҳида варақда тузилган резолюция алоҳида варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади.

**Йиғма жилд** охирида алоҳида вараққа тасдиқловчи ёзув жойланади, унда ҳужжатлар йиғма жилдининг рақамланган варақлари сони рақам ва сўз билан кўрсатилади. Тасдиқловчи ёзув уни тузган ходим томонидан (лавозими ва тузган санаси кўрсатилган ҳолда) имзоланади.

Йиғма жилдлар канцелярия (котибият)да уч йил сақланади ва ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

**2-ўқув савол. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизматининг ҳуқуқий асослари.**

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби. Бошқарма томонидан таркибий ва ҳудудий бўлинмага ижро учун юборилган мурожаатларни ушбу таркибий ва ҳудудий бўлинманинг масъул ходимлари кўриб чиқади. Уларни кўриб чиқиш бошқа таркибий бўлинманинг ваколатига тегишли бўлса, улар Бошқармага қайтарилади.

Вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан тегишли кузатув хати ёки Вазирлик раҳбариятининг резолюцияси орқали бошқа таркибий бўлинмага ижро учун юборилиши мумкин эмас. Таркибий бўлинма ёки унинг мансабдор шахси номига йўлланган мурожаатлар бундан мустасно.

Ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган масалалар қўйилган мурожаат беш кун муддатда ушбу таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Агар мурожаатда уни тегишли органга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатда асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Почта алоқа тармоғи, қабуллар жараёнида келиб тушган мурожаат куйи турувчи бўлинма томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлса, мурожаат келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатда таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган хат ёки топшириқ билан бирга юборилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун уни қуйи бўлинмага юборган масъул ходим ушбу мурожаат ва унинг кузатув хати нусхаларини олиб, қонуний ҳал қилинишини назорат қилади.

Мурожаат унда қўйилган масалани ҳал этиш ваколати доирасига кирмайдиган ёки қабул қилган қарори ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ходимга ижро учун берилиши тақикданади.

Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш учун ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мурожаатни кўриб чиқаётган ходим бошқа лавозимга ўтказилганда, хизмат сафарига юборилганда, касал бўлганда ёки меҳнат таътилига чиққанда, мурожаат ушбу ходимнинг билдиргиси ёки бевосита раҳбарининг ёзма топшириғи асосида ижро учун бошқа ходимга ўтказилади.

Мурожаатни тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Мурожаатда кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, уни бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан бирга кўриб чиқиш (ҳал қилиш) талаб этилса, мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма бошқа давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатни коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида **мурожаатнинг дубликати** келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилиб, жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда мурожаат этувчи ёзма тартибда хабардор қилинади.

Агар мурожаатдаги масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун уни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.



Зарур ҳолларда муурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Муурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим ўз ташаббусига ёки муурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Муурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим муурожаат этувчига муурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва кўшимча ахборот такдим этиш имконини беради. Зарур ҳолларда муурожаат этувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллариини жалб этиш мумкин.

Агар муурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда муурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма муурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Муурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг топишириғи ёхуд унинг розилиғи билан амалга оширилади.

**Такрорий муурожаат** тегишли таркибий бўлинма томонидан текширилиб, ижобий ҳал қилинган ҳолатларда дастлабки муурожаатни кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида таклиф киритилади.

Такрорий муурожаатда дастлабки муурожаатни кўриб чиққан ходимнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дан норозилик билдирилган бўлса, ушбу муурожаат ижросини таъминлаш, уни муқаддам кўриб чиққан ходим зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Бир масалада кўп мартаба йўлланаётган ёки икки ва ундан ортиқ таркибий бўлинма фаолиятига оид муурожаатлар якуний қарор қабул қилиш мақсадида Бошқарма томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Муурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим томонидан ушбу муурожаат бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси тузилади ва масъул ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муурожаат юзасидан текширув ўтказиш жараёнида, унда қайд эгилган важларни ва юзага келган муаммони тўлиқ ўрганиш ҳамда кўшимча ахборот бериш имкониятини яратиш мақсадида муурожаат муаллифидан ҳамда муурожаатга тааллуқли шахслардан батафсил тушунтириш хати олиниси (текширув ўтказилиши талаб этилмайдиган муурожаат бундан мустасно) шарт.

Муурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарорнинг моҳиятини тушунтириш, такрорий муурожаатнинг олдини олиш, муурожаат муаллифининг текширув якунига алоқадор арз ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида, **Низомнинг 5-иловасига мувофиқ**, суҳбат варағи тўлдирилади.

Ўтказилган текширув якуни бўйича хулоса (маълумот ёки ахборот олиш каби ўрганиш талаб этилмайдиган муурожаатлар бундан мустасно) қилинади.

Муурожаат юзасидан муқаддам тўлиқ текширув ўтказилган ва унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилган бўлса (шу жумладан маъмурий, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинадиган), муурожаатни назоратга олган раҳбар номига, уни назоратдан олиш ҳақида билдирги ёзилади.

Муурожаат юзасидан янги важлар келтирилган ёки дастлабки муурожаат бўйича ўтказилган текширувда унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилмаган бўлса, қайтадан текширув ўтказилади.

Муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича таркибий ёки ҳудудий бўлинма томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда муурожаат қилувчига жавоб хати (хабар) юборилади.



**Жавоб хатида** муурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича ваъжларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

Жавоб хати муурожаат этилган тилда баён қилинади ва у таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ёхуд унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

**Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб муурожаат** қилган тақдирда, уларнинг муурожаатлари Қонун талаблари ва Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда муурожаатга жавоб муурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушиб, жойида ҳал этилган оғзаки муурожаатларга ёзма ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра муурожаатни кўриб чиққан масъул ходим жавоб хатининг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши ва йўл қўйилган хатоларни тузатиши шарт.

Муурожаат қилувчининг муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

Муурожаат, унда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва муурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Муурожаат қилувчига жавоб хати юборилган кун муурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади.

Юқори турувчи ёки бошқа давлат органлари ёхуд тегишли таркибий бўлинманинг назоратида бўлган муурожаат бўйича уни кўриб чиққан масъул ходим муурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда, муурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида назорат қилувчи орган ёки таркибий бўлинмага ёзма шаклда ахборот киритади.

Вазирлик раҳбарияти назоратидаги муурожаат бўйича Бошқарма томонидан, Низомнинг 6-иловасига мувофиқ, назорат варағи юритилади ҳамда ушбу муурожаатни назоратга олган раҳбар томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Муурожаатни кўриб чиқиш учун куйи ички ишлар органларига юборилишининг асослилиги ва муурожаатга берилган жавоб хатини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига уни кўриб чиққан масъул ходим ҳамда унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади.

**Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.** Муурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар таркибий ёки ҳудудий бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар тегишли муддатнинг охири куни **дам олиш ва байрам кунларига** тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган келиб тушган кундан эътиборан **ўн беш кун мобайнида**, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда асослантирилган билдирги орқали таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг рухсати билан **бир ойгача** бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатлари Вазир ва Вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан истисно тариқасида, асослантирилган билдирги орқали узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига хабар қилинади.

**Таклиф** келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.



Айрим ҳолларда муурожаатнинг мазмунидан келиб чиқиб, Вазир ва унинг ўринбосарлари, таркибий ёки худудий бўлинма раҳбари ҳамда Бошқарма томонидан муурожаатни кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилиши мумкин.

Муурожаатнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишига уни кўриб чиқишга масъул бўлган ходим ва унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Муурожаатларни кўрмай қолдириш.

**Қуйидаги муурожаатлар кўриб чиқилмайди:**

- ✓ **аноним муурожаатлар;**
- ✓ **жисмоний ва юридик шахснинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжаглар мавжуд бўлмаган тақдирда;**
- ✓ **муурожаат муаллифи суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;**
- ✓ **Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.**

Муурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади таркибий ёки худудий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муурожаатлар жисмоний ёки юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилганда, Бошқарма ва унинг қуйи тузилмалари ходимлари уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжудлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи мавжуд эмаслиги сабабли муурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги туғрисида хулоса тасдиқланган вақтдан бошлаб ушбу муурожаат кўриб чиқилмайди ва бу ҳақда муурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Муурожаат аноним ёки муурожаат муаллифи суд томонидан лаёқатсиз деб топилганлиги сабабли кўрмай қолдирилганда **муаллифга жавоб берилмайди.**

Ички ишлар органи ходимининг ноўрин хатти-ҳаракатлари туғрисидаги аноним муурожаат зарур чора-тадбирлар белгилашда фойдаланиш учун тегишли таркибий бўлинмага маълумот тариқасида тақдим этилиши мумкин.

Вазирликнинг ишонч телефони орқали келиб тушган муурожаатлар Қонунда ва Низомда белгиланган тартибда аноним деб топилиши мумкин.

**Аноним муурожаатлар**, тегишли хужжатлари билан бирга, алоҳида йиғмажилдда сақланади.

**Муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш. Муурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:**

✚ такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

✚ муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган ёки уни кўриб чиқишни тугатиш туғрисида қайта муурожаат қилган бўлса;


✚ яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги туғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

✚ муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, масъул ходим томонидан чақирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

✚ муурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Такрорий муурожаатни кўриб чиқиш Низомнинг 63-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, муурожаат қилувчи билан ёзишмалар олиб боришни тугатиш туғрисидаги хулоса Вазир ўринбосарлари томонидан тасдиқланади,

Мазкур хулоса асосида муурожаат қилувчи такрорий муурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши туғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган муурожаат қилувчидан такрорий муурожаат келиб тушган тақдирда, бундай муурожаатни кўриб чиқиш муурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.





**Низомнинг 63-банди** учинчи-олтинчи хатбошиларига мувофиқ мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш керак бўлган ҳолатларда, бу ҳақда масъул ходим томонидан хулоса тузилади ва у таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ёхуд раҳбар ўринбосарининг хати билан бирга мурожаат қилувчига **уч кун ичида** қайтарилди. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чоратадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш. Вазирлик раҳбарияти, таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинади ҳамда уларнинг сайёр ва оммавий қабуллари ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларда сайёр қабул қилиш жадваллари (**йиллик ёки ярим йиллик**) ишлаб чиқилиб, Вазир томонидан тасдиқланади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали, уни ўтказиш вақти, жойи ва қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби расмий веб-сайтларда эълон қилиш, ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

**Сайёр ва оммавий қабул** ўтказиладиган вилоят, шаҳар ва туманлардаги ички ишлар органлари томонидан бир ҳафта олдин аҳоли билан ушбу масалада тарғибот ишлари амалга оширилади.

Вазирлик раҳбарияти, таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари шахсий қабулида бўлган шахслар, **Низомнинг 7-иловасига** мувофиқ, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш журналида қайд этиб борилади. Ушбу журнал компьютер ёрдамида юритилиши мумкин.

Таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли ходимлари жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини ҳар қандай масалада, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, агар уларнинг шундай мазмундаги аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилиши ҳамда у мурожаат қилиб келган шахслар учун қулай шарт-шароитларга, шу жумладан кириш йўллари (жисмоний имконияти чекланган шахсларни манфаатларини инобатга олган), асосий кириш жойи, кутиш ва фуқароларни қабул қилиш, шунингдек санитария-гигиена хоналарига эга бўлиши лозим.

**Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналари ички ишлар органларининг:**

- ҳуқуқий мақомини белгиловчи давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;
- иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, тегишли хизмат телефонларининг рақамлари ҳамда мурожаатларни қабул қилиш тартиби тутрисидаги ахборот;
- фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;
- кўрсатадиган давлат хизматларининг рўйхатлари акс этирилган ахборот стендлари ва бошқа зарур ахборот ҳамда маълумотлар билан жиҳозланади.



Қабул давомида мурожаат этувчини хабардор қилган ҳолда махсус техника воситалари (аудио-видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Оғзаки мурожаат билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари Бошқарма ҳамда унинг тузилмалари, шунингдек, таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили ўз ваколатларини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш вақтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш таркибий ёки ҳудудий бўлинманинг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда мурожаат этган шахсларнинг талабига биноан ёзма шаклда жавоб берилади.

**Сайёр ва оммавий қабуллар**, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари кунларда ҳам ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ховли (квартира)ларга, бошқа бинолар ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Сайёр ва оммавий қабуллар вақтида беридган оғзаки мурожаатлар Низомга мувофиқ расмийлаштирилади, рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Сайёр ва оммавий қабул натижалари бўйича мурожаат қилган шахслар рўйхати ва тегишли баённомалар тузилади ҳамда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари видеоконференцалоқа воситаси орқали қабул қилишни ташкил этиш. Жисмоний шахс ва юридик шахснинг вакили Вазирлик раҳбариятига ёки бошқа ваколатли ходимларга видеоконференцалоқа воситасида мурожаат қилиши, олдиндан тасдиқланган махсус ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда видеоконференцалоқа жадвал орқали амалга оширилади.

Бунинг учун мурожаат этувчи **видеоконференцалоқа** ўрнатилган тегишли таркибий ёки ҳудудий бўлинмага белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат қилади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.



#### **Талабномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:**

- жисмоний шахс учун – мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;
- юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;
- электрон почта манзили;
- алоқа телефони ва ёки факснинг рақами;
- видеоконференцалоқа ўтказишга қулай сана ва вақт;
- мурожаат тили;
- мурожаатнинг қисқача мазмуни.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Вазирликнинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмаси раҳбари талабномани кўриб чиқиб, уни видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Видеоконференцалоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вақти, жойи ҳақида ёки рад этилганлиги юзасидан жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда огоҳлантирилади.



Видеоконференцалоқа орқали мурожаатни қабул қилиш жадвали ўзгарган тақдирда, Бошқарма ёки унинг қуйи тузилмалари олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва ёки факс рақамлари, почта ва бошқалар орқали) манфаатдор шахсларни огохлантириши керак.

Видеоконференцалоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

**Мурожаатларни кўриб чиқишда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Мурожаатларни кўриб чиқишда таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

\* мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

\* мурожаат қилувчи, унинг вакили ёки бошқа шахсларнинг иштирокисиз мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда уларни эшитиш учун чақириш;

\* била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли сарфланган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

\* Ички ишлар органлари ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

\* Ички ишлар органлари ходимлари:

\* мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

\* мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши, агар улар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказса бундан мустасно;

\* жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш вақтида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиши, муомала маданиятига риоя қилиши, уларнинг муаммоларини тўлиқ тинглаш ва қайд этиши;

\* мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушиб, жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

\* жисмоний ёки юридик шахс мурожаати юзасидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, ушбу қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши;

\* мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

\* қонунга хилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни бартараф этиш юзасидан дарҳол чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

\* жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

\* мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги;

\* мурожаат қилувчидан мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни талаб қилмаслиги;

\* жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир маълумотларни сир сақлаши;

\* агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Ички ишлар органлари ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

**Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.** Таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши юзасидан доимий

мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш чораларини кўради.

Таркибий ва ҳудудий бўлинма раҳбарлари шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ҳамда давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириб, таҳлил қилинишини таъминлайди.

**Хар ой якуни бўйича** Вазирлик раҳбарияти, таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан ўтказилган учрашувлар натижалари тўғрисида маълумотлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида тузилган маълумотномалар (шарҳлар) Вазирлик тизимидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинади.

Бошқарма томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари Вазирликнинг расмий веб-сайтида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиниши мумкин.

Таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда мурожаатлар билан ишлаш йўналишидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш бўйича доимий комиссия тузилади.

**Комиссия таркибига** раис, раис ўринбосари, аъзолар ва котиб киради. Комиссия таркиби офицер ходимлардан иборат бўлади.

Комиссияга Вазирлик таркибий бўлинмаларида бошлиқ ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Вазир ўринбосари – Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида бош бошқарма ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари – Кадрлар бошқармаси бошлиғи, туман-шаҳар ички ишлар органларида – туман-шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари раислик қилади.

Комиссия фаолияти таркибий ва ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан назорат қилинади.

Мурожаатлар билан ишлаш тартибини бузганлиги учун жавобгарликка тортилган ходимлар тўғрисида, **Низомнинг 8-иловасига мувофиқ**, маълумотнома тузилади ва ҳар чоракда Бошқармага тақдим этиб борилади.

Қонун ва ушбу Низом талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик таркибий ва ҳудудий бўлинма раҳбарлари зиммасига юклатилади,

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.



#### Мустақил таълим учун топширик:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сон буйруғи мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш.

## 4.1-Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ ( 2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти “Кичик гуруҳларда ишлаш савол-жавоб ақлий хужум”, тест технологияси, тоифалаш жадвали” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



#### Ақлий хужум:

**1-гуруҳга топшириқ.** Мурожаатлар билан ишлаш хизматининг ҳуқуқий асослари?

**2-гуруҳга топшириқ.** Ходимларни Мурожаатлар билан ишлашда амалиётда дуч келадиган муаммолар?

**3-гуруҳга топшириқ.** Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари?.

**4-гуруҳга топшириқ.** Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center)нинг фаолияти?

**ИЗОҲ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

### «Тоифалаш жадвали» усули

Мурожаатларнинг шакллари	Мурожаатларнинг турдари

Тўғри жавоб

### «Тоифалаш жадвали» усули

Мурожаатларнинг шакллари	Мурожаатларнинг турдари
Ёзма	Ариза
Оғзаки	Шикоят хати
Электрон	Таклиф

**ИЗОХ:** Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

#### Назорат учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сонли қарорини ўқиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-118-сон қарорини ўқиш;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 354-сон қарорини ўқиш ва ўзлаштириш.

## 4.2-Мавзу. ЖИНОЯТ ВА ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДАГИ МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Режа:

**1-ўқув савол.** Мурожаат қилиш ҳуқуқи.

**2-ўқув савол.** “E-material” тизими.

**3-ўқув савол.** Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш тартиби кўриб чиқилиши устидан назорат.

**4-ўқув савол.** Жиноят, ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан ишлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари.

**1-ўқув савол. Мурожаат қилиш ҳуқуқи.**

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва маълумотларни бериш муддатлари қоида тариқасида белгиланмайди.

**Ички ишлар органларига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) мазмунига кўра уч турга бўлинади:**

а) жиноят-процессуал қонунига мувофиқ жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар;

б) текширув якуни бўйича келиб тушган хабар жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ҳолатлар;

в) жиноят ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа мурожаатлар.

**Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларга қуйидагилар кирди:**

а) **оғзаки равишдаги ариза** – аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик ҳақида жиний жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, расмийлаштирилган ва имзоланган баённома;

б) **ёзма равишдаги ариза** – мурожаат этувчининг анкета маълумотлари, яшаш ва иш жойи тўғрисидаги ахборотлар тўлиқ акс эттирилиб, расмийлаштирилган мурожаат;

в) **телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида ёки интернет тармоғи орқали** ички ишлар органларига тақдим этилган хат-хабарлар;

г) **фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар;**

д) **корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;**

е) **шахс ўзи содир этган жинояти юзасидан айбини бўйнига олиш ҳақидаги ёзма равишда берган арзи** ёки ўрнатилган тартибда оғзаки равишда берган арзи расмийлаштирилган баённома.

**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар қуйидагилардан иборат:**

а) жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан телефон, телефакс ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали берган хабарлари;

б) даволаш муассасалари ходимларининг – фуқаролар баданида тан жароҳати излари билан мурожаат этиб келган ҳолларда, жиний хатти-харакатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

в) ички ишлар органларининг махсус муассасалари (маъмурий қамокқа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхонаси, аниқ яшаш жойи ва машғулот турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, ушланган ва қамокқа олинган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси) ёки жазони ижро



этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов хибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

г) хорижга чиқиш-келиш ва фуқарорликни расмийлаштириш хизмати ходимларининг – фуқаролик паспорт йўқолганлик ҳолати юзасидан мурожаат этилганида жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа уйғотувчи хабарлари;

д) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг – йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги хабарлари;

е) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, туманлараро рўйхатга олиш-имтиҳон бўлими ходимларининг – фуқароларнинг автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари, транспорт воситаларининг техник паспортлари ва давлат рақам белгилари йўқотилганлиги ҳақида берган аризалари бўйича жиноятга шубҳа туғдирувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги хабарлари;

ё) кўриқлаш хизмати ходимларининг – кўриқлаш сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши тўғрисидаги хабарлари;

ж) ёнғин хавфсизлиги ходимларининг – ёнғинлар ва ўзганинг мулкни қасдан ўт кўйиш орқали нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатлари тўғрисидаги хабарлари;

з) матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет тармоғида эълон қилинган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хат-хабарлар;

и) юз берган ҳолатлар бўйича суғурта компанияларининг хатлари;

й) тайёргарлик кўриляётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар;

к) авариялар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий офатлар, одамлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

л) ички ишлар органлари ходимлари томонидан бевосита фош этилган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакили берган мурожаатларида фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, жиноят ва ҳодисанинг содир этилган жойи, санаси, вақти, тафсилоти, ўзига ҳос-хусусиятлари ҳамда етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотларни акс эттиришлари лозим.

Мурожаат ёзма равишда тақдим этилганда, жисмоний шахс ёки юридик шахс ваколатли раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади.

Агар, жисмоний шахс ёзма мурожаатини имзоси билан тасдиқлашни имкони бўлмаса, унинг мурожаатини ёзиб берган шахснинг фамилияси, исм-шарфи кўрсатилиб, имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ички ишлар вазирлигининг веб-сайти орқали жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги электрон шаклдаги мурожаатлар келиб тушганда мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**Аноним мурожаатлар** ички ишлар органларининг рўйхатга олиш китоби ва журналларида қайд этилмайди, кўриб чиқилмайди ҳамда суриштирув ва тергов органлари учун жиноят ишини кўзғатишга асос бўлмайди. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги аноним маълумотлар келиб тушганда тезкор хизматларга жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва очишда фойдаланишлари учун маълумот-ахборот тарикасида тақдим этилади.

**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар** терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиши, текширилиши, тўпланган далилларни ишга алоқаси бор-йўқлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Жисмоний шахс ёки юридик шахс ўз вакили орқали мурожаат этганда, вакилига билдирилган ишончнома ва унинг шахсига оид ҳужжатлар илова қилиниши керак.





## **Жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) жиноят ва ҳодиса ҳақида давлат тилида, ўзи биладиган тилда ҳамда бошқа шу ҳудудда кўпчилик сўзлашадиган тилда ёки таржимон хизматидан фойдаланиб, ички ишлар органларига мурожаат этишга;

б) ариза ва хабари бўйича қабул қилинган қарор натижалари юзасидан маълумот олишга;

в) ички ишлар органи мансабдор шахсининг жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ички ишлар органи бошлиғига, юқори турувчи ички ишлар, прокуратура ёки тегишли ҳокимият органларига ва бошқа ваколатли ташкилот ва муассасаларга шикоят қилишга ҳақли. Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақида берган мурожаатларини, шунингдек авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, табиий офатлар ҳамда жамоат тартибини сақлашда юз берган ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишга мажбур.



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон буйруғи** билан тасдиқланаган “Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома қуйидаги орган ва мансабдор шахсларга тааллуқлилиги бўйича амал қилади:

- суриштирув органларининг суриштирувчилари;
- дастлабки тергов органларининг терговчилари;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор хизматларининг ходимлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибларда жиноят ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва текширувни ўтказишга ваколатли бошқа мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

**Ички ишлар органлари, жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритишда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:**

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қонуний кўриб чиқиш учун зарур шарт-шароитлар ва қулайликларни яратиш;

б) жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакиллари бевосита жиноят ва ҳодисалар ҳақида мурожаат қилганларида, уларни қабул қилиш давомида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиш, муомала ва касб маданиятига риоя этиш, жиноят ёки ҳодисанинг тафсилотини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш;

в) мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, иш юритиш тартиб ва талабларга риоя этиш, ҳисобга олинган ҳар бир ҳолатни белгиланган муддатларда мазмунан кўриб чиқиш;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаат этувчини камситилишига йўл қўймаслик, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилинишини кафолатлаш ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

д) мурожаатларни кўриб чиқиш вақтида фуқароларнинг турмуш тарзи ва шахсий ҳаётига оид маълум бўлган маълумотларни сир сақлаш, мурожаат этган шахсга, унинг



вакилига, оила аъзоларига нисбатан зўравонлик ёки ҳаёти ва соғлиғига таъқиб қилиш билан боғлиқ ҳаракатларга барҳам бериш чораларини кўради.

Ички ишлар органларининг мансабдор шахслари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаат этиш ҳуқуқларини таъминлашда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ёки давлат ва жамият манфаатларига зарар етказмасликлари лозим.

Ички ишлар органларига келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодиса қачон, қаерда содир этилгани, уни содир этган шахслар аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъий назар **«Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш» 1-шакл китобидан** рўйхатга олинади.

Китобнинг тўғри юритилиши бўйича шахсий жавобгарлик шу сутка давомида навбатчиликда бўлган ички ишлар органи навбатчиси зиммасига юклатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар 1-шакл китобининг бош варағи орқа томонига эслатма сифатида чоп этиб, фойдаланилади.

1-шакл китоб ички ишлар органида беш йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ички ишлар органларига келиб тушган телефон, телефакс, телефонограмма, радиogramма ва бошқа алоқа техника воситалари ҳамда қўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси ускуналарининг ишлаб кетиши, шунингдек ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар ички ишлар органида ягона ҳисобланган **2-шакл журналида** рўйхатга олинади.

Журнални юритишнинг тўғрилиги учун шахсий жавобгарлик ички ишлар органи навбатчиси зиммасига юклатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар 2-шакл Журналининг бош варағи орқа томонига эслатма сифатида чоп этиб, фойдаланилади.

**2-шакл журнал** ички ишлар органида беш йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

Аризачи, бевосита ички ишлар органига жиноят ва ҳодисалар ҳақида ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилганда, ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ёки шундай вазифа юклатилган бошқа мансабдор шахс қабул қилиб олган ариза юзасидан билдирув талони бериши шарт.

Аризачининг жиноят ва ҳодисаларга оид аризаларини қабул қилиш ваколатига эга ички ишлар органининг мансабдор шахслари томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилиниб, рўйхатга олингани устидан назорат олиб бориш билдирув-талони орқали амалга оширилади.

**Билдирув талони икки қисмдан** – бир хил қайд рақамига эга бўлган қирқиб олинадиган варақ ва унинг иккинчи бўлак варағидан иборат.

Қирқиб олинадиган варақда, ариза ёки хабар олинган сана, уни қабул қилган мансабдор шахснинг фамилияси, аризачи ҳақидаги маълумотлар қайд этилиб, ушбу варақ аризачига тақдим этилади.

Ички ишлар органининг навбатчилик қисмида қоладиган, билдирув-талонининг иккинчи бўлагида, аризачи ҳақидаги маълумот, ариза қабул қилинган сана ва рўйхатга олинган рақам, ҳолатнинг қисқача мазмуни акс эттирилади. Аризачи билдирув-талонининг иккинчи бўлак варағига имзо қўйиб, сана ва вақтини кўрсатиб ўтиши керак.

**Билдирув-талони** китобча шаклида саҳифаланади ва ички ишлар органининг навбатчилик қисмида сақланиб, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган навбатчи томонидан юритиб борилади.



Билдирув-талонларининг иккинчи бўлаги жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни қайд этишнинг тўлиқлигини, бундай маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган мансабдор шахсларнинг иш фаолиятини баҳолашда, улар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш чоғида солиштириб текширишда фойдаланилади.

Фойдаланиб бўлган билдирув-талонлари китобчаси ички ишлар органининг котибиятига топширилади ва икки йил сақланганидан кейин далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ички ишлар органига жиноят ва ҳодиса ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижаларига кўра, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлмайдиган материаллар **«Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журналида** рўхатга олинади.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материалларни ҳисобини тўғри юритилиши учун шахсий жавобгарлик шахар, туман, тармоқ ИИБнинг ҳисоб-қайд этиш ишлари учун масъул бўлган ходим зиммасига юклатилади.

Жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги материаллар журналда йил бошидан ўсиб борувчи тартиб рақам билан қайд этилиб, рўхатга қўйилади.

«Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журнали ички ишлар органида уч йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

1-шакл китоб, 2-шакл журнал, билдирув-талони китобчаси, «Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журнали қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар ҳисобланади, уларнинг варақлари рақамланган, тикилган ва муҳр билан мустаҳкамланган бўлиши керак. Ёзувлар тўлиқ, озода, тушунарли тарзда, кўк рангли шарикли ручка билан ёзилиши керак.

#### **Шу билан бирга, ички ишлар органининг:**

навбатчиси 1-шакл китоби, 2-шакл журнал ва билдирув-талонини;

шаҳар, туман, тармоқ ИИБнинг ҳисоб-қайд этиш ишлари бўйича ходим эса «Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журналини тўлдиришда, киритган маълумотларни ўчириб, ёзувлар киритилмайди. Хатоликка йўл қўйилганида ушбу масъул ходимлар ёзма равишда изох бериб, имзо чекадилар.



#### **2-ўқув савол. “102” хизмати фаолиятини ташкил этиш. Мурожаатларни қабул қилишда уларни вазифалари.**

**Мурожаатларни қабул қилиш тартиби.** Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар куйидаги тартибда қабул қилинади:

а) жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакиллари шахсан қабул қилиш орқали;

б) фельдъегерлик хизмати ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали;

в) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда ИИБнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали;

г) ички ишлар органининг фуқароларни қабул қилиш хонасида;

д) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун қулай жойларга ўрнатилган почта қутиси орқали.



Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар, уларнинг содир этиш жойи ва вақти, шахси аниқ бўлган-бўлмаганлигидан, шунингдек, хабарнинг тўлиқ эмаслигидан қатъи назар, ички ишлар органининг штатли навбатчиси, уларнинг ёрдамчилари ва белгиланган тартибда навбатчиликка тайинланган ходимлар томонидан **кеча-кундуз** қабул қилинади.

**Жиноят ёки ҳодиса юз берганда навбатчилик қисм (хизмат)нинг бевосита вазифалари қуйидагилардан иборат:**

а) жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни зудлик билан қабул қилиш, дарҳол расмийлаштириш, рўйхатга олиш учун тегишли китоб ва журналларга қайд этиш;

б) содир этилган жиноят ёки ҳодисага баҳо бериш, жиноятни фош этиш, далилларни олиш, жиноят содир этган шахсларни ушлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида тергов-тезкор гуруҳи (бундан буён матнда ТТГ деб юритилади) раҳбари ва аъзоларига зудлик билан маълум қилиш, ТТГни воқеа жойига қўздан кечириш учун чиқишини таъминлаш, юз берган ҳолатнинг турига қараб қўшимча кучларни жалб қилиш ва юборилишини ташкил этиш.



Ички ишлар органларининг котибиятига почта ёки бошқа техника алоқа воситалари орқали жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган ариза ва хабарлар умумий қоидаларга кўра хат-хабарларни кирим қилиш ёки ариза-шикоятларни рўйхатга олиш журналларига қайд этилади ва шу заҳоти ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ахборот берилади.

Ички ишлар органи бошлиғи ариза ёки хабарни мазмунидан келиб чиқиб 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga рўйхатга олиш ва уни текшириш тартиби тўғрисида ижро этувчи мансабдор шахсга ёзма равишда кўрсатма беради.

Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ёки Транспортдаги ИИБ марказий аппаратларига келиб тушган ариза ва шикоятларни текшириш давомида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда тўпланган ҳужжатлар зудлик билан ҳудудий ички ишлар органига юборилиши ёки жиноятни тегишли ҳудуд ички ишлар бўлимидаги 1-шакл китобидан рўйхатдан ўтказиб, жиноят иши қўзғатилишини ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga қайд этмасдан туриб текшириш, ижро этиш учун ходимларга топшириш қатъиян **тақиқланади**.

Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бевосита ёзма равишда жиноят ва ҳодисалар ҳақида тақдим этилган мурожаатларни котибият журналларида қайд этиб, текшириш **тақиқланади**.

Жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили, ички ишлар органининг навбатчилик қисмига, жиноят-процессуал қонунига мувофиқ суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсга, шунингдек фуқароларни қабул қилиш хонасида жиноят ва ҳодисалар тўғрисида оғзаки равишда арз қилиб келганда, масъул ходим оғзаки равишда берилган мурожаатини қабул қилиш баённомасини расмийлаштиради.

Баённомада аризачининг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек унинг шахсига оид маълумотлар кўрсатилиши керак. Агар аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, унинг шахсини текшириш учун бошқа чоралар кўрилиши керак.

Оғзаки аризани қабул қилган мансабдор шахс, аризачига била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жинойий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтириб, огоҳлантириши ва бу ҳақда баённомага имзо қўйдириши шарт.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма шаклида бўлиши мумкин. Жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ масъул ходим оғзаки арзни баённомада акс эттириб расмийлаштиради.

Баённомада, арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унинг матни биринчи шахс номидан баён қилиниб унда, жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз кўрсатилиши зарур.

**Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз** бўйича расмийлаштириш баённома арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланади, бунда аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилмайди.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз Жиноят-процессуал кодекс талабларига биноан тўла, ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши, текширилиши, тўпланган далилларни ишга алоқаси бор-йўқлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуктаи назардан баҳоланиши лозим.

Ички ишлар органларининг маъмурий биноларидан ташқари жойларда, ҳудудий профилактика инспекторлари ёки бошқа соҳавий хизмат ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни қабул қилиши ҳамда бу ҳақда шаҳар, туман ички ишлар органининг навбатчилик қисмига хабар беришлари шарт.

Ички ишлар органларининг мансабдор шахси, жиноят ва ҳодисалар тўғрисида берилётган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текширув ўтказишга етарли эмас, деган баҳона билан қабул қилмасликка ҳақли эмас.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни асоссиз важлар билан қабул қилишни рад этиш **Жиноят кодексининг 241<sup>1</sup>-моддасида** кўрсатилган жинойий жавобгарликни келтириб чиқаради.

**Шаҳар-туман-тармоқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари ички ишлар органларининг бошқа таркибий бўлим, бўлинмаларидан куйидаги хабарларни қабул қилади:**

**а) кўриқлаш хизматларидан** – кўриқланаётган объектга нисбатан содир этилган жинойий тажовузлар, техник кўриқлаш пунктларига уланган объектларга ғайриқонуний киришга уриниш чоғида кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиш ҳолатлари, шунингдек кўриқлаш нарядлари масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудларда аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

**б) ёнғин хавфсизлиги хизматларидан** – фуқароларнинг ўлимига ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказилишига, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкига зарар етказилишига олиб келган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган ёнғинлар ва ўзганинг мулкани қасддан ўт қўйиш орқали нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатлари ҳамда масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудидаги аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

**в) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларидан** – фуқароларнинг ўлими, баданга шикаст ёки мулкий зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари, автотототранспорт воситаларини олиб қочиш, шунингдек масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудида аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

г) патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматларидан – масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудида аниқланган жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

д) ички ишлар органларининг махсус муассасаларидан – сақланаётган шахслар томонидан содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳамда бу ҳақида улардан олинган хабарлар тўғрисида маълумотлар олинганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган соҳавий хизматлардан алоқа воситалари орқали қабул қилинган хабарлар зудлик билан 2-шакл журналида қайд этилиб, рўйхатга олинади.

Шаҳар, туман, тармоқ ИИБ навбатчилик қисмларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаат қилинганда ёки қотибиятларга шундай мазмундаги мурожаатлар келиб тушганда, бундай мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш умумий тартиб ва қоидалар асосида амалга оширилади.

**Мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби.** Ички ишлар органининг навбатчилик қисмига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар зудлик билан 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида рўйхатга олинади ва бу ҳақда тегишли орган бошлиғига ахборот берилади. Ариза ва хабарни кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон буйруғи** талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида дарҳол амалга оширилади.

## **Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарлар:**

■ ички ишлар органлари навбатчилик қисмига, саф бўлинмаларининг навбатчисига ҳамда суриштирувчи ёки терговчига бевосита мурожаат этганида 1-шакл китобида;

■ ички ишлар органларининг телефон ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали келиб тушган, шу жумладан кўриқлаш ва ёнғин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар 2-шакл журналда рўйхатга олинади.

■ 1-шакл китоб ва 2-шакл журнал навбатчилик қисмида сақланади ва ички ишлар органи навбатчиси ёки унинг ёрдамчиси томонидан тўлдириб борилади.

Навбатчилар, ўз навбатчилиги давомида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишини ташкил этади. Ҳар бир ҳолат юзасидан суриштирув натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида рўйхатга олиш ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритиб борилишини назорат қилади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисида бошқа ички ишлар органларидан келиб тушган ишлар рўйхатга олинади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни рўйхатга олиш бирор-бир сабабларга кўра ички ишлар органининг навбатчисига ўз вақтида етказилмаса, бу ҳолда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналининг 2-устунига навбатчилик қисмига маълумот тушган вақт билан бир қаторда унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган санаси, соати ва дақиқаси кўрсатилади. Бундай ҳолларда кўриб чиқиш муддати унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақида ёзма шаклда келиб тушган хабарларни рўйхатга олишда жисмоний шахснинг аризасига ёки юридик шахснинг ёзма равишдаги хабарига рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи штамп қўйилади.

### **Штамп ўзида қуйидаги маълумотларни сақлайди:**

- жиноят ва ҳодисани рўйхатга олиш санаси;
- қайд этилган тартиб рақами;
- мурожаатни қабул қилган навбатчининг фамилияси акс эттирилади.

Мурожаатни қабул қилган навбатчи киритган маълумот ва ёзувларни тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналини юритиш қоидаларига риоя этмаслик, жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатларни тўлиқ ёки ўз вақтида рўйхатга олмаслик, шунингдек кўриб чиқилишини кечиктирилиши учун жавобгарлик шахсан ички ишлар органи бошлиғи ва масъул бўлган тезкор навбатчининг зиммасига юклатилади.

Агар, жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган мурожаат юритувда бўлган жиноят иши ёки суриштирув органининг текширув ҳужжатларига кўшиб қўйилган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналга тегишли ёзувларни киритиб қўйиши лозим.

### **3-савол. Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш тартиби кўриб чиқилиши устидан назорат.**

1-шакл китоби ва 2-шакл журналда рўйхатга олинган ариза ва хабарлар келиб тушган вақтнинг ўзида ички ишлар органининг навбатчиси текширув ўтказишни ташкил этиши керак.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар рўйхатга олиниб, ИИБ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларидан бирига қонуний қарор қабул қилиш учун ахборот берилгандан сўнг **24 соат ичида** ижрочига топширилиши шарт.

Ички ишлар органи бошлиғи, унинг ўринбосарлари, суриштирувчи, терговчи ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда ёки хабарни текширилишини ташкил этишда, ариза ва хабарда мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида **дарҳол қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга оширишлари шарт:**

✚ жиноятнинг олдини олиш ёки содир этилган жиноят ва ҳодисани оғир оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик;

✚ воқеа содир бўлган жойни зудлик билан қўриқланишини ташкил этиш, воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳини ўз вақтида тўлиқ таркибда чиқиши ва сифатли кўздан кечириш, жиноят изларини аниқлаш, далилларни расмийлаштириб олиш;

✚ жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни жиноят устида қўлга олиш учун тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш.



Ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори йўл-патруль хизмати ва патруль-пост хизмати саф бўлинмалари навбатчилари хизмат ҳудудида жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаганларида ҳодиса тўғрисида зудлик билан телефон ёки бошқа алоқа воситаси орқали ҳудудий шаҳар, туман, тармоқ **ички ишлар органи навбатчилик қисмига ахборот беради ва ўзига юклатилган мажбуриятлардан келиб чиқиб:**

✳ жиноятнинг «иссиқ изидан» очилишини ташкиллаштириш;

✳ ҳолат оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш;

✳ жиноят содир этган шахсларни ушлаш;

✳ жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

✳ тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги асл ҳолат ва далилий ашёларни қўриқлаш, рўй берган ҳодисанинг табиати ва тавсифини инобатга олиб бошқа кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширишни ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги ва унинг натижалари бўйича **24 соатдан ошмаган вақт ичида**, тегишли орган раҳбарига, кейинги текширув ишларини ташкил этиш учун ахборот беради.

Жиноят ва ҳодисага оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, **ўн суткадан кечикмасдан** кўриб чиқилиши лозим.

Кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин.

**Алоҳида ҳолларда, ушбу банднинг биринчи хат бошида кўрсатилган муддат суриштирувчи ёки терговчининг асослантилган қарорига кўра қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:**

✚ ўтказиш учун кўп вақтни талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

✚ олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

✚ янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.



Суриштирув органи, жиноят ва ҳодиса бўйича келиб тушган мурожаатни текширув натижалари бўйича ички ишлар органи бошлиғига ахборот беради ва Жиноят-процессуал кодекс талабларига мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди.

Агар ахборот берилгунга қадар кўриб чиқилмай қолган жиноят ва ҳодисалар мавжуд бўлса, ички ишлар органининг бошлиғи ёки унинг вазифасини бажараётган мансабдор шахс ҳар бир ариза ёки хабар юзасидан уларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, қонуний ечими ва тўхтамга келишини ташкил этиш мақсадида суриштирув органининг мансабдор шахсига ёзма равишда кўрсатма бериши шарт.

**ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ**, жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижалари бўйича – жиноят ишини кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад қилиш, ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига кўра юбориш ҳақида қабул қилинган қарорлар, ЖПКнинг 329-моддасида ўрнатилган муддатларда кўриб чиқилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Илгари 2-шакл журналида рўйхатга олинган мурожаат бўйича мансабдор шахсдан ёки фуқародан ёзма ариза ёхуд хабар олинганда, шунингдек рўйхатга олинган мурожаатда жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланганда 2-шакл журналининг 7-устунига бу ҳақда ёзилади ва ушбу ариза ёки хабар 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақидаги маълумот тасдиқланган тақдирда 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилади. Жиноят ҳақида тасдиқланган маълумот 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилганида билдирги орқали у биринчи марта ички ишлар органига келиб тушган санаси (соат, дақиқа) билан қайд этилади. Кейинчалик жиноят ҳақида фуқаронинг аризаси ёки давлат ёхуд жамоат ташкилотининг хабари ички ишлар органига келиб тушган вақтидан қатъий назар, дастлабки бу хабарни қайд этиш санасидан бошлаб кўриб чиқиш муддати бошланади.

Ушбу ҳолатда ҳам жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш муддати (Йўриқноманинг 66-банди) талабларга мос келиш керак.

**Дастлабки тергов жараёнида**, ички ишлар органларига илгари маълум бўлмаган, шунингдек тергов ёки суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётган ҳолатга алоқадор ёки алоқадор бўлмаганлигидан қатъий назар янги жиноий ҳолат аниқланган тақдирда, терговчи ёки суриштирувчи ушбу жиноят аниқлаганлиги ҳақида билдиргиси ёки жабрланувчининг аризаси ИИБнинг 1-шакл китобида «Тергов жараёнида аниқланган қўшимча жиноят» белгиси билан рўйхатга олинади.

Бошқа маълумот тарзидаги хабарлар келиб тушганда ички ишлар органининг навбатчиси уларни дарҳол текшириш чораларини кўриш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўтказиш учун ТТГ таркибига кирувчи барча гуруҳ аъзоларини воқеа содир бўлган жойга чиқишини ташкил этади.

**Воқеа жойга етиб келган ТТГ аъзолари ҳодиса юз берган жойда қуйидаги ишларни амалга оширилишини ташкил этади:**

- а) тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш;
- б) судга оид турли хил экспертизалар тайинлаш;
- в) гувоҳ ва шохидлар ҳамда дастлаб жабр кўрган ва уларнинг кўрсатмасига кўра жиноят содир этган шахс деб топиш учун асос бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш;
- г) жиноят белгилари бор ёки йўқлигини аниқлаштиришга қаратилган текширув ҳаракатларни амалга ошириш.

Келиб тушган бошқа маълумот тарзидаги хабарлар юзасидан белгиланган тартибда суриштирув ёки тергов органлари томонидан тўпланган текширув материалларига асосан жиноят иши кўзғатиш, маъмурий жазо чорасини қўллаш, материалларни маъмурий комиссияга бериш, номаълум мурда, номаълум бемор ёки боланинг ва ҳ.к. шахсини аниқлаш бўйича қарор қабул қилинади. Шунингдек, тиббий, автотехник ёки бошқа махсус экспертиза тадқиқотларини ўтказиш талаб қилинадиган текширувлар бўйича эса улар яқунланганидан сўнг қарор қабул қилинади.





Жиноят ёки ҳодиса бир тезкор хизмат кўрсатувчи **ички ишлар органи** ҳудудида содир этилиб, жисмоний ёки юридик шахс бошқа хизмат ҳудудидаги ички ишлар органига **ариза ёки хабар билан мурожаат этган бўлса**, дастлаб ариза ёки хабар келиб тушган ички ишлар органининг навбатчиси мурожаат этувчининг анкета маълумотларига оид ахборотларни олади, юз берган ҳолат тафсилотини тўлиқ тинглайди, зарур бўлганда ойдинлик киритувчи саволлар билан аниқликлар киритади.

Мурожаатни қабул қилиб, белгиланган тартибда рўйхатга олган навбатчи, жиноят ёки ҳодисанинг содир этилган жойни аниқлаштириш натижаси бўйича ҳолат ҳақиқатдан ҳам бошқа тезкор хизмат кўрсатувчи ички ишлар органи ҳудудида содир этилганлигини аниқлаб, яққол ишонч ҳосил қилган бўлса, жисмоний ёки юридик шахсга зудлик билан ёзма, оғзаки ёки алоқа техника воситалари орқали тегишли ички ишлар органига мурожаат қилиш тўғрисида тавсиялар бериш билан бирга манзили, телефон рақамлари, қайси жамоат транспортларида етиб бориши мумкинлиги ҳақидаги тўлиқ маълумотларни тақдим этади.

Навбатчи, қабул қилган мазкур хабар тўғрисида 2-шакл журналга қайд этиб, тегишли ёзувлар киритиб қўяди. Ички ишлар органининг хизмат кўрсатувчи ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ва ҳодиса ҳақида ёзма равишда тақдим этилган мурожаатлар, жиноят ишини кўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун текшириш ҳаракатларини тегишли туманда ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина **ЖПКнинг 335-моддасига** мувофиқ ариза ва хабарни тегишлилигига қараб, юборишга йўл қўйилади.

Алоқа техника воситалари орқали келиб тушган бундай хабарлар 2-шаклдаги журналга қайд этиб қўйилади. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисага оид ариза ва хабарларига эътиборсиз бўлиб, асоссиз ёки тартибга солинган талабларга зид равишда, бошқа ички ишлар органида рўйхатга олиб текшириш учун мурожаат этишга доир кўрсатмалар ёки тавсиялар бериш қатъиян тақиқланади. Бундай ҳолатга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг ҳаракати оқибатида жиноятни фош этиш истиқболи ҳамда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган излар ва ашёларни йўқолишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар ички ишлар органида қабул қилиниб, рўйхатга олиниб бўлинган жиноят ва ҳодиса ҳақидаги мурожаат юзасидан ўтказилган суриштирув ҳаракатлари давомида жиноят бошқа ҳудудда содир этилганлиги аниқланса, **жиноятни «иссиқ издан» фош этиш**, уни содир этган шахсларни, гувоҳ ва шохидларни ўз вақтида аниқлаш, далилларнинг сунъий ёки табиий таъсирлардан йўқолишини олдини олиш, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган бошқа чораларни кўриш мақсадида ички ишлар органининг навбатчиси ёки масъул ходим куйидагиларни ташкил этади:



а) тергов-тезкор гуруҳи таркибига кирувчи ходимларни ҳамда содир этилган жиноятнинг турига қараб тегишли мутахассисларни воқеа жойини кўздан кечириш учун юбориш;

б) воқеа жойини кўздан кечириш давомида жиноятга дахлдор излар ва ашёларни олиш, далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни тўплаш, иш учун аҳамиятли бўлган излардан қолиплар ва нусхалар олиш, фотосурат ҳамда видеоёзувга тушириш;

в) жиноятни фош этишга қаратилган барча зарур бўлган суриштирув ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш;

г) воқеа содир этилган ҳудудда гувоҳ ва шохидларни аниқлаш;

д) жабр кўрганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

е) жиноят натижасида юз берган турли хил талофатларни оғир оқибатларга олиб келишини олдини олиш;

ё) воқеа жойини кўздан кечириш давомида олинган жиноятга дахлдор из ва ашёларни ўраш, муҳрлаш ва сақланишини таъминлаш;

ж) зарур деб топилган ҳолларда тегишли **экспертиза тайинлаш** ишларини амалга оширишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар амалга оширилгандан сўнг, зудлик билан ҳолат бўйича тўпланган суриштирув ҳужжатлари ЖПКнинг 330-моддасига асосан, кўзғатилган жиноят иши эса ЖПКнинг 346-моддасига мувофиқ, иш бўйича олинган ашёвий далилларни илова қилган ҳолда ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилигига кўра юборилади.



Ҳудудий жиҳатдан юборилган жиноят ва ҳодисаларга оид ишларни юборган орган ҳолатни ўз ҳисобидан чиқариб, бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига белги кўяди ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат этувчига ёзма равишда хабар қилади.

Ҳудудий жиҳатдан тегишлилиги бўйича юборилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар уларни жўнатган идора ҳисобидан чиқарилгандан сўнг ишни қабул қилган ички ишлар органида рўйхатга кўйилади. Бундай ҳолларда кўриб чиқиш муддати ички ишлар органига ҳудудий тааллуқлилиги бўйича келиб тушган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг терговчилари томонидан воқеа жойини кўздан кечириш ҳақидаги материалларини, агарда уларда мавжуд бўлган маълумотлар яққол жиноят аломатларини кўрсатиб, жиноят ишини кўзғатиш учун қарор қабул қилишга етарли асослар бўлса, суриштирув хизматларига терговга қадар суриштирув ҳаракатларини ўтказиш учун бериш тақиқланади.

**Суриштирув ходимининг** жиноят иши кўзғатиш тўғрисида чиқарган қарори ёки жиноят иши кўзғатишни рад этиш қарорлари ички ишлар органининг бошлиғи томонидан тасдиқланади. Қарорни тасдиқлаш вақтида мавжуд ҳужжатларни мукамал ўрганиши, қарор Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ тўғри, тўлиқ ва ҳолисона қабул қилганлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Жиноят иши кўзғатиш ва жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ҳақида асоссиз қарорлар қабул қилинган ҳолларда орган бошлиғи қўшимча текширувни ўтказилишини ташкил этиш керак.



Ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиниб 2-шакл журналида рўйхатга олинган жиноят ва ҳодиса ёки бошқа маълумотлар ҳақидаги хабар ёлғон бўлиб чиқса ёки олинган маълумот ўз тасдиғини топмаса, текширувни амалга оширган ходим 2-шаклдаги журналга ҳолат юзасидан қабул қилинган қарор натижалари бўйича ёзувлар киритиб, имзоси билан тасдиқлайди.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг барча реквизитлари уларнинг бош варағи орқасидаги қоидаларга мувофиқ тўлдирилади. Ҳар қайси маълумот бўйича киритилган ёзувларда ҳодиса қачон юз берганлиги, ким томонидан содир этилганлиги, у ҳақида ким, қандай шаклда хабар берганлиги, уни кўриб чиқиш тартиблари бўйича қандай кўрсатмалар берилганлиги, текшириш учун қандай чоралар кўрилганлиги, кўриб чиқишда кимлар қатнашганлиги, қачон, ким томонидан қандай қарор қабул қилинганлигига доир батафсил маълумотлар ифодаланиши керак.

**Маъмурий қамокқа олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхоналар ҳамда аниқ яшаш ва иш жойи бўлмаган шахсларни Реабилитация қилиш марказлари,** шунингдек жазони ижро этиш муассасалари ёки тергов ҳибсхоналари маъмуриятига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар зудлик билан шу муассасалар жойлашган ҳудудий шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар органларига тақдим этилади.



Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш фаолиятининг иш натижалари ҳақида ички ишлар органининг ҳисоб-қайд этиш ходими томонидан ярим йиллик ва йиллик статистик ҳисобот тузилади. Ҳисобот тузиш учун 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали асос бўлиб ҳисобланади.

Рўйхатга олинган мурожаатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича жиноят иши кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материалларни ҳисобини юритиш, ҳисоб-қайд этиш ходими томонидан амалга оширилади.

Ҳисоб-қайд этиш ходими журналдаги маълумотларни, навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали билан ҳар ой якуни бўйича солиштириб, таққослов натижаси бўйича далолатнома тузади ва орган бошлиғига ёзма равишда билдирги билан ахборот бериб боради.

**4-ўқув савол. Жиноят, ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан ишлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари.**

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни кеча-кундуз қабул қилиниши, уларни қайд этиш ва ҳисобга олишнинг тўлиқлигини кўриб чиқиш ва кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда ўрнатилган талабларига риоя этиш устидан шахсий жавобгарлик шаҳар-туман-тармоқ ИИБ бошлиқлари зиммасига юклатилади.

Ички ишлар органининг бошлиғи ўзига бўйсунувчи тизимларда жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳисобини олиб бориш тартибларига риоя этилиши устидан кундалик назоратни амалга оширади.

Ички ишлар органида қабул қилинган ҳар бир ариза ва хабарлар рўйхатга олингандан сўнг, навбатчи томонидан мажбурий тартибда уларни ўз муддатида кўриб чиқилишини назорат қилиш учун лозим бўлган аниқ муддатини 1-шакл ва 2-шакл журналда қайд этади.

**Навбатчилик сменасини топшираётган навбатчи,** илгари рўйхатга олинган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни ЖПКнинг 329-моддасига асосан кўриб чиқиш муддати ўтиб кетаётганлигини аниқласа, уларни рўйхатини тузиб, ёзма равишдаги билдиргиси билан ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчисига тегишли қарор қабул қилиш учун ахборот бериши шарт.



**Ички ишлар органининг бошлиғи:**

✚ кўл остидаги мансабдор шахслар томонидан жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш давомида белгиланган муддатни бузиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланганида, текширилаётган материалларни кўриб чиқиш учун кечиктириб бўлмайдиган суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ишларини ташкиллаштириш чораларни кўради;

✚ хизмат ва ижрочилик интизомини бузиш ҳолатларига йўл қўйилган-қўйилмаганлигини ўрганади, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этади, зарур деб топилган ҳолларда айбдор мансабдор шахсга нисбатан таъсир чораларини қўллайди;

✚ суриштирув ходими томонидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида чиқарган қарорини тасдиқлаш вақтида, тўпланган материаллар бўйича шубҳали ҳолатлар мавжуд бўлса, аризачи билан шахсан суҳбат чоғида унинг дастлабки аризаси ёки хабари билан кейинги тушунтириш мазмуни ўртасида қарама-қаршилиқлар бор ёки йўқлигини текширади, мавжуд бўлган ҳолларда бунинг сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

✚ жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларга асосан тўпланган ҳужжатларни ва ашёвий далилларни тааллуқлилиги бўйича бошқа ички ишлар органига тўлиқ ва нуқсонларсиз юборилишини таъминлайди;

✚ жиноятга оид тўпланган ҳужжатлар юзасидан шахс ҳаракатида жиноят ҳақида эмас, маъмурий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ҳолатлар аниқланиб, суриштирув давомида ўрнатилган тартибда чоралар кўрилмаган бўлса, маъмурий таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди.

✚ Ўз навбатида, ички ишлар органининг навбатчиси ўтган сутка давомида тезкор вазият тўғрисида орган бошлиғига ахборот берганидан сўнг 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали юритилишининг тўғрилигини текшириш ва бу ҳақда тегишли ёзув киритиб бориш ишларини амалга оширади.

Ички ишлар органининг бошлиғи ҳар ойда ўрнатилган тартибда 1-шакл китоби ва 2-шакл журналида қайд этилган жиноят ва ҳодисаларга оид маълумотларни тўлиқ ҳисобга олинаётганлигини текшириш мақсадида бошқа манбалар, шу жумладан, билдирув талонлари ва унинг қирқиб олинadиган бўлагидаги маълумотлар билан солиштирувлар ўтказилишини ташкил этиши керак.

Солиштирув ўтказилишини амалга ошириш учун ички ишлар органининг бошлиғи махсус комиссия тузади, унинг таркибини тасдиқлайди. Ушбу комиссия таркибига ички ишлар органларида етарли тажрибага эга бўлган малакали ходимлар киритилади. Ҳисоб-қайд этиш ходимининг комиссия ишида иштироки мажбурий ҳисобланади. Ушбу комиссияга бошлиқ ўринбосарларидан бири раҳбар этиб тайинланади.

Навбатчилик қисмига Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБлари тегишли ички ишлар органлари навбатчилик қисмига телефон орқали келиб тушган маълумотларни рўйхатга олишнинг тўғрилигини назорат қилиш учун уларни электрон ёки рақамли овоз ёзиб олиш ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Эшитиш натижалари 1-шакл китоби ва 2-шакл журналида бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олишнинг тўлиқлигини солиштириб, текшириш далолатномаларида акс эттирилади.

**Ўрнатилган вазифалар, талаб ва тартибларни бажарилиши устидан назорат қилиш қўидаги орган ва мансабдор шахсларга юклатилади:**

✚ жиноят ва ҳодиса ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя қилиш устидан – дастлабки тергов ва суриштирувни амалга оширувчи хизматларнинг раҳбарларига (тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқалар);

✚ жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни ўз вақтида (1-шакл китоби ва 2-шакл журналида) рўйхатга ва ҳисобга олишнинг тўлиқлиги устидан – ички ишлар органларининг бошлиқларига;

✚ бирламчи ҳисобга олиш ва статистик ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ишончилиги ҳамда бу ишда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш устидан – Ахборот марказлари ёки республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг қарорига мувофиқ уларнинг тегишли штатлари билан белгиланган бошқа махсус ташкил этилган бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

▪ Ташкилий-инспекторлик бошқарма ва бўлинмалари томонидан инспекторлик, назорат ва бошқа текширувлар жараёнида жойларда ҳисоб-қайд этиш интизомига риоя этиш ҳолати ҳамда ИИБ, ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ хизматларининг бу борадаги фаолиятини текширадилар.

**Барча ички ишлар органлари раҳбарлари жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда:**

- қонунийликка амал қилиш;
- ишни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- ҳисоб-қайд этиш интизомини мустаҳкамлаш бу борада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш;
- лозим деб топилган ҳолларда айбдорларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўриш. Зиммасига назорат юклатилган хизматлар томонидан талабларга қатъий риоя қилишга мажбур.


Навбатчилик қисмига телефон орқали келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларнинг электрон ёки бошқа рақамли овоз ёзиш ускунасидаги ёзувлар ўттиз сутка давомида сақланади ва шундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

### Мустақил иш учун топширик:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон буйруғини тўлиқ ўрганиш.
2. «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномани тўлиқ ўзлаштириш.

## 4.2-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ВА ҲОДИСАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИИО ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)



Ушбу ўқув машғулоти **“Давра суҳбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам

беради. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Ички ишлар органларида жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисаларга оид ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олишни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар.

2-савол. Ички ишлар органларида жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисаларга оид ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олишни такомиллашадиган амалиёти.

3-савол. Ички ишлар органларида жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисаларга оид ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олишда 102 тизимининг ўрни.

4-савол. ИИОларида жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисаларга оид ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олишда электрон журналлардан фойдаланиш.

### **Назорат учун топширик:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ИИВнинг 01.02.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига келиб тушаётган жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув яқунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 15-ҚҚ-4 сонли Қўшма қарорини ўқиб ўзлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва муассасаларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» ўзлаштириш.

### **4.3-Мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ “102” ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

##### **Режа:**

**1-ўқув савол.** “102” хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолиятни ташкил этишни зарурияти ва аҳамияти.

**2-ўқув савол.** “102” хизмати фаолиятини ташкил этиш. Мурожаатларни қабул қилишда уларни вазифалари.

**3-ўқув савол.** Ҳамкорлик, фаолиятни баҳолаш.

**1-ўқув савол.** “102” хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолиятни ташкил этишни зарурияти ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи 2022 йил 09 май куни Ички ишлар вазири томонидан имзоланган.

**“102” хизмати фаолиятини йўлга қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 15 февралдаги 02-РА-2-1109-сон топшириғи.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 12.02.2021 йилда Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишининг **8-сонли баёни 37-банди** (Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ва барча вилоят ҳокимлари билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар “102” автоматлашган тизимини республика бўйича жорий этиш чораларини кўриш);



**Республикамизда ички ишлар органлари фаолиятига “102” хизматини жорий этишдан мақсад:**

-ИИОлари фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

-Худудий ички ишлар органларида “102” қисқа рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар ҳақидаги кўнғироқларни марказлашган тарзда қабул қилиш, қайта ишлаш, улар асосида аҳолига тезкор ва малакали ёрдам кўрсатиш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш;

-“102” хизмати кўрсаткичларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 09 майдаги “Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи билан:

- ✓ Ички ишлар органларининг “102” хизмати тўғрисидаги Низом **(1-иловага мувофиқ)**
- ✓ Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича мутахассиснинг касб стандарти **(2-иловага мувофиқ)**
- ✓ Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури **(3-иловага мувофиқ)**

102 хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажарилишига **худудий ИИО бошлиғининг шахсан жавобгарлиги белгиланди.**

**Вазирлик Ташкилий Департамент Навбатчилик хизматларини ташкил этиш бошқармаси** мазкур хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни методик, ахборот-таҳлилий таъминлаш ва такомиллаштириш, тизимга замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

“102” хизмати таркиби, лавозимлар ва штат бирликлари “102” хизматининг тоифаси, ҳақиқий параметрлари ва эҳтиёжлари (Эрланг модели коэффициенти), шунингдек, хизмат кўрсатиш худудининг ўзига хос хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган худудий ИИО таклифига мувофиқ Ички ишлар вазири буйруғи билан белгиланади.

Худудий ИИО таклифлари ўрнатилган тартибда Вазирлик Ташкилий департаменти билан келишилади.

“102” хизматининг намунавий штат жадвали худудий ИИОнинг амалдаги штат бирликлари доирасида штатли ҳамда авария режими, фавқулодда ҳолатлар ва Ички ишлар органларининг “102” хизмати тўғрисидаги Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳолатларда штатсиз бирликлар (навбатчилик асосида сменаларга қўшимча жалб этиладиган бошқа соҳавий хизмат ходимлар)дан ташкил топади.

Тегишинча худудий ИИО соҳавий хизматларининг бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилмаган ходимлари “102” хизматига навбатчилик асосида сменаларга қўшимча жалб этилиши мумкин.

Авария режими ва фавқулодда ҳолатларда “102” хизмати навбатчи сменаларига бошқа шошилиш ва фавқулодда авария-қутқарув хизматлари ходимлари ва мутахассисларини ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин.

**Хизмат кўрсатиш худудининг аҳоли сонига мувофиқ “102” хизмати қуйидаги тоифаларга бўлинади:**

- I **тоифа** - 3 миллиондан ортиқ киши;
- II **тоифа** - 2 миллиондан 3 миллионгача киши;
- III **тоифа** - 1 миллиондан 2 миллионгача киши;
- IV **тоифа** - 500 мингдан 1 миллионгача киши;
- V **тоифа** - 500 минггача киши.

“102” хизмати тоифаси ҳамда худудий бирликнинг ўзига хос хусусиятлари (тезкор вазият, криминоген ҳолат, транспорт инфратузилмаси, тоифаланган ва бошқа объектлар)га кўра, навбатчи сменада хизмат кўрсатувчи штатли операторлар минимал сони қуйидагича белгиланади:

- I **тоифа** - 15-20 нафар;
- II **тоифа** - 10-15 нафар;
- III **тоифа** - 7-10 нафар;
- VI **тоифа** - 5-7 нафар;
- V **тоифа** - 5 нафар.

“102” хизмати персонали ИИОнинг ўрта бўгин лавозимларига мансуб бўлиб, зиммасига юклатилган хизмат вазифаларига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) **операторлар гуруҳи** “102” қисқа рақами орқали қўнғироқларни, омниканал платформа ёрдамида хабарларни бевосита қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган мутахассислар гуруҳи (кичик мутахассис, мутахассис, катта мутахассис - супервайзер):



- видеокўнғироқ орқали нутқида нуқсони бўлган (кар) шахсларнинг хабарларини имо-ишора тили (дактилология) орқали оғзаки нутқни тўғридан-тўғри таржима қиладиган оператор-дактилолог;

- тезкор психологик таъминот гуруҳи психолог-консультанти;

- лингвистика таъминоти гуруҳи таржимонлари;

- “102” хизмати, операторлар навбатчи сменаси фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш, хизмат вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, ҳисоботлар ва кўнғироқлар статистикасини юритишни таъминлайдиган етакчи мутахассис - супервайзер ва бош мутахассис - катта супервайзер (“102” хизмати бошлиги).

**хизмат кўрсатувчилар гуруҳи “102” тизимининг техник ва дастурий воситалари,** шунингдек телекоммуникация тармоғи ва қурилмалари ишчанлигини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминловчи мутахассислар.

- “102” хизмати кундалик режимида операторларни таътилга чиқинш, даволаниш, хизмат сафарига боришини ташкил қилишда ва тезкор вазият мураккаблашган (хизмат ўташ кучайтирилган ёки казарма ҳолати)да, шунингдек, авария режими ва фавқулодда ҳолатларда барқарор ишлашини таъминлаш учун Ички ишлар органларининг “102” хизмати тўғрисидаги Низомнинг 14-бандида белгиланган операторлар сонига қўшимча 30 фоизли захира штатли операторлар гуруҳи жамланади.

- “102” хизмати персоналининг хизмат вазифалари касб стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ҳудудий ИИО бошлиқлари томонидан тасдиқланган лавозим йуриқномалари билан белгиланади.

**2-ўқув саволи: “102” хизмати фаолиятини ташкил этиш. Мурожаатларни қабул қилишда уларни вазифалари.**

Ички ишлар органларининг “102” хизмати тўғрисида Низом Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 09 майдаги “Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғининг **1-илоvasи билан тасдиқланган бўлиб, 15 боб, 107 банддан иборат.**

### Низом кўйидагича тўзилишга эга:

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. “102” хизмати таркиби ва намунавий штат жадвали

3-боб. “102” хизматининг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари

4-боб. “102” хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5-боб. “102” хизмати фаолиятини ташкил этиш

6-боб. “102” хизмати фаолиятини авария режими ва фавқулодда ҳолатларда ташкил

этиш

7-боб. “102” хизмати фаолиятини баҳолаш, муҳокама қилиш, норматив ва методологик базаси

8-боб. “102” хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш

9-боб. “102” хизматининг моддий-техник таъминоти ва меҳнат шароити

10-боб. “102” хизмати персоналини тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш ва кадрлар таъминоти

11-боб. “102” хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

12-боб. “102” хизматининг ички ва ташқи ўзаро ахборот ҳамкорлиги

13-боб. “102” хизматида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва дислокация жойларига кириш-чиқиш режими

14-боб. Худудий ИИО “102” хизматлари фаолиятининг мониторинги, уларни мувофиқлаштириш, методик ва ахборот-таҳлилий таъминлаш

15-боб. Яқуний қоидалар

Низом ички ишлар органларининг “102” хизмати таркиби, намунавий штат жадвали, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ-мажбуриятлари, жавобгарлиги, шунингдек, фаолиятни ташкил этиш, моддий-техник таъминоти, кадрлар таъминоти, хизмат персоналини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ички ва ташқи ахборот алмашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаб беради.


“102” хизмати жисмоний ва юридик шахсларнинг “102” қисқа телефон рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар ҳақидаги фавқулодда ва шошилинч кўнғироқларини, шунингдек, омниканал платформа ёрдамида хабарни кеча-кундуз қабул қилиш ва қайта

ишлашга масъул бўлган, республикадаги шошилич-тезкор хизматлар сирасига кирувчи, худудий ИИОнинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

### **“102” хизмати тўғридан-тўғри худудий ИИОнинг Ташкилий бошқарма бошлиғига бўйсунди.**

“102” хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ички ишлар вазирининг буйруқлари, кўрсатмалари ва фармойишларига, давлат стандартлари, санитария-гигиена қоидаларига, шунингдек, Низомга амал қилади.

Худудий ИИО бошлиғи “102” хизмати зиммасига юклатилган вазифаларнинг талаб даражасида бажарилишига жавобгардир, унинг самарали ишлаши устидан доимий назоратни олиб боради.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти Навбатчилик хизматларини ташкил этиш бошқармаси “102” хизмати фаолиятини умумий мувофиқлаштиради, жумладан уларнинг фаолиятини методик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

“102” хизматида юридик ва жисмоний шахсларнинг жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар ҳақидаги, шунингдек, фавқулодда ва шошилич қўғирокларини давлат, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида кеча-кундуз қабул қилиш ва қайта ишлаш бепул амалга оширилади.

Зарурат туғилганда, “102” хизматида лингвистик таъминоти хизмати йўлга қўйилади.

Авария режими ёки фавқулодда ҳолатда худудий ИИОда “102” қисқа рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар ҳақидаги қўғирокларни қабул қилиш ва алоҳида ҳуқуқий режимда “102” хизматини барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида “102” тизими доирасида Call-марказнинг захира автоматлаштирилган иш жойлари ва “102” хизматининг қўғирокларни қайта ишлаш захира маркази ташкил этилади.

### **Қўйдаги ҳолатларда Call-марказнинг захира автоматлаштирилган иш жойлари ва “102” хизматининг қўғирокларни қайта ишлаш захира маркази дарҳол ишга туширилади:**

#### **1) Call-марказнинг захира автоматлаштирилган иш жойлари:**

кирувчи қўғироклар оқими жорий навбатчи сменанинг утказувчанлик қобилияти (операторлар гуруҳи томонидан қабул қилиш имконияти)дан ошганда;

хабар берувчи (абонент)нинг навбатда ўртача кутиш вақти ва йўқотилган қўғироклар коэффиценти белгиланган меъёрлардан ошганда;

хизмат кўрсатиш даражаси белгиланган кўрсаткичдан паст бўлганда;

оммавий сиёсий, ижтимоий, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказилганда;

хизмат ўташ режими ўзгарганда;

#### **2) “102” хизматининг қўғирокларни қайта ишлаш захира маркази:** авария режимида;

фавқулодда ҳолатда бевосита худудий ИИОда жойлашган “102” хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш имконияти чекланганда;

оммавий сиёсий, ижтимоий, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказилганда; хизмат ўташ режими ўзгарганда;

қонунчилик ҳужжатларда белгиланган бошқа ҳолатларда;

#### **3) “102” хизмати персоналани ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини оширишда.**

“102” тизими Call-маркази дастурий таъминоти имкониятига кўра, фавқулодда вазиятларда муайян ҳудуддаги асосий Call-марказ бошқа ҳудуд учун захира марказ сифатида фаолият кўрсатиш мумкин.

Бунда, “102” қисқа рақами орқали қўғирокларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имконияти чекланган ёки батамом йўқолганда, “102” қўғироклар оқими республикани бошқа ҳудудидаги “102” хизматининг асосий Call-марказига йўналтирилади, қабул қилиш ва қайта ишлаш таъминланади.

## Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

☒ **мониторинг тизимлари** - назорат остида стационар ва ҳаракатланувчи объектларда ахборот ва сигналларни қабул қилиш, қайта ишлаш учун мўлжалланган қурилма ва дастурий таъминотлар мажмуи;

☒ **мобиль илова** - смартфон, планшет ва бошқа мобиль қурилмаларда ишлаш учун мўлжалланган “102” тизими платформасида ишловчи дастурий таъминот;

☒ **Call-марказ** (қўнғироқлар маркази)-ИИО “102” тизимининг ягона телекоммуникация платформасида тармоқланган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудларида марказлашган тарзда “102” қисқа рақами орқали қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган ҳимояланган дастурий-техник таъминоти, асосий ва захира автоматлаштирилган иш жойлари ҳамда операторлар гуруҳи мажмуи.

☒ **нимтизим** - функционал ёки ташкилий тузилиши асосида ажратилган, муайян мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи “102” тизимининг бир қисми;

☒ **касб стандарти** - “102” хизмати Call-марказида хизмат килувчи, ИИОнинг ўрта бўғин мутахассис ходимлари гуруҳи (кичик мутахассис, мутахассис, катта мутахассис, етакчи мутахассис - супервайзер ва бош мутахассис - катта супервайзер) лавозимларига таълим, ўқиш, амалий иш тажриба, меҳнат вазифалари (меҳнат ҳаракатлари, зарур билим ва кўникмалар ва бошқа тавсифлар) бўйича қўйилган махсус талаблар мажмуи;

☒ **тўсатдан алоқа узилиши** - “102” қисқа рақамига қўнғироқ қилган шахс (абонент) ва Call-марказ оператори ўртасида абонентга боғлиқ бўлган ёки булмаган ҳар қандай ҳоллардаги алоқа узилиши;

☒ **омниканал платформа** - ҳодиса ҳақида оммабоп алоқа каналлари: ижтимоий тармоқлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий сайтлар, мобиль иловалар (видеокўнғироқлар), SMS (овозли бўлмаган қисқа матнли хабарлар) ва бошқа каналлар ёрдамида юборилган, шунингдек, бошқа автоматлаштирилган мониторинг тизимлари орқали келиб тушган маълумот ва сигналларни ягона телекоммуникация платформасида қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминловчи ҳамда ушбу каналларни мақбуллаштириш орқали бошқариш имкониятига эга “102” тизимининг дастурий нимтизими;

☒ **Эрланг модели** - Даниялик олим А.К. Эрланг томонидан ишлаб чиқилган, Call-марказда қабул қилинган қўнғироқлар сони, оператор томонидан ўртача гаплашиш вақти ва абонентлар томонидан қўнғироқ қилишдаги кутиш вақтининг ўзаро ҳисоб-китобига кўра, Call-марказга талаб этиладиган операторларнинг сонини баҳолаш имконини берувчи коэффициент;

☒ **SMS хабарлар** - жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар ҳақида мобиль алоқа воситалари орқали юборилган SMS - қисқа матнли хабарлар;

☒ **тезкор маълумот**-“102” тизими орқали қабул қилинган, тезкор ва кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши талаб этиладиган жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар, шунингдек шошилиш ва фавқулодда вазият ҳақидаги хабар, автоматлашган мониторинг тизимлари сигналлари;

☒ **жорий маълумот**-“102” хизматига амалга оширилган қўнғироқлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар, натижалар, бартараф этилган ҳолатлар, “102” тизимининг ишчанлик ҳолати бўйича умумлашган маълумотлар ҳамда маслаҳат-маълумот ва прогноз кўрсаткичлари;

☒ **конфиденциал ахборот** - “102” тизимида фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган, дастурий-техник чоралар билан ҳимояланиши талаб этиладиган, хизматга ва шахсга оид тезкор маълумотлар;

☒ **манфаатлар тўқнашуви** - “102” хизмати персоналининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифалари ва функцияларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатлар.

☒ **шахсий манфаатдорлик** - “102” хизмати персоналининг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар билан яқин ёки хизмат муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлиш.

### “102” хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-“102” хизматини ривожлантириш борасидаги истиқболли чора-тадбирлар, режалар, дастурлар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишда қатнашиш;

-“102” хизмати фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар (регламент, алгоритм, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар)ни ишлаб чиқишда қатнашиш;

-ИИОнинг таркибий тузилмалари, соҳавий хизматлари, шунингдек бошқа идора ва ташкилотларга “102” хизмати ваколати доирасига кирувчи саволлар ва масалалар бўйича тушунтириш (изох)лар бериш;

-ИИОнинг таркибий тузилмалари, соҳавий хизматлари, шунингдек бошқа идора ва ташкилотлардан “102” хизмати ваколати доирасига кирувчи керакли ҳужжатлар, материаллар, маълумотларни олиш;

-махаллий ҳокимият органлари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, ташкилот, корхона ва муассасалардан “102” хизмати фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни олиш;

-тасдиқланган иш режалари ва дастурлари асосида ўқув машғулотлари жадвалини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

-“102” хизмати ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув- амалий машғулотлар, тренинг ва анжуманлар ўтказиш;

-жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч кўнғироқларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва улар асосида тезкор ва малакали ёрдам кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш учун ИИО таркибий тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, куч ишлатар тузилмалар ёки фавқулодда авария-қутқарув ва шошилинч хизматларнинг юқори малакали мутахассислари, шу жумладан психологлар ва бошқа ходимларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

-худудий ИИО томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, маънавий-маърифий, ижтимоий-маданий ва бошқа ИИО фаолиятига тааллуқли соҳалардаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва долзарб муаммоларни ҳал этишга бағишланган йиғилишларда, мажлисларда ва бошқа тадбирларда белгиланган тартибда иштирок этиш;

-худудий ИИОнинг тегишли таркибий булинмалари билан ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида, самарали ва сифатли бажариш учун белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш.

-“102” хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **“102” хизмати:**

Низомда, шунингдек, жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, маъмурий регламент, алгоритм ҳамда шу соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларни ўз вақтида, сифатли ва самарали бажаришга;

жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнини сифатли ва самарали ташкил этишга;

Ички ишлар вазирлиги ҳамда худудий ИИО томонидан ўз ваколати доирасида берилган топшириқлар ва кўрсатмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

“102” хизматининг ходимлари ва мутахассисларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлашга;

жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнини ташкил этишда амалдаги давлат ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга мажбур.

“102” хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **3-ўқув савол. Ҳамкорлик, фаолиятни баҳолаш.**

“102” хизматида “102” қисқа рақами орқали амалга оширилган кўнғироқ ёхуд мобиль илова имкониятлари ёрдамида ҳодиса ҳақида юборилган хабар юзасидан тезкор ва шошилинч чоралар кўриш мақсадида мурожаат этган шахс (ёки) абонент қурилмасининг реал вақт режимида жойлашган жойи ҳақида маълумот олиш;

ягона навбатчи-диспетчерлик хизматидан жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар, шунингдек, шошилинч ва фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш;

хабар юзасидан тезкор ва шошилиш чоралар кўриш мақсадида кўриб чиқиш тааллуқлилиги бўйича “102” қисқа рақами орқали қабул қилинган кўнғироқни, шу жумладан матнли қисқа хабар(лар)ни шошилиш ва фавқулодда авария-қутқарув хизматларига йўналтириш (юбориш);



“102” қисқа рақами орқали қабул қилинган барча кирувчи ва чиқувчи кўнғироқ(лар)ни қайд этиш (автоматик тарзда рўйхатга олиш);

“102” қисқа рақами орқали хабар берган шахсга масофадан руҳий кўмак кўрсатиш; зарурат туғилганда, бир вақтнинг ўзида зиммасига юклатилган ягона вазифаларни бажариш тамойили асосида кўнғироқларни қайта ишлаш захира маркази томонидан “102” хизмати функциялари ижросини таъминлаш;

дастурий таъминотдаги камчиликларни аниқлаш, янги ҳисобот шакллари ва компьютер дастурининг интерфейсини тақдим этиш борасида “102” тизими аппарат-дастурий таъминоти самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда катнашиш;

тўсатдан алоқа узилиши ҳолатларида “102” қисқа рақамга кўнғироқ қилган шахснинг абонент қурилмаси билан алоқани автоматик равишда тиклаш чораларини кўриш (шу жумладан умумий фойдаланишдаги бошқа телефон алоқаси ёрдамида);

“102” тизимидан фойдаланишда техник кузатувни таъминлаш, шу жумладан ишлаб чиқарувчи-ташқилотлар ва техник мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш;

“102” тизимининг янги фойдаланувчиларини танлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

“102” хизмати фаолияти бўйича статистик ва таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва худудий ИИО раҳбариятига тақдим этиш;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан фуқаро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, шу жумладан адвокатларнинг сўровномаларига биноан “102” қисқа рақами орқали берилган хабар бўйича маълумот, шу жумладан аудиомалумот тақдим этиш.

“102” хизматида “102” қисқа рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилиш кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш “102” тизими негизида ташкил этилган асосий - Call-марказ ва кўнғироқларни қайта ишлаш захира маркази томонидан амалга оширилади.

### **“102” тизими қўидаги нимтизим, модул ва дастурий таъминотлардан иборат:**

**1) кирувчи ва чиқувчи кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминловчи Call-марказ (кўнғироқларни қайта ишлаш захира маркази) автоматлаштирилган дастурий нимтизими:**

- кирувчи кўнғироқларни қабул қилиш модули; кўнғироқларни тақсимлаш модули;
- кўнғироқларни бошқариш модули (ушлаб туриш (удержания), йўналтириш (переадресация) ва конференц алоқа);
- чиқувчи кўнғироқларни автоматик таъминловчи Call-back модули;
- “алоқа ва хабар бериш тизими” (система оповендения) модули;

- “бошқа хизматлар” модули;
- “қўнғироқлар тарихи” (аудиоёзув фонотекаси) модули “администратор” модули;

## 2) **Омниканал платформа:**

SMS хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модули;  
ижтимоий тармоқлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғи расмий сайтлари, мобиль иловалар ва бошқа манбаалардан юборилган маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модули;

автоматлаштирилган мониторинг тизимлари орқали келиб тушган маълумот ва сигналларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модули;

видеокўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш модули;

3) **Жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларни қайд этиш ва рўйхатга олиш платформаси (“Карточка платформаси”):**

“Уйғунлашган ҳодисалар карточкаси” модули;

“Хабарларни рўйхатга олиш ягона китоби” модули;

“Web-интегратор модули;

“электрон журналлар” модули “мониторинг” модули;

“ҳисоботлар” модули;

“маълумотлар” модули;

“администратор” модули;

“кириш ва чиқиш интерфейси” модули;

## 4) **геоахборот нимтизими;**

5) **“наряд” (“Куч ва воситаларни бошқариш” нимтизимига интеграция) модули;**

6) автоматлаштирилган иш жойлари;

7) Низомнинг 26-бандида назарда тутилган “102” тизими фойдаланувчиларини тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш учун ИИБ таълим муассасаларида ташкил этилган “102” тизимининг “Симуляция ва моделлаштириш” ўқув модули.

“102” тизими фойдаланувчилари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

➤ **биринчи поғона фойдаланувчилари** - Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ИИББ-ИИБ навбатчилик қисмлари (ситуацион марказлар) “102” хизмати, шунингдек соҳавий хизматларнинг навбатчилик хизматлари, Call-марказлари оператор (мутахассис)лар гуруҳи;

➤ **иккинчи поғона фойдаланувчилари** - шаҳар-туман ИИО ФМБ, ИИБ) ва ИИО соҳавий хизматларининг ҳудудий бўлинмалари, жазони ижро этиш муассасалари, махсус қабулхоналар, тергов ҳибсхоналари ва реабилитация марказларидаги навбатчилик хизматлари;

➤ **учинчи поғона фойдаланувчилари** - ҳудудий шаҳар-туман ИИБлари; **мониторинг гуруҳи** - ИИБ-ИИББ-ИИБ-соҳавий хизмат ҳамда прокуратура органларининг раҳбар ва масъул ходимлари;

➤ **администраторлар гуруҳи** - тармоқ, тизим ва бизнес-жараёнларни бошқарувчи мутахассислар.

“102” тизимидан фойдаланиш учун фойдаланувчилар ўрнатилган тартибда логин ва парол билан таъминланади. Логин ва пароллар “102” тизими администраторлари томонидан ишлаб чиқилади.

ИИО “102” тизими администраторлари: фойдаланувчиларни “102” тизимида рўйхатга олади; фойдаланувчиларга логин ва пароллар бириктиради;

фойдаланувчилар ўзгарганда ёки улар ишдан бўшатишганда логин ва паролларга тегишли ўзгартиришлар киритади;

фойдаланувчилар томонидан ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши, шу жумладан пароллар махфийлиги устидан назорат олиб боради.

Фойдаланувчиларга логин ва пароллар бириктириш тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ИИББ-ИИБ буйруқлари асосида амалга

оширилади. Фойдаланувчилар ўзгарганда, буйруқ нусхаси асосида ИИВ администраторлари томонидан “102” тизимига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

ИИВ таълим муассасаларида шартли фойдаланувчиларга логин ва пароллар бириктириш тегишли таълим муассасасининг раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган тақсимот жадвали асосида амалга оширилади.

Жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларни “102” хизматида “102” қисқа рақами ҳамда омниканал платформа орқали қабул қилиш, қайта ишлаш ва рўйхатга олиш тартиби Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

“102” хизматига ҳудудий ИИО бошлиғи томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган касб стандарти талабларига мувофиқ жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича “етақчи мутахассис - супервайзер” лавозимида камида уч йил иш стажига эга, махсус ўқув-амалий тайёргарликдан ўтган, тегишли намунадаги сертификатга эга ИИО ходими катта супервайзер - “102” хизмати бошлиғи бошчилик қилади.

**Катта супервайзер** турли узрли сабаблар (касаллиги сабабли вақтинча меҳнат лаёқатига эга бўлмаганда, меҳнат таътилида, шу жумладан ўқиш (таълим) таътилида, хизмат сафарида бўлганда ва бошқалар)га кўра, унинг хизмат вазифасини бажариш етакчи мутахассис - супервайзер ёки ҳудудий ИИО раҳбарининг буйруғи (фармойиши) асосида вақтинча мутахассис зиммасига юклатилади.

#### **Катта супервайзер - “102” хизмати бошлиғи:**

- “102” хизматига умумий раҳбарликни амалга оширади;
- навбатчилик сменасида мутахассислар гуруҳи томонидан автоматлаштирилган иш жойларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишни ташкил этади ва назорат қилади;
- навбатчиликни топшириш, қабул қилишда аппарат-дастурий ҳамда телекоммуникация воситаларининг тўлиқлиги ва ишчанлигини назорат қилади;
- мутахассислар гуруҳига йўриқномани тайёрлайди ва ўтказди; мутахассислар ўртасида тезкор вазифаларни тақсимлайди ва ишининг натижаларини сарҳисоб қилади;
- мутахассислар итпнинг жорий реал вақт режимида аудио мониторинг қилиб боради; мутахассисларни хабар берувчини сўроқлашда ҳолат бўйича сўроқлаш алгоритмига, шунингдек, хабар берувчига маълумот-маслаҳат ёрдами беришда белгиланган алгоритмга қатъий риоя этаётганлигини реал вақт режимида назорат қилади;
- мутахассисларнинг аппарат-дастурий воситалар ёрдамида қайд этган маълумотларининг тулиқлиги ва аниқлигини реал вақт режимида назорат қилади;
- мутахассисларнинг ахборот алмашиш келишув (регламент) асосида тааллуқлилиги бўйича ИИО, шошилинч ва фавқулодда-қутқарув хизматларини жиноят ва ҳодисалар ҳақида (шу жумладан аппарат-дастурий ёки коммуникация воситалари ёрдамида) хабардор қилишини реал вақт режимида назорат қилади;
- оператив (тезкор) вазият мураккаблашганда ёки фавқулодда вазиятда мутахассислар гуруҳи томонидан қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;
- ҳудудий ИИО навбатчилик қисми раҳбариятини, шунингдек, республика ИИВ марказий навбатчилик қисмини шов-шувга сабаб бўладиган, мудҳиш, оғир ва ўта оғир жиноят ва ҳодисалар ҳақида қўнғироқ бўлганлиги тўғрисида хабардор қилади;
- аппарат-дастурий таъминотда носозликлар юзага келганда коммуникация воситалари орқали жиноят ва ҳодисалар ҳақида хабарларни қабул қилиш ва жойларга узатишни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш орқали 102-хизматининг барқарор фаолиятини таъминлайди;
- масъул бўлим мутахассис ходими томонидан аппарат-дастурий таъминотда юзага келган носозликлар бартараф этилишини ташкиллаштиради ва бартараф этилганлигини текширади;
- аппарат-дастурий таъминотни такомиллаштириш, ахборот ресурслари (дастурий ва босма)ни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қўнғироқларни таснифлаш ва қайд этиш бўйича мутахассисларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

- ҳудудий ИИО навбатчилик қисми (ситуацион марказ) раҳбариятини давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларидан сўровномалар келганлиги тўғрисида хабардор қилади;
- маълумотларни захира қайд этиш воситалари ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш саволлари бўйича мутахассисларга маслаҳат ёрдамни кўрсатади;
- оператив вазиятга мувофиқ навбатчилик сменаси давомида мутахассислар гуруҳини дам олиш, овқатланиш ва ишлаш режимини ташкил этади;
- мутахассислар томонидан иш ва маиший жойда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик талаблари ва тартиб-интизомга риоя этишларини назорат қилади;
- мутахассисларнинг ахлоқ меъёрларига, касб одоби ва маданиятига риоя этишларини назорат қилади;
- аппарат-дастурий воситалар ёрдамида ҳудудий ИИО навбатчилик қисми, зарурат бўлганда мансублиги бўйича шошилиш ва фавқулодда-қутқарув хизматлари навбатчи-диспетчерлик хизматлари жиноят ва ҳодисалар ҳақида хабардор қилинганлиги тўғрисида мутахассисдан маълумот олади;
- махсус аппарат-дастурий воситалар ёрдамида ҳудудий ИИО навбатчилик қисми, зарурат бўлганда мансублиги бўйича шошилиш ва фавқулодда-қутқарув хизматлари навбатчи-диспетчерлик хизматларини (автоматлашган бошқарув дастурий модул бўлган ҳолларда) жиноят ва ҳодисалар юзасидан тезкор чора кўрилганлик фактини кузатади;
- ҳудудий ИИО навбатчилик қисми раҳбарияти (смена бошлиғи)ни жиноят ва ҳодисалар юзасидан жойлардаги ИИО ёки мансублиги бўйича шошилиш ва фавқулодда-қутқарув хизматлари тезкор чора кўришни кечиктирганлиги тўғрисида хабардор қилади;
- ҳудудий ИИО навбатчилик қисми раҳбарияти (смена бошлиғи)ни жойлардаги ИИО ёки шошилиш ва фавқулодда-қутқарув хизматлари билан алоқа йўқлиги тўғрисида хабардор қилади;
- жиноят ва ҳодисалар юзасидан муносабат билдириш жараёни мониторинги натижалари бўйича ҳисоботларни шакллантиради;
- автоматлаштирилган иш жойлари ўтказувчанлигининг жорий (тезкор) кўрсаткичлари асосида мутахассислар гуруҳи (навбатчилик смена)ни бошқариш бўйича тактик қарорлар қабул қилади;
- аппарат-дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда мутахассислар гуруҳи томонидан қабул қилинган ва қайта ишланган қўнғироқлар тури, тавсифи, таркиби ҳақида жорий ҳисоботларни реал вақт режимда тузади;
- жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг жорий (тезкор) кўрсаткичларига асосан қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашни янги алгоритмлари ишлаб чиқилиши ёки қисқа муддатга ўзгартирилиши бўйича тактик қарорлар қабул қилади;
- “102” хизматининг ўтказувчанлигининг жорий (тезкор) кўрсаткичлари, ўтказувчанликнинг пасайиши сабаблари, таъсир қилаётган ҳолатларни таҳлил қилиш орқали “102” хизматини барқарор инзлашини таъминлаш мақсадида қабул қилинган тезкор қарорлардан ИИО навбатчилик қисми ва ҳудудий ИИО раҳбариятини хабардор қилади;
- аппарат-дастурий таъминот ёрдамида автоматлаштирилган иш жойлари (зарурат туғилганда айнан битта жой)да қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш давомийлигини қайд этади, назорат қилади;
- мутахассислар гуруҳи (зарурат туғилганда битта мутахассис)нинг иш фаолияти кўрсаткичларига оид ҳисоботларни шакллантиради;
- ИИО Ташкилий департаменти, ҳудудий бошқармалари ва махсус хизматлари, шунингдек ҳуқуқ-тартибот органларининг сўровномалари асосида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда мутахассисларнинг иш фаолияти (сўроқлашдаги аудиоёзув) бўйича маълумотларни шакллантиради;
- йўл қўйилган камчилик ёки бошқа иш фаолиятига тааллуқли ҳолатлар бўйича хизмат текшируви ўтказилган мутахассисга нисбатан унинг ҳаракатларини бошқариш бўйича зарур чораларни кўради;
- манфаатлар тўқнасувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўради;
- коррупциянинг ҳар қандай кўринишининг олдини олиш чораларини кўради;



➤ 102-хизмати ва мутахассислар гуруҳининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аппарат-дастурий таъминот ёрдамида ҳисоботларни шакллантиради.

- “102” хизмати зиммасидаги вазифа ва функциялар бош мутахассис (катта супервайзер), шунингдек алоҳида ҳолларда етакчи мутахассис - супервайзер бошчилигидаги навбатчи смена томонидан бажарилади ва унинг навбатчилиги қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- Call-марказда хизмат ўташ режими ва тезкор вазиятнинг ўзгаришига мувофиқ навбатчи сменанинг таркиби ва сони белгиланиб, иш соатлари ҳафтасига **40 соатдан ошмайдиган, давомийлиги 24 соатлик ёки 12 соатлик навбатчилик ташкил этилади;**

- навбатчи смена ўрнатилган тартибда тасдиқланган кун тартиби, навбатчилик жадвали асосида фаолият кўрсатади;

- навбатчи сменанинг таркиби, сони, хизмат ўташ режими, овқатланиш ва дам олиш вақти катта супервайзер (“102” хизмати бошлиғи) томонидан белгиланади, ўрнатилган тартибда Ташкилий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

- навбатчи сменага мажбурий тартибда катта супервайзер (“102” хизмати бошлиғи) томонидан хизмат олди йўриқнома ўтказилади;

- навбатчи сменага тушаётган “102” хизмати персоналидан ҳудуддаги тезкор ва криминоген вазиятни, бедарак йўқолган ва қидирувдаги шахслар, олиб қочилган (ушланмаган) транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотларни, қўнғироқларни ўз вақтида қабул қилиш ва қайта ишлашни, тааллуқчилиги бўйича тегишли хизматларга юбориш, хабардор қилишни, шунингдек касб стандарти асосида хизмат мажбуриятлари ва зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни мукамал билиши талаб этилади.

- Иш сменаси давомида юзага келиши мумкин бўлган чарчок, стресс ҳолатларини яхшилаш мақсадида яқка тартибда аутоген ва жисмоний машқлар комплексини амалга ошириш, қисқа дам олиш учун навбатчи смена операторларига тартибга солинадиган танаффус вақтлари берилади.

- 102” хизматининг мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг “102” қисқа телефон рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларини, шу жумладан омниканал платформа ёрдамида қисқа матнли хабарларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва улар асосида тезкор ва малакали ёрдам кўрсатишдан иборат.

#### **“102” хизматининг асосий вазифалари:**

“102” қисқа телефон рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларни, шу жумладан омниканал платформа ёрдамида қисқа матнли хабарларини қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлаш;

жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар юзасидан келиб тушаётган маълумотларни таҳлил қилиш;

“102” хизмати фаолияти самарадорлигини халқаро стандартларга мувофиқ таҳлил этиш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини мувофиқлаштириш;

хорижий фуқаролар, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашдаги коммуникатив муаммоларни бартараф этиш;

бир нечта шошилинч фавқулодда хизматларнинг иштироки талаб этиладиган жиноят ва ҳодисалар, шунингдек, фавқулодда вазият ҳақидаги шошилинч қўнғироқларини қабул қилиш ва уларга тезкор, кечиктириб бўлмас чораларни кўришда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

“112” тизими билан ўзаро ахборот ҳамкорлигини таъминлаш;

“102” тизими аппарат-дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан янги ечим (лойиҳа)ларни татбиқ этиш;

“102” хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш учун ҳодисалар юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, бошқа маълумотлар базаси билан интеграция жараёнларини ташкил этиш ва таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахслардан қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, шу жумладан геоахборот нимтизимларини, ахборот-коммуникация инфратузилмасини

такомиллаштириш, модернизация қилиш ҳамда кечиктириб бўлмас шошилиш ва тезкор чора кўриш бўйича комплекс ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### Мустақил иш учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 09 май кундаги “Ички ишлар органларининг “102” хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғининг мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ, МГ, ФВВ, ССВ, ДХХ, ПДХХ, АТваКРВ, ЭТРМ, ХТАЖнинг 2022 йил 17 августдаги “Жисмоний шахсларнинг “102” қисқа телефон рақами орқали жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар бўйича қўнғироқларни қабул қилиш, қайта ишлаш, уларга тезкор психологик ёрдам ва маслаҳат-маълумот беришнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қўшма қарори мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш.

### 4.3-Мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ “102” ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

#### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти «*Сухбат*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва тингловчилар ўртасидаги диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчининг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### Методни қўллашда қўйидаги тартибда иш кўрилади:

1. Ўқитувчи тингловчиларни метод моҳияти билан таништиради
2. Ўқитувчи мавзу юзасидан тингловчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади
3. Тингловчилар саволлар билан таништирилади
4. Тингловчилар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади  
(агар тингловчиларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади;  
жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи тингловчига айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради)
5. Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, сухбат жараёнига яқун ясалади
6. Ўқитувчи тингловчиларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга яқун ясайди

#### Саволлар:

1. 102 тизими администратори ва фойдаланувчилари тушунчаси, уларни фарқли жиҳатлари, рўйхатдан ўтиш тартиби.
2. 102 тизимида хабарларни қабул қилиш тартиби. (*қундалик, фавқулодда ва ностандарт вазиятларда*)
3. Хабарларни рўйхатга олиш ягона китобини юритиш тартиби.
4. 102 тизи ва “E-material” дастурий модулида ўзаро маълумот алмашиш тартиби.

#### Назорат учун топшириқ:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ИИВнинг 01.02.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига келиб тушаётган жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув яқунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 15-ҚҚ-4 сонли Қўшма қарорини ўқиб конспеклаштириш.

## 5. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ

### 5.1 -Мавзу: ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ, УНГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

#### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Режа:

**1-ўқув савол.** Терроризм ва экстремизм тушунчаси ва моҳияти.

**2-ўқув савол.** Терроризм ва экстремизмга қарши курашда ички ишлар органларининг вазибалари.

**3-ўқув савол.** Терроризм ва экстремизмга қарши курашни ташкиллаштириш.

**1-ўқув савол.** Терроризм ва экстремизм тушунчаси ва моҳияти.

Ўзбекистон азалдан турли миллатга мансуб, турли динларга эътикод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаб келган ўлка. Аждодларимиз доимо бошқа дин вакилларига ҳурмат билан муносабатда, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилиб келганлар.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 94% дан зиёди ислом динига эътикод қилади. 3,5% га яқини эса православ динига мансуб бўлиб, қолганларини бошқа конфессия вакиллари ташкил этади. Ушбу диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият олиб бораётгани юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенгликнинг амалий ифодасидир.

Маълумки, бугун мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги қатор мамлакатлар чуқур сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик ва қуролли тўқнашувларни бошидан кечирмоқда. Мазкур ҳудудларда дин ниқоби остида очикдан-очик зўравонлик, бузғунчилик, инсонийликка зид, ваҳшийликларга асосланган амалларга қўл ураётган турли гуруҳ ва жамоалар урчиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожатномасида шундай фикрларни такидлаб ўтди.

*«Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм гояларига берилганлар бўлиши мумкинми?»*

*Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузгунчи ёт гоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз».*

Жуда кўп минг йиллар давомида давомида террористик усулларни қўллаш ҳар хил давлатлар, диний уюшмалар, сиёсий ташкилотлар ва криминал гуруҳлар томонидан амалга оширилиб келинган. Энг биринчиларини Рим империяси даврида иудейларни империяга қарши қуролли ва диний характерга эга шиорлар билан чиқишини айтишимиз мумкин.

Ўрта асрларда католик Европада яҳудийларни ва иудейзмни эътикод қилувчи халқларни Испаниядан хайдалишини айтишимиз мумкин.

XIII асрларга келиб тарихий ўринларга Ваҳобийлик кўтарилиб чиқади. Мухаммад ибн Абу-аль-Ваҳхаб исломни илк даврига анъана ва тамойилларга қайтиш керак деб кураш олиб боради. Соф исломни бешта аҳкомларига олтинчи қилиб жиходни қўшади.

«Экстремизм» термини тушунчасида яна шуни тушуниш мумкинки, маълум бир ижтимоий гуруҳларга чидаб бўлмаслик (ксенофобия); уларни устидан ҳукмронликни



ўрнатиши (расизм); уларни тўлик йўқ қилишга эришиш учун ҳаракат қилиш (геноцид). Экстремизмни охириги шакли бўлиб терроризм ҳисобланади.

**«Экстремизм»** лотин тилидан олинган булиб, «кескин фикр ва чораларни ёклаш, кескин чораларга тарафдорлик» маъносини англатади. Экстремизм остида муайян жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган ғояларни тарғиб ва амал қилиш тушунилади.

**Диний экстремизм** – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомлар тизимини инкор этиб, уларга зид бўлган «ғоялар» ва амалларни агрессив тарзда тарғиб қилишдир.

Масалан, Марказий Осиёда диний экстремистлар мазкур минтақа халқлари учун анъанавий бўлган ханафийлик мазҳаби ва мотуридия ақидаларини рад этиб, мусулмонларга сиёсийлаштирилган

ваҳхобий-салафийлик оқими ғояларини сингдиришга уринмоқда.

Терроризм ва экстремизм жиноятлари статистик маълумотларга асосан терроризм ва экстремизм билан боғлиқ содир этилган жиноятлар салмоғи 2021 йилда 925 тани, 2022 йилда эса 1427 тани (фарқи 502 та) ташкил қилмоқда. Ушбу турдаги жиноятлардан очилмай қолаётганлари сони 2021 йилда 125 тани, 2022 йилда эса 174 тани ташкил этган.

Экстремизмнинг сиёсат билан боғлиқ жиҳатлари шундаки, норасмий экстремистик ташкилот раҳбарлари сиёсий масалалар юзасидан «кескин, қатъий чоралар кўриш йўли билан», яъни куч ишлатиш, зўрлик билан давлатлардаги расмий ҳокимиятни ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қуйганлиги.

Уларни норасмий дейилишига сабаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Сиёсий партиялар» (26.12.1996й. № 337-И), «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари» (14.04.1999 й. № 763-И) ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (05.07.2021й. № 699-сон) қонун талабларига кўра Адлия вазирлигидан рўйхадан ўтмаган.



### **Экстремизмни келтириб чиқарувчи асосий омиллар:**

- ижтимоий-иқтисодий сабабларига кўра жамиятда жуда бой ва ўта камбағал қатламлар ўртасидаги тафовутнинг ўсиб кетиши;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол равишда бузилиши;
- муҳолифат курашларининг бешафқат бостирилиши;
- алоҳида ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг ўз мақсадларига тез ва мажбурловчи чоралар билан эришишга интилиши;
- мафкуравий қўпоровчилик таъсири остида жамоатчиликнинг қадрият даражасининг пасайиши.

Террор (лотин тилидан - қўрқув, даҳшат) қўрқув ҳукмронлиги маъносини англатади.

**Террор** - бу давлат ҳокимиятининг маълум ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида унинг мажбурлов аппарати ёрдамида оппозицияга нисбатан ўтказиладиган қатағонлик сиёсати тушунилади.

**Терроризм** – қўрқитиш ва зўравонлик ишлатишни англутувчи ижтимоий феномендир. Сиёсий терроризм муайян ижтимоий гуруҳ манфаатлари йўлида зўравонлик (суиқасд, портлатиш, гаровга олиш, беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима, қўрқув уйғотиш ва ҳ.к.) ишлатиш билан боғлиқ.

**Сепаратизм** - лотинча «сепаратус» сўзидан олинган булиб, алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлишга интилиш демакдир. Бу ҳам ҳокимиятни ноқонституциявий йуллар билан қулга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашиларини билдиради.

**Фундаментализм** - бу атама аслида христиан дини билан богликдир. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йил АҚШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан ишлатилган.

Ислом фундаментализми соф ислом асосига қайтиш, исломни асл холида қулаш зарур ва факат шу йул билан ислом динини бидъатдан «тозалаш»га эришиш мумкин деган нотўғри қарашларни тарғиб қилади.



**Ақидапарастлик** (ақида - арабчада ишонч) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлоқлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади.

У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.



**2-ўқув савол. Терроризм ва экстремизмга қарши курашда ички ишлар органларининг вазифалари.**

Ўзбекистон Республикасининг **“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига** кўра терроризмга қарши курашнинг асосий **принциплари** этиб қуйидагилар белгилаб берилган:

- қонунийлик;
- шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;
- жазонинг муқаррарлиги;
- терроризмга қарши кураш ошқора ва ноошқора усулларининг уйғунлиги;
- жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик.

Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

**Қуйидагилар тақиқланади:**

✓ терроризмни тарғиб қилиш; террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши; террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан, чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;

✓ террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши; тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш.

**✓ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари:**

✓ террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

✓ алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;



✓ давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади;

✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

✓ Умумий профилактик тадбир-чоралар содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларни сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш. Ушбу чоралар комплекс равишда бир-бири билан боғлиқ ҳолда биринчи навбатда оилада иш хонада ва ўқув юртларида амалга оширилиши шарт.

✓ Якка тартибдаги профилактик тадбир-чораларни амалга оширишда ушбу жиноятларни амалга ошириши мумкин бўлган турли гуруҳларни ва уларни фаол аъзоларини аниқлаш.

✓ ИИОлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда профилактика ишларини олиб боришда тезкор ва тергов органлари бўлиб ҳисобланади. Терроризм ва экстремизмга қарши курашда ИИО ларининг ППХ, профилактика инспекторлари ва жиноят қидирув ходимлари шуғулланишадилар.



### Мустақил таълим учун топширик:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699 сонли Қонунини мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунни конспектлаштириш ва шзлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ПҚ-4761-сон Қарорини тўлиқ ўқиб чиқиш.

## 5.1- Мавзу: **ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ.**

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Баҳс-мунозара

**“Баҳс-мунозара” методи** - мавзу бўйича тингловчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини тингловчиларнинг бирига топшириши ёки ўқитувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир тингловчи мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда тингловчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак: барча тингловчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

- “ўнг қўл” коидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг тақрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.



### “Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи мунозара мавзусига доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Ўқитувчи тинловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Ўқитувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун тинловчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда ўқитувчи тинловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Ўқитувчи тинловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



### Баҳс-мунозаранинг саволлари:

1. 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг мақсад ва вазифалари
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиянинг устувор йўналишлари сифатида нималар белгиланди?
3. Ҳозирги вақтда халқаро ва Марказий Осиёдаги хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий омиллар?
4. Стратегиянинг мақсади ва вазифалари?
5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг қандай тамойиллари ва асосий йўналишлари шакллантирилди?
6. Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш мақсадида қандай ишлар амалга оширилди?
7. Ёшлар муҳитида экстремистик ва террористик ҳолатларининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг асосий сабаблари нималардан иборат?
8. Вояга етмаганлар ўртасида экстремистик ва террорчилик ғоялари тарқалишининг олдини олиш учун таълим ва ёшлар сиёсати соҳасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?
9. Ўзбекистонда хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қандай комплекс чоралар амалга оширилмоқда?
10. Экстремистик ва террорчилик мақсадларида интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишга қарши қандай курашиш олиб борилмоқда?
11. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида экстремизм ва терроризмга қарши курашишда қандай нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бормоқда?
12. Ўзбекистон минтақадаги ва халқаро ҳамкорлар билан Афғонистонда тинчлик ва оқсоқликни ўрнатиш бўйича қандай ҳамкорликни давом эттирмоқда?

### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699 сонли Қонунини мазмун моҳиятини ўқиб ўрганиш.
2. Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТнинг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасини ўқиб чиқиш.

## 5.2. Мавзу: **ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТАРИХИ, ЙЎНАЛИШЛАРИ, МАЗҲАБ ВА МАКТАБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАХСУС БИЛИМЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АҲАМИЯТИ.**

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

#### **Режа:**

**1-ўқув савол:** Ислом ва мусулмон жамоасининг вужудга келиши.

**2-ўқув савол:** Халифаликда сиёсий-ҳуқуқий қарама-қаршиликлар ва ислом ҳуқуқида диний ҳуқуқий мазҳабларнинг вужудга келиши.

*Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.*

*Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.*


*Ш.М.Мирзиёев*

**1-ўқув савол.** Ислом ва мусулмон жамоасининг вужудга келиши.

Буддавийлик ва христианлик динларидан кейин юзага келган жаҳон динларининг учинчиси ислом динидир. Шу муносабат билан мазкур диннинг шаклланиши сабаблари ва шарт-шароитлари, унда Муҳаммад (сав) пайғамбарнинг тутган ўрни, ислом таълимоти, ақида ва маросимлари, Қуръони каримнинг мазмуни ва тузилиши, суннат ва ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ҳамда илмий аҳамияти тўғрисида мухтасар маълумотга эга бўлиш Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятларида муайян амалий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид қўшимча маълумотларни Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, фалсафа, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, давлат ҳуқуқи тарихи ва назарияси каби қатор фанларда у ёки бу даражада учратиш мумкин. Бирок, ўрганилаётган масаланинг тўлиқ таҳлили билан батафсил шуғулланиш диншунослик фанининг вазифаси ҳисобланади.

Ислом дини келиб чиқиши жихатидан жаҳон динлари ичида учинчи ўринда туради. Ислом дини Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Жануби-шарқий Осиё, Кавказ халқларининг тарихида бениҳоя муҳим ўрин тутади ва ҳозирги кунда ҳам бу халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига катта таъсир ўтказиб келмоқда. **Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони, Ливия, Тунис, Судан** ва бошқа мамлакатларда ислом расмий давлат дини мавқеига эга. МДХ давлатлари ҳудудида Марказий Осиё, Шимолий Кавказ, Озарбайжон, Татаристон ва Бошқирдистон халқлари ўзларининг ислом динида эканликларини эътироф этишади. Ҳозирги кунда турли қитъаларда яшовчи бир миллиарддан зиёд киши ўзининг ирқий, миллий, синфий ва табақавий фарқларидан қатъи назар, ислом диннинг нормалари ва қадриятлари атрофида бирлашган ҳамда жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Ислом **милодий VII асрнинг бошларида** Арабистон ярим оролида келиб чиққан. Ярим орол аҳолисининг асосий қисмини араблар ташкил этган. Ислом вужудга келиши арафасида араблар асосан чорвачилик билан шуғулланар эди. Арабистоннинг қулай географик ўрни (ҳудудидан Ғарб ва Шарқ давлатларини боғловчи карвон йўллари ўтган ва учта қитъани туташтириб туради) сабабли, савдо-сотик ва хунармандчилик қадимдан ривожланган. Иқтисодий ривожланиши ҳудуди жуда катта яриморолда турлича бўлган. Унинг бепоён





чўлларида яшаган кўчманчи араблар чорвачилик билан шуғулланган. Яриморолнинг шимолий қисмида Византия ва Месопотамия каби қадимий маданий марказларнинг таъсири кучли эди. Карвон йўли ўтган Жануби-Ғарбий қисми (Ҳижоз)да қадимдан савдо-сотик, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва қисман хунармандчилик ривожланган.

**Милодий I асрда Арабистоннинг жануби-ғарбий қисмида** шаҳар-давлатлар вужудга келган.

**IV–VI асрларда** бу ерда **Макка, Ясриб, Тоиф** ва бошқа йирик шаҳарлар мавжуд эди. Шаҳарларда истиқомат қилувчи араб зодагонларининг даромадини карвон йўлларида келаётган бож солиқлари ва савдо-сотик тушумлари ташкил этган. Минтақадаги иқтисодий жонланиш натижасида кўчманчи чорвадор қабилаларда уруғ-қабилавий муносабатларнинг емирилиши ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни кучайган.

Арабистоннинг қулай географик ўрни, карвон йўллари бўйлаб бой шаҳар-давлатларнинг мавжудлиги кудратли қўшни давлатларнинг минтақага қизиқишини кучайтирган. **VI асрнинг бошларида** Арабистоннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Эфиопия (Ҳабашистон) давлати яриморолнинг карвон йўллари ўтган қисми (Ҳижоз)ни босиб олди. Лекин Ҳабашистон бой ўлкада мустақкам ўрнаша олмади. **VI асрнинг иккинчи ярмида** Эрон Сосонийлари давлати Эфиопияни Арабистондан суриб чиқарди. Арабистон сосонийлар давлати таркибига киритилди.


Сосонийлар ҳукмронлиги минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни кескинлаштирди. Бунга сабаб Сосонийларнинг Буюк ипак йўлининг аҳамиятини янада ошириш мақсадида, Арабистондан ўтган жанубий карвон йўлини издан чиқариши бўлди. Оқибатда жанубий карвон йўли вайрон қилинди. Карвон йўлидан келаётган даромад кескин камайди. Ташқи савдо айланмаси қисқарди. Арабистон хўжалиги инкирозга учради.

Арабистондаги иқтисодий инкироз натижасида аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетди. Қабилавий низолар кучайди. Иқтисодий инкироз маънавий тушкунликни юзага келтирди. Одамлар орасида халоскор махдийнинг келиши тўғрисидаги ривоят тарқалди.

Бу давр кўчманчи араб қабилаларининг (бадавийлар) уруғ-қабилачиликдан синфий тузумга ўтиш даврига тўғри келганлиги сабабли, вазият янада мураккаблашди. Анъанавий турмуш тарзи ва нормаларининг бузила бошлади. Ижтимоий зиддиятлар кучайди. Араб қабилаларининг оғир тангликдан чиқиш учун марказлашган мустақил давлатга бирлашишга интилиши кучайди. Бунинг учун тарқоқ араб қабилаларни бирлаштирувчи мафкура зарур эди. Ислом дини тарқоқ қабилаларни бирлаштирувчи мафкура сифатида тарих саҳнасига чиқди.

Исломгача Арабистонда турли хил динлар мавжуд эди. Семит қабилалари анъаналарига кўра, **Кўёшга, Ойга**, табиатнинг бежилов кучларига, турли худолар ва рухларга сиғинганлар. Ҳар бир қабиланинг ўз худолари, муқаддас деб ҳисобланувчи тотем ёки фетишлари мавжуд эди<sup>6</sup>. Улар гоҳида бир-бирига қарама-қарши эди. Қабиланинг диний тасаввурлари фақат мазкур қабила аъзоларини бирлигини таъминлар, умумараб дини йўқ эди.

Ибтидоий дин шакллари ва кўп худолилик билан бирга, якка худолиликка асосланган дин турлари ҳам ёйилган. Араблар қадимдан якка худолиликка эътиқод қилган яҳудийлар билан ёнма-ён яшаганлар. Эфиопия Арабистоннинг бир қисмини босиб олганидан куйин христианлик кенг ёйила бошлади (христианлик исломгача Эфиопияда давлат дини сифатида қабул қилинган). Сосонийлар давлати Арабистонда зардуштийликнинг кенг



<sup>6</sup> Исломгача Каъбада 360 та бут (санам) сақланган.

ёйилишига шарт-шароит яратди. Окибатда араблар орасида ибтидоий дин шакллари билан бирга, якка худоликка сиғинувчиларнинг ҳам сони ортиб борди.




**VI асрда** Жанубий Арабистонда **ханифлар** (арабча – чинакам эътиқод қилувчилар, тақводорлар деган маънони англатади) якка худоликка даъват этувчилар ҳаракати кенг ёйилди. Уларни «ханифлар» деб аталганлигининг сабаби ҳозирда аниқ эмас. Айрим манбаларда ҳаракат иштирокчиларининг кўпчилиги «бану ханифа» уруғидан чиққанлиги сабабли шундай ном берилганлиги қайд этилади. Улар санамларга, фетишларга ва турли худоларга сиғинишни қоралаб, ягона худога сиғинишга даъват қилганлар. Айрим ханифлар ўз худоларини «Аллох» (арабча аль-Илох – ёки семит тилида – «ал»

ёки «эл» сўздан олинган, «худо», «Аллох» деган маъноларни англатади) деб айтганлар.

### **Муҳаммад (С.А.В) – ислом динининг пайғамбари.**

Муҳаммад ибн Абдуллох 570 йилда Макка шаҳрида туғилган. Муҳаммад (сав) туғилиши арафасида отаси вафот этади. У 6 ёшлигида онаси Омина ҳам вафот этган. Ота-онасидан эрта жудо бўлган Муҳаммад (сав)ни дастлаб бобоси Абулмутоллиб тарбиялади. Бобоси вафот этганидан кейин амакиси Абу Толибнинг қўлида тарбияланди. Муҳаммад (сав) ёшлик чоғиданоқ амакисининг савдо ишларида ёрдам берган. У меҳнаткашлиги, одамларнинг эътиборини қозона олиши, уларнинг кўнглига йўл топа олиши ва ишончлилиги билан ном қозонган. Унга «Амин» (ишончли) деган тахаллус берилган.



Абу Толиб Муҳаммад (сав) пайғамбаримизни бадавлат бева хотин Хадичага иш бошқарувчиликка хизматга беради. Кўп вақт ўтмасдан у Хадичага уйланади. Эр-хотиннинг ёшида фарқ (Муҳаммад (С.А.В) хотинидан 15 ёш кичик бўлган) бўлса-да, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатга асосланган мустаҳкам оила қурилди.

Бироқ Муҳаммад (С.А.В)нинг хотинларидан бири Ойшанинг маълумотига кўра уларнинг ёшларидаги фарқ катта бўлмаган. Муҳаммад (С.А.В) уйланган вақтларида 25 ёш, Хадича (р.а) эса 40 ёшда бўлганлар. Агар улар олти фарзанд кўрганликлари ҳисобга олинса, Ойшанинг маълумоти ҳақиқатга яқин бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Муҳаммад (С.А.В) уйланганидан кейин савдо ишларини давом эттиришга ҳаракат қилсада, яшашдан асосий мақсади Аллохга хизмат қилишдан иборат, деб ҳисоблади. Мулккий таъминланганлик унга диний ишлар билан мунтазам шуғулланиш имконини беради.

**610 йилда** Муҳаммад (С.А.В) худодан ваҳий келаётганлигини айтиб, арабларни ягона худо – Аллохга ибодат қилишга даъват этди ва одамларни Аллох иродасига бўйсуниларига чақирди («ислом» сўзи арабча «итоат этиш», «бўйсунилар» деган маъноларни англатади).

Ягона Аллох тўғрисидаги ғоя, унга имон келтирганларни биродарлигини англатади. Муҳаммад (С.А.В)нинг даъватини қабул қилганлар ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига муҳаббат, эзгулик ва адолат қоидалари асосида бирлашишни ҳақиқий эътиқод асослари деб ҳисобладилар. Аллохга имон келтиришга даъват этишни бошлаган дастлабки даврларда Муҳаммад (С.А.В) янги дин яратишни даъво қилмаган.

Муҳаммад (сав)нинг даъваткорлик фаолияти дастлаб катта қийинчиликларга дуч келди. Ҳатто энг яқин қариндошлари ҳам дастлаб уни ғоясини қабул қилмадилар. Макка зодагонлари Муҳаммаднинг даъватларидаги ижтимоий адолат, дин аҳлининг биродарлиги, бойларнинг камбағаллар фойдасига хайрия қилишлари, судхўрликнинг қораланиши, ахлоқ нормаларига амал қилиш каби ғояларини қабул қилмади. Бундан ташқари, шаҳарда шу давргача нуфузи баланд бўлмаган ҳошимийлар уруғи вакилини пайғамбар сифатида ҳукмрон уммавий зодагонлари қабул қилолмас эди.

Муҳаммад (С.А.В)нинг даъватчилик фаолияти билан шуғулланишига қарши турли тўсиқлар вужудга келтирилди. 620 йилда Хадича ва ундан кейин амакиси Абу Толиб вафот этди. Яқин кишиларининг мададидан маҳрум бўлган Муҳаммаднинг ҳаёти хавф остида қолди. У шаҳардан чиқиб кетишга қарор қилади. **622 йилда** (тахминан 22 ёки 24 сентябрь) **Муҳаммад (С.А.В)** тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, **Ясрибга кўчди**. Унинг Ясрибга кўчган вақти халифа Умар даврида ислом ҳижрий тақвимининг ҳисобига асос сифатида қабул қилинган.

Макка шаҳрига муҳолиф ясрибликлар Муҳаммад (С.А.В) ни қабул қилганлар (Муҳаммаднинг онаси Омина ясриблик эди). Муҳаммад (С.А.В)ни даъватини қабул қилган ясрибликлар ансорлар, Маккадан кўчиб келганлар муҳожиралик деб юритилган. Ясрибда муҳожиралик ва ансорлар мусулмонлар («арабча» муслим – бўйин эгувчи, ўзини Аллоҳга топширган) жамоаси – **уммага** (маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси) бирлашган. Мусулмонлар Муҳаммад (С.А.В)ни пайғамбар, диний ва дунёвий ҳокимият раҳбари сифатида тан олдилар. Муҳаммад (С.А.В)нинг шарафига Ясрибга кейинчалик ал-Мадина (арабча «мадинаи нобий») – пайғамбар шаҳри) деган ном берилди.

Мадина шаҳрида Муҳаммад (С.А.В) раҳбарлигида биринчи масжид қурилади ҳамда исломнинг диний ва сиёсий мавқеини акс эттирувчи биринчи низом ёзилади. Бу низомга биноан, исломга эътиқод қилувчи барча кишилар бир халқ деб эълон қилиниб, ўзаро нифок, қасос олиш бекор қилинади. Мусулмонлар қўлда қурол билан бир-бирларини ҳимоя қилишлари лозимлиги уқтирилади. Барча мунозарали масалалар бўйича ҳукм чиқариш Муҳаммад (С.А.В) зиммасида бўлади. Ислом динини қабул қилмаган маҳаллий араблар, насронийлар ва яҳудийлар билан алоҳида шартнома тузилади.

Шундай қилиб, биринчи теократик (грекча teos – худо ва kratos – ҳокимият деган маънони англатади) давлат вужудга келади. Бу давлатни Муҳаммад (С.А.В) ҳамда унинг икки ёрдамчиси – Абу Бакр (р.а) ва Умар (р.а) бошқарадилар. Улар ўз қўлларига нафақат сиёсий ва ҳарбий ҳокимиятни, балки диний ишларни, кишиларнинг тарбияси, янги динни тарқатиш билан боғлиқ вазифаларни ҳам оладилар. Пайғамбар (С.А.В)нинг ҳаёти ва айтган сўзлари секин-аста қонун мавқеига эга бўлиб боради.

Тез орада ислом динининг таъсири Жанубий ва Ғарбий Арабистонинг деярли барча қабилаларини қамраб олади. Муҳаммад (С.А.В) пайғамбар тарафдорлари ислом динига эътиқодни гоҳ тарғибот йўли билан қарор топтирадилар. Йирик савдо-сотик маркази Макка шаҳри аҳолиси ислом динига ҳаммадан кўп қаршилиқ кўрсатади. Маккаликлар катта қўшин билан мусулмонларга қарши чиқди. **624 йилда** Бадр водийси ёнидаги жангда Муҳаммад (С.А.В) раҳбарлигидаги қўшин Макка қўшинларини тор-мор қилди. **625 йилда** Маккаликлар қўшини Ухуд тоғи яқинида мусулмон қисимларига катта талофот етказди. Лекин Маккаликлар Ясрибдан чекинадилар. **628 йилда** Муҳаммад (С.А.В) катта қўшин билан Мака шаҳрига яқин келади. Мусулмонлар қўшинлари Мака шаҳри яқинидаги ал-Худоайбия қишлоғига келиб тўхтади. Шаҳарликлар билан олиб борилган музокаралар тинчлик шартномаси тузилиши билан якунланади. Ниҳоят, Муҳаммад (С.А.В) **630 йилда** Макка шаҳрини қўлга олади, яқиндагина унга қарши бўлган қурайш зодагонлари унинг иттифоқчисига айланадилар. Муҳаммад (С.А.В) гарчи ўз она шаҳрида муваффақият қозонган бўлса-да, Мадина шаҳрига қайтишни маъқул кўради. Ўлимидан бир неча ой аввал, у Маккага ҳаж қилади. Шу даврдан эътиборан, Макка шаҳри ислом динининг муқаддас пойтахти деб эълон қилинади.

**632 йилда** Муҳаммад (С.А.В) вафот этади. У ўзи бошлаган ишни давом эттириш учун минглаб маслакдошлар қолдирди. Муҳаммад (сав) ўлимидан сўнг айрим кўчманчи қабилалар ислом тартибларига қарши кўзғолонлар кўтарадилар. Бироқ бу кўзғолонлар муваффақият қозонмайди. Муҳаммад (сав) тарафдорлари уларни бостирадилар. Муҳаммад (сав) вафотидан кейин давлат бошлиғи дастлаб умма томонидан сайланган. Умма сайлаган тўрт халифа (хулафо ар-рошидин) Абу Бакр (РА) (632–634), Умар (РА) (634–644), Усмон (РА) (644–656), Али (РА) (656–661) даврида ислом қўшни давлатларга ёйилган. Қисқа вақт ичида VII–VIII асрларда улар Ўрта ва Яқин Шарқни, Марказий Осиёнинг асосий қисмини, Шимолий Ҳиндистонни босиб олдилар ва Хитой чегарасигача етдилар. Шимолий Африкада улар Ливия, Тунис, Марокашни ишғол этдилар ва Гибралтар бўғози орқали ўтиб, Пиренея яриморалини эгалладилар. Улар ҳатто Франциягача етиб борадилар ва у ерда Пуатье шаҳри ёнидаги жангда (732 й.) мағлубиятга учраганлар.

Бундай забт этишлар оқибатида жуда катта ҳудудда ислом давлати – Араб халифалиги пайдо бўлади. Бу ҳудуд аҳолиси исломга қақиради. Бу иш турли йўллар билан – кучли иқтисодий воситалар, агар улар ёрдам бермаса, ҳарбий куч ишлатиш йўли

билан амалга оширилди. Шундай қилиб, қисқа вақт ичида ислом миллий чегарадан чиқди ва секин-аста жаҳон дини мавқеига эга бўлди. Бу ҳодиса кейинчалик бир қатор халқларнинг тарихий тақдирига таъсир кўрсатди.

Хулоса сифатида айтганда, Муҳаммад (сав) пайғамбар араб элатини янги диний мафкура асосида жипслаштириб, марказлашган давлатга асос солди. Жамиятни иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқироздан халос қилди. Инсоният тарихида алоҳида ўринга эга ислом маданиятининг пойдеворини яратди.

## **2-ўқув савол. Халифаликда сиёсий-ҳуқуқий қарама-қаршиликлар ва ислом ҳуқуқида диний ҳуқуқий мазҳабларнинг вужудга келиши.**

Ҳар қандай дин кишиларнинг маънавий ҳаёти, қадриятлари, ҳаётнинг маъноси, руҳият билан боғлиқ муаммоларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ифодалайди. Ижтимоий ҳаёт мақсад ва манфаатлари хилма-хил бўлган турли гуруҳлардан ташкил топганлиги сабабли дин ҳам мазкур жараёнларга тортилар экан, ушбу гуруҳларнинг манфаатларини муайян даражада акс эттириши лозим бўлиб қолади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаёт доимо ўзгариб туради. Унинг таркибий қисми бўлган дин ҳам унда юз бераётган жараёнларни ҳисобга олади, унга мослашади. Акс ҳолда у ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи воқеликка айланиб қолади.

Ислом вужудга келган илк даврларда йўналиш ва мазҳабларга бўлинмаган. Исломда, умуман, ҳар қандай динда бўлиниш сабаблари ўзаро боғлиқ бўлган турли жараёнлар таъсиридан пайдо бўлади.

Лекин динларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ундаги бўлинишнинг қанчалик хилма-хил эканлигидан келиб чиқиб баҳолаш хатодир. Диндаги қарашлар хилма-хиллиги унинг жамиятдаги илдизини мустаҳкамлайди, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида тўғри йўлни танлаш имкониятини кучайтиради.

Ислом тарихига назар солсак, ҳар бир даврда турли ботил даъволар остида бир қанча оқимлар пайдо бўлганини, шунингдек, бундай адашган оқимларнинг даъволарига қарши чиқиб, ислом дини таълимотининг софлигини сақлашга ҳаракат қилиб келган йўналишлар ҳам вужудга келганини кўриш мумкин.

Бу оқим ва йўналишлар тарихий манбааларда турлича берилган. **Улар асосан учта, яъни – суннийлик, шиалик ва хорижийлик** йўналишларидир.

Исломда **йўналиш** деганда муайян эътиқодий масала асосида бирлашган мусулмонлар мажмуаси тушунилади. Масалан, суннийлик йўналиши суннат ва жамоат асосида, шиалик Али ва унинг авлодларини ҳаддан ортиқ эъзозлаш, хорижийлик эса ажралиб чиқиш ва қаршилик кўрсатиш асосида бирлашган.



Олимлар ислом дини доирасида вужудга келган оқим ва йўналишларни ўрганиб, улар сиёсий, фикхий ва ақидавий масалалардаги жужбий тафавутлар туфайли келиб чиққан, деган хулосага келганлар.

**Сиёсий сабаблар** туфайли пайдо бўлган йўналишлар асосан, олий ҳокимият, яъни халифалик масаласи доирасидаги ихтилофларга бориб тақалади.

Маълумки, Пайғамбар (сав) вафотларидан сўнг давлатни халифалар бошқарди. Халифа ўринбосар маъносида қўлланилади. Уларга Муҳаммад (сав) дан кейин эҳтиёж туғилди. Чунки мусулмон жамоасига энди ким бошчилик қилади, деган фикр барчани

ташвишга солди. Бунга сабаб мусулмонларнинг марҳум йўлбошчиси томонидан жамоага кейинги раҳбар ким бўлиши очик-ойдин кўрсатилмаган эди. Муҳаммад (сав) дан сўнг Абу Бакр, у кишидан кейин Умар, ундан сўнг Усмон ҳамда Алилар байъат асосида халифалик қилганлар.

Дастлабки халифани тайинлаш ихтилоф ва ғоявий бўлинишларсиз ҳал этилди. Аммо **657 йилдаги “Сиффин жанги”** исломдаги илк бўлинишларга олиб келди. Бу жанг Юқори Месопотамия, Фрот дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Сиффин номли жойда бўлиб ўтган эди. Халифа Али ва Шом ҳокими Муовия ўртасида бўлиб ўтган ушбу жангни Али сулҳ таклифи бўлганда уни қабул қилгани ҳамда қаттиққўллик услубини қўлламагани сабаб бўлди. Алининг сулҳпарварлигидан норози бўлган 12000 аскар бўйсунидан бош тортиб, Ҳарура номли қишлоққа кетдилар. Бу гуруҳ кейинчалик **“Хорижийлар”** (ёки ал-хавориж, хорижия) – “ажралиб чиққанлар” деб аталди.

Барча мусулмон ҳуқуқи тарикатлари ҳар бир йўналиш (сунийлик ва шиялик) доирасида бир умумий ибтидога эга бўлсаларда, позитив ҳуқуқни ифода этишнинг турли аклий усулларимдан фойдаланганлари ва улар асосида хусусий масалалар бўйича ҳар хил нормаларни қўллаганлари билан ҳуқуқий нисбатда тафовут киладилар. Халифалик назариясига ҳар хил ёндошувлар ва ҳокимият учун қраш муносабати билан **Ҳ а с р н и н г ў р т а л а р и д а ё к м у с у л м о н ж а м о а с и и к к и г а :** энг кўп сонли **с у н н и й л а р** ва **ш и я л а р г а** бўлиндилар. Суннийлар вакиллари ўзларини ақл-ассуна (сунна кишилари) деб араб, айна улар шиялар бузган пайғамбар анъаналарини давом эттиришларини кайд этадилар.

Тўрт бирининг муддатлари	Халифанинг халифалик	Ҳар
1. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг халифалик муддатлари икки йилу уч ой.		
2. Умар розияллоҳу анхунинг халифалик муддатлари ўн ярим йил.		
3. Усмон розияллоҳу анхунинг халифалик муддатлари ўн икки йил.		
4. Али розияллоҳу анхунинг халифалик муддатлари тўрт йилу тўққиз ой.		

Илк тўрт халифани қонунийлигини, муқаддас ҳадислар тўпламининг ростилигини тан оладиган ва тўрт мазҳабдан бирининг маросимлари, турмуши ва ижтимоий қоидаларига риоя қиладиган киши расман сунний деб ҳисобланади. Мазҳаблар ҳуқуқий масалалар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш тамойилларига ёндашиши, маросимларнинг айрим жиҳатларига кўра тафовутланиб, уларнинг барчаси муқаддас ҳадислар тўпламига асосланади. Илоҳиёт соҳасида суннийликнинг шияликдан асосий тафовути шундаки, суннийлик Мухаммад вафотидан сўнг Аллоҳ билан одамлар ўртасида воситачилик бўлиши мумкинлигини тан олмайди, Алининг фавқуллода табиати, унинг авлодларининг имоматга жамоа раҳбарликка нисбатан махсус ҳуқуққа эгаллиги ғоясини инкор этади. Ҳуқуқий ечимлар тамойилларида, маросим тавсифи, намознинг айрим жиҳатлари ва бошқалар шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи (Масалан, суннийлар мутъа-муваққат никоҳнинг қонунийлигини инкор этадилар)га оид тафовутлар ҳам мавжуд.

Шиялар (арабчадан шиъа – қимгадир қўшилиш маъносида) – Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларини Мухаммад пайғамбарнинг қонуний ворислигини тан оладиган турли оқим ва мазҳабларнинг умумий номидир. Ҳокимият учун қураш жараёнида (Ҳ а с р н и н г и к к и н ч и я р и м и д а) Али тарафдорлари (аш-шиъа)нинг, унинг олий ҳокимиятга фавқуллода ҳуқуқини тан оладиган сиёсий гуруҳи вужудга келди. Шиалар ва суннийлар ўртасидаги асосий тафовут имомат тушунчасини ҳар хил талқин этишдир. Башарти суннийлар учун имом кишилар томонидан сайланадиган ёки тайинланадиган маънавий ва дунёвий бошлик бўлса, шиалар фикрича эса у бундай мақомга бир имомдан иккинчисига ўтадиган илоҳий марҳаматнинг сирли нурланиши боис эга бўлади. Шундай қилиб, мусулмонлар орасида “ҳақиқий” ислом тарафдорлари – суннийлар, улар Суннага ва халифаларнинг сайланишини ёқлайдиган диндорлар, шунингдек халифа Алининг тарафдорлари (Шиат ал-Али) – шиялар, яъни имом – мусулмон жамоасининг бошлиғи ва давлатнинг сиёсий бошлиғи бўлишини фақат Али (Мухаммаднинг амакиваччаси ва куёви) ва унинг авлодларини имом бўлишга ворислик ҳуқуқини тан оладиганлар ажралиб чиқдилар. Суннийлар ва шиялар орасидаги асосий келишмовчилик олий дунёвий ва диний ҳокимиятнинг ворислиги тўғрисидаги масалани ҳар хил тушунишдадир. Суннийлар – мусулмон давлати ва жамоаси бошлиғининг сайланиши тарафдори бўлсалар, шиялар эса олий ҳокимият авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади дер эдилар. Исломда дунёвий ва маънавий ҳокимиятнинг узвийлиги боис, шиялар давлат тепасида руҳоний шахслар (имомлар) туришлари лозимлигини таъкидлайдилар.

Ҳозирги кунда шиялик диний таълимотига **Эроннинг кўпчилиги аҳолиси, Ирок аҳолисининг ярмидан кўпроғи, Ливан, Яман ва Бахрейн** мусулмонларининг анчагина қисми риоя қилади. Турли Шиъа мазҳабларининг издошлари амалда ҳозир ҳам мусулмон мамлакатларида учраб туради.

Шиъа ҳуқуқшунослари, суннийлардан фарқли ўларок ўзларининг ҳуқуқий мазмундаги далилларини асослаш учун нафақат пайғамбарга, шунингдек, шиъа имомларига ҳам мурожаат қиладилар. Уларнинг имомни янглишмайдиган деб тан олишлари боис, нуфузли ҳуқуқшунослар – мужтахиднинг фикрлари башарти имом иродасини ифода этган қоидалардагина уларга маъқул келиши мумкин. Ҳокимият масаласидан ташқари суннийлик ва шиялик ҳуқуқий тарикатлари суннанинг аксарият рифоъларини олишда ҳам келишмайдилар: шиялар муаллифи пайғамбар, оила аъзолари бўлган ривоятларнигина тан

оладилар, айна пайтда суннийлар ўз муқаддас тўпламларига Мухаммад сафдошларининг коидаларини киритадилар. Ҳуқуқни шиялар талкин этадиган яна бир хусусияти - қиёсни (аналогияга кўра муҳокама юритиш) мусулмон ҳуқуқининг манбаи сифатида тан олмасликдан иборат.

Шия ҳуқуқшунослари пайғамбар шундай ҳадисини келтирадилар: **“Менинг кавмим 70 дан ортиқ мазҳабга бўлиниб кетади ва уларнинг энг янглишганлари масалаларни қиёс асосида ечадиган гуруҳ бўлади. Улар мен таъқиқлаган ҳатти-ҳаракатларни содир этиб, мен ижозат берган ҳатти-ҳаракатларни эса бажо келтирмайдилар”**.

**Х асрга келиб** суннийлар орасида тўрт асосий ҳуқуқий тариқат вужудга келди. Улар ўзларининг асосчилари номи билан деб аталадилар ва уларнинг таълимтига кўра ҳозиргача яқин ва Ўрта Шарқдаги аксарият мамлакатлар мусулмонлари яшайдилар. Зикр этилган тариқатларнинг асосчилари ва издошлари мусулмон ҳуқуқи мунбалари тўғрисидаги таъминотни ишлаб чиқишга катта хисса қўшдилар. Илк ўрта асрлардаёқ мазкур ҳуқуқий тариқатлар қатор ҳуқуқий ахлоқ коидаларини таърифлаб бердилар ва мусулмон ҳуқуқига янги унсурларни киритдилар. қуръон ва Суннани асос қилиб олиб, ушбу тариқатлар турли хулосаларга келдилар ва ўз тадқиқотларида мустақил йўлдан бордилар.



## 5.2-Мавзу: Ислом динининг тарихи, йўналишлари, мазҳаб ва мактаблари тўғрисидаги махсус билимларни ички ишлар органлари фаолиятида ахамияти.


### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2-соат)

Ушбу ўқув машғулоти **«Сухбат»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва тингловчилар ўртасидаги диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги суҳбат жараёнида оидинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчининг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.



#### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



## Ўқув машғулотининг саволлари:

**1-савол.** Ислom ҳуқуқининг хорижийлар мазҳабининг асосий гуруҳлари.

**2-савол.** Ислomда шиалик оқими ва унинг сиёсий ҳуқуқий ғоялари.

**3-савол.** Ислomда суннийлик оқими ва унинг ҳуқуқий тизими.

**Хорижийлар** Али ибн Абу Толибга қарши бош кўтариш билан кифояланмай ўртада икки вакил томонидан олиб борилган музокара натижасига рози бўлганларни кофирга чиқариб ўлимга ҳукм қилади. Оқибатда кўплаб бегуноҳ кишилар қатл этилган. Бунга тоқат қила олмаган Али уларни бир неча бор тўғри йўлга чақиради. Аммо фойдаси бўлмай, исёнчилар ҳаддан ошиб, одамларга зуғум қилишда давом этавергач, Али уларга қарши жанг қилиб 10000 га яқин хорижийларни мағлуб этади. Бироз вақт ўтгач, 661 йилда халифа Али Куфада хорижийлар томонидан юборилган қотил томонидан ўлдирилади, Дамашққа юборилган иккинчи қотил эса Муовияни ярадор этади.

Хорижийлар халифа Али ва бошқа сулолалар вакилларига қарши мурасасиз кураш олиб борганлар. Уларнинг ақидалариги “Ҳақиқий имон амаллар билан бўлади” деган ғоя, “катта гуноҳ” (кабира) қилган киши диндан қайтган, кофир деб ҳисоблаш ва унга қарши жиҳод қилиш керак, деган нотўғри фатво, умуман, ижтимоий-сиёсий тизимга нисбатан мурасасизлик, нормативлаштириш даражасининг юқорилиги ва мусулмонлар турмушини қатъий назорат қилишга интилиш хорижийлар сонининг камайишига сабаб бўлган. Ҳозирги даврда хорижийлар мусулмонларнинг жуда кам қисмини ташкил этади.

### Хорижийлар йўналишида қуйидаги асосий гуруҳлар мавжуд:

**1) ибодийлар гуруҳи** VII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Унга Абдуллоҳ ибн Ибод (VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган) асос солган. У йўналишнинг мўътадил гуруҳи ҳисобланади ва диний таълимотда ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва ҳукмрон сиёсий кучлар билан мураса қилиш, ҳатто уларга ён босишга йўл қўяди;

**2) суфритлар гуруҳи** VII асрнинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. Мақсадни яшириш, вазиятга қараб кураш усуллариини ўзгартириш тарафдори;

**3) азракийлар гуруҳи** VII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Унга Нафи ибн Азрак (685 йилда вафот этган) асос солган. Бу гуруҳ эътиқод масаласида ҳар қандай мурасаларни инкор қилади. Азракийлар гуруҳи мақсадга эришишда қатъий ҳаракат тарафдори ҳисобланади.

Хорижийлар халифа Али ва бошқа сулолалар вакилларига қарши мурасасиз кураш олиб борганлар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий тизимга нисбатан мурасасизлиги, нормативлаштириш даражасининг юқорилиги ва мусулмонлар турмушини қатъий назорат қилишга интилиши тарафдорлари сонининг камайишига сабаб бўлган. Ҳозирги даврда ҳам хорижийлар мусулмонларнинг жуда кам қисмини ташкил этади.

### 2-савол. Ислomда шиалик оқими ва унинг сиёсий ҳуқуқий ғоялари

Ислom динидаги йирик йўналишлардан бири **шиаликдир** (арабчада *шиа* – гуруҳ, партия, тарафдорлар деган маъноларни англатади). VII асрнинг ўрталарида Ироқда – Куфа шаҳрида халифа Али тарафдорларини бирлаштирган диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келган.

Шиалик таълимотига кўра, имомнинг олий ҳокимияти Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган, шу боис у одамлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўла олмайди, яъни имом сайлаб қўйиладиган шахс бўлиши мумкин эмас (фақат зайдийлар имомнинг сайланишини назарда тутганлар).

Шиалар дастлаб сиёсий ҳокимиятни Муҳаммад (сав)нинг авлодлари бошқариши ва ҳокимият отадан фарзандга мерос сифатида ўтиши керак деган талаблар билан чиққанлар. Шунинг учун шиалар Али ва унинг авлодларидан бошқа барча сунний халифаларни зўравонлик билан ҳокимиятни босиб олганликда айблайдилар. Сунний халифаларга Али ва унинг авлоди бўлган ўн икки имомни қарши қўядилар. Охирги (ўн иккинчи) имом Муҳаммад Маҳдий (Аллоҳ йўлига етаклайдиган киши) 873 йилда туғилган. У ёшлик чоғида бедарак йўқолган.

Диний таълимотда шиалар Қуръони карим Аллоҳнинг каломни эканлигини тан оладилар, лекин халифа Усмон уни ўз манфаатида мослаштириб, халифа Алининг

хокимиятни эгаллашига оид битта сурани чиқариб ташлаган, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга Қуръони каримнинг ҳақиқий нусхасини қиёмат куни ўн иккинчи имом Ерга олиб келиши ҳақидаги ақида қабул қилинган.

Шиалар, суннийлардан фарқли ўлароқ, Муҳаммад (сав) фаолияти билан боғлиқ ҳадисларни тан олмайдилар. Улар халифа Али ва унинг авлодлари оид ҳадислар тўпламини тузганлар ва у «Ахбор» деб номланади.

### **Шу билан бирга, шиалар иймонда бешта ақида:**

1. Тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги).
2. Нубувват (пайғамбар)га ишониш.
3. Адл (илоҳий тақдирнинг илоҳийлигига ишониш).
4. Имомат (имомлар ҳоқимиятини таниш).
5. Маол (охиратга ишониш.)ни тан оладилар.

Шиалиқда диний таълимот билан бирга урф-одат ва маросимларда ҳам фарқлар мавжуд. Масалан, улар Макка ва Мадинадан ташқари Карбало ва Нажаф шаҳарларини зиёрат қиладилар. Ўн икки имомлар диний эътиқоди учун жабрланган ва шахид бўлганлиги сабабли муқаддаслаштирилган. Имом Ҳусайнга мотам тутадилар.<sup>7</sup> Бу «шахсей-вахсей» маросими деб аталади. (Аслида: “Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн”)

### **Шиалиқнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

**Алавийлар мазҳаби** IX асрда Ибн Нусайр асос солган. Шу боис мазҳаб асосчисининг номи билан *нусайрийлар* деб ҳам аталади. Мазҳаб аъзолари халифа Алининг шахсини илоҳийлаштирадилар ва уни худо каби улуғлайдилар. Алавийлар таълимотида христианлик ақидалари, ой ва юлдузларга сиғиниш, руҳнинг кўчиб юришига ишониш каби қарашлар мужассамлашган. Одамларнинг руҳлари дастлаб юлдузлар бўлган. Али уларни одамларнинг жисмига жойлаган. Тақводор одамларнинг руҳлари вафот этганларидан кейин яна қайта юлдузларга айланади. Гуноҳга ботган одамларнинг руҳлари ҳайвонлар жисмига кўчади. Алавийлар мазҳабига мансуб кишилар намоз, рўза ва бошқа маросимларни бажармайдилар. Расмий дин томонидан таъқиб қилинганлиги сабабли ўз эътиқодларини сир тутадилар;

**Зайдийлар мазҳаби** VIII асрнинг ўрталарида, уммавийлар сулоласининг инқирози даврида вужудга келган ва Шиаларнинг бешинчи имоми – Муҳаммад ал-Боқирнинг укаси Зайд ибн Алининг номи билан аталган. Ушбу мазҳаб вакиллари Зайдни бешинчи имом деб ҳисоблаб, ундан кейинги имомларни тан олмайдилар. Ақидалари ва маросимлари жиҳатидан шиалар ва суннийларнинг ўртасида туриб, ҳар иккала оқимга нисбатан мураса йўлини тутадилар. Зайдийлар халифа Алидан илгариги халифалар ҳоқимиятини тан оладилар ва ўн иккинчи имом – Муҳаммад Маҳдийнинг қиёмат кунида қайтиб келишига ишонмайдилар, авлиёлар ва мазорларга сиғинишни, зоҳидликни инкор қиладилар;

Зайдийлар эътиқодига кўра:

– бир вақтнинг ўзида икки ўлкада икки имомга байъат қилиш жоиз;

– имомлар бегуноҳ эмас, тақия (шароит оғирлашган пайтда эътиқодни сир тутиш) ножоиз;

– саҳобалар ҳақида нолойиқ сўзларни айтиш мумкин эмас;

– Абу Бақр, ‘Умар ва ‘Усмонлар ҳам халифаликка лойиқ бўлганлар.

Уларнинг бундай эътиқод қилишларига Зайд ибн ‘Алининг тутган сиёсий мавқеи сабаб бўлган. У умавийларга қарши уруш очган ва Куфада халифа этиб сайланган. Чунки уларнинг эътиқодларича, халифалик фақат маълум кишиларгагина эмас, балки Фотиманинг икки ўғли Ҳасан ва Ҳусайн авлодларидан бўлган ҳар бир олим, тақводор, шижоатли, урушга қодир кишига ўтиши ҳамда сайланиши ҳам мумкин деб ҳисоблашади.

Имом Зайд ибн Алининг «Мажму» номли китобидаги қарашлари зайдия фикҳининг асосини ташкил қилади. У ҳам бошқа олимларлар каби биринчи ўринда Қуръони каримни, кейин эса сунна, ижмо, қиёс, истиҳсон, сўнгра ақлни шариат асосларидан деб ҳисоблайди.

Зайдия фикҳининг ўзига хос томонлари қуйидагича:

---

<sup>7</sup> Имом Ҳасан ибн Али (625-669) – 661 йилда отаси Али ўлдирилгач, Ироқда халифа деб эълон қилинган. Лекин, Муовия берган катта маблағ эвазига ҳоқимиятдан воз кечиб, Мадинага келиб яшаган ва шу ерда вафот этган. (Шиалиқ ривоятлари бўйича захарлаб ўлдирилган.) Имом Ҳасан ибн Али (626-680) – акаси вафотидан (669 й.) кейин шиалар раҳбари. 680 йилда Куфага яқин Карбало даштида Язид ибн Муовия билан бўлган жангда ўлдирилган.



– аҳли китоб (самовий китобга эга бўлган бошқа дин вакиллари: яҳудийлар, христианлар) томонидан сўйилган ҳайвон гўштини ейиш, улар билан қуда-андачилик қилиш ҳаром;

– махси(оёқ кийим)га масҳ тортиш жоиз эмас.

Зайдия фирқасига мансуб асосий манбалар – Зайд ибн Алининг «Мажму» асари ва унга шарҳ сифатида ёзилган Шарафуддин хусайн ибн Аҳмаднинг «ар-Равд ан-надир» китобидир.

Зайдия фирқаси вакиллари ҳозирги кунда Яманда кўп учрайди. Бу фирқа бир неча майда фирқачаларга бўлинган. Улардан жорудия, сулаймония, батрия, қосимия, носирия, ходувияларни зикр этиш мумкин.

**Жаъфарий мазҳаби** шиаликнинг диний-ҳуқуқий тизими бўлиб, ўн иккинчи имомга эътиқод қилувчи имомийларнинг асосий оқимини ташкил этади. Мазҳабнинг асосчиси сифатида олтинчи имом – Жаъфар ас-Ишончли (700–765) қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг шаклланишида иштирок этмаган. IX–X асрларда бир қатор мужтахид ва теологиячилар томонидан мазҳаб таълимоти ишлаб чиқилган.

Шиалик ҳозир Эрон Ислом Республикаси, Ироқ ва Яманда кенг тарқалган. Шиа йўналишига мансуб айрим гуруҳлар Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Ливан, Миср каби давлатларда ҳам учрайди. Маълум миқдорда шиа йўналишидаги мусулмонлар Озарбайжон, Тожикистон ва Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида учрайди.

Жаъфария мазҳабининг суннийлик мазҳабларидан фарқли томони шундаки, уларда қиёс билан фатво чиқариш усули тан олинмайди, ҳадислардан фақат пайғамбар хонадонидан бўлган аҳли байт ривоят қилганларинигина қабул қиладилар. Бундан ташқари уларда мутъа ва тақия ҳалол деб ҳисобланади.

**Исмоилийлар мазҳаби** VIII асрнинг ўрталаридан шакллана бошлаган ва IX асрнинг охирига келиб мустақил диний мазҳабга айланган. Бунга шиаларнинг олтинчи имоми – Жаъфар ас-Ишончлининг катта ўғли Исмоил (ичкиликбозлиги ва маишатпарастлиги сабабли тахт ворислигидан маҳрум қилинган) асос солган. Диний-фалсафий таълимот тизими неоплатонизм, неопифагоризм, христиан гностицизми кабилар таъсирида шаклланган. Таълимот зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) қисмларга бўлинади. Зоҳирий қисми шиаларнинг умумий қарашларидан деярли фарқланмайди. У махфий таълимотдан беҳабар бўлган исмоилийларга мўлжалланган. Ботиний таълимотда худодан кейинги еттига куйи поғона ажратилади. Еттинчи поғонани камолотга эришган инсон, яъни пайғамбар ташкил этади. Камолотга эришган инсон ўзида «олабий ақл»ни акс эттирган нотик бўлиб, худо таълимотини кишиларга етказади. Исмоилийлар мазҳабидан кейинчалик турли йўналишлар ажралиб чиққан.

IX аср охирига келиб Исмоилийлик ўз даъватчиларининг ҳаракатлари билан Жанубий Ироқ, Хуросон, Хузистон, Баҳрайн, Яман, Сурия, Миср, Мағрибда ўзининг кўп тарафдорларини орттирди. Ўзларини имом Исмоилнинг авлодлари деб ҳисоблаган фотимийлар ҳаракатига асос солиниши фотимий-исмоилийлари билан қарматийлар орасида қатъий ажралишга олиб келди. X асрнинг охирига келиб Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Хижоз фотимийлар ҳокимиятига ўтди. Уларнинг махфий ташкилотлари халифаликнинг шаркида, хусусан Эронда кенг тарқалди.

Исмоилийлар ўз таълимотларини ёйишда пухта ишланган махфий марказлашган ташкилот туздилар. Муҳим, тезкор ахборотларни алмашишда хат ташувчи каптарлардан фойдаланишган. Тарғибот ишларида улар тарғибот олиб борилаётган жой ва вақт эътиборга олинган. Тарғибот бошлиғи имом ҳисобланган.

Исмоилия даъватчиларининг вазифаси турли тортишувларни келиб чиқариш, омма олдида олимлар ва олимларлар билан тортишувни юзага келтириш эди. Янги даъватчиларни танлашга Исмоилия раҳбарлари алоҳида эътибор берганлар.

Исмоилия мафқураси шаклланишининг илк даврдаёқ унинг икки қирраси «ташқи», экзотерик (аз-зохир) ва «ички», эзотерик (ал-батин) намоён бўлди. Аз-зохир жиҳати жамоанинг оддий аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, ал-ботин жиҳати эса фақатгина «хос» кишиларга (ал-хосса, кўп.ал-хавасс) тегишли бўлган. Улар «Исмоилия» тузумининг юқори

поғоналарини эгаллаган кишилар эди. «Ташқи» таълимот ўз ичига барча урф-одат ва жамоанинг оддий аъзоларига мажбурий бўлган шариатнинг ҳуқуқий қонунларини олган эди. «Исмоилия» таълимотининг бу жиҳати имомийлар таълимотидан жуда кам фарк қилади.

### **«Исмоилия»нинг «Ички» эзотерик ақидаси икки қисмдан иборат:**

1. Ат-таъвил-Қуръони карим ва шариатнинг аллегорик тарзда шарҳлаш.

2. Ал-хақоик – «махфий», «олий» ҳақиқатларни тафсир қилишга асосланган фалсафий ва илоҳий билимлар тизими. У «неоплатонизм» идеалик фалсафаси (хусусан, монотеистик-яккахудолик ғояларининг бирлашуви реал дунё воқелигининг кўп қирралиги), Аристотель рационалистик фалсафаси, христиан гностицизми, мистикаси элементлари ва бошқаларини ўзлаштирди. «Исмоилия» диний-фалсафий тизимининг асосий элементлари космогоник ва даврийлик теориялари эди.

«Исмоилия» ақидаси ўз ичига диний мажбуриятлар (фараид-ад-дин) билан боғлиқ бўлган амалий теология (ал-ибада), дин устунлари (аркан-ад-дин) ва назарий теология-«сирли илм» (илм-ал-ботин), Қуръони каримни аллегорик шарҳлаш (ат-таъвил)ни олади.

Бунда «Исмоилия» теологиячилари «ташқи» ва «ички» жиҳатларнинг бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Исмоилийларнинг диний-сиёсий ақидасининг асоси имомат – Али ибн Аби Толиб авлодларидан бегуноҳ имомнинг бор бўлиши бўлди. Исмоилийларда дин асослари еттига бўлиб, улардан асосийси имомга итоат этишдир. Қолган олтитаси таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва жиҳоддир.

Исмоилиянинг ҳуқуқий тизими ал-қози ан-Нўмоннинг (ваф.979 йил) «да’а им ул-ислам» (ислом устунлари) китобида муфассал баён этилган бўлиб, Имомия (жаъфария) фикҳи билан деярли мос тушади. Улар орасида мерос, никоҳ ва бошқа баъзи хусусий масалаларда фарқ мавжуд. Исмоилийлар вақтинчалик никоҳ – мутъани тан олмайдилар.

Бу фирқа вакиллари Ҳиндистон, Покистон, Арабистон ярим оролининг жануби ва бошқа жойларда мавжуд.

### **(Суръатда ҳар бир мазҳабни қўлларига эътибор беринг)**



### **3-савол. Исломда суннийлик оқими ва унинг ҳуқуқий тизими**

**Исломдаги энг йирик йўналиш суннийликдир.** Суннийлик исломдаги энг йирик йўналиш бўлиб, дунё мусулмонларининг асосий қисми унга эътиқод қилади. VII асрда сиёсий сабабларга кўра, шиалар ва хорижийлар мусулмонлар жамоасидан ажралиб чиққач, қолган асосий омма “Аҳли сунна вал- жамоа” деган ном олган. Пайғамбар (сав) дан нақл қилинган мусулмон умматининг 73 фирқага бўлиниб кетиши ҳақидаги машҳур ҳадисда, фақат бир йўналиш – у зотнинг суннатларини маҳкам ушлаган ва саҳобалари йўлидан юрган кишиларгина нажот топиши баён қилинган. Уламолар нажот топувчи йўналиш бу “Аҳли сунна вал-жамоа” эканлигига иттифоқ қилганлар, “Аҳли сунна” ибораси Муҳаммад (сав) суннатларига эргашувчиларни, “вал-жамоа” эса мусулмонларнинг кўпчилиги ортидан юривчиларни билдиради. Демак, мазкур ибора умумий маънода “суннатга ва жамоага эргашувчилар”, деган маънони англатади. Ҳақиқатан, бугунги мусулмонларнинг аксари, 92,5 фоизи мазкур йўналишга мансубдир. Манбааларда “Аҳли сунна вал-жамоа” номи

кисқартирилиб “суннийлик йўналиши” деб ҳам юритилади. **Суннийликда** исломнинг муқаддас манбаларини ижтимоий ҳаётда қўллашга муносабат масаласида **қуйидаги мазҳаблар мавжуд:**

**Ҳанафия мазҳаби** Имом Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) асос солган. Мазҳабнинг мафқураси ислом ақидаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда ижодий ёндашувга асосланади ва бунда қиёс (арабчада – солиштириш, таққослаш, ўхшатиш деган маъноларни англатади) қоидаларини қўллаш билан мусулмон жамоаси ёки давлат манфаатларига мос келадиган ечимларни танлашга интилади. Ҳанафия мазҳабига суннийларнинг 1/3 эътиқод қиладилар.

**Бу мазҳабга уч хусусият хос:**

1) «ар-раъй» устувор аҳамиятга эга; 2) қиёс кенг қўлланилади; 3) «истихсон» тамойили амал қилади, яъни муайян масалани ечишда маҳаллий одатлар ва умум манфаатлари ҳисобга олинади. Бу усулни қўллар экан, олимлар шундай дейиши мумкин: «Гарчи қиёс айни ҳолда фалон ҳукми назарда тутса-да, мен шароитни ҳисобга олиб, бошқа ҳукми маъқул (аҳсан) деб ҳисоблайман». Шунинг учун ҳам бу мазҳаб ислом оламида жуда кенг тарқалган. Ҳанафийлик мазҳабига мансуб мусулмонлар ҳанафийлар деб аталади. Мазҳаб VIII асрда Куфа шаҳри (Ироқ)да вужудга келган.

**Ҳанафийлик мазҳабининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

1) Сунна мустақил манба сифатида қаралади, лекин ҳадислар пухта танловдан ўтган бўлиши лозим;

2) аввал ўтган уламолардан мерос бўлиб қолган келишилган фикр (ижмоъ) фақат саҳиҳ ҳадис ривоятчиларидан чиққан тақдирдагина ҳисобга олинади;

3) лекин янги масалалар тадқиқ қилинаётган вақтда бошқа ҳар қандай нуфузли уламолар гуруҳининг ижмоси қабул қилинади ва шу тариқа минтақавий ижмолар вужудга келишига имконият яратилади;

4) қиёс бўйича ҳукм ҳар қандай саҳиҳ манба асосида бўлиши мумкин;

5) агар қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, истихсон бўйича қарор қабул қилинади<sup>1</sup>. Ҳанафийлик мазҳаби одат ҳуқуқи (урф)дан ҳам ҳуқуқнинг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида кенг фойдаланишга имкон беради, бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўътадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли XI асрдан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйлари, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис кенгликлари, Индонезия ороларигача бўлган ҳудудларга тарқалган. Ҳозирги даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми ҳанафийлик мазҳабидадир

**Урф** (араб.) – одат ҳуқуқи, қабила урф-одатлари; шарият билан бир қаторда, улар мусулмон жамоаси ҳаётини тартибга солган. Урф ижтимоий муносабатларни, айниқса, оила-никоҳ масалалари, савдо-сотик ва бошқа битимларни тартибга солишда фикрда алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазҳабларнинг аксариятида урф мустақил аҳамиятга эга эмас, лекин унинг кўпгина қоидалари фикрнинг асосий манбаларига киритилган.

**Моликия мазҳаби** Малик ибн Анас (713–795) асос солган ва Муҳаммад (сав) (ҳаётлиги даврида вужудга келтирилган диний-ҳуқуқий тартибга асосланади. Қуръони карим ва суннатни ақлга асосланиб (рационал) талқин қилишга қаршилиқ қилса ҳам, қиёсни қўллашни тўлиқ инкор этмайди. Ҳозирда ушбу мазҳабнинг Тунис, Жазоир, Марокаш сингари давлатларда тарафдорлари бор.

Моликийлик таълимотида Қуръони карим ва Сунна ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Суннада Муҳаммад пайғамбарнинг мадиналик сафдошларига тегишли ҳадислар шарҳланмайди, чунки моликийлар фақат уларнинг маълумотларини ҳақиқий деб тан олганлар. Қуръони карим ва Сунна матнлари ягона манба - «насс»га бирлаштирилган.

**Мадина жамоасининг умумий тажрибаси, чунончи:**

– таҳорат; рўза;

– хатна қилиш ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар «насс»га қўшимча сифатида жалб қилинган.

<sup>1</sup> Die Classen der hanefitiscen Rechtsgelehrten von G. Fluegel. – Leipzig. –В. 269–281.

Жалб қилинган ҳуқуқий маълумотларни умумлаштиришда қиёсдан кенг фойдаланилган. Қиёсга ечилаётган масалани «насс» билан бевосита солиштириш усули сифатида қаралган.

Бирон-бир манба билан таққослаш имконияти бўлмаган масалаларни ечиш учун фикҳ меъёрларини ақл-идрок билан ифодалаш усули – истислоҳ ишлаб чиқилган. Ушбу тамойилга кўра, юридик ҳукм фақат эркин мушоҳада асосида чиқарилади. У жамоа манфаатига риоя этишга қаратилган бўлиши, «насс»га зид келмаслиги ва шариат умумий қоидаларига мос бўлиши шарт.

**Шофиъий мазҳаби** Имом аш-Шофиъий (767–820) асос солган. Ҳанафия ва моликия мазҳабларини ўзаро мурасага келтириш тарафдори. Эътиқоди жиҳатидан қиёс ва ижмо (бирдамлик, яқдиллик билан қабул қилинган қарор)ларни ижтимоий ҳаётда қўллашда чеклашга йўл қўйганлиги учун моликия мактабига яқин туради. Шофиъий мазҳаби ҳозирда Сурия, Миср, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида ва жанубий Арабистон давлатларида сақланиб қолган.

#### **Шофиъийликнинг асосий тамойиллари қуйидагилар:**

1) Қуръони карим ва Суннага асосий манба сифатида қаралади, Сунна Қуръони каримни фақат тўлдиради, унинг ўзи қиёслаб ўрточа ҳукм чиқариш учун асос бўлолмайди; бунда мадиналик ривоятчиларнинг ҳадислари сўзсиз қабул қилинади;

2) ижмоъ Қуръони карим ва Суннага қўшимча сифатида қаралади, лекин мадиналик мужтаҳидлар чиқарган ҳукмлар ва қарорларгина эътиборга олинади;

3) қиёсдан фақат олдинги манбалардан материал танлаш учун фойдаланилади; мадиналикларнинг ҳадислари ва ижмосида бевосита қиёслаш учун материал мавжуд бўлса, тафсир тўхтатилади;

4) истиҳсон тўла рад этилади; лекин моликийлик таълимотидан эркин фикр юритиш ёки одат (урф) қоидалари асосида умум учун фойдали ҳукм чиқариш имконини берувчи истислоҳ тамойили ўзлаштирилган<sup>1</sup>. Кўриб турганимиздек, ҳанафийлик мазҳабига таққослаганда, шофиъийлик таълимоти бевосита қиёслаш орқали мушоҳада юритиб, мураккаб мантикий таҳлилдан узоқлашиш имконини берган, моликийликдан фарқли ўлароқ, Қуръони карим ва Сунна матнлари билан бир қаторда, Мадина жамоасининг ҳуқуқий мажмуасини муфассал билишни талаб қилмаган<sup>1</sup>.

**Ҳанбалия мазҳабига** Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) асос солган. Ушбу мазҳаб ҳаётий муаммоларни ҳал этишда фақат Қуръони карим ва суннат қоидаларига асосланиб қарор чиқариш тарафдори ҳамда қиёс ва ижмоларни қўллашда фақат саҳобаларнинг биргаликдаги маслаҳати билан қабул қилинган ҳукмларни тан олади. Диний масалаларда эркин фикр инкор қилинади. IX асрнинг 20–40-йиллари мусулмон уммасида юз берган парокандалик сабабларини таҳлил қилиб, Аҳмад ибн Ҳанбал исломнинг «олтин даври» - Муҳаммад (сав) пайғамбар ва илк халифалар йўлини тутиш керак, деган хулосага келди. Айниқса, «бидъат» масаласида у кескин фикр билдирди. Аҳмад ибн Ҳанбал фикрига кўра, Қуръони карим, ҳадис ва ислом уламоларининг илк уч авлоди фикри (ижмоъ)га асосланмаган дин ва ҳаётга оид ҳар қандай янгилик қораланмоғи даркор. Аҳмад ибн Ҳанбал мусулмон одам Аллоҳга сўзи, иши ва фикри билан хизмат қилишининг энг олий даражаси «имон» - «эътиқод»га эришиш, деб ҳисоблаган.

**Имон** (араб. – *ишонч, эътиқод*) – *ислом динида* Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу «имони муфассал», яъни имоннинг муфассал таъбири деб ҳам аталади. Имон талаблари, яъни ақидалар исломнинг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. Дин ва ҳуқуқ илк ислом даврида ажратилмагани туфайли имон муаммоси теологиячиларни ҳам, фикҳшуносларни ҳам банд этган. Имон тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни VIII аср бошидан турли теология ва диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари турлича талқин қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ислом дини аҳкомларининг қисқача баёни), ҳадислар тўпламлари, шу жумладан 30 минг ҳадисни ўз ичига олган «Муснад» («Иснодли ҳадислар

<sup>1</sup> М. Абу Захро. Тарих ал-мазаҳиб ал-исломийа, 2. - Қоҳира, 1935, 1947 (араб тилида). – Б.274-280.

<sup>1</sup> S. Mahmasani. Falsafat al-tashri // Law in the Middle East. –Б. 29.

тўплами»), имон-этикод, фикҳ ва ибодат масалалари бўйича рисоалари ҳозиргача сақланиб қолган.

Ҳанбалийлик ҳуқуқий мактаби ҳақидаги сўзимизга яқин ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

1) Суннийликдаги бошқа диний-ҳуқуқий мазҳаблардан фарқли ўлароқ, Ҳанбалийлар ўз назарияси ва амалиётида анъанавий ислом тарафдорларининг энг турғун қарашларини ифодалаганлар.

2) Ҳанбалийлар биринчилардан бўлиб анъанавий ислом ғояларини тизимга солишга киришганлар. Улар Қуръони карим ва ҳадисларни айнан тушунишни ҳам, уларнинг мажозий тафсирини ҳам рад этганлар.

3) Ҳанбалийлар ар-раъй тамойилини тан олмайдилар, Муҳаммад (сав) пайғамбар саҳобаларининг ижмосинигина ҳақиқий деб ҳисоблайдилар.

Суннийликдаги диний ҳуқуқий мазҳаблар этикод қилувчиларининг миқдори жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, ҳуқуқда тенглиги эътироф этилади ва дин асосларига зид деб ҳисобланмайди.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Исломда йўналиш ва оқимлар вужудга келишининг сабаблари нималардан иборат?

2. Исломда вужудга келган дастлабки йўналишнинг муслмонлар орасида кенг ёйилмаганлигига нима сабаб бўлган?

3. Шиалик йўналишининг суннийликдан асосий фарқларини кўрсатинг.

4. Суннийликдаги диний ҳуқуқий мактабларнинг хусусиятлари нимада?

5. Сўфизм оқимининг асосий ғоялари ва мақсади нималардан иборат?

6. Исломнинг муқаддас ривоятлари сифатида қабул қилинган манбаларнинг ишлаб чиқилишида муносиб ҳисса қўшган марказий осиелик алломалардан кимларни биласиз?

7. Марказий Осиёда вужудга келган сўфийлик тариқатлари ҳақида нималарни биласиз?

### 5.3-Мавзу: **НОИСЛОМИЙ ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

#### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ** (2 соат)

**Режа:**

**1-ўқув савол.** Ноисломий диний ташкилот, таълимот ва секталар фаолиятини юзага келиш шарт-шароитлари.

**2-ўқув савол.** Ноисломий диний ташкилотларнинг мамлакатимизда фаолият юритиш тартибларини белгиланиши

**1-ўқув савол.** Ноисломий диний ташкилот, таълимот ва секталар фаолиятини юзага келиш шарт-шароитлари.

Тарихга назар ташланса, ҳар бир даврда глобал равишдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммолар бўлганини кўриш мумкин. Бундай омиллар сирасига ишсизлик, моддий етишмовчилик, аҳолининг кам таъминланган қатламнинг ижтимоий муҳофазасини яхши йўлга қўйилмаганлиги, шу билан бирга, ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни ўз вақтида аниқланиши ва бартараф этилмаслиги киради.

Айниқса, ёшлар тарбиясига катта хавф солаётган, бутун жаҳонда тарқалиб бораётган «**оммавий маданият**» хуружларига қарши курашиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгадир. Зеро жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг муҳим усулларида бири ҳисобланади.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларда диний билимнинг етишмаслиги, уни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш ҳамда ишонувчанлик, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шухрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиш, илмий тилда айтганда, максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда таҳсил олувчи ёшларда диний маърифий билимлар етарли даражада шакллантирилмай қолмоқда. Хусусан таълим даргоҳларида диний билимларга эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги сабабли ушбу фанлардан дарс ўтиш номутахассис бўлган педагогларга юклатилмоқда. Бунинг натижасида ёшлар орасида диний саводсизлик, динни нотўғри талқин қилиш ва турли деструктив ғоялар таъсирига тушиш ҳолатлари учраб турмоқда. Шу билан бирга ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида ҳамда комил инсон бўлиб тарбияланишларида асосий фанлардан бўлган «психология» ва «миллий ғоя» фанлари ўтилишида ҳам ушбу камчиликлар учраб турмоқда.

Бунинг натижасида номутахассис бўлган педагоглар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инбатга олмай, психологиясини билмай ҳамда ғоявий бўшлиқларини тўлдиролмай қолмоқдалар. Бу эса ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

**Диний ташкилотлар:** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари тузилиши мумкин.



Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта худудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.




“**Конфессия**” сўзи (лотинча – “confessio”) ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “эътиқод қилиш”, деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фаркланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда юзлаб диний

конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Христианликка мансуб бўлса-да, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

**Диний секта** деганда эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган диний гуруҳлар тушунилади. Шунингдек, ушбу тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.




**Миссионерлик** эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуасини билдиради.

**Миссионерлик** - бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатиб, дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган.

Ўрта асрларда насронийлик динининг католик ва православ йўналишлари мустаҳкам илдиз отган, улардан протестантлик ажралиб чиққач, унинг ўзида турли оқимлар кўпайди.

Жаҳон динларидан бири ҳисобланган насронийлик (христинлик) динида турли секталар борлиги ушбу дин кенг тарқалган мамлакатларда катта муаммога айланган. Ўтган асрнинг 70-йилларида ривожланган мамлакатларда мазкур диннинг 1500 дан 5000 гача турли йўналишлари бўлган. Лекин ушбу мамлакатлар аҳолиси уларни қабул қилмагани учун кўпчилиги ҳозирда йўқ бўлиб кетган. Миссионерлик фаолияти **прозелитизм** (*прозелитизм тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлардир*) билан чимбарчас боғлиқдир.



**Миссионерлар орқали динга жалб қилиниш босқичлари;**

Республика худудида миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган ноисломий диний конфессия ва ташкилотлар ўз ғоя ва тушунчаларини тарғиб қилишни куйидаги учта босқичда амалга оширмоқдалар. Жумладан,

■ **биринчи босқич:** тарғибот-ташвиқот ишлари, шунингдек диний адабиётларни тарқатиш ва аста секинлик билан фуқароларни давлат рўйхатидан ўтган черков ҳамда ибодатхоналарга қатнашишга жалб қилиш;

■ **иккинчи босқич:** рухсат этилмаган йиғилишларга жалб этиш ва етакчиларининг хусусий манзилларида диний сабоқлар бериш.

■ **учинчи босқич:** прозелитизм - яъни “сув билан чўқинтириш” маросимини ўтказиб, шахсни мазкур динни қабул қилганлигини эътироф этиш.

#### **Прозелитизмни қонунда белгиланиши;**

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига асосан *“Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади”* деб белгиланган.

Аmmo мамлакатга турли йўллар ва баҳоналар билан кириб келган айрим миссионерлар мавжуд ҳаракатдаги қонунларимизга хилоф равишда мусулмонларни ўз динларига даъват қилишмоқда.

**Фетишизм** (французча *fetiché* – “бут”, “санам”, “тумор”, умуман муқаддас буюм) моҳиятан табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғиниш ҳисобланади. Унга кўра, алоҳида буюмларда кишиларнинг кўзлаган мақсадларига эришишига кўмаклашадиган, воқеликни ўзгартира оладиган қудрат мавжуд бўлади. Ҳозирги даврда фетишизмнинг унсурларини турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатда ҳам кўриш мумкин.



Фетишизмга хос белгилар бугунги кунда мавжуд бўлган динлар доирасида шаклланган муайян қарашлар, қадриятлар, урф-одат ва маросимларда ҳам учрайди. Христианларнинг иконаларга сиғиниши, ҳиндуийларнинг турли бутларга топиниши, буддавийларнинг Будда ҳайкалига сажда қилишидек ҳолатлар фикримизга мисол бўлади.



**Тотемизм** (Шимолий Америкада яшаган Ожибва ҳинду қабиласи тилидан олинган бўлиб, “унинг уруғи” маъносини англатади) алоҳида олинган одам ёки одамлар гуруҳининг муайян ҳайвон ёки ўсимликка қариндошлик алоқаси борлигига ишончга асосланади. Масалан, ҳиндларда сигирнинг муқаддаслаштирилиши, қирғизларда оқ буғунинг афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланишида тотемизм унсурларини кўриш мумкин.

**Анимизм** (лотинча “*anima*” – “руҳ”, “жон” руҳларга сиғиниш, табиат кучларини

илоҳийлаштиришга асосланади. Анимизмда осмон ва Ер, Куёш ва Ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чакмоқ, ҳатто тоғлар ва дарёлар, кўп йиллик дарахт, улкан харсанг тош ёки жарликларга ўхшаш одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмлар ҳам илоҳийлаштирилиб, уларда руҳ ва табиий қудрат мавжуд деб билинган. Улар яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин, деб тушунилган.

Анимизм бугунги кунда ҳам кишилар ҳаёти, кундалик хулқи ва фаолиятига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ўтганлар руҳи доимо тириклар билан биргалиги, ер, сувдан оқилона





фойдаланмасликнинг гуноҳ ҳисобланиши тўғрисидаги тасаввурларнинг илдизлари анимистик қарашларга бориб тақалади.



**Шаманизм** (тунгусча – “сеҳргар”) муайян натижага эришиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик, афсун, магияга асосланган ҳолда амалга ошириладиган маросим ва урф-одатлар мажмуи ҳисобланади. Якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга ошириладиган сеҳргарлик маросимларида аждодлар руҳи билан хаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади.

Кўзланган мақсадга қараб унинг турли, жумладан, “иссиқ” ёки “совуқ” қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсунгарлик каби шакллари фарқланади. Кишилар орасида ҳозир ҳам, кам бўлса-да,

масалан, ёвуз афсунгарликнинг кучига ишончни учратиш мумкин.

Юқорида қайд этилган ибтидоий эътиқод шакллариининг турли унсурларини бугунги кунда ҳам учратиш мумкинлиги, улар, бир томондан, ўз даврида кишилар ҳаёти, дунёқараши ва хулқини белгилашда кучли аҳамият касб этганидан, иккинчи томондан, ҳозирда ҳам кишилар дунёқараши, маънавиятида сезиларли ўринни эгаллаб келаётганидан далолат беради.

**Рус православ.** Православлик (русча-чин эътиқод) – 1054 йилдаги бўлиниш натижасида шаклланган христианликнинг уч асосий йўналишидан биридир.

**Православлик диний таълимоти “Муқаддас ёзув” (“Инжил”) ва “Муқаддас ривоятлар”га асосланган.**

**“Муқаддас учлик”** – худонинг бир вақтнинг ўзида ҳам ягона, ҳам уч хил кўриниш (Ота-худо, ўғил-худо-Исо ва Муқаддас Рух) да намоён бўлади.

**Христианликнинг 7 сирли маросими бажарилишида католиклар билан православлар орасида баъзи фарқлар бор.**

**Православликда:**

- янги туғилган бола чўқинтириладиганда сувга ботириб олинади;
- муқаддас мой суртиш чўқинтиришдан сўнг кетма-кет маҳаллий руҳоний томонидан бажарилади;
- оддий инсонлар ва руҳонийлар бир хил-қвасли нон ва вино билан тотинадилар;
- никоҳ маросими черковда, руҳоний томонидан амалга оширилади. Эр-хотин фақатгина хиёнат сабабли ажрашишлари мумкин. Никоҳни фақат черков бекор қила олади;
- христианликнинг бошқа конфессияларидан фарқли равишда “қора” ва “оқ” руҳонийлар фарқланади. Жумладан, “қора” руҳонийларда “целибат”, яъни уйланмаслик амалиёти мавжуд;
- тавба маросимида католикликдан фарқли равишда тавба қилувчи ва руҳоний юзма-юз ўтиришади.


Православликда ибодат асосан маҳаллий тилда олиб борилади. Рождество, Пасха каби умумхристиан байрамлари православликнинг ҳам асосий маросимлари ҳисобланади.

**Рим католик.** Католиклик (юнонча-бутун жаҳон) ҳам 1054 йилда христианликнинг иккита – ғарбий ва шарқий черковга бўлиниши натижасида ташкил топган.

**Католик черкови қатъий марказлашган ташкилот ҳисобланади.** Рим Папаси – католик черковининг бошлиғи. Ҳозирги кунда католик черковига раҳбарлик қилаётган Бенедикт XVI Рим Папаси лавозимига 2005 йилда сайланди.

**Католикликнинг диний таълимотида “Инжил” ва “Муқаддас ривоятлар”** билан бир қаторда Бутун жаҳон соборлари ва Рим Папасининг қарорлари ҳам диний таълимот манбаи, деб қаралади.

**Православлардан фарқли равишда католикликда:**



– “Муқаддас Рух” нафақат Ота-худодан, балки ўғил-худодан ҳам келиб чиққан, деб ҳисобланади;

– Исо ва унинг ҳаворийлари, Биби Марям ҳамда авлиёлар амалларини қамраб олган “хайрли ва савобли ишлар хазинаси” мавжуд ва ушбу хазина ҳисобидан черков гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтиш имконига эга, деб ҳисобланади.

– Аъроф (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ҳақидаги ақида мавжуд.

– Биби Марям ҳам Исо каби Аннанинг (Марямнинг онаси) иффати сақланган ҳолда Муқаддас руҳдан ҳомиладор бўлиши орқали дунёга келган, деб ҳисобланади;

– Папанинг бегуноҳлиги ҳақидаги ақида ҳам бор.

**Протестантлик.** Протестантлик (лотинча – норози бўлиш, келишмаслик) – XVI асрда католикликдан ажралиб чиққан христианликдаги уч асосий йўналишдан бири ҳисобланади.

*Протестантлик худонинг мавжудлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах, ваҳий ва илоҳий тақдир тўғрисидаги умумхристиан ақидаларини тан олади.*

*Шу билан бирга, протестантлик:*

– черков ва руҳонийларнинг эътиқод қилувчилар билан худо орасидаги воситачи эканини инкор этади;

– черков иерархияси, руҳонийлар ва оддий кишилар орасидаги табақаланишни рад қилади;

– монахлик, авлиёлар, хоч ва иконаларга сиғинишни нотўғри, деб ҳисоблайди;

– кўп маблағ талаб қиладиган тадбирларни асоссиз, деб билади;

– целибат (руҳонийларнинг уйланмаслиги)ни инкор этади.

Протестант оқимлари бир-бирларидан у ёки бу жиҳатларига кўра фарқлансаларда М.Лютер томонидан католик черкови таълимотига қарши кескин тарзда баён этилган:

– ўз эътиқоди билан нажот топиш;

– эътиқод қилувчиларнинг барчаси руҳоний бўлиши, яъни ҳар бир чўқинтирилган инсон черков ёрдамисиз ўзи худо билан мулоқотда бўлиши, тоат-ибодат қилиши, ваъз ўқиши мумкинлиги;

– “Библия”нинг олий нуфузи, уни ўқиш, ўрганиш ва тафсир қилиш эътиқод қилувчининг биринчи мажбурияти экани ҳақидаги 3 тамойил уларнинг барчаси томонидан бирдай тан олинади ва улар протестантликнинг асоскор қоидалари ҳисобланади.

**Илк протестантлик оқими – лютеранликка** юқорида қайд этилганидек, роҳиб Мартин Лютер (1483-1546) томонидан асос солинган.

“Библия” билан бир қаторда М.Лютер қарашларини ўзида мужассам этган “Келишув китоби” ҳам лютеранлик диний таълимотининг манбаи ҳисобланади.

Лютеранликда протестантликнинг бошқа оқимлари каби ибодат маросимлари содалаштирилгани билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бирга, христианликнинг етти сирли маросимларидан чўқинтириш ҳамда “нон ва вино тотиш” тан олинган ҳолда қолганларига оддий маросимлар сифатида қаралади.

Лютеранлар жамоаси Ўзбекистонда илк марта Тошкент шаҳрида 1885 йилдан расмий фаолият кўрсата бошлаган. 1896-1899 йилларда лютеранлар ибодатхонаси (кирха) қурилган.

1992 йил 8 сентябрда Немис евангель-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилди.



### **Еттинчи кун адвентистлари.**

**Адвентистлик** (лотинча – келиш, воқе бўлиш) протестантликдаги оқимлардан бўлиб, унга XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда Уильям Миллер (1782–1849) асос солган.

“Библия”ни ўрганиб, “охирзамон”нинг яқинлашаётгани ҳамда Исо Масихнинг минг йиллик ҳукмронлик даври бошланиши ҳақидаги фикрга келган У.Миллер 1831 йилда Исонинг 1843 йилда қайтиши ҳақида катта ваъз қилди. Бу ваъз ҳатто Европада ҳам акс-садо берди. 1843 йил кириб келганида эса У.Миллер ўз хулосасини бироз ўзгартириб Исонинг қайтиш муддатини 1844 йилга кўчирди. Исонинг 1843 йили келмаганининг сабаби эса, ўша йили Исо ерга эмас, балки “осмондаги покланиш жойи”(чистилище)ни тозалаш учун келган, деб талқин қилинди.



1845 йилда У.Миллер ва унинг издошлари баптистлар сафидан четлаштирилганларидан сўнг ўзларининг “адвентистлар” деб аталган ташкилотини туздилар.

“Еттинчи кун адвентистлари” адвентистлик замирида пайдо бўлган энг йирик оқим ҳисобланади. 1844 йилда АҚШда юзага келган ушбу оқимнинг асосчиси Элена Уайт (1827–1916) ҳисобланади.

“Еттинчи кун адвентистлари” таълимотига кўра, Худо ўз иродасини халққа етказиш учун гўеки, Элена Уайтни танлаган ва унга 2000 га яқин “кўринишлар” (видение) бўлган. Унинг бу “кўринишлар” асосида ёзган китоб ва хатлари “Библия” билан бир қаторда “Еттинчи кун адвентистлари” диний таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади.

#### **Еттинчи кун адвентистлигида:**

- “Библия” буйруқларига бўйсунуш қатъий талаб қилинади;
- бошқа христианлардан фарқли равишда, якшанба куни эмас, ҳафтанинг еттинчи куни – шанба улуғланади. Шунинг учун ҳам, уларни “Еттинчи кун адвентистлари”, деб атайдилар. Шанба куни ишлаш, ҳатто овқат тайёрлаш ҳам мумкин эмас. Бутун кун ибодатга бағишланади. Улар Исонинг тирилиши ва “охирзамонни” кутиб яшайдилар.

#### **Айни пайтда, Еттинчи кун адвентистлигида:**

- руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах тушунчалари инкор қилинади;
- чўқинтириш бутун танани сувга ботириш орқали ўтказилади;
- “нопок хайвонлар”, хусусан, чўчка гўштини ейиш, кофе, чой, вино ичиш, тамаки чекиш тақиқланади;
- турли хил кўнгилочар тадбирлар, бадий китоб ўқиш қораланади.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентистлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши Россия адвентистлари фаолияти билан боғлиқ. 1910 йилда Тошкентда илк адвентистлар жамоаси тузилади.



#### **Иегово шоҳидлари. “Иегово шоҳидлари”**

оқимига Чарльз Тейз Рассел (1852–1916) томонидан асос солинган. Оқимнинг диний таълимоти унинг етти томлик “Муқаддас Ёзувни ўрганиш” китобига асосланади.

“Иегово шоҳидлари” Училиқ ҳақидаги ақидани рад этишса-да, лекин унинг барча кўринишларини изоҳлашади. *Улар худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм “Иегово”дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.*

Иеговочилар Исо Худонинг ўғли бўлганига ишонишса-да, унинг Худо бўлганини инкор қилишади. *Уларнинг таълимотида кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух - Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган.*

Иегово бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан-тўғри тирилади ва осмон подшоҳлигига ўтиб кетишади.

**“Иегово шоҳидлари” фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар.** Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.



Ўрта Осиёда “Иегово шоҳидлари” диний ташкилотининг биринчи жамиятлари 1950-йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамизда “Иегово шоҳидлари”нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинганлигига қарамай ушбу оқим аъзолари ҳозирги кунда фаол даъват ишлари билан шуғулланишмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ўтказилаётган бир қатор тадбирлар натижасида, бундай ҳолатлар кўплаб аниқланмоқда.

**“Тўлиқ Инжил христианлари ёки “Пятидесятниклар”.** Пятидесятниклар” ёки “Тўлиқ инжил христианлари” протестантликдаги энг йирик оқимлардан бири ҳисобланади.

**Худо билан нотаниш тилда гаплашишни** бошидан ўтказган кўпчилик кейинчалик ўзларининг пятидес-ятниклик черковларига асос солдилар. Бундай черковлар Скандинавия мамлакатлари, Англия, Ҳиндистон, Чили, Германия каби давлатларда ҳам пайдо бўлди.

Пятидесятниклик диний ҳаётда **“Муқаддас Рух инъомлари” деган тушунчага таянади.** Таълимотга кўра, бу инъомлар фақатгина Муқаддас Рух билан чўқинтириш орқали Исо Масихнинг асл издошларига, унга хизмат қилиш воситаси сифатида берилади. **Муқаддас Рух билан чўқинтирилганликнинг ташқи белгиси деб пятидесятниклар глоссалия,** яъни “худо билан нотаниш тилда гаплашиш”ни тушунишади.

Уларнинг бир-биридан асосий фарқи худонинг раҳматлари сони ва сув билан чўқинтиришнинг услубларидадир. Хусусан, баъзи **пятидесятниклар 3 та раҳматга** – динга киргизиш, нурлантириш, яъни христиан таълимоти билан чуқурроқ таништириш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришга ишонишса, айримлари фақат 2 та раҳмат – динга киргизиш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришни тан олишади. Шунинг учун ҳам уларни “Икки раҳмат черковлари”, деб аташади.

**Пятидесятникликнинг диний таълимот манбаи “Библия”дир.** Унга кўра, **Муқаддас Рух доимо черковда намоён бўлиб туради.** Пятидесятникликда **Исонинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон ва минг йиллик ҳукмронлиги ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади.** Шунингдек, **Худонинг “Ўлдирма”, деган буйруғига амал қилиниши сабабли уруш ва ҳарбий хизмат қатъиян рад этилади.**

“Тўлиқ Инжил христианлари”нинг юртимиздаги илк жамоалари ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган.

**Евангел христиан-Баптистлик.** **Баптистлик** (грекча – **сுவга ботирмоқ**, сувга шўнғитиб чўқинтирмоқ) XVII асрда Англияда вужудга келган протестант йўналишидаги оқимлардан биридир.

Баптистлик диний таълимотининг асосида “Библия”нинг илоҳий нуфузини тан олиш, уни Муқаддас Рухдан руҳланган, нажот топиш ҳамда эътиқод ва ҳаётга нисбатан худонинг иродасини билиш учун ягона, зарур ва етарли манба, деб ҳисоблаш ётади. Шунинг учун ҳам жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан “Библия”ни ўрганиш ва тафсир қилишга кучли эътибор берилади.



**Протестантликнинг бошқа оқимлари каби баптистлар ҳам:**

– хоч ва иконаларга сиғинишни нотўғри, деб ҳисоблайдилар;

– авлиёларни қадрлаш, роҳиблик, чақалоқларни чўқинтиришни, никоҳ, миро мойини суртиш, елей суртиш, руҳонийликка қабул қилиш, тавба каби маросимларнинг “сирли” эканини инкор этадилар.

Исони ўзининг шахсий халоскори деб ишонган, ўн саккиз ёшга тўлган ва онгли муносабатини шакллантирган ҳамда сувда чўқинтирилган ҳар бир инсон черков аъзоси бўлиши мумкин. Шунингдек, христианликнинг бошқа оқимларидан чиқиб баптистликка кирувчиларни янгидан чўқинтириш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Баптистларда асосий эътибор мавъизаларга қаратиладиган ибодатлар ҳафтасига икки-уч маротаба ўтказилади. Уларда оддий эътикод қилувчи ёки бошқа жамоалардан келган меҳмонлар ҳам ваъз қилишлари мумкин. Ибодатларда диний ашулаларга ҳам катта ўрин берилади.

**Баптистликка кўра, ҳар гал вино ва нон тотиган инсон вужудида Исо намоён бўлади.** Бу маросим ҳар ойнинг биринчи якшанбасида бажарилади, унда фақат баптистлар таълимотига асосан чўқинтирилганлар қатнашадилар.

Баптистликда диний интизомга қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор берилади. **Ичкиликбозлик, бузуқлик, исрофгарчилик, оиласига вафосизлик, кўнгилочар муассасаларга бориш жамоадан сўзсиз ҳайдалишга олиб келади.**

Туркистон ўлкасига баптистлик XIX аср охирларида кириб келган. 1902 йилда Тошкентда уларнинг биринчи черкови ташкил этилган, 1926 йилда эса биринчи ибодат уйи қурилган.

**Новоапостол черкови.** “Новоапостол черкови” XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик оқимларидан бири ҳисобланади.

**“Новоапостол черкови” диний таълимотида 7 сирли маросимнинг учтаси эътироф этилади:**

- сув билан чўқинтириш (ёшнинг фарқи йўқ);
- причащение – нон ва вино билан тотиниш;
- Муқаддас Рух билан (запечатление) инсоннинг ички оламини бутунлай янгилаш.

Черков таълимотига кўра, Худо руҳонийларнинг дуо ва фотиҳалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру мурувватини ато қилади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб бир йилда уч маротаба (март, июль ва ноябрь ойларининг биринчи якшанба кунларида) ўтказиладиган диний маросимлар ҳам “Новоапостол черкови”нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу маросимларда марҳумларнинг қариндошлари ва руҳонийлар иштирок этиб, худодан уларнинг бу дунёда қилган гуноҳла-рини авф этишини сўраб, ибодат қиладилар.

**Черковни биринчи апостол ва апостоллар бошқарадилар.** Ўз навбатида улар христианликдаги машҳур 12 апостолнинг ворислари ҳисобланадилар (“Новоапостол черкови” номи шундан келиб чиққан). Биринчи апостол, диний қоидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Черков ходимлари ўз вазифаларини бепул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар “Новоапостоль черкови” Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган.

**Арман григориан (апостоллик) черкови.** Арман апостоллик черкови энг қадимги христиан черковларидан бири ҳисобланади. Авлиё Григорий Просветитель (Арман-григориан номи шундан келиб чиққан) ҳаракатлари билан 301-йилда Арманистонда христианлик давлат дини, деб эълон қилинади.

**Арман апостоллик черковининг диний таълимоти православлик таълимотига жуда яқин. Фақат арман апостоллик черковида православликдан фарқли равишда Исонинг жисмида худодик ва инсонлик хислати алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмай, улар ўзаро қўшилиб кетган, деб ҳисобланади.** Черков таълимотида христианликнинг барча сирли маросимлари тан олинади. Шу билан бирга, арман-григориан черковида бошқа христиан йўналишларида учрамайдиган **“матах”** деб номланадиган **қурбонлик келтириш маросими** мавжуд. Бу маросим катта байрамлар муносабати билан амалга оширилиб, буқа, қўй ёки парранда сўйилиб, унинг гўшти махсус дуо билан илоҳийлаштирилган тузли сувда пиширилади. Пишган гўштниг ҳаммаси шу куннинг ўзида яқин кишиларга тарқатилиши лозим.

Ушбу черков вакиллари Исо туғилган куни (Рождество, 6 январь), Исонинг хатна қилиниши (14 январь) каби байрам ва маросимларни нишонлайдилар. Самарқанд шаҳридаги Арман-григориан черкови 1903 йилдан фаолият кўрсата бошлаган.



**Буддавийлик дини. Буддавийликда тхеравада ва махаяна йўналишлари мавжуд.**

**Тхеравада** (нажот топишнинг тор йўли) – буддавийликнинг Будда давридаги таълимотига амал қилади. Хинаянада ҳаёт азоб-уқубатларидан монахлик жамоасига аъзо бўлганларгина халос бўла олади, деб ҳисобланади.

**Махаяна**да (нажот топишнинг кенг йўли) эса монахлик рад этилади ва Будда ўғитларига амал қилувчи, худога илтижо қилувчи, монахларга моддий ёрдам берувчи, дунёвий ишлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши нажот топиши мумкин, деб билинади.

Юртимизда эса буддавийликнинг махаяна йўналишининг таркибий қисми бўлган– ламаизм тарқалган.

**Ламаизм** (тибет тилида “лама” – “энг улуғ”, деган маънони англатади) Тибетда VII–XIV асрларда тибетликларнинг қадимий диний қарашлари ҳамда Махаяна ва Тантризм уйғунлашуви асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади.

**Буддавийликнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар (руҳонийлар) ёрдамида нажот топади.** Ламаларсиз нирванага етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб ҳисобланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси **“Канжур”** (108 жилдли) ва **“Танжур”** (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Ламаизмда йўналишнинг олий диний раҳнамоси Далай-Лама туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, деб ҳисобланади. Далай-тибет тилида “денгиз” маъносини англатади. Далай-Лама “денгиздек улуғ лама” деганидир. Бу унвон 1391 йилда жорий қилинган. Биринчи Далай-Лама Биндуидуб (1391–1475) бўлган. Ҳозирги кунда Далай-Лама XIV Лозондантзенжанцо-Игвант ҳисобланади. Ламаизм диний ҳаётининг марказини монастырь ташкил қилади. У ерда Далай-Лама, ламалар диний уюшмаси, роҳиблар, талабалар фаолият олиб боради.

**Ҳиндуийлик дини.** Милоднинг биринчи минг йиллиги ўрталарида вужудга келган ҳиндуийликда Брахма, Вишну, Шива, Индра ва Агни каби худолар мавжуд.



Олам ва ундаги мавжудотларни бош худо Брахма яратган деб ҳисобласалар-да, ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар. Бу диннинг муқаддас китоби-“Веда” (“Билиш”), деб аталади.

**Халқаро Кришнани англаш жамияти.** “Халқаро Кришнани англаш жамияти” Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда “Веда” фалсафаси билимдони сифатида “Бхактиведанта” (санскритча–“содиқлик”, “фидокорона хизмат”)

унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан англиз тилига кўпгина “Веда” матнлари, жумладан, “Бхагавадгита” (“Худо кўшиқлари”)ни тафсиллар ёзиб таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами (“Ақл ва ҳиссиётлар эгаси”) унвонига эришади.

1965 йилда А.Ч. Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва “Халқаро Кришнани англаш жамияти”га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига бўлган катта қизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

**Кришначилик** (вайшнавизм) *одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуийликнинг икки асосий оқимларидан бири ҳисобланади.* Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига “Бхагавадгита”дан ташқари бошқа “Веда” матнлари ҳам қиради.

**Кришначилик яккахудоликка, яъни ягона ва мутлоқ худо – Кришнани тан олишга асосланади.** У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комилликка эришиш ва шу йўл билан худога қўшилишни олий мақсад, деб билдилар.

**Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин.** Бунинг учун бир қанча ҳаракат шаклларини ўз ичига олган ва худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган **бхактха-йога** машқлар тизими ишлаб чиқилган. **Айни пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қаҳва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва қимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.**




Кришначиликда медитация деб аталувчи,

ибодатхонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани “Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе”, деган махамантра (“озод бўлишнинг буюк кўшиғи”)ни қуйлаш билан шарафлаш амалиётини қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат-эътиборни худога муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.

“Халқаро Кришнани англаш жамияти”да ўз эргашувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги–санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар.

**Баҳойлик. Баҳойлик** – XIX асрда Эронда бобийлик оқими замирида вужудга келган диний оқим. Шерозлик **Сайид Али Муҳаммад** (1819–1850) 1844 йилда Боб (арабча – “эшик”), яъни янги даврга “эшик” номини олиб, яқин орада “Худо элчиси”нинг намоеън бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этишини тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Ҳусайн Али Нурий (1817–1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллоҳ, яъни “Аллоҳнинг жилоси” номини олади. Ушбу оқимнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.



Баҳоуллохнинг **“Китоби Ақдас”** ва **“Китоби Иқон”** асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Оқим асосчиси ўзига “Аллохнинг жилоси” номини қабул қилган бўлса-да, баҳойилар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

**Баҳойлик таълимотига кўра:**

- барча динлар бир илдиздан пайдо бўлган ва пайғамбарлар биродар ҳисобланади;
- Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллох ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;
- худо ҳар минг йилда ер юзига янги пайғамбар туширади;
- жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;
- ҳозирги барча динлар бир-бирларини инкор қилади, шунинг учун ҳам уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойилар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим;
- Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

**Баҳойликда руҳонийлар йўқ.** Маҳаллий жамоаларни йилда бир мартаба (21 апрель) яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ бўлган ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. **Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади.** Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойилар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар.

**Баҳойларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган.** Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида баҳойларнинг илк вакиллари – савдо-сотик билан шуғулланувчи тижоратчилар–XIX аср охирларида Самарқанд шаҳрида пайдо бўлган.

**Яҳудийлик дини.** Яҳудийлик дини яҳудий халқининг яқка худоликка асосланган динидир. Энг қадимий динлардан бири ҳисобланади.

Яҳудийлик таълимотига биноан ушбу дин тарихи Иброҳим пайғамбардан бошланади. Манбаларга кўра, Иброҳим пайғамбарнинг набираси Исроил (Ёқуб) нинг 12 фарзандидан 12 қабила пайдо бўлган. Яҳудийлик ана шу ўн икки фарзанднинг тўртинчиси **Яҳудо** номи билан боғлиқ. Яҳудий динининг муқаддас ёзувлари асосан, иккита бўлиб, улардан биринчиси Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган “Тора” (“Таврот”), иккинчиси “Талмуд”дир.



Яҳудийлар “Библия”си қадимги яҳудий тилида

**“Китве Кодеи”** ёки **“Танах”**, деб номланади. **Унга кирган китоблар уч гуруҳга бўлинади:** 1) Мусонинг беш китоби ёки **“Тора”** (ўзбекча “Таврот” – “Қонун китоби”, “Таълимот”); 2) **“Пайғамбарлар”** (“Небиим”); 3) **“Ёзув”** (“Кетубим”), тарихий ҳикоялар. Яҳудийлар динга асосланган ҳаёт қонун-қоидалари тўплами – **“Талмуд”** (қадимий яҳудий тилида ламейд – ўрганиш)ни яратдилар.

**Яҳудийларнинг йиллик байрамлари қуйидагилар:**

1. **Песах** (Пасха) байрами. Бу байрам христианларнинг Пасхасидан фарқли равишда яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – маца ейилади. Мацани ейиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этади.



2. **Шеббуот** (Шевуот) байрами. Пасхадан кейинги 50-куни нишонланади. Бу байрам Синай тоғида Мусога Худо томонидан “Тора”нинг берилишини нишонлаб ўтказилади.

3. **Рош-Ашона**. Кузда нишонланадиган янги йил байрами – яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, гуноҳлари қолмаслиги учун чўнтақларини тўнтариб, яхшилаб қоқадилар.

4. **Йом-Кипур**. Гуноҳлардан покланиш байрами. Рош-Ашона ва Йом-Кипур байрамлари ўртасида рўза тугилади. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, яланг-оёқ, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб, тавба қиладилар.

5. **Пурим** (Қуръа) байрами. Яҳудий байрамлари ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам яҳудийларнинг уларни қириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади.

Миллий дин ҳисобланган яҳудийликда бошқа миллатларни ўз динларига даъват этиш қатъий ман этилгани учун ҳам уларнинг фаолиятида миссионерлик ҳаракати кузатилмайди.

## **2-ўқув савол. Ўзбекистонда ноисломий диний ташкилотларнинг фаолият юритиш тартибларини белгиланиши**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Мамлакатимизда Ислом дини қатори ноисломий диний ташкилотларнинг фаолият юритишлари учун ҳам бир қатор имконият ва шароитлар яратилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунлар орқали белгилаб берилган.

Жумладан, бугунги кунда Республикамиз Адлия идораларида давлат рўйхатларидан ўтган жами **14 та ноисломий диний ташкилотлар** фаолият юритмоқда.

Ушбу ташкилотларга қарашли бўлган **жами 175 та**, шундан, Рус православ черковига қарашли 37 та, Рим католик черковига қарашли 5 та, Евангел христиан баптистлар черковига қарашли 23 та, Тўлиқ инжил христианлар черковига қарашли 21 та, Еттинчи кун христиан адвентистлар черковига қарашли 19 та, Новоапостол черковига қарашли 4 та, Немис Евангель лютеранлар черковига қарашли 3 та, Арман апостоллик черковига қарашли 2 та, “Иегов гувоҳлари” черковига қарашли 1 та, Корейс протестант черковлари 53 та, Яҳудийлар диний жамоасига қарашли 8 та, Баҳой диний жамоасига қарашли 6 та, Кришнани англаш жамиятига қарашли 1 та, Будда ибодатхонасига қарашли 1 та ва Ўзбекистон Библия диний жамиятига қарашли 1 та, “Голож Божий” диний жамиятига қарашли 1 та ибодатхона, монастыр, марказий орган, черков, жамоа ва жамиятлар республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган бўлиб, фуқароларнинг ушбу динларга эътиқод қилишлари учун хизмат қилмоқда.

Юқорида кўрсатилган ташкилотларнинг фаолиятлари айниқса Республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Навоий, Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақолпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудларида фаоллашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида ноисломий секталар ҳам фаолият олиб бораётганлиги ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан аниқланмоқда.

Республика ҳудудида миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган ноисломий диний конфессия ва ташкилотлар ўз ғоя ва тушунчаларини тарғиб қилишни қуйидаги учта босқичда амалга оширмоқдалар.

Жумладан,

### **➤ биринчи босқич:**

➤ тарғибот-ташвиқот ишлари, шунингдек диний адабиётларни тарқатиш ва аста секинлик билан фуқароларни давлат рўйхатидан ўтган черков ҳамда ибодатхоналарга қатнашишга жалб қилиш;

### **➤ иккинчи босқич:**

➤ Рухсат этилмаган йиғилишларга қатнаштириш ва адептларнинг хусусий манзилларида диний сабоқлар бериш.

### **➤ учинчи босқич:**

**прозелитизм** - яъни “сув билан чўқинтириш” маросимини ўтказиб, шахсни мазкур динни қабул қилганлигини эътироф этиш.

Ноисломий конфессия, ташкилот ва секталарнинг ғояларини маҳаллий аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини турли хил йўللار орқали республикамизга қириб

келаётган миссионерлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан бўлган уларнинг тарафдорлари, издошлари томонидан амалга оширилмоқда.

Тарғибот-ташвиқот ишлари биринчи навбатда яқин қариндошлари, танишларига, шунингдек жамоат жойларида ва турли хил учрашувларда, меҳмонгарчиликка борилганида очиқчасига ёки мақсадни сир тутган ҳолда ўзаро суҳбатларни ташкил этишдан иборат. Миссионерлик фаолияти диний мазмундаги журнал, буклет, аудио ва видео ёзувлар, Инжил ва бошқа диний адабиётларни тарқатиш орқали амалга оширилади.

Бунда, чет эл миссионерлари турли хил хайрия тadbирларини ўтказиш орқали ҳудудларда яшовчи аҳолини ўзларига моддий ва маънавий томондан қизиқтиришга ҳаракат қилишади. Шунингдек, чет эл миссионерлари иштироки билан жойларда чет тилларини, компьютерда ишлашни ўргатиш курсларини бепул ташкил этиш услублари мавжуд.

Юқорида кўрсатилган секта ва ташкилотлар Республикамиз аҳолиси ўртасида фуқароларнинг ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар улар орасида фаол миссионерлик ва прозелитик фаолиятларини олиб боришмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, миссионерларнинг биринчи “ишлов”идан кейин фуқаролар Адлия идораларидан рўйхатдан ўтган черков ва ибодатхоналарга боришни бошлашади ва у ерда янги келган фуқароларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, уларга чет элларда яхши ҳақ тўланадиган ишларга юбориш, чет элларда таълим олишга кўмаклашишга ваъдалар бериб, турли хил моддий ёрдамлар бериб ишончларини қозонишга ҳаракат қилинади.

#### Мустақил тайёргарлик учун топширик:


1. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни ўқиб ўзлаштириш.
2. 2014 йил 20 январь куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори мазмун-моҳияти ўқиб конспектлаштириш.

### 5.3 –Мавзу: Ноисломий диний ташкилотларнинг миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ноқонуний фаолиятига қарши курашишни ташкил этиш.

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўздан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:



## САВОЛ-ЖАВОБ УСУЛИ:

**1-Савол:** Бугунги кунда Республикамиз Адлия идоралари давлат рўйхатларидан ўтган жами қанча ноисломий диний ташкилотлар фаолият юритмоқда?

**2-Савол:** Диний конфессиялар дегенда нимани тушунасиз?

**3-Савол:** Миссионерлик тарихини биласизми ва улар ҳозир ҳам борми?

**4-Савол:** Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қайси моддасида прозелитизм ҳўқида гап кетган?

**5-Савол:** Христианликнинг 7 сирли маросимни биласизми?

**6-Савол:** Православлар ва католикликлар орасидаги фарқ?

**7-Савол:** Адвентистлик оқими қандай оқим?

**8-Савол:** Ўрта Осиёда “Иегово шоҳидлари” диний ташкилотининг биринчи жамиятлари қачон пайдо бўлган?

**9-Савол:** Баптистлик оқими қандай оқим?

**10-Савол:** Буддавийлик динининг нечта йўналиши бор?

**11-Савол:** Ҳиндуийликдаги худоларни биласизми?

**12-Савол:** Шерозлик Сайид Али Муҳаммад қайси оқим асосчиси?

**13-Савол:** Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ҳақида нималарни биласиз?

## 5.4-МАВЗУ: ОДАМ САВДОСИ-ДАВР МУАММОСИ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРИ.

### МАРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Режа:

**1-ўқув савол:** Одам савдосига қарши кураш тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.

**2-ўқув савол:** Одам савдосига қарши курашда ИИОлари олдида турган вазифалар.

**1-ўқув савол:** Одам савдосига қарши кураш тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги ЎРҚ-633-сон Қонуни 2020 йил 17 августда қабул қилинган.

**Қонун 7 та боб, 35 та моддадан иборат.**

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. **Вояга етмаган шахс савдоси** — «одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади;

**Келиб чиқиш мамлакати** — худудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиш амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат;



**Мажбурлаш** — мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришни мажбурловчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундаш мақсадидаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уларни қўллаш таҳдиди;

**Одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эркисизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англатади;

**Одам савдосидан жабрланган шахс** — одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс;

**Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш** — жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**Одам савдосига қарши курашиш** — одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият;

**Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс** — дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс;

**Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс** — мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига қўмаклашаётган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса-да, одам савдосига тўсқинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс.

**Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:**

- қонунийлик;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;
- одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
- ижтимоий шериклик.

**Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

➤ одам савдосига қарши курашишга, шу жумладан одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, профилактика чора-тадбирларини, ахборотга оид чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

➤ одам савдосини ўз вақтида аниқлаш ва унга чек қўйиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

➤ одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан ижтимоий ҳимоя қилиш;

➤ одам савдосига қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, конференциялар, семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказишга доир фаолиятни, шунингдек ушбу соҳадаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш;

➤ одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 12-сон қарорида берилган тушунтиришларга кўра, *олди-сотди тариқасидаги одам савдоси* одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мўлк), мўлкий характердаги хизматлар, мўлкий ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к. лар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутати. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

**Олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равишда, Жиноят кодексининг 135-моддасида** назарда тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш) да жинойий жавобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

**«Одамни эксплуатация қилиш» тушунчасига** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги қарорида *«одамни эксплуатация қилиш»* – бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англатади» дея шарҳ берилган.

Демак, одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилишда ифодаланган қилмишлар мазкур одамни эксплуатация қилиш мақсадида содир этилган тақдирдагина **Жиноят кодексининг 135-моддасида** назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик вужудга келади.

Жиноят кодекси 135-моддасида назарда тутилган қилмишлардан бири – **ёллаш деганда**, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини кидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к) тушунилади.

**Ташиш** – шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Топшириш** – одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади.

**Яшириш** – жабрланувчини ҳокимият вакилларида, қариндошларидан ёки унинг тақдирдан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади.

**Қабул қилиш** – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

**Одамни эксплуатация қилиш кўйидаги шаклларда намоён бўлади:**

- бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш;
- бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация;
- мажбурий меҳнат ёки хизматлар;
- қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар;
- эрксизлик ҳолати;
- одам аъзолари ёки тўқималари олиниши.

Одам савдоси жиноятида **фоҳишабозликда фойдаланиш деганда**, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш тушунилади. **Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда**, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

**Мажбурий меҳнат** – бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

**Қуллик** – ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга ошириладиган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.

**Эркизлик ҳолати** – шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамини олиш-соттиш битими тузилган пайтдан ёки мазкур моддада кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Мазкур модданинг учинчи қисми «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса) да назарда тутилган қилмиш эса моддий таркибли бўлиб, ушбу ҳолатда жинойий жавобгарлик, фақат одам савдосида **объект** сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирда келиб чиқади.

Одам савдоси жиноятининг **субъекти** мазкур жиноятни содир этган вақтида 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Шу билан бирга ЖК 135-моддасининг учинчи қисми «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса) да назарда тутилган жинойий оқибат эҳтиётсизлик оқибатида етказилган бўлиши талаб этилади. Агар мазкур оқибат қасддан етказилган тақдирда, қилмиш ЖК 135-моддаси ҳамда мазкур оқибатларни қасддан етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари (масалан, ЖК 97-моддаси ва ҳ.к.) билан кўшимча квалификация қилинади.

**Жиноят кодекси 135-моддасининг 2-қисмида одам савдоси жиноятини кўйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:**

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса.

Одам савдоси жинояти жабрланувчини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш билан боғлиқ тарзда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг **135-моддаси иккинчи қисми «а» банди** билан квалификация қилинади.

**Ўғирлаш деганда**, одамини қонунга хилоф равишда, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишда уни олиш-соттиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

**Зўрлик ишлатиш** ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлсада, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Агар одам савдосида шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш **Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди** (зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали) билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси тегишли қисми билан кўшимча квалификация қилиниши лозим.

**Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда**, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўкадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини

бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан умумий қасд билан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъи назар **Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «б» банди** билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ва ига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 ноябрь 12-сонли қарорида берилган тушунтиришларга кўра, **ожиз аҳвол деганда**, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсон, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

Ожиз аҳвол сифатида, жумладан алкогольли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Агар жабрланувчининг ожиз аҳволга тушиб қолиши гиёҳвандлик воситалари, психотроп, кучли таъсир этувчи, заҳарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги оқибатида келиб чиққанлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмга таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим. Экспертиза натижаларига кўра, мазкур ҳолатларда айбдор шахслар томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлик аниқланса, Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 135-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича баҳолалиши лозим.

Қолган шахсларнинг (жабрланувчи ёки бошқа шахс) ҳаракатлари эса етарли асослар бўлган тақдирда, Жиноят кодексининг тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалар билан муомала қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари квалификация қилиниши лозим.

**Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «г» банди** билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

**Моддий қарамлик**, жумладан, жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигани, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к. ни англатади.

**Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда**, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

Агар қилмишда такроранликдан ташқари икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилганлик аломатлари ҳам мавжуд бўлган тақдирда (масалан, бир ҳолатда икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, иккинчи ҳолатда эса бир шахсга нисбатан ёки ҳар иккала ҳолатда ҳам икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилган тақдирда) айбдор шахснинг ҳаракатлари тегишлича **ЖК 135-моддасининг иккинчи қисми «б» банди** билан ҳам квалификация қилиниши лозим.

**Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда** содир этилган одам савдоси (Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «ж» банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда

тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

**Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «з» бандида** назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилганида намоён бўлади.

**Одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг «ж»** (хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда), **«з»** (жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда), **«и»** (қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда), **«к»** (киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса) бандлари билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**Жиноят кодекси 135-моддасининг 3-қисмида эса одам савдоси жиноятини қўидаги алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган:**

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат, айбдор жабрланувчининг ёши тўғрисида мазкур жиноятларни содир этгунга қадар аниқ билган (қариндош, таниш бўлган ёки жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишган ва ҳ.к.) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи қиёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

Жабрланувчи ўзининг ёшига нисбатан улғайганроқ кўриниши асосида келиб чиққан инсофли янглишиш айбдор шахсга нисбатан мазкур квалификация белгилари қўйилишини истисно этади.

Жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган одам савдоси жинояти (Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «б» банди) бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Одам савдоси жинояти натижасида келиб чиққан **бошқа оғир оқибатлар сифатида**, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юқтирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиниши мумкин.

Одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисмининг «б» банди (жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса) билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Одам савдоси жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларнинг ҳаракатлари, агар судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, **ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди** бўйича квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисмининг «г» бандида мазкур жиноятни уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, уюшган гуруҳ томонидан одам савдоси жиноятининг содир этилиши жамият учун катта хавф туғдиради.



**Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмига** кўра, уюшган гуруҳ деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бириктирилиши тушунилади.

Жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Одам савдоси уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, **Жиноят кодексининг 28-моддасига** ҳавола қилинмаган ҳолда 135-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Одам савдоси жинояти иштирокчиликда содир этилганда, жиноят субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (такроран ёки хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист ва ҳк.) фақат ушбу белгилар бевосита тааллуқли бўлган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олинади лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарорига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотилш, шунингдек, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқасидаги одам савдоси Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси билан камраб олинади ва Жиноят кодексининг 168-моддаси билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми «а» банди (жуда кўп миқдорда содир этилган фирибгарлик) бундан мустасно.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, оловчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

**2-ўқув савол:** Одам савдосига қарши курашда ИИО лари олдида турган вазифалар.

**Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:**

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:**

\* одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

\* одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

\* одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;

\* одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этади ҳамда амалга оширади, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;

\* одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

\* одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот тақдим этади;

\* оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади;

\* одам савдосига қарши курашиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади;

\* одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарори.**

**дастлабки идентификация** — жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олишга, ўрганишга ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар;

**сухбат** — одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш, уларга тегишли ёрдамларни кўрсатиш учун одам савдосидан жабрланган шахс сифатида эътироф этишга ҳамда уларнинг Қонунда кўрсатилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган суҳбат;

**суҳбат ва қайта йўналтиришни олиб борувчи мутахассис** — «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [10-моддасида](#) кўрсатилган давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг махсус билим ва кўникмага эга бўлган вакили;

**қайта йўналтириш** — одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни тезкор, сифатли ва малакали ёрдам кўрсатилишига ҳамда ҳимояга олишга йўналтириш;

**яқуний идентификация** — жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:**

☞ одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилади, рўйхатга олади ҳамда уларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг [Қонун](#), шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқишини таъминлайди;

☞ келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилади ҳамда қайта йўналтиради;

☞ ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумлар орасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қилади ва уларни идентификация қилишни ташкил этади;

☞ ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий медиа соҳасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қилади ва уларни идентификация қилишни ташкил этади;

☞ одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонунда](#) назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширади;

☞ одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш даврида одам савдосидан

жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади;

📖 одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади;

📖 идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглари ташкил этади. Ўз ходимларининг малака даражасини ошириш истагини билдирган мазкур орган ва ташкилотларнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг ҳудудий филиалларида ўқитиш ташкил этилади;

📖 одам савдоси жиноятлари содир этилган хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари учун ҳар йили одам савдосининг муаммоси тўғрисида хабардорликни ошириш ва бошқа мамлакатда аниқланган одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни қайта йўналтириш бўйича кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув семинар-тренинглари масофавий видео-алоқа каналлари орқали ташкил этади.

Идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглари ташкил этади;

**Одам савдосининг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олади:**

❖ фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

❖ одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида мазкур соҳадаги фаолиятнинг доимий мониторингини амалга оширишни;

❖ одам савдосидан жабрланганлар тушиб қолиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар ҳақида, давлат ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар томонидан тақдим этиладиган ҳимоя чоралари тўғрисида, одам савдосига қарши курашиш учун давлат томонидан кўрилатган жиноий ва маъмурий таъсир чоралари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини оширишни;

❖ туристик фаолиятни, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига доир талабларни белгилашни;

❖ Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларида ва нодавлат таълим ташкилотларида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни;

❖ одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўришни.

❖ Одам савдосининг олдини олиш қонунчилиikka мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

❖ Ўзбекистон Республикаси ИИВ бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси яратилишини ташкил этади.

**Маълумотлар базасига:**

- \* давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, нодавлат ноtijорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан;
- \* тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувни, дастлабки терговни ва суд муҳокамасини амалга ошириш натижасида;
- \* Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросидан;
- \* тезкор алоқа, ишонч телефонлари орқали ва бошқа манбалардан олинган ахборот киритилади.

**Маълумотлар базасига қуйидагилар тўғрисидаги ахборот киритилади:**

- ✓ одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ҳақидаги;
- ✓ одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ахборот — аёллар ва болалар ҳақидаги ахборот алоҳида ажратилган ҳолда, шунингдек уларга кўрсатилган ёрдам натижалари ҳақидаги;
- ✓ фойдаланиш турлари, жиноят содир этиш усуллари тўғрисидаги ва бошқа ахборот.

**Маълумотлар базасига киритилган ахборот махфийдир.**

**Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- \* ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш даврида моддий ёрдам кўрсатишни;
- \* вақтинчалик уй-жой, озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари билан, зарур ҳолларда эса кийим-бош, пойабзал ва бошқа энг зарур ашёлар билан таъминлашни;
- \* ишга жойлашишда, таълим олишда, касбий жиҳатдан йўналтиришда ва касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатишни;
- \* ижтимоий жиҳатдан қайта интеграцияга, шу жумладан қариндошларини излашида ёрдам кўрсатишни;
- \* ижтимоий реабилитация ва мослашув, шахсларнинг одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга такроран жалб этилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган дастурларни ташкил этишни.
- \* Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланадиган одам савдосидан жабрланганлар билан ишлашга доир яқка тартибдаги режа асосида амалга оширилади.
- \* Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ва уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек кўрилатган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

**Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги ЎРҚ-633-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорларини ўқиб конспектлаштириш.

**5.4-Мавзу: ОДАМ САВДОСИ-ДАВР МУАММОСИ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРИ.**

**СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 СОАТ)**

Ушбу ўқув машғулоти **“Балиқ скелети”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади. «Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча,

маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

### Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

### Тингловчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:

**Таҳлил қилинадиган муаммолар:** Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ижро этишдаги айрим муаммолар.

**1-муаммо.** Одам савдоси тўғрисида жинойт кодексининг 135-моддаси.

**2-муаммо.** Вояга етмаган шахс савдоси.

**3-муаммо.** Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс.

**4-муаммо.** Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс.

**5-муаммо.** Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви.



### Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси 135-моддасини тўлиқ ўзлаштириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони ўқиб ўрганиш.

### 5.5-МАНЗУ: ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА ИИОЛАРИНИНИГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ (2 соат)

#### Режа:

**1-ўқув савол.** Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ қилмишлар учун маъмурий жавобгарликка тортишликнинг ҳуқуқий аҳамияти.

**2-ўқув савол.** Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ қилмишлар учун жинойий жавобгарликка тортишликнинг ҳуқуқий аҳамияти.

**3-ўқув савол.** Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, ходимлар томонидан уларни расмийлаштириш вақтида йўл қўядиган камчиликлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида *“Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”* деб, *“бу борада аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифалардан бири бўлиши зарурлиги ҳамда дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бўзилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин”*лигини айтиб ўтганлар.



Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада ички ишлар органларини халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантириш долзарб вазифа эканлигини юртбошимиз таъкидлаб ўтганлар.

Ички ишлар органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган самарали тизим жорий этилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йил 30 ноябр**да “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-5268**-сонли Фармонининг ҳам ижроси таъминланмоқда.

Ислохотларнинг давоми сифатида Президентимиз **Ш.М.Мирзиёев** ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги ролини янада кучайтиришликни инобатга олиб, “ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз” деб, таъкидлаганларини ҳам айтиб ўтиш жойиздир.

Ҳозирда Республикамизда гиёҳвандликка қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, гиёҳвандлик мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий илдизларига болта уради, миллатнинг генофондига жиддий путур етказди. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, унинг ҳаётга энди кириб келаётган аъзоларини ўз домига тортишга, уларни жисмоний, моддий қарам қилишга интилади. Маълумки, Афғонистонда ишлаб чиқарилган героиннинг асосий қисми Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараларидан яширинча, транзит юк шаклида Европанинг бошқа давлатларига контрабанда усулида ўтказилаётгани, унинг маълум қисми эса, транзит давлатлар ҳудудида сотиш орқали гиёҳвандларнинг эҳтиёжини қондириш учун шу ҳудудда қолдирилиши айниқса ташвишли ҳолатдир.

**1-ўқув савол.** Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ қилмишлар учун маъмурий жавобгарликка тортишликнинг ҳуқуқий аҳамияти.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтиришдир.

Барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатда албатта қонун устуворлигини таъминлаш зарур. Бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигини 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт” эканлигини бежиз таъкидламаганлар.

Ҳозирги кунда Ички ишлар органлари томонидан Республикамиз ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни барвақт олдини олиш, шунингдек жиноятчиликни жиловлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни самарали ташкил этиш мақсадида ходимларининг касбий, психологик, хизмат ва жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ички ишлар органлари ходимларини халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб биладиган профессионал тузилмага айлантириш борасида самарали ишлар ташкиллаштирилмоқда.

Лекин, шунга қарамадан, сўнги вақтларда ички ишлар органларининг айрим ходимлари томонидан уларнинг ўзи қонун ҳимоячиси бўла туриб, салбий ҳолатларга йўл қўяётганликлари, яъни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, шунингдек жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш каби жиноятларга билиб-билмасдан қўл ураётганликлари ачинарли оқибатларга олиб келмоқда.

Шу сабабли, 2020 йил 24 январдаги Президентимиз **Ш.М.Мирзиёев**нинг Олий Мажлисга қилган мурожатномасида: *“Яна бир бор айтмоқчиман – дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин”* – деб таъкидлаб, ички ишлар орган ходимлари ҳозирги кунда ҳам эски тизимда ишлаётганлиги, уларнинг малакасини ошириш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Бу борадаги муаммолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жойлардаги ички ишлар органларининг барча соҳавий хизмат ходимларини касбий, психологик, хизмат ва жанговар тайёргарлиги, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишлари етарли даражада олиб борилмаслиги, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ходимлар томонидан далиллар мақбуллигига оид қонунчилик нормаларини амалиётда қўллаш борасидаги билимлари ва кўникмалари етишмаслиги натижасида юқорида қайд этилган турли салбий оқибатлар келиб чиқишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан жиноят ишларини юритиш жараёнида қонунийликни таъминлашлари, жиноят ишларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб боришлари лозим.

## **МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**МЖТКнинг 56-моддаси. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш**

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, -

Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

**МЖТКнинг 105-моддаси. Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни кўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик.** Таркибида гиёҳванд моддалар



бўлган наша ва мойли кўкнор экинларини, мазкур экинлар ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш жойларини қўриқлаш юзасидан белгиланган тартибни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, шунингдек таркибида гиёҳванд моддалар бўлган шундай экинларнинг анғизлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиб ташлаш чораларини кўрмаганлик, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**МЖтКнинг 106-моддаси. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик.** Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик, -фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**2-ўқув савол. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортишликнинг ҳуқуқий аҳамияти.**

**Гиёҳвандлик воситалари** – “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари, “1961 йилги “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги Ягона Конвенцияга тузатишлар ҳақида”ги 1972 йилги Протоколга асосан киритилган тузатишлар билан бирга.



**Прекурсорлар** – БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида”ги 1988 йилги Конвенциясига Илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда.

**Психотроп модда** – БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал.

**Катта экин майдони** – 1.000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони.

**Ўртача катталикдаги экин майдони** – **250 квадрат метрдан** 1.000 квадрат метргача бўлган экин майдони.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан муомала қилиш тартиби «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг **2018 йил 22 октябрь** кунги **№503-сонли Қонуни** билан белгиланади. Ушбу қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомалада бўлиши (олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш) тартибга солинган. Бироқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига, инсонларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириши ҳаммага маълум. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги ЖК Махсус қисми олтинчи бўлимнинг XIX бобида белгиланган.

**Жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар** тушунчаси мавжуд эмас, бироқ жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги жиноятлар деганда, жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. Мазкур жиноятларнинг турдош объекти бўлиб, инсонларнинг соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлиги ҳисобланади. ЖК Махсус қисмининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида жойлашган ва алоҳида (аниқ) шахсларнинг соғлиғини



муҳофаза этадиган нормалардан фарқли ўлароқ ушбу бобдаги жиноятлар кўпчилик шахсларнинг ёки муайян ҳудуддаги бир қисм аҳолининг соғлиғига хавф туғдиради. Шунинг учун жабрланувчиларнинг ноаниқ кенг доираси бу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлардан биридир.

Кўрилатган жиноятларнинг бевосита **объекти** бўлиб, аҳолининг соғлиғи ҳисобланади. Фақатгина, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар ЖКнинг 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бўлиб ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқий баҳолашда жиноят предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ушбу турдаги жиноятларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тушунчаси амалдаги ЖК ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август кунги Қонунининг 3-моддасида** гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган:

**гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

**психотроп моддалар** – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Кўрилатган аксарият жиноятларнинг **объектив томони** турли хил фаол ҳаракатларда намоён бўлади: тақиқланган экинларни етиштириш (ЖК 270-м); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-м); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-м); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-м).

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (**ЖК 275-м**) каби жиноятлар ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эгаллигини алоҳида эътироф этиш лозим. Яъни, айрим нормаларнинг жиноят таркиби белгиларини шакллантиришда қонун чиқарувчи томонидан муайян қоидаларни бузишнинг айнан қайси қилмишлар ташкил этиши аниқ кўрсатилмаганлиги (Гиёҳвандлик воситалари



ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) ёки моддалар диспозицияларида жиноят предметларининг аниқ рўйхати белгиланмаганлиги сабабли, жиноят предмети ва объектив томонининг хусусиятларини бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги норматив ҳужжатларга мурожаат қилмасдан аниқлаш мумкин эмас. Масалан, бу турдаги қилмишларнинг жиноят предметини аниқлаш учун **«Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги Ягона конвенциясининг I ва II рўйхатларига** ҳамда БМТнинг **«Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига** мурожаат қилиш лозим. Жиноят кодекси 275-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларини аниқлашда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ва жўнатишнинг тартибини белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш зарур бўлади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олиниб, уларнинг барчаси **формал таркибли** жиноятлар сифатида тузилган. Яъни, бу жиноятлар норманинг диспозициясида кўрсатилган қилмишлар **содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган** ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларнинг кўп бўлмаган, озгинадан кўп ва кўп миқдорлари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ноконуний муомалада аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг номи ва миқдорлари наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат

комиссиясининг **2018 йил 27 октябрдаги №878-сонли Қарори** билан тасдиқланган «Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари»да белгиланган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг **субъектив томони айбнинг қасд шакли** билан ифодаланади. Яъни жиноят содир этаётган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди.



Фақатгина гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти **субъектив томондан ҳам қасд ҳам эҳтиётсизлик** орқали содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятларнинг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин ва қилмишларнинг квалификациясига таъсир этмайди. Бирок, Жиноят кодексининг 273-моддасида назарда тутилган жиноятда жиноят содир этиш мақсади (ўтказиш мақсади) зарурий белги сифатида диспозицияда кўрсатилган бўлиб, бу турдаги қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга. Ун олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат **жиноятларнинг субъекти** бўлиб ҳисобланади.

**ЖКнинг 271-моддаси** (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш)да назарда тутилган **жиноят учун жавобгарлик ўн тўрт ёшдан** белгиланган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-м) жинояти учун махсус субъект, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш мажбурияти юклатилган **ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги** белгиланган.

**Амалдаги ЖК Махсус қисмининг XIX бобида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:**

- тақиқланган экинларни етиштириш (270-м);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (271-м);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (273-м);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (274-м);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-м);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (276-м).



### **Тақиқланган экинларни етиштириш (ЖК 270-м)**

Амалдаги ЖКнинг 270-моддаси биринчи қисм диспозициясига мувофиқ **тақиқланган экинларни етиштириш** деганда, кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш тушунилади. **Жиноят объекти** бўлиб аҳолининг соғлиғи ҳисобланади. Жиноят предмети сифатида кўрилагаётган модданинг

биринчи қисми мазмунига кўра кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимликлари ёки таркибида «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги Ягона конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган табиий ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари ёки БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий моддалар бўлган экинлар назарда тутилади. Жиноятнинг **объектив томони тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришдан** иборат бўлган икки мустақил қилмишларни содир этишда ифодаланади.

**Тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш** деганда, тегишли рухсатсиз таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экин уруғини сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилади. Ушбу ҳаракатлар натижасида ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайтдан бошлаб **жиноят тугалланган ҳисобланади.**

**Тақиқланган экинларни етиштириш** деганда, уларни экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушунмоқ керак. Тақиқланган экинлар пишган ёки пишмаганидан, парвариш қилинаётган экинлар ким томондан экилганидан қатъи назар, парвариш қилишдан иборат бўлган ҳаракатлар бошланган пайтданок **жиноят тугалланган** ҳисобланади. Тақиқланган экинлар давлат ёки жамоа хўжаликларида, томорқада, бўш ётган ерлар ва бошқа ер майдонларида экилиши мумкин.

Қилмишни ЖК 270-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун **экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метргача** бўлиши кўзда тутилади. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг субъекти **ўн олти ёшга тўлган** акли расо жисмоний **шахс** ҳисобланади. Субъектив томондан жиноят **айбнинг тўғри қасд шакли** билан ифодаланади. Яъни, шахс экаётган ёки парвариш қилаётган экинларнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг мавжудлигини, шунингдек уларни экиш ёки парвариш қилишнинг қонунга хилофлигини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни истайди. Агар етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни экиш ва етиштириш келгусида наркотик моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек ўтказиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар **ЖКнинг 270-моддаси** ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинмоғи даркор.

**Таҳлил қилинаётган модданинг иккинчи қисмида юқорида кўрсатилган қилмишлар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:**

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган бўлса.

Илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш ҳаракатлари учун жавобгарлик кўрилатган модданинг иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Мазкур белгини қўллашда шахснинг илгари содир этган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жинояти учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, мазкур турдаги жиноятлардан бирини (ЖК 270-276-м) содир этганлиги назарда тутилади. Бироқ, шахс илгари содир этган жинояти учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса ёхуд илгари содир этган жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетган ёки судланганлиги олиб ташланган бўлса, ЖК 32-моддасининг 2-қисми ва 77-моддасининг 4-қисмида белгиланган қоидаларга асосан ушбу квалификация қилувчи белги қўлланилиши мумкин эмас.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш деганда, камида иккита жиноят субъекти белгиларига эга бўлган шахсларнинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши тушунилади. ЖК 29-моддасининг 3-қисмига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок этиши мураккаб иштирокчилик деб топилади. Иштирокчиликнинг бу шаклида иштирокчилар ўртасидаги жиноят содир этиш ҳақидаги келишув жиноят содир этилиши бошлангунга қадар амалга оширилади.

**Оддий иштирокчиликдан** фарқли ўлароқ мураккаб иштирокчиликда жиноят содир этишда бажарувчи билан бирга ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар қатнашиши, иштирокчилар ўртасида вазифалар тақсимланиши мумкин.

**Мураккаб иштирокчиликнинг** асосий белгиларидан бири – олдиндан тил бириктирганлик, яъни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг аниқ жиноят содир этиш бўйича келишувининг амалга оширилиши. Иштирокчиликнинг бу шаклида икки ёки ундан ортиқ шахслар бирга бажарувчилар сифатида жиноятнинг объектив томонини бажаришлари, шунингдек бажарувчи билан бир қаторда жиноятни бевосита содир этмасаларда, лекин ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида қатнашишлари ҳам мумкин. Жиноятнинг объектив томонини бевосита бажармаган, бироқ жиноят содир этишда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг вазифаларини бажарган шахсларнинг қилмишлари ЖК 28-моддасининг тегишли қисмлари кўрсатилган ҳолда бажарувчи томонидан содир этилган жиноятни назарда тутувчи модда билан квалификация қилинади.

Бу борада **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг** «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2014 йил 23 май 7-сонли қарорининг 20-бандида *«... агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳукмнинг тавсиф қисмида жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши керак»*, деб алоҳида кўрсатилган.

**Тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарликни назарда тутувчи модданинг учинчи қисмида жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қуйидагилар белгиланган:**

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) катта экин майдонида содир этилган бўлса.

Кўрилаётган жиноятни ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилишини назарда тутувчи белгини қўллашда, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини содир этган шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши шарт. **Илгари ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсдан ЖК 79-моддасининг 3-қисмига мувофиқ** судланганлиги олиб ташланган бўлса, ушбу квалификация қилувчи белги қўлланилиши мумкин эмас.

Ушбу жиноятни уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик ЖК 270-моддаси 3-қисми «б» бандида белгиланади. **ЖК 29-моддасининг 4-қисмига** мувофиқ **икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.** Иштирокчиликнинг мураккаб шаклидан фарқли ўлароқ уюшган гуруҳда икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноий фаолият билан шуғулланиш учун бирлашадилар.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлиги, унда ташкилотчининг бўлиши, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлиги, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Мазкур жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб баҳолашда иштирокчилар томонидан бажарилган вазифалардан қатъи назар, ЖКнинг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилинади. Кўрилаётган квалификация қилувчи белги нафақат уюшган гуруҳ туркибида ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан жиноят содир этганлик учун, балки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан содир этилган қилмиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда бажарувчи томонидан содир этилган қилмиш натижасида уюшган гуруҳ аъзолари ўзларининг қандайдир манфаатларини ҳал этишлари лозим. Бундан ташқари, жиноят субъектида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш каби жиноят мотивининг мавжудлигини, шунингдек унинг содир этаётган қилмиши уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилаётганлигини англашини аниқлаш зарур. Шахс етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни турли майдонларда ўстираётган бўлса, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жами экин майдонидан келиб чиқмоқ лозим.

## **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м)**

ЖКнинг 271-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлаклари қишлоқ хўжалиги корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстириладиган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга хилоф равишда териб олинганда, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ва ноқонуний равишда эгаллаб турган фуқаролардан қонунга хилоф равишда олинган (эгалланган) ҳолларда юзага келади. Ушбу жиноятнинг **объекти** – аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ бўлган жамоат хавфсизлиги. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар жиноятнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган қилмишнинг **объектив томони** – кўрсатилган предметларни ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан эгаллашдан иборат. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўғрилиқ йўли билан эгаллаш деганда, ўзганинг қонуний ёки ноқонуний тасарруфидаги гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини яширин равишда талон-торож қилиниши тушунилади. Фирибгарлик йўли билан эгаллашда, айбдор шахс алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қўлга киритиши тушунилади. Кўриладиган жиноятларнинг **субъекти ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар** ҳисобланади. **Субъектив томондан жиноят айбнинг тўғри қасд шакли билан** ифодаланади.

**ЖК 271-моддасининг 2-қисмида белгиланган жиноят учун қуйидаги ҳолларда жавобгарлик назарда тутилган:**

- а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;
- г) талончилик йўли билан;
- д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;
- е) товламачилик йўли билан;
- ж) кўп миқдорда.

Таҳлил қилинадиган жиноятни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан содир этилганлигини аниқлашда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали эгалланганлигини тушуниш лозим. Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддани ўзлаштириш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг тасарруфида бўлган жиноят предметларини ўз фойдасига ишлатиш мақсадида ушлаб туришни билдиради.

Растрата қилиш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг тасарруфида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўзидан бегоналаштиришда (сотиш, ҳада қилиш ёки ҳар қандай усулда бошқа шахсга бериш) ифодаланади. Унда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар айбдорга сақлаш, ташиш, тақсимлаш ёки бошқа ваколатларни амалга ошириш учун ишониб топширилганлигида намоён бўлади. Яъни, айбдор ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни – мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топшириқ муносабати билан мазкур предметларни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга ошириш орқали уларни ўзлаштиради ёки растрата қилиб юборади.

Қонунга хилоф равишда талончилик йўли билан **эгаллаш** деганда, айбдор шахсининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни очикдан-очик эгаллаши тушунилади. Эгаллаш пайтида жабрланувчининг соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки бундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган ҳаракатлар ҳам шу квалификация қилувчи белги билан қамраб олинади.

**ЖК 271-моддаси 2-қисмининг «д» бандида**, қилмиш мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилганлиги учун жавобгарлик ўрнатилган. Ушбу квалификация қилувчи белгини қўллашда мансабдор шахслар ёки хизмат ваколатларига кўра гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бошқариш ёки уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлганлар томонидан ўз ваколатларидан фойдаланиб, бу предметларни қонунга хилоф равишда эгалланганлигини аниқлаш лозим. Яъни, бу ҳолатда асосий ҳал

қилувчи белги бўлиб мансабдор шахс томонидан ўзига берилган ваколатларидан фойдаланиб жиноят предмети эгаллаш ҳисобланади.

Товламачилик йўли билан содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш **ЖКнинг 271-моддаси 2-қисмининг «е» банди** билан квалификация қилинади. Бу квалификация қилувчи белгини қўллаш учун, айбдор шахс жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгандан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини жиноят предметларини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш ҳолатлари аниқланиши лозим. Мазкур жиноят айбдор томонидан юқорида кўрсатилган ҳолатларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни талаб қилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллашнинг кўп миқдорда содир этилганлигини аниқлаш, Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг **2018 йил 27 октябрдаги №878-сонли Қарори** билан тасдиқланган “Қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари”га мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

**Кўрилаётган модданинг 3-қисмида жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи белгилар сифатида қуйидагилар назарда тутилган:**

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса.

Жиноятни ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи белгилар мазмуни ЖК 270-моддасини таҳлил қилиш жараёнида батафсил кўриб чиқилган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда босқинчилик йўли билан эгаллаш ҳаракатлари **ЖКнинг 271-моддаси 3-қисми «в» банди** билан квалификация қилинади. Ушбу квалификация қилувчи белги ўзгандан қонуний ёки ноқонуний эгаллигида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этишни назарда тутди. Ҳужум жараёнида жабрланувчининг баданига энгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса, қилмиш кўрилаётган квалификация қилувчи белги билан баҳоланади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан кўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Кўрсатилган предметларни қонунга ҳилоф равишда ҳар қандай усулда эгаллаш, айбдорнинг улардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки тасарруф этиш имкониятлари бор-йўқлигидан қатъи назар, улар олинган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб ҳисобланиши керак. ЖКнинг 271-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга ҳилоф равишда олинганда, таркибида наркотиги бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлаклари қишлоқ хўжалиги корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстирилаётган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга ҳилоф равишда териб олинганда, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ва ноқонуний равишда эгаллаб турган фуқаролардан қонунга ҳилоф равишда олинган ҳолларда юзага келади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғрилиқ, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, талончилик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, товламачилик, босқинчилик йўли билан эгаллаш (ЖК 271-

м) ва ўзгалар мулкни талон-торож этишни назарда тутган тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (моддаларнинг қисмлари) санкцияси ЖКнинг 271-моддасидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим. Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-м)**

Жиноятнинг **объекти** – аҳолининг соғлиғи. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддалар ҳисобланади.

Кўрилатган модда 1-қисмининг объектив томони гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда қуйидаги қилмишлардан бирини содир этиш билан ифодаланади:

– тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, ўтказиш.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган ўсимликларни қайнатиб буғлантириш, аралашмалардан тозалаш, буғга айлантириш ва бошқа қўшимча ишлов бермасдан, яъни модданинг тузилишини ўзгаришига олиб келмайдиган майдалаш, қуритиш ёки сув билан суртиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни тайёрлаш тушунчасини ҳосил қилмайди. Тайёрлаш ҳаракатлари, истемол учун тайёр бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг, ҳеч бўлмаганда битта дозаси тайёрланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **олиш** деб, сотиб олишни бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарз эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари наркотик эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаётган наشا ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлақларини, шунингдек таркибида наркотик бўлган ўсимлик экинларининг қўриқланмаётган қолдиқларини йиғиб-териш олишни ҳисобламоқ керак. Жиноят предмети айбдор шахснинг ихтиёрига амалда ўтган пайтдан бошлаб олиш ҳаракатлари тугалланган ҳисобланади.

**Сақлаш** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасдан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

**Ташиш** деганда, ташиш усулидан қатъи назар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасдан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

**Жўнатиш** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга ҳилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда **ўтказиш** деганда, уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга уқол қилиш, алмаштириш, қарз ва қарз эвазига бериш, сотиш ва б.)ни тушуниш лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни **сотиш** – ўтказишнинг бир усули деб ҳисобланиши керак.

Кўрилатган модданинг 1-қисми диспозициясига мувофиқ юқорида таҳлил қилинган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилсагина жинойий жавобгарлик вужудга келади. Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг **2018 йил 27 октябрдаги №878-сонли Қарори** билан тасдиқланган “Қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари”га асосан, қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг “озгинадан кўпроқ” миқдордан кам миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган “оз миқдор” деб ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. **Объектив томоннинг** зарурий белгиси – ўтказиш мақсадининг мавжудлиги. Айбдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқ лозим. **Масалан**, *гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истемол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни*

*махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак.*

**ЖК 273-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган жиноятнинг объектив томони** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш билан ифодаланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишдан иборат қилмишлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, ЖК 273-моддаси учинчи қисми билан квалификация қилинади.

**Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойлари** деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига асосан жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар; тергов ҳибсхоналари (озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради) тушунилади. Юқорида таҳлил қилинган ижтимоий хавфли қилмишлар ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилса, жиноят ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан квалификация қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек уларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки қонунга хилоф равишда ўтказишдан иборат қилмишлар:

**а) ўта хавфли рецидивист томонидан;**

**б) уюшган гуруҳ томонидан** ёки унинг манфаатларини кўзлаб, содир этилган бўлса, ЖК 273-моддасининг 4-қисми билан квалификация қилинади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мувофиқ, **лаборатория** [лот. laboratorium «laborare» – **ишламоқ**] – илмий текширишлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бинолар тушунилади. Бироқ, илмий текширишлар ёки тажрибалар ўтказиш учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлимлари жойлашган биноларни кўрилатган жиноят мазмунида лабораторияда содир этилган деб баҳолаш ноўриндир. Чунки, қонун талабига кўра, айнан лабораторияда, яъни керакли махсус асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш учун жавобгарлик белгиланган. Шунинг учун бирон-бир бинода (масалан, мактабнинг кимё лабораторияси ва ҳ.к) жойлашган лаборатория бўлимидаги асбоб-ускуналардан фойдаланмаган ҳолда, лекин бинонинг бошқа хоналарида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш ҳаракатлари мазкур белгини ҳосил қилмайди. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун мўлжалланган **бангхоналар** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилиш учун мўлжалланган махсус фойдаланиладиган ҳар қандай хоналар (одам яшайдиган ёки яшамайдиган, хизмат хоналари ва б.) тушунилади. Шу билан бирга, бу хоналар айбдорнинг қонуний ёки ноқонуний эгаллигида бўлганлиги ёки кўрсатилган мақсадларда махсус ижарага олинганлиги қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди.



Қонун мазмунига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш деганда, айбдор томонидан ғараз мақсадни кўзда тутган-тутмаганлигидан қатъи назар гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун махсус шароит яратилган (истеъмол қилиш мосламалари, гиёҳвандлик воситалари билан таъминланган-таъминланмаганлигининг аҳамияти йўқ) хоналарни бир ёки бир неча маротаба бериб туриши тушунилиши лозим. Бошқалар томонидан хонадондан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга билдирмасдан гиёҳвандлик воситаларини ўзлари билан олиб келиб истеъмол қилганликлари аниқланса, хонадондан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳаракатини бангхона ташкил қилган деб баҳоламаслик лозим. Шу билан бирга, бангхона сақловчиси томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар сотилган ёки ўтказилган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 273-моддасининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак.

Ўзганинг мулки ҳисобланган **воситалар ва асбоб-ускуналар** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган, бироқ айбдорга тегишли бўлмаган ҳар қандай воситалар ҳамда уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фойдаланиладиган ашёлар ва жиноят предметларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган йиғилган ҳолдаги мосламаларнинг мажмуаси тушунилади. Бундай восита ва асбоб-ускуналарга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ашёларни таблетка ёки ампула қилиш учун мўлжалланган мосламалар (қўл бола ёки ишлаб чиқариш жойларида тайёрланган);
- восита ёки моддаларни аралаштириш учун яратилган автомат ва қўл билан бажариладиган аралаштиргичлар;
- яримфабрикатлар, бўш ампулалар, шприц идишлари ва турли хил ҳажмдаги капсулалар;
- ампула, шприц идишлар ва капсулаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мосламалар;
- суюқликни сўриб олиш ёки итариб чиқариш, шунингдек уларни совутиш учун мўлжалланган (бундай мосламаларга хўжаликда ишлатиладиган музлатгичлар кирмайди) қўлда ёки заводда ясалган мосламалар;
- суюқлик ёки бошқа предметларни бегона аралашмалардан тозалаш учун мўлжалланган мосламалар.

Бунда мазкур восита ва асбоб-ускуналарнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлашга мўлжалланганлиги, асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятига кўра айнан ушбу жиноятнинг предметларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш зарур. Агар бундай восита ва асбобускуналар хўжалик мақсадларида фойдаланилаётганлиги тўғридан-тўғри аён бўлиб, улардан рўзғор учун фойдаланилаётганлик ҳолатлари аниқланган бўлса, бундай қилмиш таҳлил қилинаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди. Қайд этилган жиноятни квалификация қилишда биринчи навбатда ўтказилган (сотилган) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар миқдоридан келиб чиқиш керак.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда **кўп миқдорда сотганлик** учун жавобгарлик ЖК 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган.

Агар айбдор томонидан била туриб гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ниқоби остида қандайдир бошқа моддалар ўтказилса, сотилса, бундай ҳаракатлар фирибгарлик сифатида, олувчининг ҳаракатлари эса – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олишга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилиниши керак. Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топилган ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчами уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Айбдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (ЖК 273-м) судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадокланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар.

Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак.

ЖК 273-моддаси 6-қисмига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш жиноятини содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиши муносабати билан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб, тиббиёт муассасаларига ўз ихтиёри билан мурожаат қилганлиги, уни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаганлиги, сақлаганлиги, ташиганлиги ва жўнатганлиги, истеъмол қилганлиги учун жинойий жавобгарликдан озод қилишга фақат бундай мурожаат шахснинг бангиликдан тузалиш нияти билан қилинган ва уни фош этилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина асос бўлиши мумкин.

### **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-м)**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга ҳар қандай усулда жалб қилиш ҳаракатлари биринчи навбатда жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг соғлиғига жиддий зарар етказди.

**Объектив томондан** кўрилатган жиноят гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш билан ифодаланади.

**Шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар** деганда, Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилмаган, бироқ кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар (гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари) ёхуд инсон ақл-идрокига гангитувчи (караҳт қилувчи) таъсир кўрсатадиган майший ҳаётда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган, тобеликни вужудга келтирувчи турли моддалар тушунилади. Бундай моддаларнинг муомаласи алоҳида тартибга солинмаганлиги боис уларни аниқлаш истисно қилиш йўли билан амалга оширилади. Яъни, ушбу моддалар халқаро конвенциялар ва давлатнинг ички норматив ҳужжатларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар сифатида белгиланмаган бўлса (Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг I, II, III ва IV рўйхатлар), инсоннинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар каби кўрилиши керак.

Жисмоний зўрлик ишлатиш орқали гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-идроқга таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш жараёнида жабрланувчининг баданига енгил ёки ЖК 105-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ўртача оғирликдаги шикастлар етказилса, ёхуд амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжудлигида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 274-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади. Агар жалб этиш жараёнида жабрланувчининг баданига ЖК 105-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса, қилмиш ЖК 105-моддасининг 2-қисми ёки 104-моддасининг тегишли қисмлари ва 274-модда билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Мазкур жиноят таркиби ўз тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланганлиги сабабли жабрланувчини гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишга йўналтирилган ҳаракатлар бошланган пайтдан жиноят тугалланган ҳисобланади. Бунда жабрланувчининг бу восита ёки моддаларни истеъмол қилганлиги ёки қилмаганлиги аҳамият касб этмайди. Жиноятнинг **субъектив томони айбнинг тўғри қасд** шакли билан ифодаланади. Айбдор бошқа шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилаётганини англайди ва бу ҳаракатларни амалга

оширишни истайди. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш жиноятининг **субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс** ҳисобланади. Агар вояга етган шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга вояга етмаган шахс жалб қилинса, қилмиш ЖКнинг 127-моддаси билан квалификация қилинади. Вояга етмаган шахс томонидан ушбу восита ва моддаларни истеъмол қилишга вояга етган шахс жалб қилинса, қилмиш ЖКнинг 274-моддаси билан квалификация қилинади.

**Жиноят кодекси 274-моддасининг иккинчи қисмида қуйидаги кўрсатилган ҳаракатлар:**

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳаракатлари, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан **бир вақтнинг ўзида** ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъи назар ЖК 274-моддасининг 2-қисми «в» банд билан квалификация қилиниши керак.

### **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-м)**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига фақатгина Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 август қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Ушбу қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади. Шу боис гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан кўрсатилган қонун талабларини бузган ҳолда муомала қилиш бевосита жавобгарликни вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси

**ЖКнинг 275-моддасида** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Бу жиноятнинг **объектини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар** ташкил қилади. Жиноятнинг предмети гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари ҳисобланади. **Объектив томондан** кўрилатган жиноят **гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузишда** ифодаланади. Мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий норма бланкет хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, жиноят таркибининг объектив томони жиноят қонунидан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**”ги қонунининг 19-моддасига мувофиқ, II рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни юқорида белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик

воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом»да тиббий мақсадларда фойдаланиладиган, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув юртлари, назорат-таҳлил лабораториялари, даволаш-профилактика муассасалари лабораторияларининг илмий мақсадлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжи аниқланади.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузиш** деганда, лицензиялари бўлган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқаришнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларини бузишдан иборат ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тушунилади. Яъни, мазкур жиноятда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқаришга ҳуқуқи бўлган ҳолларда бу восита ва моддаларни ишлаб чиқаришнинг белгиланган қоидаларини бузганлик учун (масалан, ишлаб чиқариш технологияси жараёнини ташкил қилувчи норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалардан бирини бузиш) жавобгарлик назарда тутилади. Тегишли лицензиясиз ёки лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда, тугаганда ёхуд лицензия бекор қилинганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди. Бундай ҳолларда айбдор шахснинг қилмиши кўзлаган мақсадига кўра ЖКнинг 273 ёки 276-моддалари билан квалификация қилинади. Сифатсиз дори воситаларининг ишлаб чиқарилишига сабаб бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузиш ҳаракатлари ЖК 275-моддаси ва белгиланган шартлари мавжудлигида, 186<sup>3</sup>-моддаси тегишли қисмлари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим. Агар шахс ўтказиш ёки ўзлаштириш мақсадида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ортикча қисми пайдо бўлишига сабаб бўлган ишлаб чиқариш қоидаларини қасддан бузса, унинг қилмиши ЖКнинг 271-моддаси билан баҳоланиши лозим.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сақлаш қоидаларини бузиш** деганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2001 йил 17 июнь 2-сонли қарорида белгиланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки прекурсорларни сақлаш бўйича ўрнатилган талабларга риоя қилмаслик ёки уларни бузиш тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 август қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 29 октябрь 472-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни транзит йўловчиларни даволаш учун ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларда фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2001 йил 17 июнь 2-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2001 йил 28 ноябрь 527-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2008 йил 17 март 4-сонли қароридир.

Мазкур жиноятнинг **объектив томонини** аниқлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг аниқ қайси қоидасининг бузилганлиги

кўрсатилиши лозим. Қилмиш натижасида қандайдир ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққанлиги ёки келиб чиқмаганлигидан қатъи назар, жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидалари бузилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

**Субъектив томондан** бу жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилиши мумкин. Агар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган тақдирда, унинг қилмиши айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади ва жавобгарликни истисно этади. Кўрилатган жиноятнинг **субъекти** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш мажбурияти юклатилган 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

### **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-м)**

Жиноятнинг **объекти** аҳолининг соғлиғи, предмети эса гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланади. **Объектив томондан** кўрилатган жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш билан изоҳланади. Жиноят предметларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатишдан иборат қилмишлар юқорида ЖКнинг 273-моддаси кўрилатганда батафсил таҳлил қилинган. Жиноятнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан ифодаланади.

Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англайди ва бу қилмишларни содир этишни истайди. Қилмишни ЖКнинг 276-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдорнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадининг мавжуд эмаслигини аниқлаш шарт, чунки жиноят субъектив томонининг мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир этади. Агар шахс мазкур восита ёки моддаларни кейинчалиқ ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрласа, сақласа, эгалласа, таҳиса ёки жўнатса, унинг қилмиши ЖКнинг 25, 273-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

#### **Ушбу қилмишлар:**

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, 276-модданинг 2-қисми билан квалификация қилинади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатишдан иборат қилмишларни кўп миқдорда содир этилганлик наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг **2018 йил 27 октябрдаги №878-сонли Қарори** билан тасдиқланган “Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари”га мурожаат қилинган ҳолда аниқланади.

Илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан жиноят предметларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш қилмишлари ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади. Жиноятни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилиши тушунчаси юқорида батафсил ёритилган.

**3-савол.** Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, ходимлар томонидан уларни расмийлаштириш вақтида йўл қўядиган камчиликлар.

**Биринчидан**, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар борлиги тўғрисида тезкор олинган маълумотлар ИИБ Навбатчилик қисмининг Шакл-2 ёки Шакл-1 журналидан ўз вақтида рўйхатдан ўтказилмаётганлиги, балки мазкур хабар ИИБ Навбатчилик қисмига

келиб тушганидан сўнг орадан бир неча кун вақт ўтганидан кейингина рўйхатдан ўтказиш амалиёти учраётганлиги;

**Иккинчидан**, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар борлиги тўғрисида тезкор маълумот олинган тақдирда, ашёвий далилларни аниқлаш, олиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни кўдан кечириш учун гумон қилинувчининг яшаш хонадонига ёки бирон-бир бино, иншоот, корхона, муассаса ва ташкилотларга кириш вақтида камида 2 нафар холисларни ҳамда хонадон эгаси ёки бино, иншоот, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг ишчиларидан бири)ни қатнаштирилмаётганлиги, шунингдек баённомага уларнинг имзо қўйдирилмасдан келинаётганлиги, аксарият ҳолларда холислар ҳодиса жойи кўздан кечириб бўлинганидан кейингина фақат уларга имзо қўйдириш билан чеклаш мақсадида чақиртирилаётганлиги, холислар асосан фуқаролардан эмас, балки ҳокимият вакилларидан олинаётганлиги, барча тергов ҳаракатларида доимо бир хил холисларни иштирок этказилаётганлиги, бу эса қонунга зид эканлигини ходимлар умуман тушунмаётганлиги;

**Учинчидан**, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда агроном-мутахассисни қатнаштирилмаётганлиги, аксинча айрим жиноят қидирув бўлими ходимлари ёки профилактика инспекторлари ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини расмийлаштириб бўлганидан кейин бу ерга агроном-мутахассисни чақиртириб, шундан сўнг баённомага имзо қўйдириш амалиёти учраётганлиги, баённома тушунарсиз тарзда ва қисқа мазмунда ёзилаётганлиги, баённомада ашёвий далилларни айнан қаердан олинганлиги, унинг сони, узунлиги, нечта туп эканлиги, экилган майдоннинг умумий ўлчами ва оғирлиги умуман кўрсатилмасдан келинаётганлиги;

**Тўртинчидан**, ҳодиса содир бўлган жой аксарият ҳолларда фақатгина фото-суратга олиш билан чекланиб, видео тасмага олинмасдан келинаётганлиги, ҳодиса содир бўлган жой видео тасмага олинса-да, бироқ олинаётган видео тасма тушунарсиз эканлиги, кетма-кетликда, тўлиқ ва батафсил олинмаётганлиги, олиш вақтида ҳодиса содир бўлган жойни видео тасмага олувчи ходимнинг билим ва малакаси етарлича даражада эмаслиги;

**Бешинчидан**, ҳодиса содир бўлган жойда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар аниқланган тақдирда улар шу жойнинг ўзида целлофан пакет ёки бошқа буюмга солинмасдан ва муҳрланмасдан, балки бу гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар орадан маълум бир вақт ўтганидан кейингина кўчада, ходимнинг хизмат хонасида, транспорт воситасини ичида ёхуд бошқа жойларда целлофан пакет ёки бошқа буюмга солиш ва муҳрлаш амалиётлари учраётганлиги;

**Олтинчидан**, ҳодиса содир бўлган жойдан аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар шу жойни ўзида унинг сони, узунлиги, нечта туп эканлиги, экилган майдоннинг умумий ўлчами, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг оғирлиги махсус ўлчаш мосламаси (ленейка, махсус тарози)да аниқланмасдан, балки орадан маълум бир вақт ўтганидан кейингина кўчада, ходимнинг хизмат хонасида, транспорт воситасини ичида ёхуд бошқа жойларда махсус ўлчаш мосламаси (ленейка, махсус тарози)да аниқланаётганлиги;

**Еттинчидан**, ашёвий далиллар топилган жойдаги хонадон эгаси ёки бино, иншоот, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбари, унинг ишчилари ёхуд гумон қилинган барча шахслар уларнинг қўлида, кафтида, тирноқлари орасида, кийимларида, оғзида, лабида ёки бошқа жойларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бор-йўқлигини, шунингдек юқоридаги шахсларни гиёҳванд ёки психотроп моддаларини истеъмол қилиш-қилмаслигини, наркалогик касалликлари диспанцери ҳисоб рўйхатида туриш-турмаслигини аниқлаш мақсадида ўз вақтида ва дархол тегишли экспертиза (судга оид биологик, судга оид наркалогик)лардан ўтказилмаётганлиги, балки фақатгина бир нафар гумон қилинган шахсни экспертизадан ўтказиш билан чекланилаётганлиги;

**Саккизинчидан**, айрим жиноят қидирув бўлими ходимлари ёки профилактика инспекторлари томонидан ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далил тариқасида олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг барчаси баённомага киритилмаётганлиги, киритилмаган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзларининг истеъмоли учун ёхуд ўзининг бошқа яқин танишларига бериб юбориш ҳоллари ҳам учраб турганлиги;

**Тўққизинчидан**, “назоратли харид” тадбири ўтказилаётган вақтда, тадбирда иштирок этаётган қўмақлашувчи шахснинг аризаси ёки ходимнинг билдиргиси ИИБ Навбатчилик қисмининг Шакл-2 ёки Шакл-1 журналидан ўз вақтида рўйхатдан

ўтказилмаётганлиги, балки мазкур ариза ёки билдирги тадбирдан сўнг ёки орадан бир неча кун вақт ўтганидан кейингина рўйхатдан ўтказиш амалиёти учраётганлиги;

**Ўнинчидан, 2019 йил 23 май кунги** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунига асосан, ЖПК **91<sup>1</sup>-91<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилиб, тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш; юзлаштириш; нарсани ва шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)ни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, унинг асослари, шартлари ва тартиби, ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини қайд қилиш тартиби жорий этилди.

Демак, ҳар бир терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходимлари, суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг **91<sup>1</sup>-91<sup>4</sup>-моддалари** талабларига тўлиқ риоя қилиши шарт.

**Ўн биринчидан, 2020 йил 14 май кунги** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунига асосан, ЖПКнинг **91-моддаси 4-қисм билан тўлдирилиб**, қуйидаги процессуал ҳаракатлар **видеоёзув орқали қайд этилиши шарт** этиб белгиланди:

- ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- тинтув;
- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- тергов эксперименти;
- шахсни ушлаш;
- ҳимоячидан воз кечиш;
- шахини ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш.

Демак, ҳар бир терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходимлари, суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг 91-моддаси 4-қисм талабларига тўлиқ риоя қилиши шарт.

#### **5.5- МАВЗУ: Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга илоф равиша муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашиши ва олдини олишда ИИОларининг фаолиятини ташкил этиш**

#### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.



**Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:**



#### **Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:**

**1-савол.** Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлари.

**2-савол.** Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият.

**3-савол.** Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш.

**4-савол.** Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлари.

**5-савол.** Ҳозирда Республикамизда гиёҳвандликка қарши курашишнинг аҳамияти?

**6-савол.** Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш каби қилмиш учун қандай жавобгарлик белгиланган?

**7-савол.** Гиёҳвандлик (наркотик)воситалари нима? Гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

**8-савол.** Психотроп моддалар деб нималарга айтилади? Психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар қиради.

**9-савол.** Прекурсорлар нима? Прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар қиради.

**10-савол.** Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартиби қайси ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган?

**11-савол.** Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари қайси ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

**12-савол.** Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашнинг қандай тартиблари белгиланган?



## ГЛОССАРИЙ

**Концепциянинг концептуал ғояси** - "Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!" ғояси бўлиб унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

**Концепция ғоясининг асосий мазмун-моҳияти** - фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат

**Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари** Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади: тарбиявий ишлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, психологик фаолият, ижтимоий-ҳуқуқий фаолият ва маданий тадбирлар орқали олиб борилади.

**Маънавий-маърифий ишлар концепциясидан кутилаётган натижалар** Концепцияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантириш назарда тутилган.

**Маънавият** - ( арабча- маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Маънавий иммунитет** - (лотинча «immunitatis») - бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим.

**Мафкура** - ( арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий – назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

**Мафкуравий хавфсизлик** — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажавузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузгунчилик таъсиридан химояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча.

**Миллатлараро тотувлик** - Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

**Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият концепцияси** - миллий-ғоявий асосларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш деганидир.

**Таркибий бўлинмалар** - Ички ишлар вазирлигининг департамент, бош бошқарма, марказ, мустақил бўлинмалари, таълим муассасалари, Қоровул қўшинлари ҳамда Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонликлари, шунингдек, уларга бевосита бўйсунувчи бўлинмалар;

**Ҳудудий бўлинмалар** - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, улар таркибидаги бошқарма ҳамда мустақил бўлинмалар, туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ҳамда бўлинмалари, шунингдек, улар таркибидаги соҳавий хизматлар;

**Барча даражадаги бошлиқ (командир)лар** - таркибий ва ҳудудий бўлинмалар бошлиқлари (командирлари) ва уларнинг ўрхшбосарлари, шунингдек, мазкур бўлинмалар таркибидаги барча бўлим, бўлинма (саф) бошлиқлари (командирлари), уларнинг ўринбосарлари ва гуруҳ раҳбарлари;

**Жамоа** - ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлар жамоаси;

**Расмий огоҳлантириш** - таркибий ва ҳудудий бўлинмалар бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда мазкур бўлинмалардаги маънавий-маърифий ишларга масъуллар томонидан қўл остидаги ходимни Яқка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналининг 3-бўлими (камчиликка йўл қўйганлиги фактини қайд этиш жадвали)да салбий асосларга кўра рўйхатга олинган пайдан бошлаб бир ой муддат ичида яна бир маротаба камчиликка йўл қўйган ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, уни интизомий жавобгарликка тортилиши ҳақида ёзма тарзда расман огоҳлантириш;

**Ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар** - ходимларда она-Ватанга муҳаббат, қасамёдига ҳамда хизмат бурчига садоқат туйғуларини шакллантириш орқали уларда

маънавий дунёқарашни юксалтириш, шунингдек, ҳар қандай вазиятда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни виждонан ҳамда сидқидилдан бажаришга тайёргарлигини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

**Ахлоқий-психологик тадбирлар** - ходимларда юксак одоб-ахлоқ ва руҳий барқарорликни, шунингдек хизмат ва кундалик ҳаётда ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига, шў жумладан коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш, фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий муомала маданиятига риоя қилган ҳолда ҳар қандай вазиятда ўзини ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб равишда намоён этиш, жамоада ингчанлик ва ижобий муносабат муҳитини яратиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

**Ҳуқуқий тадбирлар** - ходимларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлар;

**Хавф гуруҳидаги ходимлар** - беш ва ундан ортиқ киншдан иборат оиланинг якка боқувчиси бўлган, икки ва ундан ортиқ вояга етмаган ёки болалигидан ногирон бўлган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган, яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, туғишган фарзандлари, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қайнота ҳамда қайнонаси) орасида оғир касалликка чалингани бўлган, оиласи нотинч аҳволдаги ёки оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган **ижобий тавсифланувчи**, шунингдек, **бир ой давомида** уч ва ундан ортиқ камчиликларга йўл қўйган, икки ва ундан ортиқ қўпол носоғлом ёки ахлоққа зид ҳаракатлар содир этган, бошлиқ (командир)лар билан асоссиз равишда уч ва ундан ортиқ зиддиятли вазиятлар келтириб чиқариб, маънавий-руҳий муҳитга **салбий таъсир кўрсатувчи ходимлар**.

**Маънавият** - ( арабча- маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Маънавий иммунитет** - (лотинча «immunitatis») - бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли гоъвий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

**Мафкура** - ( арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган гоъвий – назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

**Мафкуравий хавфсизлик** — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажавузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузгунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча.

**Миллатлараро тотувлик** - Миллий мафкурамизнинг асосий гоъяларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

**Тасаввуф таълимоти** – Ислом динидаги инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан қомиллик сари йўлловчи таълимот..

**Тараққиёт стратегиясининг мақсади** - миллий ўзига ҳослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни сақлаб қолиш, ҳамда юксалтиришга қаратилишидир.

**Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият концепцияси** - миллий-гоъвий асосларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш деганидир.

**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** - Ўзбекистонни кейинги 5 йилда ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида 100 та мақсадга эришишга қаратилган ва 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган 398 та чора-тадбирни ўз ичига олган дастур.

**Янги Ўзбекистон стратегияси** - фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, илғор ташаббусларини амалга ошириш, ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражасини юксалтириш, мустақил равишда ўз моддий фаровонлигини ошириши учун етарли ва зарур шароитларни яратиш деганидир.

**Янги Ўзбекистонни барпо этиш** - бу шунчаки хоҳиш- истак, субъектив ходиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

**Янги Ўзбекистон тушунчаси** - халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, тарихий тараққиётнинг барча даврларида миллатнинг етук вакиллари уни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келган буюк ғояси.

**Янги Ўзбекистон** - “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тасдиғини топаётган мамлакатдир.

**Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади** - юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир.

**Маънавият** - инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

**Секторлар фаолиятини баҳолаш мезони** - Амалиётга жорий қилинган 3 та дафтарга киритилганлар билан ишлаш натижадорлигига асосий эътибор қаратилади ва 15 та индикатор бўйича баҳоланиб борилади.

**Секторлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари** - тегишли вазирлик ва идоралардан олинган расмий статистик маълумотларга асосан ҳисобланади ва уларга мувофиқ тўплаш мумкин бўлган энг юқори миқдори 100 баллни ташкил этади.

**“Темир дафтар” билан ишлаш натижадорлиги** – 4 та: Темир дафтардан чиқарилган оилалар, “Темир дафтар”даги оилаларнинг касб-хунарга ўқитилган аъзолари, расмий ўзини-ўзи банд қилишга жалб қилинган “Темир дафтар”даги оила аъзолари ҳамда “Темир дафтар”даги оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бўйича;

**“Аёллар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги** – 6 та: “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар, “Аёллар дафтари”даги касб-хунарга ўқитилганлари, “Аёллар дафтари”даги расмий ўзини-ўзи банд қилишга жалб қилинган аёллар, вшбв дафтаридаги аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, шў дафтаридаги аёлларга психологик хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда “Аёллар дафтари”даги аёллар томонидан тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши бўйича;

**“Ёшлар дафтари” билан ишлаш натижадорлиги** – 5 та: “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар, мазкур дафтардаги касб-хунарга ўқитилганлар, дафтардаги расмий ўзини-ўзи банд қилишга жалб қилинган ёшлар, ёшларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда “Ёшлар дафтари”даги ёшлар томонидан тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши бўйича баҳолаб борилади.

**“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг юртилиши** – 2 та индикатор: “Маҳаллалардаги муаммоларнинг ҳал этилиши ва Маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” драйверининг амалга оширилиши бўйича баҳоланади.

**Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш даражаси** - 2 та индикатор: инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси юзасидан баҳолаб борилади.

**Тадбиркорликни ривожлантириш кўрсаткичлари** 3 та индикатор: кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиши, тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиши ҳолати ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ўқув-семинарлар ташкил қилинганлигига қараб баҳо берилади.

**Концепция бў** – мажмуа, тизим бирор соҳага оид қарашлар тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш англаш ва изоҳлашнинг муаян усули, асосий нуқтаи назар.

**Жамоат хавфсизлиги** — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим.

**Жамоат** – арабча сўз бўлиб, бирлашма, уюшма, гуруҳ, кўпчиликка, яъни оммага тегишли маъносини англатади;

**Тартиб** – арабча сўз бўлиб, тайёрлаш, ташкил этиш, интизом, мойиллик, рағбат, Режа, иш-ҳаракат, чора-тадбир ва шу қабиларнинг риоя қилинадиган маълум изчиллик, Режа, қонун-қоида ва шу қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолат маъноларини англатади;

**Сақлаш** – арабча сақламоқ сўзига синоним бўлиб, ташқи таъсирдан муҳофаза қилмоқ, риоя қилмоқ, муайян ҳолатга амал қилмоқ маъноларини англатади;

**Хавфсизлик** – бу хавф-хатарнинг йўқлиги, хавф бўлмаган ҳолат маъносини англатади;

**Таъминлаш** – ўзаги арабча «таъмин» сўздан олинган бўлиб, таъмин қилмоқ, бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, мухайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ маъносини англатади.

**Жамоат тартиби** – бу амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчилик (омма)нинг хавфсизлигини таъминлашга, ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек, уларнинг шаън-шавкати, инсоний қадр-қиммати ҳамда ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш бўйича асосан жамоат жойларида вужудга келадиган ва тараккий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

**Фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги** – бу ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаън-шавкати ва қадр-қиммати, шахсий ва турар жой дахлсизлигига қарши қаратилган жиноий ва бошқа ҳаракатлардан муҳофаза қилинганлик ҳолатидир. Уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида гап кетганда, давлат органларининг ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши ва ҳимоялаши тушунилади. Ички ишлар органлари биринчи навбатда давлатнинг фуқаролар шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятни тўлиқ бажариши учун ташкил этилгандир.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш** – бу ваколатли давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар иштирокида одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва ҳуқуққа хилоф бошқа қилмишлардан ҳимоялаш бўйича бошқарув назарияси ҳамда амалдаги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган, уларнинг бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган, келишилган ҳамда самарали фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган комплекс бошқарув функцияларини амалга оширилиш жараёнидир.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тактикаси** – бу ваколатли давлат органлари томонидан бевосита жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, тартиббузарга маъмурий-жиноий таъсир этиш чораларини ўтказиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат ва давлат манфаатларини жиноий ва ҳуқуққа хилоф бошқа тажовузлардан ҳимоялашнинг назария ва амалиётида ишлаб чиқилган, мақсадга мувофиқ ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган усул ва шакллари қўллашдир.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг кундалик шароитда** – ваколатли давлат органларининг тезкор вазиятнинг оддий шароитларида амалга оширадиган ҳар кунги (одатий) ташкилий чора-тадбирлари ва тактик ҳаракатларидир, бунда шахсий таркибнинг иш фаолияти ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайди ва ходимларнинг кундалик иш тартиби бузилмайди.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг кучайтирилган шароитда** – вақт танқислиги шароитида ваколатли давлат органларининг ташкилий чора-тадбирлари ва тактик ҳаракатларининг интенсив(жадаллашган) шакли бўлиб, бу ҳаракат оммавий тадбирлар ўтказиш, табиий офатларни бартараф этиш, оператив вазиятнинг кескинлашуви, ўта хавфли жиноятлар содир этилиши ёки бошқа фавқулодда вазиятлар шароитларида жамоат тартибини сақлашни, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини кучайтирилган тартибда таъминлашдан иборат бўлади.

**Жамоат хавфсизлиги объекти-жамоат жойларида** фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шахснинг хавфсизлиги ҳамда мулкни ҳимоя қилинишини таъминлаш;

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** – давлат томонидан белгиланадиган, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

**Ўзаро ҳамкорлик** – қўйилган вазифаларни бажаришда (вазифанинг мақсади, вақти ва жойига кўра) барча хизматларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиши билан таъминланади.

**Мажбурий даволаш**, наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасаларда кўрсатиладиган наркологик ёрдам тури;

**Наркологик ёрдам**, наркологик касалликлар профилактикасини, наркологик касалликларга чалинган шахсларни текширишни, уларга маслаҳат беришни, ташхис қўйишни, уларни даволашни, тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ўз ичига олувчи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тури;

**Наркологик касаллик** (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) — психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

**Наркологик касалликка чалинган шахс**, ўзига нарколог шифокор томонидан наркологик касаллик ташхиси қўйилган шахс;

**Наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш**, наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳаёт фаолиятига доир чекловларни бартараф этишга ёки компенсация қилишга, йўқотилган ижтимоий алоқаларини ҳамда ижтимоий мақомини тиклашга, меҳнат ва маиший шароитларга мослашувини таъминлашга қаратилган тиббий, психологик, тарбиявий, таълимга оид, ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**Наркология муассасалари**, аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи наркология марказлари, шифохоналари, диспансерлари, психоневрология диспансерлари тузилмасидаги бўлинмалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг наркология кабинетлари;

**Наркологик экспертиза**, тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш масалаларини, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш жараёнида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун наркологик касалликка ташхис қўйишга қаратилган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш;

**Психоактив моддалар** марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

**Психоактив моддалар**, бу ушбу моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи ҳисобланади.

**Алкоголь маҳсулоти** коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

**Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси** алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

**Алкоголга қарамлик** алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкоголдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (сурункали алкоголизм);

**Тамаки маҳсулоти** тамакидан ёки унинг ўрнини босувчи нарсдан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот;

**Тамакига қарамлик** тамаки маҳсулотига патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (никотинга қарамлик);

**Тиббий огоҳлантириш** алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг кутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот.

«Smart маҳалла» профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи ахборот дастури.

**Маҳалла ҳуқуқ-гартибот маскани** ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий куйи бўғини.

**Автомагистраль** — 5.1. йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ажратувчи минтақа билан ажратилган (у бўлмаганда йўл тўсиқлари билан) ҳамда бошқа йўллар, трамвай ва темир йўллари, пиёда ва велосипед йўлқалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл;

**Автопоезд** — улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби;

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги** — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

**Велосипед** — камида иккита ғилдиракка эга бўлган ва одатда миниб олган шахс(лар)нинг мускул кучи билан, хусусан, тепкилар ёки дастаклар ёрдамида ҳаракатлантириладиган транспорт воситаси (ногиронлиги бўлган шахслар кажавасидан ташқари). Велосипед номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттдан, тезлиги соатига 25 километрдан ошмайдиган двигателга эга бўлиши мумкин.

**Велосипедчи** — велосипедни бошқарадиган шахс;

**Велосипед йўлкаси** — алоҳида йўл ёки конструктив жиҳатдан қатнов қисми ва тротуардан ажратилган йўлнинг таркибий қисми бўлиб, тегишли йўл белгиси билан белгиланади;

**Велосипедчилар учун тасма** — йўлнинг бошқа қисмларидан йўл чизиғи билан ажратилган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган йўл қисми бўлиб, фақат велосипед ҳаракатланиши учун мўлжалланган;

**Транспорт воситаси** — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

**Транспорт воситасининг эгаси** — транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**Ҳайдовчи** — йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади;

**Мажбурий тўхташ** — техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш. Ҳайдовчининг ушбу хатти-ҳаракати охири зарур чора бўлиб, қоидабузарлик деб эътироф этилмайди;

**Асосий йўл** — тупроқли ёки шағалли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт, цемент-бетонли ва шунга ўхшашлар ётқизилган), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1 — 2.3.3 ёки 5.1 йўл белгилари билан белгиланган ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди;

**Арава** — отга (ёки бошқа ҳайвонларга) қўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган двигатель билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма;

**Йўл** — транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини йўлқаларни ва тротуарларни ўз ичига олади;

**Йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

**Йўл ҳаракати** — одам ва юкларни транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ташиш ёхуд йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

**Темир йўл кесишмаси** — йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи;

**Йўналишли транспорт воситаси** — белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умумий фойдаланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, трамвай, автобус, йўналишли такси);

**Механик транспорт воситаси** — двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзи юрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир;

**Мопед** — энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан, иш ҳажми 50 см<sup>3</sup>дан ошмайдиган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттдан ортиқ ва 4 киловаттдан кам бўлган электр двигателли икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Худди шундай тавсифларга эга бўлган квадрицикл (квадроцикл), трицикл, скутер ҳамда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишига мослаштирилган бошқа механик мосламалар ҳам мопедларга тенглаштирилади;

**Мотоцикл** — двигателининг иш ҳажми 50 см<sup>3</sup>дан (ички ёнув двигатели бўлганда) ва ҳар қанақа двигателда энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ошадиган икки ғилдиракли ва ён тиркамали (кажавали) ёки ён тиркамасиз механик транспорт воситаси.

**Трицикллар**, шунингдек, рухсат этилган тўлиқ вазни 400 килограммдан (юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари учун 550 килограммдан) ошмайдиган, мотоциклга ўхшаш ўриндиққа ва рулга эга бўлган ва двигателининг энг юқори қуввати 15 киловаттдан ошмайдиган квадрицикл (квадроцикл) ҳамда бошқа механик мосламалар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади;

**Аҳоли пункти** — кириш ва чиқиш йўллари 5.22 — 5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд;

**Етарлича кўринмаслик** — ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши;

**Қувиб ўтиш** — бир ёки бир нечта транспорт воситаларини қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган тасмага чиқиб, сўнгра илгари эгаллаган қаторига қайтиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ўзиб кетиш;

**Қайта тизилиш** — дастлабки ҳаракат йўналишини сақлаган ҳолда ўз ҳаракатланиш тасмасидан бошқа ҳаракатланиш қаторига ўтиш;

**Ўзиб кетиш** — транспорт воситасининг бир йўналишда транспорт воситаси тезлигидан ортиқ тезликда ҳаракатланиши;

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш** — йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият;

**Йўл ёқаси** — йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги;

**Йўл ҳаракатини ташкил этиш** — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техника тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

**Пиёдаларнинг ташкилий жамланмаси** — Қоидаларнинг 16-банди талабларига мувофиқ йўлда бир йўналишда биргаликда ҳаракатланаётган одамлар гуруҳи;

**Транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси** — олдида кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси ёқилган транспорт воситаси кузатиб бораётган, бевосита бир-бирининг кетидан, битта ҳаракатланиш бўлагида, яқинни ёритувчи фаралар чироқларини ёқиб келаётган, уч ва ундан ортиқ механик транспорт воситалари гуруҳи;

**Болалар гуруҳини ташкилий ташиш** — йўналишли транспорт воситаларига дахли бўлмаган автобусларда саккиз ва ундан ортиқ болаларнинг ташкилий ташилиши;

**Тўхташ** — транспорт воситаси ҳаракатини 10 дақиқагача бўлган муддатга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш);

**Тўхтаб туриш** — транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳаракатни 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш;

**Йўловчи** — транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс, шунингдек транспорт воситасига кираётган (унга чиқиб ўтираётган) ёки транспорт воситасидан чиқаётган (ундан тушаётган) шахс;

**Чорраҳа** — йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи. Чорраҳа чегараси унинг марказидан қатнов қисмлари охиридаги қарама-қарши томонларнинг энг узок бурилиш жойларини туташтирувчи тасаввур қилинадиган чизиклар билан аниқланади.

**Огоҳлантирувчи ишоралар** — авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, ҳаракат йўналишини ўзгартиришда, тўхтатишда қўлланиладиган ишоралар;

**Пиёда** — транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган, велосипед, мопед, мотоцикл, чана, аравача ва болалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини етаклаган, шунингдек, ҳаракатланиш учун роликли конькилар, двигателсиз самокатлар ва бошқа шуларга ўхшаш воситалардан фойдаланаётган шахслар ҳам пиёдаларга тенглаштирилади;

**Пиёдалар ўтиш жойи** — қатнов қисмидаги 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1 — 1.14.3 йўл чизиклари билан белгиланган ва пиёдалар йўлни кесиб ўтишда ҳаракатланишлари учун ажратилган жой.

Йўл чизиклари бўлмаса, пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2 йўл белгилари орасидаги масофа билан аниқланади;

**Пиёдалар йўлкаси** — пиёдалар ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган алоҳида йўл ёки сунъий иншоот юзаси. Транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми;

**Пиёда ва велосипед йўлкаси** — қатнов қисмидан ажратилган, велосипедчиларнинг ва пиёдаларнинг алоҳида-алоҳида ёки биргаликда ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва 4.6.1 — 4.6.6 йўл белгилари ўрнатилган йўлнинг таркибий қисми ёхуд алоҳида йўл;

**Реверсив ҳаракатланиш** — қатнов қисмининг махсус ажратилган, 5.35 — 5.37 йўл белгилари, 1.9 йўл чизиғи билан белгиланган ва устида реверсив светофор ўрнатилган бўлагида ҳаракатланиш йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши;

**Рухсат этилган тўлиқ вазн** — жиҳозланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги энг юқори вазни (ўлчови).

**Тартибга солувчи** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг, ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, ушбу Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишмаси ва сол кечувларидаги навбатчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари. Тартибга солувчи махсус кийим ва (ёки) таниқлик белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт;

**Тротуар** — қатнов қисмига туташган ёки ундан майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисми;

**Тиркама** — механик транспорт воситаси таркибида ҳаракатланишга мўлжалланган ва двигател билан жиҳозланмаган транспорт воситаси. Ушбу атама ярим тиркама ва узайтириладиган тиркамаларга ҳам тааллуқлидир;

**Фото ва видео қайд этиш** — йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео техник воситалари, шунингдек, видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобиль қурилмалар ёрдамида қайд этиш;

**Хавфли юк** — ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлган тақдирда ташиш, юк ортиш-тушириш ишлари жараёнида ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бино ва иншоотлар, бошқа объектларнинг портлаши, ёниши ёки шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар, чиқиндилар;

**Хавфсизлик оролчаси** — ҳаракатланиш тасмаларини (шу жумладан велосипедчилар тасмаларини) ажратувчи, конструкциясига кўра қатнов қисми устига бордюр тошлари билан кўтарилган ёки ҳаракатни ташкил этиш техник воситалари билан белгиланган қатнов қисмидан ўтаётган пиёдалар, талаб қилинган ҳолда тўхтаб ўтишлари учун мўлжалланган йўл қурилмаси. Ажратувчи минтақа оралиғидан ўтказилган пиёдалар ўтиш жойи ҳам хавфсизлик оролчаси ҳисобланади. Икки томонлама ҳаракатланишли йўлларда қарама — қарши йўналишларни ажратувчи хавфсизлик оролчаларини ўнг томондан айланиб ўтилади;



**Кўриниши чекланган жойлар** — жойлардаги паст-баландликлар, бурилишлар, ўсимликлар, дарахтлар, қурилишлар, иншоотлар ёки бошқа объектлар, шу жумладан, транспорт воситалари туфайли ҳаракатланиш йўналишида йўл кўринишининг чекланиши;

**Ёндош ҳудуд** — бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ҳовлилар, маҳаллалар, турар жой даҳалари, транспорт воситаси тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, корхона ва шунга ўхшашлар).

**Қатнов қисмлари кесишмаси** — йўлларнинг қатнов қисмлари ўзаро кесишиб ўтадиган ва тасаввур қилинадиган чизиклар билан аниқланган ҳудуд;

**Қатнов қисми** — йўлнинг рельсиз транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган қисми;

**Сутканинг қоронғи вақти** — кечки ғира-ширанинг охиридан тонгги ғира-ширанинг бошланишигача бўлган ораликдаги вақт;

**Ҳаракатланиш тасмаси** — автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун етарлича кенг бўлган, йўл чизиклари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама тасмаси;

**Ҳақиқий вазн** — транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги вазни;

**Йўл бериш (тўсқинлик қилмаслик)** — йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзи бўлган бошқа йўл ҳаракати қатнашчисининг ҳаракат йўналиши ёки тезлигини ўзгартиришга мажбур этиши мумкин бўлган ҳолларда, ҳаракатни давом эттирмаслигини ёки бошламаслигини, бирор-бир манёвр бажариши мумкин эмаслигини билдирувчи талаб;

**Йўл ҳаракати қатнашчиси** — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этувчи шахс;

**Имтиёз** — мўлжалланган йўналишда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан олдин ҳаракатланиш ҳуқуқи;

**Тўхтаб туриш жойи** — транспорт воситаларини ташкилий тўхтаб туриши (жойлаштирилиши) учун мўлжалланган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган, қатнов қисмининг бир бўлаги ёки қатнов қисмига, тротуарга, йўл ёқасига, кўприкка, эстакадага ва кўча-йўл тармоғининг бошқа объектларига туташган, махсус жиҳозланган жой;

**Пулли тўхтаб туриш жойи** — тўлов асосда фойдаланиладиган тўхтаб туриш жойи;

**Ҳаракатланиш учун хавф** — йўл ҳаракати жараёнидан ўша йўналишда ва ўша тезликда ҳаракатланишни давом эттириш йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишига таҳдид қиладиган омил;

**Ажратувчи минтақа** — йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан кўтарилган ёки майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган баланд қисми;

**Электромобиль** — ташқи электр манбаидан қувватланиб фақат электр двигатели билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси;

**Хавф** — йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солувчи ҳар қандай омил;

**Тўсиқ** — йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатсиз ҳолда бўлган жисм (бузилиб қолган транспорт воситаси, тушиб қолган юк, йиқилган дарахт ва бошқалар).

Тирбандлик туфайли ёки Қоидалар талабига биноан ушбу тасмада тўхтаган транспорт воситаси тўсиқ ҳисобланмайди;

**Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситаси** — тезкор вазифаларни бажаришга мўлжалланган, кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқча билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситаси;

**Авария ҳолатини юзага келтириш** — йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини ҳаракат йўналиши ёки тезлигини кескин ўзгартиришга, шунингдек, ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилиш;

**Хорижий автотранспорт воситалари** — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш мақсадларида вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситалари.

**Таркибий бўлинмалар** - Ички ишлар вазирлигининг департамент, бош бошқарма, марказ, мустақил бўлинмалари, таълим муассасалари, Қоровул қўшинлари ҳамда Халқаро

аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонликлари, шунингдек, уларга бевосита бўйсунувчи бўлинмалар;

**Худудий бўлинмалар** - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, улар таркибидаги бошқарма ҳамда мустақил бўлинмалар, туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ҳамда бўлинмалари, шунингдек, улар таркибидаги соҳавий хизматлар;

**Барча даражадаги бошлиқ (командир)лар** - таркибий ва худудий бўлинмалар бошлиқлари (командирлари) ва уларнинг ўрхшбосарлари, шунингдек, мазкур бўлинмалар таркибидаги барча бўлим, бўлинма (саф) бошлиқлари (командирлари), уларнинг ўринбосарлари ва гуруҳ раҳбарлари;

**Жамоа** - ички ишлар органларида хизмат килаётган ходимлар жамоаси;

**Расмий огоҳлантириш** - таркибий ва худудий бўлинмалар бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда мазкур бўлинмалардаги маънавий-маърифий ишларга масъуллар томонидан қўл остидаги ходимни Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналининг 3-бўлими (камчиликка йўл қўйганлиги фактини кайд этиш жадвали)да салбий асосларга кўра рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида яна бир маротаба камчиликка йўл қўйган ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, уни интизомий жавобгарликка тортилиши ҳақида ёзма тарзда расман огоҳлантириш;

**Ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар** - ходимларда она-Ватанга муҳаббат, касамёдига ҳамда хизмат бурчига садоқат тўйгуларини шакллантириш орқали уларда маънавий дунёкарашни юксалтириш, шунингдек, ҳар қандай вазиятда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни виждонан ҳамда сидқидилдан бажаришга тайёргарлигини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

**Ахлоқий-психологик тадбирлар** - ходимларда юксак одоб-ахлоқ ва руҳий барқарорликни, шунингдек хизмат ва кундалик ҳаётда ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига, шў жумладан коррупцияга нисбатан мўросасизлик кайфиятини шакллантириш, фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий муомала маданиятига риоя қилган ҳолда ҳар қандай вазиятда ўзини ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб равишда намоён этиш, жамоада ингчанлик ва ижобий муносабат муҳитини яратиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

**Ҳуқуқий тадбирлар** - ходимларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлар;

**Хавф гуруҳидаги ходимлар** - беш ва ундан ортиқ киншдан иборат оиланинг якка боқувчиси бўлган, икки ва ундан ортиқ вояга етмаган ёки болалигидан ногирон бўлган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган, яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, туғишган фарзандлари, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қайнота ҳамда қайнонаси) орасида оғир касалликка чалингани бўлган, оиласи нотинч аҳволдаги ёки оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган **ижобий тавсифланувчи**, шунингдек, **бир ой давомида** уч ва ундан ортиқ камчиликларга йўл қўйган, икки ва ундан ортиқ қўпол носоғлом ёки ахлоққа зид ҳаракатлар содир этган, бошлиқ (командир)лар билан асоссиз равишда уч ва ундан ортиқ зиддиятли вазиятлар келтириб чиқариб, маънавий-руҳий муҳитга **салбий таъсир кўрсатувчи** ходимлар.

**Ротация** ички ишлар органлари раҳбар таркибининг, қоида тариқасида, тенг мавқели лавозимга, эгаллаб турган лавозимида **уч йил ишлаганидан сўнг** амалга ошириш;

**Хизматда бўлишнинг чегара ёши** сафдор ва сержантлар таркиби ходимлари, шунингдек аёллар учун (мавжуд махсус унвонидан қатъи назар) — **эллик ёш**, офицерлар таркиби учун — **эллик беш ёш**, генераллар таркиби учун **олтмиш ёш**;

**Пенсия олиш ҳуқуқини** берадиган хизмат муддати календарь ҳисобида **йигирма йилни** ташкил қилади, улардан имтиёзли ҳисобланадиган даври ходимларга пенсия миқдори ҳисобланаётган вақтдагина инобатга олинади;

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларидаги кундузги таълимга ўқиш-ёши** ўн еттидан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шў жумладан йигирма беш ёшдаги ҳам, ўрта, ўрта-махсус ёки касб-ҳунар маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртки таълимга ўқиш-** ёши қирқ ёшдан катта бўлмаган, шу жумладан қирқ ёшдаги ҳам, ички ишлар органларида камида уч йиллик амалий хизмат стажига, ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар ёки олий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинади.

**Малака**—муайян касб, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат тушунилади.

**Малака сўзини ҳуқуқий жихатдан тарифлаганда**— ишни бажариш учун қандай касб қай савияда эгаллаганлигини кўрсатувчи даража.

**Малака тоифаси** – бу муайян мезонларга тўғри келадиган ходимнинг малака, меҳнат унумдорлиги ва профессионализи даражасини ўзига хос тан олинишидир.

**Малака тоифаси** – хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган, шунингдек ўз фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга ҳар ойлик қўшимча тўловни назарда тутувчи «учинчи тоифа мутахассиси», «иккинчи тоифа мутахассиси», «биринчи тоифа мутахассиси» ва «уста» малака тоифалари бериледи.

**Тариф разряди**—ходимнинг муайян иш турига лаёқатли эканлигини тасдиқлайди. Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида тариф ставкалари ва мансаб маошларини белгилашда малака разряди муҳим аҳамиятга эга.

**Уста малака тоифасига** -биринчи тоифа мутахассиси малака тоифасига эга бўлиши, хизмат вазифаларни бажариш давомида ёш ходимларга ўрнак бўлиши, ўз соҳасини чуқур таҳлил қилиш қобилиятига эгаллиги, ҳалоллик, қатъийлик, фавқуллодда ва кутилмаган вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиши, хушмуомалалик, хизмат машаққатларига чидамлилик каби маънавий ва шахсий фазилатларга эга бўлиши.

**Ходим** – ички ишлар органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги матнда – ИИВ) таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари), ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчилари;

**Хизмат ёки ижро интизоми бузилиши** – ходимнинг юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ифодаланган қилмиши;

**Номуносиб ҳаракатлар** – ходимнинг ҳуқуқий мақомига хос бўлмаган ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига зид, шунингдек маъмурий жавобгарликка асос бўладиган қилмиши;

**Ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар** – ходимнинг жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган қилмиши;

**Ходимни хизмат вазифасидан вақтинча четлаштириш** – ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимни хизмат текшируви муддатида ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш;

**Хизмат текшируви хулосаси** – хизмат текшируви жараёнида тўпланган далиллар, шу жумладан, ҳужжатлар, шикоят билан мурожаат қилган шахс ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек, эксперт хулосаси ва мутахассис фикрларига мувофиқ ходимнинг қонунбузилишига алоқадорлиги ва айблилиги масаласини аниқлаш юзасидан тузиладиган яқуний ҳужжат.

**Нафақа**- хизматдан бўшатилаётган ходим ва ҳарбий хизматчига ёки ички ишлар органлари пенсионерининг вафот этганлиги муносабати билан дафн этиш маросими учун унинг оила аъзоларига бир марта тайинланадиган пул тўлови;

**Пенсия**-ички ишлар органлари ходим ва ҳарбий хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларига пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови

**Бир марталик нафақа** - хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган (етказилган) ходим ва ҳарбий хизматчига ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходим ва ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига тўланадиган тўлов тури

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи** Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органларида контракт бўйича ҳарбий хизмат қилаётган оддий аскар, сержант ва офицерлар

**Ҳарбий хизматчи** -ички ишлар органлари ҳарбий тузилмаларида хизмат ўтаётган контракт бўйича ва муддатли ҳарбий хизматчилар

**Мониторинг тизимлари** - назорат остида стационар ва ҳаракатланувчи объектларда ахборот ва сигналларни қабул қилиш, қайта ишлаш учун мўлжалланган қурилма ва дастурий таъминотлар мажмуи;

**Мобиль илова** - смартфон, планшет ва бошқа мобиль қурилмаларда ишлаш учун мулжалланган “102” тизими платформасида ишловчи дастурий таъминот;

**Call-марказ** (қўнғироқлар маркази)-ИИО “102” тизимининг ягона телекоммуникация платформасида тармоқланган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудларида марказлашган тарзда “102” қисқа рақами орқали қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган ҳимояланган дастурий-техник таъминоти, асосий ва захира автоматлаштирилган иш жойлари ҳамда операторлар гуруҳи мажмуи.

**Нимтизим** - функционал ёки ташкилий тузилиши асосида ажратилган, муайян мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи “102” тизимининг бир қисми;

**Касб стандарти** - “102” хизмати Call-марказида хизмат қилувчи, ИИОнинг ўрта бўғин мутахассис ходимлари гуруҳи (кичик мутахассис, мутахассис, катта мутахассис, етакчи мутахассис - супервайзер ва бош мутахассис - катта супервайзер) лавозимларига таълим, ўқиш, амалий иш тажриба, меҳнат вазифалари (меҳнат ҳаракатлари, зарур билим ва кўникмалар ва бошқа тавсифлар) бўйича қўйилган махсус талаблар мажмуи;

**Тўсатдан алоқа узилиши** - “102” қисқа рақамига қўнғироқ қилган шахс (абонент) ва Call-марказ оператори ўртасида абонентга боғлиқ бўлган ёки булмаган ҳар қандай ҳоллардаги алоқа узилиши;

**Омниканал платформа** - ҳодиса ҳақида оммабоп алоқа каналлари: ижтимоий тармоқлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий сайтлар, мобиль иловалар (видеокўнғироқлар), SMS (овозли бўлмаган қисқа матнли хабарлар) ва бошқа каналлар ёрдамида юборилган, шунингдек, бошқа автоматлаштирилган мониторинг тизимлари орқали келиб тушган маълумот ва сигналларни ягона телекоммуникация платформасида қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминловчи ҳамда ушбу каналларни мақбуллаштириш орқали бошқариш имкониятига эга “102” тизимининг дастурий нимтизими;

**Эрланг модели** - Даниялик олим А.К. Эрланг томонидан ишлаб чиқилган, Call-марказда қабул қилинган қўнғироқлар сони, оператор томонидан ўртача гаплашиш вақти ва абонентлар томонидан қўнғироқ қилишдаги кутиш вақтининг ўзаро ҳисоб-китобига кўра, Call-марказга талаб этиладиган операторларнинг сонини баҳолаш имконини берувчи коэффициент;

**SMS хабарлар** - жинойт, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар ҳақида мобиль алоқа воситалари орқали юборилган SMS - қисқа матнли хабарлар;

**Автоматлаштирилган иш жойлари** - “102” хизмати оператори (мутахассис)нинг касбий фаолиятини автоматлаштириш учун мўлжалланган, “102” тизимида керакли ҳужжатларни тайёрлаш, таҳрирлаш, қидириш, рўйхатга олиш, жўнатиш ва чоп этишни таъминловчи алоҳида техник ва дастурий воситалар тўплами;

**Ахборот хавфсизлиги** - “102” тизими маълумотларини йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасддан бўладиган таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда дастурий ва техник чора-тадбирлар комплекси ёрдамида ахборотнинг ҳимояланганлиги;

**Аутоген машғулотлар** - стресс туфайли бузилган оператор танаси гомостатик механизмларининг динамик мувозанатини тиклашга қаратилган психотерапевтик методлар мажмуи;

**Қўнғироқларни қайта ишлаш захира маркази-ҳар** бир ҳудудий ИИОда Call-марказ захирасини яратиш ва унинг негизида операторларни ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган, “102” хизматининг асосий Call-маркази зиммасига юклатилган барча функцияларнинг авария режимида тўлик бажарилишини таъминловчи аппарат-дастурий мажмуи;

**Тезкор маълумот-“102”** тизими орқали қабул қилинган, тезкор ва кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши талаб этиладиган жинойт, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар, шунингдек шошилиш ва фавқулодда вазият ҳақидаги хабар, автоматлашган мониторинг тизимлари сигналлари;

**Жорий маълумот-“102”** хизматига амалга оширилган қўнғироқлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар, натижалар, бартараф этилган ҳолатлар, “102” тизимининг ишчанлик ҳолати бўйича умумлашган маълумотлар ҳамда маслаҳат-маълумот ва прогноз кўрсаткичлари;

**Конфиденциал ахборот** - “102” тизимида фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган, дастурий-техник чоралар билан ҳимояланиши талаб этиладиган, хизматга ва шахсга оид тезкор маълумотлар;

**Манфаатлар тўқнашуви** - “102” хизмати персоналининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифалари ва функцияларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатлар.

**Шахсий манфаатдорлик** - “102” хизмати персоналининг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар билан яқин ёки хизмат муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлиш.

**Терроризм** – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун, ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши” (шикастлантарилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверинитети, ҳудудий яхлитлигини бузушга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб, ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишларнинг асл моҳияти терроризм эканлиги кўрсатиб ўтилган.

**Экстремизм** лотин тилидан олинган бўлиб, “кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик” маъносини англатади.

**Диний экстремизм** – кенг маънони англатади. Экстремистлар барча динларда, масалан буддизм, христианлик, исломдаги турли оқимларда учраб туради. Олимлар “экстремизм” иборасини сиёсий атама деб қарайдилар. Бу атаманинг сиёсат билан боғлиқ жиҳатлари шундаки, норасмий экстремистик ташкилот раҳбарлари сиёсий масалалар юзасидан “кескин, қатъий чоралар кўриш йўли билан”, яъни куч ишлатиш, зўрлик билан давлатлардаги расмий ҳокимиятни ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги тезкор йўллар билан олинган турли манбалардан маълум.

**Сепаратизм** - лотинча “сепаратус” сўзидан олинган бўлиб, алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлишга интилиш демакдир. Бу ҳам ҳокимиятни ноқонституциявий йўллар билан қўлга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралаштирилишини билдиради.

**Фундаментализм** - ўта тор диний атама ҳисобланади. Бу атама аслида христиан дини билан боғлиқдир. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йил АКШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан ишлатилган. Ислом фундаментализми соф ислом асосига қайтиш, исломни асл ҳолида қўллаш зарур ва фақат шу йўл билан ислом динини бидъатдан “тозалаш”га эришиш мумкин деган нотўғри қарашларни тарғиб қилади.

**Ақидапарастлик** - (ақида - арабча – ишонч) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлоқлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

**Терроризм** – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун, ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши” (шикастлантарилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверинитети, ҳудудий яхлитлигини бузушга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб, ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишларнинг асл моҳияти терроризм эканлиги кўрсатиб ўтилган.

**Экстремизм** лотин тилидан олинган бўлиб, “кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик” маъносини англатади.

**Диний экстремизм** – кенг маънони англатади. Экстремистлар барча динларда, масалан буддизм, христианлик, исломдаги турли оқимларда учраб туради. Олимлар “экстремизм” иборасини сиёсий атама деб қарайдилар. Бу атаманинг сиёсат билан боғлиқ жиҳатлари шундаки, норасмий экстремистик ташкилот раҳбарлари сиёсий масалалар юзасидан “кескин, қатъий чоралар кўриш йўли билан”, яъни куч ишлатиш, зўрлик билан давлатлардаги расмий ҳокимиятни ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги тезкор йўллар билан олинган турли манбалардан маълум.

**Сепаратизм** - лотинча “сепаратус” сўзидан олинган бўлиб, алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлишга интилиш демакдир. Бу ҳам ҳокимиятни ноқонституциявий йўллар билан қўлга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашиларини билдиради.

**Фундаментализм** - ўта тор диний атама ҳисобланади. Бу атама аслида христиан дини билан боғлиқдир. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йил АҚШнинг Калифорния штати протестантлари томонидан ишлатилган. Ислом фундаментализми соф ислом асосига қайтиш, исломни асл ҳолида қўллаш зарур ва фақат шу йўл билан ислом динини бидъатдан “тозалаш”га эришиш мумкин деган нотўғри қарашларни тарғиб қилади.

**Ақидапарастлик** - (ақида - арабча – ишонч) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлоқлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

**Конфессия** сўзи (лотинча – “confessio”) ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “эътиқод қилиш”, деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади.

**Диний секта** деганда эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган диний гуруҳлар тушунилади. Шунингдек, ушбу тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

**Миссионерлик** эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуасини билдиради.

**Миссионерлик** — бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатиб, дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган.

**Дастлабки идентификация** — жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олишга, ўрганишга ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар;

**Сухбат** — одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш, уларга тегишли ёрдамларни кўрсатиш учун одам савдосидан жабрланган шахс сифатида эътироф этишга ҳамда уларнинг Қонунда кўрсатилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган сухбат;

**Сухбат ва қайта йўналтиришни олиб борувчи мутахассис** — «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида кўрсатилган давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг махсус билим ва кўникмага эга бўлган вакили;

**Қайта йўналтириш** — одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни тезкор, сифатли ва малакали ёрдам кўрсатилишига ҳамда ҳимояга олишга йўналтириш;

**Яқуний идентификация** — жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

**Ислом динининг тарихи, йўналишлари, мазҳаб ва мактаблари тўғрисидаги махсус билимларни ички ишлар органлари фаолиятида ахамияти»**

**Жиноят** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисми нормаларида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**Ҳодиса** – табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва бошқа терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган воқеалар;

**Мурожаат** – Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш шарт бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари;

**Хабар** – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси) ваколатли мансабдор шахси ёки оммавий ахборот воситаларининг

жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилайётган, суикасд қилинаётган ҳамда тамом бўлган жиноят ва ходиса ҳақида берган ахборотларига доир муружаатлар;

**Аноним муружаат** – имзосиз, қалбаки имзоли, шу жумладан электрон шаклдаги ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ва бошқа аноним хабарлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг қонуний вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар акс эттирилган ахборотлар;

**Гиёҳвандлик воситалари** – “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари.

**Прекурсорлар** – БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида”ги 1988 йилги Конвенциясига Илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда.

**Психотроп модда** – БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал.

**Катта экин майдони** – 1.000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони.  
ўртача катталиқдаги экин майдони – 250 квадрат метрдан 1.000 квадрат метргача бўлган экин майдони.

**Сақлаш** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

**Ташиш** деганда, ташиш усулидан қатъи назар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

**Жўнатиш** деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга хилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

## **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Қонуллари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м., 2015. – № 32. – 425-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699 сонли Қонун;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 май кунидаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-244-сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т., 2023. – Lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Т., 2023. – Lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.–Т., 2021. – Lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 445-сон Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-633-сон Қонуни.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрда Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4075-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4343-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар



органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашга жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги “Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-298-сон Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”ги ПҚ-311-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “2022 - 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган «хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-316-сон Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йилдаги 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3413-сонли қарори;

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги ВМҚ-354-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий химоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-118-сон қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 ноябрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-343-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон буйруғи;
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майда “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 166-сон буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ-172-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги “Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-212-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ-353-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-377-сон Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги “Автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-393-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 августдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-536-сон қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 22 январдаги буйруғи “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ички ишлар органларига бириктирилган секторлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 19-сонли буйруғи.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда «хавфсиз йўл» индексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида” 415-сонли Қарори;
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи.
14. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 25.01.2020 йилдаги “102 автоматлаштирилган маълумотлар тизимини ўз вақтида жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 36-сонли буйруғи.
15. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 09.05.2022 йилдаги “Ички ишлар органларининг 102 хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи.
16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ИИВнинг 01.02.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига келиб тушаётган жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни

соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 15-ҚҚ-4 сонли Қўшма қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда 2018 йил 27 ноябрь куни “Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан хизмат текширувларини тайинлаш, ўтказиш ҳамда хизмат текширувларининг ягона ҳисобини юритишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҚҚ-74-75-сонли қўшма қарор

18. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 1 октябрдаги “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 404-сон буйруғи.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 31 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш ва малака тоифасига эга ходимлар ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 165-сонли буйруғини ўқиб тўлиқ конспект қилиш.

## **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

### **II.**

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ 2021. –465 б.

2. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз». – Т., 2017 й.

3. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2021. – 6 ноябрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2021., № 243 (6678.)

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.

## **III. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

1. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

2. Норматов К.Н., Янги Ўзбекистон меъмори. Сиёсий. Т., 2011.136 б.

3. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н.Шуқуров ва бошқ.; генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 414 б.

4. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш асослари”: Ўқув қўлланма / муаллифлар жамоаси. 2021 йил.- 361-б.

5. Туман(шаҳар) ИИБ навбатчилик қисмларининг хизмат фаолиятини таъминлаш этиш: Маърузалар курси/У.Э.Расулев, Б.Х.Тўйчиев, Р.Т.Рашидходжаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2020. – 248 бет.

6. Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқув-амалий қўлланма / М.З. Зиёдуллаев.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 70 б.

## **Интернет сайтлари:**

1. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

2. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3. <http://press-service.uz/uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).

4. <http://natlib.uz> (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).

5. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
6. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET таълим портали).
7. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz таълим видеопортали).
8. <http://book.uz/> (Электрон адабиётлар кутубхонаси).
9. <http://www.xs.uz> («Халқ сўзи» газетаси).
10. <http://www.legislationline.org/ru> (Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ).

**“ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ “МАЙОР”  
МАХСУС УНВОНИНИ БЕРИШ УЧУН  
МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСИ  
БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ . \_\_\_\_ . 2023 й. Нашриёт ҳисоб табоғи \_\_\_\_ .  
Буюртма № \_\_\_\_ Адади \_\_\_\_ нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳри, Хусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.